

Узб. 2
369
17-42



**ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**



138.2
369

17-42 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан 5520100 – Ижтимоий иш
(пенсия таъминоти) йўналиши талабалари учун
дарслик сифатида тавсия этилади*

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
100 йиллигига бағишланади

Тошкент
“IQTISOD-MOLIYA”
2018

УЎК: 364.35(075.8)

КБК: 67.405(0)

Тақризчилар: *и.ф.д., проф. А.М. Садиков;*

и.ф.н., доц. Б.С. Маматов

II 31 Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси: Дарслик /
А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажикаев, Б.Б.Бахтиёров, Ж.Н.Файзуллаев,
Ш.Р.Раҳманов, Д.Ш. Одинаев; – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2018. – 400 б.

Дарсликда пенсия тизимининг вужудга келиши, шаклланиш босқичлари, ҳолати, ривожланиш тенденциялари ва ислоҳ этиш моделлари, унинг айрим мамлакатларда амал қилнш хусусиятлари таҳлил этилган. Жаҳонда бирдамлик тамойилига асосланган пенсия тизимининг ривожланиши, чекланганлиги, жамғариш тамойилига асосланган пенсия тизимига ўтишнинг зарурлиги, *ислоҳ этишнинг* параметрик ва тизимли моделлари киёсий таҳлил этилган, самарали, молиявий барқарор пенсия тизимини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ўрганилган. Жаҳонда ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари пенсия тизимларини ислоҳ этиш ҳолати баҳоланган, ривожланиш тенденциялари ва устувор йўналишлари баён этилган. Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этишнинг бой, илғор тажрибасидан Ўзбекистонда пенсия таъминотини ислоҳ этиш амалиётида қўллаш имкониятлари ўрганилган.

Ушбу дарслик олий ўқув юртларининг ижтимоий иш (пенсия таъминоти) йўналишида ўқиётган бакалаврлар, магистрантларга, ижтимоий соҳа иқтисодиёти, ижтимоий суғурта, пенсия таъминоти билан боғлиқ фанларни ўқитадиган профессор-ўқитувчилар, пенсия таъминоти соҳасида илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган докторант, мустақил тадқиқотчиларга, пенсия тизимини ислоҳ этишнинг амалий жиҳатлари билан кизикувчилар учун мўлжалланган.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг А-2-61 “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари” мавзусидаги амалий давлат илмий гранти доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

УЎК: 364.35(075.8)

КБК: 67.405(0)

ISBN 978-9943-13-735-6

© А.В.Вахабов ва бошқалар, 2018

© “IQTISOD-MOLIYA”, 2018

МУНДАРИЖА

КИРИШ	7
--------------------	---

I БОБ. ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1.1. “Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари	9
1.2. Пенсия тизимларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари	10
1.3. Пенсиянинг ижтимоий таъминот тизимидаги ўрни	17

II БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДАГИ АҲАМИЯТИ

2.1. Пенсия таъминоти тизимининг базавий институтлари.....	23
2.2. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан пенсия тизимларини гуруҳлаш услубияти	24
2.3. Жаҳон банки ва ХВФнинг пенсия тизимини ривожлантиришга бўлган муносабати	27
2.4. Пенсия тизимларини шакллантиришда Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро ижтимоий таъминот ассоциацияси (МАСО) ёндашуви	29

III БОБ. ЖАҲОНДАГИ ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ МОДЕЛЛАРИ ВА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ

3.1. Халқаро молия институтлари ва пенсия таъминотининг уч даражали тизимига ўтиш муаммолари	38
3.2. Пенсия тизимини ислох этиш моделлари.....	42
3.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг пенсия таъминоти тизимига таъсири ва ислохотларнинг чуқурлашуви	45
3.4. Миллий пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини ислох этишнинг хориж тажрибаси.....	55

IV БОБ. АҚШ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

4.1. АҚШда пенсия сугуртаси дастурлари эволюцияси.....	68
4.2. АҚШ пенсия таъминоти тизими ҳолати	77
4.3. АҚШ пенсия фондларининг инвестицион сиёсати	83

V БОБ. КАНАДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

5.1. Канада пенсия таъминоти тизими	92
5.2. Канада давлат пенсия таъминоти тизимининг молиявий сиёсати	96

5.3. Канада пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари.....	101
--	-----

VI БОБ. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИ ТАРҚИБИ ВА ИСЛОХ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

6.1. Европа Иттифоқи мамлакатлари пенсия тизимининг хусусиятлари.....	108
6.2. Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар трендлари.....	111
6.3. Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия таъминоти тизимини ислох этиш истиқболлари.....	120

VII БОБ. ГЕРМАНИЯ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

7.1. Германия пенсия тизимининг шаклланиш босқичлари	129
7.2. Германия пенсия тизимининг амал қилиш тамойиллари ва таркиби.....	132
7.3. Германияда пенсияларни ҳисоблаш тартиби	139
7.4. Германия пенсия тизимини ислох этиш ва инвестицион имкониятларини ошириш йўналишлари	143

VIII БОБ. БУЮК БРИТАНИЯ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

8.1. Буюк Британия пенсия тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари	151
8.2. Буюк Британия пенсия таъминоти тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари	156
8.3. Буюк Британия пенсия тизимини ислох этиш йўналишлари	163

IX БОБ. ФРАНЦИЯ ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ, ТАРҚИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

9.1. Францияда пенсия тизимининг шаклланиш босқичлари ва таркибий тузилиши	172
9.2. Франция пенсия тизимининг ривожланиш омиллари.....	179
9.3. Франция пенсия тизимида амалга оширилган ислохотлар.....	190

X БОБ. СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

✓ 10.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг Скандинавия модели хусусиятлари.....	200
10.2. Скандинавия мамлакатлари пенсия тизимининг умумий ва фарқли жihatлари.....	203
10.3. Швеция пенсия тизимининг шаклланиши ва таркиби	214
10.4. Швеция пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари.....	220

XI БОБ. ЯПОНИЯ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

11.1. Японияда пенсия тизими ва унинг таркиби	231
11.2. Аҳоли қариши жараёларининг Япония пенсия тизими барқарорлигига таъсири	239
11.3. Япония пенсия тизимининг молиявий барқарорлиги ва инвестицион имкониятларини фаоллаштириш	243
11.4. Япония пенсия тизимининг ривожланиш истикболлари.....	247

XII БОБ. ХИТОЙДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

12.1. Хитой пенсия тизимининг ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари	257
12.2. Хитойда пенсия тизимининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари..	262
12.3. Ўрта истикболда Хитой пенсия тизимини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари	268
12.4. Узок муддатли истикболда Хитой пенсия тизимини ривожлантириш стратегияси.....	273

XIII БОБ. ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

13.1. Латин Америкаси мамлакатларида пенсия ислохотларини амалга ошириш хусусиятлари	282
13.2. Чили пенсия тизимининг ривожланиш босқичлари ва пенсия ислохотларини амалга ошириш шарт-шароитлари ва тамойиллари	286
13.3. Чили пенсия тизимининг хусусиятлари ва таркиби	289
13.4. Чили пенсия тизимининг инвестицион фаоллигини ошириш йўналишлари	295

XIV БОБ. БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

14.1. Болтиқбўйи республикаларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг умумий ва фарқли жиҳатлари.....	303
14.2. Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия таъминоти тизими ва уни ривожланиш тенденциялари	306
14.3. Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия тизимини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари.....	311

XV БОБ. МДҲ ДАВЛАТЛАРИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

15.1. МДҲ мамлакатлари пенсия тизимида амалга оширилган ислохотларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари	317
15.2. МДҲ мамлакатлари пенсия тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш омиллари таҳлили.....	320

15.3. МДХ мамлакатларида пенсия тизимининг ислох этиш йўналишлари 324

XVI БОБ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

16.1. Россия пенсия тизимини ислох этиш зарурияти ва ривожланиш босқичлари	332
16.2. Россия пенсия тизими таркиби, ҳолати ва молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари	335
16.3. Россия Федерациясида жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш хусусиятлари	340
16.4. Россия Федерацияси пенсия тизимини ислох этишнинг устувор йўналишлари	348

XVII БОБ. ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

17.1. Қозоғистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотиға ўтиш хусусиятлари	354
17.2. Қозоғистон пенсия тизимининг ҳолати, таркиби ва молиявий барқарорлик муаммолари	357
17.3. Қозоғистонда пенсия фондларини бошқариш ва уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш имкониятлари	361
17.4. Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари	364

XVIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

18.1. Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг шаклланиш босқичлари ва ҳуқуқий-институционал асослари	372
18.2. Ўзбекистон пенсия тизимининг таркиби ва молиялаштириш амалиёти	378
18.3. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг жорий этилиши ва амал қилиш механизми	383
18.4. Ўзбекистон давлат пенсия таъминоти тизимини ислох этишнинг устувор йўналишлари	386
Фойдаланилган адабиётлар	393

КИРИШ

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида давлат пенсия таъминотини ислох этишнинг концептуал асосларини, жаҳонда пенсия тизимини вужудга келиши, ривожланиш омиллари ва босқичлари, бирдамлик пенсия тизимидан жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтишнинг объектив зарурлиги, ислохотларни иқтисодий механизми ва амалга ошириш дастаклари, ислох этиш моделларини қиёсий таҳлил этиш ва уни Ўзбекистон давлат пенсия таъминотини ислох этиш жараёнида ижодий қўллаш муаммолари мамлакатимиз иқтисодий адабиётида ўрганилмаган, долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади. Шу билан биргаликда мамлакатимиз олий ўқув юр்தларида пенсия иши, ижтимоий соҳа иқтисодий, ижтимоий таъминот, ижтимоий иш (пенсия таъминоти) йўналишлари ва мутахассисликларида ўқиётган талабалар учун давлат пенсия таъминотини ислох этишга оид жаҳонда тўнланган бой, илғор иқтисодий тажрибани умумлаштирган дарсликлар йўқ. Иқтисодий фандаги ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида юқорида қайд этилган долзарб мавзуларга бағишланган дарслик, ўқув қўлланмаларни тайёрлаш муҳим ўқув-услубий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Ушбу дарслик ўз олдига қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, мантикий жиҳатдан боғланган кириш, тўрт қисм, 18 боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Дарсликнинг биринчи қисми жаҳонда пенсия тизимини шаклланиш тарихи, ривожланиш омиллари ва босқичлари, пенсия таъминотини вазифалари, таркиби ва жамиятда тутган ўрнини ўрганишга бағишланган. Бирдамлик тамойилига асосланган пенсия тизимини XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги ривожланиши, ҳолати ва айрим мамлакатларда пенсия тизимини ривожланиш хусусиятлари, тенденцияларини тадқиқ этишга бағишланган. XX асрнинг иккинчи ярмида бирдамлик тамойилига асосланган пенсия тизимини чекланганлиги, молиявий барқарорлигини кучайтиш тенденцияларини тадқиқ этишга, жамғариш тамойилига асосланган пенсия тизимига ўтишнинг зарурлиги, ислох этишнинг параметрик ва тизимли моделларини амал қилиш механизми ва дастаклари самарадорлиги масалалари, оптимал, молиявий барқарор пенсия тизимини шакллантиришнинг устувор йўналишлари қиёсий таҳлил этилган.

Дарсликни иккинчи қисми ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислох этишни қонуниятлари ва уни АҚШ, Канада, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари, жумладан, Германия, Буюк Британия, Францияда намойиш бўлиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Дарсликни учинчи қисми ривожланаётган мамлакатлар ҳисобланган, жамғариладиган пенсия тизимини революцион шаклда шакллантириш ва амал қилиш борасида катта тажриба тўнлаган Латин Америка ҳамда

босқичма-босқич пенсия тизимини ислох этиш бошлаган Хитой халк республикаси пенсия тизимининг шаклланиш тарихи, ривожланиши, ҳозирги ҳолати, таркиби ва ислох этиш жараёнини тадқиқ этишга бағишланган.

Дарсликнинг тўртинчи қисми ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ҳисобланган Болтиқбўйи, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги жумладан Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Ўзбекистон пенсия тизимининг шаклланиш тарихи, ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллашуви, таркиби, XXI аср бўсағасида ушбу мамлакатлар гуруҳида амалга оширилаётган ислохотларнинг миллий дастурлари қиёсий тадқиқ этилган ва узок истикболга бағишланган ривожланиш стратегиялари баён этилган.

Ушбу дарсликнинг афзаллик жиҳати шундаки, қиёсий таҳлил мезониктисодиёт, минтақавий иқтисодиёт ва миллий иқтисодиётлар даражасида олиб борилган ва пенсия тизимини ривожлантиришнинг узок муддатга мўлжалланган муқобил вариантлари ишлаб чиқилган. Дарсликда баён этилган фикр, мулоҳаза ва тавсиялар БМТ таракқиёт дастури, Жаҳон банки гуруҳи, Халқаро валюта фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва Таракқиёт ташкилоти каби халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ҳисоботлари, статистик тўпламлари, бюллетенлари, илмий журналлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистик тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисоботлари ва маълумотларига асосланган.

Сизнинг ихтиёрингизга ҳавола этилаётган дарслик Ўзбекистон Миллий университети, Иқтисодиёт факультети “Макроиктисодиёт” кафедрасининг етакчи профессор-ўқитувчиларининг қўйидаги муаллифлар гуруҳи томонидан проф. А.В. Вахабов раҳбарлигида ёзилган: I-III, VII, X, XIII, XVI-XVIII боблар – и.ф.д., проф. А.В. Вахабов, доц. в.б. Ш.Х. Ҳажигабаев, IV-VI, VIII боблар – ўқит. Б.Б. Бахтиёров, IX, XI боблар – ўқит. Ж.Н. Файзуллаев, XII боб – кат. ўқит. Ш.И. Раҳмонов, XIV боб – кат. ўқит. Д.Ш. Одинаев, XV боб – ўқит. Б.Б. Бахтиёров, кат. ўқит. Д.Ш. Одинаев.

I БОБ. ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1.1. “Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон пенсия тизимини жаҳон тажрибасига таянган ҳолда ислоҳ этиш амалга оширилмоқда. Пенсия тизимининг пировард мақсади ҳамма меҳнат пенсионерларини моддий таъминотини барқарор механизмини яратишдан иборат. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасига биноан бирдамлик тизимидан жамғарилиш тизимига ўтиш мамлакат пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Ушбу фан пенсия тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, жаҳондаги пенсия тизимларини ривожлантириш моделлари, пенсия таъминотини ислоҳ этишнинг жаҳон тажрибаси, Ўзбекистонда пенсия тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, хорижий мамлакатлар пенсия тизимларини амал қилиш механизми ва дастакларини ўрганиш билан боғлиқ масалаларини қамраб олади.

“Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” фанини ўқитишдан мақсад - талабаларда пенсия тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, жаҳондаги пенсия тизимларини ислоҳ этиш моделлари, Ўзбекистонда пенсия тизимининг ташкил топиши ва ривожланиши тўғрисида тизимли комплекс билим, иқтисодий қараш ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

“Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- пенсия тизими тўғрисидаги ижтимоий-иқтисодий қарашларни шакллантириш;
- жаҳонда пенсия тизимларининг вужудга келиши ва ривожланиш жараёнини тавсифлаш;
- хорижда пенсия тизимини ислоҳ этиш механизми ва амалга ошириш воситалари тўғрисида малакавий билимларни бериш;
- Ўзбекистонда пенсия тизимининг ривожланиш босқичлари, ҳолати, тенденциялари ва узок муддатли истикболда тараққий этиш истикболлари борасидаги билимларни амалиётга жорий этиш кўникмаларини шакллантириш.

“Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” фани ихтисослик фани ҳисобланади. Ушбу фанни мукамал ўзлаштириш учун талабаларда ўқув режасида кўзда тутилган ҳуқуқ асослари, иқтисодий назария, социология, олий математика, эҳтимоллар назарияси ва математик

статистика, ахборотлар технологиялари ва тизимлари, макроиктисодиёт, меҳнат иқтисодиёти ва бандликни таъминлаш, инсон тараққиёти, статистика, молия ва солиқлар, давлат пенсия таъминоти, ижтимоий соҳа иқтисодиёти фанларидан етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

“Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” фани “Ижтимоий сиёсат”, “Давлат пенсия таъминоти”, “Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар”, “Ижтимоий соҳани молиялаштириш”, “Ижтимоий сугурта” ва бошқа фанларни ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Пенсия тизими меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш тизимининг муҳим бўғини ва ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб, уни самарали амал қилиши мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожланишини ва самарадорлигини оширишни муҳим омили ҳисобланади. “Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси” мамлакатимизда пенсия тизимини амалиётини жаҳон андозалари ва замонавий талаблар асосида ислоҳ этиш, унинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

1.2. Пенсия тизимларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Илк классик пенсия тизимлари XIX асрнинг охирида пайдо бўлган. Бу соҳадаги дастлабки тўлақонли пенсия тизими Германияга тегишлидир. 1883 – 1884 йилларда Германияда қасаллар ва ишлаб чиқаришда ногирон бўлганларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилган. 1889 йилдан бошлаб эса пенсия таъминоти тизими пайдо бўлди. Кейинчалик пенсия таъминоти тизими Европанинг Дания (1891 й.), Буюк Британия (1908 й.), Франция (1910 й.), Швеция (1913 й.), Италия ва Нидерландия (1919 й.) каби мамлакатларида жорий этилди¹.

XIX асрнинг 90-йиллари ва XX асрнинг 20-йиллари охиригача бўлган даврни пенсия тизими ривожланишининг биринчи босқичи деб айтиш мумкин. Дастлабки пенсия жамғармалари сугурта бадаллари кўринишида шаклланган. Ишловчининг сугурта бадалларини тўлаш имконияти унинг тизимда иштирок этишини таъминлаб берган. Шу туфайли унда иштирок этиш факат ишлайдиган эркаклар ва уларнинг оила аъзолари билан чекланган. Шундай қилиб пенсия олиш ҳуқуқи сугурталанган шахснинг бадаллари тўлашининг аниқ шартлари билан узвий боғланган ҳолда, тизимнинг амал қилиш соҳаси чекланган бўлиб, тўланадиган пенсия миқдори юқори бўлмаган.

Биринчи босқичнинг муҳим жиҳати ўзаро ёрдам ва фуқароларга тиббий хизмат кўрсатилиши бўлди. Бу боралаги тарихий кадам XIX асрнинг охирида қўйилди, яъни Бисмарк бошқараётган Германия саноатида ишловчилар учун мажбурий ижтимоий сугурта тизими жорий этилди.

¹ Мосейко В. В. Генезис пенсионных систем как проявление социальной функции государства // Центр проблемного анализа и государственно-управленческого проектирования. 2008. <http://www.rustrand.ru/Doklad5/Moseiko.pdf>

Ушбу тизим касаллик бўйича (1883 й.), ишлаб чиқаришлардаги бахтсиз ҳодисалар рўй берган ҳолатларда (1884 й.), ногиронлик ва ёшга доир (1889 й.) бўйича таъминотларни ўз ичига олди. 1891 йилдан ёшга доир пенсиясини олиш имконияти пайдо бўлди, яъни пенсия олувчининг ёши 70 ёшга тўлган бўлиши керак бўлган ҳолда, мамлакатда шу даврда ўртача умр кўриш давомийлиги 45 ёш бўлган.

Ғарб мамлакатлари аста-секин ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириб бордилар. 1919 йилдан бошлаб англо-саксон ва скандинавия мамлакатлари миллий конунчилигига қариллик бўйича нафақа, кўрларга ёрдам ва баъзи ҳолларда меҳнатга яроқсизлик бўйича ёрдамни таъминловчи давлат ташкилотларини қўллаб-қувватловчи бегараз пенсия тизими киритилди.

Европада 30-йилларгача қўлланилаётган ижтимоий таъминотнинг мажбурий тизимининг камраб олиш даражаси нисбатан паст бўлди, жумладан кишлоқ хўжалигида банд бўлган шахслар, уйда ишловчилар, уй хизматчиси ва “оқ ёкаллар” унинг ҳаракат доирасидан чиқариб ташланди. Кимнинг иш ҳақи маълум минимал даражадан ошмаса, ўша ишловчиларга мажбурий ёрдам кўрсатилган.

Жаҳонда 30-йиллар бошида содир бўлган иқтисодий инкироз ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ривожланишида янги даврни очиб, ижтимоий конунчиликнинг ҳаракат доирасини кенгайтиришга туртки бўлди ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларига аралашувини такозо эта бошлади. Шу тариқа ижтимоий суғурта ва таъминотнинг миллий тизими тўла шаклланиб, ижтимоий ҳимоя тизими ривожланишининг иккинчи босқичига ўтилди. Иккинчи босқичнинг муҳим хусусияти, ҳукмрон доиралар стратегияси ишчилар ҳаракати билан муносабатида ижтимоий ҳамкорлик томонига йўналтирилди ва ижтимоий ҳимоя тизими эволюциясининг иккинчи босқичи жамоавий шартнома, деб аталади. Ушбу шартномага мувофиқ давлат ногиронлар, ишсизлар ва қарияларнинг ижтимоий таъминотини молиялаштиришда қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

XIX асрнинг 20-йилларидан бошлаб пенсия таъминоти барча тараққий этган мамлакатларда ижтимоий таъминотнинг устувор йўналишига айланди. Шу билан биргаликда пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартиби кўп маротаба ўзгартирилди ва такомиллаштирилди.

Айрим мутахассислар пенсия тизимларини давлатнинг иқтисодиётдаги роли, хусусий ва давлат пенсия тизимлари компонентларининг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб гуруҳлашга ҳаракат қилишади. Уларнинг фикрича пенсия тизимлари эволюцияси давлат моделларининг аралаш моделларга қараб, аралаш моделлардан эса хусусий моделларга қараб ривожланади (1.1-жадвал)².

² Навикова А. А. Особенности эволюции зарубежных пенсионных систем // Мировая экономика и международные отношения. 2006. № 5. С. 67

Бошқа гуруҳ иктисодчилар пенсия тизимларини ташкил этишнинг англо-саксон (Беверидж модели) ва континентал (Бисмарк модели) тизимларини фарқлашади³. Уларнинг фикрича Беверидж моделига (Буюк Британия, АҚШ, Канада) хос хусусиятлар куйидагилардан иборат: иш ҳақи миқдорининг ялли ички маҳсулотдаги улушининг юкорилиги (60-65%), тақсимот тизмига ажратилаётган бадаллар миқдорининг камлиги (иш ҳақи миқдорига нисбатан 12-14 % ёки ЯИМга нисбатан 6-7 %), кўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги (ЯИМга нисбатан 3-4%).

1.1-жадвал

Пенсия тизимларининг гуруҳланиши

Давлат пенсия тизимлари	Хусусий пенсия таъминоти билан тўлдирилган давлат пенсия тизимлари	Давлат пенсия таъминоти билан тўлдирилган хусусий пенсия тизимлари	Хусусий пенсия тизимлари
Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар, Италия, Сингапур	АҚШ, Канада, Австралия, Германия	Буюк Британия, Япония	Чили

Бисмарк модели (Германия, Италия, Австрия, Франция) эса куйидаги хусусиятларга эга: иш ҳақи миқдорининг ЯИМдаги улушининг камлиги (45-50%), бадаллар миқдорининг юкорилиги (ЯИМга нисбатан 15 %гача), кўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги (ЯИМга нисбатан 2-3%).

Бошқа гуруҳ иктисодчи олимлар пенсия тизимини ташкил этишнинг куйидаги уч хил турини фарқлашади⁴.

Беверидж модели. Буюк Британия, Австралия, Ирландия, Канада ва Шимолий Европанинг катор мамлакатлари учун хос бўлиб, собик совет пенсия тизмига хос бўлган умумий тамойилларга эга.

Хусусий корпоратив модель. Ушбу модель АҚШ, Латин Америкаси мамлакатлари, Португалия, Бельгия, Нидерландия, Финляндияга хос бўлиб, усту даражада нодавлат пенсия фондлари фаолиятига асосланади.

Бисмарк модели. Германия, Австрия, Люксембург, Франция, Италия, Греция, Швейцарияда кўлланилади. Ушбу модель пенсия фондларини шакллантиришда иш берувчилар ва ёлганиб ишловчиларнинг тенг қатнашишларига асосланади.

Давлат пенсия тизимининг вазибаларини амалга оширишда куйидаги бир-биридан тубдан фарқланувчи молиявий механизмлар фарқланади:

³ Рокк В.Д. Эволюция пенсионных систем: мировые тенденции и опыт России //Человек и труд. 2008. № 8. <http://www.chelt.ru/2008/8-08/roik808.html>.

⁴ Шагохин И.Г. Пенсионные системы в России и за рубежом: Учебное пособие/Мин-во образования Российской Федерации. Яросл. гос. ун-т им. П.Г. Демидова. Ярославль: ЯрГУ, 2002. С.7.

таксимот ва жамғариладиган. Таксимот тизими “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган бўлиб, пенсионерларга пенсия тўловлари кейинги авлод томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобидан таъминланади. Жамғариладиган тизимда эса бадаллар пенсионерларга жорий тўловларни амалга ошириш учун эмас, балки капиталлаштирилади ва инвестициялашдан олинган даромадлар билан биргаликда кейинчалик жамғаришни амалга оширган шахсларнинг пенсия таъминоти учун фойдаланилади. Аксарият мамлакатларда пенсия тизимларида тақсимланадиган ва жамғариладиган тамойилларни биронтасининг устуворлиги шароитида аралаш қўлланилади.

1.2-жадвал

ИХХТ мамлакатларида пенсияга чиқиш ёши ва кутилаётган умр давомийлиги⁵

Мамлакат	Пенсия ёши (Йил) э/а	Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги		65 ёшда кутилаётган умр давомийлиги	
		эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Австрия	65/60	77,5	83,1	17,6	21,0
Бельгия	65/65	77,1	82,6	17,3	21,0
Венгрия	62/61	69,4	77,8	13,7	17,8
Германия	65/65	77,4	83,7	17,4	20,7
Ирландия	66/66	77,4	83,1	17,1	20,1
Португалия	65/65	75,9	83,3	16,8	20,2
Словакия	62/62	70,6	78,4	13,6	17,5
Словения	63/61	74,7	83,0	15,9	20,2
Буюк Британия	65/60	77,3	81,7	17,4	20,1
Финляндия	65/65	76,0	73,1	17,0	21,3
Франция	60/60	77,4	84,4	18,2	22,7
Чехия	63/63	73,8	80,2	15,1	18,5
Швеция	65/65	79,0	83,1	17,9	20,8
Эстония	63/61	67,2	78,8	13,1	18,5
Россия	60/55	61,8	74,2	11,7 (60 ёшда - 14,1)	16,0 (55 ёшда - 23,6)

Дунё мамлакатларидаги амал килаётган пенсия тизимларини таҳлил этишда мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, аҳолининг кутилаётган умр кўриш давомийлиги ва пенсияга чиқиш ёши каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш лозим ва улар пенсия даражасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Пенсия тизимини молиялаштиришнинг таксимот моделини шаклланиши ва ривожланиши XX асрнинг 50-70 йилларидаги демографик

⁵ Соловьёв А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов // НЭА. 2012. №3(15). С.145.

портлаш даврига тўғри келади. Тақсимот тизимининг ишончлилиги мажбурий суғурта тўловларини амалга ошираётган ишловчилар сонининг пенсионерлар сонидан ортиклиги ҳисобига эришилган.

1.3-жадвал

ИХТТ мамлакатларида аҳолининг ёш ва жинсий таркиби бўйича гуруҳланиши, млн киши⁶


Аҳоли гуруҳлари	2005 й.	2050 й.
Аҳолининг умумий сони	1129,6	1334,0
Эркаклар	554,5	652,0
Аёллар	575,1	681,9
0-15 ёшгача	231,7	211,5
16-65 ёшгача	750,5	785,8
65 ва ундан катта ёшдагилар	147,5	336,7
Боқимандалик кўрсаткичи*	22	47

* 65 ва ундан катта ёшдагилар сонининг 20-64 ёшдагилар сонига нисбати.

Тақсимот тамойилига асосланган пенсия тизими қуйидаги афзалликларга эга:

- тақсимот механизми юкори даромадга эга бўлмаган кишиларнинг юкори даражада ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаб бера олади;
- иқтисодий ўсишга мутаносиб равишда пенсиялар миқдорини реал ошириш имконини беради;
- пенсиялар ишлаётган фуқароларнинг тўловлари ҳисобидан тўланаётгани учун кишиларнинг пенсия олиш ҳуқуқи тезда амалга оширилади.

Таҳлиллар кўрсатишича ушбу тизимнинг самарадорлиги демографик вазиятнинг ёмонлашуви шароитида кескин пасайиб кетади.



1.1)-расм. Пенсия тизимларининг турлари

Илмий адабиётда пенсия тизимларини молиялаштириш усуллари, бадалларни амалга ошириш ва тўловларни ҳисоблаш тури, ишчи,

⁶ Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов // НЭА. 2012. №3(15). С.146.

ходимларнинг пенсия тизимида мажбурий ёки ихтиёрий равишда қатнашишига қараб гурухлаштирилади. Мутаносиб равишда пенсия таъминотининг асосини тақсимот (авлодлар бирдамлиги), жамғариб бориладиган (капиталлаштирилган) ёки аралаш (тақсимот-жамғариб бориладиган) пенсия моделлари ташкил этиши мумкин. Аралаш пенсия тизимининг жорий этилиши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сифатини ошириш, пенсионерларни қўшимча пенсия билан таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини оширишни кўзда tutади.

Умумий тарзда, мавжуд, амал қилаётган пенсия тизимларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Пенсия таъминотининг универсал (миллий) тизимлари.
2. Суғурта тамойилига асосланган пенсия таъминоти тизимлари.

Пенсия тизимларини гурухлаш жараёнида унинг негизига қуйидаги тамойиллар қўйилиши лозим:

- аҳолининг пенсия таъминоти билан қамраб олинган доираси;
- пенсия олиш ҳуқуқи учун шарт-шароитлар;
- молиялаштириш манбалари ва тамойиллари.

Ушбу тамойиллар асосида юқорида гурухлаштирилган пенсия тизимларининг ҳар бирига тегишли бўлган ўзига муҳим хусусиятлар 1.4-жадвалда ўз аксини топмоқда.

1.4-жадвал

Пенсия тизимларининг ўзига хос хусусиятлари⁷

Мезонлар	Пенсия тизимлари	
	Пенсия таъминотининг суғурта тизимлари	Пенсия таъминотининг универсал тизимлари
Таъминланиш даражаси	Стандарт	Минимал
Пенсия таъминотининг тури	Олдинги даромаддан келиб чиқувчи пенсия	Олдинги даромаддан келиб чиқмайдиган базавий пенсия
Молиялаштириш	Суғурта бадаллари	Солиқлар
Пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш учун шарт-шароитлар	Суғурта ташкилотига аъзолик	Мамлакатнинг ўзида яшаш ёки фуқаролик
Ташкил қилиш	Ўз-ўзини бошқарувчи суғурта фондлари	Давлат муассасаси

1.4-жадвалда ўзида икки моделни мужассамлаштирувчи пенсия тизимларининг бир-биридан фарқли жиҳатлари кўрсатилган бўлса-да, ҳозирда бир-биридан бутунлай фарқ қиладиган пенсия таъминоти тизими тўғрисида гапириш унчалик ўринли эмас. Жаҳон амалиёти таҳлили

⁷ Ваҳобов Д.Р. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида пенсия тизимини такомиллаштириш йўналишлари. Т.: Iqtisod-Moliya, 2012. 33-б.

кўрсатишча пенсия тизимлари реал воқеликда соф ҳолда эмас, балки аралаш ҳолда фаолият кўрсатмоқда. XXI аср бўсағасида жаҳон амалиётида ушбу моделларнинг яқинлашуви содир бўлиб, жаҳондаги мамлакатларнинг деярли барчасига хос бўлган демографик ва иқтисодий воқеликлар билан боғланган ҳамда пенсия тизимларини ислоҳ қилишнинг зарурлиги такозо этилмоқда. Жумладан, пенсияларнинг универсаллиги тамойилини қўллаб-қувватлаб келган мамлакатларда (масалан, Швецияда) олдинги даромадлар билан характерланадиган пенсия сугуртаси тизимини яратиш тўғрисида қонуннинг қабул қилинганлиги ёки қўшимча пенсия таъминоти тизимига мажбурийлик характерининг берилганлиги (масалан, Буюк Британияда) орқали намойиш бўлмоқда. Бир вақтнинг ўзида, шу ерда сугурта пенсия тизимларининг аста-секинлик билан универсallaшиб бориш жараёни ҳам кузатишмоқда. Ушбу ҳолат барча пенсионерларга мувофиқ келувчи яшаш минимумини таъминлашга мўлжалланган схемаларни қўллаш ёки уларни такомиллаштириш орқали ифодаланмоқда.

Пенсия таъминотининг универсал тизимлари мамлакат ҳудудида яшаётган барча аҳолига базавий пенсияларнинг тўланишини кўзда тутлади. Одатда, бу тизим доирасида кўплаб базавий пенсияларнинг миқдори олдинги иш ҳақининг миқдorigа боғлиқ бўлмайди. Уларнинг бир қисми сугурта бадаллари ҳисобидан молиялаштирилса, бошқа қисми эса давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Пенсияни олиш учун барча шартлар тўлиқ бажарилгандагина, пенсия тўлиқ тўланиши мумкин. Тўлиқ бажарилиши лозим бўлган бундай шартлар қаторига фуқаронинг мамлакатда ўрнатилган муддат доирасида яшаганлиги, белгиланган вақт давомида сугурта бадалларининг тўланганлиги ва бошқалар кирази.

Пенсия таъминотининг универсал тизими жаҳоннинг Буюк Британия, Дания, Ирландия, Швеция каби мамлакатлари учун хос. Ушбу мамлакатларда пенсия тизимларини ташкил қилишнинг умумий принципиал қоидалари мавжуд бўлишига қарамадан, ушбу тизимларга тегишли бўлган принципларнинг бирортаси ҳам соф ҳолда амалга оширилмаган. Шунинг учун ушбу мамлакатларда аксарият пенсия тизимлари биринчи ва иккинчи моделлар тамойиллари асосида аралаш тарзда фаолият кўрсатмоқда. Пенсия таъминоти универсал тизимининг маълум камчилиги мавжуд бўлиб, у пенсия тўловлари даражасининг пастлиги билан тавсифланади.

Пенсия таъминотининг универсал тизимидан фарқли ўларок сугурта тизимлари қуйидаги тамойилларга таянади:

- иқтисодий фаол аҳолининг устувор тарзда сугурта қилиниши;
- пенсия тўланмаларининг, сугурталанганлар ва иш берувчиларнинг бадаллари ҳисобидан молиялаштирилиши;
- тақдим этиладиган пенсия тўланмаларининг сугурта стажига ва сугурталанганининг олдинги даромади миқдorigа боғлиқлиги.

Ушбу тамойилларга суянган пенсия таъминотининг сугурта тизимлари Европа Иттифоқининг Германия, Франция, Италия, Испания каби мамлакатларида амал қилмоқда. Бу мамлакатлардаги пенсия таъминотининг

тизимлари учун ягона концепция хос бўлишига қарамадан, уларни молиялаштиришда, таъкил қилишда ва амалга оширишда мамлакатлар ўртасидаги айрим фарқлар мавжуд. Бу мамлакатлардаги пенсия таъминотининг суғурта тизимлари (моделлари) ўзида аралаш схемаларни мужассам этиб, улар бир вақтнинг ўзида молиялаштиришнинг тақсимлаш методларини (мажбурий пенсия суғурталари) ва ишлаб чиқариш таъминотининг қўшимча пенсия дастурларидан ҳам фойдаланадилар. Жаҳон амалиётида тақсимлаш тамойилидан ташқари бадалларни капиталлаштириш тамойилидан ҳам фойдаланилди. Пенсия таъминотининг суғурта тизимларида суғурта стажидagi узилишлар, мавсумий бандлик билан боғлиқ айрим муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни қисман ҳал этишнинг муҳим йўлларидан бири пенсияларнинг миқдорини Европа Иттифоқидаги бошқа мамлакатлардаги минимал даражагача кўтариш ҳисобланади.

1.3. Пенсиянинг ижтимоий таъминот тизимидаги ўрни

Ҳар бир мамлакатнинг пенсия тизими ўзининг тарихий ривожланишига эга. Бу тизим ҳар бир мамлакат иқтисодий тизимининг ривожланишига мувофиқ ривожланади ва мутаносиб равишда янги хусусиятларни ўзида мужассам этади. Дунёда пенсия тизими ўзининг давлат ва нодавлат секторига эга бўлиб, катта миқдордаги молиявий ресурсларни мужассамлаштирган.

Пенсия тизими тараққиётининг таҳлили улар учун хос бўлган қуйидаги белгиларни аниқлаш имконини беради:

1. Ҳар бир мамлакатда пенсия тизимини жорий этиш иқтисодий ривожланиш даражасига бевосита боғлиқ. Пенсия таъминоти умумий ижтимоий суғурта дастурининг бир қисми ҳисобланади. Пенсия таъминоти тизимининг асосий иштирокчилари давлат ва хусусий пенсия фонллари, суғурта компаниялари ҳисобланиб, улар ходимлар ва иш берувчиларнинг тўланмалар шаклидаги (кўринишидаги) бадалларини, бир томондан тўплаган ҳолда бошқа томондан, тақсимлайдилар. Бир вақтнинг ўзида, давлат ўз даромадларининг катта бир қисмини пенсия таъминоти дастурларини молиялаштиришга йўналтириши мумкин;

2. Давлат нодавлат пенсия таъминотини тартибга солиб туради. Бунда, баъзи бир истиснолар билан биргаликда, пенсия таъминотининг (тизимининг) давлат ва хусусий тизимлари бир-бирини ўзаро тўлдирувчилар сифатида фойдаланилади. Ушбу ҳолат тараққиётнинг ижтимоий мақсадларига эришишда бозор билан биргаликда тақсимлаш давлат механизмларининг иштирок этишидан келиб чиқади. Агар ўтган даврларда мақсадга эришиш жараёнида давлат учун қайта тақсимлаш механизмидан фойдаланиш устуворлик касб этган бўлса, кейинги йилларда эса пенсия тизимини ўз-ўзини молиялаштириш тамойилига ўтказишнинг зарурлиги тўғрисидаги масала долзарблашиб бормоқда;

3. Пенсия тизимини ислох қилиш зарурлигининг глобаллашуви ислохотлар стратегиясини умумийлиги билан характерланади;

4. Демографик ва макроиктисодий омиллар таъсирида пенсия тизимлари ўзгариб боради. Шу муносабат билан уларга маълум муддатларда тегишли ўзгартиришларни киритиб бориш зарур ва табиий ҳисобланади;

5. Пенсия таъминоти умумийликдан хусусийликка қараб ривожланиб бормоқда. Пенсия таъминоти иштирокчиларда қўшимча молиявий ва ташкилий имкониятлар шаклланишига мувофиқ равишда табақаланади.

Таъкидлаш лозимки, пенсия тизими пенсия бадалларини ҳисобга олиш, тўплаш, уларни инвестициялаш, пенсияларнинг миқдорини ҳисоб-китоб қилиш ва уларни тўлаш механизми ҳисобланади. Умумий тарзда, пенсия тизимининг даромадлари таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- иш берувчилар ва ходимларнинг суғурта бадаллари;
- инвестициялаштирилган капиталдан олинган дивидендлар;
- фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказиладиган жамғармалари ва бошқалар.

Ўз навбатида, пенсия тизимининг харажатлари умумий кўринишда пенсия тўланмалари ва маъмурий бошқарув харажатларидан ташкил топади.

Халқаро амалиётда пенсия тизимининг самарадорлиги “қоплаш коэффициентини”⁸ орқали ўлчанади. Ушбу кўрсаткич тайинланган ўртача миқдорининг ўртача ишҳақиغا нисбати билан ўлчанади. Халқаро Меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра қоплаш коэффициентини 40 %дан кам бўлмаслиги лозим. Бир вақтнинг ўзида, амалиётда ушбу ҳолатни аниқлашнинг яна бир бошқа муҳим мезони “боғлиқлик коэффициенти”дан фойдаланилади. Ушбу коэффициент пенсионерлар сонининг банд бўлган ходимлар сонига нисбати орқали ҳисобланади.

Пенсия тизимларини гуруҳлашда уларни молиялаштириш усуллари муҳим белги сифатида эътироф этилиши лозим. Шунга кўра, қайта тақсимлаш тизими бирдамлик тамойилига асосланади ва у пенсионерларнинг ҳаёт кечириши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳозирда ишлаётган авлодлар ҳисобидан молиялаштирилишини аниқлатади. Ушбу тизим, одатда, давлат тизими ҳисобланиб, ўзида ижтимоий йўналтирилган пенсия таъминотини мужассам этади. Молиялаштиришнинг қайта тақсимлаш тамойили юқори даромадли аҳоли даромадларининг камбағалларга, меҳнатга қобилиятлилардан меҳнатга қобилиятсизларга гуруҳлараро “қайта тақсимланиш”ига олиб келади.

Қайта тақсимлаш тизими учун хос белги ҳам мавжуд. Ушбу белги “яширин қарз”⁹нинг мавжудлиги билан белгиланади. “Яширин қарзнинг” кўлами эса “боғлиқлик коэффициенти”нинг даражасига тўғри пропорционал ҳисобланади. Ушбу тизимни камчилиги шундаки, авлодларнинг

⁸ Мамлакат пенсия тизимининг самарадорлигини аниқлаш учун кўрсаткич бўлиб, ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақи миқдорига нисбатини ифода этади.

⁹ Пенсия тўловлари бўйича яширин қарздорлик – бу амалдаги қарзлар бўйича истиқболда тўланиши керак бўлган маблағлар ҳисобланиб, аммо ушбу қарз бухгалтерия ҳисоблари ёки бошқа молиявий ҳисоботларда аниқланмаганлиги билан пенсия тизимининг истиқболда тўлаши зарур бўлган маблағлари миқдорини ифода этади.

бирдамлигига мувофиқ аҳолининг қариши туфайли ишловчилар сонининг қисқариши пенсия тизими даромадларининг қисқаришига олиб келади.

Қайта тақсимлаш тизимидан фарқли ўлароқ, жамғариладиган пенсия тизимлари ҳар бир шахснинг кексайган чоғида ўзи томонидан илгари жамғарилган капиталнинг истётмоқ қилинишини тақозо этади. Бу тизимда пенсиялар молиявий жиҳатдан тўла қопланган бўлиб, аҳоли ёш таркибий тузилмасининг таъсиридан ҳолис ҳисобланади. Жамғариладиган пенсия тизимида капитал қўшимча даромад олиш мақсадида инвестициялаштирилади. Бу тизим ўзининг иктисодий табиатига кўра бозор иктисодиётига ҳос бўлиб, иктисодий фаолликни рағбатлантиради ва узининг юки билан мамлакатнинг ЯИМига босим ўтказмайди.

Пенсия тизимларини туркумларга ажратишнинг муҳим белгиси пенсия тўланмаларини ҳисоб-китоб қилиш тури ва қўлланилаётган соликка тортишнинг кўринишидир. Агар пенсияни қайта тақсимлаш тизимида соликка тортишнинг роли минимумга келтирилган бўлса, жамғариладиган тизимда эса молиявий тараккиёт стратегияси нукта-назаридан соликка тортиш режимини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, соликка тортиш режими ўтказилаётган пенсия таъминоти ислохотларнинг суръатларига ўзининг тўғридан-тўғри таъсирини кўрсатади. Бундай тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш ўзига ҳос тарздаги тўсик шаклида намоён бўладики, унга мувофиқ пенсия бадаллари зарурий тўланмаларни молиялаштириш учун ёки инвестиция мақсадларига фойдаланиши мумкин. Жамғариладиган пенсия тизимида молиявий ресурслар бадалларни ўтказиш босқичида, инвестицион даромадни ҳисоб-китоб қилиш, маблағларнинг ўсиши ва тўланмаларни тўлаш босқичида соликка тортилади.

Умуман пенсия тизимининг тараккиёти зиддиятли характерга эга. Бу, бир томондан, ходимларнинг кексалик ёши, меҳнат қобиляти, боқувчисини йўқотганда даромадлардан маҳрум бўлишдан ҳимоя қилувчи ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи тизим бўлса, иккинчи томондан эса, пенсия тизими мамлакат молия тизимининг таркибий қисми сифатида унинг молиявий ресурсларини қайта тақсимлашда иштирок этади.

Назорат саволлари

1. «Пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси» фанининг предмети, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Пенсия тизимлари қайси даврдан бошлаб шакллана бошлаган ва қандай ривожланиш босқичларига эга?
3. Пенсия тизимининг ижтимоий таъминот тизимидаги ўрнига баҳо беринг.
4. Пенсия тизими қандай вазифаларни бажаради?
5. Пенсия тизимининг “яширин қарзи” нима ва уни белгиловчи омилларни аниқланг.
6. Пенсия тизимларини гуруҳланиш мезонлари ва турларини шарҳланг.

7. Бирдамлик ва жамғариб бориладиган пенсия тизимларининг умумий ҳисоблари ва фарқларини аниқланг.

Асосий тушунчалар

Боғлиқлик коэффициенти – пенсионерлар сонининг банд бўлган ходимлар сонига нисбатини ифода этувчи кўрсаткич.

Қоплаш коэффициенти (pension replacement rates) – ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш ҳақи миқдорига нисбати.

Умумий қоплаш коэффициенти (Gross pension replacement rates) – солиққа тортилмаган ўртача пенсия миқдорининг солиққа тортилмаган ўртача иш ҳақи миқдорига нисбати.

Соф қоплаш коэффициенти (Net pension replacement rates) – солиққа тортилган ўртача пенсия миқдорининг солиққа тортилган ўртача иш ҳақи миқдорига нисбати.

Пенсия тўловлари бўйича яширин қарздорлик – бу амалдаги нархлар бўйича истикболда тўланиши керак бўлган маблағлар ҳисобланиб, ушбу қарз бухгалтерия сўтлари ёки бошқа молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаганлиги боис пенсия тизимининг истикболда тўлаши зарур бўлган маблағлари миқдорини ифода эттиради.

Таксимотга асосланган пенсия тизими – “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган пенсия тизими ҳисобланиб, пенсионерларга пенсия тўловлари кейинги авлод томонидан тўланадиган бадаллари ҳисобидан таъминланади.

Жамғариладиган пенсия тизими – бадаллар пенсионерларга жорий тўловларни амалга ошириш учун эмас, балки капиталлаштирилади ва инвестициялашдан олинган даромадлар билан биргаликда кейинчалик жамғаришни амалга оширган шахсларнинг пенсия таъминоти учун фойдаланилади.

Аралаш пенсия тизими – пенсия тизимларида молиялаштиришнинг таксимоти ва жамғариладиган тамойилларидан биронтасининг устуворлиги шароитида аралаш қўлланилади.

Тестлар

1. Илк классик пенсия тизими каерда ва қачон пайдо бўлган?

а) XIX асрнинг охирида Германияда

б) XX асрнинг бошида Францияда

в) XVIII асрнинг охирида Англияда

г) XX асрнинг бошида Швецияда

2. Иш ҳақи миқдорининг яппи яқин маҳсулотдаги улушининг юқорилиги, таксимот тизимига ажратиладиган бадаллар миқдорининг камлиги, қўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги каби

хусусиятлар пенсия тизимини ташкил этишнинг қайси моделига ҳос ҳисобланади?

- а) Беверидж
- б) Бисмарк
- в) Хусусий корпоратив
- г) Собик совет пенсия тизими

3. Иш хаки миқдорининг ЯИМдаги улушининг камлиги, бадаллар миқдорининг юқорилиги, қўшимча пенсия жамғармаларининг мавжудлиги каби хусусиятлар пенсия тизимини ташкил этишнинг қайси моделига ҳос ҳисобланади?

- а) Бисмарк
- б) Беверидж
- в) Хусусий корпоратив
- г) Собик совет пенсия тизими

4. Пенсия тизимининг вазифаларини амалга оширишнинг таксимотга асосланган молиявий механизмда қандай тамойил амал қилади?

- а) “Авлодлар бирдамлиги”
- б) Жамғариладиган
- в) Аралаш
- г) Демографик портлаш

5. Пенсияерлар сонининг банд бўлган ходимлар сонига нисбати қайси кўрсаткич орқали ифодаланади?

- а) “Боғлиқлик коэффициенти”
- б) “Қоплаш коэффициенти”
- в) “Портлаш коэффициенти”
- г) “Туғилиш коэффициенти”

6. Халқаро Меҳнат ташкилоти тавсиясига кўра қоплаш коэффициенти неча фоиздан кам бўлмаслиги лозим?

- а) 40
- б) 45
- в) 50
- г) 55

7. Ўртача пенсия миқдорининг ўртача иш хаки миқдорига нисбати қайси кўрсаткич орқали ифодаланади?

- а) “Қоплаш коэффициенти”
- б) “Боғлиқлик коэффициенти”
- в) “Портлаш коэффициенти”
- г) “Туғилиш коэффициенти”

8. Қуйидаги омилларнинг қайси бири пенсияларни молиялаштиришнинг тақсимот модели самарадорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади?

- а) Демографик
- б) Иқтисодий
- в) Сиёсий
- г) Ижтимоий

9. Молиялаштиришнинг қайси тамойилига асосланган пенсия тизимида пенсиялар молиявий жиҳатдан тўла қопланган бўлиб, аҳолининг ёш таркибий тузилмаси таъсиридан ҳолис ҳисобланади?

- а) Жамғариладиган
- б) “Авлодлар бирдамлиги”
- в) Аралаш
- г) Солиқларга асосланган

10. Қайси пенсия тизимида бадаллар пенсионерларга жорий тўловларни амалга ошириш учун эмас, балки капиталлаштириш ва инвестициялашдан олинган даромадлар билан биргаликда кейинчалик пенсия таъминоти учун фойдаланилади?

- а) Жамғариладиган пенсия тизими
- б) Тақсимотга асосланган пенсия тизими
- в) Аралаш пенсия тизими
- г) Давлат пенсия тизими

II БОБ. ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДАГИ АҲАМИЯТИ

2.1. Пенсия таъминоти тизимининг базавий институтлари

Мамлакатнинг аҳолини ижтимоий химоя қилиш тизимида пенсия таъминоти муҳим ўрин тутди. Демографик омиллар таъсирида аҳоли таркибида пенсия ёшидагилар улушининг ортиб, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариб бориши барқарор, ишончли молиявий ресурслар билан таъминланган пенсия тизimini яратишнинг мақбул моделини танлашни тақозо этади. Шу муносабат билан боғлиқ ҳолда дунё мамлакатларида пенсия тизимининг таркиби, амал қилиши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.



2.1-расм. Жаҳон амалиётида мавжуд пенсия таъминотининг базавий институтлари

Жаҳон амалиётида пенсия таъминотининг қуйидаги базавий институтлари мавжуд бўлиб, улар пенсия тизими моделларини гуруҳлаштириш имконини беради (2.1-расм):

1. Ижтимоий ёрдам. Бу аксарият мамлакатларда амал қилувчи пенсия ёшидаги аҳоли таркибида камбағаллик улушни қисқартириш мақсадида амалга ошириладиган қайта тақсимот дастури ҳисобланади.

2. Мажбурий пенсия сугуртаси. Ушбу сугурта меҳнатга лаёқатли даврда эришилган турмуш даражасининг пасайиб кетиши билан боғлиқ рискларни сугурталани мақсадида ёланиб ишловчилар ва ўзини-ўзи иш билан таъминловчи шахслар томонидан мажбурий сугурта бадалларини тўлашни тақозо этади. Тақсимот ёки жамғариш тамойилларига асосланган пенсия дастурлари деярли барча мамлакатларда амал қилади.

3. Шахсий пенсия (ихтиёрий) сугуртаси. Ушбу сугурта кенгайтирилган ёки айрим ҳолатларда иккинчи институтнинг ўрнини босувчи сугурта ҳисобланиб, фуқароларнинг хоҳиш ихтиёри ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб шакллантирилади. Фуқароларнинг меҳнат фаолияти тугагандан

кейин шахсий ихтиёрий суғурта уларнинг турмуш даражасига реал таъсир кўрсатади. Айрим мамлакатларда ихтиёрий пенсия суғуртаси ишловчиларни меҳнат фаолияти тугагандан кейинги даврда ўзини-ўзи химоялашнинг муҳим механизми вазифасини ўтайди.

ИХТТ, Европа Иттифоқи, ХМТ, МАСО таҳлилий материалларида пенсия тизимларини гуруҳлашнинг турли ёндашувларини таҳлил этиш мумкин.

2.2. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан пенсия тизимларини гуруҳлаш услубияти

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилоти (ИХТТ) миллий пенсия тизимларининг тарихий шаклланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий шаклларига қараб эмас, балки молиялаштириш тамойилларига боғлиқ ҳолда гуруҳлаштирилади. ХМТ ва МАСО тавсияларига кўра мажбурий пенсия тизимларига фақат универсал давлат пенсия дастурлари киритилади. Турли касбий, корпоратив ва индивидуал пенсия дастурлари ушбу тизимга киритилмайди.

Умуман, иқтисодий адабиётда умумқабул қилинган ягона пенсия тизимлари классификацияси мавжуд эмас. Бу эса пенсия тизимларининг у ёки даражасида мажбурий ва ихтиёрий жамғариш компонентининг ўрнини аниқлашда сезиларли фарқларнинг юзага келишига олиб келади.

Дастлаб, анъанавий ҳисобланган пенсия тизимларининг уч даражаси фарқланади¹⁰:

1) мажбурий бирдамлик-тақсимот компоненти – барча категориядаги пенсионерларнинг минимал турмуш даражасини давлат томонидан моддий жиҳатдан таъминлашни кафолатлашга қаратилган дастурлар;

2) мажбурий персонафикациялаштирилган компонент – ҳар бир суғурталанувчи шахс томонидан шакллантириладиган иқтисодий механизм. Суғурталанувчи шахс меҳнатга лаёқатли даврдаги турмуш даражасидан келиб чиқиб меҳнатга лаёқатсиз даврдаги турмуш даражасини таъминлаш учун маблағ жамғаради;

3) ихтиёрий жамғариладиган компонент – jisмоний шахс томонидан жамғарилиши ёки иш берувчи томонидан тақдим этилишидан қатъий назар ихтиёрийлик принципига асосланади.

Биринчи даражага қуйидаги пенсиялар қиради: минимал, таянч пенсия ёки муҳтожлик бўйича пенсия.

Иккинчи даражада пенсиялар қуйидагича гуруҳланади:

– суғурталовчилар бўйича (давлат ва хусусий);

– пенсия ҳуқуқининг шаклланиш усули бўйича (бадаллар ёки тўловлар миқдори белгиланадиган);

¹⁰ http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2013-en

– давлат пенсия мажбуриятларининг шаклланиш усули бўйича («балли» ёки «шартли-жамғарилалган счётлар билан»).

Аммо ИХТТ қўллайдиган услубиятга мувофиқ хусусий пенсия дастурлари доирасида иккинчи даражали пенсия тизимига мажбурий ёки квази-мажбурий профессионал пенсия схемалари киради. Ушбу схемаларни яна «корхона ходимлари учун схемалар» сифатида ҳам тушуниш мумкин. Бу турдаги пенсия схемалари Нидерландия, Швейцария, Швеция, Дания, Австралия, Исроил ва Норвегия каби мамлакатлар учун хосдир (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Пенсия тизимларининг таркиби (ИХТТ услубияти)¹¹

Мамлакат	Биринчи даража (мажбурий, умумий, бирдамлик-тақсимот тизими)			Иккинчи даража (мажбурий, жамғарилалган тизим)	
	муҳтож- лик бўйича пенсиялар	таънч пенсиялар	минимал пенсиялар	давлат пенсиялари	хусусий, профессионал пенсиялар
Австралия	мавжуд				ББС
Австрия				БТС	
Бельгия	мавжуд		мавжуд	БТС	
Канада	мавжуд	мавжуд		БТС	
Чили	мавжуд		мавжуд		ББС
Чехия		мавжуд	мавжуд	БТС	
Дания	мавжуд	мавжуд			ББС
Эстония		мавжуд		балли	ББС
Финляндия			мавжуд	БТС	
Франция			мавжуд	БТС +балли	
Германия	мавжуд			балли	
Греция			мавжуд	БТС	
Венгрия				БТС	ББС
Исландия	мавжуд	мавжуд			БТС
Ирландия		мавжуд			
Исроил		мавжуд			ББС
Италия	мавжуд			ИЖТ	
Япония		мавжуд		БТС	
Корея Республикаси	мавжуд	мавжуд		БТС	
Люксембург	мавжуд	мавжуд	мавжуд	БТС	
Мексика			мавжуд		ББС

¹¹ Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов // НЭА. 2012. №3(15). С. 154.

Мамлакат	Биринчи даража (мажбурий, умумий, бирдамлик-таксимот тизими)			Иккинчи даража (мажбурий, жамғариладиган тизим)	
	мухтож- лик бўйича пенсиялар	таянч пенсиялар	минимал пенсиялар	давлат пенсиялари	хусусий, профессионал пенсиялар
Нидерландия		мавжуд			БТС
Янги Зеландия		мавжуд			
Норвегия			мавжуд	ШЖТ	ББС
Польша			мавжуд	ШЖТ	ББС
Порту-галия			мавжуд	БТС	
Словакия			мавжуд	Балли	ББС
Словения			мавжуд	БТС	
Испания			мавжуд	БТС	
Швеция			мавжуд	ШЖТ	ББС
Швейцария	мавжуд		мавжуд	БТС	БТС
Туркия			мавжуд	БТС	
Буюк Британия	мавжуд	мавжуд	мавжуд	БТС	
АКШ			мавжуд	БТС	
Россия		мавжуд		ШЖТ	ББС

Изоҳ: Белгиландиган тўлоқлар схемаси – БТС; Белгиландиган бадаллар схемаси – ББС; Шартли-жамғариладиган тизими – ШЖТ.

Профессионал (касбий) пенсия тизимлари меҳнат шартномалари ва корпоратив пенсия келишувлари орқали расмийлаштирилади ва аксарият мамлакатларда давлат қонунчилик даражасида эмас, балки ёлпаниб ишловчилар, иш берувчилар ва қасаба уюшмалари ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқ муносабатлари орқали тартибга солинади. Тақдим этилаётган мамлакатлардан Швейцария ва Австралия истино қилинади. Австралияда мажбурий профессионал схемалар ҳуқуқий жиҳатдан 1992 йилда, Швейцарияда эса 1982 йилда жорий этилган. Бундай схемалар Европада Франция, Исландия, Лихтенштейн ва Швейцария мамлакатларида мавжуд.

Нидерландияда мавжуд қонунчиликка кўра иш берувчилар учун ишловчиларга пенсия таъминоти дастурларини тақлиф этишлари назарда тутилмаган бўлса-да иш берувчилар ва ишловчилар ўртасида шу турдаги келишувлар ишчилар ва ходимларнинг 91%ини қамраб олади. Австралияда ойлик иш ҳақи 450 австралия долларидан ошмайдиган ишчилар мажбурий профессионал пенсия тизимига бадаллар тўлашмайди, Швейцарияда эса ушбу кўрсаткич 20520 франкка тенг. Шу билан бирга Австралия ва Швейцарияда ўзини-ўзи иш билан таъминловчи аҳоли мажбурий

профессионал пенсия тизимида катнашмайди. Демак, мажбурий профессионал пенсия схемаларини мажбурий универсал жамғариб бориладиган компонент каторига киритиш мумкин эмас.

ИХТТ мамлакатларида даромадга йўналтирилган мажбурий компонент ҳам пенсия тизимининг иккинчи даражасига киритилади. Норвегияда иккинчи даражада давлат пенсия схемаларида шартли-жамғариб бориладиган счётлар, хусусий схемаларда эса миқдори белгилаб қўйиладиган бадаллар схемаси амал қилади. Норвегия пенсия тизими қуйидаги даражаларга эга: даромадга йўналтирилган (суғурта, шартли-жамғариб бориладиган), кафолатланган (мухтожлик бўйича) ва мажбурий профессионал пенсиялар. Умуман, ИХТТ услубияти бўйича мажбурий жамғариб бориладиган компонентни аниқлашда барчани камраб олиш ва барча учун умумийлик шартлари ҳисобга олинмайди.

2.3. Жаҳон банки ва ХВФнинг пенсия тизимини ривожлантиришга бўлган муносабати

Жаҳон банки ва ХВФ тавсияларида ҳам миллий пенсия тизимлари уч даражали пенсия тизимларига ажратилади¹² (Les pensions privées, 2005):

1-даража. Давлат томонидан бошқариладиган тўловлар миқдори умумий белгиланадиган таксимот (Pay-As-You-Go) тизими.

2-даража. Бадаллар миқдори белгиланадиган мажбурий персоналлаштирилган тизим.

3-даража. Кексалик даврида кўпроқ моддий химоядан манфаатдор суғурталанувчилар учун ихтиёрий жамғармаларни индивидуал ҳисобга олиш тизими.

Пенсия тизимларини таҳлил этиш тамойилларининг бир-бирига яқинлигига қарамадан уларнинг мазмунида фарқлар мавжуд. Ушбу фарқлар пенсия ҳуқуқларининг шаклланиши асосида ётувчи иқтисодий тамойилларнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда юзага келади. Хусусан, Жаҳон банки классификациясида аксарият мамлакатлар амалиётида алоҳида ўринга эга бўлган мажбурий жамғариладиган профессионал схемалар ўз аксини топмаган. Шу билан бирга Жаҳон банкининг ҳозирги услубиятида асосий эътибор кўп даражали пенсия тизимига қаратилмоқда.

Пенсия тизимларининг “Даражаси” бўйича гуруҳланиши Жаҳон банки томонидан тақлиф этилган ва жуда оммалашган гуруҳлашдир. Дунёнинг аксарият мамлакатларида кўп даражали пенсия тизимлари амал қилади. Бунда 2- ва 3-даражалар давлатга тегишли ва хусусий бўлиши мумкин. Пировардида мамлакат пенсия тизимининг муҳим хусусиятини даражалар сони ва уларнинг таркибий тузилиши белгилаб беради:

0-даража – энг камбағал ва аҳолининг ижтимоий ёрдамга мухтож катламларини зарур ижтимоий нафақалар билан таъминлашдир. Бунда

¹² Les pensions privées. 2005.

бадаллар кўзда тутилмаган, тўловлар миқдори эса давлат томонидан белгиланади (масалан, пенсионерлар учун яшаш минимуми). Пенсия фонди иш берувчилар ва давлат бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади.

1-даража – бирдамлик тизими. Ишловчилар меҳнатга лаёқатли ёшида пенсия тизимига бадаллар ўтказадилар, пенсионерларнинг пенсияларини молиялаштирадилар ва пенсия ёшига етганларида нафақа олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Жорий даврда ишлаётганларнинг пенсиялари кейинги авлод бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади (Pay-As-You-Go, PAYG). Демак, биринчи даража иш берувчилар ва ёлланиб ишловчилар бадалларидан молиялаштирилади. Бирдамлик пенсия тизимлари одатда, давлат томонидан бошқарилади.

2-даража – жамғариб бориладиган тизим. Ушбу тизимда жамғармалар индивидуал ҳисоб-счётларда сақланади ва турли молиявий инструментларга инвестицияланади. Жамғармалар пенсияларни тўлаш бўйича жорий харажатларни молиялаштириш учун фойдаланилмайди ва улар эгасига пенсия ёшига етганда ишлаб топилган фойзалари билан биргаликда қайтарилади. Иккинчи даража тўловлар ёки бадаллар миқдори қайд этилган, хусусий ёки давлат шаклида бўлиши мумкин. Бу тизимда катнашиш мажбурий ҳисобланади.

3-даража – ихтиёрий жамғариб бориладиган тизим. Ушбу тизим ишловчиларга пенсия ҳисоб-счётларига ихтиёрий асосда қўшимча маблағлар ажратиш имконини беради.

2- ва 3-даражалар иш берувчилар ва ёлланиб ишловчилар жамғармалари ва даромадлардан келадиغان фойзалар ҳисобидан молиялаштирилади (2.2-жадвал).

Ушбу гуруҳлашда мажбурий профессионал схемалар эътиборга олинади. Жаҳон банки уларни пенсия тизимининг иккинчи даражасига киритади. Пенсия амалиётида профессионал (касбий) ва ихтиёрий схемаларни ҳам фарқлаш зарур. Улар пенсия тизимининг учинчи даражасига тааллуқли бўлиб, мажбурий универсал жамғариб бориладиган компонентни аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Жаҳон банкининг охири классификациясига кўра даромадга йўналтирилган пенсиялар пенсия тизимининг биринчи даражасига мос келади ва жамғариб бориладиган даражада ҳисобга олинмайди.

Шунинг учун турли халқаро ташкилотлар томонидан амалга оширилган пенсия тизимлари классификациясидаги фарқлар классификация асосига қўйилган мезон ёндашувларнинг турличалиги билан изоҳланади.

Пенсия тизимларининг турлари¹³

	Тўловлар ва бадалларни ҳисоблаш тартиби	Қаерда ва қандай амал қилади
Ижтимоий нафақалар (0 даража)	Тўловлар давлат томонидан белгиланади ва молиялаштирилади	80 дан ортиқ мамлакатларда амал қилади
Бирдамлик тизими (1 даража)	Қайд этилган тўловлар	Аксарият мамлакатларда мажбурий давлат сугурта тизими мавжуд бўлиб, доимо давлат тасарруфида бўлади
Жамғариб бориладиган тизим (2 ва 3 даражалар)	Қайд этилган тўловлар	Кўпинча ихтиёрий (яъни 3 даража) Австралия, Нидерландия, Чили ва катор Шарқий Европа мамлакатларида мажбурий (2 даража). Одатда хусусий шаклда бўлади
	Қайд этилган бадаллар	Одатда, ихтиёрий (яъни 3 даража) ва хусусий шаклда бўлади

ИХТТ ва ХМТ мутахассислари пенсия тизимларини гуруҳлашда бадал тўловчилар нуктаи назаридан ёндашишган бўлса, Жаҳон банки мутахассислари гуруҳлашда ХМТ ва МАСО услубиятига яқин бўлган институционал ёндашувдан фойдаланишган.

2.4. Пенсия тизимларини шакллантиришда Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро ижтимоий таъминот ассоциацияси (МАСО) ёндашуви

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) тавсияларида уч даражали пенсия тизими кузатилади¹⁴:

1-даража: минимал пенсиялар – аҳолининг барча қатламлари учун камбағалликка қарши йўналтирилган (реал муҳтож аҳоли учун) пенсиялар. Биринчи даражани молиялаштириш сугурталанаётган шахслар ва иш берувчиларнинг сугурта бадаллари, давлат бюджетининг умумий солиқин даромадлар қисмидан амалга оширилиши мумкин. Минимал пенсиялар харид қобилияти нуктаи назаридан мажбурий индексацияланиши зарур;

2-даража: давлат пенсиялари сугурта тамойиллари асосида мажбурий тақсимланадиган пенсиялар – ушбу пенсиялар йўқотилган иш ҳақиға мос пенсия миқдорини (коплаш коэффициенти) таъминлаб бериши зарур.

¹³ McKinsey Global Institute (2013) Financial Globalization: Retreat or Reset? Global capital markets 2013. McKinsey&Company. Available at: http://www.mckinsey.com/insights/global_capital_markets/financial_globalization

¹⁴ Social Security Programs. 2010 a, 2010 b.

Пенсияларнинг ушбу даражаси йўқотилган иш ҳақига мослик тамойилини қўллаб-қувватлаш учун тўлиқ индексацияланиши зарур;

3-даража: бадаллар миқдори белгиланган жамғариладиган схема пенсия мажбуриятларини хусусий бошқаришни назарда тутати. Аҳолининг айрим табақалари учун мўлжалланган давлат пенсия дастурларини тўлдириш зарур. Ушбу схема барча учун умумий ҳисобланмайди. У профессионал ва индивидуал пенсия схемаларини ўз ичига олади.

Халқаро ижтимоий таъминот ассоциацияси (МАСО) Social Security Programs Throughout the World пенсия тизимларини турли даражаларга бўлмайди ва пенсия тизимларининг қуйидаги алоҳида мажбурий компонентларини ажратади:

1) миқдори қайд этилган тўловлар (flat-rate) – меҳнат стажи ёки резидентлик муддатига асосланган ҳолда тўланадиган, миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланадиган тўловлар, пенсиялар. Ушбу турдаги тўловлар иш ҳақидан ундириладиган солиқлар, ёлланиб ишловчилар ёки иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади;

2) даромадга йўналтирилган пенсиялар (earnings-related pension) – миқдори иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланадиган пенсиялар. Бу турдаги пенсиялар иш ҳақидан ундириладиган солиқлар, ёлланиб ишловчилар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштирилади;

3) муҳтожлик бўйича (means-tested) – ўзи ёки oilасининг даромади, активлари миқдори белгилаб қўйилган минимал даражадан пасайиб кетган шахсларга тўланадиган пенсиялар. Бу турдаги пенсиялар, одатда ёлланиб ишловчилар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан эмас, балки давлат бюджетидан молиялаштирилади;

4) миқдори қайд этилган универсал тўловлар (flat-rate universal) – миқдори иш ҳақи миқдорига эмас, балки резидентлик муддатига асосланган ҳолда белгиланадиган тўловлар, пенсиялар. Одатда, давлат бюджетидан молиялаштирилади;

5) жамғариб бориладиган фондлар (provident funds) – ёлланиб ишловчилар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштириладиган, давлат томонидан бошқариладиган махсус фондлар. Бу турдаги фондлардан пенсиялар бир маротабалик фоизлари билан ҳисобланган сумма шаклида тўланади. Европада бундай фондлар учрамайди;

6) профессионал пенсиялар (occupational retirement schemes) – тадбиркорлар ва айрим ҳолларда ёлланиб ишловчиларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштириладиган профессионал хусусий пенсиялар. Нафақалар миқдори қайд этиб қўйиладиган тўловлар, аннуйтет ёки пенсиялар кўрнинишида тўланади;

7) индивидуал пенсиялар (individual retirement scheme) – ёлланиб ишловчилар ва айрим ҳолларда иш берувчилар иш ҳақидан муайян фоизларнинг индивидуал счётларга ўтказишлари ҳисобидан шаклландиган пенсиялар. Ушбу пенсиялар ёлланиб ишловчи танлайдиган давлат ёки хусусий пенсия фондлари томонидан бошқарилади. Жамғарилган капитал винуитет ёки маблағларни ечиб олиш дастурларини (ёки иккала вариантни

биргаликда) сотиб олиш учун фойдаланилади. Бундан ташқари жамғарилган капитал бир йўла тўланиши ҳам мумкин.

2.3-жадвал

МАСО услубиятига кўра мамлакатларнинг жамғариб бориладиган компонентлар бўйича гуруҳланиши¹⁵

Компонентлар	Мамлакатлар сони	Минтака	Мамлакатлар
Жамғариладиган фондлар	16	Осиё ва Океания (12 та мамлакат)	Бруней, Фиджи, Ҳиндистон, Индонезия, Кирибати, Малайзия, Непал, Самоа, Сингапур, Соломон ороллари, Шри-Ланка, Вануату
		Африка (4 та мамлакат)	Свазиленд, Уганда, Гамбия, Кения
Профессионал пенсия	9	Европа (4 та мамлакат)	Франция, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария
		Осиё ва Океания (3 та мамлакат)	Австралия, Гонконг, Папуа-Янги Гвинея
		Америка (1 та мамлакат)	Бермуд ороллари
		Африка (1 та мамлакат)	Гана
Индивидуал пенсиялар	26	Европа (10 та мамлакат)	Болгария, Кипр, Эстония, Венгрия, Латвия, Польша, Руминия, Россия, Словакия, Швеция
		Осиё ва Океания (4 та мамлакат)	Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тайван
		Америка (11 та мамлакат)	Боливия, Чили, Колумбия, Коста-Рика, Доминикан Республикаси, Сальвадор, Мексика, Панама, Перу, Уругвай, Эквадор
		Африка (1 та мамлакат)	Нигерия

Халқаро ижтимоий таъминот асоциацияси классификациясига мувофиқ 170 та мамлакатдан 26 тасида у ёки бу шаклдаги индивидуал-жамғариладиган пенсия дастурлари, 16 тасида жамғариб бориладиган фондлар ва 9 тасида профессионал пенсиялар амал қилади. (2.3 -жадвал).

¹⁵ Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов // НЭА. 2012. №3(15). С.160.

ИХТТ мамлакатлари пенсия тизимлари мажбурий компонентларининг
МАСО услубиятига кўра гуруҳланиши¹⁶

Мамлакат	Кайд этиладиган ставка	Дароматга мунозал раштан тизим	Мухтож- лик бўйича нафақа	Универ- сал кайд этиладиган тизим	Таъминла- ш фонди	Профес- сионал пенсия тизими	Илдиз- дуз пенсия тизими
Австралия			+			+	
Австрия		+	+				
Бельгия		+	+				
Канада		+	+	+			
Чили		+	+				+
Чехия	+	+					
Дания		+		+			
Эстония	+	+	+				+
Финляндия		+	+				
Франция		+	+			+	
Германия		+					
Греция		+	+				
Венгрия		+					+
Исландия			+			+	
Ирландия	+		+				
Исроил	+		+				
Италия		+	+				
Япония	+	+					
Корея Республикаси		+	+				
Люксембург	+	+					
Мексика		+					+
Нидерландия	+		+				
Янги Зеландия			+	+			
Норвегия	+	+					
Польша	+	+					+
Португалия		+	+				
Словакия		+					
Словения		+	+				+
Испания		+					
Швеция		+	+				+

¹⁶ Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов // НЭА. 2012. №3(15). С.161.

Тахлиллар, миллий пенсия тизимларида жамғариб бориладиган компонент катор хусусиятларга эга бўлиб, амал қилишида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу муаммолар жамғариб бориладиган компонентнинг демографик инкироз даврида пенсия тизимларининг барқарор ривожланишини таъминлаб берувчи универсал дастак эмаслигини билдиради (2.4-жадвал).

Мисол учун Швеция пенсия тизимида ХМТ ва МАСО услубияти бўйича мажбурий жамғариб бориладиган компонент кўзда тутилган. Аммо ушбу компонентнинг пенсия сугуртасидаги улуши оз. Швецияда жамғариб бориладиган компонент учун иш ҳақидан пенсия сугуртаси учун ажратиладиган 18,5% маблагнинг 2,5% %и ўтказилади. Венгрияда жамғариб бориладиган давлат пенсия мажбуриятларини бажариш даражаси жаҳон молиявий инкирози даврида кескин пасайиб кетди. Венгрия Европада биринчилардан бўлиб пенсия тизимида жамғариб бориладиган пенсия сугуртаси модели жорий этган. Венгрияда 1997 йилдан бошлаб уч даражали пенсия тизими шакллантирилган: Венгрия пенсия фондига истикболда давлат пенсиясини (биринчи даража) олиш учун тўланилган бадаллар билан бир каторда биринчи марта меҳнат фаолиятини бошлаган шахслар даромадларининг бир қисмини хусусий пенсия фондларига (иккинчи даража) ўтказишлари, жумладан, мустақил пенсия жамғармаларини (учинчи даража) ҳам шакллантиришлари зарур бўлди. Венгрияда жамғариб бориладиган компонент ўз меҳнат фаолиятларини бошлаганлар учун мажбурий, бошқа ишчилар учун эса ихтиёрий этиб белгиланди. Натижада жамғариб бориладиган тизимдаги пенсионерлар сони жуда оз бўлди.

Мисол учун 2010 йилда Венгрия пенсия тизимининг тақчиллиги ва давлат бюджети даромадларининг қисқариши натижасида хусусий пенсия фондларида жамғармага эга бўлган 3,1 млн киши хусусий пенсия фондларида қолиш ёки давлат бошқарувидаги пенсия фондларига ўтиб кетиш муаммосига дуч келишди. Хусусий пенсия фондларида қолиш истагини билдирганлар ўз жамғармаларининг 10%ини счётларга хизматлар кўрсатиш учун тўлашлари лозим эди. Бу эса уларни давлат пенсиясини олиш ҳуқуқидан маҳрум этарди. Натижада хусусий пенсия фондларида 3 %гина пенсионерлар (102 минг киши) қолишди. Ҳозирда Венгрияда пенсияларнинг мажбурий жамғариладиган компоненти амалда фаолият кўрсатмаётир деган ҳулосага келиш мумкин.

Назорат саволлари

1. Пенсия таъминотининг базавий институтлари нималардан иборат?
2. Пенсия тизимларини гуруҳлашда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан қўлланиладиган услубият бошқа услубиятлардан қандай фарқланади?
3. Жаҳон банкнинг пенсия тизимини ислоҳ этишга бўлган муносабатига хос хусусиятларни аниқланг.
4. Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияларига кўра пенсия таъминоти тизими нечта даражадан иборат бўлади?
5. Пенсия тизимларини шакллантиришда Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро ижтимоий таъминот ассоциацияси (МАСО) ёндашуви қандай мезонларга асосланади?

Асосий тушунчалар

Ижтимоий ёрдам – аксарият мамлакатларда амал қилувчи пенсия ёқидаги аҳоли таркибида камбағаллик улушини қисқартириш мақсадида амалга ошириладиган қайта тақсимот дастури.

Мажбурий пенсия сугуртаси – меҳнатга лаёқатли даврда эришилган турмуш даражасининг пасайиб кетиши билан боғлиқ рискларни сугурталаш мақсадида ёлланиб ишловчилар ва ўзини-ўзи иш билан таъминловчи шахслар томонидан мажбурий сугурта бадалларини тўлаш дастури.

Шахсий пенсия (ихтиёрий) сугуртаси – ушбу сугурта кенгайтирилган ёки айрим ҳолатларда иккинчи институтнинг ўрнини босувчи сугурта ҳисобланиб, фуқароларнинг хоҳиш ихтиёри ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Мажбурий бирдамлик-тақсимот компоненти – барча категориядаги пенсионерларнинг минимал турмуш даражасини давлат томонидан моддий жиҳатдан таъминлашни кафолатлашга қаратилган дастурлар.

Мажбурий персонификациялаштирилган компонент – ҳар бир сугурталанувчи шахс томонидан шакллантириладиган иқтисодий механизм. Сугурталанувчи шахс меҳнатга лаёқатли даврдаги турмуш даражасидан келиб чиқиб меҳнатга лаёқатсиз даврдаги турмуш даражасини таъминлаш учун маблағ жамғаради.

Ихтиёрий жамғариладиган компонент – jisмоний шахс томонидан жамғарилиши ёки иш берувчи томонидан тақдим этилишидан қатъий назар ихтиёрийлик тамойилига асосланади.

Минимал пенсиялар – аҳолининг барча қатламлари учун камбағалликка қарши йўналтирилган (реал муҳтож аҳоли учун) пенсиялар.

Давлат пенсиялари – сугурта тамойиллари асосида мажбурий тақсимланадиган пенсиялар, ушбу пенсиялар йўқотилган иш ҳақиға мос пенсия миқдорини (қоплаш коэффициенти) таъминлаб бериши зарур.

Миқдори қайд этилган тўловлар (flat-rate) – меҳнат стажи ёки резидентлик муддатига асосланган ҳолда тўланадиган, миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланадиган тўловлар, пенсиялар.

Дароматга йўналтирилган пенсиялар (earnings-related pension) – миқдори иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланадиган пенсиялар.

Муҳтожлик бўйича (means-tested) пенсиялар – ўзи ёки оиласининг даромади, активлари миқдори белгилаб қўйилган минимал даражадан пасайиб кетган шахсларга тўланадиган пенсиялар.

Миқдори қайд этилган универсал тўловлар (flat-rate universal) – миқдори иш ҳақи миқдорига эмас, балки резидентлик муддатига асосланган ҳолда белгиланадиган тўловлар, пенсиялар.

Жамғариб бориладиган фондлар (provident funds) – ёлланиб ишловчилар ва иш берувчиларнинг сугурта бадаллари ҳисобидан молиялаштириладиган, давлат томонидан бошқариладиган махсус фондлар.

Профессионал (касбий) пенсиялар (occupational retirement schemes) – тадбиркорлар ва айрим ҳолларда ёлланиб ишловчиларнинг сугурта бадаллари ҳисобидан молиялаштириладиган профессионал хусусий пенсиялар.

Индивидуал пенсиялар (individual retirement scheme) – ёлланиб ишловчилар ва айрим ҳолларда иш берувчилар иш ҳақидан муайян фонизларнинг индивидуал счётларга ўтказишлари ҳисобидан шаклланадиган пенсиялар.

Тестлар

1. Пенсия ёшидаги аҳоли таркибида камбағаллик улушини қисқартириш мақсадида амалга ошириладиган қайта тақсимот дастури...

- а) Ижтимоий ёрдам
- б) Мажбурий пенсия сугуртаси
- в) Ихтиёрий пенсия сугуртаси
- г) Давлат пенсиялари

2. Меҳнатга лаёқатли даврда эришилган турмуш даражасининг пасайиб кетиши билан боғлиқ рискларни сугурталаш мақсадида ёлланиб

ишловчилар ва ўзини-ўзи иш билан таъминловчи шахслар томонидан мажбурий сугурта бадалларини тўлаш дастури ...

- а) Мажбурий пенсия сугуртаси
- б) Ижтимоий ёрдам
- в) Ихтиёрий пенсия сугуртаси
- г) Давлат пенсиялари

3. Фуқароларнинг хоҳиш ихтиёри ва молиявий имкониятларидан келиб чиқиб шакллантириладиган, кенгайтирилган ёки айрим ҳолатларда иккинчи институтнинг ўрнини босувчи сугурта дастури ...

- а) Ихтиёрий пенсия сугуртаси
- б) Мажбурий пенсия сугуртаси
- в) Ижтимоий ёрдам
- г) Давлат пенсиялари

4. Аҳолининг барча қатламлари учун камбағалликка қарши йўналтирилган (реал мухтож аҳоли учун) пенсиялар ...

- а) Минимал пенсиялар
- б) Давлат пенсиялари
- в) Жамғариладиган пенсиялар
- г) Давлат субсидиялари

5. Сугурта тамойиллари асосида мажбурий тақсимланадиган, йўқотилган иш ҳақиға мос пенсия миқдорини (қоплаш коэффициенти) таъминлаб бериши зарур бўлган пенсиялар ...

- а) Давлат пенсиялари
- б) Минимал пенсиялар
- в) Жамғариладиган пенсиялар
- г) Давлат субсидиялари

6. Меҳнат стажини ёки резидентлик муддатига асосланган ҳолда тўланадиган, миқдори иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда белгиланадиган тўловлар, пенсиялар ...

- а) Миқдори қайд этилган тўловлар
- б) Даромадга йўналтирилган пенсиялар
- в) Мухтожлик бўйича пенсиялар
- г) Миқдори қайд этилган универсал тўловлар

7. Иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб белгиланадиган пенсиялар ...

- а) Миқдори қайд этилган тўловлар
- б) Даромадга йўналтирилган пенсиялар
- в) Мухтожлик бўйича пенсиялар
- г) Миқдори қайд этилган универсал тўловлар

8. Ўзи ёки оиласининг даромади, активлари миқдори белгилаб қўйилган минимал даражадан пасайиб кетган шахсларга тўланадиган пенсиялар...

- а) Муҳтожлик бўйича пенсиялар
- б) Миқдори кайд этилган тўловлар
- в) Даромадга йўналтирилган пенсиялар
- г) Миқдори кайд этилган универсал тўловлар

9. Миқдори иш хақи миқдорига эмас, балки резидентлик муддатига асосланган ҳолда белгиланадиган тўловлар, пенсиялар.

- а) Миқдори кайд этилган универсал тўловлар
- б) Муҳтожлик бўйича пенсиялар
- в) Миқдори кайд этилган тўловлар
- г) Даромадга йўналтирилган пенсиялар

10. Ёлланиб ишловчилар ва айрим ҳолларда иш берувчилар иш хақидан муайян фонсларнинг индивидуал счётларга ўтказишлари ҳисобидан шаклланадиган пенсиялар ...

- а) Индивидуал пенсиялар
- б) Профессионал (касбий) пенсиялар
- в) Муҳтожлик бўйича пенсиялар
- г) Минимал пенсиялар

III БОБ. ЖАҲОНДАГИ ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ МОДЕЛЛАРИ ВА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ

3.1. Халқаро молия институтлари ва пенсия таъминотининг уч даражали тизимига ўтиш муаммолари

Пенсия ислохотлари тўғрисидаги халқаро муҳокамаalar Жаҳон банки томонидан 1994 йилда нашр этилган, аҳолининг қариб бориши билан боғлиқ пенсия инқирозига бағишланган ҳисоботидан бошланди¹⁷. Маърузада пенсионерларнинг қутилаётган умр давомийлигининг узайиши билан боғлиқ ҳолда аксарият мамлакатларда маблағларни қайта тақсимлашнинг “авлодлар бирдамлиги” тамойилларига асосланган пенсия тизимларида тақчиллик юзага келгани таъкидланди. Ушбу маърузада “дунё мамлакатлари амал қилаётган пенсия таъминоғларини ислоҳ этиб қуйидаги уч даражадан иборат бўлган пенсия тизимларини шакллантирса мақсадга мувофиқ бўлар эди”, деган ғоя олға сурилди:

- давлат томонидан бошқариладиган тақсимлаш тизими (солиқ тушумлари ҳисобидан молиялаштирилади ва аҳолининг қариётган қатлами ўртасида камбағалликни қисқартиришни кўзда тутлади);

- хусусий бошқарувда бўлган мажбурий жамғариш тизими (жамғармаларнинг шаклланишини таъминлаш учун хизмат қилади);

- ихтиёрий жамғариш тизими (пенсия ёшидан кейин кўпроқ молиявий химояланишдан манфаатдор бўлганлар учун мўлжалланган тизим).

Жаҳон банки экспертлари фикрича, кўп даражали пенсия тизими қуйидаги таркибга эга бўлиши зарур:

- минимал пенсия миқдори кафолатланган мажбурий бирдамлик тизими;

- минимал пенсия миқдорининг шахсий бадаллар ҳисобидан ортиши кафолатланадиган мажбурий жамғариладиган пенсия тизими;

- шахсий қўшимча жамғармалар ҳисобидан пенсия миқдорининг ортишини таъминловчи ихтиёрий жамғариладиган пенсия тизими.

Шаклланаётган уч даражали пенсия тизимида пенсия ёшидаги кишиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш энг мақбул тарзда таъминланади.

Биринчи даража аксарият мамлакатларда амал қилаётган пенсия тизимларига ўхшаш бўлса-да, унинг камров даражаси торроқ ва асосий эътибор даромадларни қайта тақсимлашга қаратилган бўлади. Ушбу даража кекса ёшдагиларни ижтимоий химоя қилишни кўзда тутлади. Пенсия тўловлари миқдорини ҳисоблаш тартиби эса турлича бўлиши мумкин:

¹⁷ Averting the Old Age Crisis: Policies to Protect the Old and Promote Growth. World Bank, 1994. 436 p.

- пенсия тўловлари миқдорини бир хил белгилаш (хамма учун бир хил тўловлар ёки тўловлар миқдорини бадаллар амалга оширилган меҳнат стажига боғлиқ ҳолда белгилаш (Австралия ва Буюк Британия));

- пенсия тўловлари миқдорини активлари ва муҳтожлигини текшириш асосида белгилаш (Австралия);

- минимал, кафолатланган пенсиялар миқдорини белгилаш (Чили).

Иккинчи даража аънанавий пенсия тизимларидан сезиларли даражада фарқ қилади ва пенсия тўловлари миқдори актуар тарзда бадаллар суммасига боғлиқ ҳолда белгиланади. Ушбу даража тўлиқ жамғариладиган тизим ҳисобланади ва хусусий бошқарув назорати остида бўлади.

Учинчи даража ихтиёрий жамғармалар ва аннуитетларга асосланади ва келажакда қўшимча пенсияларга эга бўлиш истагида бўлганлар учун мўлжалланган.

Жаҳон банки томонидан тавсия этилган уч даражали пенсия тизимида иккинчи даража аънанавий пенсия тизимларидан сезиларли фарқ қилганлиги боис ушбу даражага ҳос қуйидаги хусусиятларни чуқурроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Мажбурийлик. Агар пенсия жамғармаларини шакллантириш ихтиёрий бўлса, аксарият кишилар узокни кўра олмасдан пенсия ёшига қадар етарли миқдорда жамғарма йиға олмасликлари ва кексайганда эса ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолишлари мумкин.

Пенсия тўловлари миқдорининг белгиланган бадаллар миқдorigа боғлиқлиги. Бадаллар ва пенсия тўловлари миқдори ўртасидаги бевосита боғлиқлик кишиларда бадалларни солиқ сифатида қабул қилмасликка ундайди. Бадалларни тўламасликдан манфаатдор бўлиш, “норасмий сектор”га ўтиб кетиш каби салбий ҳолатларнинг олди олинади.

Жамғариладиган тизим эканлиги. Жамғариладиган тизим молиявий жиҳатдан қуйидаги афзалликларга эга:

- молиявий жамғармалар харажатлар тўғрисида тасаввур уйғотади, яъни келажакда бажариш мумкин бўлмаган нарсалар тўғрисида олдиндан ваъда беришнинг олдини олади;

- иш ҳақи фондига нисбатан белгиланадиган солиқ ставкасини кескин оширмаслик имкони пайдо бўлади. Қайта таксимланадиган тизимда аҳоли қариши жараёни чуқурлашган сари ушбу солиқ ставкаси оширилиши зарур бўлади.

- жамғармалар узок муддатли миллий жамғармаларни шакллантиришга кўмаклашади.

Хусусий бошқарув назорати остида эканлиги. Хусусий бошқарувда инвестиция стратегияси сиёсий қарорлар асосида эмас, балки иқтисодий манфаатлар асосида шакллантирилади. Натижада капитални оқилона жойлаштиришга эришилади ва жамғармалардан юқори даромад олиш имконияти яратилади.

Жаҳон банки мутахассислари миллий пенсия тизимларини ислоҳ этиш доирасида мажбурий жамғариладиган элемент – жамғариб бориладиган

пенсияларни жорий этишни таклиф этишди. Қатор йиллар мобайнида Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро ижтимоий таъминот уюшмаси пенсия таъминоти тизимида жамғариб бориладиган ва қайта таксимланадиган элементларнинг ўзаро нисбати тўғрисида мунозаралар олиб боришди. Ҳозирги вақтда эришилган сиёсий келишув пенсия тизимини шакллантиришнинг универсал рецепти йўқ эканлиги ва ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланиш даражаси ва миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда пенсия тизими моделини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими тарафдорлари пенсия жамғармаларининг индивидуал характерда эканлиги, пенсиялар миқдори бадаллар ва уларни инвестициялаш натижаларига боғлиқ эканлиги, ривожланган молия бозорлари барқарор ўсишни намойиш қилаётгани, кимматбаҳо коғозларга сарфланган маблағлардан келадиган даромадлар инфляция ва иш ҳақининг ўсиш суръатларидан юқори эканлиги каби асосларни келтиришди. Макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан эса ялпи ички маҳсулот таркибида жамғармалар улушининг ортиши иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Шу билан боғлиқ ҳолда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш қатор рисклардан ҳоли эмаслиги таъкидланди. Жумладан, иқтисодиёт циклик кўринишда ривожланишга эга. Инкироз шароитида жамғармалар кимматбаҳо коғозларнинг бозор қийматини қайта баҳолаш туфайли кадрсизланиши мумкин. Жамғариб бориладиган пенсия тизими аъзолари “бозор рисклари” ва инфляция олдида химоясиз бўлиб қолишади.

Бирдамлик пенсия тизими тарафдорлари пенсия тизими меҳнатга лаёқатли аҳоли ажратмалари (солиқлар, сугурта бадаллари) ҳисобидан молиялаштирилгани боис барқарор молиявий асосга эга эканлигини таъкидлашди. Инфляция ва иқтисодий ўсиш шароитида номинал иш ҳақи миқдори ошади ва мос равишда пенсия тизимига ажратмалар ҳам кўпаяди. Пенсияларни индексация қилиш меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий ажратмалари миқдори ошгани ҳисобидан амалга оширилади.

Бирдамлик пенсия тизими ҳам рисклардан ҳоли эмас. Аҳолининг қариши шароитида меҳнатга лаёқатли аҳоли ва пенсионерлар сони ўртасидаги нисбат ўзгаради. Умумий ажратмалар миқдори пенсия даражасини ушлаб туриш учун етмай қолади, ажратмалар ҳажми “кечкаётган” индексация ҳисобидан қисқаради ва қоплаш коэффициенти (пенсиялар миқдорининг иш ҳақи миқдorigа нисбати) пасаяди. Шу билан бирга пенсияларни белгилаш ёки ошириш узок муддатли молиялаштириш манбалари мавжуд эмаслиги шароитида “сиёсий популизм” рискинн юзага келтиради.

Жаҳон банки 1984-2010 йилларда дунёнинг 80дан ортик мамлакатида пенсия ислохотларини амалга оширишда қатнашди ва 60 дан ортик мамлакатга пенсия ислохотларини амалга ошириш учун молиявий ёрдам кўрсатди. Жаҳон банки пенсия ислохотларини амалга ошириш учун 1984-2004 йилларда 68 мамлакатга 204 та лойиҳа бўйича кредитлар берди. Пенсия

тизимини ислоҳ этишга йўналтирилган кредитлар турли шаклларда амалга оширилди:

- техник ёрдам ва инвестицион қарзлар орқали ислохотларни қўллаб-қувватлаш;

3.1-жадвал
Кўп даражали пенсия таъминоти тизими таркиби¹⁸

Даража	Мақсадли гуруҳлар			Асосий мезонлар		
	камбағаллар	иктисодийнинг норасмий сектори	иктисодийнинг расмий сектори	таъсифи	катталиги	молиялаштириш
0	xxx	xx	x	“Таянч” ёки “ижтимоий” пенсия, минимал ижтимоий ёрдам (барча учун ёки эҳтиёжманд аҳоли учун)	умумий ёки қолдиқли	Бюджетдан ёки умумий даромадлардан
1			xxx	Давлат бошқарувидаги давлат пенсия тизими (бадаллар миқдори белгиланадиган ёки бадаллар миқдори белгиланадиган шартли-жамғариладиган)	мажбурий	Бадаллар, молиявий захиралардан фойдаланиш
2			xxx	Касбий ёки персонал пенсия дастурлари (бадаллар ёки тўловлар миқдори белгиланадиган тўлиқ жамғариладиган дастурлар)	мажбурий	Молиявий активлар
3	x	xxx	xxx	Касбий ёки персонал пенсия дастурлари (бадаллар ёки тўловлар миқдори белгиланадиган қисман ёки тўлиқ жамғариладиган дастурлар)	ихтиёрий	Молиявий активлар
4	xxx	xxx	xx	Норасмий (оила), турли ижтимоий дастурлар (соғлиқни сақлаш), ва турли индивидуал молия ва номолиявий активлардан (уй эгалари) фойдаланиш имконияти	ихтиёрий	Молиявий ва номолиявий активлар

Изоҳ: жадалдаги “x”, “xx”, “xxx” белгилар қолган таъминоти мақсадли гуруҳлар учун мумкинлик даражасини билдиради (“x” – паст, “xx” – ўрта, “xxx” – юқори).

- таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун билвосита мақсадли кредитлаш.

¹⁸Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов // НЭА. 2012. №3(15). С. 157.

XXI аср бўсағасида Жаҳон банки томонидан ажратилган кредитлар миқдори 34,2 млрд доллардан ошиб кетди.

Юқорида таъкидланганидек, Жаҳон банки кўп даражали пенсия таъминоти тизими афзалликларини тан олади ва амалиётга жорий этишга тавсия этади (3.1-жадвал).

Кўп даражали пенсия таъминоти тизими қуйидаги беш элементни ўз ичига олади: а) “о даража” (компонент) – фуқаролар томонидан бадаллар тўланмасдан шакллантирилади (ижтимоий пенсиялар) ва ижтимоий таъминотнинг минимал даражаси таъминланади; б) “1 даража” - , иш ҳақи миқдорига боғлиқ бадаллар ҳисобидан шакллантирилади ва ишчи маошининг бир қисмини қоплаш учун мўлжалланган; в) мажбурий “2 даража” – ишловчининг жамғармалари ҳисобидан шакллантирилади, аммо турли вариантларда фойдаланилади; г) ихтиёрий “3 даража” – турли вариантларда қўлланилади (ишловчиларнинг индивидуал бадаллари, иш берувчининг бадаллари, миқдори белгиланган тўловлар ёки миқдори белгиланган бадаллар), бунда барча вариантлар эгилувчанлиги билан ажралиб туради; д) кеска ёшдаги кишиларни оилавий ёки авлодлар ўртасидаги келишувлар асосида норасмий молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш манбалари (уй-жой билан таъминлаш ва соғлиқни сақлаш хизматлари) қиради.

3.2. Пенсия тизимини ислох этиш моделлари

Самарали фаолият юритувчи давлат пенсия тизимлари қуйидаги халқаро андоза талабларига жавоб бериши зарур:

- **мажбурий иштирок** – пенсия тизими мажбурий тўловлар ҳисобига шаклланади;
- **молиявий баркарорлик** – пенсия фондига тўланадиган бадаллар тўланадиган пенсия суммасини тўлиқ қоплаши керак;
- **пенсия билан таъминланганлик** – пенсия олиш ҳуқуқига тўланган бадаллар ҳисобига эришилади. Пенсия миқдори бадаллар миқдори ва пенсия тўловлари давомийлигига боғлиқ бўлади;
- **пенсия тизими баркарорлигини мунтазам баҳолаш** – пенсионерларнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаши лозим.

Пенсия тизимларини ислох этиш зарурияти аҳолининг қариб бориши жараёнининг жадаллашуви билан бевосита боғлиқ. Айрим ҳисоб-китобларга кўра жаҳонда 2050 йилга бориб пенсионерлар сони ўсмирлар сонига нисбатан ошиб кетиши кутилмоқда. Ушбу ҳолат “Авлодлар бирдамлиги” тизимининг самарасизлиги ва пенсия тизимларини молиялаштиришнинг янги тамойилларини жорий этиш зарурлигини келтириб чиқарди. Бундан ташқари самарали пенсия ислохотлари ривожланаётган мамлакатлардаги макроиқтисодий ҳолатни тубдан яхшилаш имконини яратиши мумкин.

Пенсия тизимларини ислох этишдан мақсад пенсионернинг минимал турмуш даражасини таъминлаб бера оладиган минимал пенсияни жорий

этиш, меҳнат фаолияти давомида тўланган бадаллар ва пенсия миқдори ўртасида бевосита боғлиқликни таъминлаш, пенсия тўловларини молиялаштириш манбаларини табақалаштиришдан иборат.

Пенсия ислохотлари асосида қайта таксимланадиган пенсия тизимидан жамғариладиган пенсия тизимига ўтилади. Қайта таксимот жараёнларининг бекор қилиниши аҳоли қариши жараёнининг пенсия тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирини юмшатишга олиб келади. Пенсияга чиқувчилар томонидан жамғарилган капиталга эҳтиёжнинг йўқлиги сабабли уларни жамғариш, инвестициялашга йўналтириш имконияти пайдо бўлади. Бу эса макроиктисодий ҳолатнинг яхшиланиши, иктисодий ўсишга олиб келади. Пенсия тизимининг ривожланишида ижтимоий химоя тамойилларидан ижтимоий сугурта тамойилларига ўтиш рўй беради.

Дунё амалиётида миллий пенсия тизимларини ислох этишнинг қуйидаги моделлари фарқланади:

- **Лотин америка модели** – ишчи, ходимлар пенсия жамғармаларини жамғариш учун индивидуал тартибда бошқарув компаниясини танлашда (индивидуал ҳисоб рақамлар);

- **ИХТТ модели** – пенсия жамғармаларини инвестиция мақсадларида бошқаришни амалга оширувчи компаниялар иш берувчи ёки қасаба уюшмаларининг ишончли вакиллари томонидан танланади (қасбий схема);

- **Швед модели** – пенсия тизимининг биринчи – таксимотга асосланган даражаси шартли жамғариладиган компонент билан тўлдирилади (шартли-жамғариладиган ҳисоб-рақамлар).

Ушбу ҳолат пенсия ислохотларини ҳар қандай мамлакатда амалга ошириш мумкинлиги, аммо мамлакатлардаги мавжуд снѐсий ва иктисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ислохотлар турли шаклларда амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Аргентинадаги мавжуд шарт-шароитлар давлат пенсия тизимини танлаш имконини берган бўлса, Перуда эса давлат пенсия тизими мавжуд эмас. Чили ва Австралиядаги шарт-шароитлар эса Мексика ва Аргентинага нисбатан кўпроқ хусусий пенсия тизимини ривожлантириш имконини берганлигини кузатиш мумкин. Буюк Британия ва Швейцарияда пенсия тизимининг асосини анъанавий қасбий пенсия тизими ташкил этса, Австралия ва Данияда қасаба уюшмалари томонидан тузиладиган пенсия мажбуриятлари устуворлик килади.

Пенсия ислохотларининг асосий хусусиятини таъминлаб берувчи муҳим базавий шартлардан бири бу яширин пенсия қарзлари миқдори кўрсаткичи ҳисобланади. Яширин пенсия қарзлари миқдорини аниқлаш. “Лотин Америка модели” илк марта 1980 йилда Чилида амалга оширилган. 1990 йилларда эса Аргентина, Перу, Колумбия, Мексика, Уругвай ва Боливияда амалиётга татбиқ этилган.

Дунё мамлакатларида амалга ошириладиган пенсия ислохотларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- пенсия тизимига жузъий ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ “косметик” ислохотлар;
- пенсия тизимини тубдан ислох этиш билан боғлиқ “чукур” ислохотлар.

3.2-жадвал

Пенсия тизимларини ислох этишни баҳолаш кўрсаткичлари

Тури	Ислохотлар йўналиши	Ўзгартирилётган кўрсаткичлар
“Косметик” ислохотлар	Пенсия олиш ҳуқуқини берувчи мезонлар	Пенсия ёши
		Меҳнат стажи
		Қамров даражаси
	Бадаллар таркиби	Бадаллар ставкаси
		Бадал ундириш базаси
		Манбаси
		Бадалларни солиққа тортиш
	Тўловлар таркиби	Пенсияни ҳисоблаш формуласи
		Пенсияни ҳисоблаш базаси
		Пенсияларни индексациялаш
		Минимал пенсия
		Тўлов шакли
		Тўловларни солиққа тортиш
Маъмурият	Бошқарув органи	
	Инвестиция сисемати	
	Давлат/хусусий сектор	
“Чукур” ислохотлар	Таксимот тизимдан ўрнатилган бадаллар схемасига ўтиш	Минимал пенсия
		Бошқа кафолатлар
		Янги тизимга ўтиш
		Ўтиш механизми
	Оддий таксимот tizimидан шартли- жамғариладиган тизимга ўтиш	Минимал пенсия
		Бошқа кафолатлар
		Янги тизимга ўтиш
	“Провидент” фонддан таксимот тизимига ўтиш	Ўтиш механизми
		Бадаллар ставкаси
		Пенсияларни ҳисоблаш формуласи
		Пенсияларни ҳисоблаш базаси
	Янги тизим	Пенсияларни индексациялаш
		Ўтиш механизми
		Қамров даражаси
		Бадаллар ставкаси
		Бадал ундириш базаси
Пенсияларни ҳисоблаш формуласи		
Пенсияларни ҳисоблаш базаси		
Пенсияларни индексациялаш		
Ўтиш механизми		

“Косметик” ислохотларга амалдаги давлат пенсия тизимига жузъий ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ чора-тадбирлар киради. Ушбу ислохотларнинг мақсади пенсия тизимидаги молиявий муаммоларни бартараф этиш ҳисобланади. Косметик ислохотлар билан боғлиқ чора-

тадбирлар пенсия олиш ҳуқуқи, бадаллар таркиби, тўловлар таркиби ва уларни тақдим этиш тартибига ўзгартиришлар киритиш каби тадбирларни қамраб олади. Аксарият ҳолларда косметик ислоҳотлар амалдаги давлат пенсия тизимидаги муаммоларни тўлиқ ҳал қилиш имконини бермайди, аммо ушбу тадбирлар молиявий инқирозларнинг салбий таъсирини юмшатиш имконини беради.


“Чуқур” пенсия ислоҳотлар дейилганда, амалдаги пенсия тизимини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган – ўрнатилган тўловлар схемаси ўрнига ўрнатилган бадаллар схемаси (ёки аксинча) ёки тақсимотга асосланган пенсия тизими ўрнига жамғариладиган пенсия тизимлари (ёки аксинча) жорий этиладиган пенсия ислоҳотлари тушунилади. “Нолдан”, янги пенсия тизимини амалиётга жорий этиш ҳам “чуқур” пенсия ислоҳотлари сирасига киради.

Пенсия ислоҳотлари дунёнинг аксарият мамлакатларида амалга оширилаётганлигига қарамадан уларнинг тахминан 25 фоизда “чуқур” пенсия ислоҳотлари ўтказилмоқда. Уларнинг 1/3 қисмида жамғариладиган пенсия тизимидан тақсимотга асосланган пенсия тизимига ўтиш ёки янги тақсимотга асосланган пенсия схемаларини жорий этиш амалга оширилмоқда.

3.3. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг пенсия таъминоти тизимига таъсири ва ислоҳотларнинг чуқурлашуви

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ривожланган мамлакатлар пенсия таъминоти тизимидаги мавжуд муаммоларни янада кескинлаштирди. Ривожланган мамлакатларнинг пенсия тизими инқирознинг салбий таъсирига тайёр эмаслигини кўрсатди. Турли пенсия тизимларининг инқироз таъсирида юзага келган камчиликлари ва ушбу тизимларни ислоҳ этиш амалиёти муҳим илмий-амалий аҳамият касб этди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози пенсия тизимининг таркибий қисмларига салбий таъсир кўрсатди. Пенсия тизимининг дастлабки даражаси давлат даромадлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши солиқ тушумларининг камайишига ва пенсия тизимининг ушбу даражасини молиявий ҳолатини ёмонлашувига олиб келди. Маълумки пенсия тизимининг биринчи даражаси банд аҳоли ва иш берувчилар томонидан тўланган бадаллар ҳисобидан молиялаштирилади. Иш хақи миқдорининг қисқариши ва ишсизлик даражасининг ортиши ушбу даражани молиялаштириш фонди манбаларинининг камайишига олиб келди.




3.1-расм. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг пенсия тизимига таъсири

Иккинчи ва учинчи даражалар банд аҳоли ва иш бевуричлар томонидан тўланадиган бадаллар ҳисобидан, даромадлардан олинадиган фоизлар ҳисобидан молиялаштирилади. Ишсизлар сонини ортиши, иш хақи ва молиявий активлар қийматининг пасайиши ушбу даражалар молиявий салоҳиятининг ёмонлашувиغا олиб келди.

Пенсия тизимининг харажатлари таркибида аҳолининг пенсияга иложи борича барвақт чиқиш ёки ногиронликни олишга ҳаракат қилганликлари туфайли одатда пенсия олувчилар сони инқироз даврида ортади. Инқироз даврида одатда мамлакатлар пенсия тўловларини қисқартиришни хоҳламайдилар бироқ ўртача иш хақи пасайиш тенденциясига эга бўлади.

Жаҳон бирдамлик пенсия тизимлари ўтган асрнинг 50-70-йилларида кулай демографик вазият шароитида яратилган бўлиб, аҳолининг жорий қариш жараёни оқибатлари шароитида ўз вазифасини ижобий ҳал эта олмаётди. Ишлаётган аҳоли улушининг қисқариши ва пенсия ёшидаги аҳоли улушининг ортиб бориши барча мамлакатлар учун хос жараёндир. Шунинг учун вазиятни бадаллар тўлашни ошириш ва тўловларни қисқартириш томон ўзгартирмасдан туриб бирдамлики тизимлари молиялаштиришда мунтазам камомадга эга бўлаверди. Масалан, Standard&Poors агентлиги аҳолининг қариши тўғрисидаги ҳисоботида пенсиялар ва соғлиқни сақлашга ажратилаётган харажатлар борасидаги жорий сиёсатга ўзгартiriшлар киритилмас экан, пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ўсиб бориши билан давлат харажатларининг ортиб боришини башорат қилмоқда. 2050 йилга бориб пенсияларга ажратилаётган харажатлар ривожланган мамлакатларда ЯИМга нисбатан ўртача 3%ни, ривожланаётган мамлакатларда эса 2,2%ни ташкил этади. Россия ва Украинада эса ушбу кўрсаткич 9% атрофида башорат қилинмоқда.

Бирдамлик пенсия тизимини ислоҳ этиш зарурияти аксарият мамлакатлар кун тартибидagi долзарб масалага айланиб бормоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози эса ушбу жараённинг жадаллашувиға туртки бўлмоқда.



3.2-расм. 2010-2050 йилларда ривожланаётган мамлакатларда пенсия ёшидаги аҳоли эҳтиёжлари учун ажратиладиган давлат харажатларининг ўсиб бориши, ЯИМга нисбатан фойзда¹⁹

Жаҳон банки 2009 йилда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида инқирознинг бирдамлик пенсия тизими тақчиллигига таъсири тўғрисида тадқиқотлар олиб борди. Тадқиқотлар натижасида олинган асосий хулоса инқирознинг тақчилликка таъсири демографик ўзгаришлар таъсирига нисбатан сезиларсиз эканлигидир. Шунинг учун ушбу мамлакатларда пенсия тизимига инқироз тўғрисида киска муддатли молиявий муаммоларни ҳал этиш учун узок муддатли бирон жиддий тузатиш киритиш зарурияти йўқ деб, ҳисобланмоқда. Бу борада қўлланиладиган ҳар қандай тадбирлар пенсия тизимларининг узок муддатли мақсадларига мос келиши зарур. Бунда пенсия тизимларининг тақчиллигини қисқартиришига қаратилган сиёсат пенсиялар миқдорини инфляция миқдорига мос ўсишини чеклаш ҳисобланади. Тегишли ислохотларсиз Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида пенсия тизимлари тақчиллиги ўртача ялли ички маҳсулотга нисбатан 2050 йилга бориб 6 фойздан ошиб кетиши башорат қилинмоқда.

Бирдамлик пенсия тизимларини ислох этишининг узок муддатли вазифалари:

1. Пенсия тўловларини инфляция даражасига мувофиқ индексациялаш орқали пенсионерларнинг харид қобилиятини ва пенсия тизимларининг барқарорлигини ҳимоялаш.

2. Пенсия ёшини ошириш, эркаклар ва аёлларнинг пенсия ёшини тенглаштириш ва эрта пенсияга чиқиш ёшини чеклаш орқали аҳолининг узок вақт иқтисодий фаол бўлиши учун шарт-шароит яратиш.

¹⁹Standard&Poors, Global Aging, 2010.

3. Аҳолининг қариб бориши билан яқин истикболда давлат пенсия тизими имкониятларининг чекланганлиги тўғрисида аҳолини хабардор этиб бориш.

ХВФ маълумотларига кўра мамлакат бюджети тақчиллигига инкироз ва аҳолининг қариб бориши жараёни турлича таъсир кўрсатади. ХВФ мутахассислари ҳисоб-китоблари Жаҳон банки мутахассисларининг бюджет тақчиллигига инкироз таъсирининг ноқулай демографик вазиятнинг узок муддатли таъсирига нисбатан сезиларсиз эканлиги тўғрисидаги нуқтан назарни қўллаб қувватлайди.

3.3-жадвал

Бюджет тақчиллигига аҳолининг қариши ва инкироз билан боғлиқ харажатлар таъсири, ЯИМга нисбатан фонда²⁰

Мамлакат	Инкироз самараси	Аҳолининг қариб бориши самараси	Инкироз самарасининг умумий самарадаги хиссаси, фоиз
Австралия	26	482	5,1
Канада	14	726	1,9
Франция	21	276	7,1
Германия	14	280	4,9
Италия	28	169	14,2
Япония	28	158	15,1
Корея Республикаси	14	683	2,0
Мексика	6	261	2,2
Испания	35	652	5,1
Туркия	12	204	5,6
Буюк Британия	29	335	7,9
АҚШ	34	495	6,4
G-20	28	409	4,9

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан кейин ривожланган мамлакатлар давлат бюджети тақчиллиги солиқ даромадларининг пасайиб кетиши ва инкирозга қарши чоралар дастурларига харажатларнинг ортиши билан сезиларли даражада ёмонлашди. Шунинг учун ушбу мамлакатларда давлат пенсия тизимлари учун қўшимча бадаллар манбаларини яратиш ёки харажатларни қисқартиришга кўпроқ аҳамият берилди.

Тақсимлаш тизимини ўзгартириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: "параметрик" ва "таркибий". Биринчи ҳолатда мамлакатлар амалдаги пенсия тизимининг айрим кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритишади. Жумладан, пенсияга чиқиш ёши, бадаллар ставкаси, хизмат қилган йиллар сони ва б.

²⁰ <http://www.ipe.com>, <http://www.pensiondevelopment.org>

Таркибий ислохотлар пенсия таъминоти тизимининг фаолиятини тубдан ўзгартиришни такозо этади. Таксимлашга асосланган пенсия тизимлари учун демографик омил энг салбий омил ҳисобланганлиги боис, ушбу тизимларни таркибий жиҳатдан ислох этишда кутилаётган демографик вазиятга мос равишда пенсия тизими кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилади. Аммо инкироз даврида тез қарорлар қабул қилиш зарур. Шунинг учун ҳозирги вақтда таркибий чоралар кенг тарқалмаган, аммо истикболда ушбу тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади. Ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган таркибий чора-тадбирларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- Германияда тўловлар ишчиларга боғлиқлик коэффициентига (бир нафар ишчига тўғри келадиган пенсионерлар сони) боғлиқ ҳолда белгиланади. Боғлиқлик коэффициенти қанча юқори бўлса, пенсиялар миқдори шунчалик кам ўсади;

- Финляндия ва Португалияда тўловлар пенсия чиккандан кейинги кутилаётган умр давомийлигига боғлиқ ҳолда белгиланади;

- Францияда пенсия фондига тўланадиган бадалларнинг минимал даври 2012 йилдан кутилаётган умр давомийлиги билан боғлиқ ҳолда автоматик ўсиб боради. Данияда ушбу чоралар 2027 йилдан қучга қиради.

Таркибий чора-тадбирларга таксимот тизимида кескин ўзгаришларни қиритиш мумкин:

- Италия, Польша ва Швецияда қайд этилган тўловлар режаси ўрнига қайд этилган бадаллар режаси жорий этилади. Ишловчи пенсия ёшига етганда ишловчининг бадаллари иш ҳақининг ёки ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича индексацияланди;

- Швецияда истикболда мажбуриятлар тушумлардан кам бўлса, тўланаётган пенсиялар автоматик пасайтирилади;

- Канадада шунга ўхшаш механизм амал қилади. Баланс ҳар уч йилда ҳисоблаб чиқилади ва агар у тақчилликка эга бўлса парламент тақчилликни бартараф этиш бўйича чоралар қабул қила олмайди ва қуйидаги механизм автоматик тарзда ишга тушади: бадаллар ставкаси кутилаётган тақчиллик даражасининг 50 фоизини қоплаш даражасида қўтарилади, пенсиялар кейинги уч йилгача музлатилади.

Қисқа муддатли чораларни қўллашда ушбу чоралар узоқ муддатли истикболда қўшимча харажатларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиш зарур. Қатор мамлакатлар пенсия тизимининг жамғариб бориладиган қисмига тўланиши лозим бўлган бадаллар даражаси ва ушбу бадалларга давлат субсидияларини пасайтиришди. Узоқ муддатли истикболда ушбу тадбирлар пенсия тизимларининг барқарорлигини ёмонлаштиради ва уни жамғарилган активлар даражасининг пасайиб кетишига олиб келади.

Бирдамлик пенсия тизимларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар²¹

Мамлакат	Тадбирлар	
Руминия	Пенсия	2008 йилда 27,5% дан 31,3% гача
Болгария	бадаллари ставкаларини	2011 йилдан бадаллар миқдорини ходимлар иш ҳақининг 8,9%идан 10%игача, иш берувчилар фойдасининг 7,1% идан 7,8%игача ошириш
Македония	ўзгартириш	2009 йилдан бошлаб иш ҳақи даражасига боғлиқ ҳолда пенсия бадалларини ва тўловларни пасайтириб бориш (2008 й. – 21,5%, 2009 - 19%, 2010 й. – 16,5%, 2011 й. - 15%)
Испания	Индексация	Индексациялашни 2011 йилдан тўхтатиш
Норвегия	ни ўзгартириш	13-65 ёшгача бўлган даврдаги бадалларнинг ўртача миқдоридан келиб чиқиб пенсияларни ҳисоблаш тартибини белгилаш (ишсизлик ва оила аъзоларига қараган даврдан ташқари)
Швеция	минимал ва базавий пенсия миқдорини	Тушумлар миқдори мажбурийлар миқдоридан кам бўлса, тўловларни автоматик тарзда камайтириш
Ирландия	кискартириш	Давлат хизматчилари иш ҳақи миқдорини охириги хизмат йили бўйича эмас, балки хизмат давомидаги ўртача кўрсаткич бўйича ҳисоблаш
Греция		2010-2012 йилларда индексациялашни тўхтатиш, 13 ойлик пенсия ва бошқа бонус тўловларидан воз кечиш
Франция	Пенсия ёшини ошириш	2018 йилда эркаклар учун 60 ёшдан 62 ёшгача, аёллар учун 65 ёшдан 67 ёшгача, тўлик пенсия олиш учун 65 ёшдан 67 ёшгача
Испания		2013-2017 йилларда 65 ёшдан 67 ёшгача
Италия:		Давлат хизматчилари ҳисобланган аёллар учун 61 ёшдан 65 ёшгача
Греция		2015 йилгача 61 ёшдан 63 ёшгача
Ирландия		2014 йилда 66 ёшга, 2028 йилга бориб 68 ёшга
Франция	Пенсия олиш учун зарур стажини	Кутилаётган умр давомийлигининг ортинги билан автоматик тарзда иш стажини ошириш
Бельгия	меҳнат стажини ошириш	58-65 ёшда ишдан бўшатирилган ишчилар пенсиясига иш берувчи тўлайдиган бадаллар миқдорини ошириш
Греция		Эрта пенсияга чиқиш имконини берувчи касблар рўйхатини кескин қисқартириш
Норвегия		2011 йилдан пенсия ёшига етгандан кейин меҳнат фаолиятини давом эттиргани учун пенсия тўловларини субсидиялаш

²¹ <http://www.ipe.com>, <http://www.pensiondevelopment.org>

Жаҳонда кескин характерга эга мисоллар кўплаб учраб туради. Масалан, Венгрия ва Аргентина таксимлаш тизимлари тақчиллигини қискартириш мақсадида хусусий пенсия фондлари активларини миллийлаштиришди, Ирландия эса пенсия фондлари активларини банк капиталини ошириш мақсадида фойдаланди. Ушбу тадбирлар бирдамлик пенсия тизими муаммоларини жамғариб бориладиган пенсия фондларида жамғарилган истикболда ишлатилиши мумкин бўлган маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимлари амал қиладиган мамлакатлар сони кўп эмас. Ушбу тизимлар демографик муаммоларга нисбатан барқарор, миллий молия бозорининг муҳим таркибий қисми ва “узун” пуллар манбаи ҳисобланади. Жамғариб бориладиган пенсия тизимларининг камчиликларидан бири молиявий рискларнинг ишловчиларга катъий таксимланиши билан боғлиқдир. Хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимлари ҳолатида эса ишловчи молиявий жиҳатдан беқарор компанияни таълаш рискига дуч келади. Юқорида қайд этилганидек, жамғариб бориладиган пенсия тизимлари мажбурий ва ихтиёрий бўлиши мумкин. Дастлаб аксарият мамлакатларда, жумладан, АҚШда ихтиёрий жамғариб бориладиган тизимлар қайд этилган тўловларга асосланган. Ушбу схема компаниялар томонидан ўз ишчиларига қўшимча пенсиялар тақдим этишда кенг қўлланилган. Ушбу тизимнинг камчилиги компанияларда сезиларли даражада молиявий рискларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Шунингдек, улар ишчиларни компанияга боғланиб қолишига ва компания банкротта учраган ҳолларда пенсия жамғармаларидан айрилиб қолишлари мумкин эди. XXI аср бошларида аксарият мамлакатлар қайд этилган тўловлар тизимидан қайд этилган бадаллар тизимига ўтишмоқда. Бу компанияларнинг молиявий рискларини пасайтиради ва ушбу рисклар қисман ишловчига ўтади. Бошқа томондан эса ишловчиларнинг пенсия жамғармалари компаниянинг молиявий ҳолатига боғлиқ бўлмайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози пенсия фондлари молиявий ҳолатига сезиларли таъсир ўтказди. Ушбу таъсир пенсия фондларининг инвестицион активлари қийматининг пасайишида намоён бўлди. Қайд этилган тўловларга асосланган пенсия фондлари жиддий молиявий муаммоларга учради. 2008 йилда ИХТТ мамлакатлари пенсия фондлари активларининг қиймати 19 фоизга (3,5 трлн. долл.) пасайди. ИХТТ маълумотларига кўра 2009 йилда молия бозорларидаги кўтарилиш эвазига пенсия фондлари активларининг қиймати 1,5 трлн. долларга ўсиб инкироз туфайли йўқотилган 3,5 трлн доллар қисман қопланди. 2010 йилнинг охирига келиб ривожланган мамлакатлар пенсия фондлари қиймати ялпи ички маҳсулотга нисбатан 76 фоизни ташкил этди. Вахоланки, ушбу кўрсаткич

2007 йилда 78 фоизни ташкил этган эди. Инкироз шароитида пенсия фондларининг активлари таркиби акциялар ҳисобига ўзгарди ва пенсия режалари қайд этилган тўловларга асосланган мамлакатларга жиддий салбий таъсир кўрсатди.

Инкироз тақсимлашга асосланган пенсия тизими сингари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳам ислохотлар ўтказиш заруриятини келтириб чиқарди. Бунда асосий ўзгариш қайд этилган тўловлар режасининг қайд этилган бадаллар режасига алмаштирилиши бўлди. Қайд этилган бадалларнинг жаҳон пенсия фондлари умумий массивларидаги улуши 2005-2010 йилларда 40 фоиздан 44 фоизга қалар ошди. Қайд этилган бадаллар режаси жамғарилган активлар қийматининг ўзгариши билан боғлиқ молиявий рискларни пенсионерга ўтказиб юборади. Ушбу усулни оқибатларини олдиндан баҳолаш мумкин. Корпоратив пенсия режалари ҳам қайд этилган тўловлардан қайд этилган бадаллар тизимига ўтишмоқда.

Инкироз пенсия фондларининг инвестиция стратегиясининг ўзгаришига олиб келди. Инкироздан кейин аксарият мамлакатлар (АҚШ, Буюк Британия, Ирландия) пенсия фондлари ўз активларини акциялардан олиб облигацияларга жойлаштиришди. Баъзи мамлакатларда (Словакия) давлат таъсири остида ушбу ўзгаришларни жадал суръатларда амалга оширилди. Давлат пенсия фондларига активларнинг йўқотилган қисмини ривожланиб бораётган фонд бозорларида қайта тиклаш имкониятини яратиб берди.

3.5-жадвал

Ривожланган мамлакатларда пенсия активларининг тақсимланиши, 2010 йил²²

Мамлакатлар	Активларнинг тақсимланиши, жамига нисбатан фонзда				Тўловлар ва бадаллар, жамига нисбатан фонзда	
	акциялар	облигациялар	бошқалар	вақд пул	белгиланган тўловлар	бадаллар
Австралия	49	14	25	12	19	81
Канада	41	36	21	2	95	5
Япония	37	56	4	3	98	2
Нидерландия	33	50	16	11	94	6
Швейцария	28	35	29	8	40	60
Буюк Британия	55	35	7	3	60	40
АҚШ	49	27	24	0	43	57
Жаҳон бўйича	47	33	19	1	56	44

²² <http://www.ipe.com>, <http://www.pensiondevelopment.org>

Жамгариб бориладиган пенсия тизимларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар²³

Мамлакат	Тадбирлар		
АҚШ	Мажбурий жамгариб бориладиган пенсия тизимига ажратиладиган пенсия бадаллари ставкаларини ўзгартириш	Иш берувчиларга нисбатан ишловчилар пенсия жамгармаларига камрок бадаллар ажратиш	
Польша		2010 йилдан бошлаб бадалларни иш хақиғага нисбатан 7,3% дан 3% гача пасайтириш	
Руминия		Иккинчи даражадаги бадаллар ставкасини 2%га тушириш (2,5% ўрнига)	
Литва		2009-2010 йилларда бадаллар ставкаси 5,5% дан 2%га қадар пасайтирилди, 2012-2014 йилларда ставкаларни 6% гача ошириш	
Эстония	Индексацияни ўзгартириш / минимал ва базавий пенсияларни қисқартириш	Иккинчи даражадаги бадалларни 2009-2010 йилларда биринчи даражага тушириш; 2011 йилдан 2%ли мажбурий пенсия бадалларига қайтиш, 2014-2017 йилларда жорий қисқартиришларни қоплаш мақсадида иккинчи даражадаги бадаллар ставкасини 6% га қадар ошириш	
Сингапур		Иш берувчилар фойдасидан ажратадиган бадаллар улушини 14,5% дан 15,5%гача ошириш	
Австралия	Иккинчи даражага чиқин/киришга рухсат бериш	Оилавий ва тиббий харажатларни тўлай олмаслик шароитида чекланган тарзда иккинчи даражага чиқиншга рухсат бериш	
Германия		Баъзи режалар бўйича уй-жой сотиб олишни молиялаштиришга рухсат бериш	
Испания	Тартибга солиш талабларини ўзгартириш	Пенсия фонди мониторинги ва риск-менежмент талабларини кучайтириш	
Италия		Инвестицияларни диверсификациялаш бўйича талабларни кучайтириш	
Нидерландия		Пенсия фондлари директорлар кенгаши таркибида профессионал васийлар улушини 100%гача (муҳокама жараёнида) ошириш	
Мексика	Пенсия фондини бошқариш харажатларини қисқартириш	Бошқарув компаниялар даромадларига чекловлар қўйиш	
Польша		Мижозларнинг фонддан фондга тез-тез ўтиши учун жарималар жорий этилган, ушбу тадбир миқозларни жалб этиш харажатларини пасайтириш имконини беради	
Чехия			Бадаллардан олинандиган 3,5% тўловларни бадаллардан 2,1-2,8% + фойдалан 2% ли тўловларга алмаштириш
Венгрия			
Польша			

Ислохотларнинг навбатдаги тадбири пенсия жамгармаларига қўйиладиган бадалларнинг қисқартирилиши бўлди. Жамгариб бориладиган тизимга бадалларни қисқартириш сиёсати фуқароларнинг инқироз даврида даромадларининг ошишига олиб келди. Ушбу сиёсат фуқароларнинг келажақда етарли пенсия даромадларига эга бўлишларини мавҳумлаштиради.

²³<http://www.ipe.com>, <http://www.pensiondevelopment.org>

Бадалларни қисқартириш чоралари қатор ривожланган мамлакатлар томонидан амалга оширилди. Пенсия тизимининг таркибий тузилишидан келиб чиққан ҳолда ушбу чоралар иш берувчиларга вақтинчалик ишловчиларнинг индивидуал пенсия счётларига паритет асосида (АҚШ) бадаллар тўлашни тўхтатиб туришга рухсат бериш, мавжуд бадаллар ставкасини ошириш тадбирларини кейинга қолдириш (Руминия), бадаллар ставкаларини умумий пасайтириш (Литва, Эстония) ва бошқаларни ташкил этди.

Молиявий инкироз шароитида ривожланган мамлакатларда пенсия фондлари мониторинги ва риск-менежмент талабларини кучайтириш муаммоси юзага келди. Пенсия фондларини фаолиятини назоратини кучайтириш ва рискли фаолиятини чеклаш чоралари мамлакат банк тизимини тартибга солиш ва тизимнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадига мос келади. Аммо инкироздан кейинги даврда тартибга солишнинг нисбатан паст самарали турлари учрай бошлади. Масалан инвестицияларни инвестиция фондларига эмас, балки миллий давлат қимматли қозғаларига йўналтириш амалиёти (Венгрия, Словакия) ривожлана бошланди. Инкироз даврида ривожланган мамлакатлар томонидан бошқарув компаниялари даромадларини тартибга солиш тадбирлари амалга оширилди. Пенсия активларини бошқарганлик учун катта миқдордаги даромадлар пенсия режаси инвестиция даромадларининг пасайишига олиб келди. Инкироз таъсирида инвестицияларнинг даромадлилиги ва сифатига ишонч йўқолди.

Инкироздан кейин қатор мамлакатлар (Польша, Мексика) бошқарув компаниясининг пенсия активларини бошқарганлиги учун оладиган даромадларига қонунийлик асосида чекловлар жорий этишди.

Бошқарув компаниялари ўртасидаги эркин рақобат қўпчилик ҳолларда рақобатчилардан фойдали мижозини ўзига жалб этишга йўналтирилган харажатлардан ногўри фойдаланишга олиб келади. Шунинг учун айрим мамлакатларда бошқарув компаниялари томонидан мижозларни тез-тез ўзгартирганликлари учун жарималар жорий этишди.

Пенсия таъминоти тизимининг даражаларига молиявий инкироз таъсири сезиларли бўлди. Тахлиллар кўрсатишича, қайд этилган бадалларга асосланган жамғариб бориладиган пенсия тизимларида молиявий инкироз даврида пенсияга чиқадиганлар бошқаларга қараганда молиявий таъминотда йўқотишларга учраши rischi мавжуд. Ривожланган мамлакатларда ушбу рискларни пасайтиришнинг икки турдаги чоралари қўлланилмоқда.

Биринчи турдаги чоралар пенсияга чиқиш ёшини тартибга солиш билан боғлиқ. Пенсияга чиқиш ёши эгилувчан бўлиб бормоқда: пенсияга чиқувчилар пенсияга чиқиш вақти молиявий инкироз даврига тўғри келиб қолса жамғариб бориладиган пенсия фондидан ўз маблағларини олишни бироз кечиктириб туриши, яъни пенсияга чиқмаслиги мумкин. Натижада пенсионерлар инкироз даврининг ўтиб кетишини кутиши ва шунинг ҳисобига пенсия тўловлари миқдорини оширишлари мумкин.

Иккинчи турлаги чоралар пенсия жамғармаларини бошкаришни яхшилашга қаратилган. Ривожланган мамлакатларда, жумладан пенсионерлар ўз жамғармаларини ўзлари бошкара оладиган мамлакатларда (масалан, АҚШ) пенсия жамғармалари масалалари ва пенсия жамғармаларини инвестициялаш бўйича маслаҳатлар бериш билан боғлиқ бизнес ривожланиб бормоқда. Жумладан, нисбатан катта ёшда қўйилмалар кам рискли активларга жойлаштирилади, бу ўз навбатида молиявий инкирозлар шароитида пенсия тўловларига боғлиқликни камайтиради.

3.4. Миллий пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини ислох этишнинг хориж тажрибаси

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, пенсия тизими ижтимоий таъминот, тиббий сугурга билан бир қаторда ижтимоий давлат асосларидан бири ҳисобланади. Пенсия тизимлари турли мамлакатларда молиялаштиришнинг “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланган тақсимот тизимлари шаклида пайдо бўлган. Аммо XX асрнинг охирига келиб тақсимотта асосланган пенсия тизимининг инкирозга юз тутиши билан боғлиқ ҳолда ушбу тизимни ислох этиш зарурияти пайдо бўлди. Мутахассислар фикрича, инкироз сабабларини демографик, иқтисодий, ижтимоий ва психологик омиллар йиғиндиси сифтида таҳлил этиш зарур.

Ушбу сабабларнинг энг муҳими аҳолининг қариш жараёни ҳисобланади. Аҳоли ўртасида туғилишнинг камайиши ва ўртача умр давомийлигининг узайиши ушбу жараёни жадаллаштиради. Мисол учун Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) маълумотларига кўра 1950 йилда ИХТТ мамлакатларида ўртача умр давомийлиги 63,8 ёшни ташкил этгани ҳолда ушбу кўрсаткич 2000 йилда 77,0 ёшга етди, 2050 йилга бориб эса 83,4 ёшни ташкил этиши башорат қилинмоқда. Кутилаётган умр давомийлигининг ўсиши ва туғилиш даражасининг пасайиши натижасида ИХТТ мамлакатларида 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сони 2000-2050 йилларда 13%дан 25 %га кадар ортиши мумкин. Италия, Япония, Германия каби мамлакатларда демографик босим кўрсаткичи 2050 йилга бориб 50%дан ортиб кетиши башорат қилинмоқда (3.7-жадвал).

Бундан ташқари пенсия тизимларини ислох этишга ушбу бандлик турлари ва миқдориди ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда:

- банд аҳоли сонининг кисқариб бориши;
- норасмий ва тўлиқ бўлмаган бандлик турларининг кенг тарқалиши;
- уйда ишлайдиганлар сонининг ортиши.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти прогнозларига кўра XXI аср ўрталарига келиб ер шар аҳолиси сони 9 млрд кишидан ошиб кетади. Шу билан бир қаторда туғилиш даражаси ўртача кўрсаткичга кадар пасайиб 0,215 промилдени ташкил этиши, кутилаётган умр давомийлигининг ўртача кўрсаткичи, 76 ёшни, ривожланган мамлакатларда эса 80 ёшдан ошиб кетиши башорат қилинмоқда. Ривожланган мамлакатларда аҳоли сонининг

хар йили ўртача 0,2%га кискариб бориши XXI аср ўрталарига келиб Европа аҳолисининг ярми пенсионерлардан иборат бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу эса меҳнатга лаёқатли аҳоли учун юклама коэффициентининг ортиб боришига олиб келади. Мисол учун, 2040 йилга бориб ҳар бир француз ишчисига бир нафардан пенсионер тўғри келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда. Ушбу нисбат ҳар қирқ йилда ўзгариб борган, жумладан, 2000 йилда икки нафар ишчига бир нафар пенсионер тўғри келган бўлса, 1960 йилда тўрт нафар ишчига бир нафар пенсионер тўғри келган²⁴.

Ушбу ҳолат пенсия тўловларининг камайиши давлат молия тизими учун жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Таксимотга асосланган пенсия тизими бир пенсионерга 3-4 нафар ишловчи тўғри келган вақтдагина самарали ҳисобланади. Саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг аксариятида XX аср бошларида 65 ва ундан катта ёшдаги аҳолига 4-5 нафардан меҳнатга лаёқатли аҳоли тўғри келган бўлса, 2020-2025 йилларга бориб ушбу нисбат Европа мамлакатларида ½,5, АҚШда эса 1/3,5 ни ташкил этиши кутилмоқда.²⁵

3.7-жадвал

ИХТТ мамлакатларида демографик ўзгаришлар прогнози (аҳоли сони 1995 йилда 100,0 га тенг)²⁶

Аҳоли сони/демографик босим	1995	2000	2010	2020	2030	2050
АҚШ	100,0	104,8	113,0	119,8	124,7	172,2
	19,2	19,0	20,4	27,6	36,8	38,4
Япония	100,0	101,3	102,2	100,6	97,6	91,6
	20,3	24,3	33,0	43,0	44,5	54,0
Германия	100,0	100,0	97,2	94,2	90,6	81,2
	22,3	23,8	30,3	35,4	49,2	51,9
Франция	100,0	02,2	104,9	106,9	107,8	106,1
	22,1	23,6	24,6	32,3	39,1	43,5
Италия	100,0	100,1	98,2	95,3	91,9	82,6
	23,8	35,5	31,2	37,5	48,3	60,0
Буюк Британия	100,0	101,0	102,2	103,5	103,9	102,0
	24,3	24,4	25,8	31,2	38,7	41,2
Канада	100,0	105,0	113,2	119,7	123,1	122,7
	17,5	18,2	20,4	28,4	39,1	41,8
Швеция	100,0	101,8	103,8	105,7	107,0	107,0
	17,4	25,9	29,1	35,6	39,4	38,6

²⁴ Демографик босим 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг 15-64 ёшдаги аҳоли сонига нисбати сифатида танилган.

²⁴ Франция: пенсионная реформа [Электронный ресурс] //Новый пенсионер - Режим доступа: <http://www.pensioner.ru/> (дата обращения 01.12.2015).

²⁵ World Population Prospects, Volume I-II/Population Division /UNDESA/UN Secretariat, New York, 2015. маълумотлари асосида тузилган.

²⁶ www.cegd.org

БМТ мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра 2015 йилда жаҳонда аҳолининг 12,3%ини 60 ва ундан катта ёшдагилар ташкил этгани ҳолда, уларнинг улуши 2040 йилга бориб 18,9%га етиши мумкин. Юқори даромадли мамлакатларда ушбу жараён янада чуқурроқ намоён бўлади. Жумладан, пенсия ёшидагилар кўрсаткичи 2015-2040 йилларда 22,1%дан 30,2%га қадар ортиши башорат қилинмоқда. Жанубий ва Ғарбий Европа минтақаси мамлакатлари, Японияда жами аҳоли таркибида 60 ва ундан катта ёшдагилар улуши 2015-2040 йилларда мутаносиб равишда 26,2%дан 38,8%га, 26,0%дан 34,1%га, 33,1%дан 41,2%га қадар ортиши башорат қилинмоқда (3.8-жадвал).

Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг муҳим сабаби давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларни бажариши учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир. Ушбу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иктисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатлар узок муддатли истиқболда пенсия тизими барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган бир қатор муҳим қаламларни қўйдилар.

3.8-жадвал

Пенсия ёшидаги ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўртасидаги нисбат, фоиз ҳисобида²⁷

Минтақалар	2015 й.		2030 й.		2040 й.	
	15-64 ёш	60+ ёш	15-64 ёш	60+ ёш	15-64 ёш	60+ ёш
Жаҳон	65,7	12,3	64,7	16,5	63,7	18,9
Юқори даромадли мамлакатлар	66,5	22,1	61,9	27,7	60,0	30,2
Ўрта даромадли мамлакатлар	66,8	10,5	66,3	15,4	65,1	18,5
Паст даромадли мамлакатлар	54,1	5,2	58,0	5,8	60,4	6,8
Қолоқ мамлакатлар	56,5	5,5	60,0	6,7	61,8	8,0
Жанубий Европа	65,4	26,2	60,9	33,9	55,9	38,8
Ғарбий Европа	64,7	26,0	59,3	32,7	56,8	34,1
Япония	60,8	33,1	57,3	37,3	53,6	41,2

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг қариши иктисодиётга молиявий босимни кучайишига олиб келади. Шу сабабдан жамиятнинг

²⁷World Population Prospects, Volume I-II/Population Division /UNDESA/UN Secretariat, New York,2015. Маълумотлари асосида тузилган.

ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олувчи пенсия таъминотининг оптимал моделини шакллантириш кўпчилик мамлакатларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун пенсия ёшини ошириш, пенсия имтиёзларини қисман бекор қиливиши, келажақда пенсияни тўлашга мўлжалланган маблағларни инвестициялаш элементларини киритувчи пенсия ислохотлари амалга оширилмоқда.

3.9-жадвал

Пенсия тизимини ислох этишнинг хориж тажрибаси²⁸

Белгилари	Лотин Америкаси	ИХТТ	Ўтиш иқтисодийти
Вакиллари	Чили	Швеция, Буюк Британия	Чехия, Венгрия, Польша
Ислохотларни амалга ошириш шарт-шароитлари	Қудай демографик ва иқтисодий вазият	Пенсия тизими сановатлашиш даврида шаклланган. Ислохотлар даврида эса демографик вазият жиддий ўзгарди	Сугурта тўловларини йиғиб олиш даражасининг паслиги, пенсия имтиёзларининг ҳўплиги, кенг камровли ижтимоий таъминот тизимининг мавжудлиги, иқтисодий ривожланиш даражасининг паслиги
Ислохотлар табиати	Радикал	Параметрик (пенсия тизимини ислох этиш чоратadbирларига тузатишлар киритиш)	Тизимли ёндашув
Ислохотлар мазмуни	Таксимотга асосланган жамғариладиган давлат пенсия тизимига мажбурий ўтиш	Таксимот элементлари устуворлигини сақлаб қолган ҳолда жамғариладиган пенсия тизимини қайта қуриш	Пенсия механизмини диверсификациялаш; таксимот компонентларини такомиллаштириш орқали хусусий пенсия тизимини яратиш. Пенсия тизимини капитал бозорларига йўналтирилган маблағлар ҳисобидан мўлялаштириш.
Ислохотлар мақсади	Қўш даражали пенсия тизимига ўтиш	Икки даражали пенсия тизимини яратиш	Таксимот ва жамғариладиган пенсия тизимлари афзалликларини ўзида мужассамлаштирган қўш даражали пенсия тизимини яратиш

²⁸ M. Rutkowski, *Returning Hope: pension system reforms in countries with transition economies*, p. 9 "Flagship course on pension reform". Институт Всемирного банка. 22 — 30 январь 2001 года. Будапешт, Венгрия.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, пенсия сугуртаси комплексида тақсимловчи тизим билан биргаликда пенсия бадаллари молиявий активларга инвестициялашга фойдаланилувчи жамғарилиб боровчи тизимнинг ҳам ривожланишида пенсия ёшидаги шахсларнинг молиявий манфаатлари кўпроқ химоя қилинмоқда. Бундай активларнинг умумий суммаси фонд бозорида олинаётган даромадлар эвазига ўсиб бориши мумкин.

Пенсия тизимларини ислох этишда тақсимотга асосланган пенсия тизимига муқобил тарзда жамғариладиган пенсия тизими танланади. Ушбу пенсия тизимида хар бир ишлаётган фуқаро томонидан тўланадиган пенсия бадаллари қимматбаҳо қоғозларга ёки бошқа молиявий дастақларга инвестицияланади. Бу маблағлар индивидуал ҳисоблар бўйича тақсимланади ва жамғарилаётган маблағлар суммаси фуқаронинг иш хақи миқдори ва ушбу маблағларни инвестициялаш натижаларига боғлиқ бўлади.

Амалиётда тақсимот ёки жамғарин тамойилига тўлиқ амал қиладиган пенсия тизимлари кам учрайди. Дунё амалиётида устун даражада аралаш ёки кўп даражали пенсия тизимлари амал қилади. Кўп даражали пенсия тизими иқтисодиётда ва сиёсатда юз бераётган беқарорликлар билан боғлиқ кўплаб рисклардан жамғармаларни бошқариш (давлат ва хусусий), молиялаштириш мабзаларини шакллантириш (капитал ва меҳнат) ва инвестиция стратегияси турларини диверсификациялаш ёрдамида химоя қила олади.

Пенсия таъминоти тизимини ислох этишнинг муҳим сабаби давлатнинг пенсияга оид мажбуриятларини бажариши учун молиявий ресурсларнинг етишмаслигидир. Бу муаммо аҳолининг кексайиб боришига мувофиқ кучайиб, мураккаблашиб боради ва мамлакатларда вужудга келган иқтисодий, ижтимоий ва демографик вазиятлардан келиб чиққан ҳолда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатлар узок муддатли истикболда пенсия тизими барқарорлигини яхшилашга йўналтирилган бир қатор муҳим кадамларни қўйдилар.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида аҳолининг қариши иқтисодиётда молиявий босимни кучайишига олиб келади. Шу сабабдан жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олувчи пенсия таъминотининг оптимал моделини шакллантириш кўпчилик мамлакатларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун пенсия ёшини ошириш, пенсия имтиёзларини қисман бекор қилиниши, келажакда пенсияни тўлашга мўлжалланган маблағларни инвестициялаш элементларини киритувчи пенсия ислохотлари амалга оширилмоқда.

Таҳлиллар дунё мамлакатлари пенсия тизимлари сугурта бадаллари кўзда тутилмайдиган ва сугурта бадалларига асосланган пенсия тизимларига бўлинишини кўрсатмоқда (3.3-расм).

Мунтазам пенсиялар тақдим этувчи, миллий конуничлик доирасида ёш а доир пенсия таъминоти тизими, 166 та мамлакатда амал қилади (93%)				Мунтазам пенсиялар тақдим этувчи, миллий конуничлик билан мустаҳкамланмаган ёш а доир пенсия таъминоти тизими 12 та мамлакат (7%) Шундан 11 та мамлакатда жамғариладиган фондлар орқали яшчилар ва баъзан ўзини-ўзи бива қилувчи аҳоли учун бир йўла тўловлар тақдим этилади.
Суғурта бадалларига асосланган пенсия тизимлари	Бадаллар тўлашга асосланган 77 та мамлакат (43%)	Бадаллар тўлашга асосланган ва суғурта бадаллари кўзда тутилмаган умумий аралаш пенсия тизими 27 та мамлакат (15%)	Бадаллар тўлашга асосланган ва суғурта бадаллари кўзда тутилмаган умумий ва моддий таъминланганликни ҳисобга олувчи аралаш пенсия тизими 50 та мамлакат (28%)	
	Суғурта бадаллари кўзда тутилмаган ва моддий таъминланганликни ҳисобга олувчи 3 та мамлакат (2%)		Суғурта бадаллари кўзда тутилмаган умумий пенсия тизими 9 та мамлакат (5%)	
Суғурта бадаллари кўзда тутилмайдиган пенсия тизимлари				

3.3-расм. Жаҳонда миллий пенсия тизимларининг молиялаштириш асосига қўра гуруҳланиши, 2012-2013 йй²⁹

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, пенсия суғуртаси комплексда тақсимловчи тизим билан биргаликда пенсия бадаллари молиявий активларга инвестициялашга фойдаланилувчи жамғарилиб борувчи тизимнинг ҳам ривожланишида пенсия ёшидаги шахсларнинг молиявий манфаатлари кўпроқ ҳимоя қилинмоқда. Бундай активларнинг умумий суммаси фонд бозорида олинаётган даромадлар эвазига ўсиб бориши мумкин.

Аҳолининг қариш жараёни жалалашаётган даврда бирдамликка асосланган пенсия тизимида муаммолар кучаяди. Ушбу вазиятдан чиқиш йўли сифатида жамғариладиган пенсия моделидан фойдаланиш ҳисобланади.

Жамғариладиган модел тўловларни иш хақи микдори, меҳнат стажини ва суғурта бадаллари каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш имконини беради. Мазкур тизимда пенсия бадалларини узок муддат давомида мунтазам жамғариб бориш зарур. Қўшимча даромад олиш учун жамғарилаётган маблағлар истикболда пенсия тўловларини амалга ошириш нуктаи назаридан мажбурий ҳисобланади. Шу ўринда барча мамлакатлар ўзида тақсимот ва

²⁹ Доклад о социальной защите в мире 2014/15. Обеспечение экономического восстановления, инклюзивного развития и социальной справедливости. М.: МОТ, 2015. С. 113.

жамғариладиган пенсия тизимлари элементларини мужассамлаштирган аралаш пенсия тизимидан фойдаланишларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Германияда амал қиладиган пенсия тизими Ғарбий Европанинг Австрия, Италия, Франция каби мамлакатлари учун ҳам хосдир. Германияда ижтимоий таъминотнинг бири-бирига ўхшамаган турли вариантлари қўлланилади. Улар сугурталанувчилар, молиялаштириш тамойиллари, нафақалар бериш, хизматлар кўрсатиш, тақдим этилаётган кафолатлар даражаси каби омиллар бўйича фарқ қилади. Шунга қарамадан Германия пенсия тизими уч даражадан иборат.

Биринчи даража барча пенсия тизимларига хос бўлиб, аҳолининг муайян гуруҳлари учун мажбурий ҳисобланади. Германияда пенсия тизимининг биринчи даражасида қуйидаги тўртта мажбурий компонент мавжуд:

- ишчи ва ходимлар ҳамда ўзини-ўзи банд этувчи аҳолининг айрим гуруҳлари учун пенсия сугуртаси;
- давлат хизматчилари учун пенсия таъминоти;
- фермерлар ва уларнинг оила аъзолари учун кексаликда ёрдам;
- эркин касб эгалари ҳисобланувчи касб вакиллари (врачлар, меъморлар, адвокатлар, нотариуслар ва х.к.) гуруҳлари бўйича пенсия.

Иккинчи даража корхоналар томонидан молиялаштирилладиган ижтимоий таъминот тизимидан ташкил топган. Аксарият корхоналарда ўз ходимлари ҳисобига қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча пенсия тўловларини амалга ошириш қоидаси мавжуд. Ушбу турдаги тўловларни амалга ошириш учун қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ассоциациялари ўртасида тузилган махсус келишувлар мавжуд. Германия ишчиларининг деярли ярми кексаликда нодавлат пенсия таъминотига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилишади.

Шунингдек, Германияда мустақил тарзда қимматбаҳо қозғалар, кўчмас мулк ёки омонатларга тааллуқли битимлар тузиш орқали ҳам кексалик даври учун молиявий маблағ жамғариш мумкин. Ушбу вариант пенсия таъминотининг учинчи даражаси ҳисобланади. Германияда ўз капиталини шакллантиришнинг энг кенг тарқалган усули ҳаёт сугуртаси тўғрисидаги шартнома ҳисобланади. Ҳаёт сугуртаси маблағлар жамғариш ёки индивидуал пенсия сугуртасини шакллантириш учун амалга оширилади.

Германия учун биринчи навбатда мажбурий пенсия сугуртаси муҳим ҳисобланади. 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган аҳоли мамлакат аҳолисининг 78%ини ташкил этади ва улар сугурталанувчи шахс мақомига эга. Пенсия тизимига келиб тушаётган маблағларнинг 2/3 қисми пенсия тўловлари ҳисобланади. Индивидуал пенсиялар миқдорини ҳисоблаш иш хақи ва ажратилган сугурта бадаллари миқдорига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, меҳнат стажига қўшиладиган алоҳида ҳолатлар (масалан, фарзандларни уч ёшгача тарбиялаш даври, мактаб ва университетларда ўқиш даври, ишсизлик даври ва бошқалар) мавжудки, ушбу ҳолатлар мамлакатда

демографик вазиятни яхшилаш, меҳнат ресурслари сифатини оширишни рағбатлантиришга қаратилгандир.

Бундан ташқари амалдаги қонунчиликка мувофиқ пенсия миқдорини ошириш ҳам пенсия суғуртасининг таркибий элементи ҳисобланади. Фуқаролар пенсия ёшига етган ва пенсия оlish ҳуқуқига эга бўлишганда пенсия миқдори ўзгармас бўлиб қолмайди. Пенсиялар миқдори ҳар йили индексация қилинади.

АҚШ пенсия тизими устун даражада аҳолининг шахсий пенсия суғурталари асосида шакллантирилган. Ушбу модель Лотин Америкасининг айрим мамлакатлари ва Португалияда қўлланилади. АҚШда давлат ва нодавлат пенсия тизимлари амал қилади. Шу тариқа АҚШда аҳолининг уч турдаги пенсия жамғармаларини шакллантиришади:

- давлат;
- иш жойи бўйича хусусий жамоавий;
- шахсий пенсия ҳисобини очиш йўли билан хусусий индивидуал.

Таксимот тизимида пенсионерлар учун тўланадиган пенсиялар иқтисодийётда банд бўлганлар томонидан тегишли пенсия фондларига тўланадиган пенсия бадаллари ҳисобидан амалга оширилади. АҚШнинг йирик давлат пенсия тизими Умумий федерал дастур (Social Security), деб номланади ва иқтисодийётнинг хусусий секторини тўлик қамраб олади. Дастур 1935 йилда қабул қилинган ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонунга мувофиқ амал қилади.

Давлат пенсия дастури таксимот характерига эга ва аввало ижтимоий функцияни бажаради. АҚШнинг бошқа пенсия дастурлари жамғариладиган тамойил асосида фаолият юритади. Ушбу дастурлар билан қаторда пенсия фондлари узоқ муддатли жамғармаларни шакллантириш билан шуғулланишади.

Давлат ва хусусий пенсия дастурлари жамғариладиган тизимга тааллуқли бўлишади. Давлат секторидagi пенсия дастурлари ҳукумат (маҳаллий ҳукумат билан биргаликда) идоралари ва ташкилотларида банд бўлган ходимларнинг ижтимоий таъминотига йўналтирилган бўлса, хусусий сектор қатнашчилари иш жойларида ишлаб чиқиладиган, нодавлат пенсия тизимининг ёрдамчи компоненти ҳисобланган пенсия дастурларида қатнашадилар.

АҚШда жамғариладиган пенсия дастурларининг белгилаб қўйиладиган тўловлар (defined benefit plan) ва белгилаб қўйиладиган бадаллар (defined contribution plan) турлари амал қилади.

Белгилаб қўйиладиган тўловлар дастури бўйича тўланадиган пенсиялар миқдори қайд этиб қўйилади. Ушбу тўловлар меҳнат стажи ва иш хақи миқдорига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Молиялаштиришнинг мазкур дастурларида ишчилар қатнашмайди, чунки ажратмалар иш берувчи томонидан амалга оширилади. Шу билан бир қаторда давлат секторидagi айрим пенсия фондлари учун ҳам белгилаб қўйиладиган тўловлар тизими ҳосилигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари АҚШда фуқаролар

танлаш ҳуқуқига эга. Бу эса уларга шахсий пенсия ҳисобини (individual retirement account) очиш имконини беради. Шахсий пенсия ҳисобига ҳар ойда 2000 долларгача маблағ ўтказиш мумкин. Жамғарилган маблағларни 59,5 ёшга қадар олишга ва мерос қолдиришга руҳсат берилмайди. Жамғарма ҳисоби фуқаро 79,5 ёшга етганда ёпилади. Жамғармалар ҳисобдан олингунга қадар солиққа тортилмайди (ҳисобдан олинган вақтда даромад солиғи ундирилади)³⁰.

АҚШда фуқаролар юқорида қайд этиб ўтилган уч турдаги пенсиялар билан чеклавиб қолишмайди. Улардан ташқари сўғурта компаниялари томонидан таклиф этиладиган аннуитетлар ҳам мавжуд. Аннуитетлар бўйича йиллик рента миқдори умуман хусусий сектордаги бошқа жамғариладиган пенсия тизимлари каби ҳисобланади. Аннуитетлар узок муддатли инвестициялар манбаи ҳисобланади.

АҚШ жамғариладиган пенсия тизимларида катта миқдорда маблағлар жамғарилади ва ушбу маблағлар оқилона инвестиция сиёсати туфайли инсон капиталини, миллий иқтисодийтни ривожлантиришга йўналтирилади.

Демак, жаҳонда пенсия сиёсатини амалга оширишнинг турли вариантлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси фуқароларни кексалик ҳолатидан самарали ҳимоялаш, кексаликда муносиб турмуш тарзини таъминлаб беришга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимини жаҳонда шаклланган турли пенсия тизимларининг ижобий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда модернизациялаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Пенсия таъминотининг уч даражали тизимига ўтиш зарурияти, омиллари ва муаммолари нималардан иборат?

2. Халқаро молия институтлари томонидан пенсия таъминотининг уч даражали тизимига ўтиш бўйича тавсиялари нималардан иборат?

3. Пенсия тизимини ислоҳ этиш моделлари бир-биридан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози пенсия таъминоти тизими ислохотларининг чуқурлашувига қандай таъсир кўрсатди?

5. Дунё тажрибаси миллий пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини ислоҳ этишда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади?

6. Бюджет маблағларининг чеklangанлигини ҳисобга олган ҳолда миллий пенсия тизими учун қуйидагиларнинг қайси бири муҳимроқ: а) минимал меҳнат стажига эга ҳар қандай ишчи, ходим учун даромаднинг базавий (минимал) даражасини таъминлаш; б) пенсия миқдорини иш хақи миқдори даражасида белгилаш.

³⁰ Лебедева Л.Ф. Федеральная программа пенсионного обеспечения в США // Россия и Америка в XXI веке. 2014. №2.

7. Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг параметрик шаклини шарҳланг ва мисоллар келтиринг?

8. Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг тизимли шаклини аниқланг ва улар учун хос белгиларни санаб беринг?

9. Жаҳонда пенсия тизимларини ислоҳ этиш моделларига асосланиб мамлакатларни гуруҳланг?

10. Ўзбекистон пенсия тизимини ислоҳ этишнинг 2018-2020 йилларга мўлжалланган концепцияси лойиҳасини шарҳланг?

Асосий тушунчалар

Мажбурийлик хусусияти – агар пенсия жамғармаларини шакллантириш ихтиёрий бўлса, аксарият кишилар узокни кўра олмасдан пенсия ёшига қадар етарли миқдорда жамғарма йиға олмасликлари ва кексайганда эса ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолишлари мумкин.

Пенсия тўловлари миқдорининг белгиланган бадаллар миқдorigа боғлиқлик хусусияти – бадаллар ва пенсия тўловлари миқдори ўртасидаги бевосита боғлиқлик кишиларда бадалларни солиқ сифатида қабул қилмасликка ундайди.

Жамғариладиган тизим хусусияти – молиявий жамғармалар харажатлари тўғрисида тасаввур уйғотади, иш ҳақи фондида нисбатан белгиланадиган солиқ ставкасини кескин оширмаслик имкони пайдо бўлади, жамғармалар узок муддатли миллий жамғармаларни шакллантиришга кўмаклашади.

Хусусий бошқарув назорати хусусияти – хусусий бошқарувда инвестиция стратегияси сиёсий қарорлар асосида эмас, балки иқтисодий мақсаатлар асосида шакллантирилади.

“0 даража” – фуқаролар томонидан бадаллар тўланмасдан шакллантирилади (ижтимоий пенсиялар) ва ижтимоий таъминотнинг минимал даражаси таъминланади.

“1 даража” – иш ҳақи миқдorigа боғлиқ бадаллар ҳисобидан шакллантирилади ва ишчи маошининг бир қисмини қоплаш учун мўлжалланган.

“2 даража” (мажбурий) – ишловчининг жамғармалари ҳисобидан шакллантирилади, ammo турли вариантларда фойдаланилади.

“3 даража” (ихтиёрий) – турли вариантларда қўлланилади (ишловчиларнинг индивидуал бадаллари, иш берувчининг бадаллари, миқдори белгиланган тўловлар ёки миқдори белгиланган бадаллар) ва барча вариантлар эгилувчанлиги билан ажралиб туради.

“4 даража” – кекса ёшдаги кишиларни онлавий ёки авлодлар ўртасидаги келишувлар асосида норасмий молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш манбалари (уй-жой билан таъминлаш ва соғлиқни сақлаш хизматлари).

Лотин Америка модели – ишчи, ходимларнинг пенсия жамғармаларини жамғариш учун индивидуал тартибда бошқарув компаниясини танлашлари (индивидуал ҳисоб рақамлар)га асосланган модель.

ИХТТ модели – пенсия жамғармаларини инвестиция мақсадларида бошқаришни амалга оширувчи компанияларнинг иш берувчи ёки касаба уюшмалари ишончли вакиллари томонидан танланиши (касбий схемалар)га асосланган модель.

Швед модели – пенсия тизимининг биринчи – тақсимотга асосланган даражасининг шартли жамғариладиган компонент билан тўлдирилиши (шартли-жамғариладиган ҳисоб-рақамлар)га асосланган модель.

“Косметик” ислохотлар – амалдаги давлат пенсия тизимига сезиларсиз ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ислохотлар.

“Чуқур” ислохотлар – амалдаги пенсия тизимини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган ислохотлар.

Тестлар

1. XX асрнинг охирида миллий пенсия тизимларини ислох этиш муносабати билан қайси халқаро ташкилот кўп босқичли пенсия тизимини жорий этиш ташаббуси билан чиқди?

- а) Жаҳон банки
- б) Халқаро меҳнат ташкилоти
- в) Халқаро валюта фонди
- г) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти

2. Жаҳон банки томонидан тавсия этилган кўп босқичли пенсия тизимининг қайси даражаси фуқаролар томонидан бадаллар тўланмасдан шакллантирилади ва ижтимоий таъминотнинг минимал даражаси таъминланади?

- а) “0 даража”
- б) “1 даража”
- в) “2 даража” (мажбурий)
- г) “3 даража” (ихтиёрий)

3. Жаҳон банки томонидан тавсия этилган кўп босқичли пенсия тизимининг қайси даражаси иш хақи миқдorigа боғлиқ бадаллар ҳисобидан шакллантирилади ва ишчи маошининг бир қисминини қоплаш учун мўлжалланган?

- а) “1 даража”
- б) “0 даража”
- в) “2 даража” (мажбурий)
- г) “3 даража” (ихтиёрий)

4. Жаҳон банки томонидан тавсия этилган кўп босқичли пенсия тизимининг қайси даражаси ишловчининг жамғармалари ҳисобидан шакллантирилади, аммо турли вариантларда фойдаланилади?

- а) “2 даража” (мажбурий)
- б) “1 даража”
- в) “0 даража”
- г) “3 даража” (ихтиёрий)

5. Жаҳон банки томонидан тавсия этилган кўп босқичли пенсия тизимининг қайси даражаси турли вариантларда қўлланилади (ишловчиларнинг индивидуал бадаллари, иш берувчининг бадаллари, микдори белгиланган тўловлар ёки микдори белгиланган бадаллар) ва барча вариантлар эгилувчанлиги билан ажралиб туради?

- а) “3 даража” (ихтиёрий)
- б) “2 даража” (мажбурий)
- в) “1 даража”
- г) “0 даража”

6. Жаҳон банки томонидан тавсия этилган кўп босқичли пенсия тизимининг қайси даражаси – кекса ёшдаги кишиларни оилавий ёки авлодлар ўртасидаги келишувлар асосида норасмий молжявий ва номолжявий қўллаб-қувватлаш манбалари ҳисобидан шакллантирилади?

- а) “1 даража”
- б) “2 даража” (мажбурий)
- в) “3 даража” (ихтиёрий)
- г) “4 даража”

7. Ишчи, ходимларнинг пенсия жамғармаларини жамғариш учун индивидуал тартибда бошқарув компаниясини танлашлари (индивидуал ҳисоб рақамлар)га асосланган модель ...

- а) Лотин Америка модели
- б) ИХТТ модели
- в) Швед модели
- г) Ўтиш иқтисодийети модели

8. Пенсия жамғармаларини инвестиция мақсадларида бошқаришни амалга оширувчи компанияларнинг иш берувчи ёки касба уюшмалари ишончли вакиллари томонидан танланиши (касбий схемалар)га асосланган модель ...

- а) ИХТТ модели
- б) Лотин Америка модели
- в) Швед модели
- г) Ўтиш иқтисодийети модели

9. Пенсия тизимининг биринчи – таксимотга асосланган даражасининг шартли жамгариладиган компонент билан тўддирилиши (шартли-жамгариладиган ҳисоб-рақамлар)га асосланган модель ...

- а) Швед модели
- б) Латин Америка модели
- в) ИХТТ модели
- г) Ўтиш иктисодиёти модели

10. Амалдаги давлат пенсия тизимига жузъий ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ислохотлар ...

- а) “Косметик” ислохотлар
- б) “Чукур” ислохотлар
- в) “Юзаки ислохотлар”
- г) “Консерватив ислохотлар”

11. Амалдаги пенсия тизимини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган ислохотлар ...

- а) “Чукур” ислохотлар
- б) “Косметик” ислохотлар
- в) “Юзаки ислохотлар”
- г) “Консерватив ислохотлар”

IV БОБ. АҚШ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

4.1. АҚШда пенсия сугуртаси дастурлари эволюцияси

АҚШ давлат пенсия таъминоти дастурлари эволюцияси ўзига хос тарихга ва иқтисодий аҳамиятга эга. Тарихий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, АҚШда пенсия таъминоти дастурлари меҳнатсевар аҳоли қатламларини рағбатлантириш ва уларнинг кексалик давридаги етарли турмуш фаровонлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган.³¹

Иқтисодий нуқтан назардак бир тарафдан пенсия сугуртаси дастурлари тизими иш ҳақи олмаётган пенсия ёшидаги аҳолининг кексаликдаги даромад манбаи ҳисобланса, иккинчи тарафдан у кекса аҳоли қатламларининг харид қобилияти паритетини қўллаб-қувватловчи функцияни бажаради. Кейнсчилар фикрларига кўра пенсия нафақалари мамлакат иқтисодиётида талабни жонлантирувчи омил бўлиб, у кекса аҳоли қатламларининг истеъмол товарлари ва хизматларига бўлган талабни қондиришга йўналтирилган ҳисобланади. 2016 йил ҳолатига кўра АҚШда 60 млн дан ортиқ кишилар пенсия сугуртаси дастурлари хизматларидан фойдаландилар.³²

АҚШ пенсия таъминоти дастурлари бошқа мамлакатлар пенсия таъминоти тизимларидан молиялаштириш механизми нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари билан фарқланади. АҚШ пенсия таъминоти дастурлари ривожланиш босқичларига назар соладиган бўлсак, қуроли кучлар ва флот харбий хизматчилари учун; федерал даражада фаолият юритаётган давлат хизматчилари учун; штат ва маҳаллий даражадаги бошқарув ҳокимиятларида ишлаётган давлат хизматчилари учун; ва умумий федерал пенсия дастурлари шакллانганлигини кўришимиз мумкин бўлади³³ (4.1-расм).

Қуроли кучлар ва флот харбий хизматчилари учун пенсия дастури. Харбий хизматчилар учун пенсия дастурлари узок йиллик тарихга эга бўлиб, Рим империясини шаклланиши давларида харбий соҳа мамлакат тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганлиги сабабли, мазкур соҳада фаолият юритаётган фуқаролар учун пенсия нафақаларини тайинлаш ва уларни тўлаш ишлари амалга оширилиб келинган. Қадимги давларданок харбий соҳада фаолият юритиш фуқаронинг ўзи ва ўз оиласининг тегишли даражадаги турмуш фаровонлигини таъминлаш учун кафолат бўлиб ҳисобланган.

³¹ Селостьянов Г.Н. с соавт. (1985) История США. В 4-х томах. Т. 2. Наука.

³² Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from <https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement/t5.pdf>

³³ Robert L. Clark, Lee A. Craig and Jack W. Wilson (2003) A history of Public Sector Pensions in the United States. University of Pennsylvania Press, pp. 1-20 // Olivia S. Mitchell and Edwin C. Husted (2001) Pensions in the Public Sector. University of Pennsylvania Press.

каторда, ўша даврда Пенсильванияда ҳарбийлар учун ногиронлиги бўйича ҳам пенсия дастурлари ишлаб чиқилган. Континентал конгресс томонидан 1781 йилдаги Йорктаундаги уруш олдидан барча континентал ҳарбийлар учун пенсия нафақаларини тайинланиши кафолатланди³⁵.

Бир оз вақт ўтгандан сўнг пенсия нафақаларини молиялаштириш тизимида муаммолар вужудга кела бошлади ва 1783 йилнинг баҳорида Конгресс томонидан ҳарбийлар учун пенсия нафақаларини тўлаш тартибларига ўзгартиришлар киритилди. Мазкур ўзгартиришларга кўра, 1781 йилда ҳарбийлар учун уларнинг бутун меҳнат фаолияти ва ундан кейинги пенсияга чиқиш даврлари учун тўланадиган пенсия нафақалари муддати кискартирилиб, улар учун пенсия нафақалари тегишли меҳнат стажини ўтаганлиги ва камида 5 йил давомида пенсия суғуртаси бадалларини тўлашлари талаби қўйилди. 1791 йилга келиб Александр Гамильтон томонидан ҳарбийлар, жумладан ветеранлар учун пенсия нафақаларини тайинлаш ва уларни молиялаштириш тизими тартибга солиниб, унинг амал қилиш механизми ишлаб чиқилди.

1790 йилнинг апрел ойида АҚШ қуролли кучлари таркибида хизмат қилаётган фуқаролар учун илк бор орттирилган ногиронлик бўйича пенсия дастури амалиётга татбиқ этилди. 1812 йилга қадар АҚШ ҳарбийлари таркибига кирувчи мустақиллик учун кураш ва фуқаролар уруши катнашчилари ветеранлари учун ёшга доир пенсия нафақалари олиш ҳуқуқи амал қилган бўлиб, ундан кейинги даврда ҳарбийларнинг барчаси учун камида 5 йил меҳнат стажи талаб этилган ҳолда ёшга доир пенсия нафақаларини олиш имконияти берилди³⁶.

Агарда солдат уруш майдонида ёки ҳарбий хизмат даврида ҳалок бўлса, унинг оида аъзоларига 160 акр³⁷ ер майдонига эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган. Уруш катнашчилари учун амал қилган пенсия дастурлари аста секинлик билан ёшга доир пенсия дастурларига айлантириб борилди ва 60 ёшдан сўнг уларга ёшга доир пенсия нафақасини олиш имкони берилди.

1861 йил июлда Конгресс томонидан АҚШ президентлиги ваколати Авраам Линкольнга топширилди ва у томонидан мазкур даврда “Фуқаролар уруши катнашчилари учун пенсия нафақалари тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, ҳарбий соҳа хизматчилари учун пенсия олиш ҳуқуқлари кафолатланди. Агарда ҳарбий хизматчи хизмат даврида ҳалок бўладиган бўлса, унинг қаромида бўлган кишиларнинг ҳар бирига (фарзандлари, беваси ва бошқалар) 100 доллар миқдоридан нафақа

³⁵ Лебедева Л.Ф. (2005) США: социальная защита ветеранов. Человек и труд. №5. С. 32-35. // Edwin C. Husted and Tom Husted (2001) Chapter 4. Pensions in the Public Sector. University of Pennsylvania Press, pp. 67-103 // Robert L. Clark, Lee A. Craig and Jack W. Wilson (2003) A history of Public Sector Pensions in the United States. University of Pennsylvania Press, P. 1-20.

³⁶ Steven A. Suss (1997) The Promise of Private Pensions: The First Hundred Years, pp. 1-16 // Edwin C. Husted and Tom Husted (2001) Chapter 4. Pensions in the Public Sector. University of Pennsylvania Press, pp. 67-103 // Robert L. Clark, Lee A. Craig and Jack W. Wilson (2003) A history of Public Sector Pensions in the United States. University of Pennsylvania Press, pp. 1-20 // Olivia S. Mitchell and Edwin C. Husted (2001) Pensions in the Public Sector. University of Pennsylvania Press.

³⁷ Акр – Англия ва Шимолий Америкада ер ўлчов бирлиги бўлиб, 1 акр 0,4047 гектарга тенг ҳисобланади.

тайинланиши ва ҳукумат томонидан ҳарбийлар учун белгиланган барча имтиёз ва тўловларни унинг оила аъзолари учун ҳам қўлланилиши белгилаб қўйилди.

1890 йилга келиб 65 ёшдан катта бўлган барча ҳарбий хизматчилар пенсия нафақаларини олиш имкониятига эга бўлди. XX асрнинг бошларига келиб ҳарбийлар учун белгиланган ўртача пенсия нафақаси миқдори 135 долларни ташкил этди.

1916 йилда Конгресс томонидан АҚШ курулли кучлари хизматчилари пенсия таъминоти тизимидан пенсия нафақаларини олувчи ҳарбийлар таркибига уларнинг меҳнат фаолиятига кўра классификацияга ажратилиши тартиби йўлга қўйилди. Унга кўра “А” гуруҳга кирувчи (яъни юқори тоифа) пенсионерлар пенсия нафақаларини тўлик олиш ҳуқуқига эга бўладилар. “Б” гуруҳ (иккинчи тоифа) вакиллари эса хизмат даврида маълум бир камчиликларга эга бўлган ва ўз масъулиятини тўлик бажармаган, яхши хизмат кўрсатмаган ҳарбийлар бўлиб уларга ёшга доир пенсия нафақаларини олиш ҳуқуқи берилмаган. 1924 йилга келиб ушбу ўзгариш натижасида АҚШ курулли кучлари таркибида самарадорлик кўрсаткичи кескин яхшиланди ва коникарсиз хизмат кўрсаткичи 60 фоизга кискардди.³⁸

XX асрнинг охирига келиб, АҚШда ҳарбий соҳа хизматчилари пенсия нафақаларини молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида пенсия фондларига кимматли коғозлар бозорида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Натижада пенсия сугуртаси фондлари даромадлари турли активлардан, акция ва облигацияларга ва авлодлар бирдамлиги (Pay-as-you-go) тамойили асосида хизматчилар томонидан тўланаётган сугурта бадаллари ҳисобидан шакллана борди. XXI асрнинг бошларига келиб АҚШ ҳарбийлар учун хизмат кўрсатаётган пенсия фондларининг тўлов қобилияти ва уларнинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари янада мустаҳкамланди. Ҳозирда келиб АҚШ ҳарбийлари учун ёшга доир пенсия нафақасини олиш учун камда 20 йиллик меҳнат стажи талаб этилади ва 80 фоиз ҳарбийлар ушбу ижтимоий хизматдан фойдаланадилар.

Федерал даражада фаолият юритаётган давлат хизматчилари учун пенсия дастури. 1920 йилга келиб АҚШда давлат хизматчилари учун пенсия таъминоти тизимига амал қила бошлади. Биринчидан, ўша даврлардаги халқаро миқёсда содир бўлаётган реал воқелик билан боғлиқликнинг борлиги. Яъни, XIX асрнинг охирига келиб, 32 мамлакатда давлат хизматчилари учун пенсия дастурлари амал қила бошланганди. Россия, Испания ва Австро-Венгрия каби мамлакатларда жорий этилган пенсия дастурлари АҚШда ҳам давлат хизматчилари учун пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш заруриятини вужудга келтирди.

³⁸ Steven A. Saxe (1997) *The Promise of Private Pensions: The First Hundred Years*, pp. 1-16 // Edwin C. Husted and Tom Husted (2001) *Chapter 4. Pensions in the Public Sector*. University of Pennsylvania Press, pp. 67-103 // Robert L. Clark, Lee A. Craig and Jack W. Wilson (2003) *A history of Public Sector Pensions in the United States*. University of Pennsylvania Press, pp. 1-20 // Olivia S. Mitchell and Edwin C. Husted (2001) *Pensions in the Public Sector*. University of Pennsylvania Press.

Иккинчидан, АҚШ иктисодиётига пенсия таъминоти тизимининг жорий этилиши туфайли XX асрнинг бошларига келиб мамлакатнинг макроиктисодий кўрсаткичларининг барқарор суръатларда ўсиб боришига туртки бўлди. Шу билан бир қаторда АҚШда монополиялар фаолиятини чеклаш, уларни тартибга солиш, ижтимоий сохага, жумладан соғлиқни сақлаш, таълим тизимида умумхалқ манфаатларини инобатга олган ҳолда ислохот чора-тадбирлари дастурларини амалга ошириш ишлари кучайтирилди³⁹.

АҚШда ижтимоий ислохотларнинг амалга оширилишида касаба уюмлари фаол иштирок этиб, улар меҳнатга даёқатли фуқаролар манфаатларини ҳимоялашда катта аҳамият касб этди. XX асрнинг бошларига келиб, АҚШ конунчилигида меҳнат муносабатларини тартибга солувчи конун ва қарорлар қабул қилинди, иш вақти 8 соат этиб белгиланди, ишчи ходимлар, жумладан, аёллар учун меҳнат ва ходимнинг касаллиги туфайли даволаниш таътиллари берилиши тартиби ўрнатилди, ишчиларнинг иш ҳақи билан улар бажарадиган ишлар мутаносиблиги таъминланди. Барча ишчи ходимлар учун пенсия таъминоти дастурларидан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши мамлакат иктисодиётида сезиларли ўзгаришларни вужудга келишига сабаб бўлди. Ислохотчилар XX асрнинг 20 йилларида барча давлат хизматчилари учун пенсия таъминоти тизими дастурларини амал қилишига эришдилар. Буюк депрессиядан кейинги даврдангина барча фуқаролар томонидан пенсия сугуртаси хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланди⁴⁰.

Учинчидан, давлат хизматчиларининг кексайиб бораётгани туфайли уларни давлат манфаатлари учун хизматларига мос даражада пенсия нафақалари билан таъминлаш орқали рағбатлантириш эвазига меҳнат самардорлигини ошириш ва ўз вақтида пенсияга чиқишини таъминлашга эришилди.

АҚШ сиёсатида партиявий сайловларда “Ғолиб барчасига эга бўлади – Victor’s spoils system” тамойили амал қилган. 1883 йилда АҚШда “Панделтон акти (Pendleton Act)” қабул қилиниб, ушбу акт давлат хизматчилари манфаатларини янада кучлироқ ҳимояланишига сабаб бўлди. Шу билан бир қаторда федерал даражада хизмат қилаётган давлат хизматчиларига пенсияга чиқиш учун 40 йил меҳнат стажи талаб этила бошланди ва 1920 йилга келиб федерал даражадаги давлат хизматчилари учун пенсия нафақаларини тайинланиши ва тўланиши тартибларини ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқий асос вужудга келди ва у “Федерал даражада хизмат қилаётган ишчи-ходимлар учун пенсия таъминоти тўғрисида”ги (Federal Employees Retirement

³⁹ Лебедева Л.Ф. (2005) США: социальная защита ветеранов. Человек и труд. N5. С. 32-35. // Steven A. Sass (1997) The Promise of Private Pensions: The First Hundred Years, pp. 1-16 // Edwin C. Husted and Tom Husted (2001) Chapter 4. Pensions in the Public Sector. University of Pennsylvania Press, P. 67-103.

⁴⁰ Robert L. Clark, Lee A. Craig and Jack W. Wilson (2003) A history of Public Sector Pensions in the United States. University of Pennsylvania Press, pp. 1-20 // Севостьянов Г.Н. соавт. (1985) История США в 4-х томах. Том 4. Наука. // Оболонский А.В. (2009) Государственная служба (комплексный подход) - политология, право, оплата труда, история, реформа, страноведение.

Act (FERA)) конун номини олди. Ушбу конуннинг мохияти қуйидагиларда намоён бўлади:⁴¹

- АҚШда барча давлат хизматчилари 70 ёшда камида 15 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳолда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Механиклар, почта хизматчилари 65 ёшдан, клерк⁴²лар ва темир йўл соҳасида фаолият олиб боаётган фуқаролар эса 62 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди;

- конунчиликда белгиланган пенсия ёшига етгандан сўнг фуқаро ёшга доир пенсияга чиқиши лозим ҳисобланади. Директор ёки бўлим бошликлари лавозимида ишлаётган фуқароларга яна 2 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ишлаш имконияти берилди;

- федерал даражадаги давлат хизматчилари ёшга доир пенсия нафақасини олишлари учун ўз иш ҳақларига нисбатан 2,5 фоиз миқдорида пенсия фондларига сугурта бадалларини тўлашлари керак бўлди;

- пенсия тўловлари миқдори меҳнат стажи билан боғлиқ бўлиб, пенсия олувчилар “А” дан “F” гача гуруҳлаштирилди федерал даражадаги давлат хизматчилари . “А” гуруҳ пенсионерлари ҳисобланиб, 30 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган фуқаролар ҳисобланади. Уларнинг пенсия нафақаси миқдори сўнгги ўн йилдаги ўртача иш ҳақининг 60 фоизини ташкил этади. “F” гуруҳи пенсионерлари эса энг кам пенсия олувчи пенсионерлар ҳисобланиб, уларнинг меҳнат стажи 15-18 йилга тенг бўлиб, пенсия нафақаси миқдори сўнгги ўн йилдаги ўртача иш ҳақининг 30 фоизига тенглаштирилди. Агарда энг юқори ва энг қуйи гуруҳ аъзолари оладиган пенсия нафақаларини солиштирадиган бўлсак, сўнгги ўн йилда бир хил иш ҳақига эга бўлган “А” ва “F” гуруҳ вакиллари мос тарзда 360 доллар ва 180 доллар миқдорида пенсия нафақасини оладилар. Бундан кўришиб турибдики, мазкур юқори ва қуйи гуруҳ аъзоларининг пенсия нафақалари ўртасидаги нисбат 2 баробарни ташкил этади. Яъни “А” гуруҳ пенсионери “F” гуруҳ пенсионерига караганда 2 баробар кўп пенсия олади.

1970 йилга келиб, федерал даражадаги давлат хизматчилари учун тиббий сугурта дастури ишлаб чиқилиб, мазкур дастур “Медиқейр (Medicare)” деб номланди. Унга кўра, тиббий сугурта хизматларидан 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли ва ногиронлиги бўлган ёки касб касаллигига дучор бўлган фуқаролар фойдаланишлари мумкин бўлган. 1982 йилга келиб эса ушбу дастур хизматларидан ҳарбий хизматчилар ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Кейинчалик, 1987 йилда Р. Рейган томонидан қабул қилинган “Федерал пенсия таъминоти тизими тўғрисида”ги Қонун⁴³ га кўра, 1983 йилдан кейинги даврда федерал даражадаги давлат ва ҳарбий соҳа

⁴¹ Лебелова Л.Ф. Американская модель пенсионного обеспечения в условиях усиления рисков финансово-экономической нестабильности в начале XXI века. США и Канада // Экономика, политика, культура. 2014. №3 (531). С. 22-30.

⁴² Клерк – давлат корхонаси, ташкилоти ва муассасаларида сузв-читув ишлари билан шуғулланадиган кичик ходимлар.

⁴³ Federal Employee's Retirement Act of 1986.

хизматчилари Медикейр дастури хизматларидан бирдек фойдаланишлари мумкинлиги белгилаб берилди.⁴⁴

Ҳозирда федерал даражадаги давлат хизматчилари учун амал килаётган пенсия таъминоти тизими жамғариладиган тамойил асосида фаолият юритиб, ишчи ходимлар пенсия фондларига ўз ойлик маошларидан 7-8 фоиз миқдорида пенсия сугуртаси бадаллари тўласалар, давлат томонидан ишчининг шахсий сугурта ракамига унинг иш хақиға нисбатан 1 фоиз миқдорида сугурта бадали ўтказилади. Фуқаролар томонидан мазкур фондға ўтказилаётган маблагларнинг 5,3 фоизи уларнинг кексалигини сугурталашға йўналтирилса, бадалнинг қолган қисми бевалик, ижтимоий муҳтожлик каби пенсия фонди харажатларини қоплаш мақсадида фойдаланиши мумкин бўлади.⁴⁵

Штат ва маҳаллий даражадаги бошқарув ҳокимият ташкилотларида фаолият юритаётган фуқаролар учун пенсия таъминоти дастури. АҚШда штат ва маҳаллий миқёсдаги бошқарув ташкилотларида фаолият юритаётган фуқаролар учун пенсия таъминоти дастурида штат ва маҳаллий миқёсдаги бошқарув органлари ходимлари, полиция, ўт ўчирувчилар ва ўқитувчилар камраб олинган. Мазкур тизимда пенсия сугуртаси бадаллари миқдори ва пенсияға чиқиш ёши ҳар бир соҳа вакиллари учун турлича белгиланган. Ушбу пенсия таъминоти дастури ХХ асрнинг бошларида полиция ходимлари, ўт ўчирувчилар ва ўқитувчиларни ёшға доир ва ногиронлик бўйича пенсия нафақалари билан таъминлаш вазиғасини ўз зиммасиға олган. Полиция ходимлари учун ёшға доир пенсия олиш ҳуқуқи 1857 йилда Нью-Йорк шаҳрида йўлга қўйилди ва 1917 йилға 400 мингдан ортик ўқитувчи, ўт ўчирувчи ва полиция ходимлари мазкур пенсия дастури хизматларидан фойдаланди. Юқорида қайд этиб ўтилган соҳа вакиллари учун ёшға доир пенсияға чиқиш учун камида 20-25 йиллик меҳнат стажи ва 60 ёшға тўлган бўлишлари талаб этила бошланди.⁴⁶

1911 йилға келиб мамлакатнинг аксарият штатларида штат ва маҳаллий миқёсдаги бошқарув ҳокимият ташкилотларида хизмат килаётганлар учун пенсия таъминоти дастурлари ташкил этилди. Ушбу дастурға кўра фуқаролар йиллик иш хақи даромадидан пенсия фондига 1-3 фоиз миқдорида сугурта бадаллари тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари талаб этилган (Янги Орлеан, Питтсбург, Детройт). Бошқа штатларда эса мазкур пенсия таъминоти хизматларидан фойдаланиш учун полиция, ўт ўчирувчи ва

⁴⁴ Dora L. Costa (1998) The Evolution of Retirement: an American Economic History, 1880-1990. National Bureau of Economic Research Series on Long-Term Factors in Economic Development, pp. 1-50 // Лебедева Л.Ф. Американская модель пенсионного обеспечения в условиях усиления рисков финансово-экономической нестабильности в начале XXI века. США и Канада // Экономика, политика, культура. 2014. №3 (531). С. 22-30.

⁴⁵ Лебедева Л.Ф. Американская модель пенсионного обеспечения в условиях усиления рисков финансово-экономической нестабильности в начале XXI века. США и Канада // Экономика, политика, культура. 2014. №3 (531). С. 22-30. // Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from <https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement/15.pdf>

⁴⁶ Robert L. Clark, Lee A. Craig and Jack W. Wilson (2003) A history of Public Sector Pensions in the United States. University of Pennsylvania Press, P. 157-217.

ўқитувчилар ойлик иш ҳақиларидан 2-4 фоиз миқдориди пенсия суғуртаси бадалларини тўлашлари талаб этилган. Факатгина Массачусетс штатида пенсия суғуртаси бадаллари ойлик иш ҳақига нисбатан 5 фоиз миқдориди белгиланган. Шу билан бир каторда қарамоғида унга муҳтож бўлган кишилар бор бўлган ходимлар белгиланган пенсия суғуртаси бадалидан ташқари йилига 600 доллар миқдориди суғурта бадалларини тўлашлари талаб этилган бўлиб, мазкур бадаллар унинг қарамоғида бўлган кишиларнинг боқувчисини йўқотганлиги учун оладиган нафақаларининг кафолати ҳисобланган. Кливленд, Детройт, Цинциннати, Лос Анджелес, Янги Орлеан, Ньюарк каби шаҳарларда ёшга доир пенсияга чиқиш учун минимал меҳнат стажи белгиланмаган. Ушбу соҳа вакиллари ўз ихтиёрига кўра, 60 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкин бўлиб, 70 ёшга тўлганларида улар пенсияга чиқишга мажбур ҳисобланганлар. Агарда фуқаро ҳалок бўлган тақдирда унинг оила аъзолари (рафиқаси ёки балоғатга етмаган ва ишсиз бўлган оила аъзоларининг бири) унга тайинланган пенсия нафақасини олиш имкониятига эга бўладилар⁴⁷.

1907 йилда Миссури штатида илк бор ўқитувчилар учун пенсия таъминоти дастури амалиётга татбиқ этилди. Ушбу тизим ўқитувчиларнинг ўз ташаббуслари асосида ташкил этилди. Пенсияга чиқиш учун эркаклар 30 йил, аёллар эса 25 йиллик меҳнат стажига эга бўлишлари ва ойлик иш ҳақиларига нисбатан 1 фоиз миқдориди пенсия суғуртаси бадалини тўлашлари талаб этилган. Мазкур тизим авлодлар бирдамлиги (PAYG) тамойили асосида фаолият юритган. 1920 йилга келиб 23 та штат, 1935 йилга келиб эса 32 та штатда ўқитувчилар ушбу тизим хизматларидан фойдалана бошладилар⁴⁸.

2014 йилга келиб АҚШда штат ва маҳаллий ҳокимият даражасида фаолият кўрсатаётган фуқаролар учун хизмат қилаётган пенсия фондлари сони 3992 тани, шундан 3761 та пенсия фонди маҳаллий даражада, 231 та пенсия фонди эса штат миқёсида фаолият кўрсатган. Бугунги кунда ушбу пенсия таъминоти тизими 20 млн дан ортиқ фуқароларга хизмат кўрсатмоқда⁴⁹.

Умумий федерал пенсия дастури. 1935 йилда АҚШда “Ижтимоий суғурта тўғрисида” ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун қабул қилинган даврда ижтимоий суғурта хизматлари таркибига ёшга доир пенсия нафақасини олиш ва кўзи ожизлар учун ногиронлик нафақасини тайинланиши белгилаб берилган эди. 1939 йилга келиб ушбу қонунга ўзгартиришлар киритилди ва боқувчисини йўқотганлиги бўйича ижтимоий

⁴⁷ Уша манаба. Б. 157-217.

⁴⁸ Лебедева Л.Ф. (2015) Модернизация пенсионных систем штатного и местного уровней // Время политических решений. Россия и Америка в XXI веке. N 2. С. 8.

⁴⁹ Лебедева Л.Ф. (2015) Модернизация пенсионных систем штатного и местного уровней // Время политических решений. Россия и Америка в XXI веке. N 2. С. 8. // Нгуен М.М. (2016) Роль институциональных инвесторов на финансовом рынке // Россия и Америка в XXI веке. N 1. // Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement_15.pdf

нафакалар тайинланиши тартиби йўлга қўйилди. 1956 йилда конунга яна қатор ўзгартиришлар киритилиб, бугунги кунда АКШда амал қилаётган Умумий федерал пенсия дастурининг мазмун моҳиятини ўзида мужассамлаштирди. Мазкур йилда киритилган ўзгартиришларга кўра, тугма ва ишлаб чиқариш жараёнида ногиронлик орттирган кишиларга ва боқимандаларга ижтимоий нафакалар тайинланиши белгилаб берилди. 2015 йилга келиб ушбу пенсия таъминоти хизматларидан 59,9 млн0 киши фойдаланди. Ҳозирда АКШда Умумий федерал пенсия таъминоти фондларига суғурта бадалларини тўлаётган кишилар сони 163 млн кишини ташкил этади⁵⁰.

Умумий федерал пенсия таъминоти тизимидан фойдаланиш бўйича ўрнатилган тартиб қодаларга кўра, агарда фуқаро мустақил тарзда ўзини-ўзи банд қилган ҳолда даромадга эга бўлса, у ўз ойлик даромадидан 12,4 фоиз миқдорида пенсия фондига суғурта бадалини тўлайди. Агарда фуқаро ёлланиб ишлаётган бўлса, унинг учун суғурта бадалини иш берувчи ишчининг иш ҳақига нисбатан 6,2 фоиз миқдорида пенсия фондига суғурта бадалини тўлаб боради.

Шу билан биргаликда ушбу пенсия фонди хизматларидан фойдаланувчи америкаликлар ўз ойлик даромадларига нисбатан 2,9 фоиз миқдорида Медикайр дастури доирасида фаолият олиб бораётган суғурта фондларига бадаллар тўлаб борадилар. Ушбу фондларга тўланаётган суғурта бадалларининг 15 фоиз миқдори ишсизлик суғуртаси шаклида ҳисобга олинади.⁵¹

Умумий федерал пенсия таъминоти фондларидан ёшга доир пенсия нафақасини олиш учун 1943-1954 йилларда таваллуд топган АКШ фуқаролари 66 ёш бўлиши, 1960 йил ва ундан кейинги даврда туғилганлар эса 67 ёш бўлиши талаб этилади. Шу билан бир қаторда фуқаролар муддатидан илгари пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлиб, муддатдан илгари пенсияга чиқилган ҳар бир ой учун унинг пенсия нафақаси миқдори 0,5 фоизга қисқаради. Агарда пенсионер пенсия ёшига етган тақдирда ҳалок бўладиган бўлса, унинг қарамоғида бўлган қуйидаги кишилар унинг пенсия нафақасини олиш имкониятига эга бўладилар:⁵²

- 62 ва ундан катта ёшда бўлган мархумнинг турмуш ўртоғи;
- 16 ёшга тўлмаган қарамоғида фарзанди бўлган мархумнинг турмуш ўртоғи;
- 18 ёшга тўлмаган мархумнинг фарзандлари;
- 18-19 ёшда бўлган бошланғич ёки ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган мархумнинг фарзандлари;

⁵⁰ Ўша манба.

⁵¹ Edwin C. Husted and Toni Husted (2001) Chapter 4. Pensions in the Public Sector. University of Pennsylvania Press, pp. 67-103 // Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement_15.pdf

⁵² Лебелова Л.Ф. (2004) США: государственная политика в социально-трудовой сфере. Институт США и Канады РАН; Лебелова Л.Ф. (2016) Стратегия пенсионного обеспечения: американский выбор // МЭиМО. N 8; Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement_15.pdf

- 18 ва ундан катта ёшда бўлган мархумнинг ногирон бўлган фарзандлари;

- 62 ва ундан катта ёшда бўлган мархумнинг турмуш ўртоғи мархум билан камида 10 йил бирга яшаган ва ажрашганига 2 йилдан ошмаган бўлиши билан бир каторда унинг пенсия нафақаси мархум оладиган пенсия нафақасидан кам бўлган бевалар;

- 60 ёшдан катта бўлган ёлғиз қариялар;

- 50 ёшдан катта ёлғиз ногиронлар;

- 16 ёшга тўлмаган қарамоғида фарзанди бўлган ёлғиз яшайдиган ногиронлар.

АҚШда ўрнатилган қонунчиликка асосан, қўшимча тарзда бериладиган ижтимоий нафақалар миқдори умумий тарзда оила таркибидаги юқори пенсия олаётган пенсионерларнинг нафақасига нисбатан 150-180 фоиз миқдоридан ошмаслиги талаб этилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида АҚШ пенсия таъминоти тизимини умумий баҳолайдиган бўлсак, унда қисман жамғарилувчи принципнинг амал қилишини кўришимиз мумкин бўлади. Фуқаролар пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган меҳнат даврида тўлиқ суғурта бадалларини тўлашлари зарур. Пенсия тўловлари миқдори истеъмол нархлари бўйича индексация қилинади.

4.2. АҚШ пенсия таъминоти тизими ҳолати

АҚШ пенсия таъминоти тизими мажбурий ва ихтиёрий пенсия таъминоти тизимига бўлинади. Давлат пенсия таъминоти тизимига тўланадиган пенсия суғуртаси бадаллари умумий қиймати ишчи ходим иш ҳақиға нисбатан 15,3 фоизни ташкил этиб, ушбу бадал иш берувчи ва ходим томонидан 7,65 фоиз миқдорида суғурта бадали шаклида пенсия фондларига тўланади. Ушбу сумманинг 2,9 фоизи тиббий суғурта фондига йўналтирилса, қолган 12,4 фоизи фуқаронинг ёшга доир пенсия тўлови учун суғурта бадали шаклида инобатта олинади.


Давлат пенсия таъминоти тизимида пенсия миқдори АҚШ фуқароларининг етарли даражадаги турмуш фаровонлигини таъминлай олмайди. Давлат пенсияси миқдорининг даромадларни қоплаш кўрсаткичи 41,0 фоизни ташкил этмоқда. Айни вақтда аҳолининг етарли даражадаги турмуш фаровонлигини таъминлаш учун ушбу кўрсаткич 70-80 фоизга тенг бўлиши талаб этилади. Бу ҳолат АҚШда давлат пенсия таъминоти фуқароларининг минимал турмуш даражасини таъминлаш қанолати эканлигидан далолат беради. Шунини инобатга олган ҳолда америкаликларнинг аксарияти ихтиёрий жамғариладиган пенсия таъминоти фондлари хизматларидан фойдаланадилар.

АҚШда ихтиёрий пенсия таъминоти дастурларининг қуйидаги шакллари мавжуд (4.2-расм):

- индивидуал (шахсий) пенсия дастури;

- иш берувчилар томонидан сугурта бадаллари тўланадиган ихтиёрий пенсия дастури;
- иш берувчи ва ишловчи ходим томонидан тенг, баравар сугурта бадаллари тўланишига асосланган пенсия таъминоти дастурлари

Индивидуал (шахсий) пенсия таъминоти дастури ишловчи ходимнинг ўз ихтиёрига кўра амалга оширилувчи пенсия дастури ҳисобланади. Бунда фуқаро учун пенсия фондида шахсий жамғарма ҳисоб рақами очилади ва унинг ойлик иш ҳақидан мазкур ҳисобрақамига сугурта бадаллари ўтказилиб борилади. Ушбу фондда жамғарилган маблағлардан фуқаро ўзи хоҳлаган мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Агарда ушбу маблағларни инвестиция шаклида бирор бир ташкилотга йўналтирадиган бўлса, у тақдирда мазкур фаолиятдан олинган даромад учун у давлатга солиқ тўлайди. Шу билан бир қаторда фуқаро ўзининг кексалик давридаги муносиб даражадаги турмуш фаровонлигини таъминлайди. Пенсия ёшига етганда сугурталанувчи ўз хоҳишига кўра жамғарилган маблағларни бирданига ёки уни бўлиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.



4.2-расм. AQSH пенсия таъминоти тизими⁵³

⁵³ Edwin C. Husted and Tom Husted (2001) Chapter 4. Pensions in the Public Sector. University of Pennsylvania Press, pp. 67-103 // Лебедева Л.Ф. (2004) США: государственная политика в социально-трудовой сфере.

АҚШ пенсия таъминоти тизимида амал қилаётган пенсия дастурларидан яна бири бу – **иш берувчилар томонидан сугурта бадаллари тўланадиган ихтиёрий пенсия дастури** ҳисобланади. Ушбу дастурга кўра пенсия таъминоти фондлари иш берувчи томонидан унинг ходимлари учун тўланадиган пенсия сугуртаси бадаллари орқали молиялаштирилади. Бунда иш берувчи ва ишловчи ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаларида иш берувчи томонидан тўланадиган сугурта бадалли миқдори ва ишловчи ходимнинг олиши мумкин бўлган пенсия нафақаси ҳақида маълумот берилган бўлади. Бу турдаги пенсия фонди илк бор 1875 йилда АҚШнинг машхур компаниялари қаторига кирувчи Американ Экспресс (American Express) компаниясида ташкил этилган. Иш берувчиларнинг мазкур пенсия фондларини молиялаштиришга йўналтирилаётган харажатлари бевосита мазкур фондларнинг молиявий активларини шакллантирувчи ягона манба ҳисобланади. Ушбу фондларда шаклланган молиявий маблағларнинг 15 фоизини корхона ўз иқтисодий фаолиятини ривожлантириш мақсадида инвестиция сифатида ўз фаолиятига жорий этиши ва ушбу инвестиция ҳисобидан олинган даромаддан маълум бир қисмини (яъни, корхона уставига кўрсатилган миқдордаги қисми) пенсия фондига ўтказиши талаб этилади. Бундан кўзланган мақсад пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва иш берувчилар томонидан бу турдаги пенсия фондларини ташкил этишни рағбатлантириш ҳисобланади.

АҚШ пенсия таъминоти тизимида амал қилаётган учинчи турдаги пенсия таъминоти дастури **иш берувчи ва ишловчи ходим томонидан тенг ярим сугурта бадаллари тўланишига асосланган пенсия таъминоти дастури** ҳисобланади. Бу турдаги пенсия дастурининг ташкилотчиси иш берувчи ҳисобланади. Бунда ҳар бир ишловчи ходим учун пенсия фондларида жамғарма ҳисоб рақамлари очилиб, мазкур ҳисоб рақамларига ишловчи ходим ва иш берувчи томонидан пенсия сугурта бадаллари ўтказилиб борилади. Иш берувчи мазкур пенсия фондлари активларидан инвестицион операцияларда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу чоратадбирлар пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида иш берувчилар учун рағбатлантирувчи омил сифатида амал қилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шунини айтиш мумкинки, АҚШ пенсия таъминоти тизимида иш берувчилар ўрни муҳим аҳамият касб этади. Иш берувчиларнинг фаол аралашуви асосида ташкил этилган пенсия фондлари инфратузилмаси таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади (4.3-расм): тўлов агентлиги, бошқарувчи компания, ишчилар ва иш

берувчилар учун инвестицион консултант, рўйхатга олувчи, юридик компания, аудиторлик фирмаси, депозитарий ва актуар фирмалар.

Бундай инфратузилма бевосита иш берувчилар томонидан пенсия фондларида жамғарилган молиявий активлардан самарали фойдаланиш ва улар орқали инвестицион муҳитни янада жозибadorлигини оширишга эришишга имкон беради. Тўлов агентликлари бевосита пенсия фондларига ўтказиладиган суғурта бадаллари миқдори ва пенсия нафақалари ҳажмини аниқлаштиришда хизмат кўрсатса, рўйхатга олувчилар улар ҳақидаги маълумотлар рўйхатини юритади. Ишчилар ва иш берувчилар учун инвестицион консултант фирмалар бу ерда ишчиларнинг қайси пенсия фондларида суғурталанишига оид таклифлар беради, иш берувчиларга жамғарилган активлардан самарали фойдаланиш йўллари ҳақида маълумот беради. Юридик компаниялар бевосита мазкур пенсия таъминоти дастурининг қонуний ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, иш берувчи ва ишловчи ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаларида пенсия суғуртасига оид бандларнинг қонуний асосланганлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Пенсия фондлари активларидан бошқарувчи компанияларнинг самарали фойдаланишини таъминлаш ва мазкур фаолиятни назорат қилиш учун аудитор, депозитарий ва актуар фирмалар хизмат қилади.




4.3-расм. Иш берувчиларнинг фаол иштироки асосида амал қилаётган пенсия дастурлари инфратузилмаси⁵⁴

4.3-расмда келтириб ўтилган инфратузилма АҚШ пенсия фондларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки ва инвестицион фаолиятини

⁵⁴Ўша манба.

такомиллаштиришга хизмат кўрсатди. 2015 йилга келиб АҚШ пенсия фондларининг активлари таркибида акцияларнинг ҳажми 47 фоизни, облигациялар 23 фоизни, нақд пул шаклидаги активлар ҳажми 3 фоизни, қолган 27 фоиз пенсия фондлари активлари эса бошқа турдаги қимматли қоғозлардан иборат бўлганини кўришимиз мумкин бўлади.

Мазкур кўрсаткичлар 2005 йилдаги кўрсаткичларга қараганда бир оз ўзгарган бўлиб, бунда акцияларнинг ҳажми 13 фоизга қисқарган, бошқа турдаги қимматли қоғозларнинг ҳажми эса 10 фоизга ортган. Шуниси эътиборга лойикки, 2005 йилда пенсия фондларида нақд пул кўринишидаги активлар умуман бўлмаган бўлиб, 2015 йилда уларнинг ҳажми жами пенсия фондлари активларига нисбатан 3 фоизни ташкил этди. Облигациялар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, 2005 йилга нисбатан олиб қараганда 2010 йилда уларнинг ҳажми жами активларга нисбатан 23 фоиздан 26 фоизга ортди. 2015 йилга келиб эса 2005 йилдаги улуши кўрсаткичига тенг бўлди (4.4-расм).




4.4-расм. АҚШ пенсия фондлари активлари таркиби⁵⁵

АҚШ пенсия фондларининг инвестицион дастурлардаги иштироки, қимматли қоғозлар ва фонд бозоридаги фаол иштирок этиш имкониятларидан юқори даражада фойдаланиб келмоқдалар. Натижада 2015 йилга келиб уларнинг умумий активлари ҳажми 21,8 млрд долларни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич 2005 йилдаги кўрсаткичга нисбатан қарийб 1,8 баробарга ортганини кўришимиз мумкин бўлади. АҚШ пенсия

⁵⁵Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement_15.pdf // Wills Towers Watson and secondary sources. P. 7 маълумотлари асосида тузилган


фондларининг жами активлари ўсиш трендини унинг мамлакат ЯИМдаги улушидан ҳам кўришимиз мумкин бўлади. 2005 йилда пенсия фондлари жами активлари ҳажми ЯИМга нисбатан 95 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2015 йилга келиб 26 фоизга ортди (4.5-расм).



4.5-расм. АҚШ пенсия фондларининг умумий активлари (млрд долл.)⁵⁶

АҚШ пенсия фондларининг молиявий активларидан самарали фойдаланиб келаётганлари сабабли ушбу пенсия фондларида қайд этилган тўловлар ва қайд этилган бадаллар ўртасида нисбатлар ижобий натижа қайд этиб келмоқда. 2005 йилда АҚШ пенсия фондлари активлари ҳажмига нисбатан олганда қайд этилган тўловлар 53 фоизни ташкил этган бўлса, қайд этилган бадаллар 47 фоизга тенг бўлган. 2008 йилда содир бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврга назар соладиган бўлсак, 2010 йилда ҳам мазкур кўрсаткичлар нисбати ижобий аҳамият касб этган бўлиб, қайд этилган тўловлар ҳажми 56 фоизга, қайд этилган бадаллар эса 44 фоизга тенг бўлди. Мазкур кўрсаткич 2015 йилга келиб мос равишда 60 ва 40 фоизни ташкил этди. Ушбу ҳолат АҚШ пенсия фондларининг молиявий барқарорлигидан далолат беради (4.6-расм).

⁵⁶Ушба маъна. Б. 7.



4.6-расм. АҚШ пенсия фондларининг қайд этилган тўловлари ва бадаллари кўрсаткичлари (пенсия фондларининг умумий активларига нисбатан фоиз ҳисобида)⁵⁷

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, АҚШ пенсия тизимида хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг самарали фаолияти ва пенсия фондларининг ўз активларидан турли мақсадларда фойдаланишлари уларнинг молиявий барқарорлиги ҳамда пенсия таъминоти тизими хизматларига фуқароларнинг бўлган ишончини орттиришига сабаб бўлди. Умуман олганда АҚШ пенсия фондлари томонидан фуқароларга берилаётган пенсия тўловлари аҳолини муносиб даражада турмуш фаровонлиги билан таъминлаш имкониятига эга бўлиб, америкаликлар бир вақтнинг ўзида бир неча турдаги пенсия фондлари хизматларидан фойдаланишларини мазкур мамлакат тажрибасида кузатиш мумкин бўлади. Бу вазият АҚШ пенсия тизими тажрибасини ўрганишнинг муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

4.3. АҚШ пенсия фондларининг инвестицион сиёсати

Ривожланган мамлакатларда пенсия фондлари йирик инвестицион институтлар каторига киради. Жумладан АҚШ пенсия фондларининг инвестицион дастурларга йўналтирилган активлари ҳажми 2014 йил охирига келиб 14,7 трлн долларни ташкил этди. Инвестицион активларнинг ортишига сабаб XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига келиб АҚШда хусусий пенсия фондлари фаолияти жадаллик билан ривожлана борди. Ҳозирда мамлакатда 700 мингга яқин пенсия фондлари хусусий дастурлар асосида фаолият юритиб, меҳнат бозоридан банд бўлган ишчи кучининг қарийб 50 фоизига хизмат кўрсатиб келмоқда⁵⁸.


⁵⁷ Уша манба. Б. 7.

⁵⁸ Уша манба. Б. 22-30.

2013 йилда АҚШ хусусий пенсия фондлари ишчи ходимларнинг пенсия сугуртаси бадаллари ҳисобидан жами 23,1 трлн доллар кийматга тенг активларни жамлашга эришди. Шундан 60,4 фоиз маблағлар ишловчи ходимларнинг солиқ шаклидаги пул ўтказмалари, 12,8 фоизи шахсий пенсия жамгармаси ҳисоб ракамларидаги жамгармалар, 12,2 фоизи пенсия сугуртасига оид шартномалар ва 14,4 фоиз қисми бошқа манбалар ҳисобидан шакллانган молиявий ресурслар ҳисобланади⁵⁹.

2013 йилда АҚШ иктисодиётида инвестицион институтлар сифатида фаолият юритаётган инвестицион фондлар, сугурта компаниялари, жумладан пенсия фондлари активлари ҳажми сезиларли даражада ортди ва уларнинг умумий инвестицион активлари ҳажми қарийб 41,2 трлн долларга тенг бўлганини кузатиш мумкин. Шундан 16,8 трлн доллар инвестицион фондлар, 7,5 трлн доллар сугурта компаниялари ва 16,9 трлн доллар хусусий ва давлат пенсия фондлари активлари улушига тўғри келди. Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2013 йилда АҚШ пенсия фондларининг жами инвестицион активлардаги улуши 41 фоизни ташкил этган. 2008-2013 йилларда пенсия фондларининг инвестицион активлари ҳажми 7,9 фоизга ортди, сугурта компаниялари ва инвестицион фондларда мазкур кўрсаткич мос равишда 5,8 ва 13,2 фоизга ўсганини кузатиш мумкин.

2005 йилда АҚШ пенсия фондлари активлари ҳажми ЯИМга нисбатан 95 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда вужудга келган жаҳон молиявий иктисодий инқирозининг пенсия фондлари фаолиятига салбий таъсири натижасида 59,6 фоизга тушиб кетди. 2011 йилга келиб мазкур кўрсаткич 71,8 фоиз, 2013 йилда 83,0 фоиз ва 2015 йилда эса 121 фоизга тенг бўлганини кузатишимиз мумкин (4.7-расм).



4.7-расм. АҚШ пенсия фондлари активлари ҳажми динамикаси (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)⁶⁰


⁵⁹ Ўша манба. Б. 22-30.

⁶⁰ Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement_15.pdf // Lebedova L.F. 'US Pension System in XXI Century' Financial-Economic Destability Risks. USA * Canada, 2014. № 3. P. 22-30 // Wills Towers Watson and secondary sources. P. 7 маълумотлари асосида тузилган.

Умуман олганда АҚШ пенсия фондлари активлари ҳажмининг ЯИМга нисбати бўйича дунёда етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. 4.7-расмда келтирилган маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, инкироздан кейинги даврда Қўшма Штатлардаги пенсия фондлари ўз активлари ҳажмини кўрсаткичларининг ўсиш суръатига эришдилар. АҚШ пенсия фондларининг даромадлари пенсия сугуртаси бадаллари ва соф инвестицион даромадлардан ташкил топади. Пенсия фондлари харажатлари эса пенсия тўловларини молиялаштириш, ташкилий харажатлар ва сугурта имтиёзлари ҳисобланади.

2015 йил якунларига кўра, АҚШда пенсия фондларининг активлари ҳажми бўйича давлат жамғарма фонди 422,2 млрд доллар кийматига тенг молиявий ресурсларга эга бўлиб, биринчи ўринни эгаллади. Мазкур фонднинг активлари ҳажми аввалги йилга нисбатан 12,6 %га ортган. Ушбу фонд 2009 йилдан буён АҚШ пенсия фондлари таркибиде активлари ҳажми бўйича етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

АҚШда пенсия фондларининг активлари ҳажми бўйича етакчи бешлик таркибига Калифорния штати давлат ташкилоти ходимлари пенсия фонди, ўқув муассасалари ўқитувчи ходимлари давлат жамғармаси, Нью-Йорк штати пенсия фонди ва Нью-Йорк шаҳри пенсия таъминоти фондларини киритиш мумкин (4.8-расм). Мазкур пенсия фондлари АҚШда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этувчилар ҳисобланади.




4.8-расм. АҚШда активлар ҳажми бўйича етакчи фондлар кўрсаткичлари (2015 й., млрд долларда)⁶¹

Бугунги кунда аксарият дунё мамлакатларида бўлгани каби АҚШда ҳам глобал қариш муаммоси кузатишмоқда. 2015 йилда пенсия ўшидаги аҳолининг боғлиқлик коэффициенти 19,3 %га тенг бўлган бўлса, мазкур

⁶¹Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement_15.pdf // Lebedeva L.F. US Pension System in XXI Century: Financial-Economic Destability Risks. USA + Canada, 2014, - № 3, p. 22-30 // Wills Towers Watson and secondary sources. P. 7 // Развитие пенсионного обеспечения в начале XXI века: мировые тенденции и национальные особенности. Материалы ситуационного анализа. Оуп. ред. Лебедева Л.Ф. М.: ИСКРАН, 2015. 68 с. маълумотлари асосида тузилган.

кўрсаткич 2030 йилга бориб 27,1 %га, 2050 йилда эса 28,9 %га тенг бўлиши кутилмоқда (4.9-расм).




4.9-расм. Пенсия ёшидаги аҳолининг боғлиқлик коэффиценти (65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг 15-64 ёшдаги ишчи кучига нисбати, %)⁶²

Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда АҚШ пенсия фондлари даромадлари ҳажмини 3,2 %дан 9,4 %гача бўлган миқдорда оширишга қаратилган пенсия фондларининг ҳар ўн йилга мўлжалланган стратегиялари қабул қилиниб келинмоқда. Мазкур стратегияларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирларига мамлакатда 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иктисодий инкирози сабаб бўлди. Мамлакатда ҳозирда пенсия фондлари томонидан 2011-2020 йилларга мўлжалланган пенсия даромадлар даражасини оширишга қаратилган стратегияси амалга оширилмоқда. Мазкур стратегияда келтириб ўтилган чора-тадбирлар дастурларини амалга ошириш орқали АҚШ пенсия фондлари даромадлари даражасида кузатишган салбий тенденция 2012 йилдан бошлаб ижобий тенденцияга эга бўлди. 2012-2015 йилларда АҚШ пенсия фондларининг умумий даромадлари ҳажмининг ортиш кўрсаткичида қайд этилган минимал кўрсаткич 5,3 %га тенг бўлган бўлса, унинг максимал чегараси 13,8 %га тенг бўлди. Масалан, 2015 йилда биргина АҚШ давлат хизматчилари пенсия фондининг даромадлари ҳажми 18,4%га ортган бўлса, мазкур фондининг сўнги уч йилдаги ўртача даромадларининг ортиши кўрсаткичи 10,4 %га тенг бўлди.⁶³

⁶² Влияние единого социального платежа на занятость и финансовые показатели предприятий в Республике Узбекистан. Аналитическая записка. UNDP Uzbekistan. Т., 2015. С. 6. маълумотлари асосида тузилган.

⁶³ Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement_15.pdf // Lebedova L.F. US Pension System in XXI Century: Financial-Economic Destability Risks. USA * Canada, 2014, - № 3, p. 22-30 // Wills Towers Watson and secondary sources. P. 7 // Развитие пенсионного обеспечения в начале XXI века: мировые тенденции и национальные особенности. Материалы ситуационного анализа. Отв. ред. Лебедева Л.Ф. М.: ИСКРАН, 2015. С.68.



4.10-расм. АҚШ пенсия фондлари активлари таркиби (2013 й., фонд ҳисобида)⁶⁴

АҚШ пенсия фондларининг даромадлари даражаси аҳолининг қариши муаммоси авж олаётганига қарамай ортиб боришига сабаб уларнинг ўзларида шаклланган пул маблағларидан қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, бозорлари ва инвестицион дастурлардаги фаол иштироки ҳисобланади. Бу орқали пенсия фондлари ўз даромадлари даражасини ортиб боришига эришиш билан бир қаторда пенсия фондларининг молиявий барқарорлиги кўрсаткичини ҳам мустаҳкамлайдилар. Статистик маълумотларга назар солинадиган бўлса, 2013 йилда АҚШ пенсия фондларининг умумий активлари ҳажмида ўртача ҳисобда акциялар ҳажми 37,8%ни, инвестицион дастурларга йўналтирилган маблағлар 23,7 %ни, давлат ва корпоратив облигациялар 15,8 %ни ташкил этганлигини кўрамиз (4.10-расм).

АҚШ пенсия фондларининг инвестицион фаолиятига назар ташланадиган бўлса, мазкур ўн йилликнинг бошларидан ушбу фондлар давлат инфратузилмаси ва турли хусусий компанияларга инвестиция йўналтиришга эътиборни кучайтирганликларини кузатиш мумкин. Бу турдаги инвестициялар ўз навбатида узоқ муддатли бўлиб, бундан пенсия фондлари даромадларининг узоқ йиллардаги барқарорлиги кафолатланиши мумкин бўлади. АҚШ пенсия фондларининг бу турдаги узоқ муддатли инвестицион дастурлардаги иштироки 2010-2013 йиллар мобайнида 14,4 %дан 15,6 %гача ортган бўлса, мазкур даврда пенсия фондларининг даромадлари 53,4 %дан 56,1 %га орди. Шу билан бир қаторда пенсия фондларининг узоқ муддатли инвестицион дастурларга ўз активларини йўналтириш амалиётини кучайтириши ўз навбатида акциялар харид қилиш кўрсаткичини 32,2 %дан 28,3%га қисқаришига сабаб бўлди. Шунини ҳам айтиш керакки, АҚШ пенсия фондлари хориж мамлакатларида амалга

⁶⁴ Маълум: Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилатининг расмий статистик маълумотлари асосида (<http://www.stats.oecd.org>) тузилган.

оширилаётган турли иктисодий дастурларни ва йирик компанияларни инвестициялаш фаолиятини йўлга қўйиш орқали ўз активлари таркибига хорижий валюталар тушумини ҳам йўлга қўйди. Мазкур давр оралигида АҚШ пенсия фондларининг инвестицион дастурларидаги иштироки ўрта ҳисобда 3,1 %дан 11 %гача ортди.⁶⁵

Умуман олганда АҚШ пенсия таъминоти тизимида хусусий пенсия фондларини жадал ривожланиши ва уларга жамланган активлардан фойдаланиш бўйича кенг имкониятлар яратилганлиги ушбу фондларни инвестицион дастурлардаги иштирокини кенгайтириш, ўз фаолиятларини ривожлантириш мақсадида пенсия фондларининг ҳар бири инвестицион стратегияларини ишлаб чиқиши орқали пенсия фондларининг даромадлари кўрсаткичини орттириш билан бир қаторда, глобал аҳолининг қариши муаммоси шароитида пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга эришилмоқда.

Назорат саволлари

1. АҚШ пенсия таъминоти тизимининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичларини ёритиб беринг.

2. АҚШ пенсия таъминоти тизимининг таркибий элементларини тавсифланг.

3. АҚШ пенсия таъминоти тизимида пенсия ва ижтимоий нафакаларни тайинлаш ва уларни молиялаштириш тартибини изоҳланг.

4. АҚШ пенсия тизимида мажбурий давлат пенсия таъминоти ва ихтиёрий пенсия таъминоти дастурларининг тутган ўрнини ёритиб беринг.

5. АҚШ пенсия таъминоти тизимида касбий пенсия фондларини (иш берувчиларнинг фаол иштироки асосида ташқил этиладиган пенсия фондлари) ташқил этишнинг ўзига хос хусусиятларини санаб беринг.

6. АҚШ пенсия фондларининг инвестицион сиёсатини мазмунини ёритиб беринг.

7. АҚШ пенсия таъминоти тизимида амал қилаётган “Индивидуал (шахсий) пенсия таъминоти дастури”да қатъий ўрнатилган пенсия суғуртаси бадаллари дастурини қўллашнинг имкониятларини изоҳлаб, унинг ижобий ва салбий оқибатларини таҳлил қилинг.

Асосий тушунчалар

Куролли кучлар ва флот харбий хизматчилари учун пенсия дастури – АҚШ куролли кучлари ва флот харбий хизматчилари учун мўлжалланган пенсия тўловларини тайинлаш ва уларни молиялаштириш тартибларини ўзида акс эттирган пенсия дастури.

⁶⁵ Lebedova L.F. US Pension System in XXI Century: Financial-Economic Destability Risks. USA * Canada, 2014 № 3. P. 22-30 // Wills Towers Watson and secondary sources. P. 7 // Развитие пенсионного обеспечения в начале XXI века: мировые тенденции и национальные особенности. Материалы ситуационного анализа. Отв. ред. Лебедева Л.Ф. М.: ИСКРАН. 2015. 68 с.

Федерал даражада фаолият юритаётган давлат хизматчилари учун пенсия дастури – федерал даражада фаолият олиб бораётган АҚШ давлат хизматчилари учун мўлжалланган пенсия тўловларини тайинлаш ва уларни молиялаштириш тартибларини ўзида акс эттирган пенсия дастури.

Штат ва маҳаллий даражадаги бошқарув хокимият ташкилотларида фаолият юритаётган фуқаролар учун пенсия таъминоти дастури – АҚШда штат ва маҳаллий микёсдаги бошқарув ташкилотларида фаолият юритаётган фуқаролар учун мўлжалланган пенсия тўловларини тайинлаш ва уларни молиялаштириш тартибларини ўзида акс эттирган пенсия дастури. Ушбу пенсия дастури штат ва маҳаллий микёсдаги бошқарув органлари ходимлари, полиция, ўт ўчирувчилар ва ўқитувчиларни қамраб олади.

Индивидуал (шахсий) пенсия таъминоти дастури – АҚШ фуқароларининг ихтиёрий равишда шакллантирадиган пенсия жамғармаларининг тегишли нормаларини ўзида мужассамлаштирган пенсия дастури.

Иш берувчилар томонидан сугурта бадаллари тўланадиган ихтиёрий пенсия дастури – пенсия таъминоти фондлари иш берувчи томонидан унинг ходимлари учун тўланадиган пенсия сугуртаси бадаллари орқали молиялаштириладиган пенсия дастури..

Иш берувчи ва ёлланма ходим томонидан баравар сугурта бадаллари тўланишига асосланган пенсия таъминоти дастури – бу турдаги пенсия дастурининг ташкилотчиси иш берувчи ҳисобланади. Бунда ҳар бир ёлланма ходим учун пенсия фондларида жамғарма ҳисоб рақамлари очилиб, мазкур ҳисоб рақамларига ишчи ходим ва иш берувчи томонидан пенсия сугурта бадаллари ўтказилиб борилади.

Тестлар

1. АҚШ пенсия таъминоти тизими таркибий жиҳатдан неча турдаги пенсия дастурларига бўлинади?

- а) 4 та
- б) 2 та
- в) 3 та
- г) 6 та

2. АҚШда ногиронлик бўйича ва уруш қатнашчилари учун мўлжалланган пенсия дастурларининг қонуний асосларини шаклланиши қайси даврни ўз ичига олади?

- а) 1775-1783 йй.
- б) 1770-1983 йй.
- в) 1770 йилдан ҳозирга қадар
- г) 1983 йилдан ҳозирга қадар

3. АҚШда ҳарбийлар учун пенсия тўловларини тайинланиши нечанчи йилда қафолатланди?

- а) 1781 йил
- б) 1770 йил
- в) 1775 йил
- г) 1983 йил

4. Федерал даражада фаолият юритаётган давлат хизматчилари учун муължалланган пенсия дастури АҚШ амалиётига қачон татбиқ этилди?

- а) 1920 йилда
- б) 1915 йилда
- в) 1925 йилда
- г) 1930 йилда

5. АҚШда барча давлат хизматчиларидан пенсияга чиққиш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажи неча йилни ташкил этади?

- а) 15 йил
- б) 13 йил
- в) 17 йил
- г) 20 йил

6. "Федерал даражада хизмат қилаётган ишчи-ходимлар учун пенсия таъминоти тўғрисида"ги (Federal Employees Retirement Act (FERA)) қонун қачон қабул қилинди?

- а) 1920 йилда
- б) 1881 йилда
- в) 1883 йилда
- г) 1930 йилда

7. Штат ва маҳаллий даражадаги бошқарув ҳокимият ташкилотларида фаолият юритаётган фуқаролар учун пенсия таъминоти дастурига мувофиқ пенсия чиққиш учун талаб этиладиган меҳнат стажи неча йилни ташкил этади?

- а) 20-25 йил (а/э)
- б) 15-20 йил (а/э)
- в) 25-30 йил (а/э)
- г) 30-35 йил (а/э)

8. АҚШ пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий пенсия дастурининг неча турдаги шакли амал қилади?

- а) 3
- б) 2
- в) 4
- г) 5

9. АҚШ пенсия таъминоти тизимида фаолият олиб бораётган хусусий пенсия фондлари сони ва уларнинг камров даражаси?

а) 700 мингга якин хусусий пенсия фондлари ишчи кучининг қарийб 50 фоизига пенсия таъминоти хизматларини кўрсатмоқда

б) 500 мингга якин хусусий пенсия фондлари ишчи кучининг қарийб 70 фоизига пенсия таъминоти хизматларини кўрсатмоқда

в) 500 мингга якин хусусий пенсия фондлари ишчи кучининг қарийб 50 фоизига пенсия таъминоти хизматларини кўрсатмоқда

г) 700 мингга якин хусусий пенсия фондлари ишчи кучининг қарийб 70 фоизига пенсия таъминоти хизматларини кўрсатмоқда

10. АҚШ пенсия фондлари жами активларининг ЯИМдаги улуши 2005-2015 йиллар мобайнида қай даражада ўзгарди?

а) 95 % - 121 %

б) 90 % - 115 %


в) 93 % - 120 %

г) 98 % - 124 %

У БОБ. КАНАДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

5.1. Канада пенсия таъминоти тизими

Жаҳон мамлакатлари пенсия таъминоти тизимини ўрганишда Канада пенсия тизими муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу тизим 1951 йилдан буён мамлакатда шаклланишни бошлади. Ҳозирда мамлакат пенсия таъминоти тизими турли даражадаги дастурлар асосида амал қилиб келмоқда. Бугунги кун Канада аҳолисининг ўртача умр кўриш узунлиги 82 ёшга тенг бўлса, канадаликлар учун пенсияга чиқиш ёши 65 ёш этиб белгиланган. Мамлакат пенсия таъминоти тизимида уч турдаги пенсия таъминоти дастурлари амал қилиб, улар қаторига “Кекса ёшдагиларни химоялаш (Old Age Security – OAS)”, “Канада пенсия дастури (The Canada Pension Plan – CPP)” ва “Хусусий пенсия дастури (Individual Pension Plan – IPP)” дастурларини киритиш мумкин бўлади (5.1-расм).



5.1-расм. Канада пенсия таъминоти тизими таркиби⁶⁶

Канада пенсия таъминоти тизими тарихига назар солганимиз бўлса, илк бор пенсия таъминоти дастурларининг вужудга келиши 1951 йилдан бошланган бўлиб, мазкур даврда 70 ёшга тўлган мамлакатдаги кекса аҳолини муносиб турмуш даражаси билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий муҳтожлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида “Кекса ёшдагиларни химоялаш (OAS)” дастури жорий этилди. 1960 йилга келиб мазкур хизматдан фойдаланиш учун фуқаролар ёши 65 ёш бўлишлари лозимлиги белгилаб берилди. Мазкур пенсия таъминоти тизими авлодлар бирдамлиги тамойили асосида фаолият юритиб, 1970 йилда битта пенсионерга етита

⁶⁶ Манба: Canada, Office of the Superintendent of Financial Institutions (1997). *Canada Pension Plan, 16th Actuarial Report*. Government of Canada. http://publications.gc.ca/collections/collection_2012/bsif-osfi/IN3-21-16-1997-eng.pdf маълумотлари асосида тузилган.

ишчи тўғри келган бўлса, 1990 йилга келиб ушбу кўрсаткич битта пенсионерга иккита ишчи тўғри келадиган кўрсаткичга тушиб қолди.⁶⁷

Амалдаги қонунчиликка асосан пенсионернинг OAS дастури асосида оладиган пенсия тўлови миқдори Канада ҳудудида пенсионернинг қанча муддатда яшashi ва ҳар тўлик 20 йил учун пенсия тўлови ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Пенсионердан мазкур тизим асосида пенсияга чиқиши учун 40 йиллик меҳнат стажи талаб этилади. OAS дастури қонунчилигига кўра, мазкур дастур кекса ёшдаги аҳолини минимал пенсиялар билан таъминлайди ва фуқаро 20 йиллик меҳнат стажига ва мамлакат фуқаролигига эга бўлса, у тақдирда пенсия нафақасининг 50 фоизига тенг бўлган миқдордаги қисми тўлаб берилади. Агарда фуқаро 18 ёшга тўлгандан сўнг Канада фуқароси сифатида мамлакатда 40 йил истиқомат қилган бўлса, унга тўлик миқдордаги пенсия миқдори тайинланади. Агар фуқаро 18 ёшга тўлгандан сўнг мамлакат ҳудудида 20 йил истиқомат қилиб, кейинчалик у пенсия ёшига етганда бошқа мамлакатга кўчиб ўтадиган бўлса ҳам унга мамлакатда истиқомат қилган 20 йили учун OAS пенсия тўлови тўлаб берилади.⁶⁸



5.2-расм. OAS дастури пенсия нафақаси турлари⁶⁹

OAS пенсия дастури асосида тўланадиган пенсия тўловлари тўрт гуруҳдан ташкил топган бўлиб, улар кекса ёшдагиларни ҳимоялаш пенсияси (Old Age Security Pensions), халқаро пенсиялар (International Benefits),

⁶⁷ Canada, Office of the Superintendent of Financial Institutions (1998). Canada Pension Plan, Seventeenth Actuarial Report. Government of Canada. <http://www.osfi-bsif.gc.ca/Eng/Docs/cpp17.pdf>

⁶⁸ Canada, Office of the Superintendent of Financial Institutions (1998). Canada Pension Plan, Seventeenth Actuarial Report. Government of Canada. <http://www.osfi-bsif.gc.ca/Eng/Docs/cpp17.pdf>

⁶⁹ Манаба: Canada, Office of the Superintendent of Financial Institutions (1997). Canada Pension Plan, 16th Actuarial Report. Government of Canada. http://publications.gc.ca/collections/collection_2012/bsif-osfi/IN3-21-16-1997-eng.pdf маълумотлари асосида тузилган.

кафолатланган кўшимча даромад (Guaranteed Income Supplement) ва ижтимоий нафакалар дастури (Allowance program) нафакаларидан иборат ҳисобланади (5.2-расм).

Кекса ёшдагиларни химоялаш пенсияси барча канадаликлар учун тўланадиган пенсия нафакаси ҳисобланади. Ушбу пенсия нафакасини олиш учун пенсионер меҳнат фаолияти даврида пенсия фондларига суғурта бадалини тўлаб бориши ва юқоридаги талабларни бажариши талаб этилади.

Халқаро нафакаларни олиш учун пенсионер 65 ёшдан ошган бўлиши ва бошқа мамлакатга маълум бир муддатга кўчиб кетган бўлиши лозим. Бунда унинг пенсия тўловлари фуқаро кўчиб ўтган мамлакатнинг давлат пенсия таъминоти фонди ёки тегишли банк муассасаларига пул ўтказиш йўли билан ўтказилиб берилади. Агарда фуқаро бошқа мамлакат фуқаролигини оладиган бўлса, ушбу пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.


Кафолатланган кўшимча даромад пенсиясини олиш учун фуқаро OAS пенсияси суғурта бадалига кўшимча ўзи истаган миқдорда суғурта бадали тўлаб бориши талаб этилади. Бу ҳоли пенсия ёшига етганда пенсия тўловига устама олиш ҳуқуқини беради. Пенсионер оладиган устама унинг тўлаб борган кўшимча бадаллари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб берилади. Бугунги кунда 500 мингдан ортиқ канадаликлар мазкур пенсия дастури хизматларидан фойдаланиб келмоқдалар.

Ижтимоий нафакалар дастури асосида бериладиган пенсия тўловлари аҳолининг ижтимоий муҳтож катламлари учун мўлжалланган бўлиб, бу турдаги пенсиялар аҳолига маълум бир муддат давомида берилиб борилади. Агарда фуқаро ёлғиз (бева) бўлиб, 60-64 ёш оралиғида бўлса, у тақдирда бу турдаги пенсия тўлови унга пенсия ёшига етгунга қадар берилиб борилади.

OAS дастури асосида фаолият юритаётган пенсия фондлари даромадларининг асосий қисми иш берувчи ва ишловчи ходимларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан шаклланади. Мамлакатда амал қиладиган қонунчиликка биноан ишчилар ойлик иш ҳақи, иш берувчилар эса иш ҳақи фондига нисбатан пенсия фондига 4,5 фоиз миқдордан суғурта бадаллари тўлайдилар.

Канада пенсия дастури (The Canada Pension Plan – CPP) мамлакатда давлат пенсия таъминоти тизими ҳисобланиб, мазкур дастурга 1966 йилда асос солинган. Ушбу тизимда ёшга доир пенсиялар билан бир қаторда ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсия нафакалари ҳам Канада фуқароларига берилади. CPP дастурига тегишли қонунчиликка асосан фуқаро ёшга доир пенсия нафакасини олиш учун пенсия ёшига етиши ва камида 18 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. CPP пенсия фондларига пенсия суғуртаси бадаллари 1966 йилда иш берувчи иш ҳақи фондига ва ишловчи ходимнинг иш ҳақи нисбатан 3,6 фоизни ташкил этган бўлса, 1987 йилга келиб ушбу кўрсаткич 9,9 фоизга тенг бўлди, 2003 йилдан кейинги даврда эса суғурта бадаллари 3,6 фоиздан этиб белгилаб қўйилган бўлиб, бугунги кунда ҳам канадаликлар ушбу миқдорда суғурта бадалларини тўлаб келмоқдалар.

Жахон амалиётида кенг тарқалган ихтиёрий пенсия фондлари фаолиятини Канадада ҳам кузатиш мумкин бўлиб, бу шаклдаги пенсия тизими мамлакатда *хусусий пенсия дастури (Individual Pension Plan – IPP)* деб номланади. Бу турдаги пенсия фондлари молиялаштириш механизмига кўра икки хил шаклда мавжуд бўлиб, улар касбий-корпоратив пенсия фондлари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия фондлари ҳисобланади (5.3-расм).



5.3-расм. Хусусий пенсия дастури компонентлари⁷⁰

Касбий-корпоратив пенсия фондлари хусусий компаниялар томонидан ташкил этилади, баъзи ҳолатларда маҳаллий ҳокимият ва давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан ҳам бу турдаги пенсия фондлари ташкил этилади. Ушбу пенсия фондлари активларидан унинг ташкилотчиси қимматли қоғозлар бозори ва инвестицион дастурларда иштирок этиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Ушбу чора-тадбирларни амалиётда қўллаш касбий-корпоратив пенсия фондларини ташкил этишни рағбатлантириш ва пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Шунингдек, касбий пенсия фондлари даромадлари касаба уюшмалари томонидан ҳам молиялаштирилиши мумкин бўлади. Сугурта бадаллари миқдори меҳнат шартномасида белгиланган миқдорда тўлаб борилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия фондлари фуқароларнинг кексаликдаги турмуш фаровонлигини ўз ихтиёрига кўра қафолатлаши учун хизмат қилади. Мамлакатда ўриштирилган қонунчиликка биноан мазкур пенсия фондларига сугурта бадалли сифатида тўланган аҳоли даромадларидан ажратмалар солиққа тортилмайди. Ушбу пенсия фондларида шакллантирилган жамғармалардан фуқаро пенсия ёшига етмаган бўлса ҳам

⁷⁰ Манба: Canada, Office of the Superintendent of Financial Institutions (1997). Canada Pension Plan, 16th Actuarial Report. Government of Canada. http://publications.gc.ca/collections/collection_2012/fsif-osfi/1N3-21-16-1997-eng.pdf мазлумотлари асосида тузилган.

уй-жой харид қилиш ва ўқув курсларида малакасини ошириш зарурати бўлган ҳолатларда фойдаланиши мумкин. Бу эса ўз навбатида фуқаролар учун бу турдаги пенсия хизматларидан фойдаланишдаги рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳисобланади. Фуқаро мазкур пенсия фондларига ўзи истаган миқдорда суғурта бадалини тўлаши мумкин.

Канада пенсия таъминоти тизимида амал қилаётган дастурларга кўра фуқаро энг камида 18 йил меҳнат стажига эга бўлган ҳолда ёки 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлиб хориж мамлакатига кўчиб ўтадиган бўлса унга пенсия олиш ҳуқуқи берилади. Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Канада пенсия таъминоти тизими авлодлар бирдамлиги ва жамғариладиган тамойиллар асосида фаолият юритади. Шу билан бир қаторда хусусий пенсия фондларини ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида пенсия фонди ташкилотчилигидаги фондларда шаклланган активлардан уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиш имконияти берилган. Канада пенсия таъминоти тизимида пенсия нафақалари истеъмол нархлари бўйича индексация қилинади.

5.2. Канада давлат пенсия таъминоти тизимининг молиявий снѳсати

Канада пенсия фондлари активлари канадалиқлар учун даромад манбаи ҳисобланса, жаҳон иқтисодиѳтида мазкур фондлар активлари инвестицион капитал сифатида эътироф этилади. Канада пенсия таъминоти тизими Канада молия тизими жами капиталининг қарийб 15 фоиз, ёки 1,5 трлн улушига эгалик қилади. Канада пенсия таъминоти тизимида фаолият олиб бораётган пенсия фондлари, жумладан, йирик пенсия фондлари ҳисобланган катта саккизлик пенсия фондлари мамлакат ички иқтисодиѳтида пенсия фондлари инвестицион капиталининг 3/2 қисмига эгалик қилиб, улар 1 трлн долл.дан зиѳд инвестицион маблагга эга бўлган фондлар ҳисобланади. Мазкур фондларнинг мамлакат иқтисодиѳтига узок муддатли инвестицияларни киритиш стратегиясини амалга оширилишидаги ўрни муҳим ҳисобланиб, улар инвестицион бозорда етакчи рол ўйнайдилар. Катта саккизлик фондларига қуйидагилар киради: the Canada Pension Plan Investment Board (CPPIB), Caisse de dѳpôt et placement du Quѳbec (CDPQ), the Ontario Teachers' Pension Plan (OTPP), the British Columbia Investment Management Corporation (bcIMC), the Public Sector Pension Investment Board (PSPIB), the Alberta Investment Management Corporation (AIMCo), Ontario Municipal Employees Retirement System (OMERS) ва the Healthcare of Ontario Pension Plan (HOOPP). Катта саккизлик қаторига кирган ушбу фондларнинг инвестицион активлари ҳажми 64 млрд доллардан 265 млрд долларгача бўлган миқдорда шаклланган. Ушбу фондларнинг барчаси дунѳдаги катта пенсия фондлари 100 талиги ва уларнинг учтаси катта 20 талик қаторига киради.⁷¹

⁷¹ Consulting Group, "The Top 10: Investing for Canada on the World Stage," February 2016.

2008 йилда юз берган жахон молиявий-иктисодий инкирозидан сўнг катта саккизлик каторига кирган пенсия фондлари активлари ҳажмида 2009 йилга келиб бироз пасайиш ҳолати кузатилди. Мазкур ҳолат ривожланган мамлакатларда вужудга келган ишсизлик, иктисодий берқарорлик ва ўз ўрнида пенсия фондларига сугурта бадаллари окимининг қисқариши билан бир каторда уларнинг харажатларини ортиб кетиши билан ифодаланadi. Ушбу вазиятни олдини олиш мақсадида пенсия фондлари ўзлари эгаллик қилаётган активлар устидан йиллик назоратни ўрнатдилар. Бунга кўра, улар пенсия фондлари даромадлари ва харажатлари, жумладан инвестицион капиталнинг мақсадли йўналтирилишини кучли назорат остига олдилар. Натижада, 2015 йил охирига келиб уларнинг инвестицион активлари ҳажми 1,5 трлн Канада доллари га тенг бўлди (5.4-расм).



5.4-расм. Канада катта саккизлик пенсия фондларининг инвестицион капитални ҳажми⁷²

Канада пенсия фондларининг инвестицион фаолиятига назар соладиган бўлсак, улар жами активларининг ўрта ҳисобда 75 фоиздан ортик қисмини инвестицион дастурларга йўналтириши кўзга ташланади. 2015 йилнинг ўзида катта саккизлик каторига кирган пенсия фондлари қарийб 77 фоиз активини инвестицион фаолиятга йўналтирганлигини кўришимиз мумкин (5.1-жалвал). Бу эса ўз навбатида мамлакатда инвестицион жозибadorликнинг ортиши,

⁷²Funds' latest annual reports and Bank of Canada calculations/ Last observations: 31 March and 31 December 2015

пенсия фондларининг кўшимча даромадларини шаклланиши ва ўз навбатида пенсия фондларининг молиявий барқарорлиги кафолати бўлиб ҳисобланади.

5.1-жадвал

Канада катта саккизлик пенсия фондларининг активларини бошқариш, (млн Канада доллари ҳисобида, 2015 й.)⁷³

Пенсия фондлари	Жами инвестицион активлар	Инвестицион фаолиятга йўналтирилган активлар
CPPIB	319	265
CDPO	291	248
OTPP	263	168
HOOPP	147	64
OMERS	129	80
bcIMC	127	124
PSPiB	125	112
AIMCo	100	90
Жами	1,501	1,151

Пенсия фондларининг амалга ошираётган молиявий сийёсатига назар соладиган бўлсак, уларнинг эгаллик қилаётган инвестицион активлари ҳажми ва улардан фойдаланиш жараёнидаги мамлакатдаги бошқа молиявий институтлар билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти намоён бўлади. Инвестицион дастурларни молиялаштиришда Канададаги катта саккизлик пенсия фондлари мамлакатдаги йирик банклар билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бу эса ўз навбатида мамлакат молиявий тизимининг барқарорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Катта саккизлик қаторига кирган пенсия фондлари мамлакат миқёсида фуқароларга нисбатан турли пенсия дастурлари хизматларини таклиф этадилар. Шу билан бир қаторда улар иш берувчи ва ишловчи ходимларга нисбатан турли имтиёзларни жорий этиш орқали аҳоли ўртасида пенсия сугуртаси бадалларини тўлашни рағбатлантирган ҳолда катта салмоқдаги молиявий активларга эгаллик қилиб келмоқдалар.

Катта саккизлик пенсия фондлари фаолиятига назар соладиган бўлсак, улар аҳолига пенсия фондлари хизматларини кўрсатиш билан бир қаторда, юридик шахсларга ҳам молиявий хизматлар кўрсатган ҳолда, турли фондлар фаолиятини ташкил этиш орқали уларнинг ҳам маълум бир даражадаги молиявий активларини бошқариб келмоқдалар.


Канада пенсия таъминоти тизимида фаолият олиб бораётган пенсия фондларига хос хусусиятлар куйидагилардан иборат:

- Пенсия фондларининг иктисодий салоҳиятини оширишга қаратилган ички бошқарувнинг мавжудлиги;
- Инвестицион стратегияларнинг асосланганлиги, аниқчилиги ва пенсия фондларининг активларининг юқори даражадаги ликвидлилиги;

⁷³ Ушб маъба.

•Инвестицион шароит, географик хуудлар ва активларнинг турлари буйича диверсификациялашув;

•Пенсия фондларининг ички ва ташки бозордаги юкори ракобатбардошлиги.



5.5-расм. Катта саккизлик пенсия фондлари активлари таркиби жами инвестицион активларга нисбатан фойзда⁷⁴

2007-2015 йилларда катта саккизлик пенсия фондларининг мукобил активлари ҳисобланмиш кўчмас мулк, инфраструктура объектлари ва тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 21 фойздан 29 фойзга ортиб, давлат акцияларига йўналтирилган активлар ҳажми 30 фойздан 25 фойзга қисқарди. Ушбу даврда катта саккизлик пенсия фондлари дунё буйича йирик инвестицион ташкилотлар қаторига кирди. Бу эса ўз навбатида Канада пенсия фондларининг молиявий барқарорлиги, уларнинг хизматлари ишончлидиги даражасининг ортишига олиб келади (5.5-расм).

Канада пенсия фондларининг катта ҳажмдаги инвестицион активларини кўчмас мулк, инфраструктура объектлари ва давлат микёсидаги инвестицион дастурларга йўналтиришига сабаб, 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ҳисобланади. Улар бу турдаги фаолияти орқали ўз даромадлари ликвидлиги даражасини ортишига эришдилар. Сўнгги 10 йил мобайнида Канада пенсия фондларининг ўртача ривожланиш кўрсаткичи 6 фойздан кам суръатларда бўлмади. Сўнгги уч йилда мазкур кўрсаткич 8 фойзни қайд этди.

⁷⁴ Уша манба



5.6-расм. Канада пенсия фондлари ва банкларининг қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш ва инвестицион дастурларни қайта молиялаштириш фаолиятига йўналтирилган харажатлари динамикаси⁷⁵

Канада пенсия фондлари йирик банклар билан ҳамкорликда қимматли қоғозлар бозоридаги активларни сотиб олиш, уларни қайта сотиб олиш фаолиятини амалга ошириб келмоқдалар. Бу эса ўз навбатида пенсия фондларининг ўрнатилган даромад даражаси ликвидлигини ошириш дастаги бўлиб хизмат қилмоқда. 2015 йилда Канада пенсия фондлари жами активларининг 15-30 фоизи миқоридagi қисмини қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки уларни қайта сотиб олиш, инвестицион дастурларни қайта молиялаштириш фаолиятига йўналтирдилар (5.6-расм).

Канада пенсия фондларининг молиявий активларни бошқариш ва уларни инвестицион дастурларга йўналтириш стратегияси тўғри ва мақсадли тарзда амалга оширилиб келинаётганлиги сабабли, юқори ривожланиш кўрсаткичига эришиб келинмоқда. Жаҳон амалиётига назар соладиган бўлсак, сўнгги ўн йил мобайнида ушбу кўрсаткич бошқа ривожланган мамлакатларда 4 фоиздан ортмаганини кўришимиз мумкин бўлади. Бугунги кунда Канада пенсия фондлари узок муддатли инвестицион дастурларни

⁷⁵ Уша манба.

молиялаштириш, инфратузилма объектларига йирик инвестициялар киритиш билан шуғулланиб келмоқдалар.

5.3. Канада пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари

Канада пенсия дастури (the Canada Pension Plan – CPP) Канада миллий пенсия тизимини ўзида мужассамлаштирган дастур ҳисобланади. Ушбу дастур канадаликларнинг кексаликдаги ва уларнинг ижтимоий ҳаётидаги айрим муаммоли вазиятларда тегишли даромадга эга бўлишини кафолатлайди. Шу билан бир каторда Канада пенсия дастури жамғариладиган компонентларга ҳам эга бўлиб, бу турдаги пенсия дастурлари фақатгина мамлакат фуқаролари учун мўлжалланган. Бу турдаги жамғармаларга йўналтирилган пенсия ва бошқа турдаги сугурга маблағлари мамлакатда амал қилаётган қонунчиликка кўра, солиқдан озод этилган.


1996 йилда Канада миллий пенсия тизимида пенсия фондларининг молиявий ҳолатларини яхшилаш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган ислохот дастурлари амалга оширилди. Натижада 1997 йилга келиб Канада пенсия дастури инвестицион кенгаши (the Canada Pension Plan Investment Board – CPPIB) ташкил этилди. CPPIB нинг ташкил этилиши Канада пенсия фондлари активларидан инвестицион дастурларни молиялаштириш орқали уларнинг даромадлари базасини янада мустаҳкамлаш имконияти яратилди. Канада пенсия фонди томонидан 2015 йилнинг март ойида берилган баёнотта кўра, сўнгги йилларда Канада пенсия фондининг инвестицион фаолиятдан олган соф даромади йиллига қарийб 130 млрд долларни ташкил этади⁷⁶.

2006 йилда CPPIB тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида пенсия фондлари инвестицион фаолиятдан олган даромадларини тегишли қисмини пенсионерларга тақсимлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Бунда, пенсия фонди ва сугурталанувчи фуқаро ўртасида пенсия фондига тўлаб борилаётган сугурга бадалларидан инвестицион фаолиятда фойдаланиш учун ўзаро шартномалар тузилиб ва мазкур шартномада қайд этилган миқдордаги фоиз асосида пенсионерларнинг пенсия тўловларига устамалар қўшиб бериш бошланди. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг пенсия сугуртаси бадалларини тўлашга бўлган қизиқишларини орттиришига сабаб бўлди. Натижада пенсия фондларининг инвестицион имкониятлари йилдан йилга ривожланиб, уларнинг молиявий ҳолатлари яхшиланиб борди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан кейинги даврларда CPPIB дастурлари доирасида амалга оширилган ислохотлар натижасида Канада пенсия фондининг реал даромадлилиқ даражаси 6,2 фоиздан кам бўлмади. Шу билан бир каторда пенсия фондининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбат ижобий бўлиб, пенсия фонди реал


⁷⁶Canada (1997). Information on the history, mandate, and performance of the CPPIB is available at <http://www.cppib.com/en/home.html>

даромадлари унинг харажатлари кисмидан 4 фоиз юкори хисобланади (5.7-расм).



5.7-расм. СРРІВ даромадлилик нормасининг ривожланиш динамикаси⁷⁷

Шу билан бир каторда Канада пенсия тизимида демографик муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, сўнгги йилларда мамлакатда кекса аҳоли сони ортиб бормокда. 2015 йилда мамлакатнинг умумий аҳолиси сони 35,9 млн кишини ташкил этган бўлса, кекса аҳоли сони умумий аҳоли сонига нисбатан 23,7 фоизга тенг бўлди. Экспертлар тўмонидан берилаётган прогнозларга кўра, мазкур кўрсаткич 2050 йилга бориб 42,0 фоизга тенг бўлиши мумкин (5.8-расм).




5.8-расм. Канада пенсия тизимига таъсир этувчи демографик ўзгаришлар динамикаси⁷⁸

⁷⁷СРРІВ, 2008, 2015. For a timeline of important reforms and changes made to the CPPIB, see <<http://www.cppib.com/en/who-we-are/our-history.html>>.

⁷⁸ Ўша манба.

Мазкур вазиятни инобатга олган ҳолда кейинги йилларда мамлакатда пенсия ёшини оширишга қаратилган ислохот чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Натижада 2023-2029 йиллар мобайнида Канадада пенсия ёшини 65 ёшдан 67 ёшга ошириш мўлжалланмоқда. Пенсия ёшини ошириш заруриятинининг муҳим сабабларидан бири бу мамлакатда 65 ёшдан сўнг қутилаётган аҳолининг умр давомийлиги кўрсаткичининг барқарор суръатларда ошиб бориши ҳисобланади. 2000-2015 йилларда аёллар ва эркекларнинг 65 ёшдан сўнг қутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи мос равишда 20,6/17,2 йилдан 22,1/19,1 йилга ортди. Экспертлар томонидан берилаётган прогнозларга қараганда, 2050 йилга бориб ушбу кўрсаткич аёлларда 24,9 йилга, эркекларда эса 21,4 йилга тенг бўлиши кутилмоқда. Шу билан бир қаторда мамлакатда амал қилаётган пенсия тизимида жамғариладиган компонентнинг улушини оширишга қаратилган чора-тадбирларга янада устуворлик қаратилиши кутилмоқда. Бошқача қилиб айтганда давлат пенсия фонди орқали фуқаролар фақатгина минимал пенсиялар билан таъминланиб, қўшимча тарзда уларнинг суғурта бадалларининг бир қисми жамғариладиган пенсия суғуртаси шахсий рақамларига ўтказиб борилиши кучайтирилади. Натижада базис пенсияларнинг фуқаролар учун даромадлилик нормаси бир мунча пасаяди. Экспертлар томонидан амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, базис пенсияларнинг номинал даромадлилик даражаси 2015-2055 йилларда 6,0 фоиздан 4,3 фоизгача камайиши мумкин бўлади (5.9-расм).



5.9-расм. Базис пенсияларнинг канадалик пенсионерлар учун даромадлилик нормаларининг ўзгариши прогнозлари⁷⁹

Мутахассислар томонидан амалга оширилган ҳисоб китобларга кўра, базис пенсияларнинг даромадлилик нормасининг камайиб бориши ўз

⁷⁹ Манба: Modeling and calculations by the authors. Sources used to build the model were: Canada, 1997, 1998, 2013, 2014, 2016; Canada Revenue Agency, 2015a, 2015b; DR Pensions Consulting, 2016; Runchey, 2016; Godbout et al., 2014; Yih, 2016.

навбатида мамлакат меҳнат бозоридаги расмий бандлик даражасини орттиришга олиб келиши билан бир каторда пенсия сугуртаси бадалларини тўлаб бориш учун маълум бир мотивни вужудга келтиради.

Юқоридаги маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Канада пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга оширилиши СРР дастурининг янада мукаммаллашиб боришига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Назорат саволлари

1. Канада пенсия тизимини ривожланиш хусусиятларини ёритиб беринг?
2. Канада пенсия тизимининг таркибий элементларини тавсифланг?
3. OAS дастурининг мазмунини ёритинг?
4. Канада пенсия тизимидаги катта саккизлик пенсия фондларининг молиявий ҳолатларини баҳоланг?
5. Канада пенсия тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиринг?
6. Канада пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг ҳолатини баҳоланг ва устувор йўналишларини аниқланг?
7. Канада пенсия тизимининг АҚШ пенсия тизими билан ўхшаш ва фарқи жиҳатлари, устушлик ва камчиликларини ажратинг ва уларни асосланг?

Асосий тушунчалар

Кекса ёшдагиларни ҳимоялаш (Old Age Security – OAS) – амалдаги қонунчиликка асосан пенсионернинг OAS дастури асосида оладиган пенсия миқдори Канада ҳудудида пенсионернинг қанча муддатда яшаши ва ҳар тўлиқ 20 йил учун пенсия ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Пенсионердан мазкур тизим асосида пенсияга чиқиши учун 40 йиллик меҳнат стажи талаб этилади. OAS дастури қонунчилигига кўра, мазкур дастур кекса ёшдаги аҳолини минимал пенсиялар билан таъминлайди ва фуқаро 20 йиллик меҳнат стажига ва мамлакат фуқаролигига эга бўлса, у тақдирда пенсия нафақасининг 50 фоизига тенг бўлган миқдордаги қисми тўлаб берилади. Агарда фуқаро 18 ёшга тўлгандан сўнг Канада фуқароси сифатида мамлакатда 40 йил истикомат қилган бўлса, унга тўлиқ миқдордаги пенсия нафақаси тайинланади. Агар фуқаро 18 ёшга тўлгандан сўнг мамлакат ҳудудида 20 йил истикомат қилиб, кейинчалик у пенсия ёшига етганда бошқа мамлакатга кўчиб ўтадиган бўлса ҳам унга мамлакатда истикомат қилган 20 йили учун OAS пенсия нафақаси тўлаб берилади.

Кекса ёшдагиларни ҳимоялаш пенсияси – барча канадаликлар учун тўланадиган пенсия нафақаси ҳисобланади. Мазкур пенсия нафақасини олиш

учун пенсионер меҳнат фаолияти даврида пенсия фондларига суғурта бадалини тўлаб бориши ва юқоридаги талабларни бажариши талаб этилади.

Халқаро пенсиялар – бу турдаги пенсияни олиш учун пенсионер 65 ёшдан ошган бўлиши ва бошқа мамлакатга маълум бир муддатга кўчиб кетган бўлиши лозим. Бунда унинг пенсия миқдори фуқаро кўчиб ўтган мамлакатнинг давлат пенсия таъминоти фонди ёки тегишли банк муассасаларига пул ўтказиш йўли билан ўтказилиб берилади. Агарда фуқаро бошқа мамлакат фуқаролигини оладиган бўлса, мазкур пенсияни олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Нафақатланган қўшимча даромад – нафақасини олиш учун фуқаро OAS пенсияси суғурта бадалига қўшимча ўзи истаган миқдорда суғурта бадали тўлаб бориши талаб этилади. Бу аҳолига пенсия ёшига етганда пенсия нафақасига устама олиш ҳуқуқини беради. Пенсионер оладиган устама унинг тўлаб борган қўшимча бадаллари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб берилади. Бугунги кунда 500 мингдан ортиқ канадаликлар мазкур пенсия дастури хизматларидан фойдаланиб келмоқдалар.

Ижтимоий нафақалар дастури – ушбу дастур асосида бериладиган пенсия нафақалари аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари учун мўлжалланган бўлиб, бу турдаги нафақалар аҳолига маълум бир муддат давомида берилиб борилади. Агарда фуқаро ёлғиз (бева) бўлиб, 60-64 ёш ораллиғида бўлса, у тақдирда бу турдаги пенсия нафақаси унга пенсия ёшига етгунга қадар берилиб борилади.

Канада пенсия дастури (The Canada Pension Plan – CPP) – мамлакатда давлат пенсия таъминоти тизими ҳисобланиб, мазкур дастурга 1966 йилда асос солинган. Ушбу тизимда ёшга доир пенсиялар билан бир қаторда ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсия нафақалари Канада фуқароларига берилади. CPP дастурига тегишли қонунчиликка асосан фуқаро ёшга доир пенсия нафақасини олиш учун пенсия ёшига етиши ва камида 18 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. CPP пенсия фондларига пенсия суғуртаси бадаллари 1966 йилда иш берувчи иш ҳақи фондига ва ишчи ходимнинг иш ҳақиға нисбатан 3,6 фоизни ташкил этган бўлса, 1987 йилга келиб мазкур кўрсаткич 9,9 фоизга тенг бўлди, 2003 йилдан кейинги даврда эса суғурта бадаллари 3,6 фоиз этиб белгилаб қўйилган бўлиб, бугунги кунда ҳам канадаликлар ушбу миқдорди суғурта бадалларини тўлаб келмоқдалар.

Хусусий пенсия дастури (Individual Pension Plan – IPP) – ихтиёрий пенсия фондлари фаолиятини ўзида ақс эттириб, бу турдаги пенсия фондларининг молиялаштириш механизмига кўра икки шакли мавжуд бўлиб, улар касбий-корпоратив пенсия фондлари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия фондлари ҳисобланади.

Касбий-корпоратив пенсия фондлари – хусусий компаниялар томонидан ташкил этилади, баъзи ҳолатларда маҳаллий ҳокимият ва давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан ҳам бу турдаги пенсия фондлари ташкил этилади. Мазкур пенсия фондлари активларидан унинг ташкилотчиси

қимматли қоғозлар бозори ва инвестицион дастурларда иштирок этиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бундай чора-тадбирларни амалга ошириш касбий-корпоратив пенсия фондларини ташкил этишни рағбатлантириш ва пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Шу билан бир қаторда касбий пенсия фондлари даромадлари қасаба уюшмалари томонидан ҳам молиялаштирилиши мумкин бўлади. Суғурта бадаллари микдори меҳнат шартномасида белгиланган микдорда тўлаб борилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия фондлари – фуқароларнинг кексаликдаги турмуш фаровонлигини ўз ихтиёрига кўра қафолатлаши учун хизмат қилади. Мамлакатда ўрнатилган қонунчиликка биноан мазкур пенсия фондларига суғурта бадали сифатида тўланган аҳоли даромадларидан ажратмалар солиққа тортилмайди. Ушбу пенсия фондларида шакллантирилган жамғармалардан фуқаро пенсия ёшига етмаган бўлса ҳам уй-жой харид қилиш ва ўқув курсларида малакасини ошириш зарурати бўлган ҳолатларда фойдаланиши мумкин. Бу эса ўз навбатида фуқаролар учун бу турдаги пенсия хизматларидан фойдаланишдаги рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳисобланади. Фуқаро мазкур пенсия фондларига ўзи истаган микдорда суғурта бадалини тўлаши мумкин.

Тестлар

1. Канада пенсия тизими таркибий жиҳатдан **неча турдаги пенсия** дастурларига бўлинади?
 - а) 3 та
 - б) 2 та
 - в) 4 та
 - г) 6 та
2. Канадада “Кекса ёшдагиларни ҳимоялаш (OAS)” пенсия дастури **нечинчи йилдан бошлаб амалиётга татбиқ этилган?**
 - а) 1951 й.
 - б) 1945 й.
 - в) 1960 й.
 - г) 1970 й.
3. “Кекса ёшдагиларни ҳимоялаш (OAS)” пенсия дастурига мувофиқ фуқаро **тўлиқ пенсия олиши учун неча йиллик меҳнат суғуртаси стаж** талаб этилади?
 - а) 40 йил
 - б) 20 йил
 - в) 25 йил
 - г) 30 йил
4. “Кекса ёшдагиларни ҳимоялаш (OAS)” пенсия дастурининг **пенсия ва нафақалари неча турга бўлинади?**

- а) 4 Турга
- б) 3 Турга
- в) 5 Турга
- г) 6 Турга

5. Канада пенсия дастури (СРР) га қачон асос солинган?

- а) 1966 йил
- б) 1951 йил
- в) 1960 йил
- г) 1970 йил

6. Канадада хусусий пенсия дастурининг таркибий компонентлари неча турга бўлинади?

- а) 2 Турга
- б) 3 Турга
- в) 4 Турга
- г) 5 Турга

7. Канада пенсия фондлари таркибидан инвестицион активлари жиҳатидан йирик пенсия фондини аниқлаиғ?

- а) СРРІВ
- б) ОТРР
- в) СДРQ
- г) АІМСо

8. Канада пенсия дастурининг инвестицион кенгашига (СРРІВ) нечанчи йил асос солинди?

- а) 1997 й.
- б) 1966 й.
- в) 1996 й.
- г) 2000 й.

9. Канадада амал қилаётган қонунчиликка мувофиқ пенсия ёши неча ёш этиб белгиланган?

- а) Эркалар ва аёллар учун 65 ёш
- б) Эркалар ва аёллар учун 60 ёш
- в) Эркалар учун 65 аёллар учун 63 ёш.
- г) Эркалар учун 67 аёллар учун 65 ёш.

10. Канадада пенсия ёшини оширишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари қайси даврга мўлжалланмоқда?

- а) 2023-2029 йй.
- б) 2020-2026 йй.
- в) 2025-2029 йй.
- г) 2025-2030 йй.

VI БОБ. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИ ТАРКИБИ ВА ИСЛОХ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

6.1. Европа Иттифоқи мамлакатлари пенсия тизимининг хусусиятлари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ривожланган мамлакатлар, жумладан Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари пенсия таъминоти тизимига салбий таъсир кўрсатди. Жаҳон амалиёти кўрсатишича, ҳеч бир мамлакат пенсия тизими мазкур вазиятда ўз молиявий барқарорлигини таъминлай олмади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир мамлакат олдида пенсия тизимини ислох этиш заруриятини вужудга келтирди. Турли пенсия таъминоти дастурлари тизимига жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози турли даражада таъсир кўрсатди.

ЕИ мамлакатларида давлат пенсия фондлари авлодлар бирдамлиги тамойили асосида фаолият юритиб, аҳолини минимал пенсиялар билан таъминлайди. Қайта тақсимот ёки авлодлар бирдамлиги (PAYG) тамойили асосида амал қилаётган пенсия дастурлари тизимида инкироз демографик ўзгаришлар, яъни аҳолининг қариши глобал муаммосининг вужудга келганлиги ва инкироз туфайли мамлакатларда ишсизлик даражасининг ортиб кетиши, пенсия фондларига суғурта бадаллари оқимининг қисқариши билан бир қаторда пенсия тўловларини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни вужудга келтирди. ЕИ мамлакатларида мазкур тизимда амалга оширилган ислохотларни кўрадиган бўлсак, 1940 йилда миқтакада аҳолининг умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи ўртача ҳисобда 65 ёшни ташкил этган бўлса, бутунги кунга келиб ушбу кўрсаткич мамлакатларда 6-10 йилга узайганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу вазият инкироз даврида пенсия фондлари харажатларининг ортиб кетиши билан бир қаторда давлат бюджетига қўшимча, яъни пенсия фондлари дефицитини қоплашга қаратилган харажатларни молиялаштириш мажбуриятини вужудга келтирди.⁴⁰

ЕИ мамлакатларида инкирозгача бўлган даврда аксарият аҳоли пенсия ёшига етмай туриб пенсияга чиқар эди. Инкироз даврида мамлакатларда амалга оширилган ислохотлар натижасида имтиёзли тарзда муддатдан илгари пенсияга чиқишни чеклаш ва пенсия ёшига етиб пенсияга чиққан фуқароларга давлат томонидан турли имтиёزلарни кенгайтиришга қаратилди. Бу эса ўз ўрнида ЕИ мамлакатларида аҳоли бандлиги даврини давомийлигини узайтириш билан бир қаторда пенсия фондларига суғурта бадаллари оқимини кўпайишига олиб келди.

ЕИ мамлакатлари пенсия тизимида хусусий секторда жамғариладиган тамойил асосида фаолият юритувчи пенсия фондлари бўлиб, уларнинг

⁴⁰ Pensions Panorama: Retirement-Income Systems in 53 Countries. By The International Bank for Reconstruction and Development /The World Bank. P. 226 <http://www.worldbank.org>

каторига мамлакатлардаги корпоратив пенсия фондларини ҳам киритиш мумкин бўлади. Иттифок мамлакатларининг аксариятида корпоратив пенсия дастурлари жамғариладиган тамойил асосида фаолият юритади. Инкироз даврида бу турдаги пенсия фондларининг активлари киймати кескин тушиб кетди. Бу эса пенсия фондларининг молиявий бекарорлигини вужудга келишига сабаб бўлди. Натижада пенсия фондларининг пенсия тўловларини молиялаштиришида танкисликлар вужудга кела бошлади. 2009 йилдан бошлаб мазкур турдаги пенсия фондларида пенсияга чиқувчиларни пенсия тўловлари миқдорини тушиб кетиши ҳолати кузатилди. Мазкур вазиятдан чиқиб кетиш учун ЕИ мамлакатларида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди.⁸¹

➤ Даромадларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жумладан даромадлар ва риск ҳолатлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни қатъий назорат остига олиш;

➤ Бошқарув харажатларини қисқартириш. Ҳозирда ЕИ мамлакатларида жамғариладиган тамойил асосида фаолият юритаётган пенсия фондлари бошқарув харажатларини қисқартириш орқали ўзларининг инвестицион имкониятларини кучайтирмоқдалар;

➤ Қатъий ўрнатилган сугурта бадаллари тизимига ўтиш. Ҳозирда ЕИнинг аксарият жамғариладиган тамойил асосида фаолият юритувчи корпоратив пенсия фондлари қатъий сугурта бадаллари миқдорини ўрнатганлар ва сугурталанувчига ўрнатилган сугурта бадалидан ошқ миқдордаги тўланган маблағ ҳисобига турли имтиёзлар жорий этганлар (Австрия, Белгия, Дания, Италия, Германия, Испания, Португалия ва бошқалар);

➤ Пенсияга чиқиш ёшини эгилувчанлигини таъминлаш. Бунда иложи борича пенсияга чиқиш ёшини ошириш ва пенсионерларнинг пенсия тўловлари даражасини оптималлаштириш назарда тутилади.

ЕИ мамлакатлари икки даражали пенсия тизимини амалиётган татбиқ этишга қаратилган ислохотларни амалга ошириб келмоқдалар. Мамлакатларда икки даражали, яъни жамғариладиган ва қайта тақсимот тамойилларига асосланган аралаш турдаги пенсия дастурларида тақсимот элементлари нисбатан кўпроқ кўзга ташланади. Нидерландия (66%) ва Буюк Британия (56%) мамлакатларидагина мажбурий ҳисобланган давлат пенсия таъминоти дастурларида жамғариладиган тамойил элементлари 50 фоиздан ортиқ ҳисобланади.⁸²

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ЕИ мамлакатлари пенсия таъминоти тизимида давлат, корпоратив ва хусусий пенсия фондлари фаолият юритади (6.1-расм). Давлат пенсия фондлари аҳолини минимал пенсиялар билан таъминлаш вазифасини ўз зиммасига

⁸¹ Pensions Panorama: Retirement-Income Systems in 53 Countries. By The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. P. 226 <http://www.worldbank.org>

⁸² Ҷама маъба.

олади. Бунда пенсия фонди ўрнатилган тўловларни тўласа, иш берувчи ва ёлланма ишчилар ўрнатилган суғурта бадалларини тўлаб борадилар.



6.1-расм. ЕИ мамлакатлари пенсия таъминоти тизими таркиби⁸³

ЕИ мамлакатларида амал қилаётган корхона ва ташкилотлар (иш берувчилар) томонидан ташкил этилган пенсия фонллари ишчи ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномасида белгиланган тартибдаги ўрнатилган тўловлар ва ўрнатилган суғурта бадаллари асосида амалга оширилади. Бунда суғурта бадаллари иш берувчи ва ишловчи ходим, ишловчи ходим ёки иш берувчи томонидан тўлаб борилиши мумкин. Бу турдаги пенсия фондларини ташкил қилган иш берувчилар учун ҳукумат томонидан турли имтиёзлар жорий этилган.

Хусусий пенсия фонллари ЕИ мамлакатларида аҳолининг кексалик давридаги турмуш фаровонлигини кўшимча суғуртаси сифатида амал қилади ва бунда фақатгина фуқароларнинг ўзлари ихтиёрий тарзда пенсия суғуртаси

⁸³ Allianz International Pensions Country Factsheets 2015. P. 74 <http://www.allianz.com> маълумотлари асосида тузилган.

бадалларини тўлаб борадилар. Бу турдаги пенсия фондлари жамғариб бориладиган тамоийил асосида фаолият юритадилар.


6.2. Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар трендлари

Ҳар бир мамлакатда пенсия тизими ҳолатини баҳолашда аввало мазкур мамлакатдаги демографик вазиятга эътибор қаратиш талаб этилади. Бугунги кунда Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида истикомат қилаётган хар тўртинчи фуқаро пенсия таъминоти тизими фаолияти эвазига даромадга эга ҳисобланади. Ҳаттоки мазкур минтақада жойлашган мамлакатлардаги пенсия ёшига етмаган фуқаролар ҳам турли ҳилдаги пенсиялар ҳисобига ўз даромадларини шакллантирадилар. Шу билан бир қаторда ЕИ мамлакатларида истикомат қилаётган фуқаролар қарилқда ва ўзларининг ижтимоий ҳолатларининг кескинлашувини олдини олиш мақсадида ижтимоий сугурта фондларига солиқ кўринишида тўланадиган мажбурий бадаллар ҳамда мазкур фондларда турли шаклдаги омонатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратадилар. Ушбу минтақада жойлашган мамлакатлар ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга ажратиладиган маблағлар ҳажми йилдан йилга аҳолининг умр давомийлиги кўрсаткичининг ортиб бориши ва мамлакатларда туғилиш коэффициентининг кескин пасайиб бораётганлиги сабабли ортиб бормоқда. Бу ҳолат ўз ўрнида ЕИ мамлакатларидан пенсия тизимларига нисбатан босим юқининг ортиб бораётганидан далолат беради.

2011 йилдан бошлаб ЕИ мамлакатларида хар йили пенсия тизими фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган давлатлар учун мўлжалланган турли таклифлар ишлаб чиқилиб келинмоқда. 2015 йилда нашр этилган аҳолининг қариши ҳақидаги ҳисобот эса ўз ўрнида мамлакатлар учун ишлаб чиқилган таклифлар амалда ўз самарасини берганлиги ва пенсия тизимларининг самарали фаолият олиб бориши учун замин яратганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Ишлаб чиқилган ва ЕИ мамлакатларида амалга оширилган чора тадбирлар туфайли аҳолининг кексайиб боришига қарамай, 2060 йилга бориб мамлакатлар пенсия таъминоти тизими харажатларининг ЯИМдаги улуши бугунги кундаги кўрсаткич даражасида сақлаб қолиниши мумкинлиги башорат қилинмоқда. 2015 йилда нашр этилган пенсия таъминоти тизими тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган маълумотар бунга асос бўлади. Ушбу ҳисоботга кўра ЕИ мамлакатларида белгиланган пенсия миқдорлари аҳолининг муносиб даражада турмуш фаровонлиги билан таъминлаш учун хизмат қила олаётганини кўриш мумкин бўлади. Келажақда ЕИ мамлакатларида кекса аҳоли сонининг ортиб бориши бевоқита ушбу мамлакатларда аҳолининг қамбағаллигини олдини олиш ва бунга эришиш учун уларни етарли даражада даромад олиш, жумладан, хусусан пенсия билан таъминлашга қаратилган ислохотлар олиб боришмоқда.

ЕИ мамлакатларида глобал аҳоли кексайиши муаммоси вужудга келаётган бўлиб, кейинги йилларда 65 ёшдан катта бўлган аҳоли сони ортиб бориб, 15-64 ёшдаги аҳоли сони эса қисқариб бориши кутилмоқда (6.2-расм). Натижада 2060 йилга бориб 65 ёшдан катта бўлган ҳар бир аҳолига нисбатан меҳнат лаёқатига эга бўлган (15-64 ёшдаги) аҳоли 1/4 нисбатга тенг бўлиши мумкин бўлади.



6.2-расм. ЕИ-28 мамлакатларида 2014-2080 йилларда аҳолининг ёши бўйича гуруҳланиши (умумий аҳоли сонига нисбатан фонд ҳисобида)⁸⁴

ЕИ мамлакатлари пенсия таъминоти тизимида ўзаро фарқланувчи уч даражадаги пенсия таъминоти дастурлари амал қилишини кўриш мумкин бўлади. Пенсия таъминоти тизимининг биринчи даражаси бу давлат пенсия таъминоти тизими бўлиб, бунда ижтимоий жиҳатдан муҳтожликни олдини олиш ва жамиятда турли дискриминацион ҳолатларни олдини олиш мақсадида фуқаролар учун пенсия бадаллари давлат томонидан молиялаштирилиб борилади. Пенсия таъминоти тизимининг кейинги иккинчи (касбий ёки корхоналарнинг корпоратив пенсия дастурлари) ва учинчи (ихтиёрий, мустакил жамғаришга асосланган пенсия таъминоти дастури) бевосита фуқаролар ва иш берувчиларнинг ўзаро хоҳиш-ихтиёрлари ва келишувлари асосида шакллантирилиб, бунда фуқаролар бозор механизми фаолиятининг салбий оқибатларидан мустакил тарзда суғурталанишларини кўришимиз мумкин бўлади.

Ҳозирда ЕИ мамлакатларида фуқароларнинг ихтиёрий тарзда пенсия суғуртаси фаолиятдан фойдаланишлари ва пенсия бадалларини молиялаштиришда ушбу суғурта тўловлари асосида шаклланган маблағлардан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар амалга

⁸⁴Eurostat, July 2015.

ошириб келинмоқда. Бунинг натижасида минтақа мамлакатларида тегишли даражада пенсия миқдорини таъминлаш имконияти вужудга келмоқда.

ЕИ мамлакатларида амал қилаётган пенсия тизимларининг мувофиқлиги ва уларнинг барқарорлиги Европа Комиссияси томонидан “Яшил китоб (Green Paper)” ҳисоботида пенсия бадалларининг тегишли даражасини таъминланишида муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, фуқароларнинг пенсия бадаллари миқдорини мамлакатнинг иктисодий ҳолатига номувофиқлиги бевосита давлатнинг бошқа бир ижтимоий соҳадаги харажатларининг ортиб кетиши ва бунинг оқибатида пенсия фондлари молиявий бекарорлиги вужудга келиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Шу билан бир қаторда мамлакатларда пенсия тизimini ислох этиш чора-тадбирлари дастурларида аҳолининг қариши кўрсаткичларининг эътибордан четда қолдирилиши ҳам салбий оқибатларни юзага келтириши хавфи мавжуд.

Европа Комиссияси томонидан юқорида келтирилган ҳисоботда келтириб ўтилган мамлакатларнинг пенсия тизимлари фаолияти тўғрисидаги тақлифлардан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилдан буён ЕИ мамлакатлари томонидан “Пенсия фондлари фаолиятининг мувофиқлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган дастур”лар “Оқ китоб (White Paper)” шаклида нашр эттирилиб келинмоқда.

Юқорида келтирилган ҳисоботларда пенсия фондлари фаолиятининг самарадорлиги ва уларнинг барқарорлигини таъминлашда қуйидаги икки омилларга алоҳида эътибор қаратилган:

- Фуқароларнинг меҳнат фаолияти билан шуғулланиш даври ва пенсияга чиқиши ўртасидаги баланс ҳолатини таъминлаш ва уларни янада такомиллаштириш;

- Қўшимча хусусий пенсия жамғармаларини ривожлантириш

ЕИ мамлакатларида пенсия таъминоти тизimini ислох этишда ушбу икки жиҳатни эътиборга олган ҳолда чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларга устуворликларни қаратиш давлатлар томонидан маъқулланди.

Натижада “Бизнес Европа (Business Europe)” меморандумининг ижтимоий соҳа вакиллари олдида ЕИ мамлакатлари иктисодиётида аҳолининг меҳнат даври давомийлигини узайтириш, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш каби вазифаларга устуворлик берилди. “Оқ китоб (White Paper)” ҳисоботидаги Европа Комиссиясининг позицияси пенсияларнинг ижтимоий прогнозларини аниқлаш, пенсияларнинг мувофиқ даражада таъминланишига эришиш ва бирдамлик пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигини кафолатлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини илгари суришдан иборат бўлди.

“Оқ китоб (White Paper)” ҳисоботида ЕИ мамлакатларида пенсия таъминоти тизими фаолияти 50 ёшдан катта бўлган ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли гуруҳларининг тегишли даражада турмуш фаровонлиги билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

2011 йилда ЕИ мамлакатларида пенсия таъминоти тизими фаолиятини такомиллаштиришга оид тақлифлар ишлаб чиқиш дастури амалга оширилгандан сўнг минтақада 2014-2017 йилларга мўлжалланган пенсия таъминоти тизимини ислох этишга мўлжалланган чора-тадбирларда ушбу тақлифлардан кенг фойдаланила бошланди.⁸⁵ Ушбу дастурларда пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда уларнинг фаолиятини турли иқтисодий дастурлар билан тўлдириб бориш ва бунинг ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш талаб этилди.⁸⁶ Бу борадаги илмий-амалий асосланган тақлифлар ЕИ мамлакатларида ҳар йили ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиб келинмоқда.

Европа Комиссияси мамлакатларда пенсия таъминоти тизимини ислох этишга оид махсус тақлифлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши учун ЕИ миқёсида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2011-2016 йилларда ЕИ мамлакатлари пенсия тизимини ислох этишда махсус тақлифлар дастурларидан фойдаланиб келмоқда. Ушбу дастурлар куйидаги элементларни ўз ичига олади:

- Аҳоли умр давомийлиги кўрсаткичини орттириш боришини инобатга олган ҳолда, пенсияга чиқиш ёшига оид қонунларга ўзгартириш киритиш;

- Эркаклар ва аёллар учун мамлакатларда белгиланган пенсияга чиқиш ёшини тенглаштириш;

- Муддатдан илгари пенсияга чиқиш ҳолатларини қисқартириш ва махсус пенсия дастурларини ўзаро бирлаштирган ҳолатда уларнинг устунлигини таъминлаш;

- Аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, меҳнат қилиш даври давомийлигини таъминлаш ва кекса аҳолининг меҳнат бозоридаги иштирокисини таъминлаш;

- Аҳолининг ёш жиҳатдан кекса вакиллари учун мўлжалланган меҳнат бозоридаги дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

- Иқтисодиётда хусусий сектор улушини янада ошириш.

ЕИ мамлакатларида пенсия таъминоти тизими фаолиятининг мувофиқлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун олиб борилаётган ислохот дастурлари трендлари ва уларнинг натижалари. ЕИ мамлакатлари миқдорий пенсия таъминоти тизимлари ислохотларида устуворлик улардаги аҳолининг қариши муаммоси натижасида пенсия фондларига тушадиган маблағнинг юк даражасини қисқартиришга қаратилган ҳисобланади. Ушундан олганда, ЕИ мамлакатларида умумий тарзда пенсияга чиқиш ёшини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга

⁸⁵ 2011 йилдаги тақлифлар дастурдан сўнг Греция, Ирландия, Латвия, Португалия, Руминия; 2012 йилдаги тақлифлар дастурида Греция, Ирландия, Португалия, Руминия; 2013 йилдаги дастурдан Кипр, Греция, Ирландия, Португалия; 2014 ва 2015 йиллардаги дастурлардан Кипр ва Греция мамлакатлари ўз мамлакат пенсия таъминоти тизимларини ислох этишда фаол қатнашдилар.

⁸⁶ Бу турдаги дастурлар Эстония, Венгрия, Италия, Швеция, Буюк Британия, Австрия, Бельгия, Франция, Финландия, Литва, Люксембург, Мала, Нидерландия, Польша ва Словения мамлакатларида фаол амалга оширилмоқда.

оширилганлиги бунга яққол далил бўла олади. 2015 йилда нашр этирилган “Аҳолининг кексайиши”⁸⁷ (6.1-чизма) ҳисоботи натижалари шуни кўрсатадики, минтақада пенсияга чиқиш ёштини ошириш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида пенсия ёши эркаклар учун 2,5 йилга, аёллар учун эса 3 йилга узайтирилди.

6.1-чизма. Аҳолининг қариши ва пенсия таъминоти тизими барқарорлиги ҳисоботи, 2015 йил⁸⁸

Мазкур йиллик ҳисобот Европа Комиссияси ва Европа Иқтисодий сиёсат қўмитаси томонидан аҳоли сонининг ўзгаришидан келиб чиққан ҳолда бюджет дастурларини ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Мазкур ҳисоботдаги таҳлиллар бевосита “пенсия фондлари фаолияти барқарорлиги” га тегишли бўлган масалаларга ойдинлик киритишга имкон яратди.

2009 йилдаги мазкур ҳисоботда берилган маълумотларга кўра, ЕИ-27 мамлакатларида 2007 йилда пенсия бадалларини молиялаштиришга йўналтирилган харажатлар ЯИМга нисбатан ўрта ҳисобда 16,2 % га тенг бўлган (мамлакатларда энг қуйи ва энг юқори чегаралар 5,2-14 фоизга тенг ҳисобланади). Мазкур ҳисоботда берилган прогнозларга кўра, 2060 йилга бориб, ЕИ мамлакатларида мазкур кўрсаткич 2,2 фоизга ортиши кутилмоқда. ЕИ мамлакатларида аҳолининг кексайиши кўрсаткичи юқори бўлган биринчи саккизлик мамлакатларида ушбу кўрсаткич 5 фоиздан, жумладан, саккизлик таркибига кирувчи биринчи учлик мамлакатларида эса 10 фоиздан юқори кўрсаткичга ортиши прогноз қилинган.

2012 йилдаги ҳисобот маълумотларига кўра, 2010 йилга келиб ЕИ-27 мамлакатларида пенсия бадалларини молиялаштиришга йўналтирилган харажатлар ЯИМга нисбатан ўрта ҳисобда 11,3 фоизга тенг бўлган (мамлакатларда энг қуйи ва энг юқори чегаралар 6,8-15,3 фоизга тенг ҳисобланади). Прогнозларга кўра, пенсия харажатларининг ЯИМдаги улуши 1,5 фоизга ортиши башорат қилинган эди. ЕИ мамлакатларининг олтигасида мазкур кўрсаткич 5 фоиздан зиёд ортгани ва уларнинг ичида энг юқори кўрсаткич 9,4 фоизга тенг бўлганлиги эътироф этилди.

2015 йилдаги ҳисоботга кўра, ЕИ-28 мамлакатларида 2013 йилда ЯИМга нисбатан пенсия бадалларини молиялаштиришга сарфланган харажатларнинг улуши 11,3 фоизга тенг бўлган (мамлакатларда энг қуйи ва энг юқори чегаралар 6,9-15,7 фоизга тенг). Ҳисоботда берилган прогнозларга кўра, 2060 йилга бориб пенсия бадалларини молиялаштиришга йўналтириладиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши 0,2 фоиз кўрсаткичга камайиши кутилмоқда. Шу билан бир қаторда, прогнозларга кўра ЕИ таркибига кирувчи 15 та мамлакатда пенсия бадалларини молиялаштиришга сарфланадиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши кискариши ва ЯИМга нисбатан пенсия харажатлари миқдорининг энг юқори ўсиш кўрсаткичи 4,1 фоизга тенг бўлишига оид маълумотлар келтирилган.

ЕИ мамлакатларидаги демографик вазиятларни иноватта олган ҳолда амалга оширилаётган пенсия таъминоти тизимини ислох этиш чора-тадбирлари бевосита пенсия фондлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш ва аҳолини етарли даражада ижтимоий

⁸⁷ www.ec.europa.eu

⁸⁸ www.ec.europa.eu

химоялашга имкон яратмоқда. Масалан, пенсия фондига бадалларни тўлаш даврини узайтириш, пенсияга чиқиш ёшини ошириш (аёллар ва эркеклар учун пенсия ёшини бир хил даражага келтирилишини инобатга олган ҳолда), муддатдан илгари пенсияга чиқиш шартларига тегишли ўзгартиришларнинг киритилиши бевосита келажакда пенсия фондлари фаолиятларини такомиллаштирилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Шу билан бир каторда ЕИ мамлакатларида аҳолининг кексايшини инобатга олган ҳолда фуқароларнинг меҳнат қилиш даври давомийлигини таъминлаш мақсадида меҳнат бозорида аҳоли бандлигини ижтимоий жиҳатдан кафолатловчи турли чора-тадбирлар дастурларини амалга ошириш ишлари жадаллаштирилган. Минтакада жойлашган айрим мамлакатлар иктисодиётига инкирознинг катта кўламда салбий таъсир кўрсатганлиги туфайли, уларда пенсия бадаллари миқдорини қисқартириш, пенсия суғуртаси ва ижтимоий турдаги солиқ-тўлов ҳажмини ошириш ёки пенсия бадалларини индексациялаш тартибларига ўзгартиришлар киритиш ишлари амалга ошириш орқали пенсия фондлари барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилинди.

Сўнгги йилларда ЕИ мамлакатларида амалга оширилаётган ислохотларда касбий ёки корхоналарнинг корпоратив пенсия дастурлари ва хусусий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларга устуворликларнинг қартилишига йўналтирилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Минтакадаги айрим мамлакатларда Пай-Го (PAYG-бирдамлик) пенсия тизимига фуқаролар томонидан тўланадиган суғурта бадалларини юқорида келтирилган икки турдаги пенсия фондларига йўналтириш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида пенсия фондларини молиялаштириш дастурларида ўзгаришлар вужудга келмоқда. Бу эса ўз навбатида ЕИ мамлакатлари таркибига кирувчи 15 та давлат пенсия таъминоти тизимида аралаш пенсия таъминоти тизимининг самарали амал қилишига туртки бўлиши билан бир каторда Пай-Го (PAYG-бирдамлик) пенсия тизимига айрим ҳуқуқий ўзгартиришларнинг киритилишига сабаб бўлди.

Амалга оширилган ушбу ислохотлар натижасида ЕИ мамлакатлари пенсия фондлари харажатларининг барқарор ортиб боришини олдини олишга эришилди (Аҳолининг қариши ҳисоботи, 2015 йил) (6.1-чизма).

Пенсия бадалларининг оптимал даражасининг таъминланишини қўллаб-қувватлаш ва келажакдаги рискли ҳолатларни бартараф этиш. Пенсия бадалларининг оптимал даражасини таъминлаш кекса ёшдаги аҳолини ижтимоий муҳтожликдан химоялаш билан бир каторда уларнинг ёшлик давридаги турмуш фаровонлигини кексалик даврида ҳам давом эттириш имкониятини вужудга келтиради. Айрим аҳоли гуруҳлари кексалик даврида турли қийинчиликларга дуч келишлари мумкин ҳисобланади. Аҳолини жинс таркиби бўйича олиб қарайдиган бўлсак, аёллар кексалик даврига етганларида пенсия бадалларининг уларни муносиб даражада турмуш кечиринлари учун етарли эмаслиги, яъни номувофиклиги

муаммосига дуч келадилар (бу ҳолат маълум бир даражада меҳнат бозорида эркаклар ва аёлларнинг бандлиги даражаси ва турига боғлиқ бўлади). Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, аёлларнинг умр давомийлиги кўрсаткичи эркаклар қайд этган кўрсаткичга нисбатан юқори ҳисобланади. Кекса ёшдаги пенсионерлар пенсия бадалларини индексациялашда вужудга келиши мумкин бўлган пенсия миқдорининг қисқариши ризкли ҳолатидан ўзларининг хусусий тарзда шакллантириб борган жамғармалари асосида узок йиллар мобайнида ҳимояланиш ҳолатлари ҳам ЕИ мамлакатлари амалиётида кенг учрайди.

Пенсияларнинг мувофиқлик даражасини белгилаш бир мунча қийинчилик туғдиради. Европа Комиссияси томонидан 2015 йилда нашр этилган “Пенсияларнинг мувофиқлик кўрсаткичлари ҳисоботи (PAR – Pension Adequacy Report)”⁸⁹ да пенсияларнинг мувофиқлик даражасини баҳолаш хар тарафлама мукамал тарзда амалга оширилган (6.2-қизма).

6.2-қизма. 2015 йилги Пенсияларнинг мувофиқлик кўрсаткичлари ҳисоботи⁹⁰

Мазкур йиллик ҳисобот Европа Комиссияси ва Европа Ижтимоий ҳимоя қўмитаси ҳамкорлигида келажакда кексалик даврида олинадиган даромадларнинг старли даражада турмуш фаровонлигини таъминлаш учун мувофиқлик кўрсаткичлари таҳлилинини ўз ичига олади.

2012 йилдаги ҳисоботда келтирилган маълумотларга кўра, кекса ёшдаги ЕИ мамлакатлари фуқаролари аҳолининг бошқа ёшдаги гуруҳлари турмуш фаровонлиги даражасига яқин даражада ҳаёт кечирган. Аҳоли гуруҳлари ўртасидаги турмуш фаровонлиги даражасидаги кичик фарқ бевоесита ЕИ мамлакатларида амалга оширилган пенсияга чиқиш ёшини узайтириш, инсонларнинг узок муддатли жамғармаларини шакллантириши туфайли вужудга келган. Амалга оширилган ислохотлар натижасида пенсия фондлари барқарорлигини таъминлашга эришилди. Шу билан биргаликда шунини айтиш керакки, айрим кекса ёшдаги аҳоли қатламлари бевоесита пенсия бадалларининг номувофиқлиги муаммосидан чиқа олмади.

2015 йилда нашр этилган ҳисоботга кўра, инкироз даврида ЕИ-28 мамлакатларида пенсионерларнинг турмуш фаровонлиги кўрсаткичлари тегиншли даражада таъминланди. Амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, ЕИ-28 мамлакатларида истикомат қилаётган 65 ёшдан катта ёшдаги аҳоли даромадлари 65 ёшдан кичик бўлган аҳоли даромадларининг 93 фоизини ташкил этади (ЕИ таркибига кирувчи саккизта мамлакатда мазкур кўрсаткич 80 фоиздан кам, аммо олти мамлакатда 100 фоиздан зиёд кўрсаткичга тенг бўлган). ЕИ мамлакатларининг 22 тасида кекса аҳоли қатламларининг камбағаллик ёки ижтимоий маргинализация ризици даражаси жуда паст ҳисобланади.

Келажакда ЕИ мамлакатларида пенсионерлар давлат пенсия таъминотида (1 даража, РАУГ-бирдамлик пенсия таъминоти тизими) фойдаланиш кўрсаткичлари қисқариб, касбий ёки корхоналарининг корпоратив пенсия таъминоти (2 даража) дастурларидан фойдаланишларига устуворлик қаратилади. Бу эса ўз ўрнида инсонларнинг меҳнат давридаги карьераларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг кексаликдаги пенсия бадаллари ҳисобидан даромадлари миқдори шаклланишидан далолат беради.

⁸⁹ www.ec.europa.eu

⁹⁰ www.ec.europa.eu

Ҳозирда ЕИ мамлакатларида пенсионерларнинг муносиб даражада турмуш фаровонлиги билан таъминланганлиги даражасида тафовутлар мавжуд. Айрим аҳоли гуруҳлари (аёллар, катта ёшдаги пенсионерлар, ёлғиз қариялар ва ўз карьерасида омадсизликка дуч келганлар) нисбатан рискли вазиятларга дуч келишлари эҳтимоли юқори ҳисобланади. ЕИ мамлакатларида эркаклар ва аёлларнинг пенсия бадаллари миқдори ўртасида 40 фоизга (ЕИ таркибига қирувчи мамлакатлар бўйича ўрта ҳисобда олганда) тенг бўлган фарқли нисбат бўлиб, минтақада амал қилаётган пенсия таъминоти тизимида гендер тенгсизлиги муаммоси мавжуддигидан далолат беради.

ЕИ мамлакатларида амалга оширилаётган ислохотлар ўз ўрнида уларнинг назарий асосларини яратишга зарурат яратади, масалан, 25 ёшдан кейинги 40 йиллик меҳнат фаолияти билан шуғулланишга оид илмий асосланган назарияларни шакллантириш ва уларни амалиётган татбиқ этиш. Минтақада олиб борилаётган ислохот дастурлари натижасида 2053 йилга бориб ЕИнинг 22 мамлақатида Пай Го (PAYG – бирдамлик) пенсия таъминоти тизимига асосланган I даражада пенсионерларнинг оладиган даромадлари улуши камайиши кутилмоқда. Мазкур пасайиш кўрсаткичи 16 мамлакатда ЯИМга нисбатан 5 фоизга, жумладан, ушбу мамлакатлардан 6 тасида⁹¹ мазкур кўрсаткич 15 фоизга қисқариши кутилмоқда. Шу билан бир қаторда ЕИнинг 8 мамлақатида⁹² бирдамлик пенсия таъминоти харажатларини молиялаштиришга оид ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш, шу билан бир қаторда касбий ёки корхоналарнинг корпоратив пенсия дастурлари (2 даража) ва хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизими (3 даража) фаолиятини янада кенгайтиришга эътибор қаратилади⁹³. Бу турдаги ўзгаришларни амалга ошириш орқали пенсионерларнинг муносиб даражада турмуш фаровонлиги таъминланиши янада кафолатланади ва ушбу пенсия тизимларини молиялаштиришда инвестицион рисклар даражаси паст бўлган схемаларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Умуман олганда ЕИ мамлакатларининг аксарияти 2053 йилга бориб, назарий асосланган прогнозларига кўра 2013 йилги пенсия бадаллари ҳисобидан олинadиган стандарт даромадларининг қисқариши ҳолатини кузатиш мумкин бўлади (6.3-расм). Мазкур ҳолат 2053 йилга бориб 2013 йилга нисбатан давлат пенсия таъминоти тизимида юқинг қисқариши бўйича ижобий тенденцияга эришиш мумкинлигини ифодалайди.

⁹¹ Дания, Словакия, Латвия, Хорватия, Руминия ва Польша.

⁹² Болгария, Литва, Эстония, Словакия, Лагвия, Хорватия, Швейцария ва Руминия.

⁹³ Бу турдаги устуворликлар Дания, Германия, Белгия ва Буюк Британия мамлакатларида бошқа ЕИ мамлакатларига нисбатан пенсия таъминоти тизимини ислох этишда муҳим аҳамият касб этади.



6.3-расм. Иш ҳақига nisbatan пенсия бадаллари hisobidan олинмаган даромадларнинг ўзгариш даражаси⁹⁴

Аҳоли иш ҳақидан олинмаган даромадлар даражаси ўртасидаги тафовутлар ўрта даражадаги даромадга эга бўлган кишиларга nisbatan кўпроқ юқори даражада даромад олаётган кишилар кексаликда етарли турмуш фаровонлигига эга бўлишлари учун қўшимча тарзда ўз даромадлари hisobidan пенсия сугуртаси тўловларини тўлашлари мажбуриятини оширилишига олиб келади. Даромадларнинг паст даражасини таъминлаш мамлакатлар учун қайта таксимот тизимини янада такомиллаштириш ва шу билан бир қаторда аксарият мамлакатларда камбағалликка қарши курашиш имкониятларини орттишига олиб келиш эҳтимоли мавжуд.

ЕИ мамлакатларида амалга оширилган ислохотлар натижасида пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган меҳнат стажи ва пенсия ёши ўртасида мувозанат ҳолатини таъминлашга эришилди. Бу эса ўз ўрнида пенсия фонди харажатларининг қисқариши ва уларнинг қўшимча даромадларини шакллантиришга имкон яратди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда ЕИ мамлакатларида пенсия фондида фуқароларнинг тегишли жамғармани шакллантирмаслиги ва карьерда омадсизликка дуч келиши (масалан, ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммоси ҳам ўз ўрнида бунга салбий таъсир кўрсатади) пенсия ёшига етганда уларнинг пенсия бадалларининг мувофиқ даражада таъминланмаслиги рискинни вужудга келтиради. Мазкур вазият бевосита меҳнат бозорининг пенсия бадалларининг мувофиқлигини таъминлашдаги аҳамиятини орттишига сабаб бўлади.

ЕИ мамлакатларида меҳнат даврининг ўзаётирилиши берилмаётган илмий асосланган таклифларга кўра, пенсия ёшига етганда аҳолининг пенсия бадаллари hisobidan шаклланимаган даромадлари даражасига ижобий

⁹⁴ 2015 Pension Adequacy Report, 2015.

таъсир кўрсатиши мумкин бўлади. Минтақада жойлашган 14 мамлакатда⁹⁵ меҳнат даврининг икки йилга узайтирилиши пенсия фондлари харажатларини 5 фоизга камайишига олиб келади. Агарда пенсияга чиқиш ёшини икки йилга камайтириладиган бўлса, бу ҳолат пенсия фондлари фаолиятининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлади. Берилётган илмий асосланган таклифларга кўра пенсияга чиқиш ёшини беш йилга узайтириш ёки уни қисқартириш фуқароларда пенсия тизимига нисбатан муносабатларининг ёмонлашуви ва унга нисбатан ишончсизликларини орттиришига олиб келади.

ЕИ мамлакатлари учун ишлаб чиқилаётган махсус илмий таклифларга кўра, карьеранинг нисбатан кечроқ бошланиши (масалан, ЕИ мамлакатларида одатда 30 ёшдан карьера даври бошланади), фуқаронинг 45 ёшгача бўлган давридаги пенсия фондига сугурта бадалларини хажмининг қисқаришига олиб келади ва бу ҳолат ўз ўрнида пенсия фонди харажатларини 10-20 фоиз атрофида қисқаришига олиб келади. Фуқароларга тўланадиган пенсия бадалларини индексациялашда ишсизлик, бола парвариши ва шунга ўхшаш ҳолатлар инобатга олиниб, бу пенсия бадали миқдори камайишига ўз таъсирини ўтказди.

Юқорида келтирилган вазият ўз навбатида мамлакатларда аёлларнинг пенсия бадаллари миқдорида кўпроқ таъсир кўрсатиши табиий. Бу ҳолат ҳозирда аёлларнинг меҳнат бозоридаги роли ва пенсия ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларни амалга ошириш заруриятини вужудга келтиради. ЕИ мамлакатларида олиб борилаётган пенсия таъминоти тизими ислохотлари бевосита меҳнат бозори ва карьера давомийлиги билан боғланиши, пенсия сугуртаси бадалларини тўлашда турли узилишларнинг вужудга келиши пенсия бадаллари миқдорида таъсир кўрсатиши ҳукуматлар олдида пенсия тизимидаги гендер тенгсизлиги муаммосини олдини олиш вазифасини қўяди.

6.3. Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия таъминоти тизимини ислох этиш истиқболлари

Европа Иттифоқи (ЕИ) таркибига кирувчи мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизимлари авлодлар бирдамлиги (PAYG) тамойили асосида ташкил этилганлигини юқорида келтириб ўтилган маълумотларда (6.2 бўлим) кўришимиз мумкин. Бунда давлат пенсия таъминоти сугурта бадаллари солиқлар кўринишида ишловчи ходимлардан йиғиб олиниб давлат пенсия таъминоти фондларига йўналтирилади. ЕИ мамлакатлари иқтисодиётининг хусусий секторида амал қилаётган давлат пенсия таъминоти дастурларидан бошқа хусусий пенсия таъминоти дастурларида пенсия сугурта бадаллари сугурталовчи ва сугурталанувчи ўртасидаги келишилган шартномалар асосида хусусий фондларга жалб этилади. Давлат пенсия таъминоти тизими иқтисодиётнинг давлат секторида фаолият

⁹⁵ Португалия, Венгрия, Эстония, Лигва, Германия, Чехия Республикаси, Нидерландия, Австрия, Словакия, Словения, Латвия, Финландия, Дания ва Люксембург.

юритаётган ишловчилар гурухлари учун амал килиб келган бўлиб, ҳозирда ушбу пенсия нафакалари миқдорини камайтириш ва уларни олиш учун қўйиладиган талабларни оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Узоқ йиллар мобайнида ЕИ мамлакатлари давлат пенсия таъминоти тизимларида пенсионерларнинг пенсия тўловларини молиялаштириш иктисодий банд бўлган аҳоли гурухларидан йиғиб олинadиган солиқ кўринишидаги тушумлар ҳисобидан амалга оширилиб келинган бўлиб (авлодлар бирдамлиги таъмойили асосида), ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бориш трендига эга ҳисобланади. Аммо мазкур ҳолат пенсионерларнинг пенсия тўловлари ҳажмини ортишидан далолат бермайди. ЕИ мамлакатларининг аҳолининг глобал қариши муаммосига дуч келганлиги сабабли уларда пенсионерларнинг сони ортиб бориши билан бир қаторда, пенсия фондлари харажатлари ҳам ўсиб бормоқда. Айни вақтда жаҳон молиявий-иктисодий инкирозидан кейинги даврда мазкур мамлакатлар гуруҳида иктисодий ўсиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳолининг бандлиги даражасида сезиларли тарзда салбий ўзгаришларнинг вужудга келганлиги бевосита пенсия фондларига нисбатан пенсия юқининг ортишига олиб келди. Натижада ЕИ мамлакатлари давлат пенсия таъминоти тизимида пенсия нафакаларини молиялаштиришнинг янги шакллари ишлаб чиқиш ва аҳолини етарли даражада пенсиялар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларга устуворлик қаратилди.

ЕИ мамлакатларида амал қилаётган қонунчиликка асосан уларда давлат пенсия таъминоти тизими бевосита давлат бошқарувида асосланган бўлиб, ҳозирга қадар мазкур пенсия фондларининг харажатларини молиялаштириш авлодлар бирдамлиги тамойили асосида молиялаштириб келинган. Айни вақтда мазкур мамлакатлар гуруҳида глобал аҳолининг қариши муаммоси тобора авж олиб бораётганлиги сабабли, аксарият давлатларда пенсия фондларини молиялаштиришда камчиликлар мавжуд ва ушбу фондларнинг дефицит ҳолатига дуч келиши кузатилмоқда. Шунининг олдига олган ҳолатда ЕИ мамлакатлари 2050 йилга қадар бўлган даврда пенсия таъминоти тизимида давлатнинг иштирокини қисқартириш ва пенсия фондлари фаолиятини хусусий секторда ташкил этиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусий пенсия дастурларини амалга оширишда ЕИ мамлакатларида корпоратив пенсия дастурлари ва хусусий жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими фаолиятини рағбатлантириш мақсад этиб қўйилган. Бунда хусусий пенсия фондларини молиявий сикхатдан қўллаб-қувватлаш масъулияти давлатга эмас, балки хусусий секторда фаолият олиб бораётган иш берувчиларга юқлатилади. Иш берувчи ва ишловчи ходимлар томонидан мазкур пенсия фондларига йўналтирилган маблағларга нисбатан солиқ имтиёзлари жорий этилиб, аҳолини хусусий пенсия фондларига бўлган ишончини янада орттириш кўзланган мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу

йўналишда ЕИ мамлакатларида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш орқали фукароларнинг хусусий пенсия тўловлари миқдорини иложи борица мамлакатдаги ўртача ойлик иш ҳаки билан тенглаштириш ва кекса аҳоли қатламларини муносиб даражада турмуш фаровонлиги билан таъминлаш мумкин бўлади. Мазкур ўзгаришлар фукароларнинг давлат пенсия таъминотини олишлари учун талабларни ошириш эвазига ташкил этилади. Бу эса аҳолида кексалик даври сугуртасини хусусий пенсия фондларида амалга оширишга бўлган интилишини кучайтиради. Натжида давлат пенсия фондларининг харажатлари кискариб, фукаралар ўзлари шакллантирган сугурта жамғармалари ва тўлаб борган сугурта бадалларига мос тарзда пенсия нафақаларини ола бошлайдилар. Бу эса кейинчалик ЕИ мамлакатларида авлодлар бирдамлиги тамойили асосида фаолият юритаётган пенсия фондлари фаолиятини кискартирилишига олиб келади.

2050 йилга қадар амалга ошириладиган ушбу ислохотлар натижасида ЕИ мамлакатларида давлат пенсия таъминоти фукароларни кексалик даврида ижтимоий жиҳатдан мухтожлигини олдини олиш ва уларни минимал турмуш даражасини таъминлаш мақсадида фақатгина минимал пенсиялар билан таъминлашни ўз зиммасига олади. ЕИ мамлакатларида давлат пенсия таъминотининг минимал пенсия тўловлари қай даражада аҳолини турмуш фаровонлигини таъминлаётганлигини баҳолаш учун миллий валюталарин еврога тенглаштирилиб, уларнинг харид қобилияти баҳоланиб, умум ЕИ мамлакатлари учун ягона яшаш минимумига мувофиқлиги Европа Комиссияси томонидан текшириб борилади.

ЕИ мамлакатларида 65 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг ортиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда мамлакатларда пенсияга чиқиш ёши ва меҳнат бозорига кекса аҳолини жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

2009 йилда нашр этилган “Қариш тўғрисидаги ҳисобот”да 2060 йилга қадар бўлган муддатда ЕИ мамлакатларида аҳолини қариб бориши билан бир қаторда ижтимоий таъминот харажатларда пенсия тўловларининг улуши ортиб бориши ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Мазкур ҳисоботда ЕИ мамлакатларида пенсия ёшини оптимал даражада ошириб бориш билан бирга, меҳнат бозорига кекса ёшдаги аҳоли қатламлари учун актив бандлик сиёсатини қўллаш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

6.1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқлаки, ЕИ мамлакатларида 2008-2020 йилларда ЯИМнинг ўртача ўсиш кўрсаткичи 2,4 фоизни ташкил этса, кейинги даврларда ушбу кўрсаткич пасайиб бориш тенденциясига эга бўлади. Аҳоли сони эса 2020-2040 йиллардан бошлаб камайиб боради. 15-64 ёшдаги аҳоли сонининг умумий аҳоли сонигаги улуши камайиб, ЕИ мамлакатларида кексаларнинг боғлиқлик коэффициенти тобора орта боради ва 2040-2060 йилларда ушбу кўрсаткич 53,5 фоизга етади.

**ЕИ мамлакатларининг макроектисодий кўрсаткичларининг
ўзгариб бориши прогнолари (фоиз ҳисобида)⁹⁶**

Кўрсаткичлар	2008-2020	2020-2040	2040-2060	2008-2060
ЯИМ даражасининг ўсиши	2,4	1,7	1,3	1,7
Умумий аҳоли сони	3,7	0,0	-1,6	2,1
Бандлик даражаси	1,7	1,7	1,7	1,8
Бандлик (тўлик иш кунида)	0,7	0,0	-0,4	-0,1
15-64 ёшдаги аҳоли сони (меҳнат ёшидаги аҳоли)	-0,4	-4,4	-10,2	-15,0
Кекса аҳолининг боғлиқлик коэффициенти	25,4	31,1	53,5	28,1

ЕИ мамлакатларида кутилаётган демографик ўзгаришлар натижасида меҳнат бозорига кекса аҳолини жалб этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида аҳолининг тўлик иш кунида бандлиги даражаси 2020-2040 йиллардан бошлаб камая боради ва 2040-2060 йилларда 15-64 ёшдаги аҳоли сони 10 фоизга қисқаради.

Юқорида келтириб ўтилган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ЕИ мамлакатларида 2060 йилга қадар меҳнат бозорига 55-64 ёшдаги банд эркеклар сонини 10 фоизга, аёллар улушини эса 20 фоизга кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (6.2-жадвал). Бунинг оқибатида демографик ўзгаришларнинг мамлакатлар пенсия фондларига салбий оқибатларини юмшатишга эришиш эҳтимоли вуҷудга келади.

Меҳнат бозорининг прогноз кўрсаткичлари (фоиз ҳисобида)⁹⁷

	2008	2020	2060
Ишсизлик даражаси	7,2	5,7	5,7
Аҳоли сонига ишчи кучи улуши	70,6	73,2	74,1
Ишчи кучи таркибида 55-64 ёшдаги аҳоли улуши	47,5	56,0	62,5
- эркеклар	57,3	63,8	67,0
- аёллар	38,2	50,4	58,1
55-64 ёшдаги аҳоли бандлиги даражаси	44,9	54,5	60,0
Қоплаш коэффициенти	140,1	114,7	110,0

Юқорида белгилаб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали 2060 йилга бориб ЕИ мамлакатларида давлат пенсия нафақаларини молиялаштиришга бўлган харажатларни 2008 йилга нисбатан кийсый таққосланганда ЯИМга нисбатан 2,4 фоизга ўсишига эришиш мумкин

⁹⁶ The 2009 Ageing Report, Assumptions (European Commission, 2008a) маълумотлари асосида тузилган.

⁹⁷ The 2009 Ageing Report, Assumptions (European Commission, 2008a) маълумотлари асосида тузилган.

бўлади. Мазкур кўрсаткичдаги асосий ўзгаришлар 2020-2040 йилларда бўлиб ўтиши кутилмоқда (6.3-жадвал).

6.3-жадвал

ЕИ 27 мамлакатларида давлат пенсия таъминоти харажатлари прогнози (2008 йилдаги ЯИМ га нисбатан ўзгариш, фоиз ҳисобида)⁹⁸

	2008- 2020 йй	2020- 2030 йй	2030- 2040 йй	2040- 2050 йй	2050- 2060 йй	2008- 2060 йй
Давлат пенсия харажатлари	0,4	0,9	0,7	0,2	0,2	2,4
<i>Суғурта бадаллари ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар:</i>						
Кекса аҳолининг боғлиқлик коэффициенти	2,2	2,3	2,1	1,3	0,7	8,7
Қоплаш кўрсаткичи	-1,1	-0,6	-0,4	-0,4	-0,2	-2,6
Бандлик даражаси	-0,5	0,0	-0,1	0,0	0,0	-0,7
Имтиёзлар даражаси	-0,1	-0,6	-0,7	-0,6	-0,4	-2,5
Бошқа омиллар	-0,1	-0,2	-0,2	-0,1	0,1	-0,5

Ҳозирда ЕИ мамлакатларида давлатнинг пенсия таъминотига харажатларининг ўсиш кўрсаткичи 5 фоиздан орттирмасликка қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айрим мамлакатларда пенсия таъминоти тизимини самарали ислох этишни устувор натижасида давлатнинг пенсия фондларини молиялаштиришга бўлган харажатларини сезиларли даражада қисқартирилишига эришилди.

Умумий тарзда баҳоланганда, ЕИ мамлакатларида 2060 йилга қадар пенсия таъминоти тизимини ислох этиш йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- Кекса аҳолининг боғлиқлик коэффициенти камайтириш мақсадида 65 ва ундан юқори ёшдаги аҳоли қатламларига нисбатан ишчи кучи сифатида муносабатни шакллантириш ва уларни бандлигини таъминлаш;

- Ёшга доир пенсия тўловларининг даромадларни қоплаш коэффициенти ошириш;

- Пенсия ёшидаги аҳоли гуруҳларини ёлланиб ишлашлари учун шарт-шароитлар яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш;

- Мамлакатдаги ўртача пенсия нафақаси миқдорини фуқароларнинг меҳнат фаолиятидаги самарали фаолияти кўрсаткичи билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш;

- Меҳнат бозорида иш вақтларини ўзгартириш ва самарали бандликни ташкил этиш.

⁹⁸ The 2009 Ageing Report, Assumptions (European Commission, 2008a) маълумотлари асосида тузилган.

Назорат саволлари

1. Европа Иттифоки пенсия тизимини вужудга келиши ва ривожланиш босқичларини моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Европа Иттифоки мамлакатлари пенсия таъминоти тизимига жахон молиявий-иктисодий инкирозининг таъсирини баҳоланг?
3. Европа Иттифоки мамлакатларида амал қилаётган пенсия дастури схемалари ва уларнинг даражаларини изоҳланг?
4. Европа Комиссиясининг минтақа мамлакатларида пенсия фондлари фаолиятининг мувофиқлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган дастурни амалга оширилиши ва уларнинг натижалари тўғрисидаги ҳисоботининг мазмуни ва моҳиятини тушунтиринг?
5. Европа Комиссиясининг минтақа мамлакатларида амал қилаётган пенсия тизимларининг мувофиқлиги ва уларнинг молиявий барқарорлиги тўғрисидаги маълумотларда ўзида акс эттирган ҳисоботининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Европа Иттифоки мамлакатларида амалга оширилаётган пенсия таъминоти тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини санаб беринг?
7. Европа Иттифоки мамлакатлари пенсия таъминоти тизимидаги мавжуд умумий муаммолар ва уларнинг гуруҳланиши?

Асосий тушунчалар

Пенсияларнинг мувофиқлик кўрсаткичлари ҳисоботи (PAR – Pension Adequacy Report) – пенсия бадалларининг оптимал даражасини таъминлаш кекса ёшдаги аҳолини ижтимоий муҳтожликдан ҳимоялаш билан бир қаторда уларнинг ёшлик давридаги турмуш фаровонлигини кексалик даврида ҳам давом эттириш имкониятини вужудга келтиради. Айрим аҳоли гуруҳлари кексалик даврида турли қийинчиликларга дуч келишлари мумкин ҳисобланади. Аҳолини жинсий таркиби бўйича олиб қарайдиган бўлсак, аёллар кексалик даврига етганларида пенсия бадаллари уларнинг муносиб даражада турмуш кечиришлари учун етарли эмаслиги, яъни номувофиқлиги муаммосига дуч келадилар (ушбу ҳолат маълум бир даражада меҳнат бозорида эркаклар ва аёлларнинг бандлиги даражаси ва турига боғлиқ бўлади).

Европа Комиссияси – Европа Парламенти ва Кенгашининг қарорларини бажарилиши, Европа Иттифоки битимлари ва бошқа ҳуқуқий актларга риоя қилишни назорат қилиш ва ЕИнинг амалга оширилаётган ислохот дастурларини назорат қилиш билан шугулланувчи ЕИнинг минтақавий ижро этувчи органи ҳисобланади. Комиссия Вазирлар

Маҳкамаси каби фаолият юритади ва расмий комиссия деб аталган 28 та аъзодан иборат бўлади. Ҳар бир ЕИ мамлакати ўз аъзоларидан бир комиссия вакилини тайинлайди. Бирок комиссия аъзолари уларни тайинлаган давлатнинг позициясини қўллаб-қувватлаш эмас, балки бутун ЕИнинг манфаатларини химоя қилиш шарт. 28 комиссия аъзосидан бири Европа Кенгаши томонидан тавсия этилган ва Европа Парламенти томонидан сайланган ҳолда комиссия раиси этиб тайинланади. Кенгаш комиссия раисининг розилиги билан Европа Комиссиясининг парламентга тавсия этилган номзодлардан 27 та бошқа комиссия аъзоларини тайинлайди.

Оқ китоб (White Paper) – Европа комиссиясининг 2012 йилдан буён эълон қилиб келинаётган минтақа мамлакатларида пенсия фондлари фаолиятининг мувофиқлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган дастурни амалга оширилиши ва уларнинг натижалари Тўғрисидаги ҳисоботи. Ушбу ҳисобот таркибий жиҳатдан Европа Комиссиясининг позицияси пенсияларнинг ижтимоий прогнозларини аниқлаш, пенсияларнинг мувофиқ даражада таъминланишига эришиш ва бирдамлик пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигини кафолатлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини илгари суришдан иборат бўлади.

Яшил китоб (Green Paper) – Европа комиссиясининг 2011 йилдан буён эълон қилиб келинаётган минтақа мамлакатларида амал қилаётган пенсия тизимларининг мувофиқлиги ва уларнинг молиявий барқарорлиги Тўғрисидаги маълумотларда ўзида акс эттирган ҳисобот. Ушбу ҳисоботда пенсия бадалларининг тегишли даражасини таъминланишига алоҳида этибор қаратилди.

Тестлар

1. Нечанчи йилдан бери ЕИ мамлакатларида ҳар йили пенсия тизими фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган давлатлар учун муължалланган турли таклифлар ишляб чиқилиб келинмоқда?

- а) 2011 й.
- б) 2008 й.
- в) 1990 й.
- г) 1980 й.

2. 2015 йилда Европа Комиссияси томонидан аҳолининг қариши тўғрисидаги ҳисоботида берилган прогнозларга кўра, 2060 йилга бориб 65 ёшдан катта бўлган ҳар бир аҳолига нисбатан меҳнат лаёқатига эга бўлган (15-64 ёшдаги) аҳолиси қандай нисбатда бўлиши мумкин?

- а) 1/4
- б) 1/2
- в) 1/8
- г) 1/6

3. Гарбий Европа мамлакатларида неча даражали пенсия тизимини амалиётга татбиқ этишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда?

- а) Икки даражали
- б) Уч даражали
- в) Кўп даражали
- г) Бир даражали

4. Европа Комиссиясининг “Оқ китоб (White Paper)” деб номланган ҳисоботида пенсия фондлари фаолиятини мувофиқлиги ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича неча омилга эътиборни қаратади?

- а) Икки омилга
- б) Уч омилга
- в) Тўрт омилга
- г) Беш омилга

5. Қайси ҳужжатда ЕИ мамлакатлари иқтисодиётида аҳолининг меҳнат даври давомийлигини узайтириш, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш каби вазифаларга устуворлик берилган?

- а) “Бизнес Европа (Business Europe)” меморандуми
- б) “Оқ китоб (White Paper)” ҳисоботида
- в) “Яшил китоб (Green Paper)” ҳисоботида
- г) Европа комиссияси экспертлари хулосаларида

6. Қаерда ЕИ мамлакатларида пенсия таъминоти тизими фаолияти 50 ёшдан катта бўлган ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли гуруҳларининг тегишли даражада турмуш фаровонлиги билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган?

- а) “Оқ китоб (White Paper)” ҳисоботида
- б) Бизнес Европа (Business Europe)” меморандуми
- в) “Яшил китоб (Green Paper)” ҳисоботида
- г) Европа комиссияси экспертлари хулосаларида

7. Ҳозирда ЕИ мамлакатларида нечанчи йилга қадар пенсия таъминоти тизимида давлатнинг ишгиرويқини қисқартириш ва пенсия фондлари фаолиятини хусусий секторда ташкил этиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда?

- а) 2050 й.
- б) 2060 й.
- в) 2070 й.
- г) 2080 й.

8. Қайси манбада 2060 йилга қадар бўлган муддатда ЕИ мамлакатларида аҳолини қариб бориши билан бир қаторда ижтимоий таъминот харажатлари пенсия тўловларининг улуши ортиб бориши тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган?

- а) “Қариш тўғрисидаги ҳисобот”
- б) “Оқ китоб (White Paper)” ҳисоботи
- в) “Яшил китоб (Green Paper)” ҳисоботи
- г) Бизнес Европа (Business Europe)” меморандуми

9. 2040-2060 йилларда ЕИ мамлакатлари пенсия тизимида кексаларнинг боғлиқлик коэффициентини неча фоизга етиши кутилмоқда?

- а) 53,5 %
- б) 58,6 %
- в) 28,1 %
- г) 10,8 %

10. PAR – бу ...

- а) Пенсияларнинг мувофиқлик кўрсаткичлари ҳисоботи
- б) “Қариш тўғрисидаги ҳисобот”
- в) “Яшил китоб (Green Paper)” ҳисоботи
- г) Бизнес Европа (Business Europe)” меморандуми

VII БОБ. ГЕРМАНИЯ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

7.1. Германия пенсия тизимининг шаклланиш боскичлари

Германия пенсия тизими ўз ривожланиш тарихига эга. Ижтимоий сугурта илк бор XIX аср охирида жорий этилган ва 1825 йилда Пруссияда биринчи пенсия фонди ташкил қилинган. Германия канцлери Отто фон Бисмарк томонидан 1880 йилларнинг бошида аҳоли ўртасида ижтимоий норозиликларнинг кучайиб кетиши хавфининг олдини олиш мақсадида камбағалликка қарши курашиш ва ишчиларнинг оғир турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ислохотларни амалга оширди. Мамлакатда 1883 йилда ишчиларни касалликлардан, 1884 йилда бахтсиз ҳодисалардан, 1889 йилдан бошлаб эса кексалик ва ногиронлик ҳолатларидан сугурталаш тизимлари (Кексалик ва ногиронлик бўйича сугурта тўғрисидаги қонун қабул қилинди) жорий этилди. Ушбу тизим барча ишчиларни ва йиллик даромади 2 000 рейх маркагача бўлган давлат хизматчиларини камраб олди ва пенсияга 70 ёшда чиқиш мумкинлиги белгилаб қўйилди. Эркақлар ва аёллар, ишчилар ва давлат хизматчилари ўртасида пенсияга чиқиш ёшида фарқ бўлмаган.

Йиллар	Пенсия тизими элементлари
1889 й.	Отто фон Бисмарк ташаббуси билан давлат пенсия тизимининг жорий этилиши
1913 й.	Давлат хизматчилари учун имтиёзли шартларга асосланган алоҳида пенсия тизимининг жорий этилиши
1957 й.	Германия пенсия тизимида янги ислохотлар ва авлодлар бирдамлиги тамойилининг жорий этилиши
1992 й.	Ғарбий ва Шарқий Германиянинг бирлашуви муносабати билан пенсия тизимида янги ислохотларнинг амалга оширилиши
1997 й.	Пенсия ислохотларида демографик омилнинг етакчи омилга айланиши
2000 й.	Германия пенсия тизимида Ристер ва Рюруп моделлари асосида жамғариладиган пенсия тизими элементларининг жорий этилиши

7.1-расм. Германия пенсия тизимининг шаклланиш боскичлари

1913 йилда пенсия тизими ислоҳ этилди ва давлат хизматчилари учун алоҳида бошқа банд аҳоли гуруҳларига нисбатан имтиёзли пенсия тизими жорий этилди. Шу билан бир вақтда суғурта бадаллари йингиш, пенсия тўловларини тақсимлаш билан боғлиқ марказлашган пенсия тизими 1945 йилга қадар амал қилиб келди.

XX асрнинг биринчи ярмига қадар амалга оширилган қатор ислохотларга қарамасдан Германия пенсия тизимида жиддий муаммо ва камчиликлар тўпланиб қолганлиги сабабли 1953 йилда Конрад Аденауэр ҳукумати янги пенсия ислохотларини амалга оширди. 1953 йилда Давлат хизматчилари федерал суғурта ташкилоти ташкил этилди. Ёлланма ишчиларни суғурталаш вазифаси Германия минтақавий органлари зиммасига юклатилди.

Ижтимоий бозор ҳўжалигининг немис модели ижтимоий соҳада давлатнинг фаол иштирокини назарда тутганлиги билан ажралиб туради. Людвиг Эрхард давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг муваффақияти ва ютуқларини “ўзларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган сабаблар – кексалик, касаллик ёки икки жаҳон урушлари оқибатлари – туфайли ишлаб чиқариш жараёнларида бевосита қатнаша олмайдиганлар учун муносиб турмуш даражасини кафолатлаш” имкониятлари билан боғлаган⁹⁹.

Бу даврдаги пенсия ислохоти “авлодлар бирдамлиги” тамойилини амалиётга жорий этишга қаратилган эди. Пенсиялар миқдори жорий иш ҳақи динамикасига боғлаб қўйилди. 1957 йил 23 февралда Ишчи ва хизматчилар суғуртасини тартибга солиш тўғрисидаги қонунларда пенсия таъминоти Бисмарк концепциясининг умумий тамойиллари сақлаб қолинди. Шу билан бир қаторда пенсия тизимига “ўзгариб боровчи пенсия”ларнинг жорий этилиши ва эквивалентлик тамойилининг қучайтирилиши каби янгиликлар киритилди. Пенсия тўловлари миқдори индивидуал тарзда амалга оширилган бадаллар (меҳнат стажи ва аввалги иш ҳақи миқдори) ва жорий иш ҳақи миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланадиган бўлди. Пенсиялар миқдорини реал даромадлар миқдорининг ўзгариши (пенсияларни инфляцияга мос равишда индексациялаш)га автоматик тарзда боғлаб қўйишдан мамлакатдаги умумиқтисодий ҳолат ва иш ҳақи миқдорининг ўзгаришига мос равишда мунтазам ошириб боришга ўтилди.

1957 йилдаги пенсия ислохотларида давлат хизматчилари ва бошқа банд аҳоли гуруҳларини пенсия билан таъминлаш (пенсия тўловлари ва бадаллари миқдори ҳамда уларни ҳисоблаш усуллари)даги фарқларни йўқотишга алоҳида эътибор қаратилди. Тадбиркорлар, фермерлар ва эркин касб эгалари билан боғлиқ мажбурий пенсия суғуртаси билан қамраб олинмаганлиги ушбу ислохотларнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

⁹⁹ Эрхард Л. Полвека размышлений: Речь и статьи. М., 1993. С. 350.

1957 йилда қабул қилинган пенсия сугуртаси тизимига 1969, 1972, 1992 йилларда турли ўзгартиришлар киритилганлигига қарамасдан 1992 йилга қадар амал қилди. 1992 йилда Германия пенсия тизимига собик ГДР ҳудудлари ҳам қўшилди. 1997 йилда Германия ҳукумати янги пенсия ислохоти дастурини тақдидлади. Унга мувофиқ пенсия тўловлари миқдорини ҳисоблашда демографик омил эътиборга олина бошлади.

Кўриб ўтганимиздек, XXI аср бошларига қадар Германия пенсия тизими давлат пенсия фондлари ва корпоратив пенсия дастурларига асосланган эди. XXI аср бошларига келиб Германия ҳукумати аҳолининг қариши, ишсизлик ва иммиграция даражасининг ортиши каби макроиқтисодий сабабларга кўра пенсия тўловларини амалга оширишда муаммоларга дуч келди. Шу билан боғлиқ ҳолда 2001 йилда Германия ҳукумати Ристер¹⁰⁰ моделига мувофиқ аҳоли ва молия секторини солиқ ва бошқа имтиёзлар ёрдамида рағбатлантириш орқали хусусий пенсия дастурлари улушини оширишга ҳаракат қила бошлади.

Пенсия тизимини ислох этишининг Ристер моделида асосий эътибор молиялаштиришнинг турли усулларини аралаш қўллаш орқали пенсия тизими самарадорлигини оширишга қаратилди. Шу тариқа пенсия тизимининг мамлакатдаги демографик вазиятга боғлиқлигини юмшатиш режалаштирилди. 2002 йилда Германияда молиялаштиришнинг жамғариладиган шаклига асосланган хусусий пенсия сугуртаси тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Пенсия сугуртасининг ушбу шакли “Ристер пенсияси” номини олди. Ристер моделига мувофиқ индивидуал пенсия счётига иш ҳақи миқдорининг 4%гача (қонунда белгиланган минимумдан кам бўлмаган миқдорда) ихтиёрий бадаллар ўтказиш ва уларни омонатчининг болалари сонига боғлиқ ҳолда давлат бюджетидан субсидиялаш белгилаб қўйилди. Хусусий пенсия сугуртасини амалиётга жорий этиш билан бир вақтда молиялаштиришнинг қайта тақсимлаш шаклига асосланган давлат пенсияларини босқичма-босқич қамайтириб бориш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди. Давлат пенсия тўловларининг пенсия тизимидаги максимал улуши 2030 йилгача бўлган даврда 70%дан 67%га қадар қисқартирилиши кўзда тутилди.

2002 йилда бошланган пенсия ислохотлари кўзланган мақсадга эришиш имконини бермаганлиги боис унга 2004 йилда Рюруп¹⁰¹ модели бўйича янги ўзгартиришлар киритилди. Германияда пенсия тўловларини демографик ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда индексациялаш кўрсаткичи қабул қилинди. Рюруп-пенсия дастурининг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унга мувофиқ давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлмаган эркин касб эгаларига ҳам жамғариладиган пенсия дастурларидан фойдаланиш имконияти берилди.

¹⁰⁰ Вальтер Ристер – 1998-2002 йилларда Германия федерал меҳнат ва жамоат ишлари вазيري.
¹⁰¹ Берг Рюруп – таъқиқ иқтисодчиси, Германия эксперт иқтисодий кенгаши собик раиси.

7.2. Германия пенсия тизимининг амал қилиш тамойиллари ва таркиби

Германия пенсия таъминоти тизимида олиб борилган тизимли ислохотлар мамлакат пенсия тизими учун хос бўлган қуйидаги тамойилларининг шаклланишига олиб келди.

1. Эквивалентлик тамойили. Пенсия тўловлари миқдори меҳнат фаолияти давомида пенсия суғуртаси фондига тўланган бадаллар миқдори (фоизда) ва пенсия суғуртаси муддатига боғлиқ бўлиши зарур.

2. Ўзгарувчанлик тамойили. Пенсия тўловлари миқдори мамлакатда ўртача иш ҳақи миқдорининг ортиши билан мутаносиб тарзда ўзгартирилиши лозим. Ушбу ҳолат иш ҳақига нисбатан ҳисобланадиган барча солиқлар ҳамда ижтимоий суғурта бадалларини ҳисобга олган ҳолда пенсия тўловларини барқарор ўсиб бориш тенденциясини таъминлайди.

3. Хавфсизлик тамойили. Пенсия тўловлари миқдори ижтимоий суғурта фонди ва давлат бюджетининг имкониятларига боғлиқ ҳолда пенсионернинг меҳнат фаолияти даврида эришган турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш даражасида бўлиши зарурлигини аңлатади. Бу ўз навбатида пенсионер учун яшаш минимуми барқарорлигини таъминлаш имкониятини яратиб бериши лозим.

Германияда амал қиладиган пенсия тизими ГАРБИЙ Европанинг Австрия, Италия, Франция каби мамлакатлари учун ҳам хосдир. Германияда ижтимоий таъминотнинг бири-бирига ўхшамаган турли вариантлари қўлланилади. Улар суғурталанувчилар, молиялаштириш тамойиллари, нафакалар бериш, хизматлар кўрсатиш, тақдим этилаётган кафолатлар даражаси каби омиллар бўйича фарқланади. Германияда амал қиладиган пенсия тизими ҳам уч даражадан иборат.

Биринчи даража барча пенсия тизимларига хос бўлиб, аҳолининг муайян гуруҳлари учун мажбурий ҳисобланади. Германияда пенсия тизимининг биринчи даражаси қуйидаги мажбурий компонентлардан иборат:

- ишчи ва ходимлар, ўзини-ўзи банд этувчи аҳолининг айрим гуруҳлари учун пенсия суғуртаси;

- давлат хизматчилари учун пенсия таъминоти;

- фермерлар ва уларнинг оила аъзолари учун кексаликда ёрдам;

- эркин касб эгалари вакиллари (шифокорлар, меъморлар, адвокатлар, нотариуслар ва х.к.) гуруҳлари бўйича пенсия таъминоти.

Германия пенсия тизимининг биринчи даражаси давлат пенсия таъминоти ҳисобланиб, даромадга йўналтирилган ва пенсия тўловлари миқдори белгилаб қўйилган. Ушбу дастур меҳнатга лаёқатлиликни йўқотиш, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ва ишсизлик ҳолатларидан ижтимоий суғурталашни таъминлаш учун хизмат қилади. Давлат пенсия таъминоти қисман фондлаштирилади ва барча меҳнатга лаёқатли аҳоли бадаллар тўлаши мажбурий ҳисобланади. Бадаллар тўланиши мажбурий бўлган иш ҳақи миқдорининг энг кам миқдори ёлланма ишчи учун ойига 5600 евро ва

иш берувчи учун 5500 еврога тенг. Ушбу чегаралан юкори иш хакидан тўланадиган бадаллар ихтиёрий ҳисобланади.



7.2-расм. Германия пенсия тизимининг таркиби

Германияда пенсия сугуртаси тизимида бадаллар миқдори иш хаки миқдорига боғлиқ бўлиб, иш хаки миқдори қанча кўп бўлса, бадаллар миқдори ҳам шунчалик юкори бўлади. Сугурта бадаллари иш берувчи томонидан амалга оширилади. Пенсия сугуртаси учун бадаллар ишловчи ходимнинг маоши ва иш берувчи маблаглари ҳисобидан 50/50 нисбатда ундирилади. Пенсия бадалининг умумий суммаси брутто-иш хакига нисбатан 18,6% миқдорида аниқланади.

7.1-жадвал

Германияда ижтимоий сугурта тизимига (иш хакидан) тўловлар, 2017 й.

Сугурта тури	Брутто иш хакига нисбатан фойз ҳисобида
Пенсия сугуртаси	18,6
Тиббий сугурта	15,7
Ишсизлик бўйича сугурта	3,0
Парваришlash бўйича сугурта	2,3
Жами	39,6

Агар ишчи ойига 450 евро миқдориди, яъни минимал иш (**minijob**) хақи оладиган бўлса, у ҳолда пенсия сугуртаси бадалли 18,6%ни ташкил этади ва унинг 15%ини иш берувчи, 3,6%ини эса Ёлланма ишчи тўлайди. Ўзини-ўзи банд этувчи аҳоли бадаллар тўлашни тўлиқ ставкада амалга оширадилар. Ишловчи ходим фарзанди уч ёшга тўлгунча таътилда бўлганда бадаллар федерал ҳокимият органлари томонидан тўланади.

Германияда давлат пенсия фондига тўланадиган бадаллар ставкаси ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, ва ушбу кўрсаткич 1960-2017 йилларда 14,8%дан 18,6%га қадар ошган. Прогнозларга кўра ушбу ставка 2020 йилга қадар 20%га ва 2030 йилга қадар эса 22%гача оширилиши кутилмоқда¹⁰².

Германияда иш берувчи ва ишловчи ходимлар бадаллари билан биргаликда бюджет дотациялари ҳам давлат пенсияларини молиялаштириш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Пенсияга чиқишда пенсия олиш ҳуқуқи “балли тизим” бўйича аниқланади.

Иккинчи даража корхоналар томонидан молиялаштириладиган ижтимоий таъминот тизимидан ташкил топган. Аксарият корхоналарда ўз ходимлари ҳисобига қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча пенсия тўловларини амалга ошириш қондаси амал қилади. Ушбу турдаги тўловларни амалга ошириш учун қасаба уюшмалари ва иш берувчилар ассоциациялари ўртасида тузилган махсус шартномалар мавжуд. Тахлиллар кўрсатишича, Германия ишчиларининг деярли ярми кексаликда нодавлат пенсия таъминотига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Германияда ихтиёрий корпоратив пенсия дастурларини ташкил этиш имконияти 1974 йилда Корпоратив пенсиялар тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши билан вужудга келди. Кўплаб йирик немис корхоналари (Mercedes, Airbus, Siemens) собиқ ходимларига қўшимча пенсиялар тўлаб боришади. Пенсия тизимининг ушбу даражаси ихтиёрий ҳисобланади ва пенсиялар тўлаш ўз ходимларига пенсия тўлаш тўғрисида мустақил қарор қабул қилувчи корхоналар томонидан амалга оширилади. Ристер ислохотлари жараёнида ишловчи ходимлар иш берувчидан ўз иш хақи миқдорининг 4%гача бўлган суммаси солиққа тортилгунга қадар корпоратив пенсия дастурига ўтказишни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлишди. Бунда дастур ҳомийси пенсия жамғармаси учун қўйилмалар бўйича даромадлилик даражасинининг йиллик нормаси 0%дан кам бўлмаслигини қафолатлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Германияда корпоратив пенсия дастурлари қуйидаги шаклларда таъсис этилиши мумкин¹⁰³:

1. Компания балансида захиралар;
2. Пенсия фондлари;
3. Тўғридан-тўғри (бевосита) сугурталаш;
4. Ихтисослаштирилган сугурта компаниялари хизматлари;

¹⁰² <https://ru-geld.de/pension/>

¹⁰³ Абрамов А.Е. Институциональные инвесторы в мире: особенности деятельности и политика развития: в 2 кн.: кн. 1/А.Е. Абрамов; Науч. ред. А.Д. Радыгин. М.: Дело, РАНХиГС, 2014. 544 с. С. 201.

5. Ихтисослаштирилган фондлар.

Компания балансида захира сифатида ташкил этиладиган корпоратив пенсия дастурлари Германияда энг оммалашган дастур ҳисобланади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра ушбу дастурлар ҳиссасига мамлакатдаги корпоратив пенсия дастурларининг 60%и тўғри келади. Жамғармаларнинг бу шакли иш берувчи учун фойдали саналади ва у маблагларни захирага йўналтирганда солиқлар бўйича имтиёзлар олиш ва ушбу маблагларни ўз бизнесини молиялаштириш учун фойдаланиш имкониятини беради.

Корпоратив пенсия дастурларининг оммалашган навбатдаги шакли ихтисослаштирилган сугурта компаниялари полислари ҳисобланади. Улар ҳиссасига жами корпоратив пенсия дастурларининг 23%га яқини ва пенсия фондлари ҳиссасига эса 1%и тўғри келади.

Тўғридан-тўғри сугурталашда иш берувчи сугурталовчи сифатида мустақил сугурта компанияси билан ҳаёт сугуртаси бўйича пенсия сугуртаси полисини тузади, ёлланма ишчи эса ушбу полис бўйича бенефициар ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган сугурта компаниялари хизматлари – ўзаро сугурталаш уюшмаси ёки давлат компанияси шаклида ташкил этиладиган юридик шахс томонидан тақдим этиладиган пенсия сугуртаси дастури ҳисобланади. Ушбу пенсия кассалари алоҳида иш берувчи ёки тармок компаниялари гуруҳи учун махсус ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган фондлар шаклидаги пенсия дастури уюшма, масъулияти чекланган жамият ёки пенсия жамғармаларини жамғаришга хизмат қилувчи муассаса шаклидаги юридик шахсни ташкил этишни кўзда тутаяди. Ёлланма ишчи бу турдаги ихтисослаштирилган фондлар билан иш берувчи орқали муносабатга киришади.

Пенсия фондлари ўзаро кредитлаш ёки давлат компанияси шаклида ташкил этиладиган юридик шахс ҳисобланади.

Иш берувчи ва ёлланма ишчилар тўлайдиган пенсия бадаллари миқдори ва бошқа шартлар корпоратив пенсия дастурларида иш берувчига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган. Пенсия дастурларининг шартлари бири-биридан тармок, иқтисодий сектори, иш берувчининг хохишига кўра жиддий фаркланади. Корпоратив пенсиялар миқдори иш берувчи фойдаси, ёлланма ишчининг стажи ва иш жойи, тариф сеткасидаги ўрнига боғлиқ бўлади. Масалан, юқори малакали мутахассис оёйига 600 еврога тенг корпоратив пенсияга, оддий ишчи эса 100-200 еврога тенг пенсияга даъвогарлик қилиши мумкин. Ушбу турдаги пенсияни олиш учун компанияда муайян муддат ишлаган бўлиш зарур. Умуман, Германияда аҳолининг 3/5 қисми иккинчи даража пенсия сугуртаси билан камраб олинган.

Шунингдек, Германияда мустақил тарзда қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк ёки омонатларга тааллуқли битимлар тузиш орқали ҳам кексалик даври учун молиявий маблаг жамғариш мумкин. Ушбу вариант пенсия таъминотининг учинчи даражаси ҳисобланади. Германияда ўз капиталини

шакллантиришнинг кенг тарқалган усули ҳаёт суғуртаси тўғрисидаги шартнома ҳисобланади. Ҳаёт суғуртаси маблағлар жамғариш ёки индивидуал пенсия суғуртасини шакллантириш учун амалга оширилади.

Ристер-пенсияси мажбурий давлат пенсия дастурларида иштирок этадиганлар учунгина мўлжалланган. Юқорида кайд этилганидек, давлат пенсия дастурига бадаллар тўланиши лозим бўлган иш ҳақининг энг кам миқдори ойига 5600 еврога тенг бўлиши зарур. Ушбу ҳолат Германия аҳолисининг 80%идан ортиги “Ристер-пенсияси”га даъвогарлик қилишини англатади. Германия ҳукумати “Ристер пенсияси” ёрдамида кам таъминланган уй хўжаликлари, ёшлар, кўп фарзандли оилалар ва ишсизлик нафақаси олаётган ишсизларнинг пенсия жамғармаларини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади. Давлат кайд этилган аҳоли гуруҳларининг пенсия жамғармаларини молиявий қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларидан эмас, балки уларни бюджет ҳисобидан биргаликда молиялаштириш усулидан фойдаланди.

Дастлаб “Ристер-пенсияси” дастури қатнашчилари 11 турдаги мажбурий шартларни бажаришлари лозим эди: бадалларни мунтазам тўлаб бориш; жамғармаларнинг йиллик ижобий даромадлигини таъминлаш; бир умрлик аннуитет кўринишидаги тўловларни амалга ошириш; бир йўла тўланадиган пенсия миқдори жамғарма қийматининг 20%идан ошмаслиги ва бошқалар. “Ристер-пенсияси” дастури хизматларининг аксарият қисми суғурта компаниялари, инвестиция фондлари ва банклар томонидан кўрсатилган. “Ристер-пенсияси” жорий этилган йилда ушбу дастурга 1,4 млн киши аъзо бўлган бўлса, дастурда кўрсатилган талабларнинг аъзолар ва пенсия хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар учун мураккаблиги боис дастурга аъзо бўлиш тўхтаб қолди. Шу билан боғлиқ ҳолда 2005 йилда аъзо бўлиш тартиби соддалаштирилди ва талаблар сони 11 талдан 5 тага қадар қисқартирилди. Жумладан, бир йўла тўланадиган пенсия миқдори жамғарма қийматининг 20%идан 30%ига қадар оширилди. Аъзоларнинг минимал бадаллари миқдори йилига 60 еврога тенглаштирилди.

2008 йилдан бошлаб “Ристер-пенсияси” дастури қатнашчилари бадаллари уларнинг йиллик даромадига нисбатан 4%дан ошмаслиги ва 2100 еврога тенглиги белгилаб қўйилди. Давлат субсидияларини тўлиқ ҳажмда олиш учун дастур қатнашчиси бадалларни белгиланган максимал даражада тўлаши зарур.

Давлат томонидан тўланадиган субсидиялар қуйидаги элементлардан ташкил топади: асосий субсидия, фарзанд учун қўшимча субсидия ва солиқ имтиёзлари.

Асосий субсидия пенсия дастури қатнашчисининг индивидуал пенсия бадалини давлат билан биргаликда молиялаштиришга асосланади. Ушбу субсидия миқдори қатнашчилар ўртасида табақалаштирилмайди. Аммо ушбу субсидияни олиш учун паст ёки ўрта даромадли уй хўжалигига тааллуқли бўлиш зарур.

Қўшимча субсидия оиладаги ҳар бир фарзандга ажратилади.

Солик имтиёзлари соликка тортиладиган даромат базасининг камайтирилиши билан изохланади. 2008 йилдан бошлаб hozirga кадар солик имтиёзлари миқдори ўзгармаган (7.2-жадвал).

7.2-жадвал

“Ристер-пенсияси” дастури қатнашчиларини рағбатлантириш меъёрлари

Жорий этилган йил	Бадал миқдорининг белгиланган чегараси (жамми дароматга нисбатан, %)	Асосий субсидия (йил, евро)	Фарзанд учун субсидия (йил, евро)	Солик имтиёзлари миқдори (евро)
2002 й.	1,0	38	46	525
2004/2005 й.	2,0	76	92	1050
2006 й.	3,0	114	138	1575
2008 й.	4,0	154	185*	2100

* 2008 йилдан кейин тузилган ҳар бир фарзанд учун субсидия миқдори 300 евро.

“Ристер-пенсияси” дастурида жамғармаларни инвестициялаш қуйидагича амалга оширилади. Аъзо классик пенсия сугуртаси жараёнида жамғарма банкларида омонотлардан тортиб инвестиция фондлари орқали фонд бозорларига инвестиция киритишга кадар турли Ристер-шартномасини тузиши мумкин. Бунда риск даражаси турлича бўлган молиявий хизматлардан фойдаланилади.

Мамлакатда қуйидаги жамғариладиган молия маҳсулотлари мавжуд:

- рағбатлантирилувчи сугурта маҳсулоти;
- банк жамғармалари дастури;
- рағбатлантирилмайдиган фонд жамғармалари дастури.

Ушбу дастурларнинг ҳар бири фуқарони кексаликда моддий таъминлашнинг турли имкониятларига эга. Жумладан, фақат рағбатлантирилувчи сугурта шартномасини тузишда шартномага қўшимча равишда меҳнат қобилиятини йўқотишдан химоялаш ёки вафот этганда яқин қариндошларини сугурталаш шартлари киритилиши мумкин.

2004 йилдан бошлаб Рюруп дастурига мувофиқ ўзини-ўзи банд этувчилар учун ихтиёрий индивидуал пенсия дастури қабул қилинди. Рюруп моделига мувофиқ пенсия хизматлари бўйича солик имтиёзларига эга бўлиш учун “Ристер-пенсияси” дастури мезонлари қуйидагича кискартирилди¹⁰⁴:

- 60 ёшгача пенсияга чиқмаслик;
- Пенсия тўловларини умр давомида, ойма-ой тўлаш;
- Пенсия бадалларини бошқа шахсларга бермаслик;
- Пенсия хизматларини мерос қилиб ўтказмаслик;
- Пенсия сугуртаси тўғрисидаги шартномани фақат тирик қариндошлар билан тузиш.

¹⁰⁴ Bundesministerium für Arbeit und Soziales (BMAS 2006): Nationaler Strategiebericht Alterssicherung 2005. URL: <http://www.bmas.bund.de/BMAS/Navigation/Soziale-Sicherung/berichte,did=121966.html>

Германия учун биринчи навбатда мажбурий пенсия сугуртаси мухим ҳисобланади. 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган аҳоли мамлакат аҳолисининг 80%ини ташкил этади ва улар сугурталанувчи шахс мақомига эга. Пенсия тизимига келиб тушаётган маблағларнинг 2/3 қисми пенсия тўловлари ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ пенсия миқдорини ошириш пенсия сугуртасининг таркибий элементи ҳисобланади. Фуқаролар пенсия ёшига етган ва пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишганда пенсия миқдори ўзгармас бўлиб қолмайди. Пенсиялар миқдори ҳар йили индексация қилинади.

Германияда пенсияга чиқиш ёши унинг туғилган йилига боғлиқ ҳолда аниқланади. 1947 йилга қадар туғилганлар 65 ёшда пенсияга чиқишади ва кейинги ҳар бир йил учун пенсияга чиқиш ёши босқичма-босқич ошириб борилади. Фақат 1964 йилдан кейин туғилганлар 67 ёшда пенсияга чиқади (7.3-жадвал).

7.3-жадвал

Германияда пенсияга чиқиш ёши

Туғилган йили	Пенсияга чиқиш ёши
1947 йилгача	65 ёш
1947-1958 йй.	65 ёшга ҳар ўтган 1 йил учун 1 ой қўшилади *
1958 й.	66 ёш
1959-1963 йй.	66 ёшга ҳар ўтган 2 ой қўшилади **
1964 йилдан	67 ёш

* Мисол учун, агар Сиз 1950 йилда туғилган бўлсангиз, пенсияга чиқиш ёшингиз - 65 ёш ва 4 ой (чунки 1947 йилдан 1950 йилга қадар 4 йил ўтган, демак ҳар 1 йил учун 1 ойдан қўшилади) бўлади.

** Мисол учун, агар Сиз 1960 йилда туғилган бўлсангиз пенсияга чиқиш ёшингиз - 66 ёш ва 4 ой (чунки 1959 йилдан 1960 йилга қадар 2 йил ўтган, демак ҳар 1 йил учун 2 ойдан қўшилади) бўлади.

Мамлакат қонунчилигида муддатидан олдин пенсияга чиқишга қуйидаги ҳолатларда руҳсат берилади:

- пенсия сугуртаси тизимига 45 йилдан кам бўлмаган муддатда бадаллар тўлаган кишилар туғилган йилига боғлиқ ҳолда 63-65 ёшида пенсияга чиқишлари мумкин;
- 1952 йилга қадар туғилган ва қонунда белгиланган қатор шартларни бажарган аёллар 60 ёшга тўлганларида пенсияга чиқишлари мумкин;
- Ногиронлар ва айрим гуруҳ кишилари муддатидан олдин пенсияга чиқишлари мумкин.

Германия пенсия таъминоти соҳасининг ҳуқуқий асослари Меҳнат ва ижтимоий сиёсат бўйича федерал вазирлиги томонидан тартибга солинади. Мажбурий пенсия сугуртаси тизими Хизматчилар сугуртаси бўйича федерал

идора, немис ерлари ижтимоий сугурта идоралари, Тоғ-кон ишчилари сугуртаси федерал идораси, Темирийул ишчилари ижтимоий сугуртаси идораси ва Денгиз кассаси томонидан қўллаб-қувватланади. Ушбу идоралар ягона “Германия Пенсия сугуртаси бўйича федерал ташкилот” номи билан фаолият юритади. Ушбу ташкилот пенсияларни тайинлаш ва тўлаш билан шуғулланади. Германияда фукаро меҳнат фаолиятини бошлагандан давлат пенсия сугуртаси тизимида автоматик тарзда рўйхатга олинади ва сугурта тизими аъзосига айланади. Пенсия сугуртаси тизимида рўйхатдан ўтганлар шахсий сугурта номери ва ўз хисоб рақамига эга бўлишади.

7.3. Германияда пенсияларни ҳисоблаш тартиби

Германияда пенсия тўловларини ҳисоблаш мураккаб ҳисоб-китобларга асосланади. Пенсияларни ҳисоблашда иш хақи (сугурта фондига тўланадиган тўловлар) ва меҳнат стажидан ташқари “пенсия бали”ни шакллантиришга таъсир килувчи қўшимча омилларни ҳам эътиборга олиш зарур бўлади. Пенсиялар миқдорини ҳисоблашда меҳнат стажига қўшиладиган алоҳида ҳолатлар (масалан, фарзандларни уч ёшгача тарбиялаш даври, мактаб ва университетларда ўқиш, ишсизлик даври, ҳарбий хизмат муддати, болалар сони ва бошқалар) мавжудки, ушбу ҳолатлар мамлакатда демографик вазиятни яхшилаш, меҳнат ресурслари сифатини оширишни рағбатлантиришга қаратилгандир.

Ёшга доир пенсияни ҳисоблашда қуйидаги формула қўлланилади.

$$Rente = EP \cdot ZF \cdot RAF \cdot aRW$$

бу ерда:

Rente – ойлик пенсия миқдори, евро;

EP (*Entgeltpunkte*) – пенсия баллари;

ZF (*Zugangsfaktor*) – пенсияга чиқиш коэффиценти;

RAF (*Rentenartfaktor*) – пенсия турини белгилаб берувчи коэффицент;

aRW (*aktueller Rentenwert*) – пенсия балининг қиймати.

EP – сугурталанувчи томонидан меҳнат фаолияти давомида пенсия фондига ажратган пенсия бадаллари суммасини аке эттиради. Германия ижтимоий кодексин Олтинчи китобининг 63 параграфига (SGB VI) мувофиқ йил давомида ўртача статистик иш хақи миқдorigа тенг иш хақидан пенсия фондига ажратилган бадаллар суммаси учун 1 балл берилади.

Демак, бир календарь йилида тўпланган пенсия баллари:

а) сугурталанувчи даромадининг ўртача даромадга боғлиқлигини аке эттиради;

б) турли йилларда амалга оширилган пенсия бадаллари миқдорини қиёсий таққослаш имконини беради;

в) даромадларнинг ўзгариб бориши билан пенсиялар миқдори ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини яратади.

Ёшга доир пенсияни ҳисоблаш учун пенсия балини аниқлаш тартиби¹⁰⁵

Йил	Пенсия сугуртаси тарифи (ишчи+иш берувчи улуши, %)	Гарбий Германия		Шаркий Германия	
		Ўртача иш хаки	Максимум	Ўртача иш хаки	Максимум
2000	19,3(9,65+9,65)	4480 DM		3640 DM	
2001	19,1(9,55%+9,55)	4480 DM		3780 DM	
2003	19,5%(9,75+9,75)	2380 €		1995 €	
2007	19,9(9,95+9,95)	2450 €		2100 €	
2012	19,6(9,80%+9,80)	2625 €	5600 €	2240 €	4800 €
2013	18,9(9,45+9,45)	2695 €	5800 €	2275 €	4900 €
2015	18,7(9,35+9,35)	2835 €	6050 €	2415 €	5200 €
2016	18,7(9,35+ 9,35)	2905 €	6200 €	2520 €	5400 €
2017	18,7(9,35+9,35)	2975 €	6350 €	2660 €	5700 €
2018	18,6(9,30+9,30)	3045 €	6500 €	2695 €	5800 €

Изоҳ: бошқа турдаги пенсияларни ҳисоблаш учун бошқа жадавдалар мавжуд.

Мисол: 2014 йил 1 январдан бошлаб барча сугурталанувчилар учун ўртача статистик иш хаки миқдори Гарбий Германияда 2765 евро ва Шаркий Германияда 2345 еврога тенг бўлди. Агар сугурталанувчининг иш хаки миқдори ўртача статистик иш хаки миқдорига тенг бўлган бўлса, у ҳолда у 1 балл тўплайди. Агар унинг иш хаки миқдори ўртача кўрсаткичдан 2 баравар кам бўлса, у ҳолда 0,5 балл тўплайди. Агар иш хаки миқдори ўртача кўрсаткичдан 2 баравар кўп бўлса, у ҳолда у 2 балл тўплайди ва х.к. Шу билан бир вақтда пенсия балининг муайян чегарадан юқори бўлмаслиги лозим. 2014 йилда Гарбий Германияда пенсия балининг максимал киймати 2,151899 га тенглаштирилган. Ушбу кўрсаткич максимум кўрсаткичнинг ўртача иш хакига нисбати (5950/2765) сифатида аниқланади. Фарзандлар тарбияси ёки оиланинг бемор аъзосига қараш билан боғлиқ даврда пенсия сугуртаси бадаллари тўланмаганлиги сабабли пенсия балини ҳисоблашнинг алоҳида тартиби жорий этилган.

ZF – ушбу коэффицент пенсия формуласига 1992 йилда киритилган бўлиб, сугурталанувчиларнинг пенсияга чиқиш вақтини ҳисоблаш учун қўлланилади. Агар пенсияга чиқиш Германия конунчилигига мувофиқ ёшда рўй берса, унда $ZF=1$ га тенг бўлади. Муддатидан олдин пенсияга чиқишда $ZF<1$, муддатидан кеч пенсияга чиқишда эса $ZF>1$ бўлади. Муддатидан олдин пенсияга чиқишда ZF коэффиценти эрта чиқилган даврнинг ҳар календарь ойи учун 0,003 га камайтирилади. Бу пенсиялар миқдорининг ҳар ой учун 0,3%га камайишига олиб келади. Ушбу камайтирилган миқдор пенсиялар тўланадиган барча даврлар учун қўлланилади ва кейинчалик пенсия олувчининг ёшига боғлиқ бўлмайди. Муддатидан кеч пенсияга

¹⁰⁵ <https://www.lohn-info.de/rentenversicherung.html>

чиқишда эса ZF коэффициентни пенсияга чиқиш ёшидан кейинги даврнинг хар календарь ойи учун 0,005 га оширилади. Бу пенсиялар миқдорининг хар ой учун 0,5%га оширилишига олиб келади. ZF коэффициентни 2001 йил 1 январдан бошлаб бошқа турдаги пенсияларни ҳисоблаш учун ҳам жорий этилган. ZF коэффициентини ҳисоблаш ва миқдорини аниқлаш тартиби Германия конунчилигига мувофиқ амага оширилади (7.5-жадвал).

7.5-жадвал

Ёшга доир пенсияни ҳисоблашда пенсияга чиқиш коэффициенти ZF

Пенсияга чиқиш	ZF
4 йил олдин (48 ой.)	0,856
3 йил олдин (36 ой.)	0,892
2 йил олдин (24 ой.)	0,928
1 йил олдин (12 ой.)	0,964
3 ой олдин	0,991
2 ой олдин	0,994
1 ой олдин	0,997
Пенсия ёшида	1,000
1 ой кейин	1,005
2 ой кейин	1,010
3 ой кейин	1,015
1 йил кейин (12 ой.)	1,060
2 йил кейин (24 ой.)	1,120
3 йил кейин (36 ой.)	1,180
4 йил кейин (48 ой.)	1,240

RAF коэффициенти – 1992 йилда пенсияни ҳисоблаш формуласига киритилган бўлиб, у пенсия турини аниқлаш имконини беради. Ушбу коэффициент ёрдамида пенсия формуласини ёшга доир пенсиядан бошқа пенсияларни ҳам ҳисоблаш имконияти пайдо бўлди.

7.6-жадвал

Пенсия турини аниқлаб берувчи коэффициенти - RAF

Пенсия тури	RAF
Ёшга доир пенсия	1,0
Бола тарбияси билан боғлиқ пенсия	1,0
Меҳнат қобилиятини тўлиқ йўқотганлик билан боғлиқ пенсия	1,0
Меҳнат қобилиятини қисман йўқотганлик билан боғлиқ пенсия	0,5
Бевалик пенсияси (катта)	0,55
Бевалик пенсияси (кичик)	0,25
Чин етимлик пенсияси	0,2
Ярим етимлик пенсияси	0,1

Пенсияга чиқиш балининг қиймати (aRW) ҳар йили ҳисобланади ва 1 июлда эълон қилинади. Унинг миқдори иш ҳақи миқдори, пенсия фондига ажратилаётган сугурта бадалли даражаси ва мамлакатдаги демографик вазиятга боғлиқ тарзда ўзгариб туради. Пенсияга чиқиш балининг қиймати алоҳида формула ёрдамида аниқланади (7.7-жадвал).

7.7-жадвал

Пенсияга чиқиш балининг қийматини аниқлаш жадвали

Йиллар	Шаркий Германия		Ғарбий Германия		
	aRW	Ўтган йилга нисбатан ўзгар	aRW	Ўтган йилга нисбатан ўзгар	Ўртача иш ҳақига нисбатан, %
1960			6,34 DM		56,1 %
1990	15,95 DM		39,58 DM		51,0 %
01.01.2002 йил 1 январдан	22,06224 €		25,31406 €		
2007 йил 1 июлдан	23,09 €	0,52 %	26,27 €	0,54 %	47,4 %
2008 йил 1 июлдан	23,34 €	1,08 %	26,56 €	1,10 %	46,8 %
2009 йил 1 июлдан	24,13 €	3,38 %	27,20 €	2,41 %	47,6 %
2017 йил 1 июлдан	29,69 €	3,59 %	31,03 €	1,90 %	

1-мисол. Ишчи 1946 йилда Ғарбий Германияда туғилган, 45 йил узлуксиз меҳнат стажига эга ва пенсия фондига мунтазам бадаллар тўлаб келган. Унинг иш ҳақи миқдори ҳар доим пенсия фондида сугурталанганларнинг ўртача статистик иш ҳақи миқдорига мос келгани учун у ҳар йил учун 1 балдан пенсия бали йнгиш имконини беради. У 2011 йилнинг кузида 65 ёшида Германия қонунчилигига мувофиқ (ZF = 1) пенсияга (RAF = 1) чиқади. Ишчи тўшлаган пенсия бали қиймати aRW = 27,47 Еврога тенг. 2014 йилнинг июлидан пенсия балининг қиймати aRW = 28,61 Еврогача оширилган. 2011 йилнинг кузидан бошлаб ойлик пенсия миқдори қуйидагича ҳисобланади: $Rente = 45 \times 1 \times 1 \times 27,47 = 1236,15$ Евро (ойлик). 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб ойлик пенсия миқдори эса $Rente = 45 \times 1 \times 1 \times 28,61 = 1287,45$ Еврога (ойлик) тенг бўлади.

2-мисол. Ишчи 1946 йилда Ғарбий Германияда туғилган, 45 йил узлуксиз меҳнат стажига эга ва пенсия фондига мунтазам бадаллар тўлаб келган. Унинг иш ҳақи миқдори пенсия фондида сугурталанганлар ўртача статистик иш ҳақи миқдорининг 2/3 қисмини ташкил этган. У 2011 йилнинг кузида 65 ёшида Германия қонунчилигига мувофиқ (ZF = 1) пенсияга (RAF = 1) чиқади. 2011 йилнинг кузидан бошлаб ойлик пенсия миқдори қуйидагича

хисобланади: $Rente = 45 \times 2/3 \times 1 \times 27,47 = 824,10$ Евро (ой). 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб ойлик пенсия миқдори эса $Rente = 45 \times 2/3 \times 1 \times 28,61 = 858,30$ Еврога (ойлик) тенг бўлади.

Германияда пенсияларнинг қуйидаги турлари амал қилади: 1) Ёшга доир пенсиялар; 2) боқувчисини йўқотганлик пенсиялари 3) ногиронлик пенсиялари (умумий ёки касбий меҳнат қилиш лаёқати йўқотилган ҳолларда).

Ёшга доир пенсияларга қуйидагилар қиради:

1. 67 ёшга тўлганда (2012 йилдан бошлаб) тайинланадиган пенсия (беш йилдан кам бўлмаган умумий меҳнат стажи талаб этилади);

2. 60 ёшга тўлганда тўлиқ ёки қисман меҳнат қилиш лаёқатини йўқотиш ҳолатлари бўйича тайинланадиган пенсия (ишчининг меҳнат қила олмаслиги қайд этилган ва 35 ёки ундан ортиқ меҳнат стажи талаб этилади);

3. Ишсизлар ёки тўлиқ бўлмаган иш қунида ишлаётганлар учун 60 ёшга тўлиши муносабати билан тайинланадиган пенсия (фуқаро охириги ярим йилда 52 ҳафта давомида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган ёки 24 ой давомида тўлиқ бўлмаган иш қунида ишлаган бўлиши зарур, шунингдек, 15 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажи ҳам талаб этилади);

4. Германияда 35 йилдан ортиқ меҳнат стажига эга бўлганлар учун тайинланадиган пенсия;

5. 1952 йил 1 январгача туғилган ва 60 ёшга тўлган, Германияда 15 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга аёллар учун тайинланадиган пенсия (меҳнат стажининг 10 йил ва 1 ойи 40 ёшдан кейинги даврга тўғри келиши талаб этилади);


6. 60 ёшга тўлган ва 25 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга қончилар учун тайинланадиган пенсия.

7.4. Германия пенсия тизимини ислоҳ этиш ва инвестицион имкониятларини ошириш йўналишлари

Германия пенсия ислохотлари пенсия тизимида тақсимот тамойилнинг ролин сусайтиришга қаратилган бўлишига қарамадан, ушбу тизим дунёдаги энг консерватив тизимлигича қолмоқда. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарорлиги давлатнинг пенсионерлар олдидagi ижтимоий масъулияти орқалигина таъминланмоқда, дейишимиз мумкин. Шунга қарамадан замонавий Германия пенсия тизими ҳам ривожланган мамлакатлар пенсия тизимлари сингари демографик босим, молиявий беқарорлик каби омиллар таъсирида мунтазам ислоҳ этиб борилмоқда. Жумладан Германияда 2014 йил 1 июлда янги Gesetz über Leistungsverbesserungen in der gesetzlichen Rentenversicherung (RV-Leistungsverbesserungsgesetz) ёки Rentenpaket-2014 қонуни қучга кирди. Ушбу қонунда мамлакат пенсия тизимини “63 ёшдан тўлиқ пенсия”, “оналик

пенсияси”, “қисман меҳнат қобилиятини йўқотганлик билан боғлиқ пенсия”, “реабилитация чора-тадбирлари бюджети” каби йўналишлар бўйича ислох этиш кўзда тутилган.

Германияда аҳолининг қариши жараёни чуқурлашиб бормоқда. Жумладан, 2020 йилдан бошлаб “бэби-бум” авлоди пенсия ёшига етади. Бу эса мамлакатда бандлик даражасининг пасайиши ва иш вақтининг қисқаришига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат 2020 йилга қадар потенциал иқтисодий ўсишнинг йилиги 0,5 пунктга пасайишига олиб келиши мумкин. Германияда 1950 йилда 65 ёш ва ундан ошган ёшдагиларнинг аҳоли таркибидаги улуши 9,7%га, 2015 йилда 21,5%ни тенг бўлгани ҳолда, ушбу кўрсаткич 2050 йилда 30,1%га етиши кутилмоқда. Бундан ташқари Германия аҳолиси 2015 йилда 80,8 млн кишини ташкил этган бўлса, 2050 йилга бориб 71,5 млн кишига қадар қисқариб кетиши мумкин (7.3-расм).




7.3-расм. Германия аҳолиси таркибида пенсия ёшидагилар улуши¹⁰⁶

Германияда аҳолининг туғилганда қутилаётган умр давомийлиги 2050 йилга бориб 2008 йилга нисбатан эркакларда 7,8 йилга узайиб 85 ёшни, аёлларда эса 6,8 йилга узайиб 89,2 ёшга етиши башорат қилинмоқда. Пенсия ёшидан кейин қутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи 2060 йилга бориб аёлларда 25,9 йилни, эркакларда 22,1 йилни ташкил этиши ва у ИХТТ бўйича ўртача кўрсаткичдан ошиб кетиши кутилмоқда.

Шу билан бир вақтда Германияда пенсия бадалларининг ўсиши, пенсия миқдорининг эса камайиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан пенсия бадаллари миқдори 2014 йилда 2,2%га ортган бўлса, 2020 йилга қадар 2,2%, 2027 йилга қадар 2,5%га ўсиши қутилаётгани ҳолда, пенсия миқдори 2020 йилга қадар 0,2%га, 2027 йилга қадар эса 0,2%га камайиши кутилмоқда (7.4-расм).

¹⁰⁶ An Aging World: 2015, U.S. Government Publishing Office, Washington, DC, 2016. P.137-139



7.4-расм. Германияда ўртача иш ҳақи ва пенсиялар миқдорининг ўзгариши

Ушбу мураккаб вазиятнинг ўз навбатида, молиявий бекорликни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакатда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш, аҳолини, жумладан, пенсия ёшидагиларни молиявий қўллаб-қувватлаш долзарб масалага айланди.

Германиядаги пенсия ислохотларининг муҳим жиҳати пенсияга чиқиш ёшини узайтириш, пенсия ёшига етгандан кейин ишлашни давом эттиришни рағбатлантириш, муддатидан олдин пенсияга чиқишни чеклашга ҳаракат ҳисобланади. Жумладан, муддатидан аввал пенсияга чиққанлик учун 65 ёшга етгунга қадар қолган ҳар бир ой учун пенсия тўлови миқдори 0,3 фоизга камайтирилади. Агар 60 ёшда пенсияга чиққан бўлса, пенсия миқдори 5 йил учун (0,3 ни 60 ойга кўпайтирганда) 18 фоизга пасайтирилади ва 65 ёшга тўлганда ушбу чеклов олиб ташланади. Мазкур мезон давлат хизматчиларига нисбатан бир хил амал қилади (7.8-жадвал).

7.8-жадвал

Германияда давлат пенсия таъминоти тизимида тўловларни белгилаш

Ёш	62	63	64	65	66	67	68	69
1992 йилгача	100	100	100	100	107,2	114,4	114,4	114,4
1992 йилдан кейин	89,2	92,8	96,4	100	106	112	118	124

Германияда пенсия тўловларини муддатидан олдин олиш имкониятлари мавжуд бўлса-да, лекин тўлиқ пенсия тўлови белгиланган пенсия ёшига тўлгандагина таъминланиши кўзда тутилмоқда.


Яна шунни таъкидлаш лозимки, белгиланган (65) ёшдан кейин пенсияга чиқилганда, ушбу ёшдан сўнг ишланган ҳар бир ой учун пенсия тўлови 0,5 фоизга оширилади.

2017 йилда Mercer Global Pension Index рейтингига мувофиқ Германия пенсия тизими 13-ўринни эгаллади¹⁰⁷. Mercer мутахассислари фикрича, Германиянинг рейтингдаги ўрни куйидаги шартлар бажарилганда яхшиланиши мумкин:

- паст даромадли пенсионерлар учун пенсия тўловлари миқдорини ошириш;
- пенсия тўловларининг бир қисми аннитетлар шаклида тўланиши мумкинлиги тўғрисидаги қонданинг киритилиши;
- ишчиларни корпоратив пенсия дастурлари билан қамраб олиш даражасини ошириш;
- пенсия тизими катнашчиларини пенсия дастурлари провайдерлари томонидан ахборот билан таъминлашни яхшилаш.

Германияда пенсия фондлари ўз портфелининг сезиларли қисмини ўзаро фондларга йўналтиришади. ИХТТ маълумотларига кўра 2011 йилда Германия пенсия фондлари портфелининг 38,8%и ўзаро фондлар акциялари (пай)га жойлаштирилган. Ушбу ҳолат пенсия тизими катнашчиларига мамлакатдаги жамғарилалган пенсия дастурлари (жумладан, “Ристер-пенсияси” дастури) доирасида индивидуал пенсия жамғармалари шакллантириш ҳуқуқи берилганлиги билан изоҳланади. 2011 йилда пенсия фондлари, ўзаро фондлар ва сугурталовчилар активларининг мамлакат ЯИМдаги улуши мос равишда 5,4, 8,2 ва 57,6%ни ташкил этди.

2016 йилда Германия пенсия фондларининг инвестициялари миқдори 195 млрд еврони ташкил этди (7.5-расм).



7.5-расм. Германия пенсия фондлари инвестициялари ҳажмининг ўзгариши, млрд евро¹⁰⁸

¹⁰⁷ https://www.mercer.com.au/content/dam/mercer/attachments/asia-pacific/australia/mmgi-2017/au-2017-mmgi-report.pdf?utm_medium=referral&utm_source=web&utm_campaign=mmgi

¹⁰⁸ <https://de.statista.com/>

Умуман, Германия ички жамғармалар тизимининг асосини анъанавий тарзда универсал ва жамғарма банклар, суғурта компаниялари ташкил этади. Пенсия жамғармалари фонд бозорига фаол йўналтирилмаган. Мамлакатда пенсия фондларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган қўшимча омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- ижтимоий таъминотда тақсимот тамойилига асосланган давлат пенсия дастурларининг етакчи мавкега эга эканлиги;
- ушбу дастурларга пенсионерларнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаш билан бир вақтда пенсияга чиқиш давридаги муносиб турмуш даражасини сақлаб қолиш функциясининг юклатилганлиги;
- корпоратив пенсия дастурлари ўртасида солиқ имтиёзлари туфайли компания балансида захиралар қўринишидаги пенсия дастурларининг етакчи мавкега эга эканлиги;
- корпоратив пенсия дастурларида суғурта махсулотлари улушининг юкорилиги.

Назорат саволлари

1. Германия пенсия тизимининг шаклланиш босқичларини шархланг.
2. Германия пенсия тизимининг амал қилиш тамойиллари ва таркибини таҳлил қилинг.
3. Ристер пенсия ислохотлари мохиятини ёритиб беринг.
4. Германияда пенсияларни ҳисоблаш тартибини изоҳланг ва мисоллар орқали тушунтириб беринг.
5. Германия пенсия тизимини ислох этиш тамойиллари ва босқичларини ёритиб беринг.
6. Германия пенсия тизимининг инвестицион имкониятларини баҳоланг ва инвестицион фаолликни кучайтиришнинг устувор йўналишларини аниқланг.

Асосий тушунчалар

“Ристер пенсияси” – Германияда 2001 йилда қабул қилинган молиялаштиришнинг жамғариб бориладиган шаклига асосланган хусусий пенсия суғуртасини жорий этиш дастури.

“Рюруп-дастури” – Германияда 2004 йилда қабул қилинган ўзини-ўзи банд этувчилар учун ихтиёрий индивидуал пенсия дастури.

Эквивалентлик тамойили – пенсия тўловлари миқдори меҳнат фаолияти давомида пенсия суғуртаси фондига тўланган бадаллар миқдори ва пенсия суғуртаси муддатига боғлиқ бўлиши.

Ўзгарувчанлик тамойиди – пенсия тўловлари миқдори мамлакатда ўртача иш хақи миқдорининг ортиши билан боғлиқ тарзда ўзгартирилиши.

Хавфсизлик тамойиди – пенсия тўловлари миқдори ижтимоий сугурта фонди ва давлат бюджетининг имкониятларига боғлиқ ҳолда пенсионернинг меҳнат фаолияти даврида эришган муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш даражасида бўлиши зарурлиги.

Асосий субсидия – хусусий пенсия дастури катнашчисининг индивидуал пенсия бадалининг бир қисмини давлат томонидан молиялаштирилиши. Ушбу субсидия миқдори катнашчилар ўртасида табақалаштирилмайди ва уни олиш учун паст ёки ўрта даромадли уй хўжалигига тааллуқли бўлиш зарур.

Қўшимча субсидия – оиладаги ҳар бир фарзанд учун ажратиладиган субсидия.

Солиқ имтиёзлари – соликка тортиладиган даромад базасининг камайтирилиши ҳолати.

Пенсия баллари (EP) – сугурталанувчи томонидан меҳнат фаолияти давомида пенсия фондига ажратилган пенсия бадаллари суммасини акс эттирувчи кўрсаткич. Германия ижтимоий кодексига мувофиқ йил давомида ўртача статистик иш хақи миқдорига тенг иш хақидан пенсия фондига ажратилган бадаллар суммаси учун 1 балл берилади.

Пенсияга чиқиш коэффициентини (ZF) – сугурталанувчиларнинг пенсияга чиқиш вақтини ҳисоблаш учун қўлланиладиган кўрсаткич. Агар пенсияга чиқиш Германия қонунчилигига мувофиқ ёшда рўй берса, унда $ZF=1$ га тенг бўлади. Муддатидан олдин пенсияга чиқишда $ZF<1$, муддатидан кеч пенсияга чиқишда эса $ZF>1$ бўлади.

RAF коэффициентини – пенсия турини белгиллаб берувчи коэффициент. Ушбу коэффициент ёрдамида пенсия формуласини ёшга доир пенсиядан ташқари бошқа пенсияларни ҳам ҳисоблаш имконияти пайдо бўлди.

Пенсияга чиқиш балининг қиймати (aRW) – пенсияга чиқиш учун зарур балл қийматини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткич бўлиб, ҳар йили ҳисобланади ва 1 июлда эълон қилинади. Унинг миқдори иш хақи миқдори, пенсия фондига ажратилаётган сугурта бадалли даражаси ва мамлакатдаги демографик вазиятга боғлиқ ўзгариб туради.

“Бэби-бум” авлоди – жаҳонда 1940 йилларнинг охири – 1950 йилларнинг бошида туғилиш даражасининг кескин ортиши даврида туғилганлар. “Бэби-бум” атамаси Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қулай иқтисодий шароит даврида пайдо бўлган ва кўпроқ АКШда кенг оммалашган.

Тестлар

1. Германия пенсия таъминоти тизимининг асосчиси ким?
 - а) Отто фон Бисмарк
 - б) У. Беверидж
 - в) Дж.М.Кейнс
 - г) Л.Эрхард
2. Германияда 2001 йилда қабул қилинган молиялаштиришнинг жамғариб бориладиган шаклига асосланган хусусий пенсия суғуртасини жорий этиш дастури ...
 - а) “Ристер пенсияси” дастури
 - б) “Рюруп-дастури”
 - в) Эрхард дастури
 - г) Бисмарк дастури
3. Германияда 2004 йилда қабул қилинган ўзини-ўзи банд этувчилар учун ихтиёрий индивидуал пенсия дастури...
 - а) “Рюруп-дастури”
 - б) “Ристер пенсияси” дастури
 - в) Эрхард дастури
 - г) Бисмарк дастури
4. Пенсия тўловлари миқдори меҳнат фаолияти давомида пенсия суғуртаси фондига тўланган бадаллар миқдори ва пенсия суғуртаси муддатига боғлиқ бўлиш тамойили ...
 - а) Эквивалентлик
 - б) Ўзгарувчанлик
 - в) Хавфсизлик
 - г) Адолатлилик
5. Пенсия тўловлари миқдори мамлакатда ўртача иш хақи миқдорининг ортиши билан боғлиқ тарзда ўзгартирилиш (оширилиш) тамойили ...
 - а) Ўзгарувчанлик
 - б) Эквивалентлик
 - в) Хавфсизлик
 - г) Адолатлилик
6. Пенсия тўловлари миқдори ижтимоий суғурта фонди ва давлат бюджетининг имкониятларига боғлиқ ҳолда пенсионернинг меҳнат фаолияти даврида эришган муносиб турмуш фаровонлиги ва сифатини таъминлаш даражасида бўлиши зарурлиги тамойили ...
 - а) Хавфсизлик
 - б) Ўзгарувчанлик
 - в) Эквивалентлик
 - г) Адолатлилик

7. Хусусий пенсия дастури қатнашчисининг индивидуал пенсия бадалининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш учун ажратиладиган субсидия ...

- а) Асосий субсидия
- а) Қўшимча субсидия
- в) Солиқ имтиёзлари
- г) Дотациялар

8. Германияда “Ристер-пенсияси” дастури доирасида давлат томонидан оиладаги ҳар бир фарзанд учун ажратиладиган субсидия ...

- а) Қўшимча субсидия
- б) Асосий субсидия
- в) Солиқ имтиёзлари
- г) дотациялар

9. “Ристер-пенсияси” дастури доирасида хусусий пенсия дастури қатнашчиси солиққа тортиладиган даромад базасининг камайtirилишига хизмат қилувчи имтиёз ...

- а) Солиқ имтиёзлари
- б) Қўшимча субсидия
- в) Асосий субсидия
- г) Дотациялар

10. Суғурталанувчи томонидан меҳнат фаолияти давомида пенсия фондига ажратган пенсия бадаллари суммасини акс эттирувчи кўрсаткич ...

- а) Пенсия баллари
- б) Пенсияга чиқиш коэффиценти
- в) Пенсия турини белгилаб берувчи коэффицент
- г) Пенсияга чиқиш учун зарур балл қийматини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткич

11. Суғурталанувчиларнинг пенсияга чиқиш вақтини ҳисоблаш учун қўлланиладиган кўрсаткич ...

- а) Пенсияга чиқиш коэффиценти
- б) Пенсия баллари
- в) Пенсия турини белгилаб берувчи коэффицент
- г) Пенсияга чиқиш учун зарур балл қийматини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткич

VIII БОБ. БУЮК БРИТАНИЯ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

8.1. Буюк Британия пенсия тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари

Буюк Британия пенсия тизими давлат бошқаруви остида бўлиб, миллий сугурта (National Insurance) дастурининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида мамлакат ҳукумати инглиз либераллари ва янги лейбористлар партияси томонидан бошқарилган даврларда кекса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Пенсияларнинг пенсия тўловлари миқдори уларнинг меҳнат фаолиятида банд бўлган даврларида пенсия сугуртаси бадалларини тўлаш орқали шакллантирган пенсия жамғармаларидан келиб чиққан ҳолда пенсия таъминоти тизимининг шахсий жамғарма тамойиллини амалиётга татбиқ этдилар. Бу турдаги ёндашув ўз навбатида иктисодий адабиётда келтириб ўтилган либерал назарияларга ҳос бўлиб, бунда иктисодиётга давлат аралашувини чеклашнинг бир йўли ўз аксини топади. Жаҳон амалиёти билан қиёслаганда, Буюк Британияда пенсия таъминотининг жамғариладиган компоненти Германия ва Францияга караганда аввалроқ амалиётга татбиқ этилган ҳисобланади.¹⁰⁹

Буюк Британия давлат пенсия таъминоти тизимида қатъий белгиланган пенсия сугуртаси бадаллари схемаси амал қилиб, фуқаролар ўз меҳнат фаолиятларини олиб бориш даврларида ўрнатилган сугурта бадалларини солиқ сифатида тўлаб борадилар. Мамлакат фуқароларининг пенсия тўловлари миқдори меҳнат ва пенсия сугуртаси стаж билан узвий боғланган ҳисобланади. Буюк Британияда авлодлар бирдамлиги тамойили қайта ишланган ҳолда контрибутив қайта тақсимот тизимига айлантирилган. Бунда пенсия тўловларини молиялаштириш бўйича харажатларнинг бир қисми давлат бюджети томонидан қопланса, иккинчи томондан пенсия фондида шакллантирилган маблағлардан фойдаланилади. Шу билан бир қаторда пенсионерларга давлат пенсия фонди орқали фақатгина минимал пенсиялар тўланиб, у асосан турмуш кечириш минимумини таъминлаш ва камбағалликни олдини олишга йўналтирилган ҳисобланади (8.1-расм).

Фуқаролар кексалик даврларини сугурталашлари учун давлат пенсия фондига тўлдирувчи сифатида ташкил этилган хусусий пенсия фондларида сугурталанишлари талаб этилади.

¹⁰⁹: Letunovskiy V.K. Pension System in the Great Britain (Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35.



8.1.-расм. Буюк Британия давлат пенсия таъминотини харажатларини молиялаштириш амалиёти¹¹⁰

Буюк Британияда илк бор пенсия тизими XX асрнинг бошларида амалиётга татбиқ этилган. 1908 йилда бош вазир Д. Ллойд-Джордж ташаббуси остида ҳукумат томонидан “Кексалар учун пенсия тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган. Қонунда 70 ва ундан катта ёшдаги фуқароларга давлат бюджети даромадининг маълум бир қисмини қайта тақсимлаш ва қарияларни камбағалликдан ҳимоялаш назарда тутилган. Бу эса ўз навбатида мамлакатдаги ижтимоий кескинликларни юмшатиш имконини берди. 1908-1911 йилларда Буюк Британия пенсия тизимида пенсия тўловлари универсал аҳамият касб этиб, пенсия тўловларини молиялаштириш қолдиқ тамойили асосида амалга оширилган. Бошқача қилиб айтганда мамлакатда 70 ва ундан катта ёшдаги аҳоли ўз ижтимоий мақомидан қатъий назар бир хил миқдордаги пенсия тўловлари билан таъминланган бўлиб, мазкур тўловларни молиялаштирилиши давлат бюджетининг профицити ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаслиги талаб этилган.¹¹¹

1911 йилга келиб Буюк Британия давлат бюджетининг ижтимоий соҳа харажатлари таркибида пенсия таъминотини молиялаштиришга йўналтирилаётган молиявий ресурсларнинг ҳажми тўхтовсиз ортиб

¹¹⁰ Letunovskiy V.K. Pension System in the Great Britain (Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35 ; Pensions Panorama: Retirement-Income Systems in 53 Countries. By The International Bank for Reconstruction and Development The World Bank. P. 226.

¹¹¹ Letunovskiy V.K. Pension System in the Great Britain (Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by. J. Shaw. Portland, Oregon: Hurt Publishing. 2002. P. 118.

борганлиги сабабли, пенсия сугуртаси бадали амалиётга татбиқ этилди. Шу билан бир қаторда пенсия тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий асосларга ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, давлат пенсия таъминоти тизимида пенсия сугуртаси бадалини тўлаб борган фуқарога ёшга доир пенсия, ишсизлик нафақаси ва меҳнат фаолиятини олиб бориш жараёнида каттик шикастланиш ёки орттирилган ногиронлик нафақаларини тайинлаш тартиблари ўрнатилди.¹¹²

1908 йилда қабул қилинган “Кексалар учун пенсия тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ пенсия тўловлари билан аҳолини камраб олиш даражаси (500 минг атрофида) мамлакатдаги камбағаллик ва ижтимоий кескинликни юмшатишга сезиларли таъсир кўрсатмади. Мазкур вазиятни инобатга олган ҳолда 1911 йилга келиб мазкур қонунга ўзгартиришлар киритилди. Иқтисодий адабиётда келтирилишича, бу орқали қуйидаги масалаларни ҳал этиш имкони вужудга келди:

➤ Пенсия таъминоти хизматлари билан аҳолини камраб олиш даражасини ошириш;

➤ Минимал пенсия тўловлари миқдорига мос равишдаги у даражада юқори бўлмаган пенсия сугуртаси бадалларини фуқаролар томонидан давлат бюджетига тўланиши ва бу орқали давлат пенсия таъминоти харажатларини қисқартириш;

➤ Меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳоли қатламлари ўртасида меҳнат шароитларидан қониқмаслик ҳолатларини олдини олиш.

Шу билан бир қаторда таҳлил этилаётган даврда Буюк Британия ҳукумати томонидан “Камбағаллик тўғрисида”ги ҳуқуқий-норматив асосларда келтириб ўтилган қашшоқ аҳоли қатламларига нисбатан турли “Хулқ-атвор тестлари (“Tests for good character”)” жорий этилди. Бу эса ўз навбатида меҳнат қилиш истагини билдирмаган фуқароларга нисбатан пенсия тўловларини тайинланмаслигини ва улар жамиятдаги ижтимоий муҳит учун салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда уларни жамиятдан изоляциялаш ишларини амалга оширилишига туртки бўлди. Мазкур тестлардан қониқарли равишда ўта олмаган фуқаролар ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларига юборилиб мажбурий тарзда ишлатила бошланган. Давлат уларни турли оғир меҳнат шароитларида ишлатиб, истеъмол товарлари билан таъминлаб борган. Бу ҳолат аксарият фуқароларга ижобий таъсир қилган ҳолда, уларда меҳнат қилиш истагини уйғотган.¹¹³

1920-1930 йилларга келиб Буюк Британия пенсия таъминоти тизимида вертикал аҳамият қасб этувчи ислохотларни амалга ошириш зарурияти вужудга келди. Тадқиқ этилаётган даврда пенсия тўловлари миқдорининг ҳаёт кечирish минимумидан пасайиб кетганлиги, банд бўлган аҳоли қатламларининг ногиронлиги ёки ишсизлиги бўйича олаётган нафақаларидан норози бўлиш ҳолатлари вужудга келди. Натижада Буюк Британия ҳукумати

¹¹²Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 58.

¹¹³Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 58 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by J. Shaw. Portland, Oregon: Hurt Publishing. 2002. P. 118.

томонидан катор ислохот чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва мамлакат ижтимоий сиёсатида тизимида янги босқичга ўтиш учун замин яратилди.

1942 йилнинг декабр ойида Беверидж томонидан “Ижтимоий суғурта ва жамоавий хизматлар (“Social Insurance and Allied Services”)” номли докладда мамлакат пенсия таъминоти тизимида мавжуд муаммоли вазиятлар тўлиқ ёритиб берилди. 1946 йилга келиб ҳукумат томонидан мазкур докладдаги муаммоли вазиятларни бартараф этиш мақсадида “Миллий суғурта тўғрисида”ги Қонун (“National Insurance Act”) қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ Буюк Британия фуқароси ҳисобланган пенсия ёшидаги аҳоли мамлакат ҳукумати томонидан кафолатланган давлат пенсия таъминоти хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу билан бир қаторда, кўп фарзандли оналар, ишсизлар ва шу каби жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳоли қатламларига ижтимоий таъминот хизматларини кўрсатилиши ҳам мазкур қарорда ўз аксини топди.¹¹⁴

1948 йилга келиб Буюк Британия давлат пенсия фонди (National Insurance Fund) маблағларининг учдан бир қисми аҳоли саломатлигини яхшилаш ва банд аҳоли қатламларини касалликлардан ҳимоялаш мақсадида фонднинг таркибий қисми сифатида ташкил этилган тиббий суғурта фондига йўналтирилди. Бу ҳам Буюк Британия ижтимоий ҳимоя тизимида ўзига хос бурилиш ясади.

Умумий ҳолда айтиш мумкинки, Буюк Британияда 1900-1930 йилларда ижтимоий ҳимоя тизимининг шаклланиши Кейнс назарияси асосида ташкил этилиб, бунда марказлашган пенсия таъминоти тизими ташкил этилиб, давлат бошқарувиغا асосланган ҳисобланади.

Буюк Британия пенсия таъминоти тизимининг XX асрнинг биринчи ярми учун хос бўлган хусусияти унда давлатнинг аралашувини кенгайтириш, пенсия тўловлари билан аҳолини камрови даражасини ошириш ва универсализм тамойилига асосланганлиги билан тавсифланади.


Иктисодий адабиётларда 1950-1960 йиллар Буюк Британия пенсия таъминоти тизимида янги босқич сифатида эътироф этилади. Мазкур босқич ҳозирги кунда мамлакатда амал қилаётган пенсия таъминоти тизимининг асоси ҳам ҳисобланади. Унинг ўзига хос хусусияти давлат пенсия фонди фуқароларни базис пенсиялар билан таъминлаши ва шу билан бир қаторда унга тўлдирувчи сифатида хусусий пенсия фондлари фаолиятини йўлга қўйилганлигида ўз аксини топади. Мазкур муддат оралиғида Буюк Британияда аҳоли даромадлари ва ўртача пенсия тўлови миқдорини оширишга қаратилган ишлар амалга оширилди.

1970-1980 йилларда мамлакатда давлат пенсия таъминоти тизимга қўшимча (ёрдамчи) пенсия дастурини ташкил этиш бўйича ҳуқуқий-

¹¹⁴ Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 58 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by. J. Shaw. Portland, Oregon: Hurt Publishing. 2002. P. 118.

институционал ислохотлар даври бўлди. 1975 йилда кўшимча пенсия таъминоти тизимига оид ўзгартиришлар киритилди (Additional Pensions). Бунга кўра, фуқаролар хусусий пенсия фондларида пенсия суғурта бадалларини тўлаб боришлари талаб этила бошланди. Бу эса ўз навбатида мамлакатда ўртача пенсия тўлови миқдорини орттиришга олиб келди. 1978 йилга келиб мамлакатда амалдаги қонунчиликка биноан пенсия ёшидаги фуқароларнинг базис пенсия тўловларини индексациялаш амалиёти ўртача иш хақи ва минимал истеъмол савати маҳсулотлари нархлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширила бошланди.

1980 йилларнинг бошларига келиб Буюк Британия давлат пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асослари тўлиқ шаклланиб бўлди ва ундан кейинги даврларда мамлакатдаги демографик вазиятларнинг ўзгариши ва ижтимоий-иқтисодий вазиятлардан келиб чиққан ҳолда турли ислохот дастурлари амалга оширилиб келинмоқда.



8.2-расм. Буюк Британия пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш босқичлари¹¹⁵

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда 1980 йилдан кейинги даврни Буюк Британия пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш босқичларидаги сўнгги босқич деб айтиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу

¹¹⁵Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 10-210. ; Letunovskiy V.K. Pension System in the Great Britain (Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by. J. Shaw. Portland, Oregon: Hurt Publishing. 2002. P. 118.

давр ичида мамлакат пенсия таъминоти тизимида институционал ўзгаришлар вужудга келмади.

8.2. Буюк Британия пенсия таъминоти тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари


Бугунги кунда Буюк Британия қонунчилигига мувофиқ мамлакатда пенсия ёши эркаклар учун 65 аёллар учун эса 62 ёшни ташкил этади. 2018 йилга бориб мамлакатда пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 65 ёш этиб белгиланиши кўзда тутилган. Мамлакатда кекса аҳолининг боғлиқлик коэффициенти 2015 йилда 28,1 га тенг бўлди. Бу эса ўз навбатида мамлакатда демографик жиҳатдан қарши жараённинг чуқурлашганидан далолат беради (8.3-расм).



8.3-расм. Буюк Британия ва айрим Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия ёши ва пенсионерларнинг боғлиқлик коэффициенти (2015 й.)¹¹⁶

Пенсия тўловлари миқдори ўртача даромадлар даражаси билан боғлиқ ҳолда индексация қилинади ва давлат пенсия фонди орқали фуқаролар минимал (базис) пенсиялар билан таъминланади. Давлат пенсия тўловларининг даромадларни қоплаш коэффициенти 2015 йилда 32,6 фозга тенг бўлди (8.4-расм).

¹¹⁶ Manba: Allianz International Pensions Country Factsheets 2015, p. 74



8.4-расм. Буюк Британия ва айрим Европа Иттифоқи мамлакатларида пенсия тўловларининг даромадларни қоплаш коэффиценти (2015 й.)¹¹⁷

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда мамлакат пенсия таъминоти тизимининг ҳолатини янада аниқроқ баҳолаш мақсадида тадқиқ этилаётган мамлакатлар гуруҳида 65 ёшдан сўнг қутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичини таҳлил этиш талаб этилади. Масалан, 2010-2015 йилларда Буюк Британияда аёлларнинг 65 ёшдан сўнг қутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи 20,6 йилга, эркакларда эса 18,1 йилни ташкил этиб, ўрта ҳисобда 19,4 йилга тенг бўлди (8.5-расм). Бу эса ўз навбатида давлат пенсия харажатларининг юқори даражада эканлигидан далолат беради.



8.5-расм. Буюк Британия ва айрим Европа Иттифоқи мамлакатларида 65 ёшдан сўнг қутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи (2010-2015 йиллар учун ўрта ҳисобда)¹¹⁸

¹¹⁷ Allianz International Pensions Country Factsheets. 2015. P. 74.

¹¹⁸ Allianz International Pensions Country Factsheets. 2015. P. 74.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар ўз навбатида мамлакатлар пенсия таъминоти тизимини молиялаштириш амалиётини баҳолаш имкониятини беради. Буюк Британия давлат пенсия фонди харажатларининг 20% давлат бюджети томонидан молиялаштирилиб, ЯИМга nisbatan hisoblaganda қарийб 7 фоизни¹¹⁹ ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакат пенсия таъминоти тизими халқаро ташкилотлар услубиёти асосида баҳоланадиган бўлса, 3 даражали тизими амал қилаётган мамлакатлар каторига киради. Биринчи даражали пенсия тизими давлат пенсия фонди фаолиятида ўз аксини топса иккинчи даражали пенсия тизимида касбий пенсия фондларида намоён бўлади. Учинчи даражали пенсия тизими эса хусусий пенсия фондлари орқали амалга оширилади (8.6-расм).



8.6-расм. Буюк Британия пенсия тизими¹²⁰

¹¹⁹Pensions at a glance. 2015. P. 21.

¹²⁰Allianz International Pensions Country Factsheets 2015, p. 74 ; Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 10-210. ; Letunovskiy V.K. Pension System in the Great Britain

Буюк Британия тажрибаси шуни кўрсатадики, пенсия фондлари учун пенсия захираларини ишончли бошқарувга топшириш энг макбул йўл ҳисобланади. Бунда қабул қилинган инвестицион қарорлар учун мажбурият ва масъулият малакали бошқарувчи зиммасида бўлади. У эса ўз навбатида самарали бошқарувни таъминлаши талаб этилади.

Бундай бошқарув остида бўлган пенсия фондлари учун мамлакат қонунчилигида бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган пенсия дастурларига мўлжалланган имтиёзлар мавжуд ҳисобланади. Мазкур солиқ имтиёзларининг 8.7-расмда келтириб ўтилган турлари мавжуд: минимал ҳамда бутунлай имтиёзли солиқ.



8.7-расм. Буюк Британия касбий ва хусусий пенсия фондлари учун солиқ имтиёзлари¹²¹

Минимал даражадаги солиқ имтиёзига эга бўлган пенсия суғуртаси иштирокчилари мамлакат қонунчилигига мувофиқ фақатгина даромад солигини тўлашдан озод этилади.

Қуйидаги ҳолатларда пенсия суғуртаси иштирокчилари бутунлай солиқ имтиёзига эга бўладилар:

✓ ишчининг хусусий пенсия фондларига тўлайдиган пенсия суғуртаси бадала энг юқори даромад солиги ставкаси бўйича имтиёзга эга бўлади;

✓ ишчининг хусусий пенсия фондларидан оладиган пенсия тўловларидан ташқари турли даромадлари ҳажми (масалан, хусусий пенсия фондларида депозитларни шакллантирганлиги учун) даромад солигининг энг юқори ставкаси бўйича имтиёзга эга бўлади;

✓ касбий пенсия фондлари харажатларини тўлик молиялаштирганлиги учун иш берувчининг тўловлари даромад солигига оид имтиёзни қўлга киритади;

(Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by J. Shaw. Portland, Oregon: Hurt Publishing. 2002. P. 118.

¹²¹ Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 10-210. ; Letunovskiy V.K. Pension System in the Great Britain (Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by J. Shaw. Portland, Oregon: Hurt Publishing. 2002. P. 118.

✓ пенсия тўловлари суммаси бутунлай соликлардан озод бўлади.

Буюк Британия пенсия таъминоти тизимида давлат пенсия ва касбий пенсия фондлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фондлар орқали фуқаролар 8.8-расмда келтириб ўтилган пенсия тўлови турларини олишлари мумкин бўлади.



8.8-расм. Буюк Британия пенсия таъминоти тизимида пенсия тўловлари турлари¹²²

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, Буюк Британия давлат пенсия фонди учун қуйидаги хусусиятлар хос ҳисобланади:


✓ Пенсия суғуртаси бадаллари давлат пенсия фондига солиқ шаклида жалб этилади;

✓ Имтиёзли муддатларда пенсияга чиқиш ҳолатлари мавжуд ҳисобланади;

✓ Таянч ва минимал пенсиялар авлодлар бирдамлиги тамойили асосида молиялаштирилади.

Давлат пенсия фонди даромадлари уч манба ҳисобидан шаклланади. Уларнинг биринчиси фуқароларнинг пенсия суғуртаси бадаллари, иккинчиси иш берувчиларнинг ижтимоий тўловлари ва давлат бюджети томонидан пенсия фонди харажатларини қоплаш мақсадида ажратиладиган субсидия ва дотациялар (8.9-расм).

¹²² Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 10-210. ; Letunovskiy V.K. Pension System in the Great Britain (Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by J. Shaw. Portland, Oregon: Hurt Publishing, 2002. P. 118 маълумотлари асосида тузилган.



8.9-расм. Буюк Британия давлат пенсия фонди даромадлари таркиби¹²³


Касбий пенсия фондлари мамлакат иқтисодиётида стратегик аҳамият касб этувчи соҳа ва тармоқлардаги корхоналарда мажбурий тарзда ташкил этилган бўлиб, ихтиёрий равишда касбий пенсия фондиди ташкил этган корхоналар учун юқорида кайд этиб ўтилган солиқ имтиёзлари мавжуд ҳисобланади. Буюк Британия касбий пенсия фондлари учун қуйидаги хусусиятлар ҳос ҳисобланади:

- ✓ Касбий пенсиялар ва касбий пенсия сугуртаси бадаллари ўртасидаги узвий алоқадорликнинг мавжудлиги;
- ✓ Касбий пенсия фонди харажатларини иш берувчи томонидан молиялаштирилганлиги учун солиқ имтиёзларини жорий этилганлиги;
- ✓ Касбий пенсия фондлари типик аҳамиятга эгаллиги;
- ✓ Иш берувчи томонидан касбий пенсия фондлари активларидан ўз фаолиятини кенгайтириш мақсадида инвестицион маблаг сифатида фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги.

Мажбурий тарзда ташкил этилган касбий пенсия фондлари даромадлари ёлланиб ишловчи ишчининг пенсия сугуртаси бадалли, иш берувчининг мазкур фонд харажатларини молиялаштириш учун пенсия ажратмаси ва давлат имтиёзлари ҳисобидан шаклланади (8.10-расм).

¹²³Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 10-210. ; Letunovskiy V.K. Pension System in the Great Britain (Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by J. Shaw. Portland, Oregon: Hart Publishing. 2002. P. 118 маълумотлари асосида тузилган.

Ихтиёрый равишда иш берувчининг ташаббусига мувофиқ шакллантирилган касбий пенсия фондларида ишчи ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси асосида пенсия сугуртаси бадалли ва иш берувчи томонидан пенсия фонди харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган пенсия ажратмалари миқдорида фарқланишлар бўлиши мумкин ҳисобланади.



8.10-расм. Касбий пенсия фонди даромадлари ва харажатлари таркиби¹²⁴

Умумий ҳолда Буюк Британия пенсионерларининг давлат пенсия фонди ва касбий пенсия фондларидаги мажбурий пенсия сугуртасини бажарганликлари учун ўртача даромаднинг 78,6 фоиз миқдордаги пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бундан 32,6 фоизи давлат пенсияси, 46,0 фоизи эса касбий пенсия улушига тўғри келади.

Буюк Британия пенсия тизимида учинчи даража сифатида эътироф этилган хусусий пенсия фондлари учун куйидаги хусусиятлар ҳос ҳисобланади:

- Иш берувчиларнинг хусусий пенсия фондларини сугурталаниш имкониятларининг мавжудлиги;

- Хусусий пенсия фондларига пенсия сугуртаси бадалли сифатида йўналтирилган маблағлар учун солиқ имтиёзларининг жорий этилганлиги;


¹²⁴ Maiba: Allianz International Pensions Country Factsheets 2015, p. 74 ; Comparing Welfare State Ed. by A. Cochrane, J. Clarke and Sh. Gewirtz. London: Sage, 2001. P. 10-210. ; Letonovskoy V.K. Pension System in the Great Britain (Historic and Legal Aspect). Constitutional Law Department Southwestern State University. P. 35 ; Social law and Policy. In an European Union Ed. by. J. Shaw. Portland, Oregon: Hurt Publishing, 2002. P. 118 маълумотлари асосидатузилган.

➤ Хусусий пенсия фондларида шаклланган жамғармалардан (активлардан) пенсия сугуртаси иштирокчиларининг фойда олиш мақсадида фойдаланиш имконияти мавжудлиги.

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Буюк Британия пенсия тизими бугунги кунда мамлакат пенсионерлари учун муносиб турмуш фаровонлигини таъминлаб бормоқда. Бу эса ўз навбатида пенсия тизимини ислоҳ этишда ушбу мамлакат тажрибасини ўрганиш заруриятини ортишига хизмат қилади.

8.3. Буюк Британия пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари

Буюк Британия пенсия таъминоти тизими бугунги кунда ҳар томонлама шаклланган ҳисобланади. Мамлакатда амалга оширилган ислохотлар натижасида давлат пенсия фонди активлари ҳажми сўнгги йиллар мобайнида мунотазам равишда ўсиб бормоқда. 2012 йилда давлат пенсия фонди активлари ҳажми 3,0 млрд. £ (фунт стерлинг) ни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб мазкур кўрсаткич 1,2 марта ортиб, 3,7 млрд £ га тенг бўлди (8.11-расм).




8.11-расм. Буюк Британия давлат пенсия фонди активлари ҳажмининг ўзгариш тенденцияси (млрд £ да)¹²⁵

Мамлакатда амалга оширилган ислохотлар пенсия фондлари даромадлари базасини мустаҳкамланиши учун замин ярата олганлиги 2.1.1-диаграмма маълумотларида ўз аксини топади. Шу билан бир қаторда мамлакат пенсия тизимида қатъий белгиланган пенсия сугурта бадаллари ва қатъий ўрнатилган пенсия тўловлари дастурларининг ўзаро комби-

¹²⁵ Bank of England Pension Fund Report and Financial Statements 2016. P. 30 маълумотлари асосида тузилган.

нациялаштирилган тарзда амалиётга муваффақиятли равишда татбиқ этилганлигидан далolat беради.


Халқаро экспертлари томонидан мамлакатда қутилаётган демографик ўзгаришлар бўйича турли илмий асосланган прогнозлар берилган бўлиб, унга кўра, 2015 йилда пенсионерларнинг боғлиқлик коэффициенти Буюк Британияда 24,9 кўрсаткичга тенг бўлган бўлса, 2050 йилга бориб мазкур кўрсаткич 33,5 га етиши кутилмоқда (8.12-расм).



8.12-расм. Буюк Британияда пенсионерларнинг боғлиқлик коэффициенти¹²⁶


Мазкур вазиятни инобатга олган ҳолда мамлакат иқтисодчи олимлари томонидан давлат пенсия таъминоти харажатлари бўйича илмий асосланган прогнозлар берилди. Унга кўра, 2010 йилда Буюк Британия пенсия таъминоти харажатлари мамлакат ЯИМга нисбатан олганда 7,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга қадар пенсия тизимида амалга оширилган параметрик ислохотлар натижасида мазкур кўрсаткич 7,4 фоизга туширилди. Аммо кейинги йилларда қутилаётган 65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг 15-64 ёшдаги ишчи кучига нисбатидаги ўзгаришлар оқибатида 2060 йилга бориб давлат пенсия харажатларининг ЯИМдаги улуши 9,2 фоизга етиши кутилмоқда (8.13-расм).

¹²⁶United Nations DESA (<http://www.un.org/en/development/desa/index.html>) маълумотлари асосида тузилган.



8.13-расм. Буюк Британия давлат пенсия таъминоти харажатлари динамикаси (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)¹²⁷

Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатлардаги демографик вазиятларнинг ўзгариши ўз навбатида пенсия фондларининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатга ўз таъсирини кўрсатади. Пенсия таъминоти хизматлари билан аҳолини камраб олинганлик даражасини баҳолашдан аввал мамлакат аҳолиси сони бўйича статистик маълумотларни таҳлил этиш лозим бўлади. Масалан, Буюк Британия аҳолиси сони 2000 йилда 59,8 млн кишини ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2015 йилга келиб 63,8 млн кишига етди. Экспертлар томонидан берилган прогнозларга қараганда, 2050 йилга бориб мамлакат аҳолиси сони қарийб 1,2 марта ортиб, 73,1 млнга тенг бўлиши мумкин бўлади (8.14-расм).




8.14-расм. Буюк Британия аҳолиси сонининг ривожланиш тенденциялари (млн кишида)¹²⁸

¹²⁷ Bank of England Pension Fund Report and Financial Statements 2016. P. 30 маълумотлари асосида тузилган.

¹²⁸ United Nations DESA (<http://www.un.org/en/development/desa/index.html>) маълумотлари асосида тузилган.

Мамлакатлар пенсия таъминоти тизимини таҳлил қилишда пенсия таъминотининг ўзига хос жиҳатларидан бири бу аҳолини қамраб олинганлик даражаси ҳисобланади. Англия банки экспертлари томонидан берилган маълумотларга қараганда, 2016 йилда Буюк Британия пенсия тизимида давлат пенсия фонди томонидан аҳолининг 65 фоизи, касбий пенсия фондлари 25 фоизини, хусусий пенсия фондлари эса 10 фоиз қисmini пенсия таъминоти хизматлари билан таъминлайди (10.15-расм).




8.15-расм. Буюк Британия пенсия таъминоти тизими ва уни аҳолини қамраб олганлик даражаси (жами аҳолига нисбатан)¹²⁹

Буюк Британия ҳукумати томонидан пенсия фондини ислох этиш бўйича қабул қилинган дастурларга мувофиқ мамлакатда 2018 йилга бориб пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 65 ёшга тенглаштирилиши кутилмоқда. Аввалги бобда кўриб ўтилганидек ҳозирда пенсия ёши мамлакатда эркаклар учун 65 ёш, аёллар учун эса 62 ёшни ташкил этади. Пенсия ёшини оширишдан мақсад мамлакат пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Мамлакат экспертлари томонидан берилган илмий асосланган прогнозларга қараганда, кейинги йилларда мамлакатда аҳолининг 65 ёшдан сўнг кутилаётган умр давомийлиги ва туғилиш коэффициенти кўрсаткичлари барқарор суръатларда ортиб боради. Мазкур демографик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ҳукумат томонидан 2048 йилга қадар бўлган муддатда пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориш орқали эркаклар ва аёллар учун 68 ёшга тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Мамлакатда демографик

¹²⁹Bank of England Pension Fund Report and Financial Statements 2016. P. 30 маълумотлари асосида тузилган.

вазирларнинг бу даражадаги барқарор суръатларда ривожланиб бориши ўз навбатида ижтимоий соҳада амалга оширилиб келинаётган ислохотларнинг қай даражада самарадорлигидан далолат беради (10.16-расм).




8.16-расм. Буюк Британияда аҳолининг 65 ёшдан сўнг кутилаётган умр давомийлиги ва туғилиш коэффициенти кўрсаткичлари¹³⁰

Пенсия ёшини ошириб боришга қаратилган чора-тадбирлар халқаро амалиётга мувофиқ параметрик ислохотлар қаторига киради. Бунда мамлакат пенсия таъминоти тизимида институционал ўзгаришлар кузатилмайдди. Бу эса ўз навбатида Буюк Британия пенсия таъминотида фақатгина ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилишидан далолат беради.

Европа Комиссияси томонидан берилаётган маълумотларга қараганда, Буюк Британияда аҳоли даромадлари таркибида пенсия таъминоти хизматларидан олаётган даромадлари кўрсаткичи барқарор ўсиш суръатига эга ҳисобланади. Бу эса мамлакатда пенсия фондларининг молиявий жиҳатдан барқарор эканлигидан далолат беради. Масалан, 2005 йилда мамлакатда пенсия ва ижтимоий нафакалар ҳисобидан шаклланган аҳоли даромадларини харид қобилияти паритети билан баҳолаганда 7,1 минг еврони ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2010 йилга келиб 7,6 минг, 2015 йилда эса 8,1 минг еврога тенг бўлди. Бошқача қилиб айтганда 2005-2015 йилларда пенсия ва ижтимоий нафакалар ҳисобидан шаклланган аҳоли

¹³⁰ United Nations DESA (<http://www.un.org/en/development/desa/index.html>) ; Bank of England Pension Fund Report and Financial Statements 2016. P. 30 ; Allianz International Pensions Country Factsheets 2015, p. 21 маълумотлари асосида тузилган

даромадлари харид қобилияти паритети кўрсаткичи билан ҳисобланганда 1,14 марта ортиди (8.17-расм).



8.17-расм. Буюк Британияда пенсия ва ижтимоий нафақалар ҳисобидан шаклланган аҳоли даромадлари (харид қобилияти паритети билан ҳисобланганда, минг еврода)¹³¹

Буюк Британия пенсия тизимининг ўзига хос хусусияти шуки, мамлакатда пенсия ва ижтимоий нафақаларни индексациялаш тартиби истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари индекси билан боғланган бўлиб, ҳар 7-8 йил мобайнида реал иш ҳақиға нисбатан индексациялаш ишлари амалга оширилади. Бундан кўзланган мақсад, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг харид қобилияти паритети кўрсаткичини мунтазам ошириб бориш, ва кекса аҳоли қатламларининг турмуш фаровонлиги кўрсаткичини камбағаллик даражасига тушиб қолмаслигини олдини олиш ҳисобланади. Ушбу амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг қай даражада самара бераётганлигини 8.17-расмда келтирилган маълумотлар асосида баҳолаш мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг харид қобилияти паритети кўрсаткичи мамлакатда барқарор ўсиш тенденциясига эга ҳисобланади.

¹³¹ Eurostatistics – 05/2015 edition. Principal European Economic Indicators (PEEIs), маълумотлари асосида тузилган.

2009 йилда кузатишган пенсия ва ижтимоий нафакаларнинг харид қобилияти кўрсаткичидаги пасайиш ўз навбатида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб кетиши сабабли пенсия фондлари харажатларини қисқартириш мақсадида ушбу ижтимоий ёрдам миқдорлари хажмининг пасайтирилганлиги билан тавсифланади. 2010 йилдан кейинги даврда аёлларнинг пенсия ёшини ошириш эъвазига (60 ёшдан 62 ёшга ошириш) пенсия фонди харажатлари нисбатан камайганлиги оқибатида ундан кейинги даврларда мазкур кўрсаткич барқарор ўсиш тенденциясини сақлаб қолди.¹³²

Кейинги йилларда Буюк Британия пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари қуйилдиларда ўз аксини топади.¹³³

➤ Мамлакатдаги содир бўлиши кутилаётган демографик вазиятларнинг ўзгаришларини инобатга олган ҳолда пенсия ёшини оптимал даражада ошириш;

➤ Пенсия таъминоти тизимида пенсия олиш ҳуқуқини бериш учун талаб этиладиган пенсия суғуртаси ва меҳнат стажлари ўртасидаги алоқадорликни янада такомиллаштириш;

➤ Фуқароларни хусусий пенсия фондларида суғурталанишлари жараёнларини рағбатлантириш;

➤ Пенсия суғуртаси бадаллари ва пенсия тўловлари миқдорини белгилашда пенсия фондлари даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатларни катъий инобатга олиш.

Назорат саволлари

1. Буюк Британия пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беринг.

2. Буюк Британия пенсия тизимининг ривожланиш босқичларини санаб беринг.

3. Буюк Британия давлат пенсия таъминоти харажатларини молиялаштириш амалиётини тушунтириб беринг.

4. Буюк Британия пенсия таъминоти тизимида мавжуд пенсия тўловларининг турлари ва уларнинг ўзаро фаркли жиҳатларини ёритиб беринг.

5. Буюк Британия пенсия тизимида қандай муаммолар мавжуд?

6. Буюк Британия пенсия тизимида қандай ислоҳотлар амалга оширилган?

7. Буюк Британия пенсия тизимининг ҳозирги ҳолатини баҳоланг.

8. Кейинги йилларда Буюк Британия пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қандай ислоҳотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ?

¹³² Манба: Bank of England Pension Fund Report and Financial Statements 2016. P. 30 маълумотлари асосида

¹³³ Манба: Bank of England Pension Fund Report and Financial Statements 2016. P. 30 маълумотлари асосида

Асосий тушунчалар

Пенсия суғуртаси бадали – фуқароларнинг меҳнат билан бандлиги давомида пенсия фондларига тўлаб борадиган пенсия суғуртаси тўловлари

“Хулқ-атвор тестлари (Tests for good character)” – фуқаролар ўртасида меҳнат қилиш истагини аниқлаш ва уларга пенсия тўловларини тайинлаш мақсадида ўтказиладиган сўровнома

Қўшимча ёрдамчи пенсия дастури (Additional Pensions) – давлат пенсия таъминоти тизимига ёрдамчи пенсия дастури асосида ташкил этилган хусусий пенсия фондлари фаолиятини ўз ичига олади

Тестлар

1. Буюк Британияда пенсия таъминотининг жамғариладиган компоненти қайси мамлакатларга қараганда аввалроқ амалиётга татбиқ этилган?
 - а) Германия ва Францияга
 - б) Скандинавия мамлакатлари
 - в) Италия ва Испания
 - г) Греция ва Нидерландия
2. Буюк Британияда давлат пенсия фонди қандай тамойил асосида фаолият юритади?
 - а) Контрибутив қайта тақсимот
 - б) Авлодлар бирдамлиги
 - в) Жамғариладиган
 - г) Аралаш
3. Буюк Британия пенсия таъминоти тизимининг ривожланиш босқичлари нечта?
 - а) 3
 - б) 4
 - в) 5
 - г) 6
4. Буюк Британия пенсия тизими ривожланишнинг яқиндаги босқичи қайси даврни ўз ичига олади?
 - а) 1920-1949 йй.
 - б) 1908-1919 йй.
 - в) 1911-1919 йй.
 - г) 1922-1950 йй.
5. Буюк Британия пенсия тизимида институционал ўзгаришлар қачон содир бўлди?
 - а) 1980 йилдан кейинги давр
 - б) 1950 йилдан кейинги давр

в) 1990 йилдан кейинги давр

г) 2010 йилдан кейинги давр

6. 2015 йилда Буюк Британияда минимал пенсияларнинг даромадларни қоплаш коэффициентини неча фоизга тенг бўлган?

а) 32,6 %

б) 30,6 %

в) 35,6 %

г) 40,0 %

7. Буюк Британия пенсия таъминоти тизимини халқаро ташкилотлар услубиёти билан баҳолаганда неча даражали тизим ҳисобланади?

а) 3 Даражали

б) 0 Даражали

в) 1 Даражали

г) 2 Даражали

8. Буюк Британияда касбий ва хусусий пенсия фондлари учун неча турдаги солиқ имтиёзлари мавжуд?

а) 2 Турдаги

б) Солиқ имтиёзи мавжуд эмас

в) 3 Турдаги

г) 4 Турдаги

9. Буюк Британияда неча турдаги пенсия тўловлари мавжуд?

а) 5 Турдаги

б) 3 Турдаги

в) 4 Турдаги

г) 6 Турдаги

10. Буюк Британия давлат пенсия фондининг жорий харажатларининг қанча қисми давлат бюджети томонидан қопланади?

а) Давлат пенсия фондининг жорий харажатларининг 12,0 фоизи

б) Давлат пенсия фондининг жорий харажатларининг 13,8 фоизи

в) Давлат пенсия фондининг жорий харажатларининг 20,0 фоизи

г) Давлат пенсия фондининг жорий харажатларининг 23,4 фоизи

IX БОБ. ФРАНЦИЯ ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

9.1. Францияда пенсия тизимининг шаклланиш босқичлари ва таркибий тузилиши

Франция пенсия тизими тарихий шаклланишининг илк босқичлари XIX аср охирларида бошланган. Францияда пенсия дастлаб 1870 йилда фақат давлат хизматчилари учун жорий этилган бўлса, 1898 йилга келиб бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тўғрисида қонун чиқарилди, 1905 йилда эса ишсизлик тўғрисидаги биринчи қонун қабул қилинди ва ушбу қонунлар мамлакатда ижтимоий суғурта тизимининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди.

1910 йилда Францияда бадаллар йиғишга асосланган биринчи пенсия тизими жорий этилди. Ушбу пенсия тизими ишчилар ва фермерлар учун ташкил этилган эди. 1928 йилда биринчи тиббий суғурта тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун пенсия ёшидагиларни ҳам қамраб олди. 1932 йилда оилавий нафақалар тўғрисидаги қонун қабул қилинди. 1938 йил 1 январда Франция миллий темирйўл компанияси ташкил этилди ва у мамлакатда биринчи бўлиб ўз пенсия дастурини тақлиф этган компанияга айланди.

1945 йилда Франция пенсия тизимида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ислохотларнинг мақсади Миллий пенсия фонди томонидан бошқариладиган ва бутун мамлакатни қамраб оладиган минтақавий пенсия фондларини яратиш эди. Уша даврда жорий этилган пенсия тизими жамғарилмайдиган бадалларга асосланган пенсия тизими деб номланди. Пенсия ёши 65 ёш этиб белгиланди ва ўша даврда пенсионерлар иш ҳақининг 40%и миқдориди пенсия тўловлари олишар эди. Шунингдек пенсияга эртароқ 60 ёшда чиқиш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, бундай пенсионерлар иш ҳақининг 20%и миқдориди пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишган. 1945 йилда тиббий суғурта бўйича ҳам ислохотлар амалга оширилди.

1946 йилда ўзини-ўзи иш билан банд этганлар учун давлат пенсия тизими ташкил этилди. 1946 йилда бахтсиз ҳодисалардан суғурта ва оилавий нафақалар борасида ислохотлар амалга оширилди. 1947 йилда хусусий секторда раҳбар лавозимда ишловчилар учун ёрдамчи пенсия тизими ташкил этилди. Ушбу тизим Ижрония пенсия ташкилотлари бош ассоциацияси томонидан бошқарилган. 1948 йилда хунармандлар, савдогарлар ва ёлланмасдан ишловчилар учун алоҳида пенсия дастурлари жорий қилинди. 1949 йилда давлат секториди мансабдор бўлмасдан ишлаётган ходимлар учун пенсия дастури жорий қилинди.

1956 йилда Бирдамлик пенсия фонди ташкил этилди ва Парламент ҳужжатлари билан тартибга солинадиган минимал пенсия миқдори

белгиланди. 1958 йилда ишсизлик тўғрисидаги қонун қайта кўриб чиқилди. 1961 йилда хусусий секторда банд бўлган ишчилар учун ёрдамчи пенсия тизими жорий этилди. Бу тизим ҳам Ижроия пенсия ташкилотлари бош ассоциацияси томонидан бошқарилган.

1967 йилда ходимлар учун Миллий пенсия тизими ташкил этилди. Миллий пенсия тизими таркибида давлат секторида банд бўлганлар учун тўртта алоҳида пенсия дастурлари тузилди:

- Давлат хизматчилари учун ;
- Маҳаллий бошқарув органлари ходимлари учун (CNRACL);
- Темир йўл ходимлари учун (SNCF);
- Энергия ва газ саноати ходимлари учун (*Electricite de France – Gaz de France*, EDG-GDF).

Ўз ўзини банд қилганлар учун алоҳида беш пенсия дастури тузилди;

• Фермерлар учун, Қишлоқ хўжалиги ижтимоий инвестиция фонди (*Mutualite sociale agricole*, MSA) томонидан бошқарилади;

• Талбиркорлар ва савдогарлар учун, Инвестицион сугурта фонди (*de l'Organisation autonome nationale de l'industrie et du commerce*, ORGANIC) томонидан бошқарилади;

• Санъаткорлар учун (*Caisse Nationale d'Assurance Vieillesse des Artisans*, CANCAVA);

• Соғлиқни сақлаш ходимлари учун (CARMF);

• Бошқа ўзини-ўзи банд этганлар учун (*Caisse Nationale d'Assurance Vieillesse des Professions Liberales*, CNAVPL), жумладан:

а) ҳунармандлар (*Assurances Vieillesse des Artisans*, AVA);

б) адвокатлар (*Caisse national des barreaux francaise*, CNBF);

в) ёлланмасдан ишловчилар (*Caisse nationale de l'assurance*, CNA).

1972 йилдан умумий пенсия тизимининг ёрдамчи пенсия даражаси мажбурий қилиб белгиланди ва бахтсиз ходисалардан сугурта фермерларга татбиқ қилина бошланди. 1980 йилда пенсия тизими харажатлари ЯИМ га нисбатан 9,5 % ни ташкил этди. 1982 йилда пенсия ёши 60 ёшга туширилди. “Пенсия таъминотининг оқ китоби” наشري Францияда пенсия тизимининг келажаги борасида миллий муҳокамаларни бошлади. 1991 йилда пенсия тизимини молиялаштириш мақсадида янги катъий белгиланган солиқ жорий қилинди. Ушбу солиқ ставкаси ҳар қандай даромадлардан, жумладан пенсиядан ҳам 1,1 % миқдоридан белгиланди.

“Пенсия таъминотининг оқ китоби” муҳокамалари натижасида 1993 йилда Баладюр ислохотлари амалга оширилди. Ушбу ислохотлар доирасида ўртача иш ҳақиға асосланган аввалги пенсия индексацияси истеъмол баҳоларига асосланган пенсия индексациясига алмаштирилди, пенсияни ҳисоблаш методикасида охириги 10 йил ўрнига 25 йил муддат ичидаги даромадларни ҳисобга олиш билан боғлиқ босқичма-босқич ўзгаришлар амалга оширилди, талаб қилинган бадаллар тўлови муддати 37,5 йилдан 40 йилга босқичма-босқич оширила бошланди, 1,3 %дан 2,4 % га

оширилган умумий ижтимоий бадаллар шаклидаги солиқлар ва ичимликлардан (барча алкаголли ва баъзи алкаголсиз ичимликлар) ундириладиган солиқлар ҳисобига молиялаштирилувчи Бирдамлик пенсия фонди ташкил этилди. 1993 йил 1 июлдан Франция банклари жамғариладиган пенсия ҳисоб-рақамларини очишни таклиф қилиша бошлашди.

1993 йилда Ижроия пенсия ташкилотлари бош ассоциацияси доирасидаги пенсия бадаллари миқдори иш ҳақининг 4 % идан 6 % га оширилди. 1997 йилда қабул қилинган “Томас конуни” жамғариладиган пенсия тизимининг афзалликларидан фойдаланиш имкониятини берди. Ушбу конун 1998 йилда ҳокимият тепасига сўл партиялар келиши билан бекор қилинди. 1998 йилда Пенсия резерв фонди ташкил этилди. Ушбу фонд давлат томонидан бошқарилган бўлсада, у капитал бозорида давлат тизимининг эркин активларини инвестициялади. 1999 йилда ўта пессимистик ҳисобот бўлган “Шарпин ҳисоботи” эълон қилинди. Ҳисоботда пенсия тизимидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳеч қандай тавсиялар бўлмасдан, фақатгина пенсия тизимини 2040 йилгача ривожлантиришнинг потенциал лойиҳалари келтирилган ва ҳисоботнинг асосий хулосаси пенсия ёшини 65 ёшга ошириш заруратига қаратилган эди.

2000 йил 1 июлдаги статистик маълумотларга кўра қуйидаги пенсия дастурлари энг кўп суғурталанувчиларга эга бўлишди: асосий дастур (суғурталанувчиларнинг 67,23 %и), фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар дастури (10,50 %), маҳаллий органлар дастури (7,08 %). 2001 йилда Қасбий пенсия тизими жорий қилинди. 2002 йилда энг кам пенсия миқдори ойига 525 еврони ва максимал пенсия миқдори йилига 14 112 еврони ташкил этди, шунингдек пенсия таъминоти харажатлари ЯИМ нинг 12 %га тенг бўлди.

2003 йилда пенсия олиш учун зарур бўлган бадаллар тўлови муддати юқори айтилган 1993 йилги ислохотлар доирасида белгиланган 160 квартал даражасига етди. 2003 йилда Франция пенсия тизимида яна бир ислохот амалга оширилди. Унга кўра талаб қилинган бадаллар тўлови муддатининг етмаган қисми учун бир йўла тўлаш имконияти берилди ва пенсия ёшидаги иктисодий фаол аҳолига имтиёзлар берилди. Барча пенсия дастурлари учун ягона пенсия ахборот тизими яратилди ва умумий пенсия тизимининг учинчи даражасини ташкил этувчи қисм бўлган шахсий жамғариладиган пенсия фондлари жорий этилди.

2004 йил 1 январдан иш ҳақидан ва икки хил дастур бўйича олинувчи пенсиялардан олинadиган даромадларни уйғунлаштириш имконияти яратилди. 2004 йилдан пенсия олиш учун активларни корпоратив ёки идоровий пенсия дастурлари бўйича жамғариш имконияти берилди. 2005 йилда пенсия тизимининг биринчи бўғинида пенсия бадаллари ставкаси 14,6 % га тенг бўлди, жумладан иш берувчи 8,2 % ва ишчи 6,4 %.

Бугунги кунда Франция пенсия тизими давлат мажбурий пенсия тизими (Миллий пенсия тизими) ва ихтиёрий жамғариладиган пенсия дастурларидан ташкил топади. Давлат мажбурий пенсия тизими умумий пенсия тизимининг

биринчи ва иккинчи погоналарини ташкил этади. Ихтиёрий жамғариладиган пенсия дастурлари умумий пенсия тизимининг учинчи погонасини ташкил этади (9.1-расм). Франция пенсия тизими Марказий ижтимоий химоя Агентлиги (*Agence centrale des organismes de securite sociale*) томонидан назорат қилинади.

Давлат мажбурий пенсия тизими				Ихтиёрий
Бош дастур (<i>Régime generale</i>)		Асосий бўғин	Ёрдамчи бўғин	
Асосий бўғин		Ўзини-ўзи банд қилганлар учун дастур		
Ходимлар миллий пенсия фонди (CNAVTS) томонидан бошқарилади		CANCAVA марказий фонди		
Ёрдамчи бўғин		12 та корпоратив фонди томонидан бошқарилади	ORGANIC (тадбиркорлар ва савдогарлар)	
Қўшимча пенсия дастурлари Ассоциацияси (ARRCO)	Ижроия пенсия ташкилотлари бош Ассоциацияси (AGIRC)		AVA (хунармандлар)	
Мансабдор бўлмаган давлат ва нодавлат ходимлари учун тулдирувчи пенсия фонди (IRCANTEC)			CNA (ёлланмасдан ишловчилар)	
			Фермерлар учун дастур	
			Фермерлар	
		Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари		
Биринчи ва иккинчи погоналар				Учинчи поғона

9.1-расм. Франция пенсия тизими таркибий тузилиши¹³⁴

Франция пенсия тизимининг асосий элементи давлат мажбурий пенсия тизими ҳисобланади. Давлат мажбурий пенсия тизими пенсия бадаллари ва солиқлар ҳисобига молиялаштирилади ва молиялаштириш “pay-as-you-go” тизими асосида амалга оширилади. Давлат пенсия тизими юзга яқин пенсия дастурларини ўз ичига қамраб олади ва уларни турли қасб гуруҳлари бўйича умумлаштириб қўйидаги 4 асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

¹³⁴ THE FRENCH PENSION SYSTEM. JAROSLAW POTERAJ. *Annals of the University of Petroşani, Economics*, 2015, p.159.

- 1) бош дастур;
- 2) ўзини-ўзи банд қилганлар учун дастур;
- 3) фермерлар учун дастур;
- 4) махсус дастурлар.

Бош дастур икки бўғиндан иборат:

1) Ходимлар миллий пенсия фонди (CNAVTS) томонидан бошқариладиган асосий бўғин;

2) Қуйидаги уч алохида ташкилот томонидан бошқариладиган ёрдамчи бўғин:

- Қўшимча пенсия дастурлари Ассоциацияси (ARRCO).
- Ижроия пенсия ташкилотлари бош Ассоциацияси (AGIRC).
- Мансабдор бўлмаган давлат ходимлари учун тўлдирувчи пенсия фонди (IRCANTEC).

Асосий бўғин активлари жамғарилувчи фонд барча суғурталанган шахслар учун умумий ҳисобланади ва “ўрнатилган пенсия тўловлари – DB” коидаларига асосланган ҳолда шакллантирилади. Асосий бўғин учун пенсия бадаллари ставкаси даромадларга нисбатан 14.9%дан 32.7%гача бўлиб, шундан 8.3%дан 16.3 %гача бўлган қисмини иш берувчилар, 6.6 %дан 16.3%гача бўлган қисмини ишчилар тўлашади. Бадаллар миқдори 2 773 еврога тенг бўлган яъни даромадлардан кўп бўлиши мумкин эмас. Тўланган бадаллар пенсия фондига ўтказилади.

Ёрдамчи бўғин бош дастурнинг асосий бўғини бўйича суғурталанишлари шарт бўлган барча ёлланма ишчилар учун ARRCO доирасида, муҳандис ва бошқарув ходимлари учун AGIRC доирасида, давлат ходимлари учун IRCANTEC доирасида мажбурий ҳисобланади. Ёрдамчи фондларда жамғарилган активлар назорат қилинувчи ва ижтимоий ҳамкорлар деб аталувчи институтлар томонидан бошқарилади ва капитал бозорида инвестицияланади.

ARRCO доирасида 43 та алохида дастурлар мавжуд бўлиб, пенсия бадаллари ставкаси даромадларга нисбатан 6.0 % дан 7.5 % гача қилиб белгиланган. AGIRC таркиби 67 та алохида пенсия дастурларидан иборат. AGIRC доирасида пенсия бадаллари ставкаси даромадларнинг 16.0-20.0 %ига тенг миқдорда белгиланган. IRCANTEC доирасида эса пенсия бадаллари 4.5-17.5 % этиб белгиланган. Ёрдамчи бўғинда тўлиқ пенсия тўловлари миқдори суғурталанган шахс даромадларининг 20 % ига тенгдир.

Ўзини-ўзи банд этганлар учун пенсия дастури CANCAVA марказий фонди ва 12 та корпоратив фондларни қамраб олади. Корпоратив фондларни умумлаштириб уч гуруҳга бўлиш мумкин: ORGANIC (Тадбиркорлар ва савдогарлар учун), AVA (хунармандлар учун) ва CNA (ёлланмасдан ишловчилар учун). Ушбу дастур бош дастур каби асосий ва ёрдамчи бўғинлардан ташкил топган.

Фермерлар пенсия дастури икки гуруҳдаги шахслар учун амал қилади: фермерлар ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорлари. Ушбу дастур асосий ва ёрдамчи бўғинларга ажралади.

Бош дастур, ўзини банд этганлар учун ва фермерлар дастурларининг асосий ва ёрдамчи бўғинлари мос равишда Франция пенсия тизимининг биринчи ва иккинчи поғоналарини ташкил этади.

Тог-кон саноати, темир йўл тизими, газ саноати, энергия саноати, савло флот, опера театри, шифохоналар, Париж метрополитени, Франция банки ходимлари ва нотариуслар, ҳарбий хизматчилар, маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органлари хизматчилари ва баъзи давлат хизматчилари учун махсус пенсия дастурлари ишлаб чиқилган.

Махсус дастурлар асосий ва ёрдамчи бўғинларга ажратилмайди ва ушбу дастурлар доирасида фақат битта бўғин мавжуд. Махсус пенсия дастурлари корпоратив характерга эга бўлиб, улар Франция пенсия тизими иккинчи поғонасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳар бир махсус дастур ўзининг тартиб-қоидаларига эгадир. Масалан, давлат ходимлари ва ҳарбий хизматчиларнинг турли гуруҳлари учун пенсия бадаллари ставкалари 7.8 % дан ошмаслиги керак ва тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштирилади. Махсус дастурлар доирасида ўртача пенсия ёши 60 ёшга тенг, лекин айрим касб гуруҳлари учун пенсия ёши бундан пастрок ва 50 ёшга тенг бўлиши ҳам мумкин. Пенсия тўловларини ҳисоблашда инobatта олинадиган ўртача муддат 25 йилга тенг, лекин айрим махсус дастурларда сўнги 6 ойлик муддат ҳисобга олинади.

Франция давлат мажбурий пенсия тизимида *минимум пенсия ёши* (эрта пенсияга чиқиш ёши) 62 ёш ва *тўлиқ пенсия ёши* 67 ёш (1952 йилдан кейин туғилганлар учун) этиб қонун билан белгиланган. 67 ёшга етган, шунингдек 166 квартал, яъни 41.5 йил (1952 йилдан илгари туғилганлар учун 40 йил) дан кам бўлмаган пенсия бадаллари тўлови муддатига эга бўлган фуқаролар тўлиқ пенсия тўловлари олиш ҳуқуқига эга бўлишади¹³⁵.

Пенсия тўловлари миқдори ходимнинг ўртача ялпи даромадлари даражасига ва пенсия бадаллари тўловлари муддатига боглиқ бўлиб, ходим пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлганда ушбу икки омил миқдорига мутаносиб равишда пенсия тўловлари қиймати белгиланади. Ўртача ялпи даромадлар сифатида инфляцияни инobatта олган ҳолда ҳисобланган ходимнинг меҳнат фаолияти давридаги энг яхши 25 йиллик ялпи даромадлари ҳисобга олинади.

Ходимлар пенсия ёшига етганда тўлиқ пенсия учун талаб қилинадиган 166 кварталга тенг муддат давомида пенсия бадаллари тўлаб келган бўлишса, уларга ўртача йиллик ялпи даромадларининг 50 %ни миқдорида пенсия тўловлари берилади. Агар минимумдан кам муддатда пенсия бадаллари тўловини амалга оширишган бўлишса, пенсия тўловлари миқдори етишмаган кварталлар сонига мутаносиб равишда камайтиради. Агар етишмаган кварталлар ходимнинг пенсияга чиққунга қадар ўқиш даврига ёки паст даромад билан ишлаган даврига тўғри келса пенсия тўловлари суммаси камайтирилмайди.

¹³⁵ http://www.expatica.com/fr/finance/french-pension-french-pension-system_830117.html

Шунингдек, ходим ўрнатилган минимум пенсия ёшида ёки ундан сўнг ва тўла пенсия ёшига етмасдан пенсияга чиқишга қарор қилса, пенсия тўловлари миқдори тўлиқ пенсия ёши учун етишмаган ҳар бир кварталга 1.25 %га ёки бир йил учун 5 %га камайтирилади ва ушбу фондлар максимал 25% гача етиши мумкин. Пенсия тўловлари ўртача ялпи даромадларнинг 50% и миқдориди берилишини ҳисобга олсак, ушбу фоиз кўрсаткичи ҳар бир етишмаган йил учун 2.5 % га ($50\% \cdot 5\% = 2.5\%$) қисқартирилади ва шу сабабли мамлакатда минимум пенсия тўловлари миқдори ўртача ялпи даромадларнинг 37.5 % ига ($50\% - 50\% \cdot 25\%$) тенгдир. Бундан мамлакатда пенсия даромадлари қоплаш коэффициентининг минимал чегараси 37.5 % ни ташкил этишини ҳулоса қилиш мумкин.

Тўлиқ пенсия олиш ваколатига эга бўлиш учун белгиланган пенсия ёшига етган ва пенсия бадаллари тўлови муддати талаб қилинган миқдорда бўлган шахслар пенсия ёшида ҳам ишлашни давом эттиришса, уларга ҳар бир қўшимча ишлаган кварталлари учун пенсия тўловлари миқдори 1.25 %га (ҳар бир йил учун 5 %га) оширилади¹³⁶. Бундан эса мамлакатда қоплаш коэффициенти 50 % дан ҳам юқори бўлиши мумкинлигини кўриш мумкин.

Пенсия тўловлари миқдорини юқорида келтирилган шартларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$P = F \cdot R \cdot C / 166 \quad (1)$$

бу ерда:

P – йиллик пенсия тўловлари;

F – пенсия тўловларининг ўртача йиллик ялпи даромадларга нисбатини ифодаловчи фоиз (37.5 % дан 50 % гача, пенсия ёшида ҳам ишлаганлар учун 50 % дан юқори);

R – ўртача йиллик ялпи даромадлар;

C – кварталларда ифодаланувчи пенсия бадаллари тўлови муддати;

166 – пенсия бадаллари тўлови бўйича талаб қилинадиган кварталлар сони.

Жамғариладиган пенсия дастурлари ихтиёрий ёрдамчи пенсия тизими шаклида амал қилади. Ушбу дастур доирасида жамғарилаган активларни бошқарувчи компанияни ихтиёрий танлаш имконияти мавжуд бўлиб, бундай компаниялар давлат компанияси (Caisse Nationale de Prevoyance de la Fonction Publique, PREFON) ёки пенсия сугуртаси шартномасини тақлиф этувчи сугурта компаниялари бўлиши мумкин.

Жамғариладиган пенсия дастурлари ёрдамчи хусусий пенсия дастурлари (*plan partenarial d'épargne salariale volontaire pour la retraite*, PPESVR) шаклида бўлиши ёки банклардаги давлат пенсия жамғармалари ҳисобидан субсидиялаштирилиши ёки ҳаёт сугуртаси компанияларидаги пенсия шартномалари шаклида бўлиши мумкин.

Шифохона ходимлари учун алоҳида ихтиёрий пенсия дастури мавжуд (*Comité de Gestion des Oeuvres Sociales*, CGOS). Бундан ташқари,

¹³⁶ PENSIONS AT A GLANCE 2015: OECD AND G20 INDICATORS © OECD 2015. P-255.

жамгариладиган пенсия дастурлари солиқ имтиёзлари билан боғлиқ бўлган корпоратив (PERP) ёки идоравий (PERCO) пенсия дастурлари шаклида ҳам намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда Францияда пенсия тизими харажатлари мамлакат ялли ички маҳсулотининг 13.8 % ини ташкил этади ва ИХТТ мамлакатлари бўйича бу кўрсаткич ўртача 7.9 %ни ташкил этади¹³⁷.


Франция пенсия тизимининг бошқа ИХТТ мамлакатлари пенсия тизимларидан фаркли жиҳати шундаки, пенсия тизимининг 2-погонасини ташкил этувчи корпоратив пенсия дастурлари давлат мажбурий пенсия тизими таркибига киради.

9.2. Франция пенсия тизимининг ривожланиш омиллари.

Бошқа Европа Иттифоқи мамлакатлари каби Францияда ҳам мамлакат пенсия тизимига салбий таъсир этувчи демографик ўзгаришлар чуқурлашиб бормоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози шароитида эса демографик жараёнларнинг таъсири янада ортди.

2000-йиллар ўрталарига келиб Францияда 65 ва ундан юкори ёшдаги аҳолининг умумий аҳоли таркибидаги улуши Европа Иттифокидаги ўртача даража 16 % га якин бўлди. Мамлакатда бу кўрсаткич даражаси Ирландия (11 %) ва Нидерландиядаги (13 %) даражадан юкори ва Италиядаги (18 %) даражага нисбатан пастроқ бўлди. БМТ таснифи бўйича бу кўрсаткич 14 %дан юкори бўлса мамлакат аҳолиси қариган деб ҳисобланади.

2017 йил бошида Бирлашган миллатлар ташкилотининг демография ва ижтимоий статистика департаменти маълумотларига кўра Франция аҳолисининг ёш таркибида 65 ва ундан юкори ёшдагилар улуши 16.8 % ни ташкил этади (9.2-расм).



	- 15 ёшгача бўлган аҳоли улуши
	- 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган аҳоли улуши
	- 65 ва ундан юкори ёшдагилар улуши

9.2-расм. Франция аҳолисининг ёш таркиби, 2017 йил бошида¹³⁸

Бу кўрсаткич даражаси 2000-йилларга нисбатан унчалик ошмаган бўлсада якин ўн йилликлар ичида 65 ва ундан юкори ёшдаги француз

¹³⁷ PENSIONS AT A GLANCE 2015: OECD AND G20 INDICATORS © OECD 2015. <http://dx.doi.org/10.1787/888933301843>

¹³⁸ Бирлашган миллатлар ташкилотининг демография ва ижтимоий статистика департаменти сайти (<https://unstats.un.org/unsd/demographic/products/indwim/default.htm>) маълумотлари асосида тузилди.

аҳолисининг улуши кескин ва барқарор ошиб бориши, жумладан, 2030 йилгача 25% га, 2050 йилгача эса 30 %га етиши кутилмоқда. Бу албатта мамлакатда демографик юк коэффициентларининг ортиб кетишига олиб келади. Маълумки демографик юк коэффициенти меҳнатга қобилиятли бўлмаган аҳолининг жамиятга ва иқтисодидатга қанчалик даражада юк бўлиб тушишини акс эттиради. Аҳолининг меҳнатга қобилияти бўйича гуруҳлашда меҳнат ёшидан гуруҳлаш чегараси сифатида фойдаланилади. Меҳнат ёши турли мамлакатларда турлича бўлиб, мамлакатлар мавжуд демографик ва иқтисодий ҳолатни инobatта олиб меҳнат ёши чегарасини мустакил белгилайдилар.

Дунё мамлакатлари бўйича демографик маълумотларни умумлаштириб ва қисқий таҳлил қилиш учун Бирлашган миллатлар ташкилотининг демография ва иқтисодий статистика департаменти меҳнат ёши сифатида 15-65 ёшдан фойдаланади. Унга кўра меҳнатга қобилиятли аҳоли деганда 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган аҳоли қабул қилинади. Меҳнат қобилиятли бўлмаган аҳолини эса 15 ёшгача ва 65 ёшдан юқори ёшдагилар ташкил этади. Уларнинг умумий ва мос равишда алоҳида сонининг меҳнатга қобилиятли ёшдаги (15-65 ёш) аҳоли сонига нисбати умумий демографик юк, потенциал алмаштириш ва пенсия бўйича юк коэффициентларини акс эттиради. Демографик юк коэффициентларининг ошиши давлатнинг иқтисодий соҳа харажатларининг, жумладан пенсия тизими харажатларининг ошишига олиб келади.

Францияда умумий демографик юк коэффициенти 2017 йил бошида 54.5 % га тенг бўлиб, бундай даража жамият учун юқори иқтисодий юк ҳисобланади. Бу Францияда ҳар бир меҳнат ёшидаги аҳолининг ўзи учун зарур бўлган миқдорга нисбатан 1.5 баравар кўпроқ товар ва хизматлар билан таъминланиши кераклигини англатади. Францияда потенциал алмаштириш коэффициенти 28.6 % ни ташкил этган ҳолда, пенсия бўйича юк коэффициенти 25.9 % га тенг бўлди¹³⁹.

Пенсия тизими демографик омилларнинг таъсирини баҳолашда пенсия бўйича юк коэффициентидан ташқари пенсия ёшидагиларнинг жамият учун иқтисодий юк бўлиши даражасини акс эттирувчи яна бир кўрсаткич кекса ёшдагиларнинг демографик қарамлик коэффициентида ҳам фойдаланилади. Ушбу коэффициентнинг аввалгисидан фарқи жихати шундаки, уни ҳисоблашда пенсия ёшидагилар сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати ҳисобга олинади.

ИХТТ мамлакатлари доирасида кекса ёшдагиларнинг демографик қарамлик коэффициенти 2015 йилда ўртача 27.6 % га тенг бўлган бўлса Францияда ушбу кўрсаткич ўртача даражадан 5.2 пунктга юқори, яъни 32.8 % га тенг бўлиб, яқин йилларда ушбу кўрсаткич даражасининг янада ошиши прогноз қилинмоқда. Жумладан, Францияда кекса ёшдагиларнинг демографик қарамлик коэффициенти 2025 йилга келиб 39.7 % га етиши прогноз қилинаётган бўлса, 2050 йилга келиб 49 %га ва 2075 йилга келиб эса 53.4 %га етиши кутилмоқда (9.1-жадвал).

¹³⁹ Бирлашган миллатлар ташкилотининг демография ва иқтисодий статистика департаменти сайти (<https://unstats.un.org/unsd/demographic/products/indwms/default.htm>) маълумотлари асосида.

ИХТТ мамлакатларида пенсия бўйича юк коэффициенти: тарихий ва истикболдаги кўрсаткичлар, %¹⁴⁰

Мамлакатлар	1950	1975	2000	2015	2025	2050	2075
Австрия	17.1	27.3	25.3	30.3	36.5	52.8	53.8
Белгия	18.1	25.2	28.4	31.7	39.0	50.5	51.6
Канада	14.0	15.3	20.4	25.9	35.7	46.4	49.9
Чехия	13.6	22.5	22.0	28.1	35.2	50.9	47.9
Дания	15.6	23.7	24.2	32.2	37.1	42.7	47.6
Финландия	11.9	18.0	24.7	35.4	44.6	48.9	53.1
Франция	19.5	24.6	27.5	32.8	39.7	49.0	53.4
Германия	16.0	26.3	26.2	35.3	43.7	65.1	66.3
Греция	12.5	21.8	27.5	33.5	40.2	65.3	59.7
Италия	14.3	21.7	29.4	36.5	42.6	68.3	63.3
Япония	10.0	13.0	27.6	47.2	55.4	78.4	77.2
Жанубий Корея	6.3	7.5	11.5	19.6	31.1	71.5	80.1
Мексика	7.9	9.5	9.7	12.1	16.2	35.3	58.7
Нидерландия	14.0	19.5	21.9	30.5	39.5	52.5	55.9
Норвегия	16.0	24.9	25.8	27.9	33.1	42.1	47.4
Португалия	13.0	19.7	26.7	31.7	38.5	69.8	75.6
Испания	12.8	19.2	27.3	29.6	36.3	73.2	65.4
Туркия	6.5	10.1	11.3	13.1	17.6	37.4	55.2
АҚШ	14.3	19.1	20.9	24.7	33.1	39.5	45.0
ИХТТ (ўртача)	13.7	19.4	22.5	27.6	34.6	51.0	55.4

Францияда ва бошқа кўплаб ИХТТ мамлакатларида кекса ёшдагиларнинг демографик қарамлик коэффициенти охиб бориши мамлакатларда туғилиш даражасининг пасайиши ва кутилаётган ўртача умр давомийлигининг ошиши каби омиллар ҳисобига юз бермоқда.

Туғилиш даражасини ҳисоблашда туғилиш коэффициентидан фойдаланилади. Туғилиш коэффициенти авиклашда одатда ҳар 1000 нафар туғиш ёшидаги (15-49 ёш) аёлларга туғри келувчи бир йил давомидаги туғилишлар сони ҳисобланади. Лекин туғилиш даражасининг ўзгаришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини тўлароқ таҳлил қилиш мақсадида Бирлашган миллатлар ташкилотининг демография ва ижтимоий статистика департаменти туғилиш коэффициенти ҳисоблашнинг бошқа усулидан фойдаланади. Ушбу усулга кўра туғилиш коэффициенти туғиш ёшидаги

¹⁴⁰ PENSIONS AT A GLANCE 2015: OECD AND G20 INDICATORS © OECD 2015.

бир аёл дунёга келтириши мумкин бўлган ўртача болалар сони сифатида каралади.

Франция ва ИХТТ нинг бошқа аъзо мамлакатларида туғилиш коэффициенти 1960 йиллардан буён камайиб келмоқда. Бунга ушбу мамлакатларда шахсий ҳаёт тарзидаги ва оилани шакллантиришдаги ўзгаришлар, шунингдек болаларни боқиш ва вояга етказиш учун қулай бўлган уй-жой шароитини таъминлашдаги, меҳнат фаолияти ва фарзанд қарамоғини бир вақтда олиб боришдаги кийинчиликлар сабаб бўлди дейиш мумкин. Шунингдек туғилиш даражасининг пасайишига таъсир этувчи омил сифатида ушбу мамлакатларда никоҳлар сонининг камайганлигини келтириб ўтиш мумкин.

2015 йилда ИХТТ мамлакатлари бўйича ўртача туғилиш даражаси 1.67 га тўғри келди ва бу кўрсаткич 1960 йилда 3.18 га тенг бўлган. Францияда эса 2015 йилда туғилиш коэффициенти 1.98 га тенг бўлган бўлса, 1960 йилда бу кўрсаткич 2.74 га тенг бўлган. Мутахассислар яқин йилларда мамлакатларда туғилиш коэффициенти оқишнинг прогноз қилишаётган бўлишида, прогноз кўрсаткичлар жорий туғилиш коэффициентида нисбатан даражада фарқ қилмайди (9.2-жадвал).

9.2-жадвал

ИХТТ мамлакатларида туғилиш коэффициенти¹⁴¹

Мамлакатлар	1960	1970	1980	1990	2000	2010	2015	2020*	2060*
Мексика	6,78	6,72	4,71	3,36	2,65	2,28	2,22	1,94	1,76
Туркия	6,40	5,00	4,63	3,07	2,27	2,06	2,07	1,89	1,77
Франция	2,74	2,48	1,95	1,78	1,87	2,02	1,98	1,98	1,99
АҚШ	3,65	2,48	1,84	2,08	2,06	1,93	1,86	1,98	1,99
Буюк Британия	2,72	2,43	1,90	1,83	1,64	1,92	1,83	1,89	1,90
Канада	3,90	2,33	1,68	1,71	1,49	1,63	1,61	1,74	1,86
Япония	2,00	2,13	1,75	1,54	1,36	1,39	1,43	1,54	1,78
Германия	2,37	2,03	1,56	1,45	1,38	1,39	1,41	1,50	1,69
Италия	2,41	2,43	1,68	1,36	1,26	1,41	1,39	1,61	1,83
Испания	2,86	2,90	2,22	1,36	1,23	1,37	1,27	1,63	1,83
Корея	6,00	4,53	2,82	1,57	1,47	1,23	1,19	1,46	1,75
ИХТТ	3,18	2,73	2,17	1,91	1,67	1,75	1,67	1,77	1,85

прогноз кўрсаткичлар.


Туғилиш коэффициенти нинг бундай тушиб кетиши натижасида мамлакатда аҳоли қариши жараёнилари кучайди, меҳнат ресурсларининг тақрор ишлаб чиқариш даражаси, меҳнат бозорида ёш иш кучининг салмоғи нисбатан камайди ва мамлакатда кекса ёшдагиларнинг демографик қарамлик даражаси ошиди.

Пенсия тизимиса таъсир этувчи яна бир демографик омил туғилишда қутилаётган ўртача умр давомийлигидир. Ушбу кўрсаткич жорий туғилиш ва ўлим даражалари ҳисобга олингандаги инсоннинг туғилгандан бошлаб

¹⁴¹ OECD (2016), Society at a Glance 2016: OECD Social Indicators; United Nations, World Population Prospects – 2015 Revision (forecasts). <http://dx.doi.org/10.1787/888933301171>

Пенсия тизимининг молиялаштирилиши кексаликда кутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи билан ҳам боғлиқдир. Чунки бу кўрсаткич даражасининг пенсия тизимига таъсири тугилишда кутилаётган умр давомийлигига нисбатан яққолроқ намоён бўлади. Францияда аҳолисининг 65 ёшда кутилаётган ўртача умр давомийлиги 21 йилга тенг бўлиб, бу кўрсаткич бўйича ИХТТ бўйича хисобланган ўртача умр давомийлиги (19.3 йил) дан юқориқдир¹⁴⁴.

2010-2015 йилларда ИХТТ мамлакатларида 65 ёшдаги аёлларнинг яна ўртача 20,8 йил яшаши кутилмоқда ва бу кўрсаткич 2060-2065 йилларга бориб 25,8 йилга етиши прогноз қилинмоқда.



9.4-расм. ИХТТ мамлакатларида аёллар учун 65 ёшда кутилаётган ўртача умр давомийлиги¹⁴⁵

ИХТТ мамлакатлари ўртасида аёлларнинг кексаликда кутилаётган ўртача умр давомийлиги кўрсаткичи бўйича сезиларли даражада вариация мавжуддир. 2060-2065 йилларга келиб Франция кексаликда кутилаётган ўртача умр давомийлиги бўйича Япония (29.7 йил) ва Корейдан (29.5 йил) сўнг учинчи энг юқори даражага (28.3 йил) эришиши прогноз қилинмоқда (9.4-расм).


2010-2015 йилларда ИХТТ мамлакатлари доирасида 65 ёшдаги эркакларнинг кутилаётган ўртача умр давомийлиги 17.4 йилга тенг бўлмоқда

¹⁴⁴ PENSIONS AT A GLANCE 2015: OECD AND G20 INDICATORS © OECD 2015

¹⁴⁵ United Nations, World Population Prospects – 2015 Revision, <http://dx.doi.org/10.1787/888933300779>

ва 2060-2065 йилларга бориб уларнинг ушбу ёшлагига кутилаётган умр давомийлиги 4.5 йилга узайиши, яъни 21.9 йилга етиши прогноз қилинмоқда.

ИХТТ мамлакатларининг эркакларнинг кексаликда кутилаётган умр давомийлиги бўйича вариациялашув даражаси аёллар ўртача умр кўриш давомийлиги бўйича вариациялашув даражасига нисбатан бироз камроқдир. 2010-2015 йилларда ИХТТ мамлакатлари таркибида эркакларнинг 65 ёшда кутилаётган ўртача умр давомийлиги бўйича энг юқори кўрсаткич Японияга тўғри келиб, бу кўрсаткич даражаси 19.2 йилни ташкил этади. Франция бу кўрсаткич бўйича юқори ўринда турмасала, мамлакатда эркакларнинг кексаликда кутилаётган ўртача умр давомийлиги Япониядан атиги 0.7 йилга камроқ, яъни 18.5 йилга тенгдир. 2060-2065 йилларга бориб Францияда 65 ёшдаги эркакларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 22.5 йилга етиши прогноз қилинмоқда (9.5-расм).



9.5-расм. ИХТТ мамлакатларида аёллар учун 65 ёшда кутилаётган ўртача умр давомийлиги¹⁴⁶

Кутилаётган умр давомийлигининг барқарор суръатларда ошиб бориши тугилиш даражасининг камайиши каби Францияда кекса ёшдагиларнинг демографик қарамлик даражасини истикболда янада ошишига олиб келади. Кекса ёшдагилар демографик қарамлик коэффициентининг ўсиши пенсия тизимида ходимлар ва иш берувчилар тўлайдиган пенсия бадаллари суммасига нисбатан пенсия тўловларининг сезиларли даражада ошиши, яъни пенсия тизими даромадлари ва харажатлари ўртасидаги номуаносибликнинг ошиб кетишига олиб келади ва пенсия тизимининг

¹⁴⁶ United Nations, World Population Prospects – 2015 Revision. <http://dx.doi.org/10.1787/888933300780>

молиявий барқарорлигига салбий таъсир этади. Бу эса бошқа кўплаб ИХТТ мамлакатлари каторида Францияда ҳам пенсия тизимини мунтазам ислоҳ қилиб бориш зарурати юқори эканлигини англатади.

Кўпчилик Европа Иттифоқи мамлакатлари каби Францияда ҳам пенсия ёшининг сўнги йилларда босқичма-босқич оширилиб келинаётганлиги демографик омилларнинг пенсия тизимига салбий таъсир этишини маълум даражада камайтирмоқда дейиш мумкин. Лекин бундай вазиятда узайтирилган пенсия ёшида ҳам кекса аҳоли ўзининг саломатлик даражасининг яхши ҳолатда сақлаб қолишига, ёки бошқача айтганда меҳнат қобилиятини тўлиқ сақлаб қолишига, жумладан кексаликдаги ногиронлик ва алоҳида этиборга муҳтожлик ҳолатларини юзага келиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бундай вазиятда мавжуд пенсия дастурлари билан параллел равишда амал қилувчи кексаликдаги ногиронликдан суғурталаш дастурларини жорий этиш орқали пенсия ёшидаги аҳолини ижтимоий суғурталашнинг аҳамияти ортади. Бу эса ижтимоий суғурта харажатларининг маълум миқдорда ошишига олиб келиши мумкин.

Пенсия ёшини ошириш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширишда мамлакатдаги бандлик даражасини ҳам ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Чунки пенсия ёшининг оширилиши иқтисодийда меҳнат ресурслари сонининг ошишига олиб келади. Меҳнат ресурсларининг бундай ошиши янги иш ўринларини яратишга нисбатан юқорирок бўладиган бўлса, пенсия ёшига яқин ёшдаги меҳнат ресурслари ўртасида ишсизлик даражаси ортиши мумкин. Шу сабабли демографик омиллар билан биргаликда меҳнат бозоридаги ўзгаришларнинг пенсия тизимига таъсирини таҳлил қилиш пенсия тизими барқарорлигини оширишга қаратилган ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

2005-2016 йиллар давомида Францияда ишсизлик даражасининг барқарор ўсиши кузатилди. 2005 йилда мамлакатда ишсизлик даражаси 8.5 % ни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 10.4 % гача кўтарилди, 2016 йилда эса 10.0 % лик ишсизлик даражаси қайд этилди. ИХТТ мамлакатлари доирасида умумий ўртача ишсизлик даражаси 2005 йилда 6.5 %ни ташкил этган бўлса, 2016 йилда ишсизлик даражаси ундан биров пастроқ даражани, яъни 6.3 % ни ташкил этди. Лекин ушбу давр оралиғида ўртача ишсизлик даражаси барқарор бўлмаган равишда ўзгариб борди, жумладан, 2008 йилда ишсизлик даражаси 5.9 % га тенг бўлган бўлса, 2010 йилда 8.3 % га етди. Францияда ишсизлик даражаси 2005-2016 йиллар давомида ИХТТ доирасида ҳисобланган ўртача кўрсаткичдан юқори бўлди, биргина 2016 йилда ўртача кўрсаткичдан 3.7 пунктга юқорирок ишсизлик даражаси қайд этилди (9.3-жадвал).

Францияда сўнги йилларда ишсизлик даражасининг юқори эканлиги иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси пасайиши кузатилаётган англатади, лекин мамлакатда меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси 2005-2016 йилларда деярли ўзгаришсиз қолиб, ўртача 64 % атрофида тебраниб келмоқда.

Мамлакатда меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси 2005 йилда 63.7 % ни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 64.2 % ни ташкил этди, шунингдек мамлакатда 64.9 % лик энг юқори бандлик даражасига 2008 йилда эришилди.

9.3-жадвал

**ИХТТ мамлакатларида ишсизлик даражасини ўзгариши
(иктисодий фаол аҳолига нисбатан % ҳисобида)¹⁴⁷**

	2005	2008	2010	2012	2014	2015	2016
Греция	9,99	7,76	12,72	24,44	26,49	24,9	23,54
Испания	9,15	11,24	19,86	24,79	24,44	22,06	19,63
Италия	7,73	6,72	8,36	10,65	12,68	11,89	11,69
Франция	8,49	7,06	8,87	9,40	10,30	10,36	10,03
Канада	6,76	6,14	8,06	7,29	6,91	6,91	6,99
ИХТТ	6,55	5,91	8,28	7,92	7,35	6,76	6,32
АҚШ	5,07	5,78	9,62	8,07	6,17	5,29	4,87
Буюк Британия	4,75	5,61	7,79	7,89	6,11	5,30	4,81
Германия	11,17	7,53	6,97	5,38	4,98	4,62	4,11
Япония	4,42	3,99	5,05	4,35	3,59	3,38	3,12
Исландия	2,55	2,94	7,55	5,98	4,89	3,97	2,97

2005-2016 йилларда ИХТТ мамлакатлари доирасидаги ўртача бандлик даражасида паст суръатлардаги ўсиш тенденциялари кузатилди, жумладан 2005 йилдаги ўртача 65.3 % лик бандлик даражаси 2016 йилга келиб 67.0 % га етди. Францияда бандлик даражаси ушбу муддат давомида ИХТТ мамлакатлари доирасидаги ўртача бандлик даражасидан паст бўлди. (9.4-жадвал).

Францияда иқтисодий фаол аҳоли бандлик даражасининг пасайиши шароитида, меҳнат ресурслари бандлик даражасининг барқарор ҳолатда сакланиб қолаётганлигини ёки 2010 йилдаги бандлик даражасидан 0.2 пунктга ошганлигини мамлакатда меҳнат ресурслари иқтисодий фаоллик даражасининг ошганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бунга эса ўз ўрнида мамлакатда пенсия ёшининг оширилиши ва пенсия ёшига яқин ёшдагилар бандлик даражаларидаги ўзгаришлар таъсир этди.

Пенсия ёшининг оширилиши иқтисодий фаоллик қай даражада таъсир этганлигини баҳолашда меҳнат ресурслари бандлик даражасини ёш таркиби бўйича таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Меҳнат бозори ва пенсия тизими ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишда пенсия ёшига яқин ёшдаги меҳнат ресурсларининг бандлик даражасини ўрганиш зарур.

¹⁴⁷ OECD Data. Unemployment rate. <https://data.oecd.org/unemp/unemployment-rate.htm>

ИХТТ мамлакатларида бандлик даражасини ўзгарishi
(меҳнат ресурсларига нисбатан % ҳисобида)¹⁴⁸

	2005	2008	2010	2012	2014	2015	2016
Исландия	83.78	83.58	78.17	79.67	82.95	84.72	86.53
Швецария	77.20	79.50	78.60	79.42	79.85	80.20	80.83
Германия	65.45	70.10	71.25	73.00	73.78	73.97	74.70
Япония	69.37	70.87	70.29	70.62	72.76	73.39	74.45
Буюк Британия	71.78	71.50	69.38	69.95	71.90	72.72	73.50
Канада	72.44	73.53	71.47	72.05	72.31	72.51	72.57
АҚШ	71.53	70.89	66.69	67.14	68.15	68.71	69.35
ИХТТ	65.28	66.33	64.46	64.95	65.67	66.25	66.96
Франция	63.75	64.92	64.00	64.03	63.80	63.83	64.20
Италия	57.58	58.65	56.75	56.63	55.70	56.27	57.25

Мамлакатда 15-24 ёшдаги меҳнат ресурслари бандлик коэффициенти сўнги 10 йил давомида 2.8 пунктга камайди, шунингдек ушбу гуруҳдагилар бандлик даражаси 2006-2016 йилларда ИХТТ мамлакатлари бўйича ўртача бандлик коэффициентида сезиларли даражада паст бўлиб келмоқда.

Францияда 25-54 ёшдаги меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси 2006-2016 йилларда 1.5 пунктга камайди, лекин мамлакатдаги ушбу кўрсаткич даражаси ИХТТ бўйича ўртача бандлик даражасидан юқори бўлиб келмоқда.

Францияда сўнги 10 йил давомида 15-24 ва 25-54 ёшдаги меҳнат ресурслари бандлик даражаси пасаяётган шароитда 55-64 ёшдаги меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси сезиларли миқдорда ошиб бормоқда.

Мамлакатда 2016 йилдаги 55 ёшдан 65 ёшгача бўлган меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси 49.8 %га тенг бўлди ва бу 2006 йилдаги кўрсаткичга нисбатан кўшимча 11.67 пунктга кўпроқдир. ИХТТ мамлакатлари билан таққослаганда Францияда ўртача бандлик даражасидан паст кўрсаткичларни кузатишмоқда. Биргина 2016 йилда мамлакатдаги 55 ёшдан 65 ёшгача бўлганлар бандлик даражаси ўртача бандлик даражасидан 9.42 % камроқ бўлди.

Юқоридаги жадвал маълумотлари 55-64 ёшдаги меҳнат ресурсларини камраб олганлигини, Францияда эса пенсия ёши 67 ёш эканлигини ҳисобга олсак, пенсия ёшига яқин ёшдаги меҳнат ресурсларининг юқори ёш чегарасини пенсияга чиқиш ёши билан боғлаган ҳолда гуруҳлаб, ушбу гуруҳни яна иккиламчи гуруҳларга ажратиш таҳлил қилиш пенсия тизими ва меҳнат бозорининг ўзаро таъсирини янада чуқурроқ ўрганиш имконини


¹⁴⁸ OECD. Data. Employment rate. <https://data.oecd.org/emp/employment-rate.htm#indicator-chart>.

беради. Бунда ИХТГ нинг 2016 йилдаги бандлик бўйича ҳисоботи (OECD Employment Outlook 2016) методи ва маълумотларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу ҳисоботда меҳнат ресурсларининг 55-59, 60-64 ва 65-69 ёш гуруҳлари бўйича бандлик даражалари келтирилган (9.6-расм).

9.5-жадвал

Меҳнат ресурсларининг ёш таркиби бўйича бандлик даражасини ўзгариши (бандларнинг меҳнат ресурсларига нисбати % ҳисобида)¹⁴⁹

	Ёш гуруҳи	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Франция	15-24	29.98	31.18	31.43	30.48	30.13	29.60	28.55	28.38	28.00	27.90	27.85
	25-54	81.25	82.08	83.15	82.10	81.95	81.45	80.92	80.60	79.80	79.38	79.72
	55-64	38.13	38.23	38.17	38.92	39.73	41.38	44.48	45.60	46.95	48.73	49.80
ИХТГ	15-24	42.87	42.93	42.36	39.67	39.00	39.15	39.13	39.17	39.64	40.17	40.75
	25-54	76.52	77.03	77.00	75.31	75.18	75.48	75.59	75.61	76.00	76.52	77.13
	55-64	52.72	53.51	54.00	53.71	53.97	54.56	55.48	56.33	57.32	58.15	59.22



9.6-расм. ИХТГ мамлакатларида пенсияга яқин ёшдагиларнинг ёш таркиби бўйича бандлик даражаси, 2015 йил, % да (бандларнинг меҳнат ресурсларига нисбати)¹⁵⁰

ИХТГ мамлакатлари доирасида 55 ёшдан 60 ёшгача бўлган меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси 2015 йилда 67.4 % ни ташкил этган бўлса,

¹⁴⁹ OECD. Data Employment rate by age group. <https://data.oecd.org/emp/employment-rate-by-age-group.htm#indicator-chart>

¹⁵⁰ OECD (2016), OECD Employment Outlook 2016. <http://dx.doi.org/10.1787/888933300800>

Францияда ушбу кўрсаткич ўртача даражадан бироз юқорирок, 68.3 % га тенг бўлди. Лекин бу кўрсаткич босқичма-босқич камайиб келмоқда. Шу йилда Франциядаги 60 ёшдан 65 ёшгача бўлган меҳнат ресурсларининг бандлик коэффициенти ИХТТ мамлакатлари доирасидаги ўртача 43.6 % лик кўрсаткичдан сезиларли даражада кам бўлиб, 25.1 % га тенг бўлди. Шунингдек 65 ёшдан 69 ёшгача бўлган меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси 5.6 % га тенг бўлиб, бу кўрсаткич ҳам 20.2 % лик ўртача кўрсаткичдан камдир. Мамлакатда 60-69 ёшдаги меҳнат ресурсларининг жорий бандлик даражаси нисбатан паст бўлсада, истикболда уларнинг ошиши кутилмоқда.

Юқоридаги график ва жадваллардан Францияда пенсия ёшининг оширилиши ҳисобига меҳнат ресурслари миқдори ошганлигини, шунинг билан биргаликда уларнинг иқтисодий фаоллиги айнан 55-64 ёшдаги меҳнат ресурслари ҳисобига ошганлигини кўришимиз мумкин. Бундан мамлакатда пенсия ёшини ошириш билан боғлиқ амалга оширилаётган ислохотларнинг меҳнат бозорига салбий таъсир этмаётганлигини, аксинча меҳнат ресурсларини иқтисодий фаоллигини оширишларига рағбатлантираётганлигини хулоса қилишимиз мумкин. Чунки мамлакатда пенсия ёши билан биргаликда талаб қилинадиган пенсия бадаллари муддати ҳам узайтирилмоқда. Натигада ишчилар ўзларининг кексаликдаги фаровон турмуш даражасини таъминловчи пенсия тўловларига эга бўлишлари учун янада кўпроқ муддат ишлашларига тўғри келмоқда.

9.3. Франция пенсия тизимида амалга оширилган ислохотлар

Францияда пенсия тизимини ислох этиш 90-йилларнинг бошларидан бўён давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Молиявий тақчилликнинг кучайиши ва меҳнат бозоридagi номуганосибликлар юзага келишининг салбий таъсир этиши каби бир қатор муаммолар пенсия тизимини ислох этиш заруриятини келтириб чиқарди. Ушбу муаммоларни ва уларнинг пенсия тизимига салбий таъсирларини бартараф этиш имкониятлари 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан сўнг янада мураккаблашди.

Франция ижтимоий ҳимоя тизими, жумладан пенсия тизимига инкирознинг таъсири даставвал ижтимоий ёрдамга бўлган талабнинг ортиши ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг пасайиши натижасида юзага келган молиявий тақчилликнинг ошишида намоён бўлди. Шу сабабли пенсия дастурларининг молиявий барқарорлигини ошириш зарурати инкирозга қарши чора-тадбирларни амалга оширишдаги энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Франция пенсия тизимида инкирозгача бўлган даврда қуйидаги салбий таъсир этувчи омиллар мавжуд эди:

1. Янги иш ўринларини яратишда ўрнатилган солиқ юқининг юқорилиги (ижтимоий бадалларнинг юқори даражаси туфайли);

2. Ижтимоий муаммоларнинг янги шаклларда намоён бўлиши (пенсия дастурларининг ижтимоий адекватлигини яхшилашга бўлган заруратнинг ошиши билан боғлиқ);

3. Пенсия дастурларининг хаддан ташқари кўп таркибий қисмларга ажралганлиги (хусусий ва давлат сектори ишчилари учун мўлжалланган турда хил механизмларга кўра бошқариладиган пенсия дастурлари тармоғи билан ифодаланади)¹⁵¹.

Франциянинг Пенсия тизими маслаҳат кенгаши (COR) томонидан эълон қилинган ҳисоботга кўра, ушбу муаммолар инкироздан сўнг янада яққол кўзга ташланади.

9.6-жадвал

ИХТТ айрим мамлакатлари пенсия фондларининг реал инвестиция қайтими даражаси, % ҳисобида¹⁵².

Мамлакатлар	2008	2009	2010
Янги Зеландия	-4.9	-23.8	12.9
Норвегия	-25.1	30.7	12.6
Швеция – AP2	-24.0	21.2	9.9
Швеция – AP4	-20.8	22.2	9.6
Швеция – AP1	-21.9	20.8	9.0
Швеция – AP6	-16.6	11.9	8.1
Швеция – AP3	-19.8	16.9	7.8
Канада	-14.4	14.6	7.2
Франция – FRR	-24.9	14.9	2.6
Франция – AGIRC	-7.8	10.5	-
Франция – ARRCO	-9.4	11.5	-
Корея	-0.2	7.4	7.1
Австралия	-8.5	9.1	6.5
Ирландия	-30.4	16.7	5.5
ИХТТ ўртача	-10.8	10.6	6.3
Польша	-5.9	4.9	4.0
АҚШ	5.1	5.2	3.0
Мексика	7.3	1.3	2.3
Испания	4.7	4.9	2.1
Белгия	4.4	4.5	2.0
Португалия	-3.9	7.1	-1.3

¹⁵¹ Pensions after financial and economic crisis: comparativ analysis of recent reforms in Europa. David Natali. Working Paper 2011.07. P-14.

¹⁵² Pensions after financial and economic crisis: comparativ analysis of recent reforms in Europa. David Natali. Working Paper 2011.07. P-12.

Молиявий барқарорлик Франция пенсия тизими учун муҳим бўлиб келган. Франция пенсия тизими молиялаштиришнинг PAYG усулига асосланганлиги сабабли молиявий инкироздан нисбатан камроқ зарар кўрди. Лекин молиявий инкирознинг жиддий таъсири пенсия фондлари активларининг камайганлигида намоён бўлди. 2008 йилда Франция пенсия фондларининг реал инвестиция кайтимлари бошқа ИХТТ мамлакатлари пенсия фондларидаги каби зарар билан яқунланди.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики Франциянинг “Fond de Réserve des Retraites” (FRR) давлат захира фонди активлари 2008 йилда 24.9 % га камайди, лекин 2009 йилда ушбу активлар миқдори 14.9 % га ошди. 2010 йилда активлар миқдорига 2.6 % га тенг бўлган паст суръатдаги ўсиш кузатилди. AGIRC пенсия фонди 2008 йил давомида инкироз туфайли ўз активларининг 7.8 % ини йўқотган бўлса, 2009 йил давомида активлари миқдорини 2008 йилга нисбатан 10.5 % га оширишга эришди. Франциянинг ARRCO пенсия фондининг активлари 2008 йил давомида 9.4 %, ушбу фонд ҳам 2009 йил давомида фонд активлари миқдори 11.5 % ошди. ИХТТ аъзо мамлакатлари пенсия фондларининг деярли барчасида 2009 йилдан активларнинг миқдорига ўсиш кузатилган.

Франция пенсия тизими молиявий инкироздан унчалик зарар кўрмаган бўлсада, молиявий инкироз сабабли келиб чиққан иктисодий инкироздан нисбатан кўпроқ зарар кўрди. Молиявий инкироз оқибатида иктисодий ўсиш суръатлари 2008 йилда кескин пасайди, 2009 йилда иктисодий тушиш кузатилди. Иктисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва ишсизлик даражасининг ошиши натижасида пенсия дастурларининг молиявий тақчиллиги ортди. Иктисодий инкироз давлат қарзининг ошиб кетишига олиб келди. 2007 йилда давлат қарзи ЯИМ нинг 63.8 % ига тенг бўлган бўлса, 2009 йилнинг охирида бу кўрсаткич 75.8 % га етди¹⁵³.

9.7-жадвал

Молиявий-иктисодий инкирози даврида ИХТТ мамлакатлари иктисодий ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % ҳисобида¹⁵⁴

Мамлакатлар	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Франция	2.35	0.08	-2.86	1.88	2.11	0.22	0.62	0.67	1.21	1.23
Германия	3.37	0.82	-5.57	3.95	3.72	0.69	0.60	1.59	1.49	1.74
Италия	1.33	-1.07	-5.52	1.65	0.72	-2.85	-1.75	0.17	0.61	0.83
Япония	2.19	-1.04	-5.53	4.71	-0.45	1.74	1.36	-0.03	0.57	0.75
ИХТТ	2.69	0.21	-3.46	3.02	1.92	1.28	1.28	1.94	2.22	1.70

Инкирозга қадар Франция пенсия тизимида турли демографик муаммоларга қарши ва пенсия тизими барқарорлигини оширишга қаратилган

¹⁵³ Annual National Report 2010. Pensions, Health and Long-term Care. France. May 2010. P 15.

¹⁵⁴ OECD. Data. Real GDP forecast. <https://data.oecd.org/gdp/real-gdp-forecast.htm>

икки катта ислохотлар амалга оширилди: 1993-йилдаги Балладур ислохоти ва 2003-йилдаги Раффарин ислохоти.

Балладур ислохоти доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

1. Умумий солиқ даромадларини бадал шаклида бўлмаган тушумлар (илгари пенсия дастурлари бадаллари орқали шакллантирилган маблағлар ҳисобига қопланган) ҳисобига шакллантириш учун солидар фондлар ташкил этилди;

2. Пенсия тўловлари миқдорини белгилашда тўлиқ пенсия учун талаб қилинадиган минимал бадаллар тўлови муддати оширилди, яъни ушбу муддат 37.5 йилдан 40 йилга узайтирилди;

3. Пенсия тўловларини ҳисоблашда ўртача даромадларни инфляциянинг таъсирини инобатга олиш учун индексациялаш белгиланди;

4. Ўртача иш ҳақини ҳисоблашда ходимларнинг энг яхши 25 йиллик даромадлари ҳисобга олина бошланди;

5. Бош дастур (CNAVTS) бўйича 60 % пенсионерларнинг пенсия тўловлари 6 % га қисқартирилди;

6. 2003 йилда пенсияга чиққан 1938 йилда туғилган раҳбар ходимлар ўзларининг охириги соф даромадларининг 64 %и миқдоридан пенсия тўловлари олишлари белгиланди;

7. Пенсия тизими бошқарувчилари сифатида қасаба уюшмаларига ўзларининг ташкилий ресурсларини сақлаш имконини берувчи ваколат қафолатланди.

Ушбу чора-тадбирлар фақат хусусий секторда банд бўлган ходимлар пенсия тўловлари доирасида амалга оширилди.

Балладур ислохотидан 10 йил ўтиб, ҳукуматнинг сиёсий алмашишидан сўнг Раффарин ислохоти амалга оширилди. Ушбу ислохот доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

1. Пенсия бадаллари тўлови муддатини босқичма-босқич ошириб бориш ва 2020 йилгача 41.9 йилга етказиш белгиланди;

2. Пенсия тўловлари миқдори оширилди (нисбатан ижобий индексация ҳисобига);

3. Ишчиларнинг ва алоҳида категорияларига имтиёзлар берилди;

4. Қасаба уюшмаларининг пенсия тизимини бошқаришдаги ролини ошириш ва қайта тақсимлаш белгиланди¹⁵⁵.

Раффарин ислохотлари доирасида пенсияга чиқиш ёши ўзгартирилмаган бўлсада пенсия бадалларининг самарадорлиги ошди. Ўсмирлик давридан меҳнат фаолиятини бошлаган ишчилар учун эрта пенсияга чиқиш ушбу ислохот ўзгаришларидан озод қилинган эди, чунки улар (асосан метро ва темир йўл ишчилари) аниқ махсус пенсия дастурларининг (*régimes spéciaux*) каттароқ ваколатларига эга эдилар. Давлат сектори ишчилари учун янги

¹⁵⁵ Pensions after the financial and economic crisis: a comparative analysis of recent reforms in Europe - David Natali. Working Paper 2011.07. P15.

мажбурий қўшимча дастур ташкил этилди ва давлат фонди ҳисобланган ижтимоий ҳамкорлар билан биргаликда бошқарилди.

Давлат дастурларидан келадиган пенсия даромадларидаги мунтазам қисқариб бориши қўшимча пенсия фондлари учун янги имконият очиб берди. Жамғариб бориладиган пенсия дастурларини ривожлантириш борасидаги биринчи парламент таклифи 1990-йилларнинг бошига бориб тақалади. Даромадни тақсимлаш дастурлари 50 ва ундан ортиқ ишчиси бор корхоналар учун мажбурий этиб белгиланган эди ва бу орқали парламентнинг пенсия маблағлари учун жамғариладиган дастурларни ривожлантириш мақсадидаги янги чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифлари амалга оширилди. 1997-йилда 14 млн дан ортиқ хусусий секторда банд бўлган ишчилар учун ихтиёрий жамғариладиган пенсия дастурлари жорий қилинди. Булар жамғариладиган пенсия тизимини ривожлантиришнинг биринчи босқичи сифатида 2003 йилдаги ислохотларгача амалга оширилган эди. Раффарин ислохотларидан сўнг 2007-йилнинг июнигача 45000 дан ортиқ корхоналар ўз ходимлари учун жамғариладиган пенсия дастурларига бадаллар ажратиш имкониятини яратиб берди¹⁵⁶.

Франция пенсия тизимини ислох этишнинг навбатдаги босқичи жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози билан боғлиқ бўлиб, 2008 йилдан сўнг амалга оширилиб бошланди. Мамлакат ҳукумати инкирозга қарши икки асосий стратегия орқали курашди:

- биринчидан, инкирознинг ижтимоий таъсирларини камайтириш мақсадида минимал пенсия тўловлари миқдори оширилди;

- иккинчидан, давлат харажатларини назорат қилиш учун чуқур ислохотлар амалга оширилди.

Бу икки стратегияни амалга ошириш мақсадида ҳукумат томонидан пенсия тўловлари миқдорини ошириш учун махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, жумладан:

- биринчи стратегия доирасида, ногиронлик ва қарилик бўйича минимал нафақалар ва пенсия тўловлари миқдори 25% гача мунтазам ошириб борилиши ва бу кўрсаткичга 2012-йилда эришилиши белгилаб қўйилди.

- иккинчи стратегия доирасида аҳоли қарини ва глобал иқтисодий пасайиш оқибатлари билан тавсифланувчи вазиятдан келиб чиқиб, бюджет барқарорлигини мустаҳкамлаш зарурияти борасидаги баҳс-мунозаралар асосида йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди. Ушбу баҳс-мунозараларнинг аксарият қисмида хусусий пенсия маблағларига нисбатан давлат пенсия дастурларининг молиявий барқарорлигига устувор эътибор қаратилган эди.

2010-йилнинг июлида, ўнглав вакили ҳисобланган Филлон ҳукумати қонун билан белгиланган пенсияга чиқиш ёшини 60 ёшдан 62 ёшга ошириш

¹⁵⁶ Pensions after the financial and economic crisis: a comparative analysis of recent reforms in Europe - David Natali. Working Paper 2011.07. P16.

ва давлат хизматчиларининг пенсия бадалларини ошириш тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Меҳнат вазири Эрик Ворз томонидан таклиф этилган ушбу қонун лойиҳаси биринчи марта парламентда сентябр ойида муҳокама қилинди. Пенсия тизими маслаҳат кенгашининг молиявий прогнозлари асосида шакллантирилган ушбу ислохот қонун билан белгиланган пенсияга чиқиш ёшини 2011-йилнинг 1-июлидан 2018-йилгача 60 ёшдан мунтазам равишда ҳар йили тўрт ойла миқдорда ошириб бориш орқали 62 ёшга етказишга қаратилди. Ходимларнинг тўлиқ пенсия олиш ваколатига эга бўлишлари учун талаб қилинадиган индивидуал пенсия бадаллари тўлови муддати давомийлиги 2008-йилда 40 йил қилиб белгиланди ва 2012-йилгача 1952 йилда туғилганлар учун 41 йилга ва 1953 ёки 1954 йилда туғилганлар учун 41.25 йилгача ошириш мақсад қилинди. 1955-йилдан кейин туғилганлар учун бадаллар тўлови муддати ҳар йили қутилаётган ўртача умр давомийлигининг ўзгаришига боғлиқ равишда қатъий ўрнатилиб борилиши белгиланди. Мазкур лойиҳаларга кўра, мутлақ бадаллар тўлови муддати 2020-йилда 41.5 ва 2050-йилда 43.5 йил бўлиши белгиланган эди. Аммо, ишлашни эрта бошлаганлар (14,15,16 ёшдан) учун жорий сиёсат ўзгармасдан қолди. Иш натижасида соғлиги ёмонлашган (меҳнатга лаёқатсизлиги минимал 20% деб баҳоланган) шахслар тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига 60 ёшдан эга бўлишларига руҳсат берилди. Бундан ташқари, даромадларнинг жорий даражаси ва турлари бўйича тўланадиган даромад солиғи миқдорига ҳам ўзгартиришлар киритилиши белгиланди, масалан, даромад солиғининг энг юқори ставкаларининг оширилиши, акцияларнинг опционлардан, қўшимча пенсия дастурларидан, капиталдан ва меросдан олинган даромадлардан ундириладиган солиқлар миқдорининг оширилиши.

Вақт ўтиши билан, давлат сектори ишчилари учун мўлжалланган Франция пенсия тизими пенсия ёши ва бадаллар тўлови муддатининг таклиф этилаётган оширилиши орқали хусусий секторнинг аҳамиятини акс эттиради. Шунингдек, давлат секторидаги пенсия бадаллари ставкалари хусусий сектордаги ставкалар билан бир хил миқдорда белгилаб боришмоқда.

Ёши катта ишчиларни иш билан бандлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида, 55 ёшдан ошган номзодларни ишга қабул қилиш ва уларнинг корхоналарда ёш мутахассисларга иш ўргатиш тизимини ривожлантириш учун иш берувчиларни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Инкироздан сўнг амалга оширилган ислохотнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Францияда илгари бирор ёш ишчи маълум бир қисқа муддат давомида ишсиз бўлган ва пенсия бадаллари тўламаган бўлсада, бу муддат пенсия ҳисобланаётганда бадаллар тўлови муддатига қўшилар эди. Бундан фарқи равишда, бирор аёл ходим туғруқ таътилини олган бўлса, бу унинг олиши мумкин бўлган пенсия тўловлари миқдorigа таъсир кўрсатар эди, чунки унинг таътилда бўлган вақти пенсия бадаллари тўлови муддатига қўшилмас эди ва камроқ миқдордаги пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлар эди. Ислохот натижасида, пенсия тўловларини ҳисоблашда аёлларга нисбатан

бундай амалиёт қўлланилмайдиган бўлди ва уларнинг туғруқ таътили муддати пенсия тўловларини яқиний ҳисоблашда бадаллар тўланган муддат сифатида ҳисобга олинадиган бўлди.

Бироқ қасаба уюшмалари ушбу қонун лойиҳасини қўллаб қувватламалар ва 5 йирк қасаба уюшмасидан 4 таси ўзларининг мутлақ норозилигини билдирдилар.

Ушбу қонун лойиҳаси 2010 йил октябр ойининг охирида қабул қилинди¹⁵⁷.

Францияда амалга оширилган 1993 йилдаги, 2003 йилдаги ва 2010 йилда амалга оширилган пенсия тизими ислохотларининг умумий жиҳати шундаки, уларнинг барчасида тўлиқ пенсия учун талаб қилинадиган пенсия бадаллари миқдори мунтазам оширилиб борилди. Пенсия ёшини ошириш билан боғлиқ ислохотлар эса айнан 2010 йилдан амалга оширилиб бошланди ва дастлаб қонун лойиҳасида белгиланганидек 60 йилдан 62 йилга узайтирилди. 2014 йилда пенсия бадаллари ставкаси оширилди ва пенсия тўловлари миқдори камайтирилди.

2010-2015 йилларда чуқур макроиктисодий таҳлил қилиш орқали ушбу ислохотларнинг илк самараларини баҳолаш мумкин. Бундай тадқиқотларни ўтказган Пенсия тизими маслаҳат кенгашининг 2016 йилнинг сўнгидаги маълумотларига қўра бош пенсия дастурларининг молиявий баланси 2020 йилга бориб ЯИМ нинг 1.3 %и ва 2030 йилда 1.5 %и миқдорида яхшиланади.

Ишсизлик даражаси, меҳнат унумдорлиги ва демографик ўзгаришлар борасидаги прогнозларга асосланган ҳолда, пенсия тизимининг 2025 ва 2047 йиллар ўртасида мувозанатга, шунингдек 2040 ва 2060 йиллар ўртасида ижобий сальдога эришиши кутилмоқда.

Ислохотларнинг кекса ёшдагиларга таъсирини баҳолаш шуни кўрсатмоқдаки, кексаликда пенсия тўловларини олиш муддати давомийлиги эркаклар учун тахминан 24 йил ва аёллар учун 27.8 йил атрофида барқарорлашди. Меҳнат фаолияти йилларининг ошиши ҳисобида пенсия тўловларининг ҳажми аёллар учун 3 %га ва эркаклар учун 1 % га ошди. Бундан ташқари ушбу юқорирок пенсия тўловлари нисбатан қисқарок муддат давомида олинмоқда ва бутун умр давомийлиги мобайнида олинган умумий пенсия тўловларининг миқдори ҳақиқатда эркаклар учун 6 % га ва аёллар учун 3 % га камайди.

Шунинг билан биргаликда амалга оширилган ислохотлар ижобий натижалари билан биргаликда салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди, яъни пенсия ёшининг оширилиши ижтимоий нафақа олувчилар сонининг ошишига олиб келди. Белгиланган пенсия ёшининг оширилиши натижасида 2014 йил бошидан 2016 йилнинг охиригача бўлган давр давомида 150 000 га яқин киши ногиронлик нафақасини олувчилар таркибига киритилди, шунингдек, уларнинг 80 000 га яқини қўшимча минимал ижтимоий нафақалар олишди ва ушбу минимал ижтимоий нафақаларнинг умумий

¹⁵⁷ Pensions after the financial and economic crisis: a comparative analysis of recent reforms in Europe - David Natali. Working Paper 2011.07. P18.

миқдори 2 млрд еврога тенг бўлмоқда. Ўртача ҳисобда ислохотлар орқали тежалган хар 100 еврога 32 еврога тенг бўлган ижтимоий нафақа харажатлари тўғри келмоқда¹⁵⁸.

Пенсия тизими билан боғлиқ сўнгги таҳлиллар ижтимоий сиёсат соҳасидаги бошқа ислохотлардан фарқли равишда юқорида келтирилган пенсия ислохотларининг самарали бўлганлигини ва уларнинг босқичма-босқич бўлсада реал таъсир эга бўлганлигини кўрсатди. Шу билан биргаликда ушбу ислохотларнинг натижалари нисбатан макроиқтисодий мутаносибликни тавсифловчи рақамлар томон ҳаракат қилаётган бўлсада, улар меҳнат унумдорлиги, ишсизлик даражалари ва демографиядаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ушбу омилларни истиқболдаги пенсия ислохотларини амалга оширишда ҳам ҳисобга олиш зарурдир.

Назорат учун саволлар

1. Франция пенсия таъминоти тизимининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини санаб беринг?
2. Франция пенсия таъминоти тизимининг таркибий компонентларини изоҳланг?
3. Франция пенсия таъминоти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари?
4. Қасаба уюшмаларининг мамлакат пенсия таъминоти тизимига таъсир этиш дастаклари ва уларнинг аҳамияти нималарда ўз аксини топади?
5. Франция қонунчилигида мамлакат фуқаролари учун пенсия ёши ва унинг белгиланиш хусусиятлари нималардан иборат?
6. Франция пенсия тизимида пенсия тўловларининг тайинланиши ва тўланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг, шарҳлаб беринг?

Асосий тушунчалар

CNRACL - Маҳаллий бошқарув органлари ходимлари учун мўлжалланган пенсия дастури

SNCF – темир йўл ходимлари учун мўлжалланган пенсия дастури

EDG-GDF (Electricite de France – Gaz de France) – энергия ва газ саноати ходимлари учун мўлжалланган пенсия дастури

MSA (Mutualite sociale agricole) – фермерлар ва дехқонлар учун мўлжалланган Қишлоқ хўжалиги ижтимоий инвестиция фонди

¹⁵⁸ Old-age pension reforms in France: improved adequacy and sustainability but at what price? ESPN Flash Report 2017/15. MICHEL LEGROS – EUROPEAN SOCIAL POLICY NETWORK. MARCH 2017. <https://www.ec.europa.eu/social/BlobServlet?docId=17316&langId=en>

ORGANIC (de l'Organisation autonome nationale de l'industrie et du commerce) – тадбиркорлар ва савдогарлар учун мўлжалланган Инвестицион суғурта фонди

CANCAVA (Caisse Nationale d'Assurance Vieillesse des Artisans) – санъаткорлар учун мўлжалланган пенсия дастури

CARMF – соғлиқни сақлаш ходимлари учун мўлжалланган пенсия дастури

AVA (Assurances Vieillesse des Artisans) – хунармандлар учун мўлжалланган пенсия дастури

CNBF (Caisse national des barreaux française) – адвокатлар учун мўлжалланган пенсия дастури

CNA (Caisse nationale de l'assurance) – ёланмасдан ишловчилар учун мўлжалланган пенсия дастури

Тестлар

1. Францияда 1870 йилда жорий этилган дастлабки давлат пенсия таъминоти кимлар учун мўлжалланган эди?

- а) Давлат хизматчилари.
- б) Ҳарбийлар.
- в) Темир йўлчилар.
- г) Кончилар.

2. Франция Миллий пенсия тизими қачон ташкил этилган?

- а) 1967 йилда.
- б) 1965 йилда.
- в) 1966 йилда.
- г) 1968 йилда.

3. Франция Миллий пенсия тизимида минимум пенсия ёши неча ёшга ташкил этилган?

- а) 62 ёш.
- б) 60 ёш.
- в) 61 ёш.
- г) 63 ёш.

4. Франция Миллий пенсия тизимида фуқаролар тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун неча ёшга етишлари керак?

- а) 67.
- б) 68.
- в) 69.
- г) 70.

5. Францияда тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун талаб этиладиган пенсия бадаллари тўлови муддати қанчанга ташкил этилган?

- а) 166 квартал.
- б) 163 квартал.

- в) 164 квартал.
- г) 165 квартал.

6. Франция Миллий пенсия тизимида пенсия тўловлари миқдорини белгилашда ишчининг неча йиллик даромадлари ҳисобга олинади?

- а) 25 йиллик.
- б) 20 йиллик.
- в) 30 йиллик.
- г) 35 йиллик.

7. Тўлик пенсия ёшига етмасдан пенсияга чиқиш пенсия тўловлари миқдорига қандай таъсир этади?

а) Пенсия тўловлари миқдори пенсия ёши учун етмаган ҳар бир йил учун 5 % га камайтирилади.

б) Пенсия тўловлари миқдори талаб этилган пенсия бадаллари муддатининг ҳар бир етишмаган квартали учун 1,25 % га камайтирилади.

в) Пенсия тўловлари миқдори пенсия ёши учун етмаган ҳар бир йил учун 2,5 % миқдорда камайтирилади.

г) Пенсия тўловлари миқдори талаб этилган пенсия бадаллари муддатининг ҳар бир етишмаган йили учун 5 % миқдорда камайтирилади.

9. Қуйидагилардан қайси бири Франция Миллий пенсия тизими бош дастурининг ёрдамчи бўғинини бошқарувчи ташкилотлар каторига крмайди?

а) Ходимлар миллий пенсия фонди.

б) Қўшимча пенсия дастурлари Ассоциацияси .

в) Ижроия пенсия ташкилотлари бош Ассоциацияси.

г) Мансабдор бўлмаган давлат ходимлари учун тўлдирувчи пенсия фонди.

10. Қуйида берилган таърифлардан қайси бири Франция Миллий пенсия тизими учун хос эмас?

а) Фақат хусусий ва ёлланма секторда банд бўлган ёлланма ишчилар учун амал қилади.

б) Давлат мажбурий пенсия тизими ҳисобланади.

в) Умумий пенсия тизимининг биринчи ва иккинчи погоналарини ташкил этади.

г) "Pay-as-you-go" шаклида молиялаштирилади.

11. Франция Миллий пенсия тизимида минимум пенсия ёшида пенсияга чиқилганда пенсия тўловлари миқдори ... га тенгдир.

а) Ўртача йиллик даромадларнинг 27.5 % и.

б) Ўртача йиллик даромадларнинг 25.7 % и.

в) Ўртача йиллик даромадларнинг 27.5 % и.

г) Ўртача йиллик даромадларнинг 35.7 % и.

X БОБ. СКАНДИНАВИЯ МАМЛАКАТЛАРИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

10.1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг Скандинавия модели хусусиятлари

Скандинавия мамлакатлари¹⁵⁹ саноат жihatдан тараккий этган мамлакатлар гуруҳига киради ва аҳолининг турмуш фаровонлиги, ҳаёт сифати кўрсаткичлари бўйича дунёда етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Скандинавия мамлакатларининг барчасида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот улуши кўрсаткичи Иктисодий ҳамкорлик ва тараккийёт ташкилотига (ИХТТ) аъзо мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан юқоридир. Жумладан, 2014 йилда ИХТТ мамлакатларида ушбу кўрсаткич ўртача 45 462 долларни ташкил этгани ҳолда Норвегияда 97 363 долларга тенг бўлди. Ушбу мамлакатларда пенсия тизимининг самарадорлик кўрсаткичлари, жумладан туғилганда қутилаётган умр давомийлиги, 65 ёшдан кейин қутилаётган умр давомийлиги каби кўрсаткичлар бўйича ҳам ИХТТ мамлакатлари кўрсаткичларидан юқори кўрсаткичларга эга (10.1-жадвал).

10.1-жадвал

Скандинавия ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари, 2014 й.¹⁶⁰

	Дания	Исландия	Норвегия	Швеция	Финляндия	ИХТТ
Аҳолиси, млн киши	5,6	0,3	5,1	9,7	5,5	1022,7
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, долл.	60 634	52 111	97 363	58 887	49 541	45 462
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, долл. ХҚП бўйича	44 863	43 393	64 893	45 144	39 754	44 482
Туғилганда қутилаётган умр давомийлиги, ёш	79,3	82,0	81,4	81,7	80,4	79,9
65 ёшдан катта ёшдаги аҳоли улуши, %	29,9	21,1	26,1	32,5	30,9	25,5
65 ёшдан кейин қутилаётган умр давомийлиги, ёш	18,4	20,0	19,7	19,8	19,6	19,1

¹⁵⁹ Дания, Исландия, Норвегия, Швеция ва Финляндия.

¹⁶⁰ OECD (2014), OECD Pensions Outlook 2014, OECD Publishing. <http://dx.doi.org/10.1787/9789264222687-en> маълумотлари асосида тузилган.

Иктисодий алабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг Скандинавия модели хусусида турли иктисодий қарашларда умумий йўқ. Скандинавия моделини назарий жиҳатдан асослашда турлича ёндашувлар (соғлиқни сақлаш, ихтиёрий ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва меҳнат бозори соҳаларида) мавжуд. Аксарият тадқиқотчилар Скандинавия модели ижтимоий сиёсатнинг бирдамликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий тенгликни таъминлашдаги вазифалари масаласида ягона фикрдалар¹⁰¹. Ушбу вазифалар ўз навбатида мамлакатда амалга ошириладиган юқори сифатли кенг камровли ва универсал ижтимоий сиёсат доирасида ҳал этилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг Скандинавия модели қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

- кенг камровли характерга эгаллиги: давлат томонидан олиб бориладиган ижтимоий сиёсат бошқа мамлакатларга нисбатан кенг камровли ва давлатнинг бозор иқтисодиётидаги роли юқори ҳисобланади;

- тўлиқ бандлик: аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш (ишсизликнинг олдини олиш)га қаратилган ижтимоий сиёсат олиб бориш;

- тенглик: турли ижтимоий – гендер, ёш, оилавий, этник, диний, минтакавий ва бошқа гуруҳлар ўртасида тенгликни таъминлаш мақсадида сиёсат олиб бориш;

- универсаллик: турли-туман ижтимоий ҳаётда рўй берадиган ҳолатлар учун асосий ижтимоий қафолатлар ҳуқуқининг (натура ва пул кўринишида) берилиши;

- ижтимоий қафолатларнинг юқори сифати: ижтимоий хизматлар сифати юқори ва ушбу хизматлар малакали ходимлар томонидан тақдим этилади;

- ижтимоий қафолатлар қийматининг юқорилиги: паст даромадли аҳоли гуруҳлари учун мўлжалланган пулли трансфертлар аҳолининг “нормал” турмуш даражасини таъминлаш учун етарли ҳисобланади.

Аксарият тадқиқотчилар Скандинавия моделини ушбу мамлакатларда ХХ асрнинг 70-80 йилларида амалга оширилган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари ўзгариб кетганлигига қарамадан замонавий социализм модели, деб аташади. Прогрессив солиқлар шкаласи Скандинавия қайта тақсимот тизимининг асосини ташкил этади. Шу билан бир вақтда капитал даромадларига белгиланадиган солиқ ставкалари эгилувчан ҳисобланади. Бойлик ва меросни солиққа тортиш минимал даражада ёки мавжуд эмас. Ушбу мамлакатларда юқори сифатли турмуш даражаси ва тадбиркорлик эркинлиги қўллаб-қувватланади. Скандинавия мамлакатларининг таълим ва соғлиқни сақлаш тизими дунёда етакчи ўринда туради. Дания, Норвегия, Швеция, Финляндия мамлакатлари иқтисодий эркинлик индекси бўйича АҚШни ортда қолдиришди. Ушбу мамлакатларда давлат сектори етакчи мавқега эга ва ишчи кучининг 30%дан ортиги мазкур секторда банд.

¹⁰¹ Кэист Дж. Социальные реформы в Скандинавских странах в 1990-е годы: использование теории нечеткого набора для оценки соответствия идеальным типам. SPERO. 2003. №1. <http://spero.socpol.ru>

Скандинавия модели бошқа ижтимоий фаровонлик давлат моделларидан тўлик бандликка эришиш, гендер тенглиги, кенг камровли ижтимоий нафакалар, миллий бойликнинг юкори даражада кайта тақсимланиши каби хусусиятлари билан фарқ килади. Шу билан биргаликда ушбу гуруҳга кирувчи ҳар бир мамлакат бошқасига нисбатан фарқ қилувчи иқтисодий-ижтимоий ривожланиш моделига эга. Жумладан, XXI аср бошларида айрим мамлакатлар либерал бозор механизмларини амалиётга жорий этишга ҳаракат қилиб кўришди. Швецияда неолиберал сиёсат ва охириги ўн йил ичида давлат сектори ролининг қисқариши ИХТТ мамлакатлари ўртасида аҳоли даромадлари тенгсизлигининг кескин чуқурлашувига олиб келди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг Скандинавия модели қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради:

- таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларининг бепул эканлиги ва давлат томонидан ушбу соҳаларни ривожлантириш учун сарфланаётган харажатларнинг ИХТТ мамлакатларига нисбатан юқорилиги;

- давлат пенсия тизимининг ривожланганлиги;

- ишчиларнинг қасаба уюшмаларига аъзолик даражасининг юқорилиги. Мисол учун, Финляндияда ишчиларнинг 69,9%и қасаба уюшмаси аъзоси ҳисобланса, ушбу кўрсаткич Швецияда 68,3%га, Норвегияда 54,8%га тенг бўлгани ҳолда Мексика ва АҚШда мос равишда 12,9 ва 11,3%ни ташкил этади;

- иш берувчилар, қасаба уюшмалари ва ҳукумат ўртасида ижтимоий шерикчиликнинг ривожланганлиги;

- ишсизлик ва муддатидан олдин пенсияга чиқиш нафақаси миқдорининг юқорилиги. Жумладан, Данияда ишсизлик нафақаси ўртача иш ҳақиға нисбатан 90%ни, Швецияда 80%ни ташкил этгани ҳолда ушбу кўрсаткич Нидерландияда 75%, Германияда 60%га тенг;

- иқтисодиётдаги умумий солиқ юқламасининг (ЯИМга нисбатан) юқорилиги. Жумладан, 2016 йилда ушбу кўрсаткич Швеция (49,1%), Норвегия (39,5%), Финляндияда (38,1%)га тенг бўлиб, Канада (21%), Ирландия (26%) Буюк Британияга (30,9%) нисбатан юқорилигича сақланиб қолмоқда¹⁶².

Европа Иттифоқида давом этаётган рецессия жараёнлари шароитида Скандинавия мамлакатлари иқтисодиёти инкирозларни нисбатан кам талофатлар билан ўтказди.

¹⁶² Paying Taxes 2017. <http://www.pwc.com/payingtaxes>

10.2. Скандинавия мамлакатлари пенсия тизимининг умумий ва фарқли жиҳатлари

Пенсия тизими Скандинавия ижтимоий ривожланиш моделининг асоси ҳисобланади. Скандинавия мамлакатлари пенсия тизими қуйидаги тамойиллар асосида амал қилади:

- универсаллик – аҳолининг барча ижтимоий катламларини камраб олиш;
- бирдамлик – ижтимоий мавқеидан қатъий назар барча фуқароларнинг пенсия тизимини молиялаштиришда барабар қатнашиши;
- давлатнинг фаол иштироки – давлатнинг ижтимоий бойликни юқори даромадга эга бўлган аҳоли гуруҳларидан ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларга қайта тақсимлаш функциясини бажариши.

10.2-жадвал

Скандинавия мамлакатлари пенсия тизимининг асосий кўрсаткичлари¹⁶³

	2000 й.	2015 й.	2050 й.
Швеция			
Аҳолиси	8,900	9,700	11,900
Пенсия ёшидагилар улуши	26,8	31,8	38,5
Давлат пенсия харажатлари, ЯИМга нисбатан %да	7,2	9,6	9,0
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи молиявий активлар, долл. (жорий нархларда)	49,900	149,500	...
Финляндия			
Аҳолиси	5,200	5,500	5,700
Пенсия ёшидагилар улуши	22,3	32,3	44,3
Давлат пенсия харажатлари, ЯИМга нисбатан %да	8,5	10,7	13,3
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи молиявий активлар, долл. (жорий нархларда)	30,300	51,000	...
Норвегия			
Аҳолиси	4,500	5,100	6,600
Пенсия ёшидагилар улуши	23,4	25,2	38,0
Давлат пенсия харажатлари, ЯИМга нисбатан %да	4,8	9,6	13,3
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи молиявий активлар, долл. (жорий нархларда)	43,000	108,300	...
Дания			
Аҳолиси	5,300	5,700	6,400
Пенсия ёшидагилар улуши	20,3	29,1	38,5
Давлат пенсия харажатлари, ЯИМга нисбатан %да	5,3	9,4	9,6
Аҳоли жон бошига тўғри келувчи молиявий активлар, долл. (жорий нархларда)	30,000	64,200	...

Ушбу мамлакатларда давлат ижтимоий харажатларининг сезиларли қисми пенсия тизимини молиялаштириш учун сарфланади ва аҳолининг барча катламларига қучли таъсир ўтказиши. Ёшга доир пенсияларнинг универсаллиги ва нафақадар микдорининг юқорилиги Скандинавия пенсия тизимининг муҳим хусусиятларидан биридир. Ушбу мамлакатларда ҳам

¹⁶³ Allianz International Pensions Country Factsheets 2015 <http://projectm-online.com/research>

саноат жихатдан тараккий этган мамлакатлар сингари пенсия тизими демографик омиллар таъсирида ривожланмоқда. 2015 йилда пенсия ёшидагиларнинг аҳоли умумий сонига улуши 25,2%дан (Норвегия) 31,8%гача (Швеция) ўзгариб турган. Айрим ҳисоб-китобларга кўра ушбу кўрсаткич 2050 йилга бориб 38,0%дан (Норвегия) 47,4%га (Дания) қадар ўзгариши кутилмоқда.

Скандинавия мамлакатларида давлат пенсия харажатларининг ялли ички маҳсулотга нисбатан улуши 9,0%дан (Швеция) 13,3%га (Финляндия, Норвегия) қадар ташкил этади (10.2-жадвал).

Скандинавия мамлакатлари аралаш, уч даражали пенсия тизимига эга бўлиб, GLOBAL RETIREMENT INDEX - 2017 рейтинг маълумотларига кўра Норвегия (1-ўрин), Швеция (4-ўрин), Дания (8-ўрин) ва Финляндия (12-ўрин) етакчи ўринларни эгаллаган¹⁶⁴. Ушбу мамлакатларнинг барчасида таянч (базавий) пенсия амал қилади ва унинг миқдори 2014 йилда ўртача иш ҳақиға нисбатан 6,2%дан 31,0%гача ўзгариб турган. Швеция ва Норвегиядан ташқари барча мамлакатларда ижтимоий ёрдам (муҳтожлик пенсияси) мавжуд (10.3-жадвал).

10.3-жадвал

Скандинавия мамлакатлари пенсия тизими таркиби, 2014 й.¹⁶⁵

	Таянч пенсия	Минимал пенсия	Ижтимоий ёрдам	Давлат пенсияси	Хусусий, касбий пенсия
	Ўртача иш ҳақиға нисбатан %			Молиялаштириш тури	
Швеция	23,2	-	-	ШЖ	ББ
Финляндия	17,7	-	20,8	БТ	-
Норвегия	31,0	-	-	ШЖ	ББ
Дания	17,8	-	18,5	-	ББ
Исландия	6,2	-	19,5	-	БТ

Изоҳ: Белгиладиган тўловлар – БТ; Белгиладиган бадаллар – ББ; Шартли-жамғариладиган – ШЖ.

Норвегия пенсия тизими. Global AgeWatch Index 2015 рейтингига кўра Норвегия кекса ёшдаги аҳоли турмуши сифати бўйича дунёда Швейцариядан кейин иккинчи ўринни эгаллади. Норвегия пенсияга тизими 1967 йилда амалиётга жорий этилган. Демографик омиллар таъсирида бир нафар пенсионерга тўғри келувчи банд аҳоли сонининг 4 нафардан 2,7 нафарга қадар қисқариб кетиши сабабли мамлакатда 2001–2009 йилларда пенсия ислохотлари амалга оширилди. Норвегия статистика бошқармаси прогнозларига кўра пенсия ислохотлари амалга оширилмаганда 2050 йилга бориб ҳар бир пенсионерга 2 нафар банд аҳоли тўғри келган бўлар эди¹⁶⁶. Ислохотларга қадар амал қилган пенсия тизимида айрим ҳолларда бир хил даромадга эга фуқаролар турли хил миқдорда пенсия олишган бўлса, айрим

¹⁶⁴ <https://ngam.natixis.com/us/resources/2017-global-retirement-index>

¹⁶⁵ OECD (2015), Pensions at a Glance 2015: OECD and G20 indicators, OECD Publishing, Paris. http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2015-en

¹⁶⁶ www.ssb.no/en/

холларда турли хил даромадга эга фукаралар бир хил миқдорда пенсия олишган. Натижада Норвегия пенсия тизими ишлаётган фукараларнинг даромадлари ва пенсия миқдори ўртасидаги бевосита боғлиқликни тўлиқ таъминлаб бера олмади. Бундан ташқари муддатидан олдин пенсия чиқиш (AFP) тизими банд аҳолининг 60%инигина камраб олган, қолган 40% аҳоли эса муддатидан олдин ёшга доир пенсия олиш имконига эга бўлмаган. Муддатидан олдин олинаётган пенсия миқдорининг 62 ёшдан 66 ёшгача меҳнат фаолияти натижасига боғлиқ бўлмаганлиги туфайли банд аҳолида 62 ёшдан кейин меҳнат фаолиятини давом эттириш истагининг сўнишига олиб келган.

Скандинавия мамлакатлари аҳолининг турли пенсия дастурларида фаол иштироки ва пенсия активлари қийматининг юқорилиги билан ажралиб туради (10.4-жадвал).

10.4-жадвал

Скандинавия мамлакатларида турли пенсия дастурларида қатнашувчилар соми ва пенсия активлари қиймати, 2015 й.¹⁶⁷

	Активлар қиймати, млрд долл.			Қатнашчилар соми, минг киши		
	касбий пенсиялар		хусусий жамғармалар	касбий пенсиялар		хусусий жамғармалар
	ББ	БТ		ББ	БТ	
Швеция	56,6	157,4	116,4	7 619
Финляндия	118,8	0,8	13,3
Норвегия	34 210	5 209	...	1 155
Дания	8,8	523,6	66,2	15	4 783	812
Исландия	6,0	16,7	3,8	189	880	239

Пенсия ислохотларига қадар амал қилган пенсия тизимининг яна бир камчилиги 67 ёшдан ошганлар учун актуар ҳисоб-китобларнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Норвегия пенсия тизимидаги ислохотлар жараёнида қатор янгиликлар жорий этилди. Жумладан, ишлаш ва бир вақтда пенсия олиш ҳуқуқи, ихтиёрый пенсия сўғуртаси, коллектив шартнома асосидаги пенсия (AFP), жамғариладиган пенсияларнинг жорий этилиши шулар жумласидандир (10.5-жадвал).

Мамлакатда амал қилаётган пенсия дастурлари миқдори олдиндан белгилаб қўйиладиган тўловлар миқдори олдиндан бадаллар схемалари асосида шакллантирилади. Миқдори олдиндан белгилаб қўйиладиган тўловлар схемаси минимал пенсияларни тўлашни кўзда тутди ва иш ҳақи миқдорининг 66%ини ташкил этади. Бунда пенсия бадаллари иш ҳақи миқдори, меҳнат стаж ва пенсия жамғармалари миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳар йили ҳисобланади.

Миқдори олдиндан белгилаб қўйиладиган бадаллар схемасида иш ҳақи миқдорига нисбатан фоиз ҳисобида қайд этиб қўйиладиган пенсия бадаллари

¹⁶⁷ OECD (2016), OECD Pensions Outlook 2016, OECD Publishing, Paris http://dx.doi.org/10.1787/pens_outlook-2016-en

кўзда тутилади. Ушбу бадал миқдори иш ҳақи миқдорига нисбатан 2%дан кам бўлмаслиги лозим.

10.5-жадвал

Норвегия пенсия ислохотларига хос хусусиятлар¹⁶⁸

Иш ҳақи	Иш ҳақи	Тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган ставкада ишлаш имконияти. Ишлаш ва бир вақтда пенсия олиш
Ихтиёрий пенсия сугуртаси		Одатда 10 йил
Жамов шартнома асосидаги пенсия		Умрбод (хусусий секторда) 62 ёшдан 67 ёшгача (давлат секторида)
Жамғариладиган пенсия		Одатда 10 йил
Сугурта пенсияси		Умрбод

Миллий пенсия тизимини молдиялаштириш ёлланиб ишловчилар, якка тадбиркорлар, иш берувчилар ва давлат томонидан ажратиладиган бадаллари ҳисобидан амалга оширилади. Бадаллар миқдори мамлакат парламенти томонидан белгиланади. Ёлланма ишчилар ва якка тадбиркорлар томонидан ажратиладиган бадаллар миқдори пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи даромад миқдори асосида ҳисобланади. Агар ушбу даромад миқдори 39 600 норвегия кронасидан (тахминан 3 167,49 евро) кам бўлса, унда бадаллар ажратилмайди. Ўз навбатида бадаллар миқдори даромад миқдорининг 25%идан ортиқ бўлмаслиги зарур.

Ёлланма ишчилар учун бадаллар пенсия олиш ҳуқуқини берувчи даромад (ялпи иш ҳақи) миқдорининг 7,8%ини, якка тадбиркорлар учун эса пенсия олиш ҳуқуқини берувчи даромад (тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромад) миқдорининг 11,0%ини ташкил этади. Бошқа турдаги шахсий даромадлар учун бадаллар миқдори 3%га тенг ҳисобланади.

Иш берувчилар томонидан ажратиладиган бадаллар миқдори тўланадиган иш ҳақига боғлиқ ҳолда аниқланади. Ушбу бадаллар миқдорига корxonанинг жойлашган жойи ҳам таъсир кўрсатади. Норвегияда минтакалар географик ва иқтисодий белгилари бўйича гуруҳларга ажратилади ва иш берувчилар тўлайдиган бадаллар миқдори 0 дан 14,1%га қадар ўзгариб туради.

Норвегияда ёшга доир пенсия қўйидаги элементлардан ташкил топади:

- мажбурий сугурта тизими доирасида амалга ошириладиган давлат пенсиялари;
- иш берувчи томонидан тўланадиган пенсиялар;
- шахсий пенсия жамғармалари.

¹⁶⁸ Фюронес Ж. Норвегия: Обзор пенсионной системы в Норвегии виды пенсии // *Права соответствия* / Журнал Европейского Юридического журнала №1(3) | 2015 год. С.2-16.

2009 йилда жорий этилган пенсия конунчилигига мувофиқ ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи мамлакатда 40 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига ва иш ҳақига эга бўлган фуқаролар учун берилади. Норвегияда пенсия ёши 67 ёш этиб белгиланган бўлишига қарамадан фуқаролар 70 ёшгача меҳнат фаолиятини давом эттиришлари мумкин. 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган фуқаролар, мамлакатда 3 йилдан кам бўлмаган муддатда яшаётган фуқаролар эса минимал пенсия (базавий ва қўшимча пенсиялардан иборат) олиш ҳуқуқига эга бўлишади. Агар фуқаронинг меҳнат стажы 40 йил ва ундан ортик бўлса у қўшимча пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Пенсияларнинг базавий қисми суғурта муддатига асосланиб ҳисобланади ва фуқаро даромади, унинг миллий суғурта тизимига ажратган бадаллари миқдорига боғлиқ бўлмайди. Миллий суғурта тизими доирасида тўланаётган ижтимоий нафақаларнинг аксарият қисми G¹⁶⁹ кўрсаткичини қўллаш орқали аниқланади.

Норвегияда базавий (таянч) пенсия яшаш муддатига қараб, қўшимча (устама) пенсиялар эса олинган даромадга асосланиб ҳисобланади. 1954 йилгача туғилганлар учун пенсия эски усул асосида, 1954-1962 йилларда туғилганлар учун эса эски ва янги усуллар бўйича босқичма-босқич янги усулга ўтиш орқали амалга оширилади. Эски усулда пенсиялар юқори иш ҳақи тўланган 20 йиллик маълумотлар асосида ҳисобланади. 1963 йилдан кейин туғилганлар учун 13 ёшдан 75 ёшгача даврда олинган даромадлар асосида ҳисобланади.

1966 йилдан бошлаб фуқароларнинг йиллик даромади 3 йил давомида ўртача G коэффициентидан юқори бўлса қўшимча пенсия олиши ҳуқуқига эга бўлади. "Пенсия баллари"нинг максимал сони йиллик даромади 6G гача бўлган фуқароларга берилади. 6G ва 12G ўртасидаги даромаднинг 1/3 қисмига эга бўлганлар учун пенсия олиш ҳуқуқи ҳисоб-китоб даври учун белгиланади. Йиллик даромади 12G дан юқори бўлган фуқаролар учун таянч ва қўшимча пенсиялар кўзда тутилмайди.

Ёлғиз пенсионер учун минимал пенсия 1 G га тенг. Оддий устаманинг миқдори G га нисбатан 100%ни ташкил этади. Суғурта стажы 40 йилдан кам бўлса минимал пенсия миқдори камайтиради.

Иш берувчи томонидан тўланадиган пенсиялар ва шахсий пенсия жамғармалари жамғариладиган пенсиялар ҳисобланади. Ушбу пенсия турлари ёшга доир пенсияга қўшимча равишда тўланади. Хусусий секторда ишлаётганлар мажбурий жамғариладиган пенсия ҳуқуқига эга. Норвегияда жамғариладиган пенсиялар қуйидаги турларга ажратилади:

- миқдори олдиндан белгиланадиган пенсия бадалларига асосланган;
- шартли-жамғариладиган;
- аралаш (гибрид).

¹⁶⁹ G – минимал ижтимоий суғурта базаси. G Норвегия Парламенти томонидан умумий даромадлар даражасининг ўзгаришидан келиб чиқиб ҳисобланади. Одатда 1 майда Норвегия Меҳнат вазирлиги Материаллари асосида амалга оширилади. 2015 йилда 1G=90068 норвегия қронасига тенг бўлди.

Миқдори олдиндан белгиланадиган пенсия бадалларига асосланган пенсиялар. Жамғариладиган пенсия миқдори олдиндан белгиланадиган иш берувчининг сугурта бадаллари ва уларни инвестициялашдан олинадиган даромадлар ҳисобидан шаклланади. Бунда йиллик бадал иш ҳақи миқдорининг камида 2%ини ташкил этади. Шу билан бир вақтда иш берувчи иш ҳақи миқдори 12G гача бўлган ҳолларда 7%, 7,1G дан 12G гача бўлган ҳолларда эса қўшимча 18,1%гача бадал ажриши мумкин. Аммо йиллик бадал миқдори 12G дан ошиб кетмаслиги лозим. Пенсия жамғармаси эгаси маблағларни тақлиф этилаётган паст, ўрта ёки юқори рискли инвестиция дастурларидан бирига ўз хоҳишига кўра жойлаштириши мумкин. Иш берувчи ушбу турдаги пенсияни тўлаш вақтида қуйидагича шарт қўйиши мумкин: ишчи камида 0,20 ставкада ишлаши, меҳнатга лаёқатли, соғлом ва 20 ёшдан катта бўлиши зарур. Пенсия тўловлари 62 ёшдан ёки ундан кейин амалга оширилади. Норвегияда жамғариладиган пенсиянинг ушбу тури хусусий секторда энг оммалашган пенсия тури ҳисобланади.

Шартли-жамғариладиган пенсиялар. Давлат секторида шартли-жамғариладиган пенсия 67 ёшдан белгиланади. Агар давлат сектори ходими 30 йиллик тўлиқ меҳнат стажига эга бўлса, унда пенсияга чиқишдан олдин олган иш ҳақи миқдорининг 66%ига тенг миқдорда пенсия олиши мумкин. Агар унга сугурта стаж етмаса, масалан, давлат секторида 15 йил хизмат қилган бўлса, унда пенсиянинг ярмини олиши мумкин бўлади.

Хусусий секторда шартли-жамғариладиган пенсия олдиндан тузилган келишувга кўра пенсияга чиқишдан олдин олинган иш ҳақига нисбатан одатда, 60-70% нисбатда белгиланган миқдорда амалга оширилади. Унга давлат пенсияси ҳам қиритилади. Ушбу турдаги пенсияни олиш учун камида 30 йиллик меҳнат стаж зарур бўлади.


Аралаш (гибрид) пенсия – шартли-жамғариладиган ва миқдори олдиндан белгилаб қўйиладиган бадалларга асосланган пенсиялар ўртасидаги пенсия ҳисобланади. Ушбу пенсия аёллар ва эркеклар учун бир хил миқдордаги пенсияни таъминлайди. Аралаш пенсия пенсия жамғармаларини инвестициялашдан қўйиб қўйиб зарарлардан кафолат ҳисобланади ва бир умр тўланади. Иш берувчи иш ҳақига нисбатан белгиланган катъий фойзни пенсия счётига ўтказиб боради. Пенсия капитали иш ҳақининг ўсишига мос тартибга солинади. Аёллар учун қўшимча тўловлар эса аёллар ва эркеклар учун тўланиши зарур бўлган йиллик пенсия миқдорининг тенг бўлишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Норвегияда юқорида қайд этилган жамғариб бориладиган пенсия турларидан ташқари коллектив шартнома асосидаги пенсия (AFR)лар мавжуд. Ушбу пенсия турини олиш учун меҳнат шартномасида AFR кўзда тутилган корхона ва ташкилотларда ишлаш зарур. Давлат секторида AFR жамғариладиган пенсиянинг бир қисми ҳисобланади ва 62 ёшдан 67 ёшгача тўланади. AFR миқдори олдинги даромаднинг 70%идан ошмаслиги лозим. Хусусий секторда AFR 62 ёшдан бошлаб тўланади.

Ихтиёрый пенсия суғуртаси/хусусий жамғармалар. Мамлакатда Ихтиёрый пенсия жамғармаси шартномаси (ИПЖШ). Йилига 15000 крон йиғиш ва жамғарилган суммага нисбатан 28% имтиёзли даромад солигига эга бўлиш мумкин. Ихтиёрый пенсия суғуртаси шартномаси (ИПСШ) - ИПЖШ билан бир хил шартлар асосида амал қилади, фарқли жиҳати суғурталанувчи вафот этганда қолган жамғармалар мерос сифатида қолдирилмайди.

Норвегияда турли йилларда туғилган, тўлиқ суғурта стажига (45 йил) эга, 67 ёшда пенсияга чиққан пенсионерлар учун иш хақи миқдорига нисбатан фоиз ҳисобида тўланадиган йиллик пенсия суғуртаси тўловлари йилдан йилга қисқариб бораётганлиги мамлакатда жамғариладиган пенсия турларининг оммалашиб бораётганлигини кўрсатади¹⁷⁰

Норвегияда пенсия жамғармалари бир қорхонада муқим ишлаганда тўлиқ шаклланади. Агар ходим иш жойини бир неча бор алмаштирса пенсия капиталидан 2%лик йиғимлар ажратиб ташланади. Умумий пенсия капитали эса 30%га қисқаради (10.1-расм).



10.1-расм. Норвегияда пенсия жамғармаларининг иш жойида муқим ишлаш вақтига боғлиқлиги¹⁷¹

Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, Норвегияда 2001-2009 йилларда амалга оширилган пенсия ислохотлари 2050 йилга қадар пенсия таъминоти учун ажратиладиган сарф-харажатларнинг яғни чқки маҳсулотга нисбатан 14%дан 11%га қадар қисқартириш имконини беради¹⁷².

¹⁷⁰ Фюронес Ж. Норвегия: Обзор пенсионной системы в Норвегии, виды пенсии // Права соотечественников Северной Европы. Юридический журнал. 2015. №1(3). С.2-16.

¹⁷¹ Фюронес Ж. Норвегия: Обзор пенсионной системы в Норвегии, виды пенсии // Права соотечественников Северной Европы. Юридический журнал. 2015. №1(3). С.2-16.

¹⁷² Телякова О.В. Обзор пенсионной системы Норвегии: до, во время и после реформы // Финансы и кредит. № 31 (463). 2011. С.79.

Финляндия пенсия тизими. Финляндияда илк давлат пенсия тизими 1937 йилда жорий этилган. Ушбу тизим 18-55 ёшдаги фуқароларни камраб олган ва пенсия тўловларини амалга ошириш учун 10 йил давомида пенсия тўламасдан маблағ жамғарилган. Ҳар бир сугурталанувчи 1937-1944 йилларда даромалининг 1%ини, 1944 йилдан бошлаб эса 2%ини ажратган, бадалнинг ярмини иш берувчи тўлаган. Даромадга эга бўлмаганлар эса пенсияни эҳтиёжини текширишдан кейин олиши мумкин бўлган.

Финляндия давлат пенсия тизими 1957 йилда қуйидаги сабабларга кўра ислох этилди:

- Пенсия тизими барчани камраб олиши лозим бўлишига қарамадан пенсия жамғармаларини шакллантириш муддатининг узунлиги (40 йил) сабабли аксарият фуқаролар ушбу тизимдан четда қолишди ва пенсия олиш имкониятидан маҳрум бўлишди. 1950 йилларнинг бошларида кекса ёшдаги аҳолининг (65 ёш) 1/5 қисмигина давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга эди;

- Пенсия миқдорининг камлиги. Пенсия миқдори барча қўшимча тўловлар билан бирга ҳисобланганда ҳам саноатдаги ўртача иш ҳақи миқдорининг 15%идан ошмас эди;

- Пенсия жамғармалари қиймати иккинчи жаҳон урушидан кейин пенсия фондлари молиявий барқарорлигининг пасайиб кетиши, инфляция даражасининг ортиши оқибатида қадрсизланиб кетди. Индивидуал жамғариладиган пенсия тизими барқарор макроектисодий ҳолатни таъминлашни талаб этади. Ушбу талаб бажарилмаганлиги учун ушбу тизим ўзини оқламади ва вазиятни ўнглаш ташаббуси давлат қўлига ўтди.

1956 йилда қабул қилинган янги пенсия қонуни 65 ёшдан ошган барча фуқаролар учун автоматик тарзда миллий пенсия олиш ҳуқуқини берди. Пенсия икки қисмга ажратилди:

- 1) мамлакатда 5 йил мобайнида яшаган, ёши 65 ёшдан ошган барча фуқаролар учун тўланадиган универсал таянч (базавий) пенсия;
- 2) даромадларни баҳолаш асосида белгиланадиган устамалар, қўшимча пенсиялар.

Янги пенсия тизими пенсияларни молиялаштириш тамойилининг ўзгаришига олиб келди. Индивидуал жамғариш ва миқдори олдиндан белгилаб қўйиладиган бадаллар ўрнига тўловлар миқдори олдиндан белгилаб қўйиладиган, тақсимотга асосланган пенсия таъминоти модели жорий этилди. Пенсия ажратмалари иш берувчи (иш ҳақи фондининг 1%) ва ёлланма ишчилар (солиққа тортиладиган даромаднинг 1%) томонидан амалга оширилиши зарур эди. 2005 йилга бориб бадаллар ставкаси иш ҳақи фондининг миқдorigа боғлиқ ҳолда 3%дан 6%га қадар белгиланди. 1957 йилдаги пенсия ислохотлари бир томондан пенсия тизимини соддалаштириб, барча фуқароларнинг ушбу тизимда қатнашини таъминлаб берган бўлса, иккинчи томондан пенсия жамғармаларининг бекор қилиниши ва пенсия жамғармаларининг инвестицияларга айланиши учун хизмат килувчи пенсия институтларининг молиявий муассасалар сифатидаги аҳамиятининг пасайишига олиб келди.

Финляндия пенсия тизимидаги кейинги ислохотлар 1960 йилларда меҳнат пенсиясини жорий этиш билан амалга оширилди. Айрим иш берувчилар ўз ходимларига пенсия ёшига етганларида узоқ ва содик хизматлари учун миннатдорчилик маъносида пенсияга ўхшаш тўловлар тўлашган. 1950 йилларнинг охирида касбий пенсия дастурлари ривожланиб кетганлигига карамадан ушбу дастурлар хусусий секторда банд бўлганларнинг 20%ини, асосан йирик компаниялар ходимларини камраб олган эди холос. Аксарият ҳолларда ёлланиб ишловчилар иш берувчига боғлиқ бўлиб қолган, агар ишчи иш жойини ўзгартирса пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлар эди. Бу даврда корпоратизм Финляндия пенсия таъминоти тизимига жиддий таъсир кўрсатди. Пенсия таъминоти тизими аҳолини тармоқ ва касбий белгилари бўйича камраб ола бошлади.

Финляндияда пенсия дастурлари турлича шаклда молиялаштирилади. Ўзини-ўзи банд этувчи аҳоли учун мўлжалланган дастурлар тақсимот тамойили асосида сугурталанувчиларнинг пенсия бадаллари ва давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Халқ пенсияси ва қафолатланган пенсия меҳнат пенсияси бўлмаган, унинг миқдори жуда кам бўлган пенсионерларга тўланади. Иккала пенсия ҳам ёшга доир пенсия ва меҳнатта қобилиятсизлиги бўйича пенсияни ўз ичига олади. Уларда пенсияга чиқиш ёши фарқ қилади: меҳнат пенсияси одатда, 63–68 ёшда, халқ пенсияси эса – 65 ёшда тайинланади. Пенсионер пенсияга чиққандан кейин ҳам меҳнат фаолиятини давом эттириши мумкин.

Финляндия пенсия тизимининг амал қилиш механизми тақсимот тамойилига асосланади. Меҳнат пенсияси асосий (базавий) ва сугурта қисмлардан ташкил топади. Пенсиянинг асосий қисми минимал давлат пенсиясидан иборат бўлса, унинг сугурта қисми марказлаштирилмаган бўлиб, ихтиёрий равишда танланган пенсия дастури ёки пенсия фондида бадаллар ҳисобидан шаклланади. Пенсия дастурлари тармоқ, алоҳида қорхона ёки ижтимоий гуруҳлар даражасида амал қилиши мумкин. Пенсия дастурлари қисман жамғариладиган дастурлар ҳисобланади.

Финляндия пенсия тизимида пенсияларни тўлашнинг икки шакли мавжуд бўлиб улар бир-бирини тўлдириб туради. Меҳнат пенсияси ёлланиб ишлаш ва тадбиркорлик фаолияти орқали ишлаб топилди. Иш берувчи ўз ходимлари учун сугурта бадалларини тўлаб бориши лозим. Хусусий тадбиркор сугурта бадалларини мустақил тарзда тўлайди. Меҳнат пенсияси пенсия тўловлари ҳисобидан қопланади. 2015 йилда ундирилмаган меҳнат пенсияси тўловлари иш хақи миқдорининг 24%ини ташкил этди. Пенсия тўловларини тўлаш мажбуриятининг бир қисми ходим зиммасида бўлади. 2015 йилда иш хақидан ушлаб қолинадиган тўловлар миқдори 53 ёшгача бўлганлар учун 5,7%ни, 53 ёшдан катталар учун эса 7,2%ни ташкил этди. Меҳнат пенсияси иш хақига нисбатан ҳар йил учун тегишли ёш чегарасига қараб қуйидагича жамғариб борилади: 18–52 ёшгача йиллик даромаднинг – 1,5%, 53–62 ёшгача – 1,9 %; 63–67 лет – 4,5 %.

2015 йилда халқ пенсиясининг тўлик миқдори 637 еврога тенг бўлди. Бошқа турдаги пенсиялар халқ пенсияси миқдорини пасайтириши мумкин. Бир ўзи яшайдиган, ойлик даромади 1316 евродан ошадиган, никоҳда бўлган ва ойлик даромади 1172 евродан ошадиган фуқароларга халқ пенсияси берилмайди (10.6-жадвал).

10.6-жадвал
173
Финляндияда пенсионерларнинг ойлик даромади

Меҳнат пенсияси, евро	Халқ пенсияси, евро	Кафолатланган пенсия, евро	Пенсия солиғи, евро	Уй-жой учун дотация, евро	Нетто даромадлар, евро
0	0	747	-5	504	1246
0	637	110	-5	504	1246
150	590	7	-5	504	1246
200	565	0	-5	498	1258
300	515	0	-6	481	1290
600	365	0	-22	430	1373
800	265	0	-59	396	1402
1500	0	0	-220	248	1528

Меҳнат пенсияси пенсия бадаллари (иш ҳақига нисбатан 24%) ҳисобидан молиялаштирилади. Тўловлар мажбуриятининг бир қисми ходим зиммасида бўлади: 53 ёшгача 5,7%, кейин 7,2%. Суғурта минимуми ойига 57,1 еврони ташкил этиши зарур.

Кафолатланган барча пенсиялар миқдори солиқлар ундирилгунга қадар ойига 739,81 евродан ошмаган ҳолларда берилади. 2016 йилда кафолатланган пенсия миқдори ойига 766,9 еврони ташкил этди.

Финляндия халқ пенсия таъминоти хизмати (KELA) томонидан пенсионерлар учун дотациялар тўлаш ҳам кўзда тутилган. Пенсионерлар учун дотациялар қуйидаги ҳолларда тўланади: фарзандлар учун устамалар – ойига 22 евро; пенсионерларнинг уй-жойи учун дотация (олдиндан ҳисоблаш қийин); пенсионерга қараш учун дотация (ойлик, евро): минимал дотация – 22 евро; юқори дотация – 156 евро; энг юқори дотация – 329 евро; ветеранлар учун – 105 евро; уруш қатнашчилари учун – 50 евро (солиққа тортилмайди).

Дания пенсия тизими. Данияда пенсия тизими 1881 йилдан амал қилади. Дания пенсия тизими бирдамлик ва жамғариладиган принципларга асосланади. Мамакатда жамғариладиган пенсия тизими элементлари 1990 йилларда жорий қилинган.

Замонавий Дания пенсия тизими қуйидаги таркибга эга:

- Давлат - "халқ" пенсияси (таянч, базавий) ва қўшимча пенсиялардан ташкил толади);

173 Хитрухин И. Финляндия: пенсионное право // Права соотечественников Северной Европы. Юридический журнал. 2015. №1(3). С.45-57.

- Мажбурий пенсия ажратмалари;
- Ихтиёрый пенсия бадаллари ва индивидуал пенсия дастурлари.

Данияда пенсия ёшини 2027 йилга қадар 67 ёшга узайтириш режалаштирилган. Давлат пенсияси солиқ тушумлари ҳисобидан молиялаштирилади ва маҳаллий ҳукумат органлари томонидан тўланади. Дания қонунчилигига мувофиқ мамлакат фуқаролари муддатидан олдин пенсияга чиқиш ёки пенсия ёшига етгандан кейин ишлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Пенсияларнинг ишлашни давом эттиришлари тўғрисидаги қарорлари ҳукумат томонидан фаол қўллаб-қувватланади. Ушбу ҳолатда пенсия тўловларини бир неча йилга кечиктириш имконияти пайдо бўлади.

<p>Кафолатланган ижтимоий пенсиялар</p>	<p>Халқ пенсияси, ёшга доир пенсия, пулли нафақалар, қўшимча меҳнат пенсияси. “Халқ” ва қўшимча меҳнат пенсиялари пенсионерларга яшаш минимумини таъминлаш вазифасини бажаради.</p>
<p>Жамғариб бориладиган меҳнат пенсияси</p>	<p>Фаол меҳнат фаолияти ва пенсияга чиқиш давридаги турмуш даражаси ўртасидаги фарқни қисқартириш учун хизмат қилади.</p>
<p>Хусусий пенсия жамғармалари ва инвестициялар</p>	<p>Пенсионерларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт фаровонлигини ошириш учун хизмат қилади.</p>

10.2-расм. Дания пенсия тизимининг таркиби

Дания пенсия тизимининг ҳар бир босқичида турли шартлар асосида пенсиялар тайинланади¹⁷⁴.

Халқ пенсияси – давлат пенсияси миқдори пенсионернинг оилавий шароити ва мамлакатда яшаш муддатига боғлиқ ҳолда аниқланади. Давлат пенсиясини олиш учун қуйидаги шартлар бажарилиши зарур: а) пенсия ёши 65 ёш; б) фуқароликка эга бўлиш; в) доимий яшаш; г) Данияда (Гренландия ва Фарер ороллари) 15 ёшдан 65 ёшгача бўлган даврда камида 3 йил яшашлари лозим. Данияда яшаш муддати давлат пенсиясини ҳисоблашда муҳим аҳамиятга эга. Давлат пенсиясини тўлиқ миқдорда олиш учун мамлакатда камида 40 йил яшаган бўлиш лозим. Яшаш муддати қисқарган

¹⁷⁴ Хинелл Л. Дания: социальные, накопительные и дополнительные трудовые пенсии // Права соответствующих Северный Европы. Юридический журнал. 2015. №1(3). С. 17-30.

сари пенсия миқдори ҳам қисқариб борали. Мисол учун, фуқаро Данияда 37 йил яшаган бўлса, унда пенсия миқдори 37/40 миқдорда белгиланади. Халқ пенсияси таянч (базавий) ва қўшимча пенсиялар ҳамда “кексалик чеки”га бўлинади.

Қўшимча меҳнат пенсияси ижтимоий пенсия тури бўлиб, суғурта бадали меҳнатга лаёқатли аҳоли томонидан 16 ёшдан бошлаб ҳафтасига 9 соатлик иш вақтига эга бўлиш шarti асосида амалга оширилади. Суғурта бадалининг 1/3 қисмини ишловчи, 2/3 қисмини эса иш берувчи тўлайди. Қўшимча меҳнат пенсияси халқ пенсиясидан фарқли равишда тақсимотга асосланмайди ва жамғариб борилади. Ишлаган вақтига қараб ойлик тўловлар пенсияга чиқканда тўланиши керак бўлган тўловларга қўшиб борилади. Суғурта бадали қанча эрта бошланса пенсияга чиқканда олинadиган пенсиялар миқдори шунча юқори бўлади.

“Кексалик чек”и ликвид мол-мулк қиймати 81500 крондан ошмайдиган пенсионерлар учун 16400 крон миқдорида тўланадиган бир йўла тўлов ҳисобланади. Ушбу чек миқдори бошқа даромад турлари мавжудлигида қамайтирилиши мумкин.

Жамғариладиган меҳнат пенсияси. Данияда банд аҳолининг 92%и жамғариладиган меҳнат пенсиясига эга. Жамғарилган маблағлар бир йўла, муайян муддатда қисман, масалан 10-25 йилда йилига бир мартадан ёки умрининг охиригача ойма-ой берилиши мумкин.

Хусусий пенсия жамғармалари. Ушбу жамғармалар ихтиёрий асосда амалга оширилади. Ҳар ким моддий таъминланганлик даражаси ва ихтиёрига кўра суғурта компанияларини танлайди.

Халқаро рейтингларга мувофиқ Дания пенсия тизими молиявий барқарорлиги, пенсия даромадларининг юқорилиги, риск даражаси ва маъмурий харажатларнинг пастлиги билан ажралиб туради. Давлат пенсияларининг мавжудлиги, пенсия бадаллари ва тўловларини амалга оширишда қаида икки усулдан фойдаланиш Скандинавия мамлакатлари пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

Умуман, Скандинавия мамлакатлари пенсия тизимлари пенсия тизимини молиялаштиришда қайта тақсимот механизмнинг прогрессив солиқларга асосланганлиги; демографик омиллар таъсирида пенсия ёшнинг юқорилиги; икки босқичли пенсия тизимининг мажбурийлиги; мажбурий жамғариб бориладиган компонентнинг жорий этилганлиги; қоплаш коэффициентининг юқорилиги; ихтиёрий пенсия таъминотининг коллектив шартномаларга асосланганлиги; инвестицион фаолиятнинг давлат томонидан чекланганлиги каби хусусиятларга эга.

10.3. Швеция пенсия тизимининг шаклланиши ва таркиби

Пенсия тизими Швеция ижтимоий моделининг асоси ҳисобланади. Пенсия тизимига давлат ижтимоий харажатларининг аксарият қисми сарфланади ва аҳолининг барча қатламларига қучли таъсир ўтказади. Ёшга

доир пенсияларнинг универсаллиги ва нафакалар миқдорининг юқорилиги Швеция пенсия тизимининг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Швецияда умумийлик (барча ишчилар – маълум таъминот тури ҳолатларининг вужудга келишида мамлакат доимий аҳолиси учун тенг ҳуқуқлилик), универсаллик (ижтимоий мақомидан катъий назар, барча фуқаролар уни молиялаштиришда ўз даромадларига мутаносиб улуш қўшган ҳолда – бирдамлик тамойили асосида тенг катнашадилар) ишчилар ижтимоий пенсия таъминоти тизимининг муҳим тамойиллари ҳисобланади. Давлат ижтимоий ночор аҳоли катламларига ижтимоий неъматларни қайта тақсимлаш вазифасини ўз зиммасига олади. Жамиятдаги мавжуд эҳтиёжлар даражасига мос юқори нафакалар миқдорлари, турларининг хилма-хиллиги (пенсиялар, нафакалар, уйларда қарияларнинг яшашини таъминлаш ва ҳ.к.) ни саклайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими Швеция “умумий фаровонлик давлати” нинг асосий элементи ҳисобланади. Унинг роли ва аҳамияти ИХТТ статистик маълумотларида яхши ифодаланади: агар фақат иш ҳақи шаклидаги даромад ҳисобга олинса (ойига ўртача 2,5 минг долл.), мамлакатнинг 36% аҳолисини камбағаллар тоифасига (жаҳоннинг sanoati ривожланган мамлакатлари гуруҳида энг юқори кўрсаткич) киритиш мумкин. Бирок жами ижтимоий маҳсулот солиқлар ва ижтимоий тўловлар орқали қайта тақсимлангандан кейин (давлат бюджетининг 1/3 қисми ижтимоий эҳтиёжлар плюс маҳаллий бюджетлар харажатлари ижтимоий бандларига ва пенсия ва сугурта фондларидан тўловларга кетади) камбағаллар тоифасига атиги 5,6% и тушади. Ушбу киёсий кўрсаткичлар АҚШ учун муносиб равишда 27% ва 17% ни ташкил қилади.

Бундай тизимнинг қимматлилиги (Швецияда солиқка тортиш даражаси 67% гача, жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан биридир) аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлигини юқори даражаси, бойлик ва қашпоқлик ўртасида кескин зиддиятларнинг мавжуд эмаслиги, барқарор сиёсий муҳит билан тўла қопланади. Социал-демократлар томонидан ўн йилликлар давомида ташкил қилинган “тенглаштирувчи” тизим “сўллар”, “либерал-консерватив” сайловчилар томонидан кучли қўллаб-қувватланмоқда. Ижтимоий соҳага ажратиладиган давлат харажатларининг қисқариши аҳоли ва қасаба уюшмаларининг кескин норозилигини келтириб чиқарди.

Агар ижтимоий таъминотга йўналтирилган бутун харажатлар суммасини 100% деб қабул қилинса, марказий ҳукумат бюджетининг улуши 27% ни, маҳаллий ҳокимият органлари – 31, корхоналар маблағлари – 41, сугурталанган корхоналарнинг улуши эса – бор-йўғи 1% ни ташкил этади.

Ҳозирги даврда Швеция – дунёда ижтимоий таъминотга ажратилган маблағлари давлат харажатларини ЯММ даги улуши 40 фоиздан юқори бўлган ягона мамлакатдир. Пенсиялар ва нафакалар ижтимоий таъминотнинг муҳим турларидан ҳисобланади. Оддий шведияликнинг пенсия таъминоти даражаси пенсияга чиқиш чоғида шакланган турмуш тарзини тубдан ўзгартирмаслик имконини беради. Швецияда пенсияларнинг исталган турини

хисоблаш асосига меъёрлаштириш тамойили кўйилган. Пенсия миқдори яшаш минимумига яқинлашадиган базавий суммага фойзаларда аниқланади. Жисмоний шахслардан пенсия ажратмалари ундирилмайди. Аҳолининг кам иш хаки тўланадиган тоифалари билан бир каторда барча пенсионерлар турар жой дотациясидан фойдаланадилар.

Швеция пенсия тизимининг ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин¹⁷⁵:

- 1) 1913 й. — умумий пенсия таъминоти тизимини жорий этиш;
- 2) 1948 й. — халқ пенсиясини жорий этиш;
- 3) 1960 й. — умумий ёшга доир пенсияни жорий этиш (қўшимча меҳнат пенсияси);
- 4) 1999 й. — аралаш пенсия тизимини жорий этиш (давлат ва қўшимча);
- 5) 2001 йилдан ҳозирга қадар.

Швецияда XX асрнинг 90-йилларига келиб демографик босим туфайли миллий пенсия тизимини тубдан ислох этиш бошланди. Тахлиллар, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда меҳнатга лаёқатли аҳоли ва пенсия ёшидагилар ўртасидаги нисбат дунё кўрсаткичидан анча юқори эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2015 йилда дунё аҳолиси таркибида 60 ёш ва ундан катталар улуши 12,3%ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич юқори даромадли мамлакатларда 22,1%ни, Шимолий Европа мамлакатларида 23,4%ни, Швецияда эса 25,5%ни ташкил этди. БМТ мутахассислари башоратларига кўра Швеция аҳолиси таркибида 60 ёш ва ундан катталар улуши 2050 йилга бориб 29,0%ни ташкил этиши башорат қилинмоқда¹⁷⁶.

Швеция пенсия тизимини такомиллаштиришга қаратилган пенсия ислохотлари 1994 йилда мамлакат ҳукумати томонидан тақсимотга асосланган пенсия тизимидан тақсимот-жамғариб бориладиган аралаш пенсия тизимига ўтиш тўғрисида қабул қилган қароридан бошланган¹⁷⁷.

Швециянинг ижтимоий таъминот тизими уч даражали аралаш тақсимот ва жамғариб бориладиган пенсия тамойилларини мужассамлаштирган пенсия тизими ҳисобланди (10.3-расм).

Биринчи даража – авлодлар бирдамлигига асосланган пенсия тизими бўлиб, иш хакига (даромадга) боғлиқ пенсия ва кафолатланган ижтимоий пенсиядан (пенсия даражаси ўртача иш хакининг 20%идан кам бўлса тўланади) ташкил топган. Пенсиялар ҳар йили иш хаки миқдорининг ўзгариши ва Швеция иқтисодиётининг макронқисодий ҳолатига боғлиқ ҳолда индексация қилинади.


Иккинчи даража – жамғариб бориладиган (1999 йилда жорий этилган) пенсия тизими. Бадалларни давлат йиғади, ишловчилар мамлакатдаги 800 та инвестиция фондларидан бирини ёки бир нечтасини (5 тагача) танлайди. Жамғарма эгалари мустақил равишда инвестиция стратегиясини танлашлари

¹⁷⁵ Оганян К. М. Социальная работа за рубежом: международный опыт и шведская модель : монография / К. М. Оганян. – 2-е изд., перераб. и доп. – СПб. : Изд-во СПбГЭУ, 2016. С. 133.

¹⁷⁶ World Population Prospects, Volume I-II/Population Division /UNDESA/UN Secretariat , New York, 2015.

¹⁷⁷ Официальный сайт Пенсионного Агентства Швеции –www.pensionsmyndigheten.se

мумкин. Аммо шведларнинг 57%и турли инвестиция фондларини танлашни маъкул кўришади. Пенсия бадаллари иш хакининг 18,5%ини ташкил этади (16% - бирдамлик, 2,5%и эса жамғариладиган). Шведиядан иш берувчилар ўз ходимлари ҳисобига хизмат пенсиясини шакллантириш учун бадаллар амалга оширишлари мумкин. Бу турдаги ажратмалар соликка пенсияни олиш давридагина тортилади.



10.3-расм. Швеция пенсия тизимининг таркиби

Учинчи даража – ихтиёрий пенсия жамғармаларига асосланган пенсия тизими.

Юкорида кайд этилган пенсия тизими даражаларига мос равишда Швеция пенсия таъминоти қуйидаги таркибга эга:

- Давлат (таянч) пенсиялари: камбағал пенсионерлар учун кафолатланган пенсия, меҳнат пенсияси, пенсия устамаси (мукофоти).
- Корпоратив (хизмат) пенсия: иш берувчи томонидан бериладиган пенсия.
- Шахсий жамғармалар ва инвестициялар.

Пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун бир хил 65 ёш. Шу билан бирга 61 ёшдан пенсияга чиқиш мумкин. Муддатидан олдин пенсияга чиқишда пенсия миқдори пенсия формуласига мос равишда қисқаради. 65 ёшдан кейин ҳам пенсияга чиқиш мумкин, пенсия миқдори формулага мос равишда ошади. Бунда 67 ёшгача олинган даромад миқдори ҳисобга олинади. 67 ёшдан кейин ишлашни давом эттирилган ҳолларда иш хаки билан бир вақтда пенсия ҳам олиш мумкин.

Швецияда пенсиянинг куйидаги турлари амал килади:¹⁷⁸

1. 1938 йилда ва ундан кейин тутилганлар учун давлат меҳнат пенсияси. Иш берувчи томонидан иш хақиға нисбатан фоиғ хисобида ва бошқа солиққа тортиладиган тўловлар шаклида ўтказилади. Пенсия бадаллари иш хақининг 16%и миқдорида жамғариб бориладиган пенсияларни шакллантириш учун ажратилади. Ишчи иш хақи ёки ишсизлик нафақаси миқдорининг 7%и ҳажмида пенсия бадали тўлайди. Қолган қисмини иш берувчи иш хақи фонди хисобидан қоплаб беради. Иш берувчи томонидан тўланадиган ишчи даромадининг 7%и пенсия бадали хисобланади. Шу тарика максимал пенсия базаси қонунчиликда белгиланган минимал иш хақининг 7,5%ини ташкил этади. Ажратилаётган маблағлар ишчиларнинг шахсий (шартли-жамғариладиган) сётларида жамғарилади, ушбу маблағларнинг 90%и пенсионерларга тўланадиган пенсияларни молиялаштиришга ва 10%и пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида буфер фондларга йўналтирилади. Пенсияни хисоблашда даромадларнинг максимал суммаси белгилаб қўйилади, жумладан 2015 йилда ушбу кўрсаткич 36312 кронга тенг бўлди.

2. Хизмат (касбий) пенсияси - иш берувчи томонидан суғурта компанияларига иш хақи миқдорининг 4-5%ини ўтказиши орқали шакланади. Хизмат пенсиясини пенсия ёшига етганда олиш мумкин. Швецияда касбий пенсиялар мамлакат аҳолисининг 90%и ва фуқароларнинг куйидаги гуруҳларини қамраб олади: хусусий секторда банд бўлганлар; хусусий секторда банд раҳбар ходимлар; давлат секторининг муниципал ва минтақа бўлимларида банд бўлган хизматчилар; давлат федерал хизматчилари.

3. Кафолатланган минимал давлат пенсияси – 65 ёшдан катта ва етарли пенсия жамғармаларини жамғара олмаган фуқаролар учун давлат томонидан ажратилади. Кафолатланган пенсия миқдори ҳар йили ўрнатилади ва у 2015 йилда 7046 кронни ташкил этади.

4. Давлат пенсия устамаси (мукофоти) – давлат пенсиясининг кичик қисми бўлиб, 1938 йил ва ундан кейин тутилган фуқароларнинг иш хақи миқдорининг 2,5%и ҳажмида шахсий жамғариб бориладиган сётларда шакллантирилади. Давлат меҳнат пенсиясидан фарқли равишда пенсия мукофоти ишчилар томонидан мустақил танланадиган пенсия сётларида шакланади ва пенсия жамғармалари хисобланади. Пенсия мукофоти миқдори унга қанча маблағ ўтказилгани ва маблағлар қайси фондга жойлаштирилганлигига боғлиқ бўлади.

5. Хусусий пенсия жамғармалари – ихтиёрий хусусий пенсия жамғармалари банкда ёки суғурта компаниясида шахсий пенсия сётларида шакллантирилади ва хисобга олинади. 2015 йилдан бошлаб турли пенсия фондларида йилига декларация қилинган даромадлар хисобидан 1800 крон йиғиш ва имтиёзли даромад солиғига эга бўлиш мумкин.

¹⁷⁸ Резник В. Швеция: новая пенсионная система. Пенсионное обеспечение по возрасту и его виды // Права соответственников Северной Европы. Юридический журнал. 2015. №1(3). С.31-44.

Шу тарика Швецияда кўп даражали пенсия тизими шаклланган бўлиб, пенсия ислохотларининг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотини шакллантириш ҳисобланади. Швецияда жамғариб бориладиган пенсияларни шакллантириш учун ажратиладиган фонд ставкаси бошқа мамлакатларга нисбатан юқори бўлиб 18,5%га тенг. Аммо кейинчалик инвестицияларга йўналтирилиши лозим бўлган шахсий счётларда жамғариладиган маблағлар учун ажратиладиган бадаллар ставкаси 2,5%ни ташкил этади ва қолган қисми эса шартли-жамғариладиган маблағлар ҳисобланиб фақат ҳисоб счётларда қайд этилади (10.4-расм).



10.4-расм. Швеция пенсия тизимининг молиявий маъбалари¹⁷⁹

Швеция пенсия тизимида давлат пенсиялари таянч ва қўшимча пенсияларга бўлинади¹⁸⁰.

Таянч пенсия миллатидан қатъий назар Швецияда уч йилдан ортиқ яшаган ва уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган, фуқаролар ушбу пенсияга даъвогарлик қилишлари мумкин. Бир ёки икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахсларга Европа Иттифоқи мамлакатларидан биронтасида ишлагани учун суғурта стажи қўшиб ҳисобланиши мумкин. Бундай қелишувлар қўлланилмайдиган мамлакатлар фуқаролари учун улар илгари Швеция билан ижтимоий суғурта тўғрисидаги шартнома тузилган мамлакатда яшаган бўлса ҳам қўлланилади. Таянч пенсияни тўлик олиш учун Швецияда 40 йил яшаган ёки 30 йиллик меҳнат стажига эга бўлиш лозим. Агар фуқаро Швецияда 40 йилдан кам вақт яшаган ёки меҳнат стажи 30 йилдан кам бўлса таянч пенсия миқдори 1/40 ёки ҳар бир етмаган йил учун 1/30 га қисқартирилади. Яшаш муддати 16 ёшга тўлган вақтдан 64 ёшгача ҳисобланади.

¹⁷⁹ Second Swedish National Pension Fund Annual Report 2016. Gothenburg, Sweden. www.ap2.se

¹⁸⁰ Рыбаченко А.В. Исторический обзор развития пенсионной системы Швеции // Вестник Балтийского федерального университета им. И. Канта. Серия: Гуманитарные и общественные науки. 2011. № 12. С. 65.


Қўшимча давлат пенсиялари. Агар фуқаронинг меҳнат даромади *молия йили* учун белгиланган минимал суммалдан ошиб кетса, у қўшимча пенсия олиш ҳуқуқига эга. Одатда, бунинг учун камидан уч йиллик иш ҳақига асосланган меҳнат стажига эга бўлиш зарур. Қўшимча пенсия олиш ҳуқуқи бошқа мамлакатда ишлаган даври учун ҳам ҳисобланади. Қўшимча пенсия миқдори меҳнат стаж ва йиллик иш ҳақи миқдорига боғлиқ ҳолда белгиланади. Швецияда қўшимча сугуртага асосланган пенсиялар улуғи жами пенсияларнинг 60%ини ташкил этади.

Швеция пенсия ислохотлари давом этмокда ва унинг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат:

- пенсия ёшини 2015 йилда 61 ёшдан 62 ёшгача, 2019 йилдан 63 ёшгача узайтириш;
- кафолатланган пенсия ёшини 2019 йилдан 65 ёшдан 66 ёшгача ошириш;
- касбий ва хусусий пенсиялар учун чегарани 2017 йилдан 55 ёшдан 62 ёшгача кўтариш;
- ишлашни давом эттиришни хоҳлаганлар учун 2019 йилдан 67 ёшдан 69 ёшгача узайтириш.

10.4. Швеция пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари

Швеция пенсия тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. 2000-2015 йилларда Швеция пенсия жамғармаларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуғи 30,4%дан 76,0%га қалар ортган (10.5-расм).




10.5-расм. Скандинавия мамлакатларида пенсия жамғармаларининг ялпи ички маҳсулотидаги улуғи, фоиз ҳисобида¹⁸¹

¹⁸¹ OECD (2016), OECD Pensions Outlook 2016, OECD Publishing, Paris. http://dx.doi.org/10.1787/pens_outlook-2016-en

Бу кўрсаткичнинг юкорилиги мамлакат аҳолисининг 90%дан ортиги ихтиёрй касбий пенсия дастурларида катнашаётганлиги билан боғлиқдир. Шу билан бирга мажбурий давлат пенсия таъминоти ҳисобидан жамғариб бориладиган пенсиялар улуши меҳнат пенсиясига нисбатан 50%дан ортиқки ташкил этади¹⁸².

Швеция пенсия тизимининг амал қилишидаги асосий гоа авлодлар бирдамлиги тамойилининг сақлаб қолинишига қаратилган. Швецияда 2001 йилда амалга оширилган пенсия ислохотларининг янгилиги жамғарилган маблағларни бошқариш бўйича янгича ёндашувнинг амалиётга татбиқ этилиши бўлди. Ушбу вазифа давлат фондлари (AP) зиммасига юкланган бўлиб, улар авлодлар ўртасидаги демографик фарқни қоплаш вазифасини бажаради. AP фондларда жамғарилган маблағлар кейинги 20 йил давомида пенсия тизимидаги мажбуриятлар ва активлар ўртасидаги нисбатни тенглаштириш учун фойдаланилиши кўзда тутилган.

Швеция AP фондларида 2001-2014 йилларда жамғарилган пенсия жамғармалари миқдорининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 7,5 %дан 24,9 %га қадар ортди (10.6-расм).



10.6-расм. Швецияда пенсия фондлари жамғармаларининг ЯИМдаги улуши, %¹⁸³

Мамлакатдаги тўртта (AP1, AP2, AP3, AP4) миллий пенсия фондларига давлат меҳнат пенсиясини шакллантириш учун бадалларнинг 1/4 қисми келиб тушади¹⁸⁴.

AP1-AP4 фондлар учун пенсия жамғармаларини инвестициялашнинг қуйидаги қоидалари ўрнатилган:

¹⁸² Галишников Е.В. Международный опыт государственного управления пенсионными средствами в системах пенсионного обеспечения зарубежных стран // Научно-аналитический журнал. Наука и практика Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова. 2014. № 2 (14). С. 25.

¹⁸³ <https://fred.stlouisfed.org/series/DDD13SEAI56NWDB>

¹⁸⁴ Швеция AP7 давлат пенсия фондларининг расмий сайти: www.ap7.se/en/Splash/

- маблағларни муқобил инвестиция манбаларига инвестициялашга рухсат бериш (кўчмас мулк, ўрмон хўжалиги, инфратузилма объектлари, хусусий акционер капитал).

- фонд активларининг 30%и риск даражаси паст кимматли коғозларга инвестицияланиши мумкин.

- активларнинг 40%гача бўлган қисми валюта рискига учраши мумкин.

- ҳар бир фонд компанияларнинг 10%гача овозига эга бўлган акцияларини сотиб олиши мумкин.

- фонд активларининг 5%гача бўлган қисми асосий биржаларда сотилмайдиган кимматли коғозларга кимматли коғозлар фонди орқали инвестицияланиши мумкин.


- активларнинг 10%дан кам бўлмаган қисми ташқи бошқарув компанияларига берилиши мумкин.

- швед компаниялари акциялари миқдори инвестициялар бозори капиталлаштириш даражасининг 2,0%идан ошмаслиги зарур.

Мукофот пенсияларини шакллантиришда фуқаролар фондларни мустақил танлаш ҳуқуқига эга. Бунда маблағлар давлат (AP1-AP4, AP7) ёки хусусий фондларга инвестицияланиши мумкин. Агарда қимдир фондларни танламаган бўлса, пенсия жамғармалари еттинчи пенсия фондига (AP7) ўтказилади ва турли саноат тармоқлари компанияларининг акцияларига инвестицияланади. Еттинчи фондга келиб тушган маблағлар Швеция солиқ департаменти бошқаруви ихтиёрига келиб тушади. Ушбу маблағларни инвестициялаш стратегияси Швеция солиқ департаменти томонидан белгиланади. Пенсия маблағлари счётларда қайд этилунига қадар 18 ой мобайнида муомалада айланади ва суғурталанувчи шахс шахсий счётида фондларга эга бўлади.

AP фондларнинг жамғарилган маблағларини турли рисклардан сақлаб қолиш вазифаси кучайтирилди. Уларда фонд активлари ва пенсия даромадлари қийматининг ўсиши ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд. Швеция давлат пенсия тизимида пенсиялар миқдори ҳар бир омонатчининг меҳнат фаолияти давомида ишлаб топган шахсий даромади даражаси билан белгиланади.

Юқорида таъкидланганидек, Швеция пенсия тизимининг даромадлар қисми пенсия активлари (16%) ва AP фондларда йиғилган пенсия жамғармаларидан (2,5%) ташкил топади. Харажатлар қисми эса пенсия тўловлари бўйича мажбуриятлардан иборат. Швецияда AP фондларда йиғилган маблағлар мамлакат давлат пенсия тизими активларининг 14%ини ташкил этади. Қолган 84% маблағ авлодлар бирдамлиги тамойили асосида пенсия тизимининг активлари сифатида жорий пенсия тўловларини амалга оширишга йўналтирилади (10.7-расм).




10.7-расм. Швеция пенсия тизимининг молиявий баланси¹⁸⁵

AP фондларда жамғарилган маблағлар узок муддатли қўйилмалар сифатида баҳоланиб, маблағлар авлодлар бирдамлиги тамойилида тақсимланади ва молиявий инкирозларга нисбатан “буфер” вазифасини ўтайди. Чунки, мамлакатдаги демографик вазиятга кўра пенсияга чиқувчилар сони ва меҳнат бозорига кириб келаётган сони ўртасидаги салбий фарқнинг мавжудлиги шароитида AP фондлардаги маблағлар молия бозорларига инвестиция қилинади. Натижада пенсия фондларида пенсия тўловлари бўйича муаммолар бартараф этилади. Шунинг учун AP1-AP4 фондлар “пенсия тизимининг буфер капитали”, деб аталади ва пенсия тўловлари бўйича юзага келадиган тақчилликни бартараф этишга хизмат қилади.

Швеция пенсия тизимида амал қилаётган асосий механизм автоматик тарзда баланслаш ёки “тўхтатиш” механизм ҳисобланади. Унинг мазмуни шундан иборатки, пенсия тизимида мажбуриятлар активлардан ошиб кетса автоматик тартибга солиш ишга тушади. Агар пенсиялар миқдори иқтисодий ўсиш, юкори бандлик даражаси ва иш ҳақининг ўсиши туфайли ортса баланслаш механизми орқали пенсия миқдори ва тушумлар ҳажми тенглаштирилади. Швеция пенсия тизимида демографик босим муаммоси мувафакқиятли ҳал этилган.

AP фондларда жамғарилган маблағлар молия бозорларига йўналтирилади. Швеция AP фондларида жамғарилган маблағлар улар ўртасида тахминан 25% атрофида тақсимланади (10.8-расм).

¹⁸⁵ Second Swedish National Pension Fund Annual Report 2016. Gothenburg, Sweden. www.ap2.se




10.8-расм. Швеция давлат пенсия фондларининг жами пенсия активларидаги улуши, %¹⁸⁶

Швеция пенсия тизимидаги баланслаш механизмида пенсия миқдори даромадлар даражасига боғлиқ бўлиши ва даромадларнинг ўртача ўсиш суръатлари билан мос келиши зарур. Пенсия миқдори пенсия активлари ва пенсия мажбуриятлари билан баланс ҳолда оширилиши лозим. AP фондларидаги омонатлар ва капитал активлар ҳажми жамғарилган пенсия мажбуриятлари миқдори билан тенг бўлиши керак. Қайси фонdda пенсия тўловлари бўйича мажбуриятлар активлар миқдоридан ошиб кетса автоматик баланслаш механизми ишга туширилади.

Автоматик баланслаш механизмини ишга тушириш учун махсус индекс – мувозанат индекси ҳисобланади. Мувозанат индекси пенсия тўловларининг пенсия тизими активлари ва мажбуриятлари миқдори ўртасидаги нисбат, балансни акс эттирувчи мувозанат даражаси (МД)га боғлиқ ҳолда индексация килинишини билдиради. Агар МД 1 дан кичик бўлса баланслаш механизми ишга тушади. Ушбу ҳолат пенсия тўловлари бўйича мажбуриятлар миқдорининг “баланс”га нисбатан ошиб кетган иш ҳақи миқдори даражасида оширилишини билдиради. Мазкур жараён ўртадаги нисбат йўқолгунча давом эттирилади. Баланс тиклангандан кейин жараён тўхтатилади. Аксинча, МД 1 дан катта бўлган ҳолларда “тўхтатиш” механизми ишга туширилади 2008 йилдаги молиявий инкироз туфайли 2008-2010 йилларда ушбу механизм бир неча бор ишга туширилган ва 2010 йилдан кейин молия бозорларидаги вазиятнинг яхшиланиши оқибатида бекор килинган (10.9-расм).


¹⁸⁶ The Second AP Fund Annual Report 2016. <http://www.ap1.se/upload/1%20AP%20Annual%20Report%202.pdf>



10.9-расм. Швеция пенсия тизимида автоматик баланслаш механизми¹⁸⁷

Швецияда меҳнатта лаёқатли аҳолининг катта қисми иш берувчи томонидан тўланадиган касбий пенсияларга эга ва ушбу маблағлар жамоа шартномалари асосида бошқарилади. Бундан ташқари ишчи, ходимлар хусусий пенсия фондларига ҳам аъзо бўлишлари мумкин. AP6 фонд эса AP1-AP4 фондлардан фарқли ёпик фонд ҳисобланади. AP7 фондининг вазифаси пенсия жамғармалари бўйича устама (мукофот)ни тўлашдан иборат.

AP фондларнинг активлари фаол тарзда молия бозорларига йўналтирилади. 2015 йилда AP фондлар маблағлари фонд турига қараб 15,0%дан 53,9%гача бўлган қисми миллий акциялар сотиб олишга, 23,9%дан 47,4%гача бўлган қисми хорижий акцияларга, 8,9%дан 19,6%гача қисми миллий облигациялар ва бошқа турдаги қимматли қоғозларга, 18,8%дан 30,6%гача қисми хорижий облигациялар ва бошқа турдаги қимматли қоғозларга сарфланган (10.10-расм).



10.10-расм. AP фондларнинг активлари таркиби, 2015 йил (жамига нисбатан фоиз ҳисобида)¹⁸⁸

¹⁸⁷ <http://www.ap2.se/globalassets/nyheter-och-rapporter/arsredovisningar/annual-report-2016.pdf>

¹⁸⁸ <http://www.ap4.se/en/reports/annual-report-2016/report-on-operations/awards/>

Швеция давлат АР фондлари Шимоллий Европадаги энг йирик пенсия фондлари ҳисобланишади ва дунёнинг йирик суверен пенсия фондлари рейтингда биринчи йигирматаликка киради (10.7-жадвал).

10.7-жадвал

Суверен пенсия фондлари, млн долл.¹⁸⁹

	Фонд номи	Мамлакат	Жами активлари	Тўловларга асосланган (Defined benefit)	Бадалларга асосланган (Defined contribution)
1	Давлат пенсия инвестиция фонди	Япония	1,163,203	1,163,203	
2	Давлат пенсия фонди	Норвегия	865,943		
3	Миллий пенсия фонди	Корея Республикаси	435,405	435,405	
4	Миллий инвестиция тўловот фонди	Хитой	294,939		
5	Марказий жамғарма фонди	Сингапур	211,373		211,373
6	Канада пенсия фонди	Канада	201,871	201,871	
7	Илчилар жамғармаси фонди	Малайзия	161,707		161,707
8	GEPI	ЖАР	103,147	103,147	
9	Илчилар жамғармаси фонди	Хиндистон	93,743		93,743
10	Future Fund	Австралия	86,314		
11	National Wealth Fund	Россия	71,717		
12	Мехнатқилар пенсия фонди	Тайвань	67,244	20,388	46,856
13	Давлат инвестиция тўловот фонди	Кувайт	60,986		
14	FRR	Франция	39,444		
15	AP3	Швеция	37,609		
16	AP4	Швеция	36,134		
17	Хавфсизлик захира фонди	Испания	35,294		
18	AP2	Швеция	34,898		
19	AP1	Швеция	33,524		
20	AP7	Швеция	30,315		

¹⁸⁹ <https://www.willistowerswatson.com/en/press/2016/09/Top-pension-fund-assets-fall-for-the-first-time-since-the-global-financial-crisis>

2015 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича давлат, касбий ва хусусий пенсиялар миқдори 442 млрд. швед кронаси тенг бўлиб, 61%ни давлат пенсиялари ҳиссасига тўғри келди. Ушбу даврда Швецияда иш хақи фонди (Ўзини-Ўзи банд этувчилар даромади билан биргаликда) 1,563 млрд кронани ташкил этди ва ушбу кўрсаткич шведлар иш хақи миқдорининг 28%ини турли пенсияларни жамғаришга йўналтиришга тўғрайдиганликларидан далолат беради.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра давлат пенсия фондларида 1,997 млрд крона миқдорига бадаллар жамғарилган ва ушбу кўрсаткич жами бадалларнинг 43%ини ташкил этади. Пенсиялар бўйича Швед Агентлиги томонидан ушбу даврда 260 млрд крона пенсия тўловлари амалга оширилган ва у жами тўловларнинг 70%ига тенг (10.8-жадвал).

10.8-жадвал

**Швеция пенсия тизими молиявий кўрсаткичлари,
2015 й. (млрд крона)¹⁹⁰**

	Мукофотлар	Бадаллар	Тўловлар
Даромадларга асосланган пенсия	271 (61%)	1997 (43%)	260 (70%)
Касбий пенсия	154 (35%)	2227 (47%)	91 (25%)
Хусусий пенсия	17 (4%)	465 (10%)	20 (5%)
Жами	442 (100%)	4689 (100%)	371 (100%)

Ушбу даврда хусусий пенсия жамғармалари бўйича устама 17 млрд швед кронаси миқдорига тўланган. Шу билан бир вақтда пенсиялар билан боғлиқ ҳолда 12 млрд крона даромадга боғлиқ пенсиялар, 8 млрд крона миқдорига уй-жой харажатлари учун ва 0,7 млрд крона қарияларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилди.

Швеция пенсия тизимини ислох этиш ва молиявий барқарорлигини оширишда тақсимот-жамғариб бориладиган пенсия тизими элементлари муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари

1. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг Скандинавия модели қандай хусусиятларга эга?
2. Скандинавия мамлакатлари пенсия тизимининг умумий ва фарқли жиҳатлари нималардан иборат?
3. Скандинавия мамлакатлари пенсия тизими қандай тамойиллар асосида амал қилади?
4. Норвегия пенсия ислохотлари натижасида мамлакат пенсия тизимида қандай ўзгаришлар содир бўлди?

¹⁹⁰ <http://www.ap2.se/globalassets/nyheter-och-rapporter/arsredovisningar/annual-report-2016.pdf>

5. Финляндия пенсия тизимида амалга оширилган пенсия ислохотлари сабаблари нималардан иборат?

6. Дания пенсия тизимига хос хусусиятлар нималардан иборат?

7. Швеция пенсия тизими қандай таркибга эга ва пенсиянинг қандай турларига амал қилади?

8. Швеция пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги механизм нима ва у қандай амал қилади?

Асосий тушунчалар

Универсаллик тамойили – аҳолининг барча ижтимоий катламларини камраб олиш.

Бирдамлик тамойили – барча фуқароларнинг пенсия тизимини молиялаштиришда барабар қатнашиши.

Давлатнинг фаол иштироки тамойили – давлатнинг ижтимоий бойлики юқори даромадга эга аҳоли гуруҳларидан ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳларга қайта тақсимлаш функциясини бажариши.

“Кексалик чеки” – ликвид мол-мулк қиймати муайян суммадан ошмайдиган пенсионерлар учун тўланадиган бир йўла тўлов.

G коэффиценти – Норвегияда амал қиладиган минимал ижтимоий суғурта базаси.

Аралаш (гибрид) пенсия – Норвегияда амал қиладиган шартли-жамғариладиган ва белгилаб қўйиладиган бадалларга асосланган пенсиялар.

Швеция пенсия тизимининг баланслаш ёки “тўхтатиш” механизми – пенсия тизимида мажбуриятлар активлардан ошиб кетса автоматик тартибга солиш ишга тушади. Агар пенсиялар миқдори иқтисодий ўсиш, юқори бандлик даражаси ва иш ҳақининг ўсиши туфайли ортса баланслаш механизми орқали пенсия миқдори ва тушумлар ҳажми тенглаштирилади.

Мувозанат даражаси – пенсия тизими активлари ва мажбуриятлари нисбатини ақс эттирувчи кўрсаткич.

Мувозанат индекси – пенсия тўловларининг мувозанат даражаси кўрсаткичининг ўзгаришига мос равишда индексация қилиниши

Тестлар

1. Скандинавия мамлакатлари ижтимоий таъминот тизимида солиқларнинг қандай шкаласи амал қилади:

- а) Прогрессив;
- б) Регрессив;
- в) Актив;
- г) Пассив.

2. Скандинавия мамлакатлари пенсия тизими қандай тамойилларга асосан амал қилади:

- а) Универсаллик, бирдамлик, давлатнинг фаол иштироки;
- б) Яхлитлик, шериклик, давлат аралашуви юқорилиги;

- в) Ижтимоий тенглик, адолат, давлат аралашуви пастлиги;
- г) Ижтимоий барқарорлик, тўлик бандлик, давлатнинг пассив иштироки

3. Скандинавия мамлакатларида ёшга доир пенсия олиш ҳукуки неча ёшдан белгиланади?

- а) 40;
- б) 45;
- в) 35;
- г) 30.

4. Скандинавия мамлакатларининг қайси бирида пенсионерлар учун дотациялар тўлаш кўзда тутилган?

- а) Финляндия;
- б) Швеция;
- в) Норвегия;
- г) Дания.

5. Норвегияда пенсия жамғармалари миқдори қачон тўлик шаклланади?

- а) Ходим бир корхонада муқим ишлаганда;
- б) Ходим иш жойини тез-тез ўзгартириб турганда;
- в) Ходим бир жойдан иккинчи жойга иш кўчиб ўтганда;
- г) Ходим пенсия ёшига етганда.

6. Финляндияда халқ пенсияси миқдори қачон пасайтирилади?

- а) Фуқарога бошқа турдаги пенсиялар тайинланганда;
- б) Фуқаро бошқа корхонага ишга жойлашганда;
- в) Фуқаро бошқа жойга кўчиб ўтганда;
- г) Фуқаро муддатидан олдин пенсияга чиққанда.

7. Швецияда таянч пенсия қайси ҳолатларда белгиланади?

- а) Мамлакатда уч йилдан ортиқ яшаган ва уч йиллик меҳнат стажига эга бўлганда;
- б) Мамлакатда уч йилдан ортиқ яшаган ва беш йиллик меҳнат стажига эга бўлганда;
- в) Мамлакатда беш йилдан ортиқ яшаган ва уч йиллик меҳнат стажига эга бўлганда;
- г) Мамлакатда ўн йилдан ортиқ яшаган ва ўн йиллик меҳнат стажига эга бўлганда;

8. Швецияда қўшимча давлат пенсиялари қайси ҳолатларда белгиланади?

- а) Фуқаронинг меҳнат даромади молия йили учун белгиланган минимал суммадан ошиб кетганда;
- б) Фуқаронинг меҳнат даромади молия йили учун белгиланган минимал суммадан пасайиб кетганда;
- в) Фуқаронинг меҳнат даромади молия йили учун белгиланган максимал суммадан ошиб кетганда;
- г) Фуқаронинг меҳнат даромади молия йили учун белгиланган максимал суммадан пасайиб кетганда.

9. Швеция пенсия тизими амал қилишнинг ғояси нимадан иборат?

- а) Авлодлар бирдамлиги тамойилининг сақлаб қолиниши;
- б) Жамғариладиган пенсия тизимини шакллантириш;
- в) Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш;
- г) Пенсия тизимининг инвестицион имкониятларини кенгайтириш.

10. Швеция пенсия тизимининг “буфер капитали” – бу ...

- а) АР фондлар;
- б) Пенсия активлари;
- в) Пенсия тўловлари;
- г) Пенсия тўловлари бўйича мажбуриятлар.

XI БОБ. ЯПОНИЯ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

11.1. Японияда пенсия тизими ва унинг таркиби

Японияда пенсия тизими дастлаб 1942 йилда – иккинчи жаҳон уруши вақтида жорий этилди. Бу тизим давлат пенсия тизими номини олди, чунки ўша даврда пенсия таъминотининг учдан бир қисми давлат субсидиялари ҳисобидан амалга оширилган эди.

Бирок пенсия тизими 1954 йилдан, яъни Япония иктисодиёти уруш ва урушдан кейинги вайронагарчиликдан ўзини қайта тиклаб олганидан сўнг ҳақиқатда амал қила бошлади. 1954 йилдан бошлаб мамлакат пенсия тизимига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Ишчиларга 60 ёшга тўлганларидан кейин пенсия тўлаш тартиби жорий қилинди. Ишчилар ва иш берувчилар тўлайдиган бадаллар ҳисобидан шакллантирилган махсус фонддан ва давлат субсидиялари пенсия тўловларини молиялаштириш манбасидан бўлган. Бирок ишчи бадалнинг фақат ярмини тўлайди ва қолган иккинчи ярми иш берувчининг бадаллари ҳисобига қопланадиган бўлди.

1961 йилда 1954 йилдаги пенсия тизими билан камраб олинмаган фуқаролар, яъни иш ҳақи шаклида даромад олмайдиганлар (тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва бошқалар) учун миллий пенсия тизими жорий қилинди, пенсия тўловлари мамлакатнинг барча фуқаролари учун тўлана бошланди.

Ислохотларнинг кейинги босқичида асосий эътибор пенсия тўловлари миқдорига қаратилди ва 1973 йилда қариллик пенсияси миқдори, ходимнинг пенсияга чиққунгача бўлган умумий бир ойлик ўртача даромадининг 60 % ига тенг бўлиши кераклиги тўғрисида қарор қилинди.

1989 йилда пенсия таъминоти тизимини ҳар беш йилда расман қайта кўриб чиқиш тартиби ўрнатилди.

1994 йилда парламент фуқароларнинг оддий қариллик пенсия таъминотини қисман ва мунтазам равишда ўзгартириш тўғрисидаги қонунни тасдиқлади.

Бугунги кунда Япония давлат пенсия тизими икки бўғиндан иборат бўлиб, улар таянч тизим (ягона ставка) ва даромадларга боғлиқ тизимлардир.

Таянч пенсия тизими даромадлари даражаси ва меҳнат стажидан қатъий назар барча Япония фуқароларини камраб олади. Японияда ишловчи чет элликлар таянч тизими бўйича пенсия олиш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Японияда таянч кексалик пенсия ёши 65 ёш қилиб белгиланган, шунингдек ушбу тизим бўйича пенсия тўловларини олиш учун камида 25 йил суғурга бадаллари тўланган бўлиши талаб этилади. 2017 йил 1 апрелдан таянч кексалик пенсия таъминоти камида 10 йиллик пенсия бадали тўловларини тўлашни талаб қилади. Тўлиқ таянч пенсия тизими 40 йиллик пенсия бадаллари тўловларини талаб қилади ва пенсия тўловлари қисқа ёки

узок пенсия бадали тўловлари муддатларига мутаносиб равишда тартибга солиб борилади.

Даромадларга боғлиқ пенсия тўловлари 65 ёшдан тўланади. Ушбу пенсия минимум 1 ойлик пенсия бадали тўлови муддати билан таянч пенсияга қўшимча равишда тўланади ва таянч пенсия тўловларини олиш ваколатига эга бўлган пенсионерларга берилади. “Махсус тўланадиган” даромадга боғлиқ пенсия тўловлари ҳозирда аста-секинлик билан қисқартириб борилмоқда ва ушбу тўловлар учун пенсия ёши мунтазам ошириб борилмоқда.

Таянч пенсия тизимида пенсия ёши 2013 йилда эркеклар учун 65 ёшга етказилди ва 2018 йилдан аёллар учун ҳам 65 ёш қилиб белгиланади. Даромадларга боғлиқ пенсия ёши эркеклар учун 2013 ва 2025 йиллар ва аёллар учун 2018 ва 2030 йиллар оралиғида 60 ёшдан 65 ёшга оширилди.

Ҳозирги вақтда Япония пенсия тизими кўп поғонали бўлиб, ғарб мамлакатларининг PAYG тизимидан фарқли равишда шахсий жамғариладиган пенсия тизими қисман амал қилади.

Ўзини-ўзи иш билан таъминлаган шахслар ва уларнинг қарамоғидагиларни “Миллий пенсия дастури” (National Pension (NP)) қамраб олади ва уларни таянч пенсия тўловлари билан таъминлайди.

Даромадларга боғлиқ пенсия			
	Миллий пенсия тизими бадаллари ҳисобидан моликлантирилади	Касбий ва ўзаро ёрдам тизимлари бадаллари ҳисобидан моликлантирилади	
Таянч пенсия	Давлат субсидиялари ҳисобидан тўланади (таянч пенсия тизими харажатларининг 50% и, ЯИМнинг 2% и)		
Қамраб олинган категориялари	1-категория: Ўзини-ўзи иш билан таъминлаганлар ва уларнинг қарамоғидагилар	2-категория: Ёлланма ишчилар	3-категория: 2-категория қарамоғидагилар
Пенсия дастури номи	Миллий пенсия дастури (NP)	Касбий пенсия сугуртаси (EPI) ва ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари (MAA)	EPI + MAA
Қамрови (пенсия ёшига келадиганлар)	19.04 миллион киши	EPI: 34.51 миллион киши MAA: 4.41 миллион киши	9.78 миллион киши

11.1-расм. Япония давлат пенсия тизимининг таркибий тузилиши¹⁹¹

Хусусий секторда банд бўлганларни эса “Япония касбий пенсия сугуртаси” (Japan’s Employees’ Pension Insurance (EPI)) қамраб олади. Шунингдек давлат ходимлари ва махсус касбий гуруҳларни қамраб олувчи “Ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари” (Mutual Aid Associations (MAA)) ҳам мавжуд. Касбий ва ўзаро ёрдам дастурлари пенсия тўловлари миллий дастур тўловлари билан бир хил даражадаги таянч пенсия тўловлари ва унга қўшимча равишда даромадларга боғлиқ бўлган пенсия тўловларини ўз ичига

¹⁹¹Allianz International Pensions What’s happening in Japan, September 2014.

олади. Ушбу тизимга кирувчилар қарамоғидагилар (Dependents of EPI/МАА) пенсия бадаллари тўловсиз таянч пенсия даражасида пенсия тўловлари олишади. Миллий ва касбий пенсия тизимларида пенсияга чиқиш ёши аёллар ва эркеклар учун 65 ёш қилиб белгиланган.

Таянч пенсия тизими бўйича 2014 йилда битта пенсионерга тўланадиган тўлиқ бир йиллик пенсия тўлови 772 800 иенага тенг бўлди, бу ўртача ишчилар даромадининг 16 % ини ташкил этди. 2016 йилга келиб эса бир йиллик пенсия тўлови 780 100 иена қилиб белгиланди. Таянч пенсия тўловлари пенсионер 67 ёшга етмагунча соф ўртача иш ҳақиға индексация қилинади ва 68 ёшдан сўнг нарх бўйича индексация қилинади.

Шунингдек ижтимоий ёрдам нафақалари пенсия тизимининг тўлдирувчи қисмидир. 2014 йилда Токиода яшовчи 60 ёшдан 69 ёшгача бўлган ҳар бир шахс учун уй-жой нафақалари ва бошқа тегишли ижтимоий тўловларни ҳисобга олмаган ҳолда 981 160 иенага тенг бўлган ижтимоий ёрдам тўлови тўланди. Биринчи ва иккинчи даражали ногиронлик тоифасидаги беморлар ёки жароҳатланганлар таянч пенсия тизими бўйича 2016 молия йили учун қуйидаги миқдорда ногиронлик нафақаларини олишади:

- 975 125 иена – биринчи даражали ногиронлар учун;
- 780 100 иена – иккинчи даражали ногиронлар учун.

Даромадларга боғлиқ пенсия тўловлари иш ҳақи ва пенсия бадаллари тўлови муддатига боғлиқ бўлиб, у қуйидаги тартибда ҳисобланади:

(Пенсия учун ҳисобга олинadиган ўртача иш ҳақининг ойлик миқдори) × 0,7125% × (2003 йил март ойигача пенсия бадаллари тўлови муддати) + (муқофотларни қўшган ҳолда пенсия учун ҳисобга олинadиган ўртача иш ҳақи миқдори) × 0,5481% × (2003 йил апрел ойидан бошлаб пенсия бадаллари тўлови муддати)¹⁹².

Даромадларга боғлиқ пенсия тизимида тўланадиган пенсия тўловлари пенсионер 67 ёшга етмагунча соф ўртача иш ҳақиға индексация қилинади ва 68 ёшдан сўнг нарх бўйича индексация қилинади.

2025 йилгача “маҳсус таъминланадиган” ходимлар касбий пенсияси 60 ёшдан 64 ёшгача бўлган шахслар учун қисман амал қилади. “Маҳсус таъминланадиган” ходимлар касбий пенсияси бир вақтнинг ўзида ягона ставка ва даромадларга боғлиқлик ҳусусиятига эга. Ягона ставкали пенсия тўловлари туғилиш йилига боғлиқ ва у қуйидаги тартибда ҳисобланади:

1 676 иена × (туғилиш санасига боғлиқ ставка) × (бадаллар тўлови муддати) × 0,961

“Маҳсус таъминланадиган” касбий пенсия тизими эркеклар учун 2013 йилда бекор қилинди, аёллар учун эса 2018 йилда бекор қилиниши белгиланган.

Ишчиларнинг пенсия бадаллари ва давлат субсидиялари Япония пенсия тизимини молиялаштириш манбалари бўлиб хизмат қилади. Авлодлар

¹⁹² PENSIONS AT A GLANCE 2015: OECD AND G20 INDICATORS © OECD 2015.

бирдамлиги борасидаги жамоатчилик музокаралари натижасида ходимлар учун пенсия бадаллари ставкаси 2017 йилдан 18,3 % килиб белгиланади. Шунингдек, давлат субсидиялари мунтазам равишда таянч пенсия тизими харажатларининг 50 % ини молиялаштириб келмоқда. Давлат субсидиялари демографик ва иктисодий ривожланишни таъминлашда пенсия тўловларини тартибга солиш механизми вазифасини бажаради.

Даромадларга боғлиқ пенсия тизимида ойлик пенсия бадалларининг максимал даражаси 620 000 иенани ташкил этади ва бу ишчилар ўртача даромадларининг 152 % ига тенг.

2001 йилдан бошлаб даромадларга боғлиқ пенсия тизимидан ходимларнинг белгиланган пенсия бадалларига асосланган пенсия тизими ва нодавлат пенсия таъминоти тизимига ўтиш давлат томонидан рағбатлантириб келинмоқда.

Қискартирилган пенсия тўловлари билан эрта пенсияга чиқиш таянч пенсия тизими ва даромадларга боғлиқ пенсия тизимида амал қилиши мумкин. Пенсия тўловлари эрта пенсияга чиқишнинг ҳар бир ойи учун 0,5 % гача қискартирилади. Шахслар 60 ва 65 ёш оралиғида асосий пенсия тўловларини талаб қилиб бориши мумкин. Тўланадиган пенсия тўловлари пенсионер 67 ёшга етмагунича соф ўртача иш ҳақиға индексация қилинади ва 68 ёшдан сўнг нарх бўйича индексация қилинади.

Пенсияға кеч чиқиш мумкин ва кечичиқ пенсия тўловларини ҳар ой учун 0,7 % гача ёки йилиға 8,4 % гача оширади. Пенсия олиш ҳуқуқи бадаллар тўловининг ҳар бир йили давомида йиғилиб борилиши давом этади.

2004 йилдан бошлаб 65 ёшдан сўнг 460 000 иенадан ошмайдиган умумий даромад (иш ҳақи ва пенсия) билан бир вақтнинг ўзида ишлаш ва пенсия олиш мумкин бўлди. Умумий даромад ушбу лимитдан юкори бўлган ҳолда эса, даромаднинг лимитдан ортиқча қисмининг ярми тўлиқ даромадларға боғлиқ пенсия тўловидан чегирилади, лекин таянч пенсия тўловлари тўлиқ тўланади. 70 ёшдан ошган ишчилар пенсия бадали тўламайдилар.

Бола парварishiға сарфланган вақтлар даромадларға боғлиқ тизимда ҳар бир бола учун уч йилгача ҳисобға олинади. Бола парварishi муддати давомида пенсия бадаллари ходимнинг ушбу муддатдан олдинги энг сўнгги даромадлари бўйича амалға оширилган деб ҳисобланади.

Тўлиқ бўлмаган иш вақти ҳолатида бадаллар жорий даромадларға асосланади, лекин пенсия тўловлари ишчиларнинг тўлиқ иш вақтидаги олдинги даромадлари асосида ҳисобланади. 2014 йилдан бошлаб ишчилар ҳомиладорлик ва туғруқ таътили даврида ижтимоий суғурта бадаллари тўловларидан озод қилинган.

Талабалик даври учун мамлакатда пенсия бадали тўлаш истисно этилган. Ёшлар учун пенсия бадалларини тўламаслик ҳуқуқлари берилган бўлиб, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти 30 ёшгача деб белгиланган.

Японияда пенсия дафтарчаси фукаро пенсияга чиқаётган вақтда тегишли органларга топширилади ва ушбу ҳужжат фукаронинг пенсия олиш ҳуқуқининг асоси ҳисобланади.

Мамлакатда ойлик пенсия бадали миқдори 2015 йил апрель - 2016 йилнинг апрель ойигача бўлган даврда 15 590 иена этиб белгиланган бўлса, 2016 йил апрель ойидан 2017 йил апрель ойигача 16 260 иенани ташкил этади.

Касбий пенсия сугуртаси бўйича ходим ва иш берувчи белгиланган бадаллар суммасини тенг иккига бўлиб тўлашади.

Фукаро белгиланган пенсия бадалини тўлай олмаган тақдирда, мазкур сумманинг маълум бир қисмини тўлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу ҳолат ўз навбатида фукаронинг келажакда оладиган пенсия миқдорига ўз таъсирини кўрсатади.

Фукаронларнинг даромадлари турлича бўлганлиги сабабли уларга пенсия бадалини тўлашнинг табақалашган даражалари белгиланган ва тўланган пенсия бадалларига мутаносиб миқдорда пенсия тўловлари олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ишсиз ёки даромадлари белгиланган даражадан паст шахслар даромадларга боғлиқ пенсия тизимига бадал тўлашлари шарт эмас, лекин асосий пенсия тизимига тўлашлари шарт. Бундай шахслар уй хўжалиги даромадлари даражасига боғлиқ равишда бадалларнинг барча, тўртдан уч, ярим ёки тўртдан бир қисмини тўлаш мажбуриятидан озод этилиши мумкин (11.1-жадвал).

11.1-жадвал

Японияда пенсия бадалини тўлаш ва фукаронинг келажакда оладиган пенсия миқдорини ҳисоблаш амалиёти¹⁹³

Пенсия бадалини тўлаш бўйича имтиёзлар	Пенсия бадали суммаси	Ёшга доир олинмаган пенсия миқдори
Пенсия бадалини тўлашдан бутунлай озод	0 иена	1/2
Пенсия бадали миқдорини ¼ қисмини тўлаш	4 070 иена	5/8
Пенсия бадали миқдорини ярмини тўлаш	8 130 иена	3/4
Пенсия бадали миқдорини ¾ қисмини тўлаш	12 200 иена	7/8
Талабалик даври учун пенсия бадали	0 иена	0

Ўтган йилдаги даромадлари 570 000 иенадан кам бўлган бир шахс ҳар қандай бадаллар тўлаш мажбуриятидан озод этилган. Даромадлари 930 000

¹⁹³ www.nenkin.go.jp/international/pamphlet/english/index_0510.pdf - Japanese National Pension System.

иснадан кам бўлган шахсларга бадалларнинг тўртдан бир қисмини тўлаш ваколати берилган, даромадлари 1 410 000 иснадан кам бўлганлар бадалларнинг ярмини ва даромадлари 1 890 000 иснадан кам бўлганлар бадалларнинг тўртдан уч қисмини тўлашади.

Бадаллар тўловидан озод этилган муддатлар учун шахслар таянч пенсия тўловининг ярмини ва бадалларнинг тўртдан бир қисмини тўлаган муддатлари учун эса таянч пенсия тўловларининг саккиздан беш қисмини олиш ҳуқуқига эгадирлар. Шахслар бадаллар тўловининг ярмини тўлаган муддатлар учун таянч пенсия тўловларининг тўртдан уч қисмига ва бадалларнинг тўртдан уч қисмини тўлаган муддатлари учун таянч пенсия тўловларининг саккиздан етти қисмига эга бўладилар¹⁹⁴.

Бадаллар тўлаш мажбуриятидан озод этилган муддатлар тўлиқ бадаллар тўланган муддат сифатида ҳисобга олинади. Пенсияга чиққандан сўнг юқорироқ пенсия олиш мақсадида 10 йил муддатгача бадалларнинг ўрнини қоплаш учун имтиёз берилган бадаллар суммасини тўлашга рухсат берилади.

Япония давлат пенсия тизимининг мақсади иш билан банд бўлган уй хўжаликларини пенсияга чиқаётганда иш ҳақи шаклидан пенсия тўловлари шаклига алмашган даромадлар билан таъминлашдир. Уй хўжаликларининг ўртача иш ҳақи учун қоплаш коэффициентини охириги олинган иш ҳақининг 62,7 % ига тенг бўлмоқда¹⁹⁵. Шу сабабли Японияда жорий пенсия даромадлари етарлича пенсия даромадлари олишнинг ИХТТ меъёрий талаблари (60-70 %) даражасида давлат ресурслари ҳисобидан таъминланади.

Японияда давлат пенсия таъминоти билан биргаликда турли шаклдаги ихтиёрий корпоратив пенсия фондлари мавжуд. Аҳоли қариши шароитида корпоратив пенсия фондлари ёрдамчи тизим вазифасини бажармоқда.

Камида 1 000 нафар ходимга эга бўлган иш берувчилар агар қорхона доирасида корпоратив пенсия фондларини ташкил этиб, ўз ходимларини ижтимоий сугурталаса, даромадларга боғлиқ пенсия тизимидаги мажбуриятларидан озод қилинишлари мумкин. Ҳозирги кунда ходимларнинг 15 % и ушбу тизимга тўғри келади. Мажбуриятдан озод бўлиш учун иш берувчилардан камида давлат томонидан тўланадиган даромадларга боғлиқ пенсия тўловларининг 150 % ини таклиф қилишлари талаб этилади. Ушбу тизимда пенсия бадаллари ставкаси ходимларнинг ёш таркибига боғлиқ ҳолда давлат томонидан белгиланади. 2005 йилдан буён ставка иш ҳақининг 2,4 % и ва 5 % и оралиғида ўзгариб келмоқда.

Корпоратив пенсия фондлари асосан “Касбий пенсия фондлари” (Employee Pension Funds) шаклида ташкил этилади. Бу пенсия фондлари барқарор бўлмаганлиги ва кексаларни пенсия даромадлари билан таъминлаш учун етарли бўлмаганлиги сабабли 2001 ва 2002 йилларда “ўрнатилган пенсия бадаллари” (defined-contribution – DC) ҳамда “ўрнатилган пенсия тўловлари” (defined-benefit – DB) пенсия дастурлари жорий қилинди. Шунингдек ўзини-ўзи иш билан банд қилганлар учун ва корпоратив пенсия

¹⁹⁴PENSIONS AT A GLANCE 2015: OECD AND G20 INDICATORS © OECD 2015

¹⁹⁵Allianz International Pensions What's happening in Japan, September 2014.

фаолиятини ўзлари амалга оширмайдиган иш берувчилар ходимлари учун ташкил этилган “Миллий пенсия фонди ассоциацияси” ҳам мавжуд.

Касбий пенсия фондлари дастлаб 1944 йилда ташкил этилган. Касбий пенсия фондлари 500 нафардан кўп ходимга эга бўлган корхоналарни камраб олади. Ушбу пенсия дастурлари икки хил хусусиятга эга. Биринчиси, ушбу дастурлар Касбий пенсия сугуртаси ўринини босади. Бу шуни англатадики, корхоналар Касбий пенсия фондларининг Касбий пенсия сугуртасига караганда 50 % юқорирок пенсия тўловларини таъминлаш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин. Пенсия бадаллари бўйича имтиёзлар турлича бўлиб, Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги ҳар бир пенсия дастури учун алоҳида имтиёз белгилайди. Иккинчи хусусият қўшимча пенсия тўловларининг таклиф қилинишидир.

Касбий пенсия фондлари мустақил юридик шахс мақомига эга бўлиб, иш берувчи ва ходимларнинг бир хил миқдордаги вакилларидан ташкил топган бошқарув комиссияси томонидан бошқарилади. Ушбу комиссия фонд активларини корхона доирасида бошқариш ёки шартнома асосида траст-банк ва ҳаёт сугуртаси компанияларига ишониб топшириш тўғрисида қарор қабул қилишади. Активлар барча Касбий пенсия фондларини бирлаштирган Пенсия фонди ассоциациясига ҳам берилиши мумкин. Ушбу тизимда ходимлар пенсия бадалларининг 50 % ини тўлашади. Касбий пенсия фондларида пенсия тўловлари Касбий пенсия сугуртасидаги формула бўйича ҳисобланади ва аннуитет шаклида тўланади.

Касбий пенсия фондлари банкротликдан мажбурий сугуртага бадаллар тўлаши шарт. Бошқа барча корпоратив фондлар учун бу талаб этилмайди. Иш берувчилар ва ходимлар бадалларининг миқдори солиққа тортилмайди. Инвестицион даромадлар эса солиққа тортилади. Пенсия тўловлари эса даромад сифатида солиққа тортилади.

Мавжуд корпоратив дастурлар етарли даражада барқарор бўлмаганлиги сабабли 2001 йилда “Ўрнатилган пенсия бадаллари” ва 2002 йилда “Ўрнатилган пенсия тўловлари” дастурлари ташкил қилинди. Ушбу дастурлар бир-бирини инкор қилмайди, иш берувчилар бир вақтнинг ўзиде иккала дастур бўйича ишлашлари мумкин.

Ўрнатилган пенсия тўловлари дастури фонд ёки шартнома шаклида бўлиши мумкин ва уларнинг иккаласи бир ёки бир нечта иш берувчилар гуруҳи томонидан ташкил этилиши мумкин. Фонд шаклидаги дастурлар мустақил юридик шахс бўлган пенсия фонди шаклида жорий қилиниши керак. Касбий пенсия фондлари сингари ушбу фондлар иш берувчи ва ишловчи ходимларнинг бир хил миқдордаги вакилларидан ташкил топган бошқарув комиссияси томонидан бошқарилади. Шартнома шаклидаги дастурлар банклар ёки ҳаёт сугуртаси компаниялари билан амалга оширилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам дастурлар молиялаштирувчи иш берувчилар ва уларнинг ходимлари ўртасида тузилган пенсия шартномаларига асосланиши керак. Ўрнатилган пенсия тўловлари дастури пенсия бадаллари ставкаси ва пенсия тўловларининг ҳисобланиш

шартларини тартибга солиши керак. Бундан ташқари молиялаштирувчи иш берувчилар Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлигининг махсус руҳсатини олишлари керак. Фонд шаклидаги дастурларда активлар ташқаридан бошқарилмайди, лекин банклар ёки ҳаёт сугуртаси компаниялари томонидан назорат қилинади. Ҳўрнатилган пенсия тўловлари дастури учун иш берувчиларнинг бадаллари бутунлай солиқдан озод қилинган. Ходимлар томонидан тўланадиган бадалларнинг йилга 50 000 иенгача бўлган қисми солиққа тортилмайди. Инвестицион даромадлар 1,173 % ставка билан солиққа тортилади.

Ҳўрнатилган пенсия бадаллари дастурлари: корпоратив ва шахсий шаклда амал қилади. Корпоратив Ҳўрнатилган бадаллар дастурлари ягона иш берувчи томонидан ташкил этилиши мумкин ва траст банклар, сугурта компаниялари ёки фонд менежерлари каби пенсия менежменти ташкилотлари (ушбу ташкилотлар Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги рўйхатидан ўтган бўлиши керак) билан тузилган шартнома асосида амалга оширилиши керак. Ушбу дастурлар молиялаштирувчи иш берувчилар ва уларнинг ходимлари ўртасида тузилган шартномага асосланиши керак ва ушбу шартномалар Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиши лозим. Ўзини-ўзи иш билан банд этганлар ёки корпоратив пенсия дастурлари ташкил этмаган иш берувчилар ходимлари шахсий Ҳўрнатилган бадаллар дастурига тузиши мумкин. Бундай дастурлар давлат органи бўлган Миллий пенсия фонди ассоциацияси томонидан бошқарилади. Агар ходимлар иш жойини корпоратив пенсия дастурлари ташкил этмаган иш берувчига ўзгартирса уларнинг жамғарилган капиталлари бўлган Миллий пенсия фонди ассоциациясидаги шахсий дастурга ўтказилади.

Корпоратив Ҳўрнатилган бадаллар дастурлари учун ходимларнинг бадал тўлашлари тақиқланган бўлиб, иш берувчилар умумий бадал тўлашади. Ушбу дастур ўз аъзоларига камида учта инвестиция шартларидан бирини танлаш имконини бериши керак. Улардан бири жамғарилган капитални сақлашни кафолатлашдир. Ходимлар уч йил банд бўлганларидан сўнг Ҳўрнатилган бадаллар дастурларига ўтишлари мумкин. Жамғарилган капитал бир йўла бериладиган пенсия тўлови сифатида қайтариб олиниши мумкин. Солиқдан имтиёзлар компания фаолият юритаётган дастурлар сонига боғлиқ. Агар иш берувчи фақат Ҳўрнатилган бадаллар дастури бўйича иш олиб борса солиққа тортилмайдиган бадалларнинг йиллик суммаси ҳар бир ходим учун 552 000 иенани ташкил этади. Агар иш берувчи бир вақтнинг ўзида Ҳўрнатилган пенсия тўловлари дастури бўйича иш олиб борса солиқ имтиёзлари икки баробар камайд.


Шунингдек иш берувчиларини Касбий пенсия сугуртасига бўлган мажбуриятлардан озод қилувчи махсус “Касбий жамғарма фондлари” (Employee Provident Funds – EPF) ташкил этилди. Корпоратив пенсия фондлари ва шахсий пенсия жамғармалари пенсия тўловларидан олинадиган

даромадлар Японияда кексаликда олинадиган умумий пенсия даромадларининг 5 % дан кўпрок қисмини ташкил этади.

11.2. Аҳоли қариши жараёндарининг Япония пенсия тизими барқарорлигига таъсири

Япония аҳолининг қариб боришини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. БМТ маълумотларига кўра Японияда кекса ёшдагиларнинг иктисодий фаол аҳолига нисбати 43,6 %га тенг, аҳолининг ўртача ёши – 46,5 ёшни ташкил этиб, кекса ёшдаги аҳоли сонининг (65+) жами аҳоли сонидаги улуши эса 25,8 % га етди¹⁹⁶.

Японияда аҳолининг қариб бориш даражаси юқори ҳисобланади. 1960 йилларда Япония қатта еттилик мамлакатлари таркибида энг ёш аҳолига эга бўлган. 1960 йилда мамлакат аҳолиси таркибида 65 ёшдан ошган аҳоли салмоғи 6 % га тенг бўлган ва БМТ классификацияси бўйича Япония “ёш” мамлакат ҳисобланган. Мамлакат аҳолиси таркибида 65 ёшдан ошганлар улуши 7 % га етса, мамлакат аҳолиси “қариётган”, деб ҳисобланади. Агар ушбу кўрсаткич 14 % га етса, мамлакат аҳолиси “қариган”, 21 % га етса эса аҳолиси “ўта қариган” мамлакат, деб баҳоланади (11.2-расм).



11.2-расм. Дунёнинг айрим мамлакатларида аҳолининг қариб бориш суръатлари¹⁹⁷

1970-1995 йилларда Япония аҳолиси қариётган мамлакатдан аҳолиси қари мамлакатга айланди. Нисбатан қисқа давр ичида мамлакатда кекса ёшдаги аҳоли сони икки баробарга ошди. Францияда кекса ёшдаги аҳоли

¹⁹⁶ Allianz International Pensions What's happening in Japan. September 2014.

¹⁹⁷ Allianz International Pensions What's happening in Japan. September 2014.

сонининг икки бараварга ортиши учун 115 йил (1865-1990 йй.) вақт кетган. Япония 1995-2006 йилларда дунёда аҳолиси ўта қари мамлакатга айланди. Ушбу кўрсаткичга Италия 25 йил, Германия эса 40 йил ичида етди.

Япония иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари ва суверен қарзлар даражасининг юқорилиги шароитида аҳолининг жадал суръатларда қариб бориши жараёнининг салбий оқибатларини бартараф этиши зарур. Чунки Японияда пенсия тизимига сарфланаётган маблағлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10% ини ташкил этади¹⁹⁸.

Япония – узок умр кўрувчилар ватани, шу сабабли пенсия юки икки марта оғирроқ. Японияда кўпйаб юз ёшдан ошган соғлом инсонлар истикомат қилади. Бунга илғор медицина ёрламида эришилди, жумладан медицина соҳасидаги технологияларнинг ривожланиши, тиббий хизматларнинг самарали тизимини ташкил этилганлиги ва барчани камраб олган тиббий суғурталаш тизими сабаб бўлади. Японияликларнинг ўртача умр кўриш ёши 83,5 ёш бўлиб 65 ёшда кутилаётган умр давомийлиги 21,9 ёшга тенг бўлиб, ушбу ҳолат фуқароларни пенсияга чиққандан сўнг шунча вақт давомида пенсия тўловлари билан таъминлаш кераклигини аңглатади.

Аҳоли қариб бориши жараёнининг чуқурлашуви мамлакат пенсия тизимини субсидиялаш имкониятларини янада пасайтиради. Бундай демографик вазиятда пенсия тўловлари учун харажатлар мунтазам равишда ошиб боради ва Япония пенсия тизимини ислох қилишнинг долзарблиги ортади.

Японияда 1986 йилдан 1991 йилгача бўлган даврда кўчмас мулк ва фонд бозоридаги нархлар кескин ошиб кетди. Иқтисодиётда бундай ҳолат “активлар нархи шари” деб аталади. 1992 йил бошига келиб активлар нархлари кескин тушиб кетди. Ушбу ҳолат хозирга қадар кўпчилик иқтисодчиларни ҳайрон қолдириб келади. Иқтисодий жиҳатдан, Японияга узок вақт давомида глобал тарихий тажрибага мос келмайдиган мамлакат сифатида қараб келинган. Сўнги йилларда Япониянинг узок муддатли турғунлик даврига сабаб бўлувчи омил сифатида демографиянинг иқтисодий ўсишга таъсирига устувор аҳамият берилмоқда.

Давлат пенсия таъминоти Японияда ҳалигача кексаликдаги даромадларнинг асосий манбаси бўлиб келмоқда. Пенсия даромадларининг етарлилик даражасини таъминловчи, пухта ишлаб чиқилган ижтимоий ҳимоя тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш яқин ўн йилликда Япония ижтимоий сиёсати учун жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундай шароитлар пенсия тизимини ислох этишда қучли давлат стратегияларини амалга оширишга устуворлик берилишини талаб қилади. Бу борадаги япон стратегиялари ўзларини шахсий жамғармалари ҳисобидан таъминлайдиган шахслар эҳтиёжларини ҳисоб олган ҳолда нопараметрик

¹⁹⁸Allianz International Pensions What's happening in Japan. September 2014.

ислохотларни амалга ошириш оркали демографик ўзгаришларнинг салбий оқибатларини бартараф этаётган гарб мамлакатлари стратегияларидан фарк килади.

Японияда 2014 йилда пенсионерларнинг давлат пенсия тизимидан оладиган даромадларининг истикболдаги даражасини аке эттирувчи актуар хисоблар ишлаб чикилди.

Япония пенсия тизимининг актуар хисоби ишлаб чиқишда туғилиш ва ўлим даражалари, иктисодий шароитлар (ЯИМ ўсиши, инфляция, иш ҳақининг ошиши, меҳнат бозорининг ривожланиши) ва давлат пенсия тизими активларининг инвестицион даромадлилиги билан боғлиқ сценарийларга асосланган (11.3-расм).



Демографик ўзгариш вариантлари

*МЙ – миллиард йил, Японияда 1 апрелдан 31 мартга булган мuddлатни ташкил этади.

**{...} қоплам коэффициенти 50% дан паст булганда пенсия ислохотларини амалга ошириш зарур.

11.3-расм. Япония пенсия тизимини ислох этишнинг муқобил сценарийлари¹⁹⁹

“Ўртача туғилиш даражаси” сценарийси жорий туғилиш даражаси 2060 йилгача ўзгармаслигини (2015 йилда 1,46) ва бу кўрсаткич ўртача 1,35 даражани ташкил этишини назарда тутди. Туғилиш даражаси 2060 йилга бориб “Паст туғилиш даражаси” сценарийси бўйича 1,12 гача тушиши ва “Юқори туғилиш даражаси” сценарийси бўйича 1,6 даражага етиши прогноз қилинади.

“Ўртача ўлим даражаси” сценарийси бўйича умр кўриш давомийлиги 2060 йилга бориб эркалар учун 84,2 ёшни ва аёллар учун 90,9 ёшни ташкил этиши прогноз қилинади.

¹⁹⁹ Allianz International Pensions What's happening in Japan. September 2014.

Шунингдек ушбу сценарийларда меҳнат унумдорлиги (МУ), иш ҳақи ва нарх инфляцияси, иқтисодий ўсиш суръати ва шартли ҳисобланган инвестиция қайтими, ишчи кучининг фаоллик коэффициенти (ИКФК) каби кўрсаткичларнинг узок муддатли даврда ўсиши билан боғлиқ прогнозлари келтирилган (11.2-жадвал).

11.2-жадвал

Иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш прогнозлари

Фараз	ИКФК	МУ	Нарх инфляцияси	Иш ҳақи инфляцияси	ЯИМ ўсиши (реал)	Инвестиция қайтими
Оптимистик	ошади	1,4 %	1,6 %	1,8 %	0,9 %	3,2 %
Ўртача	ошади	1,0 %	1,2 %	1,3 %	0,4 %	3,0 %
Пессимистик	ўзгармайди	0,7 %	0,9 %	1,0 %	0,2 %	2,2 %

Иқтисодий ўсиш ва туғилиш даражасининг ўртача сценарийсида даромадларнинг қоплаш коэффициенти 50,6% гача камайиши мумкинлиги ҳисобга олинган. Ушбу қисқариш бевосита демографик ўзгаришлар ва пенсия тизимининг жорий молиявий ҳолати билан боғлиқ. Агар туғилиш даражаси жорий паст даражадан ҳам тушишда давом этса, Япония иқтисодиётининг ривожланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда 2041 йилга келиб қоплаш коэффициенти ҳукумат кафолатлаган 50% дан паст, пенсия тизimini ислох этиш зарур бўлган даражага тушиши мумкин. Агар 50%ли чегаравий даражани ҳисобга олмасдан, мувозанатлаштириш механизми жорий қилинадиган бўлса, қоплаш коэффициенти 2047 молиявий йилдан 46,8%га етиши мумкин. Қоплаш коэффициентини сунъий равишда 50% даражада тутиб туриш учун эса давлат захира фондларидан фойдаланишга тўғри келади. Бундай ҳолатда давлат пенсия захиралари яна 39 йилга етиши мумкин.

Иқтисодий ва демографик тенденциялардан катъий назар келажакда Япония пенсионерлари амал қилаётган давлат пенсия таъминоти тизимига мослашишлари керак бўлади. Келажакдаги пенсия тизимига бўлган ишончсизлик жамоатчилик фикри ва пенсионерларнинг муносабатида намоён бўлади. Еттига мамлакатда (Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Япония, Туркия и Малайзия) икки ёш гуруҳи (30 дан 45 ёшгача ва 60 дан 75 ёшгача) бўйича ўтказилган Альянз тадқиқотларига кўра Японияликлар ўз келажакига жуда катта ишончсизлик билан қарашмоқда²⁰⁰. Сўров ўтказилган кексаларнинг фақат 16% и ва ёшларнинг 4% и ўз келажакига кучли ишонч билдирган. Жумладан, кичик ёш гуруҳи ўзларининг қариликдаги таъминоти борасида катта ташвишга тушишмоқда. Сўров ўтказилган 30-45 ёш гуруҳидаги японияликларнинг 60% и пенсияга

²⁰⁰ Allianz International Pension Papers, 02/2014.

чикканларидаги молиявий ҳолатлари ҳақида ташвишда эканликларини айтишган.

Японияда қоплаш коэффициентини жорий даражада сақлаб қолиш учун ходимлар кўпроқ жамғаришлари ёки узоқроқ ишлашлари керак бўлади. 2040 йилда пенсия ёшида олинган даромадлар бугунги кундаги пенсионерлар олаётган даромадлар даражасида бўлиши учун ўрғача даромадли уй хўжаликлари бир йиллик жамғармадаги даромадларини 1,5 дан 2,5 бараваргача оширишлари керак бўлади. Инвестицияларнинг 2 % лик реал даромадлигини ҳисобга олиб, шу йўл билан 40 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги олинган иш ҳақининг 2,5 % дан 4 % гача бўлган қисмини жамғаришга қўшимча сарфланишига эришиш мумкин.

11.3. Япония пенсия тизимининг молиявий барқарорлиги ва инвестицион имкониятларини фаоллаштириш

Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш Япония ҳукумати олдида турган муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Давлат молиявий ресурсларининг узоқ муддатли давр ичида 50 % гача бўлган потенциал бюджет камоматини молиялаштиришга етарли даражада бўлиши давлат инвестицион пенсия фонди ва бошқа захира фондларининг инвестиция қайтимига сезиларли даражада боғлиқдир.

Япония давлат захира фондлари активларининг катта қисмини Давлат инвестицион пенсия фонди (*Government Pension Investment Fund – GPIF*) бошқаради. Давлат инвестицион пенсия фонди Япония Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан бошқариладиган мустақил ташкилот бўлиб, унинг вазифаси Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ишониб топширилган захира фондлари активларини бошқариш ва инвестициялаш, жумладан, инвестиция қайтимини Махсус пенсия ҳисоб-рақамига тақсимлаш орқали миллий ва касбий пенсия дастурлари барқарорлигини таъминлашдир.

Давлат инвестицион пенсия фондининг инвестицион стратегиялари ва унинг давлат пенсия фондларидан фойдаланиши Япониянинг “Abenomics” деб номланган ислохот дастури доирасида кўриб чиқилган.

“Abenomics” ислохот дастури қуйидагиларга асосланади:

- молиявий қўллаб-қувватлаш;
- кенг қўламли монетар сиёсат;
- чуқур таркибий ислохотлар.

Ушбу дастурда иктисодий ўсиш, демографик ривожланиш ва Япония аҳолисининг кўпроқ жамғариши ва узоқроқ ишлашини таъминлаш пенсия тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида белгиланди.

Пенсия тизими барқарорлигини ошириш мақсадида 2014 йилда “Япония жонлангириш стратегияси” деб номланган таркибий ислохотлар дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурнинг мақсадларидан бири давлат активларининг

самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Давлат инвестицион пенсия фонди, Ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари ва бошқа жамоатчилик фондлари ихтиёридаги активларнинг инвестицион самарадорлигини ошириш стратегияларини белгилаш мақсадида катор устувор вазифалар белгилаб олинди:

1) Зудлик билан амалга ошириш керак бўлган вазифалар:

- Инвестицияларнинг таянч портфел тамойиллари бўйича тақсимланиши ва актив фондларга ажратмаларни оширишни қайта кўриб чиқиш;

- Пассив инвестициялар ставкаларини қайта кўриб чиқиш;
- Рискларни олдиндан кўра олувчи бошқарувни жорий қилиш.


2) Қисқа муддатларда амалга ошириш керак бўлган вазифалар:

- Таянч портфел тақсимотини қайта кўриб чиқиш;
- Янги актив шаклларини жорий этиш (ликвидлилиги юқори бўлган);
- Болалар фондини ташкил этиш;
- Етарлича малакага эга бўлган инвестицион менеджерларни ёллаш.

3) Узок муддатларда амалга ошириш керак бўлган вазифалар:

- Янги актив шаклларини жорий этиш (пастрок ликвидли бўлган).
- Тўлик ваколатга эга бўлган кенгаш ташкил этиш

Давлат инвестицион пенсия фондининг 2015 молиявий йиллик ҳисоботи²⁰¹ кўра инвестиция қайтими қисқа муддатли бозор тебранишлари туфайли олинмаган даромадлар ва зарарларни ўз ичига олди. Жаҳондаги глобал номуносивлик ва иена курсининг ошиши Давлат инвестицион пенсия фонди инвестиция фаолиятининг салбий инвестиция қайтимига эга бўлишига сабаб бўлди.



11.4-расм. 2001-2015 молиявий йилларда жамғарилган инвестиция қайтими, (млрд иена).

²⁰¹ Government Pension Investment Fund, Japan Annual Report Fiscal Year 2015.

2015 молиявий йилда мутлак инвестиция қайтими (инвестицион даромадлар ва инвестицион харажатлар ўртасидаги фарк) -5 309,8 млрд иенага тенг бўлди. 2001-2015 молиявий йилларда жамғарилган инвестиция қайтими 45 423,9 млрд иенага тенг бўлди.

Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ёки алоҳида инвестиция активларининг самарадорлигини таққослаш мақсадида нисбий инвестиция қайтими кўрсаткичидан фойдаланилди. Нисбий инвестиция қайтими мутлак инвестиция қайтимининг инвестиция харажатларига нисбатини англатади ва у қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$$\text{Нисбий инвестиция қайтими} = \frac{\text{инвестицион даромадлар}}{\text{инвестицион харажатлар}} - 1$$

Нисбий инвестиция қайтимини ушбу формула орқали ҳисоблаш инвестиция қайтимига инфляциянинг таъсирини ҳисобга олмайди. Шунинг учун ушбу кўрсаткич номинал инвестиция қайтими деб аталади. Нисбий инвестиция қайтимига инфляциянинг таъсирини ҳисоблаш мақсадида реал инвестиция қайтими кўрсаткичидан фойдаланилади ва у қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$$\text{Реал инвестиция қайтими} = \frac{1 + \text{номинал инвестиция қайтими}}{1 + \text{инфляция даражаси}} - 1$$


2015 молия йилида Давлат инвестицион пенсия фондининг номинал ва реал инвестиция қайтими мос равишда -3,8 % ва -4,3 % га тенг бўлди. Охири марта салбий инвестиция қайтими 2010 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози бошланган йилларда қайд этилган эди. Сўнги 15 йилдаги ўртача номинал ва реал инвестиция қайтими мос равишда 2,3 % ва 2,6 % га тенг бўлди.

11.3-жадвал

Давлат инвестицион пенсия фондининг инвестиция фаолияти натижалари динамикаси, % да


Молиявий йиллар	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	Ўртача янглик
Номинал инвестиция қайтими	-4,01	-6,69	7,61	2,91	9,57	3,52	-4,69	-7,61	7,88	-0,27	2,29	10,21	8,62	12,24	-3,81	2,31
Инфляция даражаси	-0,27	-1,15	-0,27	-0,2	-0,17	0,01	-0,07	-0,26	4,06	0,68	-0,21	0,21	0,13	0,99	0,5	-0,28
Реал инвестиция қайтими	-3,75	-5,61	7,9	3,11	9,76	3,51	-4,63	-7,37	12,44	-0,95	2,51	9,98	8,48	11,14	-4,31	2,6

2015 молия йилида Давлат инвестицион пенсия фонди активлари ҳажми 134 747,5 млрд иенага етди. Давлат инвестицион пенсия фонди активлари ҳажми бўйича дунёдаги энг йирик фондлардан бири ҳисобланади.



11.5-расм. Давлат инвестицион пенсия фонди активлари ҳажми динамикаси, (млрд иена)

2015 молия йилида давлат инвестицион пенсия фонди инвестиция активлари портфели таркиби қуйидагича тақсимланди:



11.6-расм. Инвестиция активларининг таркибий тузилиши

2015 молия йилидаги салбий инвестиция қайтими ички акциялар ва хорижий акция ва облигациялардан қўрилган зарарлар таъсирида вужудга келди.



11.7-расм. Инвестиция активлари турлари бўйича инвестиция қайтими

11.4. Япония пенсия тизимининг ривожланиш истиқболлари

Япония ҳукумати бир вақтнинг ўзида аҳоли қариши ва давлат қарзининг ошиши макроиктисодий муаммосига дуч келмоқда. Кейинги ўн йилликда пенсия тўловлари ҳажми жадал ошиб бориши ва паст даражадаги солиқ базаси шароитида ҳукумат молиялаштириш борасида муаммоларга дуч келиши мумкин. 2013 йилда Япония ялпи қарзининг ЯИМ га нисбати ИХТТ мамлакатлари таркибида энг юқори даража – 243 фоизни ташкил этди. Япония ушбу қийин шароитда қатъий иктисодий ислохотларни амалга оширмаса молиявий инкпоз ҳолатига тушиб қолиши мумкин.

“Аллианз пенсия тизими барқарорлиги индекси” бўйича Япония 2016 йилда танлаб олинган 54 мамлакат ичида 46 ўринни эгаллади ва пенсия тизимини ислох этиши зарурияти юқори бўлган мамлакатлар қаторидан жой олди²⁰².

Япония қарзлари етарли даражада молиявий барқарор бўлмасида молия бозориди унинг барқарорлигига бўлган ишонч юқори. Японияда қатор сабабларга кўра давлат облигацияларига бўлган талаб юқори. Ушбу мураккаб шароитда инвесторлар давлат облигациялари учун юқорирок фоиз ставкаси талаб қилинса қарзларнинг бошқарувчанлиги камайдиди, яъни бошқариб бўлмайдиган давлат қарзлари кризиси юзага чиқиши мумкин. Японияда узок муддатли давлат облигациялари фоиз ставкалари паст даражада қолмоқда. Бунга давлатнинг молиявий бошқарув қобилиятига бўлган бозордаги ишончнинг юқорилиги сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳолат қачонгача давом этиши мумкин? Бундай муаммолар шароитида Япония ҳукумати пенсия тизимини ислох этиш борасида чора-тадбирлар амалга ошириши зарур.

Япония ҳукумати пенсия тизимини ислох қилиш мақсадида уч йўлни кўриб чиқмоқда: пенсия ёшини ошириш, қоплаш коэффициентини камайтириш (пенсия тўловлари миқдорини камайтириш) ёки фуқаролар тўлайдиган пенсия сугуртаси бадаллари ставкасини ошириш. Ушбу ислохотларни уларнинг ўртасидаги муносаббатли таъминлаган ҳолда бир вақтнинг ўзида амалга ошириш мумкин. Жумладан, мамлакатда пенсияга чиқиш ёшини ошириш билан биргаликда, пенсия бадаллари миқдорини камайтириш пенсия ёшидаги аҳоли ва меҳнатга қобилиятли аҳоли ўртасидаги мувозанатга нисбатан таъсир ўтказиш имконини вужудга келтиради. Кўрсатилган пенсия ислохотлари мамлакатнинг иктисодий ўсишига, кекса ва ёш авлод ўртасидаги муносаббатли турлича таъсир этади.

2004 йилда Японияда бир қатор пенсия тизими ислохотлари белгилаб олинди, лекин япон пенсия тизимининг гайриоддий даражада эканлиги учун уларнинг ижроси 2015 йилгача қолиб қетди. Япония пенсия тизимининг бундай гайриоддий даражага етишига 2000-йиллардаги дефляция шароитида пенсия индексацияларининг бекор қилиниши сабаб бўлди. Шунинг учун

²⁰² 2016 Pension Sustainability Index. International Pension Papers 1/2016

пенсия тўловлари даражаси сунъий равишда 2,5 % гача оширилди ва пенсия тўловлари 2015 йилгача ҳукумат томонидан мунтазам қисқартириб келинди.

2012 йилда тасдиқланган солиқ ва ижтимоий таъминот ислохотларига мувофиқ, Япония парламенти томонидан пенсия бадаллари тўлашнинг минимал муддати 25 йилдан 10 йилга қисқартириш, тўлиқ бўлмаган иш кунда бад бўлганларни корпоратив пенсия дастурлари билан камраб олишни кенгайтириш, корпоратив пенсия дастурлари ва Ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари дастурларини бирлаштириш орқали таянч тизими бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш ёшини узайтиришга қаратилган қонун қабул қилинди.

Таянч пенсия тизимига давлат субсидияларини қисқартириш учун бюджет маблағларини потенциал тежаш имкониятларини баҳоловчи бюджет харажатларини камайтириш борасидаги бир қатор махсус ислохот йўналишлари 11.4-жадвалда келтирилган.

11.4-жадвал

Таянч пенсия тизимига бюджет харажатларини камайтириш имкониятлари (ЯИМ га нисбатан % да)²⁰³


Ислохот йўналишлари	2020 йилдаги бир йиллик тежаш
Таянч тизими бўйича пенсияга чиқиш ёшини 67 ёшга ошириш	0,25
Бадавлат пенсионерлар учун пенсия тўловларини камайтириш	0,25
Пенсия тўловларидан олинмаган даромадлар учун имтисозли солиқ режими бекор қилиш	0,25-0,33
Бандлар қарамоғидаги турмуш ўртоқларидан пенсия бадаллари ундириш	0,25-0,5
Қоплаш коэффициентини 3 % пунктгача камайтириш	0,5
Пенсия бадаллари ставкасини 1 % пунктгача ошириш	0,5
Пенсия бадаллари ставкасини 1 % пунктгача камайтириш	-0,5

Японияда юқори, ошиб бораётган ўртача қутилаётган умр давомийлиги шароитида пенсия ёшини ошириш оптимал йўл ҳисобланади. Таянч тизими бўйича пенсияга чиқиш ёшини ошириш орқали давлат бюджети маблағларини маълум бир миқдорда тежашга эришилади. Таянч тизим бўйича пенсия ёшини 2020 йилга қадар 67 ёшга кўтариш давлат бюджетидан таянч пенсия тизимини субсидиялаштиришга кетаётган харажатларни ЯИМга нисбатан 0,25 % га қисқаришига олиб келади. Агар 2030 йилга қадар пенсияга чиқиш ёши 69 ёшгача оширилса, у ҳолда бюджет харажатлари ЯИМ га нисбатан 0,75% га қисқариши мумкин.

Пенсия ёшини оширишда қутилаётган умр давомийлигини ҳисобга олиш зарур. Японияда қутилаётган умр давомийлиги ва пенсияга чиқиш ёши ўртасидаги фарқ бошқа кўплаб давлатларга нисбатан юқоридир. Тугилишда

²⁰³ Pension Reforms in Japan. Kenichiro Kashiwase, Masahiro Nozaki, and Kiichi Tokuoaka. IMF Working Paper. December 2012.

кутилаётган ўртача умр давомийлиги 2030 йилга бориб аёллар учун 89.4 ёш, эркаклар учун эса 82.4 ёшга етиши кутилмоқда. Миллий пенсия дастури пенсионерлари учун 2000-2030 йилларда агар пенсия ёши 65 ёшда ўзгаришсиз қолса пенсия ёшида кутилаётган умр давомийлиги 4 йилга ортиши кутилмоқда. Касбий пенсия сугуртасида ушбу кўрсаткич пенсия ёшининг мунтазам ошириб борилиши туфайли 2000-2030 йилларда пасайиши, лекин 2030 йилга келиб миллий пенсия тизимидаги кўрсаткич билан тенг бўлиши кутилмоқда (11.8-расм).



11.8-расм. 2000-2030 йилларда Японияда пенсия ёшида кутилаётган умр давомийлиги²⁰⁴

Пенсияга чиқиш ёшини ошириш ишчи кучининг кекса ишчилар ҳисобига ортиши ва умр бўйи олинadиган даромадларнинг ўсиши ҳисобига истеъмол харажатларини ортиши туфайли узок муддатли даврда иктисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатади. Пенсия ёшини ошириш пенсия бадалларини оширишдан фарқи равишда солиқ юкининг ёш ва кекса авлод ўртасида нисбатан адолатлироқ тақсимланишига олиб келади. Даромадларга боғлиқ пенсия тизимида пенсия ёшини ошириш бюджет субсидияларини камайтирмасда узок муддатли даврда иктисодий ўсишни янада оширади, авлодлар ўртасидаги даромадлар тақсимланиши тенгсизлигини камайтиради ва таянч пенсия тизими ислохотларини тўлдирди. Ушбу ислохот пенсия бадалларини камайтириш ҳисобига иш берувчиларнинг ишчи кучига бўлган харажатларини камайтириш имконини беради ва уй хўжаликларининг ихтиёридаги даромадларини оширади.

Пенсия ёшини ошириш ислохоти аҳолини, жумладан ногирон инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини қучайтириш билан биргалликда амалга оширилиши лозим. Японияда ногиронлар учун тўланадиган пенсия тўловлари бўйича умумий сарфлар микдори бошқа

²⁰⁴ Pension Reforms in Japan. Kenichiro Kashiwase, Masahiro Nozaki, and Kiichi Tokuoka. IMF Working Paper. December 2012.

ривожланган мамлакатларга караганда анча паст даражада бўлиб, макроиндексацияларнинг келгусидаги ногиронлик пенсия тўловларини камайтириши туфайли ногирон пенсионерларнинг ижтимоий химояга мухтожлиги янада ортади. Пенсияга чиқиш ёшининг оширилиши пенсионерлар етарли даражадаги даромадлар билан таъминлашни кафолатлашни талаб этади. Япониянинг 65 ёшдан ошган аҳолиси юқорида таъкидланганидек нисбатан соғлом ва меҳнат қобилиятини йўқотиш эҳтимоли кам бўлсада, пенсия ёшининг оширилиши кексаликдаги кашшоқликни келтириб чиқармаслигини таъминлаш мақсадида пенсионерлар пухта ишлаб чиқилган қарилликдаги ногиронлик пенсияси ва ижтимоий ёрдам дастурлари билан ижтимоий суғурталанишлари керак. Японияда пенсия ёшидан ўтган кўплаб ходимлар ишлашда давом этишмоқда. Меҳнат бозоридан чиқишда эркаклар учун пенсия ёшидан 4 йил ва аёллар учун 3 йил юқорироқ ёш энг самарали ёш бўлмоқда.

Японияда қоплаш коэффициентини пасайтириш ислохотлари макроиндексация дастурлари доирасида режалаштирилмоқда. Қоплаш коэффициенти оилавий жуфтликнинг ўртача пенсия даромадларини меҳнат ёшидаги аҳолининг ўртача иш ҳақига бўлиб ҳисобланади. Оилавий жуфтлик таркибига Қасбий пенсия тизими билан суғурталанган хусусий секторда банд бўлганлар ва уларнинг ишламайдиган турмуш ўртоқлари кирди.



11.9-расм. Даромадлар даражасига боғлиқ қоплаш коэффициенти.

Японияда қоплаш коэффициенти ИХТТ мамлакатлари билан таққослаганда паст даражада ҳисобланади.

Қоплаш коэффициентини пасайтириш келгусида таянч пенсия тизимини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришни қисқартиришга олиб келсада, ушбу ислохот кексалар кашшоқлиги муаммосини кучайтириши мумкин. 2020 йилгача ушбу коэффициентни босқичма-босқич 3 % гача камайтириш пенсия таъминотига бюджет харажатларини ЯИМ га нисбатан 0,5 % гача





камайишига олиб келади. Ушбу ислохот мамлакат иктисодиётининг ўсишига ижобий таъсир этади, авлодлар ўртасидаги даромадлар тақсимланиши тенгсизлигини тартибга солишга ёрдам беради. Пенсияларнинг асосий истеъмол талабларини (озик-овқат, уй-жой ва коммунал хизматлар) зўрға қопловчи таянч пенсия тўловларининг жорий (бир йиллик пенсия тўлови 780 100 иена) ҳолатида қоплаш коэффициентини пасайтириш пенсия тизимининг кексаликдаги қашшоқликни олдини олиш функциясини амалга ошириш имкониятларини камайтиради. Ушбу ислохот туфайли бюджет маблағларининг тежалиши билан биргаликда ижтимоий ҳимояга бўлган харажатлар ортиб кетиши мумкин.

XXI аср бошларида Японияда пенсионернинг даромадлари даражасидан катъий назар таянч пенсия тўловларининг 50 % и бюджет субсидиялари ҳисобидан молиялаштирилади. Бунинг ўрнига Канада пенсия амалиётида қўлланиладигандек субсидиялар ҳажмини даромадлари даражаси паст пенсионерлар учун ошириш ва аксинча даромадлари даражаси юкори пенсионерлар учун эса камайтириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, мамлакатдаги энг бой (йиллик пенсия даромадлари 2,5 млн иенадан кам бўлмаган) пенсионерларнинг 10 % и учун пенсия тўловларини 10 % га камайтириш пенсия тизимига давлат субсидияларини ЯИМ га нисбатан 2020 йилда 0,25 % гача қисқартириши мумкин. Амалиётда ушбу тадбирни нисбатан кўпроқ бой пенсионерларни 25% учун қўллаш мумкин. Бундай ҳолатда давлат бюджети маблағлари сезиларли даражада тежалиши ва кам даромадли пенсионерларнинг ўртача пенсия даромадлари режалаштирилган даражадан ошиши мумкин.

Пенсия бадалларини ошириш давлат бюджети маблағларини ошишига олиб келади. Таянч пенсия тизими пенсия бадалларини 1 % га ошириш бадаллар умумий суммасини ЯИМ га нисбатан 2020 йилда 0,5 % га ортишига олиб келади ва ушбу маблағлар пенсия тизимини бюджет субсидиялари ҳисобидан молиялаштиришни камайтиришга ёрдам беради.

Ушбу ислохот мамлакатнинг иктисодий ўсишига салбий таъсир этиши ва авлодлар ўртасидаги тенгсизликни кучайтириши мумкин. Пенсия бадалларининг юкори бўлиши меҳнат бозорида ишчи кучи тақлифига салбий таъсир кўрсатади, жумладан пенсия бадалларининг ошиши ёш авлодга нисбатан солиқ юкининг кўпроқ тақсимланишига олиб келади.

Пенсия даромадларига нисбатан имтиёзли солиқ режимини қисқартириш давлат бюджети маблағларини сезиларли миқдорда тежашга олиб келади. Ҳозирда даромад солигини ҳисоблашда давлат пенсия тўловларининг сезиларли қисми (таянч ва даромадларга боғлиқ) солиққа тортиладиган даромадлар таркибига киритилмайди. Бир йиллик пенсия даромадлари 1,2 млн иенадан ошмаган пенсионерлари давлат пенсия тўловларидан тўлиқ даромад солиғидан озод қилинган. Шунингдек, энг бой пенсионерларнинг 2 % и оладиган пенсия даромадларининг 40 % идан даромад солиғи ҳисобланмайди. Умумий ҳисобда пенсия тўловларидан олинадаган даромадларнинг тахминан 75 % и солиққа тортилмайди.



11.10-расм. 2059 йилда Япония пенсия тизими истикболлари, пенсияга чиқиш 65 ёшдан

Келажакда пенсия сугурта бадаллари ойлик иш хакининг 30%дан ошмаслиги керак, пенсия сугурта бадаллари солиқлар тўлаб бўлингандан кейин қолган суммадан ушланади. Бадаллар миқдори ҳар беш йилда бир мартаба 2,5%га ошириш кўзда тутилган.

11.5-жадвал

Япония пенсия тизими асосий кўрсаткичлари, 2014 йил.

		Япония	ИХТГ
Ишчиларнинг ўртача даромадлари	JPY (миллион)	4.88	4.79
	USD	40 765	40 007
Давлат пенсия харажатлари	ЯИМ га nisбатан % да	10.2	7.9
Қутилаётган ҳаёт давомийлиги	тутилганда	83.5	80.0
	65 ёшда	21.9	19.3
65 ёшдан юқори аҳоли	Умумий аҳолига nisбатан % да	26.4	16.2

Ҳақиқатдан пенсия бадаллари барқарорликни таъминловчи роль ўйнайди. Япониянинг пенсия активлари тахминан 170 триллион иенани ташкил этади, бу дунё стандартлари бўйича катта бўлмаган жамғарма. Бирок шунга қарамай Японияда пенсия жамғармасига ажратмалар етарли даражада юқори сакланиб турибди.

11.6-жадвал

**Аҳолининг умумий сонига нисбатан 65 ёш ва ундан катта ёшдагилар
ўлуши динамикаси ва истиқболдаги ўсиши**

Йиллар	65 ва ундан катта ёшдагиларни умумий аҳоли сонига нисбатан фоизи	65 ва ундан катта аҳолини 20 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолига нисбати
1960	5,7%	10,6% (1 кишига 9,5 одам тўғри келади)
1970	7,1%	11,7% (1 кишига 8,5 одам тўғри келади)
1980	9,1%	15,1% (1 кишига 6,6 одам тўғри келади)
1990	12,0%	19,6% (1 кишига 5,1 одам тўғри келади)
1995	14,5%	23,2% (1 кишига 4,3 одам тўғри келади)
2000	17,3%	27,9% (1 кишига 3,6 одам тўғри келади)
2005	20,2%	33,1% (1 кишига 3,0 одам тўғри келади)
2009	22,8%	38,5% (1 кишига 2,6 одам тўғри келади)
2030 (прогноз)	31,8%	58,2% (1 кишига 1,7 одам тўғри келади)
2055 (прогноз)	40,5%	85,0% (1 кишига 1,2 одам тўғри келади)

Япония давлат захира фондлари 2014 йил ҳолатига умумий 176 трлн иеналик (1.27 трлн евро) активларга эга бўлиб, уларнинг катта қисмини (126.5 trillion иена (912 миллиард евро)) Давлат инвестицион пенсия фонди (Government Pension Investment Fund – GPIF) бошқаради. Умумий захира фондлари активлари миқдори умумий йиллик пенсия харажатларидан тахминан 3.8 марта кўп²⁰⁵

Назорат саволлар

1. Япония пенсия тизимининг ривожланиш босқичларини тавсифлаб беринг.
2. Япония пенсия тизимини молиялаштириш амалиётини баҳоланг.
3. Япония давлат инвестицион пенсия фондини фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.
4. Япония пенсия тизимидаги мавжуд муаммоларни санаб ўтинг, гуруҳланг ва ҳал этиш йўлларини изоҳланг.
5. Япония пенсия тизимини ислоҳ этишнинг устувор йўналишларини аниқланг.

²⁰⁵ Allianz International Pensions, 2014.

6. Япония пенсия тизимини молиялаштириш ҳолатини баҳолаш ва такомиллаштириш йўлларини аниқлаш.

7. Аҳолини қариши муаммоси ва Япония пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш омилларини тавсифлаш.

8. Япония пенсия фондлари инвестицион портфели активлари таркиби ва уни диверсификациялаш йўналишларини тавсифлаш.

Асосий тушунчалар

Япония таянч пенсия тизими – Япониянинг барча фуқароларини камраб олган мажбурий давлат пенсия тизими бўлиб, Миллий пенсия тизими деб аталади.

Миллий пенсия дастури – таянч пенсия тизими таркибига кирувчи, ўзини-ўзи иш билан таъминлаган шахслар ва улар карамоғидагиларни камраб олувчи пенсия дастури.

Япония касбий пенсия сугуртаси – таянч пенсия тизими таркибига кирувчи, хусусий секторда банд бўлганлар ва улар карамоғидагиларни камраб олувчи пенсия дастури.

Ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари – таянч пенсия тизими таркибига кирувчи, давлат ходимлари ва махсус касбий гуруҳларни, улар карамоғидагиларни камраб олувчи дастур.

Даромадларга боғлиқ пенсия – Япония пенсия тизимининг таянч пенсия тизимидан кейинги таркибий қисми бўлиб, касбий ва ўзаро ёрдам дастурлари билан суғурталанган ёлланма ходимлар ва давлат хизматчиларини қўшимча пенсия тўловлари билан таъминлайди

Таянч тизимнинг молиялаштирилиши – таянч пенсия таъминоти харажатларининг 50 фоизи ишчилар ва иш берувчилар пенсия бадаллари ҳисобига, қолган 50 фоизи давлат субсидиялари ҳисобига молиялаштирилади

Япония давлат инвестицион пенсия фонди – дунёдаги энг йирик инвестицияли фондлардан бири бўлиб, Япония давлат захира фондлари активларининг катта қисмини бошқаради. Унинг вазифаси Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан ишониб топширилган захира фондлари активларини бошқариш ва инвестициялаш, инвестиция қайтимини махсус пенсия ҳисоб-рақамига тақсимлаш давлат пенсия тизими барқарорлигини таъминлашдир.

“Япония жонлангирини стратегияси” - пенсия тизими барқарорлигини ошириш мақсадида 2014 йилда ишлаб чиқилган таркибий ислохотлар дастурини ақс эттирган стратегия. Ушбу дастурнинг мақсадларидан бири давлат активларининг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Реал инвестиция қайтими - нисбий инвестиция қайтимиға инфляциянинг таъсирини ҳисоблаш мақсадида ҳисобланадиган кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткич қуйидаги тартибда ҳисобланади:

$$\text{Нисбий инвестиция қайтими} = \frac{\text{инвестицион даромадлар}}{\text{инвестицион харажатлар}} - 1$$

Нисбий инвестиция қайтими - мутлақ инвестиция қайтимининг инвестиция харажатларига нисбатидир. Ушбу кўрсаткич инвестиция қайтимига инфляциянинг таъсирини ҳисобга олмайди. Шунинг учун ушбу кўрсаткич номинал инвестиция қайтими деб аталади.

Тестлар

1. Япония пенсия тизимининг гарб мамлакатлари пенсия тизимларидан фарқланувчи жиҳатларини аниқлаш?

- А) Шахсий жамғариладиган пенсия тизими қисман амал қилади.
- Б) Жамғариладиган пенсия тизими асосий бўғинни ташкил этади.
- В) Жамғариладиган пенсия тизими мажбурий ҳисобланади.
- Г) Шахсий жамғариладиган пенсия тизими ихтиёрий ҳисобланади.

2. Япония давлат пенсия тизими таркибига қуйидаги дастурлардан қайси бири тегишли эмас?

- А) Ўрнатилган бадаллар.
- Б) Миллий пенсия дастури.
- В) Қасбий пенсия сугуртаси.
- Г) Ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари.

3. Ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари пенсия дастури қимларни қамраб олади?

- а) Давлат ташкилотлари ходимлари ва уларнинг қарамоғидагиларни
- б) ўзини-ўзи иш билан банд этганлар ва уларнинг қарамоғидагилар
- в) Хусусий секторда ёлланиб ишлаётганлар ва уларнинг қарамоғидагиларни
- г) ёлланма ишчилар ва уларнинг қарамоғидагиларни

4. Ўзини-ўзи иш билан банд этганлар ва уларнинг қарамоғида бўлганлар қайси дастур доирасида пенсия тўловлари олишади?

- а) Миллий пенсия дастури
- б) Қасбий пенсия сугуртаси
- в) Ўзаро ижтимоий ёрдам ассоциациялари
- г) Ўрнатилган тўловлар

5. Япония давлат пенсия тизими бўйича ўрнатилган пенсия ёшидан кеч пенсияга чиқилганда пенсия тўловлари миқдори қандай ўзгаради?

- а) Ҳар бир кечиккан ой учун 0.7 фоизга ошади
- б) Ҳар бир кечиккан ой учун 0.5 фоизга камаяди
- в) Ҳар бир кечиккан йил учун 8 фоизга ошади
- г) Ҳар бир кечиккан йил учун 8.4 фоизга камаяди

6. Касбий пенсия суғуртаси бўйича ходим ва иш берувчи белгиланган пенсия бадалини қандай нисбатда тўлашади.

- а) 50 % - 50 %
- б) 40 % - 60 %
- в) 60 % - 40 %
- г) 55 % - 45 %

7. Япония таянч пенсия тизими бўйича кимларнинг пенсия бадалларини тўламаган муддатлари улар оладиган пенсия тўловлари миқдорига таъсир этади?

- а) Ишсизлар
- б) Талабалар
- в) Туғруқ таътилидагилар
- г) Ҳомиладорлик таътилидагилар

8. Япония пенсионерларининг корпоратив пенсия фондлари ва шахсий пенсия жамғармалари пенсия тўловларидан оладиган даромадлари умумий пенсия даромадларининг қанча қисмини ташкил этади.

- а) 5 % дан кўпроқ
- б) 10 % дан кўпроқ
- в) 15 % дан кўпроқ
- г) 20 % дан кўпроқ

9. Японияда ўрнатилган бадаллар пенсия дастури қачон тавонди.

- а) 2001 йилда
- б) 2000 йилда
- в) 2002 йилда
- г) 2003 йилда

10. Японияда ўрнатилган пенсия тўловлари дастури қандай шаклларда амал қилади?

- а) Фонд ва шартнома
- б) Корпоратив ва шахсий
- в) Фонд ва шахсий
- г) Корпоратив ва шартнома

ХИ БОБ. ХИТОЙДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

12.1. Хитой пенсия тизимининг ривожланиш боскичлари ва ўзига хос хусусиятлари

Хитой пенсия тизимининг ривожланиш тажрибаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш боскичларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хитой пенсия тизимида амалга оширилиб келинаётган ислохот дастурлари мамлакатдаги демографик вазиятдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, замонавий Хитой пенсия тизими ривожланишининг уч босқичи ажратилиб кўрсатилади (12.1-расм).

Биринчи босқич, 1949-1969 йиллар. Авлодлар бирдамлиги тамойили асосида ташкил этилган давлат пенсия тизими жами аҳолига нисбатан 3 фоиз аҳолига хизмат кўрсатган

Иккинчи босқич, 1970-1989 йиллар. Мамлакатда пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ортиб бориши, иқтисодий ислохотларнинг жадаллашуви, пенсионерлар сонини кискартиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши, "бир оила - бир фарзанд" сиёсатини амалга оширилиши

Учинчи босқич, 1990 йиллардан бугунги кунгача бўлган давр. Демографик ўзгаришларнинг мамлакат пенсия тизими ҳарajatларининг ортишига таъсири кучайиб кетиши ва пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши билан тавсифланади.

12.1-расм. Хитой пенсия тизимининг ривожланиш боскичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари²⁰⁶

1949 йилга келиб Хитойда илк бор давлат пенсия тизими ташкил этилди. Ушбу пенсия тизими фақат давлат хизматчиларини камраб олиб жами аҳолига нисбатан пенсионерларнинг сони 3 фонзни ташкил этган. Мазкур давр Хитой пенсия тизими ривожланишининг биринчи босқичи сифатида халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилади ва ҳозирда амал қилаётган давлат пенсия тизимининг асоси ҳисобланади. Ушбу пенсия тизими барча мамлакатларда бўлгани сингари авлодлар бирдамлиги тамойилига асосланган эди.

1953 йилда Хитой ҳукумати томонидан пенсия суғуртаси бадаллари ва пенсия тўловларини тартибга солиш ва уларни назорат қилишга

²⁰⁶Heikki Oksanen. The Chinese pension system: First results on assessing the reform options. Directorate – General for Economic and Financial Affairs, European Commission. Economic Papers 412 / June 2010. P. 8-10 маълумотлари асосида тузилган.

мўлжалланган “Меҳнатни сугурталаш тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши давлат пенсия тизими молиясини бошқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсата олди. 1956 йилга келиб, Хитой пенсия тизимида давлат ташкилоти ходимлари ва хусусий корхоналарда фаолият олиб бораётган фуқаролар учун пенсия дастурлари иккига ажралди. Аммо 1958 йилга келиб улар яна бирлаштирилиб, ягона тизимга айлантирилди. Бу даврда давлат пенсия тизимида касбий ва давлат пенсия дастурлари амал қилиниб, ишчи ва хизматчиларни ихтиёрий равишда у ёки бу дастур асосида пенсия сугуртаси бадалларини тўлаш мажбурияти ва пенсия олиш ҳуқуқини таянлашлари мумкин бўлди.

1970 йилларга келиб Хитой аҳолисининг сони кескин ортиб борди ва мамлакатдаги демографик вазиятни тартибга солиш мақсадида “Бир оила – бир фарзанд” сиёсати амалиётга татбиқ этилди. Натижада аввалги йиллардаги туғилиш коэффициентини 2,1 кўрсаткичдан 1970 йилдан кейинги даврда 1,3 коэффициентга тушиб кетди. Шу билан бир қаторда Дэн Сяопин томонидан иқтисодий ислохотларни амалга оширишга устуворлик берилди бошланди. Пенсия фонди харажатларини қисқартириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. 1980 йилларга келиб мамлакатда пенсия юки ортиб кетди. Мазкур вазият Хитой аҳолисининг сезиларли қисmini кишлоқ хўжалиги ва норасмий секторда бандлиги ва пенсия сугуртаси бадалларини тўламаслиги билан тавсифланади. Бунинг оқибатида мамлакатда пенсия тизимини минтақаларда барқарор суръатларда ривожланишига эришила олинмади.

1990 йилларга келиб Хитойдаги демографик вазиятларнинг ўзгариши натижасида пенсия фондининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсата бошлади. Пенсия юки кўрсаткичи барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлди. 1991 йилга келиб хусусий корхоналар ва давлат ташкилотларида ўз меҳнат фаолиятини олиб бораётган ишчи-хизматчилар учун амал қилаётган пенсия дастурлари яна 1956 йилдаги сингари иккига ажратилди ва ҳукумат томонидан “Хусусий корхоналарда ўз меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқаролар пенсия сугуртаси бадалларини тўлаш тартибини тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. 1997 йилга келиб ушбу қарор янада такомиллаштирилди ва “Корхона ишчилари учун пенсия сугуртасининг ягона тизимини шакллантириш тўғрисида”ги қарор ишлаб чиқилди.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, Хитой пенсия тизими фаолияти асосан давлат ташкилотлари ишчи-хизматчилари ва шаҳарларда хусусий секторда фаолият юритаётган йирик корхоналарнинг ходимлари учун йўналтирилган ҳисобланади.

Хитой пенсия тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида бугунги кунда мамлакатда пенсия дастури икки йўналишга эга бўлди. Уларнинг биринчиси базавий пенсия дастури ҳисобланади. Ушбу дастур шартнома асосида давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналарда меҳнат қилаётган ёки вақтинча меҳнат фаолиятини тўхтатиб турган фуқароларга нисбатан қўлланиладиган мажбурий пенсия сугуртаси бадали тизими ва

давлат пенсия тўловларини молиялаштириш механизмлари билан бир каторда, кишлоқ жойларда истикомат қилаётган фуқаролар учун пенсияларни тайинлаш ва уларни тўлаш схемаларини ўз ичига олади. Хитой давлат пенсия тизимидаги пенсия юқини қисқартириш мақсадида мамлакатда ихтиёрий пенсия дастури жорий қилинди. Умуман ҳозирда Хитой миллий пенсия тизимида давлат, касбий ва ихтиёрий пенсия таъминоти дастурлари амал қилмоқда (12.2-расм).




12.2-расм. Хитой пенсия тизими²⁰⁷

Хитой вилоятларида минтақавий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, давлат пенсия дастурлари авлодлар бирдамлиги тамойили асосида ташкил этилган. Бунда пенсия суғуртаси бадали ва пенсия тўловлари ҳамда пенсияга чиқиш ёшларида тегишлича фаркланишлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, мамлакатдаги амалдаги конунчиликка кўра, пенсияга чиқиш ёши эркаклар ва шаҳар ҳудудида истикомат қилаётган аёллар учун 60 ёшни ташкил этса, кишлоқ ҳудудида яшайдиган аёлларга нисбатан пенсия ёши 55 ёшга тенг ҳисобланади. Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда фуқаролар учун имтиёзли муддатларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилган. Шу билан бир каторда, фуқаролар томонидан давлат пенсия фондига тўланадиган пенсия суғуртаси бадаллари солиқ шаклида тўлаб борилади. Мазкур суғурта бадали ишчи ходимнинг ойлик иш ҳақига нисбатан 8 фоиз ҳисобида белгиланган. Иш берувчилар томонидан ойлик иш ҳақи фонди қийматидан 20 фоиз миқдорида давлат пенсия фондига ижтимоий тўловлар тўлаб борилади. Бугунги кунда ишловчи ходим ва иш берувчи томонидан тўланаётган пенсия суғуртаси бадали ва ижтимоий тўловлар давлат пенсия фонди даромадларининг манбаларини ташкил этмоқда.

²⁰⁷ Heikki Oksanen. The Chinese pension system: First results on assessing the reform options. Directorate – General for Economic and Financial Affairs, European Commission. Economic Papers 412 / June 2010. P. 10-15 ; Allianz International Pensions Country Factsheets 2015. P. 45. <http://www.allianz.com> маълумотлари асосида тузилган.


Хитойда давлат пенсия тизими сифатида мамлакатда иктисодий жихатдан стратегик аҳамият касб этган корхоналар томонидан мажбурий тарзда ташкил этилган касбий пенсия фондлари ва давлат пенсия фондлари хитойлик фуқаролар учун мажбурий пенсия сугуртаси, давлат пенсия таъминоти ва кишлоқ худудларида истикомат қилаётган фуқароларнинг кексалигини сугурталаш схемалари асосида фаолият юритади. Бугунги кунда мамлакатда шаклланган давлат пенсия таъминоти тизимининг камрови даражаси амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кенгайиб бормоқда (12.3-расм).



12.3-расм. Хитой давлат пенсия таъминоти тизими камрови йўналишлари

Хитой аҳолиси сони кўплигини инобатга олган ҳолда мамлакатда давлат пенсия фонди харажатларини қискартириш ва пенсия хизматлари билан аҳолини камраб олиш даражасини ошириш мақсадида қўшимча пенсия дастури ишлаб чиқилган. Хитойда амал қилаётган миқдорий пенсия тизими базавий ва қўшимча пенсия таъминоти схемалари асосида ташкил этилган бўлиб (12.4-расм), агарда фуқаро давлат ташкилотлари ёки мамлакатда стратегик жихатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган иктисодиёт тармоқлари корхоналаридан бошқа бир соҳа ёки тармоқларда банд бўлган тақдирда унга қўшимча пенсия схемаси асосида хизмат кўрсатилади. Бошқа тармок ва соҳаларнинг барчасида касбий пенсия фондлари ташкил этилмаганлигини инобатга олган ҳолда ҳар бир фуқаро амалдаги қонунчиликда белгиланган қўйилган сугурта бадалларини давлат пенсия фондига тўлаб бориши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида уларнинг пенсия ёшига етганларида давлат

пенсия фондидан минимал (базис) пенсияларни олиш ҳукукига эга бўлишларини кафолатлайди.



12.4-расм. Хитой миллий пенсия тизимининг таркибий схемалари²⁰⁸

Мамлакатда хусусий секторда банд бўлган аҳоли қатламлари ва давлат ташкилоти хизматчиларига ўз кексалиklarини суғурталаш мақсадида хусусий пенсия фондлари ташкил этилган. Мазкур фондларга фуқаролар томонидан йўналтирилган пенсия суғуртаси бадаллари солиқдан озод этилади. Мамлакат иктисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хусусий сектор тармоқларида фаолият олиб бораётган фирма ва корхоналар томонидан ихтиёрий тарзда пенсия фондларини ташкил этиш учун ҳукумат томонидан имтиёзлар жорий этилган бўлиб, бу турдаги пенсия фондини ташкил этган иш берувчи жамғарма маблағларидан суғурталанувчи билан тузилган ўзаро шартномага мувофиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Суғурталанувчи пенсияга чиққан даврда иш берувчи томонидан ташкил этилган пенсия фонди орқали унинг пенсия тўловлари молиялаштирилади.

Хитойда касбий пенсия фондларини корпоратив пенсия фондлари деб ҳам аташади. Касбий пенсия фондлари даромадлари иш берувчи ва ишловчи ходим томонидан шакллантирилади. Иш берувчи томонидан ушбу пенсия фондига йўналтириладиган маблағлар унинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда, ишчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг ойлик иш хақиға нисбатан маълум бир даражада ўтказиб борилади. Бу ерда иш берувчи касбий пенсия фондига маблағ йўналтирмаслиги мумкинлигини инобатта олган ҳолда, уларға нисбатан пенсия фондини молиялаштиришга йўналтирилган харажатлар бўйича солиқ

²⁰⁸ Heikki Oksanen. The Chinese pension system: First results on assessing the reform options. Directorate – General for Economic and Financial Affairs, European Commission. Economic Papers 412 / June 2010. P. 10-15
маълумотлари асосида тузилган.

имтиёзлари жорий этилган. Касбий пенсия фондларига ишчи-ходимлар томонидан тўланадиган сугурта бадаллари миқдори меҳнат шартномасида аке этирилган бўлиб, мазкур бадаллар даромад солигидан озод этилган ҳисобланади. Мазкур турдаги пенсия фондларини мажбурий ёки ихтиёрий тарзда ташкил этилганлигидан катъий назар, 12.5-расмда келтирилган хусусиятларга эга бўлади.



12.5-расм. Касбий (корпоратив) пенсия фондларининг ўзига хос хусусиятлари²⁰⁹

Хитой пенсия тизимида хусусий пенсия фондлари хали у даражада ривожланмаган бўлиб, молиявий жиҳатдан барқарорлик даражаси паст ҳисобланади. Экспертлар томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, бугунги кунда мамлакат пенсия тизимида асосан касбий ва давлат пенсия фондлари фаолияти кенг ривожланган ва амалиётга татбиқ этилган, деб баҳоланади.

12.2. Хитойда пенсия тизимининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари


2014 йил Хитой аҳолини ижтимоий химоя қилиш тизимида янги босқичга ўтиш ва ушбу соҳада ислохотларни изчил-мақсадли тарзда амалга ошириш зарурияти мавжудлигини яққол намоён қилди. Меҳнат муносабатлари соҳасида вужудга келган номутаносибликлар минтақалардаги ижтимоий химоя тизимидаги беқарорликни вужудга келтирди. Аксарият иш

²⁰⁹Heikki Oksanen. The Chinese pension system: First results on assessing the reform options. Directorate – General for Economic and Financial Affairs, European Commission, Economic Papers 412 / June 2010. P. 10-15 маълумотлари асосида тузилган.

берувчилар томонидан ишчи ходимлар учун сугурта бадалларини тўламаганликлари ишчи ва иш берувчилар ўртасидаги кўплаб зиддиятларга сабаб бўлди. Ушбу ҳолат давлат ташкилотлари ва иқтисодий жихатдан стратегик аҳамият касб этган реал сектор тармоқларида банд бўлган фуқароларнинг пенсияга чиқаётган даврида уларга нисбатан кам миқдордаги пенсия тўловларини тайинланишида ўз аксини топди²¹⁰.

Экспертлар ҳулосаларига кўра, юқорида келтирилган ҳолатга Хитойдаги мураккаб демографик вазият сабаб этиб кўрсатилган. 1950-1960 йиллардаги мамлакатдаги туғилиш коэффициенти юқори даражага кўтарилганлиги натижасида 1970-1980 йилларга келиб “Бир онла - бир фарзанд” сиёсатини амалиётга татбиқ этилиши аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги мураккаб ҳолатни бир мунча юмшатишга эришиш имконини берди.

Хитой Инсон ресурслари ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги томонидан берилган расмий статистик маълумотларга кўра, 2016 йилда мамлакат аҳолиси таркибида 14 ёшгача бўлган ёш болалар улуши 17,1%ни (эркаклар 126,2 млн киши / аёллар 107,4 млн киши), 65 ва ундан катта ёшдагилар эса 10,2% (эркаклар 65,7 млн киши / аёллар 71,3 млн киши) ни ташкил этди (12.6-расм).



12.6-расм. Хитой аҳолисининг ёш таркиби
(млн кишида, 2016 й.)²¹¹


Жаҳон амалиётида мамлакатлар пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини баҳолашда аҳолининг қариши даражаси кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратилади. Агарда мамлакат аҳолисининг қариши

²¹⁰ Манба: China National Statistical Yearbook and MOHRSS ; Ministry of Human Resources and Social Security – 年度人力资源和社会保障事业发展统计公报 маълумотлари асосида.

²¹¹ Манба: Ministry of Human Resources and Social Security – 年度人力资源和社会保障事业发展统计公报 маълумотлари асосида тузилган.

коэффициенти “ W_{65} ” оркали ҳисобланган бўлса, унда мазкур мамлакатда кексалик даражаси БМТ шкаласи бўйича ҳисобланган бўлади. Ушбу баҳолаш методологиясига мувофиқ, жами аҳоли таркибида 65 ва ундан катта ёшдагиларнинг улуши 7 фоиздан юқори кўрсаткичга эга бўлса, улар демографик жиҳатдан кекса мамлакатлар ҳисобланадилар²¹².

12.2.1-расмда келтирилган маълумотларга таянган ҳолда айтиши мумкинки, Хитойда глобал аҳолини қариши муаммоси бошланган. Экспертлар томонидан берилаётган баҳоларга кўра, аҳолининг қариши тенденцияси яқин 15-25 йиллар мобайнида давом этиши мумкин бўлади (12.7-расм).



12.7-расм. Хитой аҳолисining ёш ва жинс таркиби²¹³

Хитой давлат пенсия тизимининг ҳуқуқий асосини 1997 йилда ҳукумат томонидан қабул қилинган “Давлат ташкилотлари ва муассасалари ишчи-ҳодимлари пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун ташкил этади. Ушбу қонунга мувофиқ иш берувчи томонидан иш ҳақи фондига нисбатан 20% миқдорда ижтимоий тўлов тўланади, 2016 йилда вилоятларнинг барқарор иқтисодий ривожланиш даражасига эришганлиги ва аҳоли бандлиги даражасининг ортиб бориши туфайли Пекин каби иқтисодий ривожланиш марказлари бўлган шаҳар ва минтакаларда ушбу тўловлар ҳажми 1 %га камайтирилди. Натижада айрим минтакаларда иш берувчининг ижтимоий тўловлар миқдори иш ҳақи фондига нисбатан 19 %га тенг бўлди. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад иш берувчиларни ижтимоий тўловлари ҳажмини кискартириш ва аҳоли бандлигини рағбатлантириш ҳисобланади.


Хитой пенсия фондлари пенсия тўловларини молиялаштиришда фуқаролар томонидан тўланган пенсия сугуртаси бадаллари ва иш берувчиларнинг ижтимоий тўловлари ҳисобидан шакллانган молиявий

²¹² Медков В. М. Демография. – М.: Инфра-М, 2008. - 688 с.

²¹³ <https://www.cia.gov/library/publications/resources/the-world-factbook/geos/ch.html> маълумотлари асосида тузилган.

маблаглардан фойдаланадилар. Пенсия тўловларини молиялаштиришда пул маблагларининг етишмовчилиги давлат ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади. Амалдаги қонунчиликка кўра, фуқароларнинг пенсия тўловлари уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи даражасидан келиб чиққан ҳолда индексация қилинади. Шу билан бир қаторда фуқаролар талаб этиладиган минимал меҳнат стажига эга бўлишлари лозим. Яъни фуқаролар меҳнат лаяқатига эга бўлган даврдан бошлаб пенсия ёшига етунига қадар камида 15 йил пенсия фондларига пенсия суғуртаси бадалларини тўлаган бўлишлари талаб этилади. Ушбу давр мобайнида уларнинг ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан пенсия тўловлари индексация қилинади.

2015 йилда Хитой ҳукумати томонидан “Давлат хизматчилари пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун Хитой пенсия тизимидаги янги ислохотлар босқичини бошлаб берди. Ушбу қонунга кўра, давлат ташкилотлари ва муассасалари хизматчилари мажбурий пенсия суғуртаси бадалларига қўшимча тарзда пенсия фондларидаги ўзларининг шахсий пенсия суғуртаси ҳисоб-рақамларига маълум миқдорда пул маблагларини ўтказиб боришлари талаб этилади. Ушбу маблаглар солиқдан озод этилган ҳисобланади.



12.8-расм. Хитой пенсия тизимининг миқдор кўрсаткичлари (млн кишида)²¹⁴

Хитой пенсия тизими учун долзарб муаммолардан бири бу мамлакатдаги пенсияга чиқиб ёши ва аҳоли умр давомийлиги ўртасидаги нисбатнинг сезиларли даражада фарқланиши ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек 1950 йилда эркаклар учун пенсия ёши 60 ёш, давлат

²¹⁴ Ministry of Human Resources and Social Security – 年度人力资源和社会保障事业发展统计公报; China National Statistical Yearbook and MOHRSS маълумотлари асосида тузилган.

ташкilotлари ва муассасалари хизматчилари ҳисобланган аёллар учун – 55 ёш, хусусий секторда банд бўлган аёллар учун пенсия ёши 50 ёш ҳисобланади. 2015 йилда Хитой аҳолисининг ўртача умр давомийлиги 75 ёшни ташкил этди. Расмий статистик маълумотларга қараганда, 2017 йил бошига келиб Хитойда 60 ёшдан катта аҳоли сони қарийб 200 млн кишига тенг²¹⁵. Ушбу ҳолат аҳолининг пенсияга чиқиш ёшига оид ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш заруриятини вужудга келтиради.

Инсон ресурслари ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги томонидан берилган расмий статистик маълумотларга кўра, 2015 йилда Хитойда меҳнат ресурслари сони қарийб 775 млн кишига, расмий бандлар сони 262 млн кишига тенг бўлиб, ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро нисбат деярли 1/3 га тенг бўлди. Пенсияерлар сони эса 350 млн кишидан ортди (6-расм). Ушбу кўрсаткичлар Хитой пенсия тизимига бўлган юкнинг ортиб бораётганидан далолат беради.

Хитойда шаҳар ва кишлоқ ҳудудлари аҳоли турмуш фаровонлиги даражаси ва аҳоли пенсия тўловлари миқдорлари бўйича фаркланади. Хитой пенсия фонди расмий маълумотларига қараганда, 2015 йилда кишлоқ ҳудудларидаги пенсияерлар 148 млн кишига тенг бўлиб, уларнинг йиллик ўртача пенсия тўловлари ҳажми 1 432 юанни ташкил этган. Таҳлил этилаётган даврда 200 млн дан ортик шаҳарлик пенсияерларнинг йиллик ўртача пенсия тўлови 28 363 юанга тенг бўлган. Экспертлар томонидан берилган хулосаларга кўра, шаҳарлик аҳоли асосан давлат ташкilotлари ва муассасаларида банд бўлиб, улар ўрнатилган пенсия сугуртаси бадалларидан ташқари шахсий пенсия ҳисоб рақамларига маълум бир миқдорда пенсия сугуртаси бадалларини тўлаб борадилар²¹⁶.


Хитой аҳоли сони бўйича дунё мамлакатлари ўртасида етакчи ўринларда бўлгани сабабли, ўз аҳолиси саломатлигини таъминлаш ва аҳолига соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатишда давлат харажатларини қисқартириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида тиббий сугурта тизимини жорий этган. 1998 йилда Хитой ҳуқумати томонидан “Шаҳар аҳолиси ва давлат ташкilotлари хизматчилари учун тиббий сугурта тизими хизматларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинган. Ушбу қарорга мувофиқ иш берувчилар иш хақи фондига нисбатан 6 фоиз миқдордаги тиббий сугурта тўлови, ишловчи ходимлар эса иш хақи

²¹⁵ <http://blogs.wsj.com/chinarealtime/2017/03/10/china-sets-timeline-for-first-change-to-retirement-age-since-1950s>; Ministry of Human Resources and Social Security – 年度人力资源和社会保障事业发展统计公报

²¹⁶ <http://blogs.wsj.com/chinarealtime/2016/03/15>; Ministry of Human Resources and Social Security – 年度人力资源和社会保障事业发展统计公报

нисбатан 12 фоиз миқлордаги тиббий сугурта бадалларини пенсия фондидаги шахсий тиббий сугурта ракамларига ўтказиб бордилар.

Агарда ишловчи ходим соғлигини йўқотган тақдирда бир йилда бир марта базис йилдаги ходимнинг ўртача иш ҳақинининг 5 бараваригача бўлган тиббий хизматлардан фойдаланиш учун харажатлар фонд томонидан қопланади. Агарда харажатлар миқдори белгиланган миқдордан ортиб кетадиган бўлса, у тақдирда фуқаро ўз ҳисобидан харажатларнинг ортган қисмини қоплаши талаб этилади. Кейинги йилларда ишчида касаллик такрорланадиган бўлса, унга тўланадиган тиббий сугурта тўловлари аввалги йилда фойдаланган ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 5 бараварлик тиббий сугурта тўловидан фойдаланганлиги сабабли камайтирилиб борилади.



12.9-расм. Хитойда тиббий сугурта тизимининг ривожланиш кўрсаткичлари (млн киши)²¹⁷

Тиббий сугурта тизими жорий этилиши билан даврларда тиббий сугурта бадалларини тўлаш мажбурий тарзда ташкил этилди. Сўнгги 10 йил мобайнида Хитойда тиббий сугурта тизими камрови даражаси мунгазам ортиб бормоқда. Давлат ташкилотлари, хусусий сектор корхоналарида банд аҳолининг тиббий сугуртага бўлган ишончи кучайиб, улар ўз оила аъзоларини тиббий сугурталашни амалга оширмоқдалар. Натижада 12.9-расмда келтирилган маълумотларда кўриниб турганидек, тиббий сугуртага эга банд аҳолига караганда ишсиз аҳоли сони ортиб кетган. Бошқача қилиб айтганда, 2015 йилда тиббий сугуртага эга бўлган банд аҳоли сони 211 млн. киши, тиббий сугуртага эга бўлган ишсиз аҳоли 377 млн киши ва тиббий


²¹⁷ Ministry of Human Resources and Social Security – 年度人力资源和社会保障事业发展统计公报; China National Statistical Yearbook and MOHRSS маълумотлари асосида тузилган.

суғурта хизматларидан фойдаланган аҳоли сони қарийб 70 млн кишига тенг бўлган. Экспертлар томонидан билдирилган фикрларга қараганда, хитойликларнинг ўз оила аъзоларини тиббий суғурталашлари, уларнинг соғлиқни сақлаш хизматларига сарфланадиган оилавий харажатларини қисқартиришга имкон яратмоқда.

Умуман, Хитойнинг ижтимоий суғурта тизимида олиб бораётган ислохотлари ўз самарасини бермоқда. Хитой пенсия тизимида вужудга келаётган муаммолар пенсия фондларининг молиявий бекарорлиги ҳолати мамлакатда амалга оширилган “Бир оила – бир фарзанд” сиёсати билан боғлиқ бўлиб, кейинги йилларда унинг таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

12.3. Ўрта истикболда Хитой пенсия тизимини ислох этишнинг устувор йўналишлари


Хитой пенсия тизими аҳолини глобал қариши муаммоси мавжуд мамлакатлар қаторига қиради. Юқорида таъкидлаганимиздек Хитойда сўнгги йилларда пенсияга чиқувчи аҳоли сони ортиб бормоқда. Ушбу ҳолат пенсия фондига нисбатан юқнинг ортиб боришидан далолат беради. Жаҳон амалиётида пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларда бири пенсионерларнинг боғлиқлик коэффиценти ҳисобланиб, ушбу кўрсаткич 65 ва ундан катта ёшдагиларнинг 15-64 ёшдаги аҳоли сонига нисбатини ифодалайди. 2015 йилда Хитойда ушбу кўрсаткич 12,0 га тенг бўлди (12.10-расм).



12.10-расм. Хитойда пенсия ёшидаги аҳолининг боғлиқлик коэффиценти²¹⁸


²¹⁸ Влияние единого социального платежа на занятость и финансовые показатели предприятий в Республике Узбекистан. Аналитическая записка. UNDP Uzbekistan. Т., 2015. С. 6.

Мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этиш дастурлари улардаги демографик вазиятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Хитойда 2050 йилгача бўлган муддатда амалга оширилаётган янги демографик сиёсат туфайли аҳоли туғилиш сонининг ортиши кутилмоқда (12.11-расм).



12.11-расм. Хитойда туғилиш коеффициенти (промицледа)²¹⁹

Хитойда пенсионерларнинг боғлиқлик коеффициенти 2015 йилда 13,1 га тенг бўлди ва 2050 йилга бориб у 39,0 га тенг бўлиши кутилмоқда (12.12-расм).



12.12-расм. Хитойда пенсионерларнинг боғлиқлик коеффициенти²²⁰

Хитойда қўлланилган “Бир оила – бир фарзанд” демографик сиёсати мамлакатда пенсионерларнинг боғлиқлик коеффициентини ортишига олиб келди. Туғилиш сонини чеклашга қаратилган демографик сиёсатни амалга оширилишига сабаб 1965-1970 йилларда туғилиш сонининг кескин ортиб кетганлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашда вужудга келган муаммолар билан тавсифланади. 2015-2020 йилларга мўлжалланган ҳисоб-китобларга

²¹⁹ Allianz International Pensions Country Factsheets 2015, p. 74 маълумотлари асосида тузилган.

²²⁰ Уша манба.

караганда мамлакатда 65 ёшдан сўнг аҳолининг кутилаётган ўртача умр давомийлиги кўрсаткичи эркеклар учун 14,9 йил, аёллар учун эса 16,8 йилга тенг бўлиши кутилмоқда (12.13-расм).




12.13-расм. Хитой аҳолисининг ўртача умр давомийлиги ва 65 ёшдан сўнг кутилаётган умр давомийлиги кўрсаткичи динамикаси²²¹

12.13-расмда келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатишича Хитой аҳолисининг умр давомийлиги кўрсаткичи мунтазам ошиб бормоқда. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда Хитой ҳукумати томонидан 2017 йилдан бошлаб пенсияга чиқиш ёшини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ишлари бошланди ва 2045 йилга бориб мамлакатда пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 65 ёшга етиши ҳақида инсон ресурслари ва Ижтимоий ҳимоя вазирлиги ўз расмий сайтида маълумот берди.

Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда Хитой пенсия тизимидаги жорий вазият таҳлили пенсия фонди томонидан пенсионерларнинг пенсия тўловларини молиялаштириш учун 15-20 йилдан кам бўлмаган муддатда молиявий ресурсларга эҳтиёж сезилади. Масалани жиддийлиги шундаки Хитойда расмий бандлар жами меҳнат ресурсларининг 1/3 қисмини ташкил этади.

Хитойда амалга оширилаётган демографик сиёсат ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурларини мунтазам амалга оширилиши натижасида 2050 йилга бориб Хитой аҳолиси сони 2015 йилдаги кўрсаткични такрорлаши кутилмоқда (12.14-расм).

²²¹ Уша мана




12.14-расм. Хитой аҳолиси сонининг ўзгариш тенденцияси
(млн киши)²²²

Хитой пенсия тизимида ислохотларни чуқурлаштириш зарурати кучайиб бормоқда. Хитой ҳукумати томонидан кишлоқ ва шаҳар аҳолиси томонидан тўланадиган пенсия бадаллари ўртасидаги фарқларни йўқотиб, уларнинг пенсия тўловлари ва пенсия суғуртаси бадалларини ягоналаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Экспертларнинг хулосаларига кўра, Хитой пенсия таъминоти тизimini молиялаштириш билан боғлиқ муаммоли вазиятлар мавжуд бўлиб, ҳар йили пенсия фондининг дефицитини қоплаш мақсадида давлат бюджети даромадларининг 40 фонддан кам бўлмаган миқдордаги қисми йўналтирилади. Кейинги йилларда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг кискариши ва аксинча пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ортиб бориши мамлакат пенсия таъминотини молиялаштиришда жиддий муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Бугунги кунда Хитой давлат пенсия таъминотини аҳолини тўлиқ камраб олинмаганлиги, мажбурий пенсия суғуртасининг паст даражада марказлашганлиги, пенсия ва иш ҳақи ўртасидаги нисбатнинг кескин фарқланиши, мажбурий пенсия суғуртаси бадалларини тўлаш ва пенсия фондини бошқаришда қонунга риоя этилмаслик каби жиддий муаммолар мавжуд (12.15-расм).

²²² Allianz International Pensions Country Factsheets 2015, p. 74 маълумотлари асосида тузилган.



12.15-расм. Хитой пенсия тизимидаги мавжуд муаммолар²²³

Таҳлиллар кўрсатишича ўрта ва узок муддатли даврда Хитой пенсия тизимини ислох этиш дастурининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши кутилмоқда:²²⁴

- Хитой давлат пенсия таъминоти тизими билан аҳоли камровини пастлигини инобатга олиб, пенсия тизимидаги “умумийлик” тамойилини амалиётга босқичма-босқич татбиқ этиш;

- Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси томонидан пенсия фондларига тўланадиган мажбурий пенсия сугуртаси бадалларини кучли назорат остига олиш ва уларни ставкалари ўртасидаги фарқларни қисқартирган ҳолда, катъий ўрнатилган пенсия сугуртаси бадаллари тизимини жорий этиш;

- Расмий бандлар, пенсия сугуртаси бадалларини тўлаб келадиган ишловчилар ва пенсионерлар ўртасидаги нисбатни қисқартириш мақсадида аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва пенсия фонди даромадларини барқарорлаштириш;

- “Авлодлар бирдамлиги (PAYG)” тамойили асосида ташкил этилган пенсия тизимидан босқичма-босқич жамғариладиган компонентга эга аралаш пенсия тизимига ўтиш;

- Аҳоли умр давомийлиги кўрсаткичининг ортиб боришини инобатга олган ҳолда эркак ва аёлларни пенсияга чиқиш ёшини тенглаштириш ва 2045 йилга бориб пенсия ёшини 65 ёшга тенглаштириш;

²²³Ministry of Human Resources and Social Security – 年度人力资源和社会保障事业发展统计公报；Heikki Oksanen. The Chinese pension system: First results on assessing the reform options. Directorate – General for Economic and Financial Affairs, European Commission. Economic Papers 412 / June 2010. P. 8-10 маълумотлари асосида тузилган.

²²⁴Ўша манба.

• Кишлоқ ва шаҳар аҳолисининг пенсия тўловлари ўртасидаги нисбатни, фаркларни кискартириш ва босқичма-босқич катъий ўрнатилган пенсия тўловлари тизимини амалиётга татбиқ этиш;

• Хитой пенсия тизимининг қонуний-институционал асосларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган Хитой пенсия тизимини ислоҳ этиш чора-тадбирлари 2050 йилгача бўлган муддатда мамлакат пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш, ундаги адолатлилик ва умумийлик тамойилларини амалиётга тўлиқ татбиқ этилиши кутилмоқда. Экспертлар томонидан билдирилган фикрларга кўра, Хитой пенсия тизимидаги жорий вазият амалга оширилиши пенсия таъминотида мўлжалланаётган айрим ислохот чора-тадбирларини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин. Бунга сабаб Хитой вилоятларининг иқтисодий ривожланганлик даражасидаги кескин фарқланишларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Натижада пенсия фондининг давлат бюджетидан ажратиладиган субсидияларга боғлиқлиги кўрсаткичи аввалги 40%лик кўрсаткичдан 28-35%лик кўрсаткичга пасайиши мумкин²²⁵.

Фикримизча, Хитой иқтисодий ривожланишда ортда қолаётган хуудларда ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириши, янги иш ўринларини жорий этиши, бандлик соҳасида иқтисодий ислохотларга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Аҳоли бандлигини рағбатлантириш орқали Хитойда пенсия таъминоти хизматлари билан аҳолини қамраб олиш даражасини жиддий ортишига эришилади.


12.4. Узок муддатли истиқболда Хитой пенсия тизимини ривожлантириш стратегияси

Шанхай ижтимоий фанлар академияси томонидан 2015 йилда Хитой пенсия тизимини 2100 йилгача бўлган муддатда ривожлантиришнинг муқобил сценариялари эълон қилинди. Ушбу ривожланиш стратегиясида мамлакатдаги демографик ҳолатни ҳисобга олиб пенсия тизимини ривожлантиришнинг кўйи, ўрта ва юқори вариантлардаги сценариялари ишлаб чиқилган (12.16-расм).

Кўйи вариантдаги пенсия тизимини ривожлантириш стратегияси мамлакатдаги тугилиш коэффициентини, жами аҳоли сони, 15-64 ёшдаги, жумладан, 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонининг ўзгариш тенденцияларини минимал чегараларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ислохотлар дастури ҳисобланади.

Ўрта вариантдаги пенсия тизимини ривожлантириш стратегияси эса юқорида келтириб ўтилган демографик кўрсаткичларнинг сўнгги 25 йиллик кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда ўртача кўрсаткичлар асосида прогноزلантирилган ислохотлар дастурини ўз ичига олади.


²²⁵Уша маъба.



12.16-расм. Хитой пенсия тизимини ривожлантириш стратегияси йўналишлари²²⁶

Хитой пенсия тизимини ривожлантириш стратегиясининг юқори вариантдаги ислохотлар дастури мамлакатдаги демографик кўрсаткичларнинг максимум чегараларидан келиб чиққан ҳолда берилган прогнозларга асосланган.

Халқаро ташкилотларнинг экспертлари томонидан бидирилган фикрларга кўра, юқорида келтириб ўтилган уч хил вариантдаги Хитой пенсия тизимини ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқилиши мамлакатда амалга оширилаётган пенсия тизимини ислох этиш чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга хизмат кўратади.



12.17-расм. Хитойда туғилиш коэффиценти кўрсаткичининг ўзгариш тенденциялари (промилледа)²²⁷

²²⁶Xuejin Zuo. Pension Reform in China 2010-2100. "Fiscal Policy for Long-term Growth and Sustainability in Aging Societies". Shanghai Academy of Social Science. Tokyo, June 10, 2015. P. 31 маълумотлари асосида тузилган.

²²⁷Ўша манба.

12.17-расмда келтирилган маълумотларга таянган ҳолда мамлакатда туғилиш коэффициенти куйи ва ўрта вариантлардаги прогнозларида 2025 йилгача бўлган муддатда туғилиш кўрсаткичларини бироз пасайишни кузатишимиз мумкин. Ундан кейинги даврда эса мамлакатда туғилиш коэффициенти барқарор ўсиш тенденциясига эга.

Юқори вариантда ишлаб чиқилган туғилиш коэффициенти прогнозида эса 2025 йилга қадар Хитойда туғилиш коэффициенти юқори ўсиш тенденцияси кўрсаткичи қайд этилган. Экспертлар фикрича, ушбу ҳолат мамлакатдаги “Бир оила – бир фарзанд” сиёсатини бекор қилиниши билан изоҳланади. 2025 йилдан кейинги даврларда эса мамлакатда аҳолини туғилиш коэффициенти барқарорлашади.

Умуман 12.4.2-расм маълумотлари таҳлили кўрсатишича, барча вариантларда Хитойда туғилиш коэффициенти ортиб боради. Уч хил йўналишда берилган прогнозларни умумий ҳолда таҳлил этадиган бўлсак, 2025-2100 йилларда туғилиш коэффициенти +0,5 кўрсаткичга ортади. Яъни туғилиш коэффициенти йиллар кесимида мос равишда қуйи вариантда ҳисобланганда 1 дан 1,5 га, ўрта вариантда 1,5 дан 2 га, юқори вариантда эса 2,1 дан 2,6 кўрсаткичга тенг бўлиши кутилмоқда²²⁸.


Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, Хитойда туғилиш сонини чеклашга қаратилган сиёсатнинг бекор қилиниши ва туғилиш коэффициентининг ортиб бориши пировард натижада умумий аҳоли сонининг ўсишига олиб келади. Хитойдаги демографик вазиятга амалий жиҳатдан баҳо бериладиган бўлса, ушбу мамлакат ҳозирда демографик жиҳатдан кекса мамлакатлар қаторига қиради. Шу билан бир қаторда сўнгги 30 йилдан ортиқ муддатда аҳоли туғилиш сонининг давлат томонидан сунъий тарзда чекланганлиги ва кишлоқ ҳудудларидаги аҳоли турмуш фаровонлигини паст даражада эканлигини инобатга олган ҳолда кейинги йилларда Хитойдаги умумий аҳоли сонининг қисқариши эҳтимоли мавжуд.

12.18-расм маълумотлари юқорида келтирилган назарий ва амалий таҳлилларни ўзида мужассамлаштирган деб айтишимиз мумкин. Аҳоли сонининг ўзгариш тенденциясининг юқори вариантыда маълумотлар таҳлили кўрсатишича, 2035-2070 йилларда Хитой аҳолиси сони турғунлашади ва 70 йилдан кейинги даврда яна ўсиш тенденциясига эга бўлади.

Ўрта ва қуйи вариантларни устун даражада амалий таҳлилларга ҳос деб баҳолашимиз мумкин. Диаграмма маълумотлари киёсий таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, ўрта вариантда Хитой аҳолиси сони 2025 йилдан сўнг камайиши, қуйи вариантда мазкур тенденция 2020 йилдан бошланиши мумкин деган хулосага келиш мумкин.

Юқорида келтирилган уч хил вариантдаги Хитой аҳолисини ўзгариши прогнозларини умумлаштирган ҳолда экспертлар томонидан билдирилган фикрларда мамлакат аҳолиси сонининг камайиши ҳолати кузатилиши мумкинлиги тўғрисида далиллар келтирилган.

²²⁸ Ҷша манба.




12.18-расм. Хитой аҳолиси сонининг ўзгариш тенденциялари
(млн киши)²²⁹

Экспертлар томонидан билдирилаётган фикрларга таянган ҳолда кейинги йилларда Хитойда меҳнат лаёқатидаги аҳоли сонини камайиш эҳтимоли юқори эканлигини таъкидлаш лозим. Бунга сабаб мамлакатдаги туғилиш сонини чеклаш сиёсати ва меҳнатга лаёқатли бўлган аҳоли ва 16 ёшгача бўлган ёшлар сонининг аввалги йилларга нисбатан камайганлиги ўз навбатида оилалар сонининг кискаришига олиб келади. Умуман, туғилиш коэффициентининг ортиб бориши ҳукмрон тенденция сифатида сакланиб қолади. Шу билан биргаликда мамлакатнинг демографик арчаси (12.18-расм) кўрсатишича, кейинги йилларда аҳолининг қариши тенденцияси кучайиши натижасида Хитой юқори қатламдан аҳолининг камайиши ҳолатига дуч келиши кутилмоқда. Кексайган аҳоли таркибида ўлим ҳолатларининг кўпайиши сабабли мамлакат аҳолиси сони йилдан йилга кискариб боради.

Жаҳон амалиётида пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга бевосита таъсир этувчи кўрсаткичлардан бири бу меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ва уларнинг пенсия суғуртаси бадалларини тўлаб бораётган қисмининг ортиб бориши ҳисобланади. Умуман олганда Хитой пенсия тизимида сўнги йилларда катъий ўрнатилган суғурта бадаллари ва пенсия тўловлари дастурларининг жорий этилиши пенсия фондларининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни кискартириш билан бир қаторда фондларнинг дефицити ҳолатини йўқотишга қаратилган ислохот йўналишлари ҳисобланади. Ушбу ҳолат пенсия тўловлари миқдорининг ортиши ёки камайиши пенсионерлар ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ўртасидаги нисбатдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Юқоридаги ҳолатларни эътиборга олган ҳолда Хитой пенсия тизимини ривожлантириш

²²⁹ Ўша манба.

стратегиясида меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўзгариш тенденцияларига тегишли муқобил сценарийлар бўйича прогнозлар ишлаб чиқилган (12.19-расм).




12.19-расм. Хитойда меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳоли сони прогнозлари (15-64 ёшдаги аҳоли сони, млн киши)²³⁰

12.19-расм маълумотлари кўрсатишича, Хитойда ўрта ва узок истикболли даврда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони камайиш тенденциясига эга бўлади. Худди умумий аҳоли сонига тегишли прогнозларда бўлгани каби, юқори вариантдаги прогнозларда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 2065 йилдан кейинги даврда ортиши мумкин. Аммо унғача бўлган муддатда йилдан йилга камайиш тенденциясига эга бўлади.

Ўрта ва қуйи вариантдаги прогнозларда меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳоли сонининг камайиб бориш тенденцияси яққол намоён бўлмоқда. Қуйи вариантдаги прогнозларда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг қисқариш тенденцияси ўрта вариантдаги прогнозларга қараганда бироз жадалроқ суръатларда бўлганлиги билан фарқланади. Ушбу ҳолат ўз навбатида кейинги йилларда мамлакатдаги пенсия ёшидаги аҳоли сонининг ўзгариш тенденциялари тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритиш заруриятини вужудга келтиради.

Шанхай ижтимоий фанлар академияси олимлари томонидан Хитой аҳолиси таркибида 65 ва ундан катта ёшдагиларнинг улушини ўзгариб боришига оид илмий прогнозлар ишлаб чиқилган бўлиб (12.20-расм), бу пенсия тизimini ривожлантириш стратегияси самаралорлигини янада оширишга хизмат кўрсатади.

²³⁰Уша манаба.



12.20-расм. Хитойда 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли соининг ўзгариш тенденциялари (жами аҳоли сонига нисбатан %да)²³¹

Халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан билдирилаётган фикрларга кўра, Хитойда юқори ва қуйи катламдан кексайиш жараёнлари бир вақтнинг ўзида бошланган ҳисобланади. Мамлакатда аҳоли умр давомийлиги кўрсаткичининг ортиб бориши билан бир қаторда, туғилиш сонини чеклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши кексалик юқининг ортиб кетишига олиб келди. Натижада кейинги йилларда ушбу тенденция сақланиб қолади ва 2080 йилдан кейинги даврда пасайиши мумкин бўлади.

12.4.5-расм маълумотларига таянган ҳолда, Хитойда яқин 40-60 йил мобайнида аҳолининг қариши тенденцияси сақланиб қолади деган хулоса қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида пенсия тўловларини молиялаштиришда катъий белгиланган пенсия тўловлари дастурини амалиётга жорий этишда пенсия фондларининг давлат бюджетига боғлиқлик даражасини камайишига тўсқинлик қилади. Мамлакатда пенсия тўловлари миқдори камайтириладиган бўлса, у ҳолда пенсионерларнинг турмуш даражаси пасайиб, фуқароларнинг пенсия фондига бўлган ишончи сусайиши мумкин.

Фикримизча, 2100 йилгача бўлган даврда ҳукумат томонидан пенсия тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда ислохот дастурларининг қуйидаги устувор йўналишларда ишлаб чиқишга эътибор қаратилган:

- Хитой аҳолисининг ишчи кучи потенциали кўрсаткичи 2050 йилда 2,38 коэффициентга, 2080 йилда эса 1,83 га пасаяди, ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда мамлакатдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли катламларининг самарали бандлигини таъминлаш;

²³¹ Ҷша манба.

•Хитойда аҳолининг кексайиш тенденцияси узок йиллар мобайнида сакланиб қолиши муносабати билан пенсия тизимида қатъий ўрилатилган пенсия сугуртаси бадаллари дастурини жорий этилиши самарали ҳисобланади;

•Хитойда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг камайиб бориши ва пенсионерлар сонини ортиб бориши натижасида, мамлакат меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб ортиб кетиши эҳтимоли мавжуд. Ушбу ҳолат ўз навбатида иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг харид қобилияти паритети кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатишини эътиборга олиб мамлакатдаги бандлик даражасини ва пенсияга чиқиш ёшини ошириш;

•Хитой пенсия фондларига аҳолининг ишончини янада орттириш ва хусусий пенсия фондларини рағбатлантириш мақсадида пенсия фондлари активларини реал сектор корхоналари фаолиятига инвестиция шаклида йўналтириш;

•Пенсия сугуртаси бадаллари миқдорини мамлакат бўйича бараварлаштириш ва сугурта бадалларининг аҳоли даромадлари таркибидаги улушини камайтириш;

•Аҳолига сифатли пенсия таъминоти хизматларини кўрсатишда давлат ва маҳаллий бошқарув органлари ролини қайта кўриб чиқиш.

Хитойдаги демографик вазият узок йиллар мобайнида мамлакатдаги пенсия тизимига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Ушбу ҳолат ўз навбатида мамлакатда авлодлар бирдамлиги тамойили асосида ташкил қилинган давлат пенсия таъминоти тизимидан жамғариб бориладиган ёки аралаш пенсия тизимига ўтиш заруриятини янада кучайтириб юборди.

Назорат саволлари

1. Хитой пенсия тизимининг ривожланиш босқичларини таҳлил қилинг.
2. Хитойда ижтимоий сугурта тизимининг ҳолатини баҳоланг.
3. Хитойда ижтимоий сугурта тизимининг ривожланиш тенденциялари ва муаммоларини аниқланг.
4. Ўрта истикболда Хитой пенсия тизимини ислоҳ этиш сценарияларини шарҳлаб беринг.
5. Узок муддатли истикболда Хитой пенсия тизимини ривожлантириш стратегиясини таҳлил қилинг.
6. Хитойда пенсия тизимини ташкил этиш зарурияти нималардан иборат?
7. Хитойда амалга оширилган “Бир оила – бир фарзанд” сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳоланг.
8. 2015 йилда Хитойда пенсия фондлари активларининг ЯИМдаги улуши 14 фоизга тенг бўлган. Ушбу кўрсаткич АҚШда 121 фоизни ташкил қилган. Хитойда пенсия фондларини нисбатан паст капиталлашув даражасининг сабабларини таҳлил қилинг ва ушбу кўрсаткични ошириш йўллари аниқланг.

9. Хитойда касбий пенсия фондларини ривожланиш истикболларини баҳоланг.

10. Шанхай ижтимоий фанлар академияси томонидан Хитой пенсия тизимини 2100 йилгача бўлган муддатда ривожлантиришнинг муқобил сценарийларини тушунтириб беринг.

Асосий тушунчалар

“Бир оила – бир фарзанд” сиёсати – бу Хитой ҳукумати томонидан 1970 йиллардан бошлаб оилалардаги фарзандлар сонини иқтисодий жиҳатдан чеклаш бўлиб, бир оилага бир фарзанд кўришга рухсат берилган. 2015 йилларда “Бир оила – бир фарзанд” сиёсатини ўзгартириш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди ва 2016 йилдан бошлаб ҳар оилада иккитагача фарзанд кўришга рухсат берилди.

Демографик сиёсат – давлат ва турли ижтимоий институтларнинг аҳолини такрор ишлаб чиқариш жараёни соҳасидаги мақсадли фаолияти. Демографик сиёсат аҳолини такрор ҳосил қилишни тартибга солиш, унинг энг мақбул миқдор ва сифат хусусиятларига эришишга йўналтирилган чораларни назарда тутди.

Тестлар

1. Хитой ҳукуматининг давлат пенсия тизимини молиялаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатган “Мехнатни сугурталаш тўғрисида”ги қарор қачон қабул қилинган?

- а) 1953 й
- б) 1949 й
- в) 1956 й
- г) 1958 й

2. Хитойда 1970 йилларда туғилиш коэффициентини 2,1 кўрсаткичдан 1,3 коэффициентига тушиб кетишининг асосий сабабини кўрсатинг.

- а) “Бир оила – бир фарзанд” сиёсати амалиётга татбиқ этилиши
- б) Вьетнамдаги уруш сабабли
- в) Кореядаги уруш сабабли
- г) Аҳолини қариши сабабли

3. Қачон Хитой ҳукумати “Хусусий корхоналарда ўз меҳнат фаолиятини олиб бораётган фуқаролар пенсия сугуртаси бадалларини тўлаш тартиби тўғрисида”ги қарорни қабул қилган?

- а) 1991 й
- б) 1970 й
- в) 1997 й
- г) 2015 й

4. Қачон Хитой ҳукумати “Корхона ишчилари учун пенсия сугуртасининг ягона тизимини шакллантириш тўғрисида”ги қарорни қабул қилган?

- а) 1997 й
- б) 1980 й
- в) 1990 й
- г) 2015 й

5. Хитой пенсия тизими нечи устунли?

- а) 3
- б) 2
- в) 4
- г) 1

6. 2015 йилда Хитойда пенсия фондлари активларининг ЯИМдаги улуши нечи фозга тенг бўлган?

- а) 14%
- б) 5%
- в) 47%
- г) 121%

7. Хитой ҳукумати томонидан ушбу мамлакатдаги пенсия фондлари активларининг ЯИМдаги улушини 2025 йилда нечи фозга етказиш режалаштирилган?

- а) 47%
- б) 14%
- в) 5%
- г) 121%

8. Хитойда асосий (базис) пенсия схемасига қуйидагиларнинг қайси бири кирмайди?

- а) Хусусий пенсия фондлари
- б) Давлат пенсия фонди
- в) Касбий пенсия фондлари
- г) Давлат ва Касбий пенсия фондлари

9. 2016 йилда Хитой аҳолиси таркибида 14 ёшгача бўлган ёш болалар улуши нечи фозини ташкил этган?

- а) 17,1%
- б) 10,2%
- в) 8%
- г) 20%

10. 2016 йилда Хитой аҳолиси таркибида 65 ва ундан катта ёшдагиларнинг улуши нечи фозини ташкил этган?

- а) 10,2%
- б) 17,1%
- в) 8%
- г) 20%

11. 2015 йилда Хитойда пенсия ёшидаги аҳолининг боғлиқлик коэффиценти неччига тенг бўлган?

- а) 12,0
- б) 15,1
- в) 17,6
- г) 21,4

XIII БОБ. ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

13.1. Лотин Америкаси мамлакатларида пенсия ислохотларини амалга ошириш хусусиятлари

Лотин Америкаси Жанубий ва Марказий Американинг катта ҳудудини эгаллайди. Лотин Американинг барча мамлакатлари Испания ва Португалиянинг (Бразилия) собиқ мустамлакалари ҳисобланади. Лотин Американинг айниқса мамлакатлари XIX аср бошидаёқ шаклланишига қарамасдан собиқ мустамлака эгаларининг ушбу мамлакатлар иқтисодийоти ва маданиятига таъсири сақланиб қолган.

Лотин Америкаси минтақасини шартли равишда қуйидаги уч қисмга ажратиш мумкин²³²:

– Мексикадан Боливия ва Парагвайгача бўлган ҳудудлар. Мазкур ҳудудда жойлашган мамлакатларнинг иқтисодий таркиби хиндулар, метислар ва креоллардан иборат бўлиб, европаликлар томонидан ҳозирга қадар мавжуд ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган.

– Иккинчи ҳудуд Мексиканинг жанубидан Бразилиянинг шимолигача бўлган Кариб-Атлантика қирғоқбўйи ҳудудларини ўз ичига олади. Бу ҳудудларда тропик, ярим тропик деҳқончилик жадал суръатларда ривожлантирилган бўлиб, африкаликлар, мулатлар ва оқ танлилардан иборат этник таркиб шаклланган.

– Учинчи ҳудуд Лотин Америкаси “конуси”нинг жанубида жойлашган мамлакатлардан иборат. Ушбу ҳудудда ишлаб чиқаришнинг асосини ривожланган деҳқончилик ташкил этади.

Лотин Америкаси мамлакатлари ўтган асрнинг 80-90-йилларида пенсия тизимини ислох этиш борасида жиддий ишларни амалга оширдилар. Ушбу мамлакатлар пенсия тизимини ташкил этиш ва ички пенсия жамғармалари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда бир-бирларидан фарқ қилишса-да, пенсия фондларининг умумий кўрсаткичлари ва инвестиция имкониятлари юқори эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бир вақтда Лотин Америкаси мамлакатлари жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимининг шаклланишида катта тажрибага эга ҳисобланишади.


Лотин Америкаси мамлакатларида пенсия тизими ислохотлари 1980 йиллар бошига тўғри келади. 1981 йилда Чили биринчилардан бўлиб, давлат томонидан тақсимлаб бориладиган “pay-as-you-go” тизимидан жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтди. Чили тажрибаси 1990-2000 йилларда минтақа мамлакатларининг аксариятида тўлиқ ёки қисман қўлланилди.

²³² Vaxabov A.V., Tadjiybayeva D.A., Xajibakiev Sh.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar. Darslik. T.: Baktria press, 2015. B.153-154.

Жумладан, Перу 1993 йилда, Колумбия ва Аргентина 1994 йилда, Уругвай 1996 йилда, Мексика ва Боливия 1997 йилда, Сальвадор 1998 йилда, Коста-Рика 2001 йилда, Доминикан Республикаси 2003 йилда, Эквадор ва Никарагуа 2004 йилда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этди.

1980 йиллар охирларида оғир иктисодий ҳолат, иктисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетиши, ички ва ташқи қарзлар миқдорининг ошиб кетиши, ишсизлар ва пенсионерлар сонининг ортиб кетиши шароитида пенсия тизимини ислох қилиш жуда хавфли тус олди. Ушбу ҳолатлар пенсия тўловлари миқдорининг камайиб кетишига ва минтака мамлакатларида ижтимоий тангликнинг чуқурлашувига олиб келди. Жумладан, Аргентинада ўртача пенсия миқдори пенсионерларнинг минимал эҳтиёжлари учун зарур бўладиган маҳсулотларнинг энг кам миқдорига ҳам етмас ва иш ҳақининг деярли 40%ини ташкил қиларди.

Лотин Америка мамлакатларида пенсия тизими босқичма-босқич ислох қилина бошлади (13.1-расм).



13.1-расм. Лотин Америка мамлакатларида пенсия тизимини ислох этиш

Лотин Америка мамлакатларининг аксариятида эксперт сифатида Жаҳон банки ва Чили иктисодчилари фаол иштирок этишди. Жаҳон банки минтака мамлакатларига пенсия тизимини ислох этиш учун 47 та лойиха доврасида 3 млрд доллар миқдорида молиявий кўмак кўрсатди. Жаҳон банки ажратган мабалағларнинг катта қисми Бразилия хиссасига (1326,3 млн долл), энг кам қисми Чили хиссасига (1,4 млн долл) тўғри келади. Чили нафақат Лотин Америкаси минтақасида, балки дунёда биринчилардан бўлиб жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий қилган мамлакат ҳисобланади (13.1-жадвал).

Лотин Америкаси мамлакатларида пенсия ислохотлари моделлари умумий ва фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Жумладан, Чили, Мексика, Боливия ва Сальвадорда тақсимланадиган пенсия тизими бекор қилинган бўлса, бошқа мамлакатларда ушбу тизим ишчилар учун иккинчи танлов

сифатида сақланиб қолган. Ислохотлар даврида ишчилар учун янги, жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига ўтиш Мексика, Чили, Боливияда мажбурий хусусиятга эга бўлган бўлса, бошқа мамлакатларда ихтиёрий бўлган. Шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб рақамига ойлик маошдан келиб тушадиган пул миқдори 4,5 фоиздан (Сальвадор), 10 фоизга (Чили ва Колумбия) кадар ўзгариб туради.

13.1-жадвал

Жаҳон банки томонидан Латин Америкаси мамлакатлари пенсия тизимини ислох этишда кўрсатган молиявий кўмаклари миқдори (млн долл.)²³³

Мамлакат	Кредит миқдори	Кредитлар сони
Бразилия	1326,3	9
Мексика	604,3	4
Аргентина	481,1	8
Перу	363,6	6
Уругвай	149,3	5
Колумбия	63,7	3
Боливия	13,6	6
Панама	24,5	3
Ямайка	8,9	2
Гондурас	4,2	2
Чили	1,4	1
Бошқа давлатлар	26,6	2
Жами	3067,5	51

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти марказлашмаган бўлиб, бир неча компаниялар (Чили, Мексика, Перу) ёки битта пенсия Фонди (Аргентина, Уругвай) томонидан бошқарилади. Бир хил бўлмаган ва энг кам иш ҳақи пенсия миқдорини белгилаши мумкин ва давлат томонидан бошқарилмаслиги ҳам (Перу), давлат томонидан бошқарилиши мумкин (Чили, Колумбия, Аргентина), давлат томонидан белгиланмайди (Мексика, Боливия), лекин пенсия фондини бошқарувчи компания томонидан кафолатланади. Кўпчилик давлатлар пенсионерларга энг кам пенсия ажратилишини кафолатлайди, лекин Перу ва Боливияда ушбу пенсия давлат томонидан кафолатланмайди (13.2-жадвал).

Пенсия тизимини ислох этишда аҳолини пенсия таъминоти тизими билан қамраб олиш даражаси муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Пенсия таъминоти иктисодий секторда фаолият юритаётган фуқароларни қамраб олмагани боис пенсия жамғармасига маблағ ўтказиб боровчиларгина пенсия таъминотига эга бўлишади, бошқаларга пенсия бериш муаммолигича қолади.

Агар пенсия тизими таъминоти назорати давлатнинг қўлида бўлса, хусусий компаниялар етарли даражада фаолият юрита олмайди. Латин

²³³ Mesa-Lago C. Reassessing Pension Reform in Chile and Other Countries in Latin America. – 2006. – p.6.

Америкаси мамлакатларида пенсия фондларини бошқарувчи компаниялар сони 3 тадан (Сальвадор) 12 тагача (Мексика, Аргентина) ўзгариб туради. Ушбу компаниялар ихтиёридаги маблағларнинг концентрациялашув даражаси Мексикада 37%га тенг бўлса, Сальвадор ва Боливияда 100%ни ташкил этади.

13.2- жадвал

Латин Америкаси давлатларида пенсия ислохотларини ўзига хос жиҳатлари²³⁴

	Чили	Перу	Колумбия	Аргентина	Уругвай	Мексика	Боливия	Сальвадор
Бошланган йил	1981 й.	1993 й.	1994 й.	1994 й.	1996 й.	1997 й.	1997 й.	1998 й.
Давлат томонидан тақсимлаб бериладиган "pay-as-you-go" тизими	Бекор қилинган	Сакланиб қолган			Бекор қилинган			
Янги ишчилар учун жамғариб бериладиган хусусий фондлар	Мажбурий	Ихтиёрий			Мажбурий			
Бошқариладиган пенсия фондлари	AFP	AFP	AFP	AFJP	AFAP	AFORES	AFP	IAFP
Меҳнат ҳақидан олиб қилинадиган пенсия %	10	8	10	7,5	7,5	6,5+дотация	10	4,5
Меҳнат ҳақидан олинадиган комиссиянинг	2,94	3,72	3,49	3,45	2,62	4,42	3,00	3,5
Жамғариб бериладиган тул	Марказлашмаган			Марказлашган		Марказлашмаган		
Меҳнатга даъватсиз ва боқувчисини йўқотганларни ҳамоя қилиш	Хусусий					Давлат томонидан	Хусусий	
Пенсия Фондлари фаолиятга устидан назорат қилиш	Ихтисослаштирилган	Яқинлашган	Ихтисослаштирилган	Яқинлашган	Ихтисослаштирилган	Яқинлашган	Ихтисослаштирилган	
Энг кам иш ҳақи	Муътадил	Муътадил бўлмаган	Муътадил		Ўзгармас	Бошқарув компанияси томонидан кафолат берилмайди		Муътадил
Энг кам пенсия	Белгиланган	Белгиланмаган	Белгиланган				Белгиланмаган	Белгиланган

Изоҳ: Уругвай давлатида юқори малакали ишчиларга пенсия тизими мажбурийдир. Перу ва Сальвадор давлатларида устима фоизи 10%га оиди.

²³⁴ Mesa-Lago C. Reassessing Pension Reform in Chile and Other Countries in Latin America. 2006. P. 6.

Минтакада ҳар бир мамлакат пенсия таъминотини ҳисоблашни турли йўллар билан олиб боради. Айрим мамлакатларда фуқароларнинг ойлик маоши пенсияларнинг шаклланишида асосий манба ҳисобланса, бошқаларида улар иш берувчи ҳисобидан шакллантирилади. Ислохотлар вақтида баъзи мамлакатларда иш берувчилар кўядиган омонатлар камайтирилди (Аргентина), бошқаларида аксинча кўпайтирилди, (Колумбия, Никарагуа, Доминикан Республикаси), айримларида эса бекор қилинди (Чили, Боливия, Перу). Минтақа мамлакатларида давлатнинг пенсия тизимига аралашув даражаси Мексикада юқори бўлса, Коста-Рикада эса нисбатан паст.

Пенсия тизимини ислоҳ этиш жараёни Лотин Америкасининг аксарият мамлакатларида давом этмоқда.

13.2. Чили пенсия тизимининг ривожланиш босқичлари ва пенсия ислохотларини амалга ошириш шарт-шароитлари ва тамойиллари

Чили пенсия тизими 1924 йилда миллий ижтимоий сугурта фонди асосида жорий этилган бўлиб, унинг ривожланиш босқичларини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин.

1920-1960 йй. Ушбу босқичда Чилида юқори даромадли ходимлар пенсия таъминоти учун мўължалланган кассалар, полициячилар пенсия таъминоти фонди ва қуролли кучлар пенсия таъминоти фонди мавжуд бўлган. 1960 йилларда пенсия кассалари сони 185 тагача ошди (150 таси индивидуал пенсия схемалари). Пенсия миқдори ишлаган йиллар ва иш ҳақи миқдорига мутаносиб ўрнатилган. Чили пенсия тизимининг бу босқичи Бисмарк модели доирасида банд аҳоли гуруҳлари учун катъий тартибга солинувчи ижтимоий модел эканлиги билан тавсифланади.

1970-1980 йй. Пенсияонерларни муносиб даромад билан таъминловчи ва меҳнат қобилиятини йўқотганлар, бевалар ҳамда етимлар учун ижтимоий хизматлар тақлиф эта оладиган тақсимотга асосланган Беверидж пенсия модели доирасида амал қиладиган пенсия тизими жорий этилди. Аммо 1974-80 йилларда пенсия тизимида ЯИМга нисбатан ўртача 2%лик тақчиллик юз берди.

1980-2008 йй. 1980 йилдан бошлаб пенсия тизимига индивидуал жамғариб бориладиган элементлар жорий этила бошланди. Босқичма-босқич пенсия ёшини ошириш, пенсия счётларига ажратмалар фоизини кўпайтириш, махсус пенсия схемалари сонини қисқартиришни ўз ичига олган ислохотлар бошланди.

2008 йилдан ҳозирга қадар. Чили пенсия тизимида бирдамлик тамойилини қайта жорий этиш, миллий пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини оширишга боғлиқ чора-тадбирлар қабул қилинди.

Чили дунёда биринчилардан бўлиб амалиётга мажбурий жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этган мамлакат ҳисобланади. Ушбу тизим узок вақт давомида ички ва ташқи иқтисодий инкирозларга нисбатан

баркарор эканлигини кўрсатди. Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислох этишда кенг қўлланиладиган ва унинг молиявий баркарорлигини ошириш учун хусусий пенсия фондларини ривожлантириш сиёсати ҳам илк бор Чилида қўлланилган.

13.3-жадвал

Чили пенсия тизимининг даромадлар ва харажатлар динамикаси²³⁵

Йил	ЯИМга нисбатан %		
	даромадлар	харажатлар	тақчиллик
1974	3,0	6,2	-3,1
1975	3,4	4,6	-1,2
1976	3,4	6,2	-2,8
1977	3,6	6,7	-3,0
1978	3,7	6,8	-3,1
1979	5,2	6,9	-1,7
1980	5,5	7,2	-1,7

Пенсия ислохотининг Чили модели одатда пенсия тизимини молиялаштиришнинг энг яхши усули сифатида, бу соҳада ўзига хос андоза сифатида келтирилади. Аргентина, Перу, Колумбия каби мамлакатлар ўз пенсия тизимларини Чили андозасига биноан ислох қилишди.

Чилида А. Пиночет бошчилигидаги харбийлар ҳукуматни ўз қўлларига олишгандан кейин АҚШ ҳукумати мамлакатда пенсия ислохотларини амалга оширишни тавсия қилади. Чили пенсия ислохотлари дастури мамлакатда эркин бозор муносабатларини шакллантиришга ҳаракат қилаётган иктисодчилар гуруҳига кирувчи Хосе Пиньера Эченике²³⁶ томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу пенсия ислохотлари пенсиянинг мажбурий тақсимот тизимидан жамғарма тизимига ўтишга қаратилган эди. Пенсия ислохотлари амалда 1976 йилда бошланган. Чилида пенсия ислохотларини амалга оширишнинг юқори самарадорлигини таъминлашда қўйидаги демографик ва иктисодий шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этган:

- пенсия ислохотлари бошланиши даврида Чили аҳолисининг тенг яри 16 ёшдан кичик бўлган;

²³⁵ OECD/IDB/The World Bank (2014), Pensions at a Glance: Latin America and the Caribbean, OECD Publishing http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2014-en

²³⁶ Чилида 1978-1980 йилларда Меҳнат ва иқтисодий ҳимоя вазири бўлиб ишлаган.

•бу даврда ишчилар сонининг пенсионерлар сонига нисбати бир неча баробар юкори бўлган. Чилида аҳолининг факатгина 8% пенсия ёшида бўлган ва бир пенсионерга 12,8 та ишловчи тўғри келган;

•А. Пниочет диктатураси шароитида аҳоли, жумладан пенсионерлар пенсия ислохотларига карши чиқа олишмаган;

•ислохотлар давомида пенсияларнинг ўртача даражаси паст бўлган ва пенсия фондларининг харажатлари минимал даражада саклаб турилган.

Чили пенсия ислохотлари куйидаги тамойилларга асосланади:

•давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувини кискартириш;

•хамкорлик муносабатлари устуворлигини саклаб қолиш;

•инвестициялаш дастаклари рўйхатини боскичма-боскич кенгайтириб бориш.

Чили пенсия ислохотларида мамлакат пенсия тизимига куйидаги элементлар жорий этилди:

•миллий пенсия жамғармаси маблаглари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат пенсия таъминоти;

•мажбурий жамғариладиган индивидуал счётлар;

•ихтиёрий жамғариладиган индивидуал счётлар.

Жумладан, мамлакат пенсия тизимининг биринчи даражаси куйидаги компонентларга эга бўлди:

•пенсия таъминотининг оммавийлиги;

•20 йил стажга эга бўлиб ишлайдиганлар учун минимал пенсия таъминотини давлат томонидан кафолатланиши;

•эски пенсия тизими иштирокчиларини пенсия ҳуқуқларини сакланишини кафолатланиши.

1980 йилларда амалга оширилган пенсия ислохотларига ҳос хусусиятлардан бири 1981 йилдан ўз меҳнат фаолиятини бошлаганлар учун мажбурий жағариладиган пенсия тизими доирасида пенсия фондини танлаш мажбурий, 1981 йилдан кейин туғилганлар учун танлаш имконининг берилганлигидир. Шунга карамадан ёлланма ишчиларнинг 95%и янги пенсия тизимига ўтишга қарор қилди.

Чилида пенсия фондлари сугурта бадалларидан келган тушумларни қисман халқаро суда капиталлари бозорида инвестициялаштиради. 1981-1995 йилларда инвестицияларнинг ўртача даромадлиги йилига тахминан 13% ни ташкил этди. Чилидаги пенсия фондлари даромадлиги кўрсаткичи бўйича бир-бирдан фарқ қилади. 1995 йил Чилида суда капиталлари бозорида рақобатнинг кучайиши молиявий инқироз олиб келди. Бу инқироз мазкур фондларга ҳам салбий таъсир этган. Пенсия фондлари асосий капиталининг ўртача қиймати 4,7% га қамайд.

1995 йилгача 25 та фонднинг фаолиятига руҳсат берилган эди. Бирок уларнинг айримлари рентабеллигининг пастлиги сабабли ёпилди. 1995 йилда бу фондларнинг аъзолари сони 5 миллионга яқин бўлган бўлиб, уларнинг 3 миллионтаси сугурта бадаллари тўларди. Сугурталанувчиларнинг 80% дан

кўпрогининг шахсий ҳисоб-варакалари беш йирик фондларда жамланган. Бу даврда хусусий пенсия фондларининг асосий капитали тахминан 23 млрд АҚШ долларини ташкил қилади. Бу кўрсаткич Чили ЯИМнинг ярмига тенгдир.

Бу даврда Чилида амалга оширилган пенсия ислохотлари пенсия таъминоти тизимида давлатнинг таъсирига чек қўйиш мақсадини кўзлади. Пенсия ислохотларига қадар давлатнинг бу соҳадаги сиёсати пенсиялар қийматини индексация қилиш чегараларини белгилашдан иборат бўлган. Иқтисодий ўсиш босқичида пенсиялар катта суръатлар билан ошириб борилди. Инкироз бошланиши билан пенсияларнинг реал қиймати амалда инфляция таъсирида пасая бошлади. Гарчи қонунда нархларга қараб пенсияларни индексация қилиш назарда тутилган бўлсада, индексация механизми яхши амал қилмас эди.

Ислохот натижасида ҳукумат сиёсатининг янги тизим бўйича пенсия беришга ўз таъсирини йўқотди. Бирок бундай пенсияларни суғурталанган шахсларнинг жуда кам қисми олаётгани сабабли, бу ҳолат иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлди. Аммо пенсиялар бериш ва бунинг учун капитал яратишга асосларни қўлга киритишга давлат сиёсати барибир таъсир кўрсатмоқда. У ёки бу фондининг стратегияси етарли даромад келтирмаса, пенсияни давлат тўлайди. Энг кам пенсияни фақат 20 йил давомида бадалларни тўлик тўлаган одам олади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози таъсирида 2008 йилда Чили пенсия фондларининг жумладан, С фондининг рентабеллиги минус 8,9%гача тушиб кетди. Ушбу йўқотиш миқдори нафақат инвестицион даромадлар, балки уч йил давомида тўланган пенсия бадаллари миқдорига тенг бўлди. Натижада фондининг реал ўртача рентабеллик даражаси фаолияти давомида 2008 йилни ҳисобга олганда 8,7 %га пасайди.²³⁷ Чили пенсия тизими молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида 2008 йилда янги ислохотлар бошланди. Ушбу ислохотлар миллий пенсия тизимига бирдамлик тамойилини жорий этиш, молиявий барқарорлигини оширишга қаратилди.

13.3. Чили пенсия тизимининг хусусиятлари ва таркиби

Чилининг замонавий пенсия тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

- **пенсия жамғармаларини шакллантиришнинг индивидуал характерга эгаллиги:** ҳар бир ишчи индивидуал ҳисоб рақамларига эга бўлиб, бадаллар ушбу ҳисоб рақамларда жамғариб борилади. Ушбу жамғармалар тегишли фондлар орқали капиталлаштирилади;

- **пенсия жамғармаларини инвестицияларга айлантиришда индивидуал масъулият:** фуқароларнинг кексайганда қанча пенсия олишлари уларнинг пенсия фондларидаги жамғармаларига боғлиқ;

²³⁷ Mesa-Lago C. Reassessing Pension Reform in Chile and Other Countries in Latin America. 2006. P.6.

•**танлаш эркинлигининг мавжудлиги:** жамғармаларни капиталлаштиришнинг индивидуал тизими эркин танлашга асосланади: а) 1981 йилда барча ишчи-ходимларга давлат пенсия тизимидан янги ташкил этилган пенсия тизимига эркин ўтиш имконияти берилган; б) ишчи-ходимларга пенсия фондларини танлаш ва пенсияга қачон чиқиш эркинлиги берилган.

•**шаффофлик:** ҳар бир фуқаро ойма-ой ўз жамғармалари тўғрисида маълумот олишлари, ўз ҳисобларидаги маблағларнинг қўпаяётганлиги ёки камайётганлиги, меҳнат фаолияти давомида маблағлари даромаддигининг ўзгаришини кузатиб бориши мумкин.

•**ҳавфсизлик:** бошқарув компаниялари ўз мижозлари маблағларидан фойдаланишлари мумкин эмас. Улар ушбу маблағларни бошқаришлари (яъни молиявий бозорларга инвестициялашлари) мумкин. Бундан ташқари бошқарув компаниялари пенсия жамғармаларини қонунда белгиланган тартибда молиявий дастакларга жойлаштиришлари ва ўз инвестицияларини табақалаштириб туришлари зарур.

ИХТТ услубиятига кўра Чили пенсия тизимининг биринчи даражаси (мажбурий, умумий, бирдамлик-таксимот тизимида мухтожлик бўйича ва минимал пенсиялар мавжуд, иккинчи даражасида (мажбурий, жамғариладиган тизим) эса белгиланадиган тўловлар схемасига асосланган хусусий, касбий пенсиялар мавжуд. Чили пенсия тизимининг 17,1%и биринчи даражадаги мухтожлик бўйича пенсиялар ва 82,9%) иккинчи даражадаги хусусий, касбий пенсиялардан ташкил топган.²³⁸

Замонавий Чили пенсия тизими таркибини 2008 йилда бошланган янги пенсия ислохотлари якунлари бўйича ўрганган мақсадга мувофиқдир. Чунки, 2008 йилдан бошлаб Чили пенсия тизимида бирдамлик тамойили элементи ижтимоий пенсиялар шаклига амал қила бошлади ва ушбу ўзгаришлар сабаблари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, қайсидир сабабларга кўра кексаликда муносиб турмуш кечириш учун етарли маблағ жамғара олмаганлар учун бирдамлик элементи қайтарилди.

Иккинчидан, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор қаратила бошланди. Ҳозирда бола асраб олиш ёки фарзандли бўлганда аёлларнинг пенсия счётига 18 ойлик миқдорда бадал ўтказилади. Шу тариха, аёллар ҳомиладорлик вақтида ёки бола тарбияси билан шуғулланаётган даврда пенсия тизимидан четда қолмайди. Эр-хотин ажрашган ҳолларда эри пенсия жамғармасидан 50%гача бўлган қисми хотинига ўтказилиши мумкин.

Учинчидан, ўз ишчиларига пенсия бадаллари тўловчи иш берувчилар учун солиқ имтиёзлари жорий этилди. Бундан ташқари мамлакатда риск даражаси турлича бўлган мултипортеллар тизими амал қилмоқда. Чили пенсия тизимида пенсия жамғармаларини бошқарувчи компаниялар

²³⁸ OECD (2015), *Pensions at a Glance 2015: OECD and G20 indicators*, OECD Publishing, Paris. http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2015-en маълумотлари асосида тузилган.

томонидан hozirga kadam biron-bir salbii xathti-xarakatlar amalga oshirilmagannligini ta'kidlash joiz.

Чилининг hozirgi pensiya tizimi kuyidagi darajalarга булинади:

0-даража – ижтимоий бирдамлик пенсиялари;

1-даража – хусусий пенсия фондлари томонидан бошқариладиган мажбурий жамғариладиган пенсия дастурлари;

2-даража – ихтиёрий корпоратив ва хусусий пенсия дастурлари.

0-даража – ижтимоий бирдамлик пенсиялари. Ижтимоий пенсиялар таянч (бирдамлик) ва қўшимча (максалли) пенсияларга булинади. Чилида таянч пенсиялар 2008 йилда жорий этилган, унинг миқдори кайд этиб қўйилади ва хар йили индексация килинади. Таянч пенсиялар 65 ёшга тўлган, Чилида 20 йилдан кам бўлмаган муддат, жумладан пенсияга чиқишдан олдин 4 йил муқим яшаган кишиларга берилади. 2016 йилда таянч пенсия миқдори 140 долларга тенг бўлди. Қўшимча пенсиялар эса мажбурий жамғариладиган пенсия дастури ҳисобидан олинаётган пенсия миқдори хар йили давлат томонидан белгилаб қўйиладиган пенсия миқдоридан кам бўлган ҳолларда ажратилади. Давлат томонидан белгилаб қўйиладиган пенсия миқдори 2016 йилда 456 долларни ташкил этди. Таянч ва қўшимча пенсиялар давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Агар фуқаро жамғариладиган пенсия дастуридан таянч пенсияга нисбатан кам миқдорда пенсия олаётган бўлса, у ҳолда унга қўшимча пенсия тўланиши лозим ва унинг миқдори куйидагича ҳисобланади:

$$\text{Қўшимча пенсия} \times \left(1 - \frac{\text{Жамғариладиган дастур пенсияси}}{\text{Давлат томонидан белгилаб қўйиладиган пенсия}}\right).$$

Мисол учун, жамғариладиган пенсия дастуридан олинаётган пенсия миқдори 130 доллар, таянч пенсия миқдори 140 долларга тенг бўлса, қўшимча пенсия миқдори $(130 \times (1 - 140/456)) = 99,5$ долларга тенг бўлади.

Агар жамғариладиган пенсия дастуридан олинаётган пенсия миқдори таянч пенсия миқдоридан ошиб кетса, у ҳолда қўшимча пенсия миқдори куйидагича анкланади:

$$\text{Таянч пенсия} - \text{Жамғариладиган дастур пенсияси} \times \frac{\text{Таянч пенсия}}{\text{Давлат томонидан белгилаб қўйиладиган пенсия}}$$

Мисол учун, жамғариладиган пенсия дастуридан олинаётган пенсия миқдори 200 доллар, таянч пенсия миқдори 140 долларга тенг бўлса, қўшимча пенсия миқдори $(140 - 200 \times 140/456) = 78,6$ долларга тенг бўлади.

1-даража – хусусий пенсия фондлари томонидан бошқариладиган мажбурий жамғариладиган пенсия дастурлари. Пенсия тизимининг ушбу даражаси жамғариладиган тамойилларга асосланади. 1-даражадаги пенсия дастурлари корпоратив дастурлар ҳисобланмайди. Пенсия дастури катнашчисига хусусий пенсия фондини танлаш ҳуқуқи индивидуал ҳисоб рақами очилган иш берувчи томонидан берилади.

Пенсиянинг жамғарилдиган қисмини шаклантиришда бадаллар ходимларнинг иш ҳақидан тўланади ва сугурталанувчи шахслар томонидан танланган пенсия фондидаги индивидуал пенсия ҳисоб рақамига ўтказиб борилади. Пенсиянинг жамғариладиган қисмига ўтказиладиган бадаллар ставкаси 10%га тенг. Лекин 10%дан кўп тўлаш ҳам мумкин. Шу билан бирга сугурталанувчи шахс томонидан иш ҳақидан 2,5% ҳажмда маъмурий харажатларни тўлайди. Қўшимча равишда 3,4% тиббий сугуртаси (ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсияларни молиялаштириш) тўланади. Сугурталанган шахслар у ёки бу фондни алмаштириш ҳуқуқига эга бўлишган. Пенсия фондини алмаштирган шахс ўзи билан бирга жамғарган капиталини ҳам олиб кетади.

Ҳар бир фуқарога бир фонддан иккинчисига ўтиш ҳуқуқи берилган. Сугурталанувчи пенсия ёшига етганда жамғарилган маблағларни қайтариб олиши ёки ушбу маблағлардан умрининг охиригача шахсий пенсия олиш мақсадида фойдаланиши мумкин. Агар у ёки бу пенсия фонди етарлича даромадни таъминлаб бера олмаसा, у холда пенсия муайян шартлар асосида давлат томонидан тақдим этилади.

Ўзини-ўзи банд қилган аҳоли, мисол учун ҳунармандлар бу фондларда ихтиёрий равишда сугурталаниши мумкин. Пенсия таъминотига қўшимча равишда ходимлар ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик учун эҳтиёт шарт сугурталанишлари лозим. Бу эса иш ҳақидан яна 3% пенсия фондига ажратилишига олиб келади. Сугурталанувчи пенсия ёшига етгач жамғармасидан икки хил йўл билан фойдаланиши мумкин:

- жамғарилган капиталда сугурта компаниясидан умрбод шахсий пенсия олиш учун фойдаланиши;

- компания билан ҳисоб-варакдан маблағларни режали равишда олиш ҳақида келишиши.

Бадал миқдори белгиланган бошқа тизимлардаги каби Чили тизимида ҳам пенсия таъминоти даражасини олдиндан баҳолаш кийин. Фондлар амалга оширадиган тўловлар маош билан боғлиқ сугурта бадалларидан, шунингдек, капитал жамғариш йўли билан олинган даромадлар ва яратилган захиралар ҳисобидан молиялаштирилади. Натижада пенсия қиймати ўртача иш ҳақининг ошиш суръатлари ва ссуда капитали бозоридаги фоиз ставкасининг ўзаро нисбати билан белгиланади. Фоиз ставкаси иш ҳақининг фоиз ҳисобида ўсишидан қанчалик юқори бўлса, пенсия таъминоти даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Натижада пенсияга чиқишдан олдинги иш ҳақи қийматининг 20-70% миқдорда пенсия олиш мумкин. Бу эса пенсия таъминоти даражасини режалаштириш шарт-шароитлари мураккаблигини акс эттиради.

2-даража – ихтиёрий корпоратив ва хусусий пенсия дастурлари. Чилида пенсия тизими катнашчиларига ихтиёрий бадаллар тўлаш учун иккинчи индивидуал пенсия счётлари очилга руҳсат берилган. Ихтиёрий бадаллар ва индивидуал пенсия счётларини хусусий пенсия фондиаридан

ташқари ўзаро фондлар ва банклар ҳам бошқариши мумкин. 2008 йилдан бошлаб иш берувчилар ихтиёрий пенсия дастурларини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Чилида ёшга донр пенсияга чиқиш талаблари. Мамлакатда эркакларнинг пенсияга чиқиш ёши 65 ни, аёлларда эса 60 ни ташкил этади. Пенсияга чиқишни белгиланган ёшга етмасдан ёки белгиланган ёшдан ўтгандан ҳам расмийлаштириш мумкин. Бу ҳол пенсия ҳажмини ошишига ёки қисқаришига олиб келиши мумкин.

Муддатидан олдин пенсияга чиқиш талаблари эса куйидагича:²³⁹ а) оғир шароитли ишларда ишлаганда (бадаллар ставкаси 14%, шундан 12%ини ишловчи ва 2%ини иш берувчи тўлайди); б) шахсий жамғарма счётида талаб этиладиган суммани жамғариб бўлганда: ойлик ажратмалар минимал пенсиянинг 80%идан кам бўлмаслиги ва охириги 10 йилдаги ўртача иш хақи миқдорининг 70%идан кам бўлмаслиги зарур билан белгиланади.

Пенсия олиш ҳуқуқи олингандан сўнг пенсия ҳисоб рақамларида жамғарилган капитал куйидаги механизмлар орқали конвертация қилиниши мумкин:

- ҳаётни аннуитет сугурталаш;
- маблағларни режалаштирилган ҳолда муомаладан чиқариш;
- турли аннуитетлар билан вақтинчалик даромад олиш.

Жамғарилган капиталнинг барчаси пенсияга айланттирилмайди. Агар пенсия тизими иштирокчиси олаётган пенсия миқдори минимал пенсиянинг 150%идан ортиқ бўлса ва иштирокчининг охириги 10 йилда солиққа тортиладиган даромадининг 70% ҳажмидан катта бўлса, ортиқча маблағ тизимдан чиқарилиши мумкин.

Меҳнатга бўлган лаёқат йўқотилганида ногиронлик бўйича пенсия тўланади. Агар сугурталанган шахс вафот этса индивидуал ҳисоб рақамидаги маблағлар уларнинг қариндошларига мерос қолади.

Чили пенсия тизими хусусий пенсия фондлари томонидан бошқарилади. Пенсия фондлари ўз омонатчиларига жамғармаларнинг минимал даромадлигини таъминлашлари ва турли рисклардан химоя қилишлари зарур. Учта етакчи хусусий пенсия фондлари Чили пенсия захираларининг 54%ини бошқаради. Чилида ташкил этилган пенсия фондлари инвестиция рисклари бўйича куйидаги беш турга ажратилади: А (юқори рискли), В, С, D ва E (энг паст рискли). Ушбу жамғармаларнинг асосини С жамғармаси ташкил этади. Мамлакатдаги мавжуд қонунчиликка мувофиқ турли пенсия жамғармаларининг молиявий дастаклар - ўзгарувчан даромадли (акциялар) ва давлат қимматли қоғозларига инвестициялар сарфлашга нисбатан чегаралар белгилаб қўйилган (13.4-жадвал).

Шунингдек қонунчиликда ҳар бир пенсия фондининг хорижий инвестициялардаги қатнашиш чегараси белгилаб қўйилган. Илк марта ушбу чегаранинг максимал даражаси 1990 йилда 20% белгиланган.

²³⁹ <http://www.oecd.org/els/public-pensions/PAG2017-country-profile-Chile.pdf>

Хусусий пенсия фондларини бошқарувчи компанияларга минимал 5 минг UF²⁴⁰ хажмда (Чили ҳукумати томонидан хар ойда аниқланадиган истеъмол савати киймати) капиталга эга бўлиш талаблар кўйилиб, иштирокчилар кўпайиши билан ушбу сумма кўпайиб боради. Иштирокчилар сони 5000 кишидан ошганда капитал 10 минг UF, 7500 кишидан ошганда - 15 минг UF, 10 000 кишидан ошганда - 20 минг UFни ташкил этади.

13.4-жадвал

Чили пенсия фондларида пенсия жамғармаларини инвестициялашдаги чекловлар

Фонд	Жамғармаларни инвестициялашдаги чекловлар	
	максимал	минимал
А – жуда юқори рискли	80%	40%
В - юқори рискли	60%	25%
С - ўртача	40%	15%
Д - паст	20%	5%гача
Е – жуда паст	5% гача	0%

Чили конунчилигида пенсия фондларига кўйилган жамғармаларнинг даромадлиги 4%дан кам бўлмаслиги, 30 йил давомида жамғарилган пенсия миқдори охириг ишлаган йилдаги иш ҳақининг 70%ини ташкил этиши зарур.

Чили фуқаролари ўзи истаган фондни танлаш ҳуқуқига эга, шу билан бирга бир фонддан иккинчи фондга ўтиш бир йилда 4 мартагача рухсат берилган.

Чилида давлат хусусий пенсия фондларига қўйидаги чекловларини ўрнатган:

- мажбурий захира фонди жами активлар кийматининг 1%дан кам бўлмаслиги керак;
- хусусий фондлар хар ойда масъул органга даромади бўйича ҳисобот топширишлари керак;
- пенсия фонди фаолияти тўғрисидаги маълумотлар хар йили камида 3 марта оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт.


Хусусий фонд фаолияти тўғрисидаги ҳисобот чуқур таҳлил қилинади ва агар даромадлар минимал даражала бўлса, давлат бу ҳолатнинг сабабларини алоҳида ўрганиб, пенсия фонд маъмуриятини бошқарувдан четлаштириши мумкин. Юқори даромадга эришиш учун хусусий фонд раҳбарияти инвестицияларни юқори хавф-хатарли қимматли коғозларга йўналтириши мумкин. Шунинг учун хусусий фонд фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда юқори даромад акс эттирилган бўлса, давлат бу ҳолатни алоҳида

²⁴⁰ Unidades de Fomento (UF) – Чилида фойдаланиладиган ҳисоб-китоб бирлиги. UF ва чили песоси ўртасидаги курс мунозам равишда инфляцияни ҳисобга олган ҳолда коррективроқ қилиб борилади.

ўрганиб, пенсия фонд маъмуриятини бошқарувдан четлаштириши мумкин. Бундай ҳолда пенсия фонд маъмурияти бир қисм активларни захирага ажратиб қўйиши талаб этилалди.

13.4. Чили пенсия тизимининг инвестицион фаоллигини ошириш йўналишлари

Жамғариладиган пенсия тизимини ислох этишнинг макроиктисодий самараси мамлакатдаги бандлик даражаси, таркиби ва ҳуқуқий шакли; жамғармалар ва инвестициялар ҳажми; капитал бозорининг ривожланганлик даражаси ва самарадорлиги; ишлаб чиқариш омиллари (капитал ва меҳнат)нинг унумдорлиги каби омилларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ушбу омиллар орасида пенсия жамғармалари алоҳида аҳамиятга эга. Мисол учун, 1981-2012 йилларда мажбурий пенсия жамғармалари миқдорининг ЯИМдаги улуши Чилида ўртача - 4,7, Колумбияда – 2,52, Мексикада – 1,70, Перуда – 0,5 %ни ташкил этгани ҳолда, ушбу жамғармалар ЯИМ таркибида ялли жамғармалар улушининг тегишлича 2,7%; 1,5%, 0,7% ва 0,3%гача ошишига олиб келган²⁴¹.



13.2-расм. Чили пенсия фондлари активлари қийматининг ўзгариши²⁴²

Чили пенсия фондлари 1981 йилдан йиллик 8,6%лик фойда билан ишлай бошлагандан сўнг Жануби-Шарқий Осиё, Шарқий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатлари Чили пенсия тизимидан андоза олишган. 2016 йилда Чили пенсия фондларида жамғарилган пенсия жамғармалари миқдори


²⁴¹ The private pension system's contribution to Latin American economic development. Experiences of Colombia, Mexico, Chile and Peru. / SURA Asset Management, 2014. P.41.

²⁴² Global Pension Assets Study 2016. P.6-12.

мамлакат яли ички маҳсулотининг 70%ини ёки 185,4 млрд долларга тенглашти (-расм). Ушбу жамғармаларнинг 61%и ёки 113 млрд доллари инвестицияларга йўналтирилган. Шунга қарамасдан мамлакатда ўртача пенсия миқдори 315 доллар атрофида ва ўртача иш хаки (384 долл) миқдоридан кам.

Чили пенсия фондларини бошқарувчи компаниялар (AFP - *Administradoras de fondos de pensiones de Chile*) ишчиларда ўз пенсия жамғармалари учун индивидуал масъулиятни шакллантириш учун хизмат қилади. AFP фондлар хусусий молиявий муассасалар ҳисобланади. Мазкур компаниялар ташкил этилган вақтдан бошлаб йиллик инфляциядан ўртача 3,7% юқори рентабелликни таъминлаб келмоқда. 2016 йилда бошқарув компанияларида 170 млрд доллар миқдоридан капитал жамғарилган ва уларнинг тахминан 40%и мамлакат ташқарисидан кимматли қўғозларга жойлаштирилган. Чилида 6 та - Capital, Cuprum, Habitat, PlanVital, ProVida, Modelo пенсия фондлари фаолият олиб боради.

AFPларнинг учтаси америка (Prudential Financial ва MetLife) фирмалари, иккитаси Бразилиянинг BTG Pactual ва Колумбиянинг Grupo Sura минтакавий фирмалари томонидан бошқарилади. Олтинчи AFP хусусий компания ҳисобланади.




13.3-расм. Чилида пенсия активларнинг пенсия фонди турлари ва бошқарув компаниялари бўйича тақсимланиши, % (31.10.2017 й.)²⁴³

Чилида пенсия жамғармалари хусусий пенсия бошқарув компаниялари ўртасида нотекис тақсимланган. Жумладан, 2017 йилда жами пенсия

²⁴³ INVERSIONES Y RENTABILIDAD DE LOS FONDOS DE PENSIONES. Octubre de 2017. <http://www.sspensiones.cl>

активларининг 27,4%и Habitat, 25,3%и ProVida хусусий пенсия фонллари хиссасига тўғри келди. Ушбу маблағларнинг 52,4%и В ва С фондларида жамғарилган (13.3-расм).

Чили пенсия фонллариини бошқарувчи компаниялар фондларда жамғарилган маблағларни қонунчиликда белгиланган тартибда инвестициялашади. Жумладан, 2015 йилда маблағларнинг 59%и облигациялар, 40%и акцияларга жойлаштирилган (13.4-расм).



13.4-расм. Чили пенсия фонллариини бошқарувчи компаниялар инвестициялари таркиби, 2015 й.²⁴⁴

2017 йил 31 август ҳолатига кўра Чили бошқарув компанияларида иштирок этаётган фуқаролар сони 5 млн 600 минг кишидан ошиб кетган. Пенсия ёшига етган ёки муддатидан олдин пенсияга чиққан фуқаролар сони 1 млн 500 минг кишини ташкил этади (13.5-жадвал).

Чили пенсия тизими дунёдаги молиявий барқарор тизимлардан бири эканлигига қарамасдан ҳозирда қатор муаммоларга дуч келмоқда. Жумладан, Чилида қоплаш коэффициенти ИХТТ мамлакатларига нисбатан паст даражада ва 38%га тенг. 2015 йилда ўртача пенсия миқдори 400 долларни ташкил этгани ҳолда, пенсионерларнинг 44%и 160 доллардан 260 долларгача пенсия олишган ва қамбағаллик чегарасида кун кўришади²⁴⁵.

Чили пенсия тизимидаги асосий муаммо меҳнат бозорининг хусусиятлари билан боғлиқ. Аксарият меҳнатга лаёқатли аҳоли (айниқса, аёллар ва ёшлар) ишсиз ёки норасмий секторда банд. Чилида 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган аҳолининг 62%и ҳақ тўланадиган иш билан банд. Ушбу кўрсаткич ИХТТ бўйича ўртача 67%га тенг. Эркақлар ўртасида ёлланма ишчилар улуши 72%ни, аёллар ўртасида эса 52%ни ташкил этади²⁴⁶. Иш ўринларининг тез-тез ўзгариб туриши ҳам жамғармаларни мунтазам

²⁴⁴ OECD (2015), *Pensions at a Glance 2015: OECD and G20 indicators*, OECD Publishing, Paris. http://dx.doi.org/10.1787/pension_glance-2015-en маълумотлари асосида тузилган.

²⁴⁵ www.bloomberg.org

²⁴⁶ <http://www.oecdbetterlifeindex.org/ru/countries/chile-ru/>

жамғариб бориш имконини пасайтиради, ўзини-ўзи банд этувчи аҳолини пенсия жамғармаларини жамғаришга ундаш янада мураккаб муаммо хисобланади.

13.5-жадвал

Чили бошқарув компаниялари аъзолари ва пенсионерлар сони, минг киши (2017 йил 31 август ҳолатига)²⁴⁷

Бошқарув компанияси	Иштирокчилар	Пенсия ёшига етганлар (1)			Муддатидан олдин пенсияга чиққанлар (2)			Жами
		эркаклар	аёллар	жами	эркаклар	аёллар	жами	
Capital	954,6	102,5	152,7	255,3	80,4	12,8	93,2	348,5
Cuprum	451,3	26,5	47,2	73,7	37,0	6,5	43,5	117,1
Habitat	1 186,8	90,4	145,9	236,3	65,1	10,2	75,3	311,6
Modelo	770,9	2,9	81,6	84,5	1,0	0,2	1,2	85,7
Planvital	733,2	41,0	51,5	92,6	17,0	2,7	19,7	112,38
Provida	1 534,3	196,2	250,6	446,8	83,8	12,8	96,6	543,5
Жами	5 631,4	459,6	729,6	1189,2	284,6	45,0	329,6	1 518,7

Чили хусусий пенсия фондлари бошқарувчилари уюшмаси маълумотларига кўра, фукароларнинг ярмидан кўпи пенсия жамғармаларини пенсияга чиқиш ёшига қадар 15 йил давомида шакллантиришган. 30 йиллик меҳнат стажини шароитида (пенсионерларнинг 16%игина 30 йиллик стажга эга) ўртача пенсия миқдори ўртача иш ҳақининг 77%ини ташкил этади.

Чили пенсия тизимидаги кейинги муаммо иқтисодий инкирозлар ва демографик муаммолар билан боғлиқ хисобланади. Чилида аёллар пенсия жамғармаларини ўртача 15 йил давомида шакллантиришади. 60 ёшда пенсияга чиққан аёл 90 ёшгача умр кўриши мумкин. Ушбу ҳолат пенсия жамғармалари унга 30 йил давомида даромад келтириб туриши зарурлигини англатади. Бунинг учун пенсия фондларининг даромадлилик даражаси жуда юқори бўлиши лозим. Узоқ муддатли ставкаларнинг 4%дан 2%гача қисқариши пенсиялар миқдорининг 20%га қисқаришига олиб келади. .

Чили пенсия тизимидаги яна бир муаммо пенсия фондлари томонидан белгиланадиган комиссия тўловлар миқдорининг юқорилиги билан боғлиқ хисобланади. 1981-2013 йилларда жамғармаларнинг даромадлилик даражаси

²⁴⁷ <http://www.spensiones.cl/safpstats/stats/paginaCuadrosCCEE.php?menu=sci&menuN1=cotycot&menuN2=afp>
маълумотлари асосида тузилган.

8,6%ни ташкил этгани ҳолда комиссиян тўловлар ушбу натижанинг 3%га қадар қисқаришига олиб келди.

Шу билан бир қаторда Чили пенсия тизими фуқароларнинг ишсизлик, меҳнат лаёқатини йўқотиш, фонд ставкаларининг ваколатлилиги каби муаммолар билан тўқнаш келишига олиб келади. Чили мазкур рискларни кам даромадли ишчилар ва барча солиқ тўловчилар ўртасида минимал давлат пенсиясини жорий этиш орқали қисман тақсимлашга эришди.

2017 йилда Mercer Global Pension Index рейтингига мувофиқ Чили пенсия тизими 8-ўринни эгаллади²⁴⁸. Mercer мутахассислари фикрича, Германиянинг рейтингдаги ўрни қуйидаги шартлар бажарилганда яхшиланиши мумкин:

- қўшимча пенсия дастурларидаги жамғармаларни олишнинг минимал муддатларини жорий этиш;
- пенсия тўловлари мунтазам тўловлар оқими (аннуитет) кўринишида амалга оширилиши талабини белгилаш;
- аҳолининг қамбағал гуруҳлари учун минимал пенсия белгилашни давом эттириш;
- пенсия тизимида соф коплаш коэффициентини ошириш мақсадида мажбурий бадаллар ставкасини ошириш;
- никоҳ бузилганда эр ва хотиннинг пенсия билан боғлиқ манфаатларини ҳимоя қилувчи меъёрларни қабул қилиш;
- пенсияга кеч чиқишни рағбатлантириш;
- уй хўжалиқларининг умумий жамғариш нормасини ошириш.

Назорат саволлари

1. Лотин Америкаси мамлакатларида пенсия ислохотларини амалга ошириш сабабларини тушунтириб беринг ва омилларини аниқланг.

2. Чили пенсия ислохотларини амалга оширишда қандай шарт-шароитлари мавжуд бўлган ва улар ислохотлар жараёнига қандай таъсир ўтказган?

3. Чили пенсия ислохотлари қандай тамойилларга асосланади?

4. Чили пенсия тизимини ислох этиш хусусиятларини баҳоланг ва босқичларини таҳлил этинг.

5. Чилида 2008 йилда амалга оширилган пенсия ислохоти натижасида пенсия тизимига бирдамлик тамойилининг қайта жорий этилиши сабабларини тушунтириб беринг.

6. Чили пенсия тизимининг таркибини таҳлил этинг.

²⁴⁸ https://www.mercer.com.au/content/dam/mercer/attachments/asia-pacific/australia/mmgpi-2017/au-2017-mmgpi-report.pdf?utm_medium=referral&utm_source=web&utm_campaign=mmgpi

7. Чили пенсия тизимида ижтимоий бирдамлик пенсиялари қандай аҳамиятга эга?

8. Чили пенсия тизими инвестицион фаоллигининг ошириш йўналишларини аниқланг.

Асосий тушунчалар

Лотин Америкаси – Жанубий ва Марказий Американинг катта ҳудудини эгаллайдиган, Испания ва Португалиянинг собиқ мустамлакалари жойлашган географик ҳудуд.

Таянч пенсия – Чилида давлат бюджети ҳисобидан 65 ёшга тўлган, мамлакатда 20 йилдан кам бўлмаган муддатда, жумладан пенсияга чиқишдан олдин 4 йил муқим яшаган кишиларга бериладиган пенсия.

Қўшимча пенсия – Чилида давлат бюджети ҳисобидан мажбурий жамғариладиган пенсия дастури ҳисобидан олинаётган пенсия миқдори ҳар йили давлат томонидан белгилаб қўйиладиган пенсия миқдоридан кам бўлган ҳолларда ажратиладиган пенсия.

Аннуитет – вақти-вақти билан тўлаб бориладиган пул (бадал, рента, даромад) суммаси.

Пенсия аннуитети – мажбурий пенсия бадаллари ҳисобидан шакллантирилган пенсия жамғармаларидан фойдаланиб умр давомида суғурта тўловларини амалга ошириш.

Чили пенсия фондларини бошқарувчи компаниялар (AFP) – ишчиларда ўз пенсия жамғармалари учун индивидуал масъулиятни шакллантириш учун хизмат килувчи, хусусий молиявий муассасалар.

Тестлар

1. Чилида жамғариладиган пенсия тизимига ўтиш билан боғлиқ пенсия ислохотлари қачон бошланган?

- а) 1981 й
- б) 1991 й
- в) 1974 й
- г) 1985 й

2. Чилида жамғариладиган пенсия тизимига ўтиш билан боғлиқ пенсия ислохотлари дастури ким томонидан ишлаб чиқилган?

- а) Х. Эченике
- б) А. Пиночет
- в) А. Сальвадор
- г) Х. Мерино

3. Чилида пенсиянинг жамғарилдиган қисмини шакллантиришда ундириладиган бадаллар ставкаси ходимларнинг иш ҳақига нисбатан неча фоизни ташкил этади?

- а) 10
- б) 8
- в) 12
- г) 14

4. Чилида пенсияга чиқиш ёши ...

- а) Эркакларда 65 ёш, аёлларда 60 ёш
- б) Эркакларда 62 ёш, аёлларда 60 ёш
- в) Эркакларда 63 ёш, аёлларда 55 ёш
- г) Эркакларда 60 ёш, аёлларда 55 ёш

5. Чилида давлат бюджети ҳисобидан 65 ёшга тўлган, мамлакатда 20 йилдан кам бўлмаган муддатда, жумладан пенсияга чиқишдан олдин 4 йил муқим яшаган кишиларга бериладиган пенсия ..

- а) Таянч пенсия –
- б) Қўшимча пенсия –
- в) Захира пенсия
- г) Ортикча пенсия

6. Чилида давлат бюджети ҳисобидан мажбурий жамғарилдиган пенсия дастури ҳисобидан олинаётган пенсия миқдори ҳар йили давлат томонидан белгилаб қўйиладиган пенсия миқдоридан кам бўлган ҳолларда ажратиладиган пенсия ...

- а) Қўшимча пенсия
- б) Таянч пенсия
- в) Захира пенсия
- г) Ортикча пенсия

7. Чилида жамғарилдиган пенсия тизимининг жорий этилиши қандай ижобий оқибатларга олиб келди?

- а) Капитал унумдорлигининг ортиши ва иқтисодий ўсишнинг жадаллашиши
- б) Ишсизлик ва инфляция даражасининг ортиши
- в) Давлат қарзининг ўсиши ва пенсия тўловларининг кечикиши
- г) Миграциянинг кучайиши ва капиталнинг четга чиқиб кетиши

8. Пенсия сиёсатида “Пенсия тўловлари оширилиши керакми?”, “Қанчага ва аҳолининг қайси гуруҳлари учун оширилиши лозим?” – деган саволларга қачон жавоб олиш мумкин?

- а) Тўлиқ жамғарилдиган пенсия тизимига ўтганда
- б) Пенсия тизими тўлиқ давлат ихтиёрида бўлганда

- в) Авлодлар бирдамлиги тамойили амал қилганда
- г) Аралаш пенсия тизимларида

9. Чилида фуқаро қачон хусусий пенсия тизимига қўшиллади?

- а) Меҳнат фаолиятини бошлаган вақтдан
- б) Меҳнат фаолиятини бошлашдан бир йил олдин
- в) Меҳнат фаолиятини бошлаган вақтдан бир йил кейин
- г) Ишсиз юрган вақтда


10. Қуйидагилардан қайси бири Чили пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади?

- а) Ишсиз ёки норасмий секторда бандлар улушининг юқорилиги
- б) Бюджет тақчиллиги
- в) Мамлакат ташқи қарзининг юқорилиги
- г) Аҳолининг қариш жараёни

XIV БОБ. БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

14.1. Болтиқбўйи республикаларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг умумий ва фаркли жиҳатлари

Болтиқбўйи мамлакатлари таркибига географик жиҳатдан Шарқий Европа ҳудудига жойлашган Латвия, Литва ва Эстония давлатлари киради. Мазкур мамлакатлар гуруҳида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг миллий дастурлари ишлаб чиқилишида умумий жиҳатлари билан бир каторда ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлган чора-тадбирлар тизими амал қилади. Масалан, Латвия ва Литва мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси мамлакатларда кам даромадга эга бўлган аҳоли қатламлари сонини камайтириш ва камбағалликка қарши курашишга йўналтирилган. Эстонияда эса ушбу стратегия йўналиши аҳолининг айрим ижтимоий гуруҳларига йўналтирилган бўлиб, ушбу гуруҳлар мақсадли (яъни манзилли) ижтимоий ҳимояни амалга оширилиши сифатида қаралади (14.1-расм).



14.1-расм. Болтиқбўйи мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясининг умумий ва фаркли жиҳатлари²⁴⁹

14.1-расм маълумотлари шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими манзиллилиikka йўналтирилган. Латвия ва Литва мамлакатларида кам даромадли аҳоли қатламларини аниқлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш ўз навбатида мақсадга йўналтирилган ижтимоий нафақалар орқали амалга оширилади. Ушбу аниқлаш усули мамлакатларда текширилган ижтимоий муҳтожлик нафақаси деб аталади. Шу билан бир каторда универсал ижтимоий нафақалар мавжуд бўлиб, улар текширилмаган ижтимоий муҳтожлик нафақалари деб аталади.

²⁴⁹ Краткий обзор социальной политики и порядок установления инвалидности в странах Балтии. ПРООН в Узбекистане. Т., 2015. С. 4-8 маълумотлари асосида.

Умуман олганда ҳар иккала турдаги нафакалар бевосита мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган ҳисобланади.

Эстонияда ишлаб чиқилган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмида назарда тутилган ижтимоий гуруҳлар таркибига фарзанди бор бўлган ёш оилалар, ишсизлар (жумладан, иш қидираётганлар ва узок муддатдан бери ишсиз бўлган аҳоли қатламлари), айрим турдаги банд аҳоли гуруҳлари (норасмий секторда ихтиёрий банд бўлганлар, тўлик бўлмаган иш кунда бандлар, маълумоти юқори бўлмаган ва касби бўйича қуйи малакага эга бўлган банд аҳоли қатламлари), махсус эҳтиёжга эга бўлган фуқаролар (ногиронлар ва инсон ҳаёти учун хавfli ҳисобланган сурункали касаллик аниқланган шахслар), кекса аҳоли қатламлари (60 ва undan юқори ёшдагилар), жамиятнинг маргинал гуруҳлари (жамият ҳаётига етарли даражада мослаша олмаган жисмоний шахслар. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда мазкур гуруҳга мансуб аҳоли сони 50-70 минг киши атрофида эканлиги аниқланган) (14.2-расм).



14.2-расм. Эстонияда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси камраб олган аҳолининг ижтимоий гуруҳлари²⁵⁰

Болтиқбўйи мамлакатларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари давлат бюджети ва турли максадли фондлар (мажбурий тиббий сугурта фондлари, бандлик фонди, давлат ижтимоий сугурта фонди ва бошқалар) томонидан молиялаштирилиб, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш учун ушбу мамлакатлар гуруҳида универсал ва максадга йўналтирилган ижтимоий нафакалар тайинланади. Ушбу ҳолат истеъмол бозоридаги талабни рағбатлантиришга хизмат кўрсатади ва аҳолининг

²⁵⁰ Краткий обзор социальной политики и порядок установления инвалидности в странах Балтии. ПРООН в Узбекистане. Т., 2015. С. 4-8 маълумотлари асосида.

маълум бир даражадаги эҳтиёжларини қондирилишида муҳим аҳамият касб этади (14.3-расм).



14.3-расм. Болтиқбўйи мамлакатларида аҳолини ижтимоий химоя қилишга йўналтирилган ижтимоий нафақалар²⁵¹

Универсал ижтимоий нафақалар аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари учун уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган нафақаларни ўз ичига олади. Ушбу ҳолат аҳолининг истеъмолини янада яхшилашга хизмат қилиб, мамлакатдаги инфляция даражасининг аҳоли даромадлариغا салбий оқибатларини юмшатишига олиб келади.

Мақсадга йўналтирилган ижтимоий нафақалар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож катламлари учун тайинланадиган пул маблағлари ҳисобланади. Ушбу нафақаларни олиш учун фуқаролар тегишли тартибда мамлакатда ўрнатилган яшаш минимумидан паст даражадаги турмуш фаровонлигига эга бўлиши лозим. Ушбу нафақалар бевосита аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож бўлган аҳоли катламларини у ёки бу даражада эҳтиёжларини қондиришни назарда тутаяди ва мамлакатда камбағалликдан химояланишнинг ўзига хос усули сифатида намоён бўлади.

Аҳолини ижтимоий химоя қилиш тизими Болтиқбўйи мамлакатларида таълим ва соғлиқни сақлаш каби ижтимоий хизматларни ҳам кўрсатилади. Бунга сабаб меҳнат бозорида ишчи кучининг маълумоти ва касбий малакаси даражасини ошириш ва уларни саломатлигини таъминлаш ҳисобланади, шу билан бир қаторда ушбу хизматлардан фойдаланиш учун сарфланадиган аҳоли харажатларини маълум даражада тежаш имконини беради.

Болтиқбўйи мамлакатларида аҳолини ижтимоий химоялаш тизими манзилли йўналтирилган бўлиб, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтожлиги даражасидан келиб чиққан ҳолда уларга тегишли нафақалар тайинланади. Шу билан бир қаторда мамлакатда ижтимоий адолатлиқни таъминлаш максалида универсал ижтимоий нафақаларнинг тайинланиши аҳолининг турмуш фаровонлигини мунтазам ошириб бориш имкониятини вужудга келтиради.

²⁵¹ В. Трубин, Н. Николаева, М. Палеева, С. Гавдифаттова. Социальная поддержка населения в зарубежных странах // Аналитический центр при правительстве Российской Федерации. Социальный бюллетень. 2016. Выпуск № 6. Июнь. С. 7-10 маълумотлари асосида

14.2. Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия таъминоти тизими ва уни ривожланиш тенденциялари

Болтиқбўйи мамлакатлари пенсия таъминоти тизими уч даражали пенсия тизими бўлиб, таркибий жиҳатдан давлатнинг мажбурий фондлаштирилмаган давлат пенсия таъминоти дастури, давлатнинг фондлаштирилган пенсия таъминоти схемаси ва хусусий-ихтиёрий пенсия таъминоти дастурларини ўз ичига олади. Бунда давлатнинг мажбурий фондлаштирилмаган пенсия дастури асосида давлатнинг базис пенсия тўловлари авлодлар бирдамлиги тамойили асосида молиялаштирилади.




14.4-расм. Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия таъминоти тизимини молиялаштириш механизми²⁵²

²⁵² <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook>; <http://www.allianz.com>; Краткий обзор социальной политики и порядок установления инвалидности в странах Балтии. ПРООН в Узбекистане. Т., 2015. С. 4-15 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Иккинчи даражадаги давлатнинг фонлаштирилган пенсия дастури асосида жамғариладиган тамойилга асосланган ҳолда пенсия фондида жамғарма капитал тўпланиб, ундан инвестицион дастурларни молиялаштириш орқали пенсия фондининг кўшимча даромадлари шакллантирилади. Фуқаро ихтиёрий равишда учинчи даражадаги пенсия сугуртаси дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб, бунда у ўз кексалик даври турмуш фаровонлиги кўрсаткичини сугурталаш имконига эга бўлади (14.4-расм).

Эстонияда иш берувчи иш хаки фондига нисбатан 20 % ягона ижтимоий тўлов тўласа, ишловчи ходим эса иш хакига нисбатан 2 % пенсия сугуртаси бадали тўлайди. Иш берувчи томонидан тўланган 20 % ягона ижтимоий тўловнинг 16 % қисми 1-даражадаги пенсия дастурини молиялаштиришга йўналтирилса, қолган 4 % ва ишловчи ходимнинг 2 %лик пенсия сугуртаси бадали 2-даражадаги пенсия схемасини капитализациялашга йўналтирилади.




14.5-расм. Болтикбўйи мамлакатлари аҳолисининг ёш ва жинсий таркиби, 2016 й. (минг киши)²⁵³

²⁵³ <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook> маълумотлари асосида

Латвияда иш берувчи томонидан иш хаки фондига нисбатан 10 % ягона ижтимоий тўлов ва ишловчи ходимнинг иш хакига нисбатан 10% пенсия суғуртаси бадали солиқ сифатида ушлаб қолинади. Бундан 1-даражага иш берувчининг ягона ижтимоий тўлови ва ишловчи ходимнинг 5%лик пенсия суғуртаси бадали йўналтирилса, 2-даражадаги пенсия схемасига эса ишловчи ходимдан ушлаб қолинган қолган 5 % пенсия суғуртаси бадали ўтказилади.

Литвада иш берувчининг ягона ижтимоий тўлови иш хаки фондига нисбатан 23,3 %ни ташкил этиб, ягона ижтимоий тўловнинг 73,4 фоизи 1-даражадаги пенсия схемасини молиялаштиришга йўналтирилади ва қолган қисми билан биргаликда ишловчи ходимнинг иш хакига нисбатан 3 %лик пенсия суғуртаси бадали 2-даражадаги пенсия дастурини молиялаштиришга ажратилади.²⁵⁴

Ҳар бир мамлакатнинг пенсия таъминоти тизими ҳолатини баҳолашда улардаги демографик вазият ва аҳоли бандлиги даражасини таҳлил қилиш лозим. 2016 йилда аҳоли сони Эстонияда 1,3 млн, Латвияда 2,0 млн, Литвада эса 3,0 млн га етди. Мамлакатларни меҳнат лаёқатига эга бўлган 15-54 ёшдаги аҳоли улуши бўйича таҳлил қилсак, Эстонияда 50,9 фоиз, Литва ва Латвияда эса қарийб 52 фоизни ташкил этди.²⁵⁵ Эстония ва Латвия мамлакатларида 1985-1990 йиллар, Литвада эса 1955-1960 йилларда тугилиш энг юқори кўрсаткични қайд этган йиллар ҳисобланади²⁵⁶. Бу эса ўз навбатида ушбу мамлакатлар гуруҳининг демографик дивидент шароитида эканлигидан далолат беради (14.5-расм).



14.6-расм. Болтикбўйи мамлакатларида аҳоли умр давомийлиги кўрсаткичлари, 2016 й. (йил ҳисобида)²⁵⁷

Мамлакатларда аҳоли саломатлиги, таълим ва касбий малакавий даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу чора-тадбирлар тизими аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурининг таркибий қисми ҳисобланади. 2016 йилда аҳоли саломатлигини яхшилаш учун Эстонияда

²⁵⁴ Allianz International Pensions Country Factsheets 2015. P. 26, 28-29 <http://www.allianz.com>

²⁵⁵ <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook> маълумотлари асосида

²⁵⁶ Allianz International Pensions Country Factsheets 2015. P. 26, 28-29. <http://www.allianz.com> маълумотлари асосида

²⁵⁷ <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook> маълумотлари асосида

ЯИМга нисбатан 6,4 фоиз, Литвада 6,6 фоиз, Латвияда эса 5,9 фоиз маблағлар йўналтирилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилган чоратadbирлар бугунги кунда мамлакатлардаги аҳолининг умр давомийлиги кўрсаткичини ортишига олиб келмоқда. Мазкур кўрсаткич 2016 йилга келиб Эстонияда 76,7 йил, Литвада 74,9 йил, Латвияда эса 74,5 йилни ташкил этди (14.6-расм).²⁵⁸

Болтиқбўйи мамлакатларида амал қилаётган қонунчиликка асосан уларда ўрнатилган пенсия ёшини қайта қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Латвияда 2008 йилдан бошлаб эркеклар ва аёллар учун пенсия ёши 62 ёш этиб белгиланиб, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқаро 10 йиллик меҳнат сугуртаси стажига эга бўлиши керак. Литвада эса ушбу кўрсаткич мос равишда 62,5-60 ёш бўлиб, меҳнат сугуртаси стажи 30 йилдан кам бўлмаслиги лозим. Эстонияда бўлса меҳнат сугуртаси стажи 15 йилни ташкил этиб, эркеклар учун пенсия ёши 63 ёш бўлса, аёллар учун пенсия ёши уларнинг туғилган йилидан келиб чиққан ҳолда 60-63 ёш ўртасида 6 ойлик тафовут билан белгиланган (14.1-жадвал).

14.1-жадвал

Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия ёши ва талаб этиладиган меҳнат сугуртаси стажи²⁵⁹


Мамлакат	Йил	Меҳнат сугуртаси стажи (йилда)		Пенсия ёши		
		Эркеклар	Аёллар	Эркеклар	Аёллар	
Латвия	2007 й.дан	10	10	62 ёш	61,5 ёш	
	2008 й.дан				62 ёш	
Литва	2006 й.дан	30	30	62,5 ёш	60 ёш	
Эстония	Туғилган йили		15	15	63 ёш	
	Эрк.	Аёл.				
		1947				60 ёш
	1938	1948				60,5 ёш
		1949				61 ёш
		1950				61,5 ёш
		1951				62 ёш
		1952				62,5 ёш
1953		63 ёш				

Амалга оширилаётган тадқиқотларимиз натижаларига янада аниқлик киритиш мақсадида, ушбу мамлакатлар гуруҳидаги меҳнат бозори ҳолатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Болтиқбўйи мамлакатларида аҳолининг касбий малака даражасини ошириш мақсадида таълим хизматларини кўрсатиш мақсадида мунтазам тарзда чора-тадбирлар амалга оширилиб

²⁵⁸ <https://www.cta.gov/library/publications/the-world-factbook> маълумотлари асосида


²⁵⁹ Allianz International Pensions Country Factsheets 2015. P. 26, 28-29. <http://www.allianz.com> маълумотлари асосида тузилган.

келинади. Биргина 2016 йилнинг ўзида Эстония 4,8 фоиз, Литва 4,6 фоиз Латвия эса 4,9 фоиз ЯИМга нисбатан таълим тизимига маблағ ажратди. Ушбу соҳада амалга оширилган ислохотларнинг самарадорлиги туфайли мамлакатларда аҳоли бандлиги таъминланди. 2016 йилда ишсизлик кўрсаткичи Эстонияда 6,5 фоизни, Литвада 8,2 фоиз, Латвияда эса 9,6 фоизни ташкил этди (14.7-расм).



14.7-расм. Болтиқбўйи мамлакатларида меҳнат бозорини тавсифловчи кўрсаткичлар, 2016 й.²⁶⁰

Болтиқбўйи республикаларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларининг узлуксиз тарзда амалга оширилиши натижасида аҳоли даромадлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Ўртача ҳисобда олганда ушбу мамлакатлар гуруҳида 2005 йил нархларида ҳисоблаганда, 2005-2016 йилларда пенсия тизими ҳисобидан кекса аҳоли катламларининг даромадлари 0,6 фоизга ёки 1,5 баробарга ортганини кўришимиз мумкин (14.8-расм).




14.8-расм. Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия дастури ҳисобидан шаклланган кекса ёшдаги аҳоли даромадлари (аҳоли жон бошига минг евро, 2005 й. нархларида)²⁶¹

²⁶⁰ <https://www.cia.gov/library/publications/the-world-factbook> маълумотлари асосида тузилган

²⁶¹ Eurostatistics – 05/2016 edition. Principal European Economic Indicators (PEEIs) маълумотлари асосида тузилган.

Аҳолини ижтимоий химоя қилишда универсал нафақаларнинг тайинланиши мамлакатлардаги ижтимоий адолатлиликни таъминлаш ва аҳоли турмуш фаровонлиги кўрсаткичини изчил ва мунтазам ошириб бориш каби вазифаларни ҳал этишини аввалги бўлимларда келтирилган маълумотлар асосида кузатиш мумкин. 2005-2016 йилларда Болтиқбўйи мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг харид қобилияти паритети кўрсаткичи ўрта ҳисобда 2 баробарга ортганини кузатиш мумкин (14.9-расм).



14.9-расм. Болтиқбўйи мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг харид қобилияти паритети кўрсаткичлари (минг евро ҳисобида, аҳоли жон бошига)²⁶²

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатишича, Болтиқбўйи мамлакатлари пенсия тизими ўзига хос равишда ташкил этилган бўлиб, ушбу мамлакатлар гуруҳида пенсия таъминоти тизими кекса аҳоли қатламларини ижтимоий химоя қилиш чора-тадбирлари дастурида муҳим аҳамият касб этади. Болтиқбўйи мамлакатларида амал қилаётган пенсия тизими кекса аҳоли қатламларининг муносиб даражадаги турмуш фаровонлигини таъминлаш учун етарли шарт шароитлар яратиб бермоқда.

14.3. Болтиқбўйи мамлакатларида пенсия тизимини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари

Жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишда аввало мамлакатдаги демографик вазиятни инобатга олган ҳолатда ёндашади. Халқаро экспертлар томонидан ишлаб чиқилган илмий прогнозларга кўра, 2050 йилга бориб Болтиқбўйи мамлакатлари аҳолиси сони бир мунча камайиб, кекса аҳолининг боғлиқлик коэффициентини кўрсаткичи ортади. Ушбу кўрсаткич Литвада 43,2га, Эстонияда 43,0 га ва Латвияда эса 37,8 га етиши кутилмоқда (14.2-жадвал).

²⁶² Eurostatistics – 05/2016 edition, Principal European Economic Indicators (PEEIs), маълумотлари асосида тузилган.

Мазкур мамлакатлар гуруҳида аҳолининг юкори қатламидан кексайиш жараёни ривожланиб бориши ва туғилиш коэффициентининг камайиши ҳисобига меҳнатга лаёқатли ва пенсия ёшидаги аҳоли ўртасидаги нисбатни ортиб бориши ўз навбатида пенсия тизимида молиявий бекарорлик муаммоларини вужудга келтириши мумкин.

Болтикбўйи мамлакатларида халқаро экспертлар ва мамлакатлар ҳукуматлари томонидан пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Литва ҳукумати демографик ўзгаришларни инobatта олган ҳолатда 2050 йилга бориб пенсия тўловларини молиялаштиришга йўналтирилаётган харажатларни мамлакат ЯИМга нисбатан 10,4 %дан ортиб кетмаслигига эришни мақсадида, муддатдан илгари имтиёзли муддатда пенсияга чиқиш бўйича ҳукукий-норматив базаларни қайта кўриб чиқиш ва уларни бекор қилишга қаратилган ишларни бошлаб юборди. Шу билан бир қаторда давлат пенсия таъминоти тизимида жамғарилаётган компонентга асосланган пенсия схемасига устуворлик бериб, пенсия фондларида шаклланган молиявий ресурсларни инвестицион фаолиятни молиялаштиришга йўналтиришни янада рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини такомиллаштиришга қаратилган амалий ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

14.2-жадвал

Болтикбўйи мамлакатларида демографик вазиятларнинг ўзгариши²⁶³

Кўрсаткичлар	Литва		Эстония		Латвия	
	2015 й.	2050 й.	2015 й.	2050 й.	2015 й.	2050 й.
Умумий аҳоли сони (миң кишида)	3,000	2,600	1,300	1,100	2,000	1,700
Кекса аҳолининг боғлиқлик коэффициенти	22,8	43,2	28,2	43,0	28,2	37,8
Пенсия тўловларини молиялаштириш харажатлари (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)	2010 й.	2050 й.	2010 й.	2050 й.	2010 й.	2050 й.
	6,5	10,4	6,4	5,3	5,1	5,8

Эстония ҳукумати биринчи галда пенсия ёшини ошириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларни амалга оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. 2026 йилга бориб ҳукумат томонидан эркаклар ва аёлларнинг пенсия ёшини бирдек, яъни 65 ёшга кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар 2016 йилдан бошлаб амалиётга таъбиқ этилиб келинмоқда. Шу билан бир қаторда улар пенсия тўловларини ҳисоблаш ва индексациялаш тартибини қайта кўриб

²⁶³ Allianz International Pensions Country Factsheets 2015. P. 26, 28-29. <http://www.allianz.com> маълумотлари асосида тузилган.

чиқиш оркали 2050 йилга бориб пенсия тўловларини молиялаштириш харажатларини мамлакат ЯИМдаги улушини 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 1,1 % пункт бирликка кискартиришни режалаштирган ҳолда, ушбу кўрсаткични 5,3 фоз бўлишини таъминлашга эришиш мақсадида ҳукумат чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқди.

Латвия ҳукумати мамлакатда амал қилаётган уч даражали пенсия тизимини сақлаб қолган тарзда, тақсимот тамойилига асосланган пенсия дастури фақатгина аҳолини ижтимоий муҳтожликдан ҳимоялаш мақсадида базис пенсиялар миқдорини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг миқдорини иложи борича кискартириш билан бир каторда, аҳолининг 2-3 даражали пенсия дастури оркали суғурталанишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шунингдек, пенсия фондларининг молиявий активларидан қимматли қоғозлар бозори ва инвестицион дастурларни молиялаштириш амалиётини янада кучайтириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда устуворлик қилишга қаратмоқда.

Болтиқбўйи мамлакатлари ўрта муддатли истиқболда пенсия тизимини ислох этишда қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар:

- аҳоли бандлигини рағбатлантириш ва пенсия суғуртаси бадаллари тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш;
- аҳолини хусусий пенсия фондларида суғурталанишини рағбатлантириш;
- пенсия фондларининг молиявий активларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичини ошириш;
- пенсия фондлари харажатларини молиялаштиришнинг муқобил вариантларини топиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш.

Назорат саволлар

1. Болтиқбўйи мамлакатларининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимларидаги умумий ва фарқли жиҳатларини шарҳланг?

2. Болтиқбўйи мамлакатларида амал қилаётган пенсия тизимини молиялаштириш механизмни тушунтириб беринг?

3. Болтиқбўйи мамлакатлари пенсия тизимининг таркибий компонентларини изоҳланг?

4. Болтиқбўйи мамлакатлари пенсия таъминоти тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларнинг моҳиятини тушунтиринг?

5. Болтиқбўйи мамлакатларида амал қилаётган пенсия тизимларини қиёсий таққосланг ва фарқли жиҳатларини аниқланг?

Асосий тушунчалар

Маҳсуе эҳтиёжга эга бўлган фуқаролар – бу жамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан эҳтиёжлари фарқланадиган ногиронлар ва инсон ҳаёти учун хавфли ҳисобланган сурункали касалликлар аниқланган шахслардан ташкил топган ижтимоий гуруҳлари ҳисобланади.

Жамиятнинг маргинал ижтимоий гуруҳлари – ушбу гуруҳ вакиллари жамият ҳаётига етарли даражада мослаша олмаган жисмоний шахслар ҳисобланади. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда мазкур гуруҳга мансуб аҳоли сони 50-70 минг киши атрофида эканлиги аниқланган.

Универсал ижтимоий нафақалар – аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари учун уларнинг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган нафақаларни ўз ичига олади. Ушбу ҳолат аҳолининг истеъмолини янада оширишга хизмат қилиб, мамлакатдаги инфляция даражасининг аҳоли даромадларига салбий таъсири оқибатларини юмшатишига олиб келади.

Мақсадга йўналтирилган ижтимоий нафақалар – аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламлари учун тайинланадиган пул маблағлари ҳисобланади. Ушбу нафақаларни олиш учун фуқаролар тегишли тартибда мамлакатда ўрнатилган яшаш минимумидан паст даражадаги турмуш фаровонлигига эга бўлиши лозим ҳисобланади

Давлатнинг мажбурий фондлаштирилмаган пенсия дастури – Болтиқбўйи мамлакатларида амал қилаётган биринчи даражали пенсия таъминоти дастури бўлиб, ушбу дастур орқали давлат фуқароларни муҳтожликдан ҳимоялаш мақсадида минимал (базис) пенсиялар билан таъминлайди.

Давлатнинг фондлаштирилган пенсия дастури – Болтиқбўйи мамлакатларида амал қилаётган иккинчи даражали пенсия таъминоти дастури бўлиб, фуқароларга пенсия ёшига етган даврдан бошлаб ушбу пенсия дастури ҳисобидан тўланган сугурта бадалларини инобатга олган ҳолда қўшимча пенсия тўловлари молиялаштирилади.

Тестлар

1. Қайси ижтимоий гуруҳ вакиллари жамият ҳаётига етарли даражада мослаша олмаган жисмоний шахслар ҳисобланади

- а) Маргинал
- б) Ногирон
- в) Сурункали ва юқумли касаллар

- г) Пенсиялар
2. Аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари учун турмуш даражасини оширишга йўналтирилган нафакалар қандай номланади?
- а) Универсал ижтимоий нафакалар
 - б) Мақсадга йўналтирилган ижтимоий нафакалар
 - в) Пенсия тўловлари
 - г) Иш ҳақи
3. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож катламлари учун тайинланадиган пул маблағлари қандай номланади?
- а) Мақсадга йўналтирилган ижтимоий нафакалар
 - б) Пенсия тўловлари
 - в) Иш ҳақи
 - г) Универсал ижтимоий нафакалар
4. Жамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан эҳтиёжлари фарқланадиган ижтимоий гуруҳ вакиллари қандай номланади?
- а) Махсус эҳтиёжга эга бўлган фуқаролар
 - б) Пенсиялар
 - в) Талабалар
 - г) Жамиятнинг маргинал ижтимоий гуруҳлари
5. Эстонияда 1949 йил тутилган аёллар учун пенсия ёши неча ёшни ташкил этади?
- а) 61 ёш
 - б) 61,5 ёш
 - в) 62 ёш
 - г) 62,5 ёш
6. Латвияда 2007 йилда аёллар учун пенсия ёши неча ёш бўлган?
- а) 61,5 ёш
 - б) 62 ёш
 - в) 62,5 ёш
 - г) 63 ёш
7. Литвада пенсия олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун фуқаро неча йиллик меҳнат стажига эга бўлиши керак?
- а) 30 йил
 - б) 20 йил
 - в) 15 йил
 - г) 10 йил
8. Эстонияда нечанчи йилдан кейинги даврда тутилган аёллар учун пенсия ёши 63 ёшни ташкил этади?
- а) 1953 йил
 - б) 1952 йил
 - в) 1951 йил
 - г) 1950 йил

9. Латвияда пенсия олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун фуқаро неча йиллик меҳнат стажига эга бўлиши керак?

- а) 10 йил
- б) 15 йил
- в) 20 йил
- г) 30 йил

10. Литвада эркеклар ва аёлларнинг пенсия ёши ўртасидаги тафовут неча ёшни ташкил этади?

- а) 2,5 ёш
- б) 2,0 ёш
- в) 1,5 ёш
- г) Пенсия ёши тенг

XV БОБ. МДХ ДАВЛАТЛАРИ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ

15.1. МДХ мамлакатлари пенсия тизимида амалга оширилган ислохотларнинг умумий ва фаркли жihatлари

СССР парчаланishiнинг натижасида собик иттифок таркибига кирган катор мамлакатларда иктисодий ҳолатини ёмонлашуви, режали иктисодий тизимдан бозор иктисодиётига ўтиш зарурати, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни чуқурлаштириш, кекса ёшдаги фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида туб ислохотларни амалга оширишни талаб этарди. Ўтиш иктисодиёти мамлакатларида вужудга келган мураккаб иктисодий вазиятни инobatта олган ҳолда, мамлакатлар ижтимоий таъминот тизимида, жумладан, пенсия таъминоти тизимида туб ислохотларни амалга оширишга киришдилар.

МДХ мамлакатларида пенсия таъминоти тизимининг амал қилиш механизми, уни ислох этиш йўналишлари ва эришилган натижаларни кўп сонли иктисодчи олимлар тадқиқ этганлар. Жумладан, Россиялик иктисодчи олим В. Роик томонидан амалга оширилган тадқиқотларга кўра, МДХ мамлакатларида пенсия тизимини ислох этиш йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:²⁶⁴

- пенсия тизимлари фаолиятини иктисодий, молиявий ва ташкилий жihatдан янгидан ташкил этиш зарурати;
- МДХ мамлакатларининг аксариятида деиндустиаллашиш жараёнларининг чуқурлашуви, ёлланма ишчилар улшининг иктисодиётга давлат аралашувининг чекланиши туфайли давлат пенсия таъминотини мажбурий ва ихтиёрий пенсия суғуртасига алмаштириш эҳтиёжининг юзага келиши;
- демографик омиллар таъсирида меҳнат бозорига ёлланиб ишловчилар сонининг қисқариши, пенсия юклагасининг ортиши.

Евросиё тараққиёт банки экспертлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, XX асрнинг 90 йиллари бошида МДХ мамлакатлари олдига пенсия таъминоти тизими билан боғлиқ бўлган катор вазибаларни ҳал этиш долзарб аҳамиятга эга бўлди:²⁶⁵

- аҳоли бандлигини ошириш асосида пенсия фонди даромадлари базасини мустаҳкамлаш;
- пенсия фондларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш (пенсия суғуртаси бадали ва пенсия тўлови ўртасидаги номутаносибликларни қисқартириш);

²⁶⁴ Роик В.Д. Пенсионные реформы в странах СНГ: итоги и "развилки" возможных преобразований. Новая архитектура пенсионного обеспечения. <http://pfr.pba.su/Content/Read/123>

²⁶⁵ Мобильность пенсий в рамках Евразийского экономического союза и СНГ. ЦНИ ЕАБР, 2014. 102 с. <http://www.eabr.org/ri/research/centre/projects/CI/>

– пенсионерларнинг турмуш фаровонлиги кўрсаткичини иложи борича мамлакадаги ўрта даражадаги турмуш фаровонлиги тушиб кетишига йўл қўймаслик;

– пенсия фондлари харажатларини молиялаштиришнинг алтернатив вариантларини излаш ва бошқалар.

XX асрнинг 90-95 йилларида МДХ мамлакатларида амалга оширилган пенсия ислохотларини умумий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:²⁶⁶

– “таксимот” тамойилига асосланган пенсия тизимини сақлаб қолиш, пенсия тизимини давлат томонидан бошқариш амалиётидан фойдаланиш, янги суғурта механизмидан фойдаланиш имконини берувчи пенсия инфратузилмасини шакллантириш (Озарбайжон, Арманистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон);

– индивидуал пенсия суғуртаси механизмни жорий этиш, шартли-жамғариладиган счётлар, жамғариладиган пенсия ва нодавлат пенсия суғуртаси тамойиллари асосида ташкил этилган янги пенсия институтларини жорий этиш максатида пенсия тизимини тубдан ислох этиш (Беларусь, Қозоғистон, Россия, Украина).

МДХ мамлакатларида амалга оширилган пенсия таъминоти тизими ислохотларининг вазифалари қуйидагилар билан белгиланди:²⁶⁷

– пенсия институтларини (меҳнат ва ижтимоий пенсиялар) даромадлар ва тўловлар манбаи бўйича ажратиш;

– давлат ва нодавлат пенсия тизимларида суғурта элементларини жорий этиш;

– пенсия тўловларини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг суғурта инфратузилмасини шакллантириш.

Умуман олганда, МДХ мамлакатлари пенсия тизимлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, аҳолининг қариб бориш жараёнининг чуқурлашуви ва ишчи кучи сонининг қисқариб бориши шароитида пенсия тизимининг узок муддатли даврда молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари уларнинг барчаси учун ҳосдир.

МДХ мамлакатларида амал қилаётган пенсия тизимининг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асосларининг таҳлили қуйидаги хулосаларни олиш имконини беради:²⁶⁸

Биринчидан, пенсия тизимларининг таркибий жиҳатдан фарқланиши. Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Арманистон мамлакатлари пенсия тизими уч даражали пенсия схемаси дастурига асосланган бўлиб, мажбурий жамғариладиган компонентнинг устуворлиги кўзга ташланади.

²⁶⁶ Ройк В.Д. Пенсионные реформы в странах СНГ: итоги и “развилки” возможных преобразований. Новая архитектура пенсионного обеспечения. <http://pfr.pba.su/Content/Read/123>

²⁶⁷ Ройк В.Д. Пенсионные реформы в странах СНГ: итоги и “развилки” возможных преобразований. Новая архитектура пенсионного обеспечения. <http://pfr.pba.su/Content/Read/123>

^{268 268} Мобильность пенсий в рамках Евразийского экономического союза и СНГ. ШНИ ЕАБР, 2014. 102 с. <http://www.eabr.org/ri/research/centre/projects/CI/>

Белоруссияда эса бир даражали, яъни авлодлар бирдамлиги (PAYG) тамойилига асосланган пенсия дастури амал қилади.

Иккинчидан, мамлакатларда амал қилаётган конунчиликка кўра, пенсия ёшининг турли даражада белгиланганлиги. Масалан, Россия ва Беларуссияда пенсия ёши аёлларда 55 ёш ва эркакларда эса 60 ёшни ташкил этса, Тожикистон ва Қирғизистонда ушбу кўрсаткич мос равишда 58-63 ёшга тенг ҳисобланади (кейинги 15.2-бўлимда тўлиқ маълумот олиш мумкин).

Учинчидан, пенсия тўловлари учун ажратиладиган молиявий ресурслар ва уларни молиялаштириш бўйича кўрсаткичларни кескин тебранишларнинг мавжудлиги. Жумладан, Россияда пенсия фондига иш берувчининг ягона ижтимоий тўлови иш хақи фонди (ИХФ)га нисбатан 22 фоизни ташкил қилади ва пенсия юки асосан иш берувчи бўйнига тушади. Бунда ишловчи ходим пенсия фондига пенсия сугуртаси бадалини тўламайди. Беларуссияда эса пенсия фондига ягона ижтимоий тўлов ҳажми ИХФга нисбатан 29 %ни ташкил этади ва бунда иш берувчи 28%, ишчи ходим эса 1% пенсия сугуртаси бадалини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қирғизистонда эса ушбу кўрсаткич мос равишда 15-10 %ни ташкил этади.

Тўртинчидан, МДХ мамлакатлари аҳолисининг демографик таҳлили натижаларига кўра, уларда аҳолининг ёш таркиби бўйича кескин фаркланишлар мавжуд. Масалан, Россия ва Беларуссияда пенсия ёшидаги аҳоли сони улуши умумий аҳоли сонига нисбатан 13-14 фоизни ташкил қилса, Қирғизистон ва Тожикистонда ушбу кўрсаткич 3-4 фоизга тенг. Экспертларнинг илмий прогнозларга кўра, ўрта истиқболдаги келажақда Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон мамлакатлари аҳолисининг қариши ва меҳнат бозорида ишчи кучи танқислиги муаммосига дуч келишлари эҳтимоли мавжуд.

Бешинчидан, МДХ мамлакатларида меҳнат лаёқатига эга бўлган аҳоли ўртасида ташқи миграция жараёнларининг юқорилиги. Мигрантлар меҳнат жараёнида сугурта бадалларини тўламаган ҳолда уларнинг пенсия ёшига етганида пенсия олиш ҳуқуқларини талаб қилишлари ва уларнинг оладиган ижтимоий пенсия миқдорининг камлиги туфайли турмуш фаровонлиги кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатди.

Биринчи даража	• авлодлар бирдамлигига асосланган базавий пенсия таъминоти дастури
Иккинчи даража	• мажбурий жамғариладиган пенсия таъминоти дастури (Қирғизистонда 2010 йилдан, Тожикистонда эса 2013 йилдан бошлаб амалиётга таъбиқ этилган)
Учинчи даража	• ихтиёрий жамғариладиган пенсия дастурлари

15.1-расм. МДХ мамлакатлари пенсия тизимининг таркибий тузилиши²⁶⁹

²⁶⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

Юкорида келтирилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда, МДХ мамлакатларида амал қилаётган пенсия тизими чизмаси уч даражадан иборат деб баҳолаш мумкин (15.1-расм). Ушбу мамлакатлар гуруҳида ХХІ аср бўсағасида амалга оширилган пенсия ислохотлари қуйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

- 1980-90 йилларга нисбатан пенсияларнинг харид қобилияти қисман тикланган бўлса-да, аммо пенсиялар миқдори харид қобилияти ва қоплаш коэффициенти нуқтаи назаридан МДХ мамлакатларининг биронтасида ўша давр даражасига (мос равишда 250 ва 55%) етмади;

- ривожланган мамлакатларга нисбатан МДХ мамлакатларида пенсия миқдори пастлигича қолмоқда ва пенсионерларнинг минимал эҳтиёжларини қондиришга етади. Пенсиялар учун ажратилаётган харажатлар ушбу мамлакатларда ЯИМга нисбатан 3,3% дан (Тожикистон) 10% га қадар (Озарбойжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия) фарқ қилади;


- пенсиялар даражаси ХМТнинг минимал ижтимоий стандартлари талабига жавоб бермайди: № 102-Конвенцияга мувофиқ (1952 й.) қоплаш коэффициенти 30 йиллик иш стажига эга ишчи маошининг камида 40%ини ташкил этиши зарур;

- МДХ мамлакатларида пенсия институтлари демографик вазият, ижтимоий-меҳнат муносабатларининг ўзгариши шароитида янги ижтимоий жамият талабларига мос келмайди. МДХнинг аксарият мамлакатларида пенсионерларнинг даромадлари яшаш минимуми даражасидан паст. МДХ мамлакатларида нодавлат пенсия институтлари (Россия, Қозоғистондан ташқари) шаклланиш босқичида турибди.

15.2. МДХ мамлакатлари пенсия тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш омиллари таҳлили

МДХ мамлакатларининг ўзига хос жиҳати шуки, мазкур ўтиш иқтисодиёти амал қилаётган аксарият давлатларда тугилиш даражаси юкори ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида пенсия тизимидаги ислохотларни олиб боришнинг мақбул вариантларини излаш ва уларни амалга оширишни талаб этади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, экспертларнинг прогнозларига қўра МДХ мамлакатларидан Россия, Украина, Белоруссия ва Молдованинг аҳоли сониди кейинги 2030 ва 2050 йилларга қадар бўлган даврда камайиш тенденциялари вужудга келади. Қолган мамлакатларда эса аҳоли сонининг ўсиш тенденцияси кузатишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон аҳолиси энг юкори ўсишга эришиши мумкин (15.2-расм).

МДХ мамлакатлари пенсия тизимининг ўзига хос жиҳати шуки, ушбу мамлакатларда пенсия таъминотини молиялаштириш бюджетдан ташқари мақсадли пенсия фондлари томонидан амалга оширилади.



15.2-расм. МДХ мамлакатларида аҳоли сонинг ўзгариши бўйича прогнозлар (% ҳисобида)²⁷⁰

Бугунги кунда, ҳамдўстлик мамлакатлари пенсия тизимидаги асосий муаммо шуки, пенсия бадаллари миқдори паст даражада бўлиб, пенсионерларнинг минимал эҳтиёжларини қондиришга етарли эмас. Минимал пенсия миқдорини сезиларли даражада ўсиши 2010 йилдагина кузатилди. Бунда 2009 йилги пенсия миқдорига нисбатан олганда Озарбайжонда 13%, Арманистон 31%, Беларуссия – 28%, Қозоғистон – 19%, Қирғизистон – 25%, Молдова – 4%, Россия – 6%, Тожикистон – 33%, Ўзбекистон – 30% ва Украинада 28% ўсиш кузатилди²⁷¹. Пенсия миқдорини индексация қилиш оқибатида, барча мамлакатларда минимал пенсия миқдори даражаси, компенсация тўловлари миқдори, шу билан бир каторда иш ҳақи ва пенсия жамғармасига тўланадиган бадаллар ҳажми орта бошлади.

2011 йилга келиб ўртача пенсия миқдори МДХ мамлакатлари таркибига кирган Қозоғистон, Озарбайжон ва Қирғизистон давлатларида сезиларли даражада ошди. Арманистон, Молдова ва Тожикистон мамлакатларида пенсия миқдори паст суръатларда ўсди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликнинг умумий жиҳати пенсия бадалларини тўлаш ва уларнинг минимал миқдорини белгилаш давлат томонидан тартибга солиниши, қафолатланганлигидир. Ушбу мамлакатларда минимал пенсия миқдорини

²⁷⁰ United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2013). World Population Prospects: The 2012 Revision, CD-ROM Edition. POP/DB/WPP/Rev 2012/POP/F01-1.

²⁷¹ www.cisstat.com – официальный сайт межгосударственного статистического комитета СНГ

белгилаш асосий истеъмол товарлари саватини ташкил этувчи маҳсулот турлари, яшаш учун зарур бўлган харажатлар ва солиқларни инобатга олган ҳолда белгиланади. Асосий истеъмол товарлари савати кишининг яшаши, унинг соғлигини сақлаш учун зарур бўлган маҳсулотларнинг бозор баҳосидаги нархидан келиб чиққан ҳолда, давлат томонидан тегишли қонунларни ишлаб чиқиш орқали белгиланади. Мамлакатларда белгиланган пенсия миқдори ва асосий истеъмол товарлари савати ўртасидаги нисбат Озарбайжонда 66%, Белоруссияда 2,2 марта, Қозоғистонда 75%, Россияда 62% ва Украинада 53% юқори ҳисобланади. Қирғизистон ва Молдова давлатларида ушбу кўрсаткичлар ўртасидаги нисбат мос равишда 32% ва 30% га пастдир²⁷².

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида пенсия жамғармалари активларини инвестициялар манбаи сифатида фойдаланиш имкониятлари тараққий этган мамлакатлар амалиётидан бирмунча фарқ қилади. Маълумки, Собик иттифок мамлакатларида ҳозирда пенсия тизими тақсимот тизимидан аралаш шаклга ўтаётганлиги ушбу жараёнга бевосита таъсир кўрсатади. Шаклланаётган аралаш пенсия тизимларида нодавлат пенсия жамғармаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. МДХ мамлакатларида аралаш пенсия тизимининг шаклланиши ва фаолият юритиши турлича шаклда содир бўлмоқда. Жумладан, Россия ва Қозоғистон пенсия бозорлари ушбу мезон бўйича баҳоланадиган бўлса истикболли бозорлар ҳисобланади. Жумладан, 2012 йилда Қозоғистонда пенсия активларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 10,6%ни ташкил этди²⁷³.

Шуни инобатга олиш керакки, Қозоғистон, Латвия, Литва, Молдова, Эстония ва Украина мамлакатларида аҳолини пенсия чиқиш ёшини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Қозоғистонда аёлларнинг пенсияга чиқиш ёши 2027 йилга бориб 63 ёш, Латвияда 2025 йилда, Литвада эса 2026 йилда эркеклар ва аёллар учун пенсия ёши 65 ёш, Молдовада 2020 йилда эркеклар учун меҳнат стажини 35 йил, Украинада 2021 йилда аёллар учун пенсия ёши 60 ёш, Эстонияда эса 2017 йилдан бошлаб 1954-1961 йил оралиғида тутилганлар учун пенсияга чиқиш ёши 3 ойлик фарқ билан 63 ёш 3 ойдан то 65 ёшгача белгиланган ҳолда кейинги даврда таваллуд топганларнинг пенсия ёши эркеклар ва аёллар учун 65 ёш деб белгиланиши кутилмоқда²⁷⁴.

МДХ мамлакатлараро Статистика қўмитаси томонидан берилган маълумотларга қўра, 2000-2016 йилларда ушбу мамлакатлар гуруҳида ўртача пенсия тўлови миқдори бир мунча ортди. Масалан, Озарбайжонда ушбу кўрсаткич қарийб 6,9 марта, Арманистонда – 10,3 марта, Белоруссияда – 4,9 марта, Қозоғистонда – 4,9 марта, Қирғизистонда – 11,5 марта, Молдовада – 9,3 марта, Россияда – 7,0 марта, Тожикистонда – 19,2 марта, Ўзбекистонда – 6,7 марта ва Украинада – 4,3 марта²⁷⁵ ортачилигини кўришимиз мумкин (15,3-расм). Қўриниб турибдики, Тожикистон, Қирғизистон ва Арманистонда


²⁷² www.cisstat.com – официальный сайт межгосударственного статистического комитета СНГ

²⁷³ www.cisstat.com – официальный сайт межгосударственного статистического комитета СНГ

²⁷⁴ Манба: Международная ассоциация пенсионных и социальных фондов

²⁷⁵ МДХ мамлакатлараро статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.
http://www.cisstat.ru/rus/macro/3-pens_razmer_pensi%202000-2016.pdf

ўртача пенсия миқдори кескин ортган бўлса, Украина, Белоруссия ва Қозғистонда аксинча ҳолат.



15.3-расм. МДХ мамлакатларида пенсия тўловлари миқдорини ўзгариши (АҚШ долл ҳисобида)²⁷⁶

XXI аср бошларида ҳамдўстлик давлатлари пенсия таъминоти тизимини ислох этиш куйидаги сабабларга кўра заруриятга айланди: мамлакатларда амал қилаётган пенсия тизимига кўра пенсионерларнинг пенсия бадаллари жорий даврда пенсия фондларига келиб тушаётган маблағлардан тўланиши ва ушбу амалиётнинг иқтисодий барқарорлик шароити, аҳолини қариши каби демографик омилларни ўзгаришлари натижасида самарадорлик даражасининг пасайиб бориши бўлди. МДХ мамлакатлари пенсия тизимида амалга оширилган ислохотларнинг тўб моҳияти пенсия таъминоти хизматлари сифатини ошириш, пенсия фондларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш, фуқаронинг меҳнат стажи давомида пенсия фондида шакллантирган жамғармаси ва унинг келажақда оладиган пенсия миқдори ўртасидаги ўзаро муносибликни таъминлаш орқали аҳолининг пенсия фондларига бадалларини тўлашга қизиқишини орттиришдан иборат.


²⁷⁶ МДХ мамлакатлараро статистика кўмитаси маълумотлари асосида. http://www.cisstat.ru/rus/macro/3-pens_razmer_penu%202000-2016.pdf

Ҳамдўстлик мамлакатларида олиб борилаётган пенсия тизимини ислох этишга қаратилган сиёсат куйидаги принципларга асосланади:

- кўпчилик мамлакатларда уч босқичли пенсия тизимига ўтиш: аралаш, бирдамлик ва жамғариб бориладиган;
- пенсия тизимини амал қилишида жамғариб бориладиган пенсия таъминотини бирдамчи принцип сифатида кўриш;
- ижтимоий суғурта ва пенсия таъминотини амалга оширишда молиявий институтларнинг иштирокини ривожлантириш;
- давлат пенсия таъминоти, ижтимоий суғуртасини мамлакатлар пенсия тизимида асосий вазифани бажариши;
- келажакда пенсия бадаллари миқдоридagi табақалашув даражасини кискартириш.

15.3. МДХ мамлакатларида пенсия тизимининг ислох этиш йўналишлари

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, МДХ мамлакатларида аҳоли сонининг энг юқори ўсиш кўрсаткичи 1955-1985 йилларга тўғри келади. Мазкур муддат оралиғида ушбу мамлакатлар гуруҳида аҳоли сони ўрта ҳисобда қарийб 16 фоизни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида ушбу мамлакатларда аҳоли сонининг кескин ортиб боришидан далолат беради (15.4-расм).




15.4-расм. МДХ мамлакатларида аҳоли сонининг ўсиш коэффициентини ўзгариши (хар 1000 кишига нисбатан промиллида)²⁷⁷

²⁷⁷ Манба: United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2013). World Population Prospects: The 2012 Revision, CD-ROM Edition. POP/DB/WPP/Rev 2012/POP/F01-I. мизълумотлари асосида.

Экспертлар томонидан берилаётган прогнозларга кўра, 2100 йилгача бўлган муддатда МДХ мамлакатларида аҳоли сонининг ўсиш коэффициенти пасая боради. Бу эса ўз навбатида мамлакатларда меҳнат бозори ва пенсия тизимидаги ислохотларни амалга оширишда янада аниқликка, изчилликка эътибор қаратилиши лозимлигидан далолат беради.


Аҳоли сонининг ўсиш коэффициентидаги пасайиш тенденцияси мамлакатлардаги туғилиш коэффициенти йилдан-йилга камайиши билан тавсифланади. Россия, Украина, Молдова ва Белоруссия мамлакатларида 2020-2100 йилларда туғилиш коэффициенти паст суръатларда ўсиш тенденциясига эга бўлади. Таҳлил этилаётган даврда Озарбайжон, Қирғизистон, Туркменистон, Арманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистонда ушбу кўрсаткични пасайиб бориши халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан прогноз қилинмоқда (15.5-расм).



15.5-расм. МДХ мамлакатларида туғилиш коэффициенти ўзгариши (хар 1000 кишига нисбатан промиллида)²⁷⁸

Шу билан бир каторда таҳлил этилаётган даврда МДХ мамлакатларида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилиши кутилаётган ислохотлар натижасида аҳолининг умр давомийлиги кўрсаткичи 75-85 ёш оралиғида бўлиши кутилмоқда (15.6-расм). Бу эса ўз навбатида мамлакатларда юқори катламдан кексайиш жараёнининг бошланишини билдиради. Туғилиш сонининг камайиши ҳолати қузатилганлигига қарамай, аҳолининг умр давомийлиги кўрсаткичи ортиб боради сабабли мамлакатларда аҳоли сони ортиб бораверади. Мазкур ҳолат МДХ мамлакатларида глобал демографик кексайиш жараёнини бошланишидан далолат беради.

²⁷⁸ Манба: United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2013). World Population Prospects: The 2012 Revision, CD-ROM Edition. POP/DB/WPP/Rev.2012/POP/F01-I. маълумотлари асосида.




15.6-расм. МДХ мамлакатларида аҳолининг ўртача умр давомийлиги кўрсаткичи динамикаси²⁷⁹

МДХ мамлакатлари пенсия тизимида амалга оширилиши зарур бўлган ислохотлар бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар беришдан аввал мамлакатлардаги аҳолининг ёш ва жинс таркибидаги ўзгаришларни инобатга олиш лозим бўлади. БМТ экспертлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, 2030 йилга бориб МДХ мамлакатларида эркакларга нисбатан аёлларнинг сони юқори бўлади ва уларнинг умр давомийлиги кўрсаткичи эркакларга нисбатан бир оз юқори суръатларда бўлади (15.7-расм). Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолатда бирдамлик пенсия тизimini ислох этишда бандлик соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларда аёлларнинг бандлигини рағбатлантириш талаб этилади. Бу орқали бирдамлик тамойили асосида ташкил этилган пенсия фондларига пенсия сўзуртаси бадаллари тушумини ошириш мумкин бўлади.


БМТнинг мамлакатлардаги аҳолининг демографик кексайиши даражасини баҳолаш амалиётидан фойдаланган ҳолда МДХ давлатларида мазкур кўрсаткични баҳолайдиган бўлсак, 65 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг жами аҳоли таркибидаги улуши бўйича Украина (15,3 %), Беларуссия (13,8 %), Россия (13,0 %), Молдова (11,3 %), Арманистон (10,4 %) каби мамлакатлар демографик кекса мамлакатлар каторига киради. Демографик кексайиш арафасидаги мамлакатларга Козогистон (6,5 %), Озарбайжон (5,7 %), Ўзбекистон (4,3 %), Қирғизистон (4,2 %) ва Туркманистон (4,1 %) давлатлари киради. МДХ мамлакатлари орасида фақатгина Тожикистон (3,2 %) демографик жиҳатдан ёш давлат ҳисобланади.

²⁷⁹ Манба: United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2013). World Population Prospects: The 2012 Revision, CD-ROM Edition. POP/DB/WPP/Rev.2012/POP/F01-1. маълумотлари асосида.



15.7-расм. МДХ мамлакатларида аҳолининг ёш ва жинс таркибини ўзгариши (1990, 2010, 2030 йиллар, жами аҳолига нисбатан %да)²⁸⁰

МДХ мамлакатлари ўртасида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони бўйича Молдова (72,2%), Озарбайжон (72,1) ва Россия (71,6%) етакчи ўринларни эгаллайди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон (66,8), Қирғизистон (65,6%) ва Тожикистон (61,0%) сўнгги ўринларни эгаллайдилар (15.8-расм). Ушбу ҳолат ўз навбатида МДХ мамлакатларида аҳолини бандлигини рағбатлантириш ва пенсия ёшини ошириш орқали бирдамлик пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконияти мавжудлигидан далolat беради.



15.8-расм. МДХ мамлакатлари аҳолисининг ёш таркиби (фоиз ҳисобида, 2015 й.)²⁸¹

²⁸⁰ Маъна: United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2013). World Population Prospects: The 2012 Revision, CD-ROM Edition. POP/DB/WPP/Rev.2012/POP/F01-1. маълумотлари асосида.

²⁸¹ Маъна: United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division (2013). World Population Prospects: The 2012 Revision, CD-ROM Edition. POP/DB/WPP/Rev.2012/POP/F01-1. маълумотлари асосида.

2016 йилда МДХ мамлакатларида амал қилаётган қонунчиликка кўра, пенсия олиш ҳуқуқи фуқарога қуйидаги ҳолларда берилади: Озарбайжонда пенсия ёши эркаклар учун 63 ёш, аёллар учун 60 ёш деб белгиланиб, ҳар иккала жинс вакиллари меҳнат стажи 12 йилдан кам бўлмаслиги талаб этилади. Ушбу ҳолат Арманистонда мос равишда эркаклар ва аёллар учун 63 ёш ҳамда 25 йил меҳнат стажи, Белоруссияда 60-55 ёш, 25-20 йил меҳнат стажи, Грузияда 65-60 ёш, меҳнат стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги, Қозоғистон ҳамда Қирғизистонда 63-58 ёш, меҳнат стажи 25-20 йил, Латвияда фуқаро ёши 62 ёш 9 ой тенг бўлиб, меҳнат стажи 15 йилдан кам бўлмаслиги, Литвада 63 ёш 4 ой – 61 ёш 8 ой, меҳнат стажи 30 йил, Молдовада 62-57 ёш, меҳнат стажи 32 йил 6 ой – 30 йил, Россияда 60-55 ёш, меҳнат стажи 6 йил, Тожикистонда 63-58 ёш, меҳнат стажи 25-20 йил, Туркменистонда 62-57 ёш, меҳнат стажи 25-20 йил, Ўзбекистонда 60-55 ёш, меҳнат стажи 25-20 йил, Эстонияда эркаклар ва аёллар учун 63 ёш ва меҳнат стажи 15 йил ва Украинада 60-57 ёш, 15 йиллик меҳнат стажи талаб этилади (15.1-жадвал).

15.1-жадвал

МДХ мамлакатларида пенсияга чиқиш ёши ва талаб этиладиган меҳнат стажи, 2016 й.²⁸²

Мамлакат	Йиллар	Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат (сугурта) стажи, йил		Пенсияга чиқиш ёши	
		эркаклар	аёллар	эркаклар	аёллар
Арманистон		25	25	63	63
Беларус	25	25	20	60	55
Грузия		5	5	65	60
Молдова	01.07.2015 дан 01.07.2020 гача	32 йил 6 ойдан 32 йилгача	30	62	57
Озарбайжон		12	12	63	60
Россия		6	6	60	55
Туркменистон		25	20	62	57
Тожикистон		25	20	63	58
Украина	01.04.2015 дан 01.04.2021 гача	15	15	60	57 дан 60 гача
Ўзбекистон		25	20	60	55
Қозоғистон	01.07.2001 дан 01.07.2027 гача	25	20	63	58 дан 63 гача
Қирғизистон		25	20	63	58

Ўрта ва узоқ истиқболда МДХ мамлакатларида амалга ошириладиган пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

²⁸² Манба: Международная ассоциация пенсионных и социальных фондов маълумотлари асосида.

- аксарият мамлакатларда уч босқичли пенсия тизимига ўтиш; аралаш, бирдамлик ва жамғариб бориладиган (шартли жамғариш);
- мамлакатлар пенсия тизимида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти дастурийи бирламчи тамойил сифатида кўриш;
- ижтимоий сугурта ва пенсия таъминотини амалга оширишда молиявий институтларнинг иштирокини ривожлантириш;
- мамлакатларда демографик оптимумга эришиш ва пенсия ёшини ошириш;
- мамлакатларда пенсия бадаллари миқдоридagi табақалашув даражасини кискартириш ва бошқалар.

Назорат саволлар

1. МДХ мамлакатларида пенсия тизимини ислох этиш сабаблари ва зарурийатини изоҳлаб беринг?
2. МДХ мамлакатларида амалга оширилган пенсия тизимини ислох этиш йўналишларини шарҳланг?
3. МДХ мамлакатлари пенсия тизимидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг гурухланишини тушунтиринг?
4. Ўрта муддатли истиқболда МДХ мамлакатлари пенсия тизимидаги муаммоларни аниқланг ва уларни моҳиятини изоҳлаб беринг?
5. МДХ мамлакатларида ўртача пенсия миқдори ва унинг ривожланиш тенденциялари таҳлилин амалга оширинг?
6. МДХ мамлакатларида пенсия ёши ва унинг фарқланиши сабабларини изоҳланг?

Асосий тушунчалар

МДХ мамлакатлари – давлатлараро ташкилот бўлиб, 1991 йил 8 декабрда Минскда Белоруссия, Россия, Украина томонидан тузилган. Ушбу давлат раҳбарлари имзо чеккан битимда СССРнинг парчаланиб кетганлиги кайд килинди, уччала давлат сиёсий, иқтисодий, гуманитар, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши баён этилди. 1991 йил 21 декабрда Битимга Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдовия, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон, 1993 йилда Грузия мамлакатлари қўшилди. 1993 йил МДХ устави қабул килинди.

БМТнинг мамлакатларидаги аҳолининг демографик кексайиши даражасини баҳолаш амалиёти – БМТ экспертлари томонидан аҳолининг демографик кексайиш даражаси 65 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг жами аҳоли сонидagi улушидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади ва у куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$W_{65} = \frac{S_{65+}}{S} * 100\%,$$

Бу ерда:

S_{65+} - аҳоли таркибида 60 ёки 65 ёшдан катта бўлган аҳоли сони

S – мамлакатдаги умумий аҳоли сони

Демографик жиҳатдан ёш мамлакат – БМТнинг услубиётига мамлакатдаги умумий аҳоли таркибда 65 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг улуши 4% дан паст бўлган мамлакатлар.

Демографик кексайиш арафасидаги мамлакатлар – БМТнинг услубиётига мамлакатдаги умумий аҳоли таркибда 65 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг улуши 4-7% ўртасида бўлган мамлакатлар.

Демографик кекса мамлакатлар – БМТнинг услубиётига мамлакатдаги умумий аҳоли таркибда 65 ва ундан катта ёшдаги аҳолининг улуши 7% дан юқори бўлган мамлакатлар.

Тестлар

1. XX асрнинг 90 йилларида Озарбайжон, Арманистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистонда пенсия тизимини ислох этишда нимага эътибор қаратилди?

- “Тақсимот” тамойилига асосланган пенсия тизимини сақлаб қолиш
- Жамғариладиган пенсия тизимини амалиётга татбиқ этиш;
- Пенсия тўловларини қискартириш;
- Пенсия тўловини бекор қилиш

2. 1990-1995 йилларда қайси мамлакатларда индивидуал пенсия сугуртаси механизминини жорий этиш, шартли-жамғариладиган счётлар, жамғариладиган пенсия ва нодавлат пенсия сугуртаси тамойиллари асосида ташкил этилган янги пенсия институтларини жорий этиш мақсадида пенсия тизимини тубдан ислох этиш ишлари амалга оширилди?

- Беларусь, Қозоғистон, Россия, Украина
- Арманистон, Қирғизистон, Молдова, Россия
- Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон
- Беларусь, Қозоғистон, Ўзбекистон

3. МДХ мамлакатларида пенсия тизимининг таркибий тўқилишига кўра неча даражали пенсия дастури амал қилади?

- 3 даражали
- 2 даражали
- 1 даражали
- Аралаш

4. Қайси мамлакатда пенсия ёши эрсақлар учун 63 ёш, аёллар учун 60 ёш деб белгиланиб, ҳар иккала жинс вақиллари меҳнат стажини 12 йилдан кам бўлмаслиги талаб этилади?

- а) Озарбайжонда
- б) Арманистонда
- в) Молдовада
- г) Тожикистонда

5. 2000-2016 йилларда МДХ мамлакатлари гуруҳидан қайси бирида ўртача пенсия миқдори кескин ортган?

- а) Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон
- б) Арманистон, Қирғизистон, Молдова
- в) Молдова, Тожикистон, Қирғизистон
- г) Тожикистон, Арманистон, Молдова

6. 2000-2016 йилларда МДХ мамлакатлари гуруҳидан қайси мамлакатда ўртача пенсия миқдори паст даражада ортган?

- а) Украина, Белоруссия, Қозоғистон
- б) Арманистон, Қирғизистон, Молдова
- в) Украина, Қирғизистон, Қозоғистон
- г) Арманистон, Белоруссия, Молдова

7. 2016 йилда Қирғизистонда ўртача пенсия миқдорининг АҚШ долл даги эквиваленти ҳажмини аниқланг?

- а) 110,0
- б) 137,2
- в) 110,5
- г) 156,8

8. БМТ экспертлари томонидан берилган худосаларга кўра 1955-1985 йилларда МДХ мамлакатлари аҳолисининг ўртача ўсиш кўрсаткичи неча фоизни ташкил этган?

- а) 16 %
- б) 17 %
- в) 18 %
- г) 20 %

9. БМТнинг мамлакатлардаги аҳолининг демографик кексайиши даражасини баҳолаш амалиётидан фойдаланган ҳолда МДХ давлатлари ўртасидаги кекса мамлакатни аниқланг?

- а) Украина
- б) Белоруссия
- в) Россия
- г) Молдова

10. БМТнинг мамлакатлардаги аҳолининг демографик кексайиши даражасини баҳолаш амалиётидан фойдаланган ҳолда МДХ давлатлари ўртасида умумий аҳоли сонига нисбатан қайси мамлакатда кексаларнинг улуши кам?

- а) Тожикистон
- б) Туркменистон
- в) Қирғизистон
- г) Ўзбекистон

XVI БОБ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИ

16.1. Россия пенсия тизимини ислох этиш зарурияти ва ривожланиш босқичлари

Россия Федерациясидаги ижтимоий-иқтисодий вазият мамлакат пенсия тизимини тубдан ислох этиш заруриятини келтириб чиқарди:

- аҳолининг қариш жараёнини жадаллашуви;
- пенсия фондига тўловларни амалга ошираётган банд аҳоли сонининг кискариши;
- Ғарб мамлакатларига нисбатан пенсияга чиқиш ёшининг пастлиги, имтиёзли, муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳолатларининг кенг тарқалганлиги;
- пенсия фонди активларини бошқаришнинг самарасизлиги;
- пенсия тизимида суғурта элементларининг йўқлиги.

Россияда меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг жами аҳоли таркибидаги улуши кискариб меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагиларнинг жами аҳоли таркибидаги улуши ортиб бораётир. Айрим ҳисоб-китобларга кўра 2015-2050 йилларда жами аҳоли таркибида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улуши 58,1%дан 49,8%га қадар кискариши, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагиларнинг жами аҳоли таркибидаги улуши эса 24,3%дан 31,8%га қадар ортиши кутилмоқда (16.1-жадвал).

16.1-жадвал


Россияда меҳнатга лаёқатли ва меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги аҳоли сонининг ўзгариши, млн киши²⁸³

Кўрсаткичлар	2015 й.	2020 й.	2025 й.	2030 й.	2040 й.	2050 й.
Меҳнатга ёшдагилар лаёқатли	83,6	79,7	78,3	78,6	75,4	70,5
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар	34,9	38,0	39,6	40,4	42,8	45,0
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагилар	25,4	26,8	26,4	24,3	23,3	26,0
Жами аҳоли	143,9	144,5	144,2	143,3	141,6	141,5

Россияда 2030 йилга бориб ёлланма ишчилар ва меҳнат пенсиясини олувчилар сони тенглашиб қолиши мумкин. Жумладан, 2012 йилда ёлланиб ишловчилар сони 46,3 млн кишини, меҳнат пенсиясини олувчилар сони эса

²⁸³ Голубева С.В. Развитие пенсионных систем зарубежных стран и России в условиях демографического старения. Автореф. дис. ...к.э.н. М.: Российский университет дружбы народов, 2008. 27 с.

37,5 млн кишини ташкил этгани холда 2030 йилга бориб ушбу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 46,9 ва 46,5 млн кишини ташкил этиши башорат килинмоқда (16.1-расм).



16.1-расм. Россияда демографик инкироз кўрсаткичларининг ўзгариши, млн киши²⁸⁴

Ушбу ҳолат пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Россия ҳукумати миллий пенсия тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қатор пенсия ислохотларини амалга оширди. Россия пенсия тизими ислохотларини қатор босқичларга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич - 1990-1995 йилларда пенсия тизимига бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан тегишли ўзгартиришлар киритилди. 1990 йилда Россия пенсия фонди ташкил этилди.

Иккинчи босқич - 1995-1998 йилларни қамраб олади. Россия ҳукуматининг 1995 йилда Пенсия таъминоти тизимини ислох этиш Концепциясида Россия пенсия таъминотини уч даражали пенсия тизимига айлантириш тadbирлари ўз ифодасини топган. Ушбу дастурга мувофиқ мамлакатда уч даражали пенсия тизими элементларини амалиётга жорий этиш бошланди: давлат пенсияси (таянч); меҳнат пенсияси (суғурта); нодавлат пенсия схемаси (ихтиёрий). Ушбу босқичда Концепцияда кўзда тутилган тadbирлардан фақат биттаси – индивидуал коэффицентни қўллаш орқали аниқланадиган меҳнат пенсияси миқдорини аниқлашнинг янги, пенсия бадалларини индивидуал ҳисобга оладиган тизимигина амалиётга жорий этилди. 1998 йилда Россияда юз берган молиявий инкироз туфайли жамғариладиган пенсия тизимига ўтишда қатор муаммолар юзага келди. Россияда инвестиция сарфлаш соҳаларининг инкирозга учраши, аҳолининг молия институтларига нисбатан ишончини йўқолиши, Бюджет ва Пенсия фондидаги тақчилликнинг шартли-жамғариладиган пенсия счётларини амалиётга жорий этишда тўсқинлик қилиш шулар жумласидандир.

²⁸⁴ Абдуллаев М. *Замонавий пенсия тизими ва унинг истиқболлари* // Бозор, пул ва кредит. Т. 2012. №6. Б.9.

Учинчи босқич - 1998-2001 йилларда Россия ҳукумати молиявий инкирознинг салбий таъсирида пенсия тизими ислохотларига тузатишлар киритиш даври ҳисобланади. 1998 йилда қабул қилинган пенсия дастурига мувофиқ Россияда пенсия тизими қуйидаги таркибга эга бўлди:

- давлат пенсия суғуртаси – пенсиялар миқдори суғурта (меҳнат) стажига боғлиқ ҳолда белгиланади, бадаллар давлат пенсия суғуртаси бюджетига тўланади ва пенсиялар Пенсия фонди жорий тушумлари ҳамда мажбурий суғурта бадалларини фонд бозорларида жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади

- давлат пенсия таъминоти – давлат пенсия суғуртаси бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаганлар, шунингдек алоҳида аҳоли гуруҳлари (давлат хизматчилари, ҳарбийлар ва б.) федерал бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган пенсия таъминоти.

- кўшимча пенсия суғуртаси (таъминоти) – жамғариладиган схемада иш берувчи ва ёлланиб ишловчининг ихтиёрий бадаллари ҳисобига шаклланади. Айрим ҳолларда меҳнат шариоити бўйича касбий муддатидан олдин пенсиялар учун мажбурий бадаллар.

Ислохотлар даврида меҳнат пенсияси қуйидагича белгиланди. Пенсиянинг базавий қисми аксарият пенсионерлар учун бир хил ва пенсионер ишлаган вақтда олган иш ҳақи миқдорига боғлиқ эмас эди. Пенсиянинг суғурта қисми шартли-жамғариладиган сўтда жамғарилган ва фуқаро томонидан олинган суммага боғлиқ ҳолда шакллантирилади. Пенсиянинг базавий ва суғурта қисмлари тақсимот тизими элементлари ҳисобланади. Улар йиғилган пенсия бадалларини инвестициялашни кўзда тутмайди ва жорий тушумларни тақсимлаш ҳисобидан молиялаштирилади. Пенсиянинг жамғариладиган қисми индивидуал пенсия сўтларида йиғилади ва тақсимотга асосланган тизим доирасидаги пенсияларни тўлашда ишлатилмайди. Жамғарилган суғурта бадаллари ва инвестиция даромадлари суммасига боғлиқ ҳолда ҳисобланади. Россияда 2001 йилда пенсия ислохотларини чуқурлаштириш муносабати билан “Россия Федерациясининг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги”, “Россия Федерациясида меҳнат пенсиялари тўғрисидаги” ва “Россия Федерациясида мажбурий пенсия суғуртаси тўғрисидаги” қонунлар қабул қилинди.

Тўртинчи босқич - 2002-2015 йилларда мамлакат пенсия тизимига жамғариладиган пенсия компонентларини жорий этиш даври ҳисобланади. Россия пенсия таъминоти тизими 2002 йилга қадар тақсимотга, авлодлар бирдамлиги тэмойилига асосланган эди. 2001 йил 17 декабрда “Россия Федерациясида меҳнат пенсиялари тўғрисидаги” федерал қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан аралаш – тақсимот-жамғариладиган пенсия тизимига ўтиш бошланди. Натижада 2002 йилда Россияда меҳнат пенсиясининг таянч пенсия, суғурталанган пенсия ва жамғариладиган пенсия турлари жорий қилинди.

2002 йилдан бошлаб 1967 йил ва ундан кейин туғилганлар учун тақсимот (суғурта) ва жамғариладиган пенсия тизимлари амал қила



бошлади. 1967 йилга қадар туғилганлар ёшга доир меҳнат пенсиясининг жамғариладиган қисмига эга бўлишмайди. Улар учун қуйидаги схема амал қилади: суғурта бадалларининг 6%и пенсия фондининг авлодлар бирдамлиги қисмига, 16%и эса суғурта қисмига ўтказилади. Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга 60 ёшга тўлган эркаклар ва 55 ёшга тўлган аёллар эга. Иш берувчи Россия Пенсия фонди (РПФ)га иш ҳақи фондининг 22%и миқдориди (иш ҳақидан ташқари) суғурта бадали ўтказлади. Ушбу ажратмалар қуйидагича тақсимланади:

- 6%и пенсионерларга пенсия тўлаш учун пенсия фондининг тақсимот қисмига келиб тушади ва ишчининг шахсий счётида ҳисобга олинмайди, келажакдаги пенсияси миқдорига таъсир кўрсатмайди;

- 10%и келажакда пенсияга чиқиши кутилаётган ишчининг суғурта стажини ҳисоблашда эътиборга олинса-да, ушбу сумма пенсия фондининг тақсимот қисмига ўтказилади;

- 6%и пенсия фондининг жамғариладиган қисмига ўтказилади. Ушбу маблағлар пенсия фондининг тақсимоти қисмидан ажратиб қўйилади.

Бешинчи босқич Россия ҳукуматининг 2015 йил 1 январда пенсия тизимига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қароридан бошланади. Россия ҳукумати томонидан амалга оширилаётган пенсия ислохотларининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:


- пенсия тизимининг демографик омилларга боғлиқлигини пасайтириш;
- пенсия миқдори ва фуқароларнинг меҳнат фаолияти даврида пенсия тизимига қўшган ҳиссаси ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш;
- пенсия миқдори ва пенсия тайинлаш шартларини оптималлаштириш;
- ишчининг келажакда олиши зарур бўлган пенсиясини молиялаштириш мажбуриятини ошириш;
- пенсиянинг муносиб даражасини таъминлаш;
- пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш.

16.2. Россия пенсия тизими таркиби, ҳолати ва молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари

Россиянинг замонавий пенсия тизими 2015 йил 1 январдан жорий этилган бўлиб, ёшга доир пенсиялар, давлат пенсия таъминоти бўйича пенсиялар ва жамғариб бориладиган пенсияларни шакллантириш, тайинлаш ва тўлаш бўйича муносабатларни камраб олади. Россияда 2015 йилда 43 млн киши давлат пенсияларини олган²⁸⁵. Россияда молиялаштириш манбаи бўйича федерал даражада икки турдаги пенсиялар фаркланади: меҳнат пенсияси (суғурта) ва давлат пенсияси (таянч). Пенсионерларнинг аксарият қисми меҳнат пенсиясини олишади. Ушбу турдаги пенсияни олиш ҳуқуқи мажбурий пенсия суғуртаси суғуртаси муайян давр мобайнида суғурта

²⁸⁵ Отчет от 7 апреля 2016 г. «Об итогах работы Министерства труда и социальной защиты Российской Федерации в 2015 году и задачах на 2016 год»

бадалларни тўлагандан сўнг пайдо бўлади. Меҳнат пенсиясини тўлаш манбаи сугурта бадаллари ҳисобидан шаклланади. Россияда меҳнат пенсиясини тайинлаш Россия Федерациясининг 2001 йил 17 декабрдаги “Россия Федерациясида меҳнат пенсиялари тўғрисидаги” № 173-сон қонунига мувофиқ амалга оширилади.



16.2-расм. Россия пенсия тизимининг молиявий манбалари

Давлат пенсиялари эса федерал бюджет ҳисобидан тўланади. Ушбу турдаги пенсиялар мажбурий пенсия сугуртаси тизимидан ташқарида ҳисобланади. Давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи фуқароларнинг мажбурий пенсия сугуртаси тизимига сугурта бадалларини тўлаш даври билан эмас, балки Россия Федерациясининг “Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги”, “Давлат хизмати тизими тўғрисидаги” федерал қонунларида кўзда тутилган ҳолатларга мувофиқ амалга оширилади. Жумладан, Россия давлат думаси депутатлари пенсияларига кўшимчалар депутат ваколатларини 1 йилдан уч йилгача амалга ошириганда депутатнинг ойлик маошининг 55% миқдорда, уч йилдан ортиқ бажарган ҳолларда эса 75% миқдорда белгиланади.

Россияда меҳнат пенсияларининг қуйидаги турлари амал қилади²⁸⁶:

- ёшга доир пенсия;
- ногиронлик бўйича пенсия;
- боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия.

Меҳнат пенсияларини тўлашни молиялаштириш иш берувчилар томонидан ажратиладиган сугурта бадаллари ҳисобидан амалга оширилади. Сугурта бадали ставкаси тақсимот ва жамғариладиган қисмлардан иборат. Сугурталанувчи шахслар томонидан тарифнинг жамғариладиган қисми

²⁸⁶ Статя 5 Федерального закона от 17.12.2001 № 173-ФЗ «О трудовых пенсиях в Российской Федерации».

шаклланади, таксимот қисмидан эса меҳнат пенсиясининг қайд этилган миқдорини тўлашда фойдаланилади.

Россияда минимал база чегарасидан юқори ҳолларда ундирилмаган 10%лик ставка “бойлар солиғи” номини олган. Россияда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи камида беш йиллик суғурта стажига эга бўлган эркеклар учун 60 ёш, аёллар учун эса 55 ёш қилиб белгиланган²⁸⁷. “Россия Федерациясида меҳнат пенсиялари тўғрисидаги” № 173-сон қонунининг 27, 27.1 ва 28 моддаларида кўрсатилган фуқаролар муддатидан олдин меҳнат пенсиясига эга бўлишлари мумкин. Ёшга доир пенсия икки қисмдан иборат бўлиши мумкин: 1) суғурта; 2) жамғариладиган.

16.2-жадвал

Россияда пенсия суғуртаси учун ажратилмаган суғурта бадаллари ставкалари, 2015 й.²⁸⁸

Ҳисоблаш базаси (солиқлар ундирилмаган йиллик иш ҳақи)	Суғурта бадаллари ставкаси	1966 йилга қадар туғилганлар учун суғурта қисми	1967 йил ва ундан кейин туғилганлар учун суғурта қисми	1967 йил ва ундан кейин туғилганлар учун жамғариладиган қисми
Минимал база чегарасида (711 минг. руб.)	22 %	22 %, шундан 6 %и — суғурта қисми, 16 % — индивидуал қисми	22 %, шундан 6 % — суғурта қисми, 16 % — индивидуал қисми	0 %
Минимал база чегарасидан юқори ҳолларда	10 %	10 % — суғурта қисми	10 % — суғурта қисми	0 %

Россияда 2010 йил 1 январга қадар ёшга доир пенсиянинг таянч қисми бўлган, 2010 йил 1 январдан бошлаб ушбу қисм ягона ижтимоий солиқнинг бекор қилиниши муносабати билан унинг суғурта қисмига қўшиб юборилган. Меҳнат пенсияси миқдори суғурта ва жамғариладиган қисмлар йиғиндисига сифатида аниқланади²⁸⁹.

Россияда ногиронлик пенсияси ҳуқуқи “Россия Федерацияда ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисидаги” қонунга мувофиқ I, II ёки III гуруҳ ногиронлари деб, топишган фуқароларга берилади 290.

²⁸⁷ Статия 7 Федерального закона от 17.12.2001 № 173-ФЗ «О трудовых пенсиях в Российской Федерации».

²⁸⁸ Статия 33.1 Федерального закона от 15.12.2001 N 167-ФЗ.

²⁸⁹ Федеральный закон от 24.07.2009 № 213-ФЗ “О внесении изменений в отдельные законодательные акты Российской Федерации и признании утратившими силу отдельных законодательных актов (положений законодательных актов) Российской Федерации в связи с принятием Федерального закона «О страховых взносах в Пенсионный фонд Российской Федерации, Фонд социального страхования Российской Федерации, Федеральный фонд обязательного медицинского страхования и территориальные фонды обязательного медицинского страхования».

²⁹⁰ Пункт 1 статьи 8 Федерального закона от 17.12.2001 № 173-ФЗ «О трудовых пенсиях в Российской Федерации».

Россияда боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ҳуқуқи вафот этган фуқаро қаромоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахсларга берилади. Ушбу пенсия вафот этган фуқаронинг қаромоғида бўлган ёки бўлмаганлигидан катъий назар ота-онанинг биронтасига ёки турмуш ўртоғига тайинланади.

Россияда давлат (таъин) пенсияси фуқароларга пенсия ёшига етиши (ногиронлиги) муносабати билан давлат хизматини тўхтатиши туфайли иш хақи (даромади)ни қоплаш мақсадида тайинланади ва қуйидаги турларга ажратилади:

- хизмат қилиш йили учун пенсия;
- ёшга доир;
- ногиронлик;
- ижтимоий.

Ижтимоий пенсия бирон-бир сабабга кўра меҳнат пенсияси ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларга тайинланади. Россияда 2015 йил охирида ўртача ижтимоий пенсия миқдори 8 302 рублга тенг бўлди. Россия қонунчилигига мувофиқ ижтимоий пенсиянинг қуйидаги турлари мавжуд: ёшга доир ижтимоий пенсия (65 ёшга тўлган эрақлар учун, 60 ёшга тўлган аёллар учун), ногиронлик бўйича ижтимоий пенсия, боқувчисини йўқотганлик бўйича ижтимоий пенсия.

Россияда нодавлат пенсиялари пенсия шартномаларига мувофиқ тўланади. Пенсия шартномаси нодавлат пенсия фондлари (НПФ) ва НПФ аъзолари ўртасида тузиладиган келишув ҳисобланади. Россияда нодавлат пенсия фондлари суғуртаси ривожланган. 2015 йилда Россияда жами пенсионерларнинг 3,6%игина (1,5 млн киши) нодавлат пенсия фондларидан пенсия олишди.

Россия пенсия тизимида пенсионернинг яшаш минимумига етмайдиган пенсия миқдорига эга шахслар учун қўшимча ижтимоий тўловлар кўзда тутилади. Қўшимча ижтимоий тўловлар тайинланган пенсия миқдори ва пенсионернинг яшаш минимуми харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида амалга оширилади. 2015 йил охирида федерал қўшимча ижтимоий тўловлар миқдори ўртача 1 250 рублни ташкил этди. Ишлаётган, яшаш минимумидан кам пенсия олаётган пенсионерлар учун қўшимча ижтимоий тўловлар кўзда тутилмайди. 2015 йил охирида Россия мажбурий пенсия суғуртаси тизимида 149,7 млн киши индивидуал ҳисоб рақамига эга бўлиб, 42,7 млн киши турли хил пенсия олди. Жумладан, 39,2 млн киши меҳнат пенсиясига, 3,6 млн киши давлат пенсиясига, 1,3 млн киши эса жамғариб қилинадиган пенсияга эга 291.

Россия пенсия тизимининг молиявий асосини давлат пенсия фонди ташкил этади. Россия пенсия фонди (РПФ) бюджетдан ташқари пенсия фонди ҳисобланиб, фуқароларнинг пенсия таъминоти ҳуқуқини таъминлаш ва пенсия тизими маблағларини бошқариш учун ташкил этилган. РПФ бюджети Россия Федерацияси Давлат думаси федерал йиғилиши томонидан федерал бюджет билан биргаликда тасдиқланади. 2015 йилда РПФнинг

²⁹¹ <http://www.pfrf.ru/opendata/>

Россия ялпи ички махсулотигади улуши даромадлар буйича 10,8%ни, харажатлар буйича эса 10,2 %ни ташкил этади.

РПФ харажатлари таркибида пенсия тўловлари улуши 80,8%ни ташкил этди. Ижтимоий таъминот, она ва болаликни муҳофаза қилиш, жамғариб бориладиган пенсияларни тўлаш харажатлари улуши 2010-2015 йилларда 10,4%дан 17,9%га қадар ортган.



16.3-расм. РПФ харажатлари таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида

РПФ даромадлари таркибида сугурта бадаллари 2010-2015 йилларда 41,3%дан 54,2%га қадар ортгани ҳолда, федерал бюджет трансфертлари улуши 57,4%дан 43,5%га қадар қисқарган. Даромадлар таркибида федерал бюджет трансфертлари улушининг юқорилиги РПФнинг федерал бюджет барқарорлигига боғлиқлик эканлигини билдиради.



16.4-расм. РПФ даромадлари таркиби, жамига нисбатан фоиз ҳисобида

Россия пенсия тизими мамлакат ялпи ички махсулотининг сезиларли қисмини сарфлашига қарамадан пенсияларнинг мутлоқ миқдори ва қоплаш коэффициентлари буйича паст кўрсаткичларни намойиш этмоқда. Жумладан, 2015 йилда мамлакатда қоплаш коэффициенти 34,4%ни (Германияда – 64%),

Ўртача пенсия миқдори эса 12 830 рублни (Германияда 1200 евро) ташкил этди.

Россия пенсия тизими самардорлигининг пастлиги сабаблари куйидагилардан иборат:

- Россия пенсия тизимининг молиявий барқарорлиги федерал бюджетдан ажратиладиган трансфертларга бевосита боғлиқ;

- бизнес учун суғурта юки сезиларли даражада юкорилиги. Россияда амал килаётган суғурта бадали ставкаси 22%ни ташкил этади. Бундан ташқари минимал чегарадан юкори холларда суғурта бадали ставкаси яна 10%га оширилади ва ушбу кўрсаткич ИХТТ мамлакатларида кўрсаткичидан (19,6%) юкори ҳисобланади. Агар Россия иқтисодиётидаги рецессия ҳолати ва молиявий инкирознинг давом этаётганлигини ҳисобга олсак яқин истикболда суғурта бадаллари миқдорининг пасайиб боришини башорат қилиш мумкин;

- яқин иқтисодиёт кўламининг юкорилиги ва уларни легаллаштириш механизмининг мавжуд эмаслиги. Бу эса суғурта бадалларини тўлиқ ҳажмда ундириш имконини пасайтиради;

- имтиёзли, муддатидан олдин пенсияга чиқувчи фуқаролар улусининг юкорилиги – 9,4%, 2013 йилда ушбу турдаги пенсияларни молиялаштириш учун сарфланган харажатлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,5%ини ташкил этган;

- ривожланган мамлакатларга нисбатан пенсияга чиқиш ёшининг пастлиги – эркаклар учун – 60 ёш, аёллар учун 55 ёш. Муддатидан олдин пенсияга чиқаётганлар билан биргаликда ҳисобланганда Россияда пенсияларнинг жами аҳоли сонига улуси юкори бўлишига олиб келади.

Қайд этиб ўтилган ҳолатлар Россия пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш борасида пенсия ислохотларини давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

16.3. Россия Федерациясида жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш хусусиятлари

Миллий пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашда нодавлат пенсия фондларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида долзарб муаммо ҳисобланади. Россия пенсия тизимини ислох этишнинг устувор йўналишларидан бири мамлакатда нодавлат пенсия тизимини ривожлантириш ҳисобланади.

Россияда хусусий пенсия жамғармаларининг жадал ривожланиши Россия Федерацияси Президентининг 1992 йил 16 сентябрдаги нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил қилиш ва фаолиятининг асосий тамойилларини белгилаб берувчи “Нодавлат пенсия жамғармалари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу Фармонга мувофиқ нодавлат пенсия жамғармалари давлат пенсия таъминоти тизимидан фарқли мустақил фаолият юритади, ушбу жамғармалардан

тўловлар давлат пенсиялари тўловлари билан бир каторда амалга оширилади. Нодавлат пенсия жамғармалари активларини жойлаштиришни нодавлат пенсия жамғармалари активларини бошқаришга ихтисослаштирилган инвестицион компаниялар амалга оширади. 1994 йилда Россия Федерацияси Фуқаролик кодексига нодавлат пенсия жамғармаларига нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида ёндашилди. 1995 йилда “Россия Федерациясида пенсия таъминоти тизимини ислох этиш конценцияси” қабул қилинди. Мамлакатнинг бешта ҳудудда фуқароларнинг пенсия ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олиш лойиҳаси амалга оширилди. Фуқаро учун тўланган ҳамма сугурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар фуқаронинг шахсий пенсия ҳисобида сақланади. Фуқаро бир вақтнинг ўзида Россиянинг турли ҳудудларида иш хақи олса ҳам тўланган ҳамма сугурта бадаллари битта ҳисобга келиб тушади. Ҳар бир фуқаронинг мажбурий пенсия сугурта карточкасида фуқаро ҳисоб счётининг рақамлари келтирилади. Россия Пенсия Фонди ҳар йили бу счётдаги маблағлар тўғрисидаги ахборотни счёт эгаларига юборади. Натижада ҳар бир фуқаро ўзининг шахсий пенсия счётини назорат қилиш имкониятига эга бўлади. 1998 йил 7 май куни “Нодавлат пенсия фондлари тўғрисида”ги Федерал қонун қучга кирди. Ушбу қонунда нодавлат пенсия фондларининг фаолияти нодавлат пенсия таъминотини ривожлантиришга йўналтирилиши белгиланган. Қонунда фонд ва фонд мижозларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари белгилаб берилган. 2000 йилдан бошлаб Россия Федерациясининг 22 та субъектида Ягона пенсия хизмати фаолият юрита бошлади. Ягона пенсия хизматининг ахборот таъминоти тизими банд аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўлик камраб олади.

Россия нодавлат пенсия тизими нодавлат пенсия жамғармалари йиғиндисидан иборат. Россия қонунчилигига мувофиқ нодавлат пенсия фонди бу ижтимоий таъминот соҳасида фаолият олиб борувчи нотижорат ташкилотининг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, ушбу ташкилот қуйидаги фаолият турлари билан шугулланади:

- шартнома асосида аҳолига нодавлат пенсия таъминоти бўйича хизмат кўрсатиш;

- “Россия Федерацияси мажбурий пенсия сугуртаси тўғрисидаги” қонунга мувофиқ ва шартнома асосида аҳолига пенсия сугурта хизматларини кўрсатиш;

- касбий пенсия тизимларни ташкил этиш тўғрисидаги шартномалар асосида касбий пенсия сугурта хизматларини кўрсатиш.

Нодавлат пенсия фонди Россияда ушбу турдаги фондлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўлик ишлаб чиқилмаганлиги учун охириги функцияни бажармайди.

Нодавлат пенсия фондининг фаолияти Россия қонунчилигига кўра Россия Федерацияси Пенсия фонди (РПФ) фаолиятига ўхшайди. Нодавлат пенсия фонди РПФ каби сугурта бадалларини жамлайди, инвестициялайди, уларнинг умумий ҳисобини юритади, пенсия тайинлаб, уни тўлайди.

Россиядаги нодавлат пенсия фондлари фаолиятини таҳлил қилишда қуйидаги тушунчаларни бир-биридан фарқлаш керак:

- пенсия жамғармалари – мажбурий пенсия сугурта бўйича нодавлат пенсия фондлари томонидан жамланган сугурта бадаллари суммасидир;
- пенсия захиралари – нодавлат пенсия таъминоти бўйича нодавлат пенсия фондлари томонидан жамланган сугурта бадаллари суммасидир.

Россия Федерацияси қонунчилигига мувофиқ, нодавлат пенсия фондлари жамғарилган пенсия захираларини бошқарув компаниялари орқали ёки бевосита молиявий активларга инвестициялашлари мумкин. Нодавлат пенсия фондлари пенсия захираларини давлат қимматли қоғозлари, банк депозитлари ёки қўчмас мулк объектларига инвестициялашлари мумкин. Нодавлат пенсия фондлари инвестицион фаолиятида бошқа молиявий активлардан фойдаланишлари учун бошқарув компанияларига мурожаат қилишлари керак. Нодавлат пенсия фонди ва бошқарув компаниялар ўртасидаги муносабат ишончли бошқарув шартномасига асосланади. Бошқарув компаниялари нодавлат пенсия фонднинг пенсия захираларидан фойдаланиши учун лицензияга эга бўлишлари керак.

Россияда нодавлат пенсия таъминоти устун даражада корпоратив пенсия тизими йўналишида ривожланмоқда ва улар турли фондлар шаклида фаолият олиб боради (16.5-расм).



16.5-расм. Россия нодавлат пенсия фондларининг турлари²⁹²

Нодавлат пенсия фондларига пенсия захираларини инвестиция мақсадларида фойдаланишида қўйиладиган талаблар²⁹³:

²⁹² http://www.pfi.ru/grazhdanam/pensions/vidy_pens/strah_pens/

•бир объектга жойлаштирилган пенсия захираларининг улуши 15 %дан ошмаслиги;

•тан олинган котировкага эга бўлмаган қимматли қоғозларга жойлаштирилган пенсия захираларининг улуши 20 %дан ошмаслиги;

•фонд таъсисчилари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозлар РТСнинг биринчи даражали котировка рўйхатида бўлмаса, уларни харид қилишга қилинган харажатларнинг пенсия захираларидаги улуши 30 %дан ошмаслиги;

•Федерал қимматли қоғозлар қийматининг пенсия захираларидаги улуши 50 %дан ошмаслиги;

•Россия Федерацияси субъектлари ва маҳаллий ҳожмият органларининг қимматли қоғозлари қийматини пенсия захираларидаги улуши 50 %дан ошмаслиги;

•корхоналар ва ташкилотларнинг акциялари, облигацияларига қўйилган пенсия захираларининг улуши 70 %дан ошмаслиги;


•банк омонатларига ва кўчмас мулкка қўйилган пенсия захираларининг улуши 80 %дан ошмаслиги керак.

Аҳолининг хусусий пенсия жамғармаларида иштирок этишларини фаоллаштириш учун оилада фарзандлар сони биттадан ошганда давлат томонидан оналик капитали тақдим этилади. Айрим оилалар учун бундай капиталга эҳтиёж бўлмаса ушубу маблағларни нодавлат пенсия фондларига вақтинча инвестициялашни тақлиф қилинмоқда.

Россияда нодавлат пенсия таъминоти доирасида сугурталанувчи нодавлат пенсия фонди билан пенсия шартномаси тузади. Ушбу шартномада кўрсатилган пенсия схема бўйича сугурталанувчи пенсия сугурта бадалларини нодавлат пенсия фондига ўтказади. Нодавлат пенсия фонди бирдамлик счётига ёки шахсий счётга тушган маблағларни бошқарув корхоналари орқали инвестицияга айлантиради. Инвестициядан олинган даромадлар сугурталанувчиларининг ҳисобларига ўтказилади ва келажакда олинган пенсия қийматини ошишига сабаб бўлади. Сугурталанган шахс пенсия ёшига етганда жамғарилган маблағдан келиб чиққан ҳолда нодавлат пенсиясининг қийматини белгилайди ва уни олш тартибини аниқлаштиради.

Россияда фуқаролар нодавлат пенсия фондлари молиявий активларининг шаклланишига катта ҳисса қўшадилар. 2012-2013 йилларда пенсия ҳисоб рақамига эга бўлган фуқаролар яқки гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ вакиллари Россия пенсия фондидан нодавлат пенсия фондларига ҳисоб рақамларини ўтказганлар бўлса, иккинчи гуруҳ вакиллари эса давлат пенсия фонди хизматларидан фойдаланишда давом этаётган фуқаролар бўлди. Натижада 2009-2014 йилларда нодавлат пенсия фондларида иқтимоий сугурта хизматларидан фойдаланётган аҳоли сони 16,7 млн кишига ортди (16,6-расм).

²⁹³ Гурвич Е.Т. Пенсионная реформа: общие принципы и необходимые меры. Экономическая экспертная группа февраль 2011 г. <http://www.eeg.ru/>



16.6-расм. Россия давлат ва нодавлат пенсия фонллари иштирокчилари нисбати²⁹⁴

Амалга оширилган ислохотлар Россияда хусусий пенсия фондларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратди. Жумладан, 1998 йилда Россияда 271 та нодавлат пенсия фонллари фаолият юритган бўлса 2004 йилда уларнинг сони 296 тага етди. Нодавлат пенсия фондларининг сонини ўсиб бориши Россия Президентининг 1992 йил 16 сентябрдаги “Нодавлат пенсия фонллари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ва 1998 йилда “Нодавлат пенсия фонллари тўғрисида”ги Федерал қонун қучга кириши билан боғлиқ.



16.7-расм. Россия нодавлат пенсия фонллари қатнашчилари сони ва пенсия резервлари миқдорининг ўзгариши²⁹⁵

²⁹⁴ Сохранить накопительную пенсионную систему. 2015. март // Центр макроэкономических исследований Сбербанка России. 2015. С. 5.

²⁹⁵ <http://www.cbr.ru/statistics/>

Тахлиллар, 2001-2014 йилларда нодавлат пенсия фондлари абзолари сони 3,9 млн кишидан 6,4 млн кишига қадар, шахсий жамғарма ракамларда жамғарилган пенсия захиралари миқдори эса 33,6 млрд рублдан 900,1 млрд рублга қадар ортганлигини кўрсатмоқда (16.7-расм).

2004 йилдан бошлаб эса нодавлат пенсия фондларига қўйиладиган талаблар оширила бошланди. 2006 йилда ушбу фондларга мажбурий пенсия таъминотини амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

16.3-жадвал

Россияда нодавлат пенсия фондларининг сони²⁹⁶

Йиллар	Лицензияга эга нодавлат пенсия фондлари сони	Мажбурий пенсия таъминот тизимида фаолият кўрсатишни истовчи нодавлат пенсия фондлари сони
1998	271	0
1999	270	0
2000	262	0
2001	251	0
2002	287	0
2003	283	0
2004	296	0
2005	290	47
2006	289	73
2007	252	91
2008	246	105
2009	173	133
2010	159	133
2011	150	117
2012	139	112
2014	119	112
2015	102	...

Натижада нодавлат пенсия фондларининг бирлашуви жараёни бошланди ва 2014 йилга келиб бу фондларининг сони 119 тагача камайди (16.3-жадвал).

Тахлиллар, Россия НПФларига ўтиш ҳолатларининг кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2006-2014 йилларда РПФдан НПФларига ўтиш учун берилган аризалар сони 1043,2 мингтадан 2294 мингтага қадар ортгани ҳолда НПФдан РПФга ўтиш учун берилган аризалар сони 3,4 мингтадан 2033 мингтага қадар ошган (16.8-расм).

²⁹⁶ www.wikipedia.org



16.8-расм. Пенсия жамгармасини шаклланиши усули таълови бўйича тушган аризалар сони²⁹⁷

Нодавлат пенсия фондларида пенсионерлар сони ҳам мажбурий пенсия сугуртага эга бўлганлар ҳисобига ўсиб бормокда. Жумладан, 2002-2014 йилларда НПФдан пенсия олувчилар сони 350 миң кишидан 1,6 млн кишига қадар ошган. Ўртача пенсия миқдори эса ушбу даврда 432 рублдан 2389 рублга қадар ўсган (16.9-расм).




16.9-расм. Жамғариб бориладиган пенсия фонди пенсионерлари ва ўртача пенсия миқдори динамикаси²⁹⁸

Россия НПФ миллий уюшмаси ҳисоботида кўра, 2014 йилда Россияда нодавлат пенсия фондлари инвестиция портфелининг 34,0%и пул маблағлари, 6,2:и акциялар, 39,1%и облигациялардан ташкил топган (16.10-расм).


²⁹⁷ http://www.pfr.ru/press_center/-2016/05/16/112411

²⁹⁸ <http://www.cbr.ru/statistics/>



16.10-расм. Россия нодавлат пенсия фондларининг инвестиция портфели таркиби, 2014 й.²⁹⁹

Таҳлиллар, Россияда нодавлат пенсия фондларида пенсия резервлари ва жамғармалар миқдорининг ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2011-2014 йилларда пенсия жамғармалари миқдори 3 бараварга ортган ва ҳажми бўйича пенсия резервларидан ошиб кетган. 2014 йил маълумотларига кўра Россия нодавлат пенсия фондлари резервларининг 25%и акциялар, 22% облигациялар, 19%и пул маблаглари, 16%и НПФларнинг инвестицион пайларидан ташкил топган (16.11-расм).



16.11-расм Россия нодавлат пенсия фондлари резервлари таркиби, 2014 й.

²⁹⁹ http://www.pfrf.ru/press_center/-2016/05/16/112411

Умуман, нодавлат пенсия фондларини ташкил қилиниши ва уларнинг ривожланиши Россия пенсионерларнинг моддий таъминотини яхши-ланишига олиб келмоқда.

16.4. Россия Федерацияси пенсия тизимини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари

2015 йил 1 январдан бошлаб Россия пенсия таъминоти тизимига яна тузатишлар киритиш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ пенсия тизимининг жамғариладиган компонентларини кучайтириш, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини суғурта элементлари, жамғарилаётган маблағларни инвестициялаш маъбаларини кўпайтириш масалалари устувор вазифалардан ҳисобланади. Пенсияларни шакллантириш ва ҳисоблашнинг янги талаблари пенсияларни тайинлаш ва ҳисоблашда суғурта стажининг ролини оширишга қаратилган.

2015 йилдан бошлаб пенсияларни ҳисоблаш формуласига ўзгартиришлар киритилди. У 2015 йилдан бошлаб меҳнат фаолиятини бошлаганлар учун таалуқлидир. Пенсияга чиқиш учун керак бўладиган суғурта стажи 5 йилдан 15 йилга қадар узаяди. 15 йиллик суғурта стажи учун 10 балл берилади, пенсияга чиқиш учун 30 балл йиғиш зарур. Фуқаро белгиланган пенсия ёшидан кейин ишласа пенсияга чикканидан сўнг оладиган пенсия миқдори шунга мос равишда юқори бўлади ва бунда йиғилган баллар эътиборга олинади.

Янги пенсия суғуртасини ҳисоблашда фуқароларнинг меҳнат фаолиятини баҳолаш учун “йиллик пенсия коэффициентини” тушунчаси киритилмоқда. Фуқаронинг ёшга доир пенсиясини расмийлаштиришда индивидуал пенсия коэффициентини “йиллик пенсия коэффициентини” ёки пенсия баллари йиғиндиси сифатида ҳисобланади. Шунингдек 2015 йилдан бошлаб пенсия ёшини аёллар учун ҳар йили 0,5 йилга, эркаклар учун ҳар йили 3 ойдан 65 ёшга қадар оширилиши кутилмоқда.

Ушбу тизимда пенсия суғуртаси мажбурий ва тўловлари олдиндан қайд этиб қўйилади. 1967 йилда ва ундан кейин туғилганлар ишчилар учун танлаш имконияти яратилган:

- 2015 йилдан бошлаб жамғариладиган пенсиялардан воз кечиш. Пенсиянинг жамғариладиган қисми учун суғурта бадаллари тарифи 0%га тенг бўлади. Бунда 2014 йилга қадар жамғарилган маблағлар пенсия фондида қолади ва фонд бозорларига инвестицияланади ва келажакда пенсияга қўшиб берилади. Суғурта пенсиясини рағбатлантириш мақсадида махсус коэффициентлар жорий этилди. Суғурта бадаллари (тариф 16%) инфляция даражасида индексация қилинади. Суғурта пенсияси мерос сифатида қолдирилмайди;

- Жамғариладиган пенсияни саклаб қолиш. Жамғариладиган қисмда суғурта бадаллари тарифи 6%га тенг бўлади. Бунда суғурта пенсияси камаяди ва суғурта бадалларининг 10%и суғурта пенсиясига киритилмайди.

Жамғариладиган пенсия инфляция даражасида индексация килинмайди. Даромадлар инвестицияларга боғлиқ бўлади. Жамғариладиган пенсия мерос бўлиб ўтади.

Жамғариладиган пенсияга ўтиш тўғрисида 2015 йил 1 январга қадар қарор қабул килиш зарур:

- Агар ишчи жамғариладиган пенсияни шакллантириш тарифини ўзгартирмаган ва 2013 йилга қадар Нодавлат пенсия фондига ёки РПФга ўтказмаган бўлса, 2014 йилдан суғурта бадалининг 16%и суғурта пенсиясига (22%дан), 6%и эса тақсимланадиган пенсия қисмига ўтказилади;

- Нодавлат пенсия фонди ёки бошқарув компаниясини танламаганлар ва жамғариладиган пенсияни 6% миқдорида шакллантирмоқчи бўлганлар 2015 йил 31 декабрга қадар РПФга ариза беришлари зарур, акс ҳолда барча суғурта бадаллари (16%) жамғариладиган пенсия қисмига ўтказиб юборилади;

- Агар ишчи илгари бир марта бўлса-да нодавлат пенсия фонди ёки РПФни танлаган бўлса, олдингидек 6% миқдорида жамғариладиган пенсия учун бадаллар тўлайди;

- 2013 йилда «Внешэкономбанк» давлат бошқарув компаниясини танлаш тўғрисида ариза берганлар (2%) 2014 йилдан бошлаб жамғариладиган пенсия қисмига бадал ўтказишмайди. Жамғариладиган пенсиялар 16% миқдорида ариза бермасдан шакллана бошлайди.

2015 йил 1 январга қадар белгиланган ёшга доир меҳнат пенсиясининг жамғариладиган қисми, муддат тугагандан сўнг жамғариладиган пенсия, деб ҳисобланади ва 2015 йил 1 январдан бошлаб қуйидаги формула бўйича аниқланади:



16.12-расм. Жамғариладиган пенсиясини ҳисоблаш формуласи

Россияда жамғариладиган пенсияга эга бўлиш ҳуқуқи “Пенсия суғуртаси тўғрисидаги” Қонунга мувофиқ ёшга доир пенсия суғуртаси ҳуқуқига эга, пенсия жамғармалари мавжуд шахслар учун белгиланади. 2025 йилда ёшга доир пенсия суғуртаси ҳуқуқига индивидуал пенсия

коэффициенти 30 балл, суғурта стажи эса 15 йилдан кам бўлмаган 55 ёшдаги аёллар ва 60 ёшдаги эркаклар эга бўлишади. Ушбу кўрсаткичга 10 йил давомида эришиш мумкин:

16.4-жадвал

Индивидуал пенсия коэффициенти ва суғурта стажи³⁰⁰

	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
Индивидуал пенсия коэффициентининг чегараси											
Баллар	6,6 дан кам бўлмаган	9,0	11,4	13,8	16,2	18,6	21,0	23,4	25,8	28,2	30,6
Суғурта стажининг чегараси											
Йил	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	15

Россияда амалга ошириладиган пенсия ислохотларининг яна бир хусусияти мамлакатдаги демографик вазиятни яхшилаш, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг хусусий пенсия жамғармаларда иштирок этишларини фаоллаштириш мақсадида оилада фарзандлар сони биттадан ошганда давлат томонидан оналик капитали тақдим этилиши ҳисобланади. Айрим оилалар учун бундай капиталга эҳтиёж бўлмаса ушбу маблағларни нодавлат пенсия фондларига вақтинча инвестициялашни таълил қилинмоқда.

Россияда оналик капитали дастурининг амал қилиш муддати 2018 йилга қадар узайтирилди. 2007-2015 йилларда ушбу дастур доирасида берилган сертификатлар сони 6 687 тани ташкил этди. 2015 йилда оналик капитал миқдори 453 026 рублни ташкил этиб, унинг миқдори ўтган даврга нисбатан 5,5%га ортди.

16.5-жадвал

Россияда оналик (оила) капитали дастури кўрсаткичлари³⁰¹

	Оналик капиталининг миқдори, руб.	Оналик капитали миқдорининг ўзгариши, %	Сертификатлар сони, минг дона	Фойдаланишга йўналтирилган маблағлар, млрд руб
2007	250 000	х	314	х
2008	276 250	10,5	569	х
2009	312 162,5	13,0	940	42,0
...				
2014	429 408,5	5,0	823	270,9
2015	453 026	5,5	1 041	328,6
Жами	х	81,2	6 687	1 360,1

³⁰⁰ http://www.pfr.ru/grazhdanam/pensions/kak_form_bud_pens/

³⁰¹ http://www.pfr.ru/Bies/id/press_center/godovoi_otchet/Pension_fund_Annual_report_2015_1.pdf/pdf

Россияда амалга оширилган пенсия тизими ислохотларини умумлаштириб ушбу ислохотлар “экстенсив” йўл билан амалга оширилганини таъкидлаш мумкин. Ислохотларнинг асосий натижаси пенсия кийматининг оширилишида ўз аксини топган. Пенсия кийматини ошириш учун Россия ҳукумати бу соҳага кўшимча молиявий ресурсларни жалб қилди. Аммо ушбу ислохотлар Россия пенсия фондини мамлакатни яқин келажакда қутаётган аҳолининг қариши муаммосига тўлиқ тайёрлай олмади. Шунингдек, ислохотлар натижасида мамлакатда амалга оширилаётган бюджет сиёсатининг самарадорлиги пасайди. Россияда амалга оширилган пенсия ислохотлар давлат харажатларининг катта қисми ноишлаб чиқариш соҳасига ўтиб кетишига олиб келди. Ушбу муаммоларни комплекс ҳал этишга бўлган эҳтиёж Россияда пенсия ислохотларни давом эттириш кераклигини ва бу ислохотларнинг янги йўналишини белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Назорат саволлари

1. Россия пенсия тизимини ислох этиш зарурияти, омиллари ва шарт-шароитлари.
2. Россия пенсия тизимини ислох этиш босқичлари.
3. Россия пенсия тизимининг таркиби, ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари.
4. Россия пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари.
5. Россияда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш хусусиятлари.
6. Россия пенсия тизимини ислох этишнинг устувор йўналишлари.

Асосий тушунчалар

Россия давлат пенсия сугуртаси – пенсиялар миқдори сугурта (меҳнат) стажига боғлиқ ҳолда белгиланади, бадаллар давлат пенсия сугуртаси бюджетига тўланади ва пенсиялар РФФ жорий тушумлари ҳамда мажбурий сугурта бадалларини фонд бозорларида жойлаштиришдан олинadиган даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади

Россия давлат пенсия таъминоти – давлат пенсия сугуртаси бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмаганлар, алоҳида аҳоли гуруҳлари (давлат хизматчилари, харбийлар ва б.) федерал бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган пенсия таъминоти.

Кўшимча пенсия сугуртаси (таъминоти) – жамғариладиган схемада иш берувчи ва ёлланиб ишловчининг ихтиёрий бадаллари ҳисобига шаклланади. Айрим ҳолларда меҳнат шароити бўйича касбий муддатидан олдин пенсиялар учун мажбурий бадаллар.

Пенсия жамғармалари – мажбурий пенсия суғурта бўйича нодавлат пенсия фондлари томонидан жамланган суғурта бадаллари суммаси.

Пенсия захиралари – нодавлат пенсия таъминоти бўйича нодавлат пенсия фондлари томонидан жамланган суғурта бадаллари суммаси.

Кэптив фондлар – таъсисчининг корпоратив пенсия дастурларининг ривожлантиради. Кэптив фондлар активларида пенсия захиралари пенсия жамғармаларидан кўпроқ бўлади.

Корпоратив фондлар – корпоратив пенсия дастурлари доирасида фаолият олиб боради. Активларида пенсия жамғармалари пенсия захираларидан кўпроқ бўлади. Корпоратив дастурлардаги мижозлар жамғармаларини жалб қилишга ҳаракат қилади.

Худудий фондлар – бир худуд ёки худудлар гуруҳида фаолият олиб борадиган, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташкил этиладиган ва ривожлантириладиган фондлар.

Очик фондлар - молия-саноат гуруҳларидан мустақил фондлар бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларни кўпроқ жалб қилиш учун турли-туман пенсия хизматларини таклиф қилишади. Активларида пенсия жамғармаларнинг улуши катта бўлади.

“Йиллик пенсия коэффиценти” – фуқаронинг ёшга доир пенсиясини расмийлаштиришда иш ҳақидан тўланадиган йиллик суғурта ажратмалари асосида ҳисобланадиган коэффицент ёки пенсия баллари.

Оналик (ойла) капитал – пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг хусусий пенсия жамғармаларда иштирок этишларини фаоллаштириш мақсадида ойлада фарзандлар сони биттадан ошганда давлат томонидан тақдим этиладиган капитал.

Тестлар

1. Россияда пенсияга чиқиш ёши ...

- а) Эркалар учун – 60, аёллар учун – 55
- б) Эркалар учун – 65, аёллар учун – 65
- в) Эркалар учун – 60, аёллар учун – 60
- г) Эркалар учун – 65, аёллар учун – 55

2. Россияда ёшга доир ижтимоий пенсия олинш ёши ...

- а) Эркалар учун – 65, аёллар учун – 60
- б) Эркалар учун – 65, аёллар учун – 65
- в) Эркалар учун – 60, аёллар учун – 60
- г) Эркалар учун – 65, аёллар учун – 55

3. Россияда иш берувчи РНФга иш ҳақи фондининг неча фоизи миқдориди суғурта бадали ўткази?

- а) 22%
- б) 20%
- в) 18%
- г) 16%

4. Россияда 2015 йилдан бошлаб пенсияга чиқиш учун зарур бўладиган суғурта стажи қанчага узайтирилади?

- а) 5 йилдан 15 йилга қадар
- б) 5 йилдан 12 йилга қадар
- в) 5 йилдан 10 йилга қадар
- г) 5 йилдан 8 йилга қадар

5. Россияда 2015 йилдан бошлаб пенсияга чиқиш учун неча балл йиғиш зарур бўлади?

- а) 30 балл
- б) 25 балл
- в) 20 балл
- г) 15 балл

6. Мажбурий пенсия суғурта бўйича нодавлат пенсия фондлари томонидан жамланган суғурта бадаллари суммаси – бу:

- а) Пенсия жамғармалари
- б) Пенсия захиралари
- в) Пенсия омонатлари
- г) Пенсия кредитлари

7. Нодавлат пенсия таъминоти бўйича нодавлат пенсия фондлари томонидан жамланган суғурта бадаллари суммаси – бу:

- а) Пенсия захиралари
- б) Пенсия жамғармалари
- в) Пенсия омонатлари
- г) Пенсия кредитлари

8. Таъсисчининг корпоратив пенсия дастурларини ривожлантиришга хизмат қилувчи фондлар

- а) Кэптив
- б) Корпоратив
- в) Худудий
- г) Очик

9. Молия-саноат гуруҳларидан мустақил фондлар бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларни кўпроқ жалб қилиш учун турли-туман пенсия хизматларини таклиф қиладиган фондлар

- а) Очик
- б) Кэптив
- в) Худудий
- г) Корпоратив

10. Аҳолининг хусусий пенсия жамғармаларда иштирок этишларини фаолаштириш мақсадида оилада фарзандлар сони биттадан ошганда давлат томонидан тақдим этиладиган капитал ...

- а) Оналик капитали
- б) Болалик капитали
- в) Иқтисодий капитал
- г) Ижтимоий капитал

XVII БОБ. ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПЕНСИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

17.1. Қозоғистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш хусусиятлари

Қозоғистон МДХ мамлакатлари таркибида биринчилардан бўлиб пенсия таъминоти тизимини ислох этиб жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтди. Қозоғистонда 1997 йил 20 июнда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун жамғариб бориладиган пенсия тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини ташкил этди. Пенсия ислохотларининг дастлабки даврида асосий эътибор давлат бюджетига тушаётган юкни енгиллаштиришга қаратилди. Ушбу ислохотнинг муҳим вазифаларидан бири пенсия омонатларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш эди. Жумладан, пенсия жамғармаларини ошириб бориш учун давлат тўғридан-тўғри пенсионерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган механизмни яратди.

Биринчидан, жамғариб бориладиган пенсия тизими устидан кучли назорат ўрнатилди. Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳузуридаги жамғариб бориладиган пенсия фондлари фаолиятини бошқариш кўмитасининг қимматли қозғалар бозоридаги бошқарув ваколати Қозоғистон миллий банкига берилган.

Иккинчидан, янги пенсия тизими катнашчилари бўлган жамғариб бориладиган пенсия фондлари, пенсия фаоллари орқали бошқариладиган пенсия компаниялари ўртасидаги ўзаро алоқаларини мустахкамлаб турувчи аниқ қонунчилик тизими яратилди.

Учинчидан, пенсия фаоллари томонидан пенсия жамғармаларига инвестиция киритилишида қатъий талабларни киритилганлиги ва белгилаб қўйилганлиги.

Қозоғистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия тизимига ўтишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади:

- Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг “Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини ислох этиш концепцияси” (1997 й.);

- “Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун (1997 й.);

- Қозоғистон Республикаси ҳукуматининг “Давлат жамғариб бориладиган пенсия фонди” (ДЖБПФ) ёшиқ акционер жамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори (1997 й.);

- 2005-2007 йилларга мўлжалланган жамғариладиган пенсия тизимини ривожлантириш Дастури;

• “ДЖБПФ” Ёшиқ Акционер жамиятидан “ДЖБПФ” Очик акционер жамиятига айлантирилди (2005 й.);

• “ДЖБПФ” Очик акционер жамияти базасида Ягона жамғариладиган пенсия фонди ташкил этилди (2013 й.);

• Қозоғистон Республикаси Пенсия тизимини 2030 йилга қадар модернизация қилиш Концепцияси (2014 й.).

Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини ислох этишнинг қуйидаги босқичларини ажратиш мумкин:

Биринчи босқич 1997-2005 йилларни ўз ичига олади ва Қозоғистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ислох этишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини шакллантириш даври ҳисобланади. Бу даврда Қозоғистон ҳуқуқатининг “Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тизимини ислох этиш концепцияси” ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. 1997 йил 20 июнда Қозоғистон Республикасининг “Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни қучга кирди. Қозоғистон Республикаси ҳуқуқатининг “Давлат жамғариб бориладиган пенсия фонди” ёшиқ акционер жамиятининг ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва унга жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ривожланишини рағбатлантириш, аҳолини максимал даражада жамғариб бориладиган пенсия тизимига жалб этиш ва жамғариб бориладиган пенсия тизими омонотчилари базасини шакллантириш, аҳолининг янги пенсия тизимига бўлган ишончини ошириш, пенсия бозорининг асослари ва рақобат муҳитини яратиш каби вазифалар юқлатилди.

1998 йилда жамғариб бориладиган пенсия тизими ва пенсия бозорининг инфратузилмасини яратиш ишлари бошланди ва 1998 йил 19 январда Қозоғистон жамғариб бориладиган пенсия тизимида Давлат жамғариб бориладиган пенсия фонди (ДЖБПФ)га биринчи бадаллар келиб тушди.

1998-2002 йилларда ДЖБПФ ўз фаолиятини қуйидаги тартибда амалга оширди: агар ишловчи пенсия фондини танлаш ва бошқа фонд билан шартнома тузмаган бўлса мажбурий пенсия бадаллари иш берувчи томонидан ДЖБПФга ўтказилди. 1999 йилда пенсия фондлари таркибида ДЖБПФ жамғариб бориладиган пенсия тизимлари тарихида биринчи бўлиб пенсия активларини мустақил бошқариш бўйича лицензияга эга бўлди.

Қозоғистон Республикасида 2003-2004 йилларда пенсия тизимида қуйидаги ўзгарттиришлар амалга оширилди:

• омонатчиларга давлат томонидан пенсия тўловларини олиш бўйича ҳуқуқга эга бўлганларидан бошлаб фондга қўйилган мажбурий пенсия бадаллари миқдорида инфляция ҳисобга олган ҳолда кафолат берилди;

• пенсия тўловларини амалга ошириш схемаси аниқланди ва пенсияларни сугурта ташкилотлари орқали олиш имконияти яратилди;

• жамғариб бориладиган пенсия фондиари муқофотлари ставкалари миқдори ва таркиби ўзгарттирилди;

• мажбурий пенсия бадалларини тўлаш бўйича агентлар масъулияти оширилди;

• ихтиёрий касбий пенсия бадаллари жорий этилди.

Иккинчи босқич 2005-2007 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда 2020 йилга қадар мўлжалланган жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш Дастури қабул қилинди.

2005 йилда “Давлат жамғариб бориладиган пенсия фонди” (ДЖБПФ) Ёшиқ Акционер жамиятидан Очиқ акционер жамиятига айлангирилди.

Қозоғистон Республикаси пенсия ислохотларининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

• пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш³⁰²;

• Собик Иттифоқдан сақланиб келган имтиёзли пенсияларнинг бекор қилиниши (1998 йил 1 январдан);

• 01.01.1998 йилгача пенсия ёшига тўлган фуқаролар учун бирдамлик пенсия тизими шартларига мос пенсия олишнинг белгилаб қўйилиши;

• нодавлат жамғариладиган пенсия фондларининг ташкид этилиши;

• пенсия фондларининг пенсия активларига инвестициялар сарфлаши мумкин эмаслиги.

Қозоғистонда амал қилаётган пенсия тизими модели қуйидаги асосий тамойиллар асосида фаолият юритади:

• сугурталанувчиларга пенсия фондиди танлаш ҳуқуқини бериш;

• банд аҳолининг пенсия тизимида тўлиқ иштирок этишини таъминлаш;

• пенсия ва бошқа турдаги ижтимоий таъминотни бир-биридан ажратиш;

• сугурталанувчиларнинг пенсия жамғармалари шахсий ҳисобини юритиш;

• ҳар бир шахсга шахсий ижтимоий код бериш ва сугурта бадалларини код бўйича счётга ўтказиш;

• сугурта бадаллари ва инвестиция даромадини шахсий пенсия счётида жамғариб бориш;

• инфляция даражасини инобатга олган ҳолда пенсия жамғармаларининг реал қийматини сақлаш бўйича давлат кафолатини бериш;

• жамғариладиган пенсия фондлари томонидан шахсий пенсия счёти ҳолати тўғрисида ахборот бериш;

• жамғариладиган пенсия тизимининг аъзоларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш;

• кастодиан банкларда пул ва қимматли қоғозларнинг сақланиши;

• кастодиан банклар томонидан пенсия активларини мақсадга мувофиқ инвестицияланишини назорат қилиш;

• жамғариладиган пенсия тизимида пенсия активларининг дифференциаллашган ҳисобини юритиш.

³⁰² Қозоғистон Республикасида 1998 йилга қадар пенсияга чиқиш ёши аёлларда 55 ёш ва эркакларда 60 ёш бўлган. 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсияга чиқиш ёши мос равишда 58 ва 63 ёшга ташкил этади.

17.2. Қозоғистон пенсия тизимининг ҳолати, таркиби ва молиявий барқарорлик муаммолари

Қозоғистонда тақсимот ва жамғариладиган тизимга эга аралаш пенсия тизими амал қилади. 1998 йил 1 январга қадар 6 ойдан ортиқ меҳнат стажига эга фуқаролар пенсия тизимининг иккала қисмидан ҳам пенсия олишади. Қимнинг меҳнат стажига бўлмаса, пенсияга чиққанда пенсияни пенсия тизимининг жамғариладиган қисмидан олади.

Қозоғистон пенсия тизимининг бирдамлик қисмидан тўланадиган пенсияларнинг молиявий манбаини давлат бюджети ташкил этади. Жамғариладиган қисмидан тўланадиган пенсияларнинг молиявий манбаи эса фуқаролар томонидан ягона жамғариб бориладиган пенсия фондида жамғарган маблағлари ва уларни инвестициялашдан олинадиган фойзалардан шаклланади.



17.1-расм. Қозоғистон Республикаси пенсия тизими

Қозоғистонда таянч, меҳнат ва жамғариладиган пенсия турлари амал қилади. 1998 йил 1 январга қадар меҳнат стажига эга бўлганлар учун меҳнат пенсияси тайинланади. Меҳнат стажига эга бўлмаганлар учун Республика бюджетидан қопланадиган таянч пенсиялар (10 450 тенгедан ортиқроқ) белгиланади.

Қозғоғистонда таянч пенсия пенсия ёшига етганларга меҳнат стажи ва даромадларидан катъий назар барча пенсионерларга тўланади ва минимал давлат кафолати бўлиб хизмат қилади.

17.1-жадвал

Қозғоғистонда пенсиялар тури ва миқдори³⁰³

	Таянч пенсия (тенге)	Минимал пенсия (тенге)	Максимал пенсия (тенге)
2015 й.	11 182	23 692	81262 тенге (41 ойлик ҳисоб кўрсаткичи)
2014 й.	9 983	20 782	54 171
2013 й.	9 330	19 066	67 509
2012 й.	8 720	17 491	47 327
2011 й.	8 000	16 047	

Агар фуқаронинг меҳнат стажи 10 йилдан кам ёки умуман бўлмаса, унда таянч пенсия миқдори яшаш минимуми миқдорининг 50%га тенг бўлади. 10 йилдан ортиқ ҳар бир йил учун таянч пенсия миқдори 2%га ошириб борилади, 35 ва ундан ортиқ стажга эга ҳолларда таянч пенсия миқдори яшаш минимуми миқдорининг 100%га тенглаштирилади.

17.2-жадвал

Таянч пенсия миқдорини пенсия тизимида (бирдамлик ва жамғариладиган) қатнашини стажга боғлиқ ҳолда ҳисоблаш тартиби

Жами меҳнат стажи (бирдамлик ва жамғариладиган пенсия тизимларида)	Таянч пенсия миқдорининг яшаш минимумига нисбати, %
10 йилгача	50
11	52
12	54
13	56
14	58
15	60
...	...
30	90
31	92
32	94
33	96
34	98
35	100

³⁰³<https://kapital.kz/business/34023/modernizaciya-pensionnoj-sistemy-rk.html>

Козогистонда пенсия ёши аҳолининг турли хил категориялари учун турлича белгиланган. Жумладан:

1. Хизмат муддати бўйича пенсия олувчи ҳарбийлар – 45 ёшдан;
2. Семипалатинск ядро полигонида ядро синовлари оқибатида жабрланганлар – 45/50 ёшга етганда;
3. 5 ва undan ортик фарзанд кўрган ва уларни тарбиялаётган аёллар – 53 ёшдан.
4. Пенсия ёшига етган шахслар – 58/63 ёшдан пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишди.

17.3-жадвал

Козогистонда пенсия олувчилар сони, 2014 й.³⁰⁴

Категориялар	Сони, минг киши
Пенсия ёшига етган шахслар (58/63)	890,4
Пенсия ёшига етган ногиронлар	507,8
Имтиёзли шартларда пенсияга чиққан шахслар	375,4
Ҳарбий пенсионерлар	45,3
Жами (ҳарбийлардан ташқари)	1 813,5

Козогистонда меҳнат пенсияси 1998 йил 1 январга қадар меҳнат стажига эга бўлганлар ва 1995 йилдан бошлаб хоҳлаган уч йил учун ҳисобланган даромадга боғлиқ ҳолда пенсия ёшига етганлар учун тайинланади. Меҳнат пенсиясини тайинлашда пенсия ёши таянч пенсияси каби аниқланади:

1. Пенсия ёшига етган шахслар (58/63);
2. Хизмат муддати бўйича пенсия олувчи ҳарбийлар (45 ёшдан);
3. Семипалатинск ядро полигонида ядро синовлари оқибатида жабрланганлар (45/50 ёшга етганда);
4. 5 ва undan ортик фарзанд кўрган ва уларни тарбиялаётган аёллар (53 ёшдан).

2015 йилда минимал меҳнат пенсияси миқдори– 23 692 тенгени; максимал миқдори эса – 81262 тенгени ташкил этди. 2018 йилдан бошлаб аёллар учун, 2030 йилдан эса эркаклар учун меҳнат стажининг қисқариши муносабати билан меҳнат пенсияси миқдори ҳам қисқариб боради.

17.4-жадвал

Козогистонда меҳнат пенсиясини олувчилар сони ва категориялари, 2014 й.³⁰⁵

т/р	Категориялар	Минг киши
1 катег.	Тўлиқ стажга ва тақдим этилган даромадга боғлиқ пенсия олувчилар	987,9
2 катег.	Тўлиқ стажга эга, ammo минимал пенсия олувчилар	614,5
3 катег.	Тўлиқ бўлмаган стажга эга пенсия олувчилар	102,9
	Жами (ҳарбийлардан ташқари)	1 705,4

³⁰⁴<https://kapital.kz/business/34023/modernizaciya-pensionnoj-sistemy-rk.html>

³⁰⁵<https://kapital.kz/business/34023/modernizaciya-pensionnoj-sistemy-rk.html>

Қозоғистонда жамғариладиган пенсия пенсия ёшига етганлар учун жамғарган пенсия жамғармалари миқдорига боғлиқ ҳолда тайинланади. Жамғарилган пенсияни қуйидаги пенсия ёшига етган шахслар - 58/63 ёшда, хизмат муддати бўйича пенсия олувчи харбийлар - 45 ёшдан, I ва II гуруҳ ногиронлари, Қозоғистон Республикаси ҳудудидан бошқа жойга доимий яшаш учун чиқиб кетган шахслар, 5 ва ундан ортик фарзанд кўрган ва уларни тарбиялаётган аёллар - 53 ёшдан олишлари мумкин.

2015 йил маълумотларига кўра Қозоғистон жамғариладиган пенсия тизими катнашчилари сони - 6,7 млн кишини ташкил этади. Жамғарилган пенсиялар миқдори эса 6,6 трлн тенге. (2016 й. 1 апрель).

Давлат пенсия жамғармаларининг реал қийматининг сакланиб қолишини кафолатлайди.

Фуқаролар етарли даражада пенсия жамғармаларига эга бўлганларида муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқи мавжуд:

- Аёллар - 50 ёш;
- Эркеклар - 55 ёш.

2015 йилда жамғариладиган пенсия тизимидан тўланган пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақининг 4%ини ташкил этди. Жамғариладиган пенсия тизимидан тўловлар бирдамлик пенсия тизимидаги йўқотишларни қоплаб бермайди.

Амалдаги пенсия таъминоти модели кекса ёшдаги аҳолининг муносиб турмуш даржасини таъминлаб бера оладиган даромадга эга эмаслиги ва қуйидаги ҳолатлар Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялаш заруриятини келтириб чиқармоқда.


Биринчидан, Қозоғистонда меҳнат пенсияси миқдори кискариб бормоқда ва 2030-2040 йилларга бориб меҳнат пенсияси бекор бўлади.

Иккинчидан, жамғариладиган пенсия тўлик шаклланиб бўлганда ҳам ушбу пенсия ўртача статистик омонатчи даромадининг 9-11%инигина қоплаши мумкин. Бу эса 2050 йилдан бошлаб аҳолининг 40%га яқини давлат бюджетидан қопланадиган таянч пенсияларга боғланиб қолиши мумкинлигини аңлатади (2.2-расм).

Учинчидан, пенсия тизимининг молиявий беқарорлиги рисқи кучайиб бормоқда.

Ушбу ҳолатлар Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялаш бўйича навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Қозоғистон пенсия таъминоти тизимини модернизациялашдан мақсад пенсия жамғармаларини саклаб қолиш ва миқдорини янада оширишни таъминлашдан иборат.



17.2-расм. Пенсияларнинг ўртача миқдори билан ўртача ойлик иш хақи миқдори ўртасидаги нисбат, %³⁰⁶

Қозоғистон Республикаси жамғариладиган пенсия тизимининг муаммолари қуйидагилардан иборат:

- пенсия тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурияти (жамғарилган пулларни олиш механизмнинг аниқ белгиланмаганлиги, пенсия Фондига тушадиган пулларнинг ўз вақтида тушишининг назорат қилинмаслиги);

- миллий фонд бозорини мукамал эмаслиги;

- пенсия активларини иктисодиёт секторларида қўллаш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

- пенсия фондларига пул ўтказилаётганда молиявий қонунбузарликларнинг учраши;

- хорижга чиқиб кетиши натижасида ўз аъзосини йўқотини;

- банд аҳолининг етарлича камраб олинмаганлиги;


- жамғарилиб бориладиган пенсия фондлари ўртасида ўзаро соғлом рақобат муҳитининг яратилмаганлиги;

- мавжуд пенсия тизими ва таъминоти бўйича аҳолида етарлича билим ва қўникмаларнинг шаклланмаганлиги.

17.3. Қозоғистонда пенсия фондларини бошқариш ва уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш имкониятлари

ИХТТ мамлакатлари инвестиция бозорида пенсия активларининг ЯИМга нисбатан улуши 20%дан ошгандагина “етук” деб, ҳисобланади. Қозоғистон пенсия бозорлари ушбу мезон бўйича баҳоланадиган бўлса истикболли бозор ҳисобланади. Жумладан, 2012 йилда Қозоғистонда пенсия активларининг мамлакат ЯИМдаги улуши 10,6%ни ташкил этди (17.3-расм).

³⁰⁶<https://kapital.kz/business/34023/modernizaciya-pensionnoj-sistemy-rk.html>



17.3-расм. Дунёнинг айрим мамлакатларида пенсия активларининг ЯИМдаги улуши, 2012 й. (фоиз ҳисобида)³⁰⁷

Пенсия жамғармалари маблағларидан инвестиция мақсадларида фойдаланиш имкониятлари Қозоғистонда пенсия ислохотлари туфайли тақсимот тизимидан суғурталанувчиларнинг индивидуал пенсия жамғармаларига асосланган жамғариб бориладиган тизимга ўтиш билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Қозоғистон қонунчилигига мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари суғурталовчи вазифасини ўтайди. Мамлакатда пенсия таъминотини давлат томонидан кафолатлаш мақсадида барча фуқароларга пенсия ёшига етганларида базавий пенсия миқдорини белгилашни кўзда тутувчи қонун қабул қилинди. Ушбу қонун Қозоғистон пенсия тизими тўлиқ жамғариб бориладиган пенсия институтига боғлиқ, деган фикрни тасдиқламайди.

2013 йилда Қозоғистонда Ягона жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси акционер жамият шаклида ташкил этилди. 2014 йилда эса бунга қадар хусусий жамғариб бориладиган пенсия жамғармалари ихтиёрида бўлган активлар ва мажбуриятлар ушбу жамғарма ихтиёрига ўтказилди. Шу билан бирга Қозоғистон пенсия таъминоти тамойиллари ва жамғариб бориладиган пенсия тизимининг муҳим кўрсаткичлари сақланиб қолди: пенсия счётларини персоналлаштириш, жамғармаларга нисбатан фуқароларнинг эгаллик ва мерос ҳуқуқи, пенсия бадалларининг сақланиши бўйича давлат кафолатлари. Собик пенсия жамғармаларига ихтиёрий пенсия таъминоти соҳасида фаолият олиб бориш ёки Ягона жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси бошқарув инвестиция портфелида қатнашиш таклиф этилди.

Қозоғистонда 2014 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра жамғарилган пенсия маблағлари 24,5 млрд долларни ташкил этди. Ягона жамғариб бориладиган

³⁰⁷ Лансков П.М. Внутренние инвестиции и финансовые инструменты рынков капитала стран ЕЭП. / П.М. Лансков, Н.В. Максимова, Г.Г. Дунсепова. Алматы, 2015. С. 24.

пенсия жамгармасы инвестиция портфелининг асосий қисмини Қозоғистон Республикаси давлат қимматбаҳо қоғозлари ва давлат эмитентлари корпоратив қарз қоғозлари ташкил этади.

Қозоғистон Республикаси Миллий банки маълумотларига кўра 2014 йилда маблағларнинг қатта қисми Қозоғистон компанияларининг миллий пул тенгеда чиқарилган корпоратив облигацияларига йўналтирилган. Олтинга ва Қозоғистон Республикаси эмитентлари нодавлат қимматбаҳо қоғозларига инвестициялаш ҳажмининг қисқариши шароитида инвестициялар иккинчи даража банкларидаги узок муддатли депозитларга сарфлаш миклори ортиб бормоқда

17.5-жадвал

Қозоғистон Республикаси пенсия жамғармалари инвестиция портфелининг таркиби³⁰⁸

Молиявий дастаклар	01.01.2014 й.		01.11.2014 й.	
	млрд. долл.	улуши, %	млрд. долл.	улуши, %
Қозоғистон Республикаси Давлат қимматбаҳо қоғозлари	12,1	50,9	11,4	49,6
Қозоғистон Республикаси эмитентларининг нодавлат қимматбаҳо қоғозлари	6,8	28,6	5,9	25,4
БВУда омонатлар	2,0	8,5	3,9	17,1
Хорижий эмитентларнинг нодавлат қимматбаҳо қоғозлари	0,8	3,3	0,9	3,9
Хорижий эмитентларнинг Давлат қимматбаҳо қоғозлари	0,7	3,1	0,5	2,1
Халқаро молия ташкилотларининг қимматбаҳо қоғозлари	0,5	2,0	0,5	2,0
Олтин	0,9	3,7	-	0,0
Ҳосиллавий қимматбаҳо қоғозлар	-	0,0	-0,0	-0,1
Жами	23,9	100,0	23,1	100,0

Тахлиллар кўрсатишича, Қозоғистон Ягона жамғариб бориладиган пенсия жамгармасы консерватив инвестицион стратегия тарафдори ҳисобланади. Ушбу консерватив стратегия мамлакат капитал бозорини ривожлантиришга ундашга жиддий тўртки бермайди.

Қозоғистон Республикаси капитал бозорининг муҳим хусусияти шундаки, унда пенсия ва сугурта тизимлари Узаро боғлиқ ҳолда амал қилиб, жамғарилган пенсия маблағларини жамғариш жараёнида сугурта маҳсулотига айланади. Шунингдек, 2013 йилда Қозоғистон Республикаси қонунчилигига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ пенсия жамғармалари

³⁰⁸ <http://www.nationalbank.kz/>

омонатчилари ўз ихтиёрий ва мажбурий пенсия ҳисоб-счётларини суғурта ташкилотларига ўтказиш учун бирлаштириш имкониятига эга бўлишди.

Қиёсий таҳлиллар, миллий капитал бозорлари ривожланиши нуктаи назаридан молиявий инкирозларга нисбатан барқарорлиги туфайли жамғариб бориладиган пенсия тизимларини ислоҳ этишининг Қозоғистон варианти эътиборга лойиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу тизим ўтиш даврида жамғармаларнинг узлуксиз ўсиб боришини ва жамғариш жараёнини бошқариш шаклларининг ўзгариши шароитида фуқароларнинг ўз жамғармаларига нисбатан ҳуқуқларининг сақланиб қолишини таъминлайди.

17.4. Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари

Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялаш зарурияти макроиктисодий ҳолатнинг ўзгариши ва пенсия тизими бирдамлик қисмининг тугатилиши билан бевосита боғлиқ.

Қозоғистон пенсия тизимини узоқ муддатли модернизациялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш икки босқичдан иборат.


Биринчи босқич 2016-2020 йилларни ўз ичига олади ва пенсия тизимини модернизациялашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган. Бунда асосий эътибор жамғариладиган пенсия тизимининг институционал асосини такомиллаштириш, оғир шароитли меҳнат билан банд шахслар учун касбий пенсия таъминотининг ихтиёрий тизимидан мажбурий тизимига ўтиш, аёллар ва эркакларнинг пенсияга чиқиш ёшини бирхиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Биринчи босқичда ЯЖПФ “Давлат жамғариладиган пенсия фонди” жамғариладиган пенсия фонди акционерлик жамияти базасида ташкил этилади. ЯЖПФ таъсисчиси ва ягона акционери – Қозоғистон Республикаси ҳукумати ҳисобланади. ЯЖПФ мажбурий пенсия бадаллари, ихтиёрий касбий пенсия бадалларини жалб этади, омонатчиларнинг индивидуал пенсия счётларини юритади ва пенсия жамғармалари ҳисобидан пенсия тўловларини амалга оширади. Мажбурий ва мажбурий касбий пенсия бадаллари бўйича пенсия жамғармаларининг реал қийматининг сақланиб қолиши давлат томонидан кафолатланади.

Жамғариладиган пенсия фонди ихтиёрий жамғариладиган пенсия фондлари ёки инвестиция портфели бошқарувчиларига айлантирилади ёхуд Қозоғистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тугатилади.

Пенсия активларини бошқариш бўйича Кенгаш тузилади. Пенсия активларини бошқариш бўйича Кенгаш Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисобланади ва қарорлар мамлакат Президенти томонидан қабул қилинади. Кенгашнинг функциялари сифатида қуйидагилардан иборат:

- ЯЖПФ пенсия активларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- ЯЖПФ пенсия активларини жойлаштириш учун дастаклар рўйхатини ишлаб чиқиш ва таклиф этиш.



17.4-расм. Қозоғистонда жамғариладиган пенсия тизимининг институционал асосларини такомиллаштирилиши³⁰⁹

Кенгаш низоми ва аъзолари Қозоғистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Қозоғистон пенсия тизимида Қозоғистон Республикаси Миллий банки алоҳида функцияларни бажаради:

- ЯЖПФнинг ягона акционери сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш;

³⁰⁹<https://kapital.kz/business/34023/modernizatsiya-pensionnoj-sistemy-rk.html>

- ҚР ҳукумати ва Миллий банк ўртасида тузилган ишончга асосланган бошқарув тўғрисидаги шартномага мувофиқ пенсия активларини бошқариш;

- Кастодиан-банкда сақланадиган ЯЖПФ пенсия активларини юритиш ва сақланишини таъминлаш;

- ЯЖПФ пенсия активларини инвестициялаш;

- ЯЖПФ, ихтиёрий жамғариладиган фондлар ва инвестиция портфели бошқарувчилари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.

Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялашда ЯЖПФни ташкил этиш қуйидаги муаммоларни ҳал этиш имконини беради:

1. Пенсия жамғармаларини сақлаш, пенсия активларини бошқариш фаолияти устидан мақсадли назорат ўрнатиш;

2. Комиссион мукофотлар ставкасини 2 баравар камайтириш: Пенсия активлари бўйича 0,05%дан 0,025%га қадар; Инвестиция даромадлари бўйича 15%дан 7,5%га қадар.

3. Пенсия жамғармалари миқдорини инвестиция даромадларини ошириш ҳисобига қўпайтириш.

Биринчи босқичда оғир шароитли меҳнат билан машғул шахслар учун касбий пенсия таъминотининг ихтиёрий тизимидан мажбурий тизимга ўтиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган ва асосий эътибор мажбурий касбий пенсия бадалларини жорий этишга қаратилади. Ҳозирги вақтда оддий ишлаб чиқариш: мажбурий пенсия бадали (МПБ) - 10%ни ташкил этади. Зарарли ва оғир шароитли ишлаб чиқариш: қўшимча касбий пенсия бадали (ҚКПБ) - 5%га тенг ва ушбу бадаллар ихтиёрий ҳисобланади. Мисол учун, 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра ихтиёрий касбий пенсия тизими иштирокчилари сони 4225 кишини, жамғармалар миқдори 133,9 млн тенгени ташкил этган.

Таклиф этилган тизимда эса МПБ (10%) + ҚКПБ (5%) = 15%ни ташкил этади.

Иш берувчилар ҚКПБ Ҳукумат томонидан тасдиқланган ва вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиладиган касблар рўйхати бўйича амалга оширишади. Ушбу дастурда қатнашиши мумкин бўлганлар сони 135 минг кишидан ортиқ. Мисол учун, биргина «Арселор Миттал Темиртау» АЖ кўмир казиб чиқариш департаментида 31825 киши банд, шундан 13212 зарарли шароитда ишлайди (41,5%). Иш хақи фонди 55,4 млрд тенге (йиллик). ҚКПБни жорий этиш йилига 1,1 млрд тенге ажратишни тақозо этади.

ҚКПБни жорий этиш зарарли ва оғир шароитли ишлаб чиқаришда машғул шахсларнинг муддатидан олдин пенсияга чиқиш имконини беради. Натияжада аёллар - 50 ёшда, эркеклар эса 55 ёшда муддатидан олдин пенсияга чиқиш, керакли маблағларни жамғариш имконига эга бўладилар.

Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялашнинг биринчи босқичидан кейинги чора-тадбирлар аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшини ошириш билан боғлиқдир. Ушбу ҳолат биринчидан, аёлларнинг жамғариладиган пенсия тизимида қатнашиш даражасининг пастлиги (жамғариш муддатининг қисқалиги ва пенсия бадалларини тўлашнинг узилиб

колиши) натижасида пенсия жамғармаларининг етишмаслиги (етарлича пенсия жамғармасига эга бўлиш учун жамғариладиган пенсия тизимида камида 30 йил катнашиш зарур), иккинчидан, демографик омиллар, яъни пенсияга чиккандан кейин кутилаётган умр давомийлиги (20,8 йил), туғилиш даражасининг барқарорлашуви билан изоҳланади.

Аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшини ошириш жамғариш ва тўловлар даврини мувозанатлаштириш имконини беради. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёшини ошириш 2018-2027 йилларда ҳар йили 6 ойдан ошириб борилади. Мисол учун 1960 йил 1 январда туғилган аёл 2018 йил 1 июлда 58,5 ёшида пенсияга чиқиши мумкин.

17.6-жадвал

Қозоғистонда аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириш графиги

Йил	Пенсия ёши	Туғилган кун
2018 йил 1 январь	58,5 ёш	1960 йил 1 январдан 1960 йил 30 июнгача
2019 йил 1 январь	59 ёш	1960 йил 1 июлдан 1960 йил 31 декабргача
2020 йил 1 январь	59,5 ёш	1961 йил 1 январдан 1961 йил 30 июнгача
2021 йил 1 январь	60 ёш	1961 йил 1 июлдан 1961 йил 31 декабргача
2022 йил 1 январь	60,5 ёш	1962 йил 1 январдан 1962 йил 30 июнгача
2023 йил 1 январь	61 ёш	1962 йил 1 июлдан 1962 йил 31 декабргача
2024 йил 1 январь	61,5 ёш	1963 йил 1 январдан 1963 йил 30 июнгача
2025 йил 1 январь	62 ёш	1963 йил 1 июлдан 1963 йил 31 декабргача
2026 йил 1 январь	62,5 ёш	1964 йил 1 январдан 1964 йил 30 июнгача
2027 йил 1 январь	63 ёш	1964 йил 1 июлдан 1964 йил 31 декабргача

Жумладан, ҳозирда аёллар 58 ёшида пенсияга чиқадиган бўлса, жамғариш даври 38 йилни, пенсия тўловлари даври эса ўртача 21 йилни ташкил этади. Аёллар учун пенсияга чиқиш ёши 63 ёшга қадар оширилса, жамғариш даври 43 йилни, пенсияларни тўлаш даври эса 17 йилни ташкил этади. Демак, жамғариш даврини 5 йилга ошириш жамғармаларнинг 16,7%га, тўловлар микдорининг эса 36%га ўсишига олиб келади (17.7-жадвал).

Пенсия жамғармалари тўловлар миқдорининг ортиши³¹⁰

	Жамғариш даври, йил	Жамғарма, %	Пенсия олиш даври, йил	Йиллик тўлов миқдори	Тўлов, %
Пенсия ёши – 58 ёш	30	100%	21	100/21 йил = 5%	100%
Пенсия ёши – 63 ёш	35	116,6%	17*	116,6/17 йил = 6,8%	136%

Қозоғистонда 20 йил ва ундан ортиқ меҳнат стажига эга аёллар сони 500 мингга яқин. 6 ойдан 19 йилгача меҳнат стажига эга аёллар сони эса 4,6 млн кишидан ортиқ (1961 йилдан кейин тузилган) бўлиб, аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшини ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар пенсия тўловлари ва жамғариш даврини мувозанатлаштириш билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этишга ёрдам беради.

Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялашнинг иккинчи босқичи 2020-2030 йилларни ўз ичига олади ва амалдаги пенсия таъминоти тизими кўрсаткичларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Бунда асосий эътибор аҳолини жамғариладиган пенсия тизими хизматлари билан камраб олиш тизимини кенгайтириш, пенсия таъминотининг минимал қафолатлари тизимини ўзгартириш, ҳарбийларнинг пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилади.

Жумладан, аҳолини пенсия хизматлари билан камраб олиш тизимини кенгайтириш: яширин иқтисодиётга қарши кураш меҳнат муносабатлари, даромадларни легаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. Ушбу чора-тадбирлар доирасида 2014 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мол-мулкни легаллаштириш бўйича янги дастур қабул қилинди ва 2017 йилдан барча аҳоли учун даромадларни декларациялашнинг янги умуммиллий дастурларини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

2017 йил 1 июлдан пенсия таъминотининг минимал қафолатларини такомиллаштириш бошланади:

- пенсия таъминоти тизимида қатнашиш учун камида 10 йиллик стажга эга фуқароларга яшаш минимумининг 50%и миқдорда ижтимоий нафақалари жорий этиш;
- пенсия таъминоти тизимида қатнашиш учун 10 йилдан ортиқ стажга эга фуқароларга таянч пенсия миқдорини ҳар йили 2%га ошириш;
- меҳнат стажига кўра тақсимланадиган ва жамғариладиган пенсия тизимларида қатнашганлигини ҳисобга олган ҳолда пенсионерларнинг таянч пенсияларини қайта ҳисоблаш.

³¹⁰ <http://www.enpf.kz/kz/>

2016 йилдан бошлаб ҳарбий хизматчиларнинг пенсия тизимида катнашишлари билан боғлиқ ислохотлар бошланади. Унга мувофиқ 25 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига (шундан 12,5 йили узлуксиз меҳнат стаж) ҳарбийлар, ҳуқуқ тартибот органлари ва махсус давлат хизмати хизматчилари тўлиқ давлат пенсия таъминотига ўтказилади.

Ушбу категориядаги пенсияга чиққанларга олдин тўланган пенсия тўловлари миқдори ҳарбий хизматдан бўшаган кунидан бошлаб меҳнат стаж ва пенсияга чиқиш ёштини ҳисобга толган ҳолда қайта ҳисобланади.

Қозоғистон пенсия тизимидаги ислохотлар жамғариладиган пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида тўлиқ сугурта стажига ўтишни, жамғарилган пенсия маблағларининг инвестицияланиши устидан назоратни кучайтиришни, аёлларнинг пенсияга чиқиш ёшINI ошириш орқали пенсия тўловлари ва пенсия бадаллари ўртасидаги муддатни қисқартиришни, муддатилан олдин пенсияга чиқувчилар учун пенсия жамғармаларини жамғариш учун имкониятларини оширишни кўзда тутди.

Назорат саволлари

1. Қозоғистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш хусусиятларини аниқланг.
2. Қозоғистон пенсия тизимининг ҳолати, таркиби ва молиявий барқарорлик муаммоларини таҳлил қилинг.
3. Қозоғистон пенсия тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишларини шарҳланг.
4. Қозоғистонда пенсия фондларини бошқариш ва уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш имкониятларини баҳоланг.

Асосий тушунчалар

Инвестиция бозорининг “етук”лик даражаси – ИХТТ мамлакатларида инвестиция бозорида пенсия активларининг ЯИМга нисбатан улуғи 20%дан ортаганлиги кўрсаткичи.

Тестлар

1. Қозоғистонда жамғариб бориладиган пенсия тизими ва пенсия бозорининг инфратузилмасини яратиш қачондан бошланди?

- а) 1998 й
- б) 1999 й
- в) 2000 й
- г) 2001 й

2. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёшINI ошириш 2018-2027 йилларда ҳар йили неча ойдан ошириб борилади?

- а) 6 ойдан
- б) 7 ойдан

- в) 8 ойдан
г) 9 ойдан
- 3. Қозоғистонда пенсияга чиқиш ёши неча ёш?**
а) Аёлларда 58 ва эркекларда 63 ёш
б) Аёлларда 55 ва эркекларда 60 ёш
в) Аёлларда 60 ва эркекларда 65 ёш
г) Аёлларда 56 ва эркекларда 64 ёш
- 4. Қозоғистонда хизмат муддати бўйича пенсия олувчи ҳарбийлар учун пенсия ёши ...**
а) 45 ёшдан
б) 45/50 ёшга етганда
в) 53 ёшдан
г) 58/63 ёшдан белгиланади
- 5. Семипалатинск ядро полигоида ядро синновлари оқибатида жабрланганлар учун пенсия ёши ...**
а) 45/50 ёшга етганда
б) 45 ёшдан
в) 53 ёшдан
г) 58/63 ёшдан белгиланади
- 6. Қозоғистонда 5 ва ундан ортик фарзанд кўрган ва уларни тарбиялаётган аёллар учун пенсия ёши ...**
а) 53 ёшдан
б) 45/50 ёшга етганда
в) 45 ёшдан
г) 58/63 ёшдан белгиланади
- 7. Қозоғистонда пенсия ёшига етган шахслар учун пенсия ёши ...**
а) 58/63 ёшдан
б) 45/50 ёшга етганда
в) 45 ёшдан
г) 53 ёшдан белгиланади
- 8. Қозоғистонда пенсия тизимини узок муддатли модернизациялашнинг устувор йўналишлари нечта босқичдан иборат ва қайси муддатларда амалга оширилади?**
а) Икки, (2016-2020 йй., 2020-2030 йй.)
б) Уч, (2010-2025 йй., 2016-2030 йй.)
в) Тўрт, (2005-2010 йй., 2011-2015 йй., 2016-2020 йй., 2021-2025 йй.)
г) Беш, (2006-2010 йй., 2011-2015 йй., 2016-2020 йй., 2021-2025 йй., 2025-2030 йй.)

9. Қозоғистонда пенсия таъминоти тизимини ислох этиш босқичларини аниқланг.

- а) Икки босқич – 1997-2005 йй., 2005-2007 йй
- б) Икки босқич – 1992-2000 йй., 2001-2010 йй
- в) Уч босқич – 1995-2005 йй., 2006-2015 йй
- г) Тўрт босқич – 1996-2010 йй., 2011-2015 йй

10. Қозоғистонда жамғариладиган пенсия тизимига ўтишнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи қонунни аниқланг.

а) Қозоғистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун (1997 й.)

б) Қозоғистон Республикасида ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонун (1996 й.)

в) Қозоғистон Республикасида жамғариладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун (1996 й.)

г) Қозоғистон Республикасида пенсия тизимини модернизациялаш тўғрисидаги қонун (1996 й.)

ХУШ БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧЛАРИ

18.1. Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг шаклланиш бошқичлари ва ҳуқуқий-институционал асослари

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида миллий пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш миллий пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини самарали бошқаришга бевосита боғлиқ.

Пенсия таъминотининг ижтимоий нуқтаи назардан муҳимлиги фуқароларнинг иқтисодий манфаатларига бевосита боғлиқлиги билан белгиланади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, энг аввало, инсон манфаатларини кўзлайди. Ислохотлар жараёнида республикамизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси, уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва амалга ошириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Пенсия тизимининг ўрта ва узок истикболдаги мақсади пенсионерларнинг ижтимоий ҳуқуқларини амалга ошириш учун шароит яратишдир. Фуқаролар пенсияга чиққанидан сўнг ўзини ҳимояланган ҳис қилиши учун пенсиянинг энг кам миқдорини, ёш бўйича ва ногиронлик пенсияларини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар шундаки, 2030 йилга бориб мамлакатимизда пенсионерлар сони икки баравар кўпаяди³¹¹. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли аҳолининг жамғариб бориладиган пенсия таъминотига қамраб олишни кенгайтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг собиқ иттифокдан мерос қолган ва 1993 йилга қадар амалда бўлган пенсия тизимига жиддий ўзгартиришлар киритилди. 1993 йилда СССР Пенсия фондининг республика бўлими базасида Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий сугурта фонди ташкил этилди ва Фуқароларнинг пенсия тўловлари тўғрисидаги Қонун қабул қилинди.

Бу эса маблағлар етишмаслигига қарамадан Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш ва мустақилликнинг дастлабки йилларида пенсия таъминоти тизимининг барқарор ишлашига эришиш имконини берди. Ушбу даврда Республикада 3,0 миллиондан ортиқ

³¹¹ <http://podrobno.uz/cat/obchestvo/uzbekistan-chislo-pensionerov/>

пенсиялар, 600 мингта яқин ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳар ой пенсия ва нафақа олишган³¹². Ҳукумат томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва жамиятда рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий кескинликларнинг олдини олишга кўмаклашди. Шу билан бир вақтда мустақилликнинг илк йилларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши, аҳоли реал даромадларининг қисқариши, инфляциянинг ўсиши ва даромадларни тақсимлаш, қайта тақсимлашда бозор механизмнинг мавжуд эмаслиги пенсия таъминоти тизимини ташкил этиш, молиялаштириш ва бошқариш тамойилларни қайтадан кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди. Бозор муносабатлари марказлашган давлат ижтимоий ва пенсия сугуртаси тизимларининг қуйидаги камчиликларини юзага чиқарди:

- солиқ тўловчилар учун молиявий юкни илмий асосланган ҳолда баҳолаш амалиётининг мавжуд эмаслиги;
- жамғармаларни бошқариш жараёнида сугурталанувчиларнинг қатнашмаслиги;
- ижтимоий, касбий рисклар ва сугурта бадаллари миқдори ўртасида ўзаро боғлиқлик ва баҳолашларнинг мавжуд эмаслиги;
- пенсия миқдорини шакллантириш механизми ва меҳнат фаолияти натижалари ўртасида узилишнинг мавжудлиги;
- айрим гуруҳ пенсионерлар учун асосланмаган имтиёзлар ва устамаларнинг мавжудлиги.

Бу вақтга келиб собиқ СССР Пенсия Фонди томонидан маблағлар келиши тўхтатилган бўлиб, тўловчилардан тушадиган тушумлар асосан мустақил Ўзбекистон томонидан миллийлаштирилган собиқ корхоналар томонидан бериладиган тушумлардан шакллантиридилар. Бундан ташқари ижтимоий сугурта Фондига вақтинчалик ишга лаяққатсизлик, хомиладорлик ва туғиш, бола парвариши ва дафига бериладиган тўловларга ажратилган маблағларнинг бир қисми ҳам берилган эди.

Давлат ижтимоий сугуртаси ва пенсиялар учун маблағларнинг йиғиш ва тўплаш бўйича ишлар сезиларли даражада яхшиланди, тўловларга қаратилган харажатларни нисбатан тўлик молиялаштириш барқарорлашди, ташкилотлардан ҳамда ходимлардан сугурта тўловларнинг тўланиши интизоми ва муъйияти ошди. Чет эл капитали иқтирокидаги қўшма корхоналар ва фуқароларнинг яққа ҳамда жамоавий меҳнат фаолияти шакллари биринчи бор мажбурий тўловлар билан жалб қилинди.

Пенсия фондининг барча вилоят ва туманлардаги маъмурий бўлинмалари қайта ташкил этилиб, улар асосида ижтимоий сугурта Фондининг ваколатли бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий сугурта Фондининг тузилиши билан бир вақтда 1993 йил сентябрида янги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг пенсия таъминоти тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. Унда

³¹² Умурзаков Б. Х. Совершенствование пенсионного обеспечения Узбекистана в условиях модернизации национальной экономики // Экономика региона. 2011. № 1. С.218.

фукароларнинг пенсия таъминотидаги конституцион кафолатлари, асосий қонуний асослари ҳамда тамойиллари белгилаб берилди.

Ташкил этилган ижтимоий сугурта Фондиниң янги тизими маблағларнинг етишмаслиги, инфляциянинг ўсиши ва ишлаб чиқаришнинг камайиши, фукароларнинг даромадлари ласайиши кузатилаётган оғир шароитида давлат аҳолининг химояга муҳтож қатламлари оладиган ижтимоий вазифаларини бажаришига имконият берди.

18.1-жадвал

Ўзбекистон пенсия тизимининг шаклланиш босқичлари

Йиллар	Институт	Ҳуқуқий асоси
1991	СССР Пенсия фондиниң Ўзбекистон Республикаси булими	Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 14 январдаги 9-сон қарори
1993	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий сугурта жамғармаси	Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон қасаба ушшмалари федерацияси Кенгашининг 1993 йил 4 августдаги 391- сон қарори
1996	Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрдаги 459- сон қарори
2001	Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги 444- сон қарори
2005	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2004 йил 21 октябрдаги 490- сон қарори

Бирок, иқтисодий ислохотларнинг ривожланиши, янги мулкчилик шакллари ва эркин ҳўжалик муносабатларининг вужудга келиши йўсинида ижтимоий сугурта Фондига сугурта маблағларини йиғиш, тўловларнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилиши, пул маблағларини тўғри ва самарали ишлатилишини назорат қилиш борасидаги асосий вазифаларни бажариш борган сари қийинлашиб борди. Пенсия ва тўловларнинг тўлаш учун маблағларининг етишмаслиги анча сезиларли даражада билина бошлади.

Дастлабки босқичда сугурта тўловларнинг ижтимоий сугурта Фондига йиғилиши бўйича масъулият фақат Фондиниң ўзида бўлган бўлса,

ҳаражатларининг ҳажми, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизмлари, пенсия ва тўловларнинг қонуний расмийлаштирилишини асослаб бериш, уларни ҳисобга олиш, ҳисоботларини тайёрлаш ва етказиб беришга 5 – 6 та тенг қучли вазирликлар ва муассасалар жавобгар бўлиб, уларнинг йўриқнома ва кўрсатмалари баъзи ҳолатларда бир-бирига зид бўлар эди. Пировард натижада фуқароларга пенсия ва тўловларни расмийлаштириш ва амалга оширишдаги тезкорлик, назорат ва самарадорлик йўқолар эди.

Натижада 1996 йил 27 декабр кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги* қошида Пенсия Фондини ташкил этиш тўғрисида¹ги №459 сонли Қарори қабул қилинди

1996 йилда Ижтимоий суғурта фонди мустақил молия ташкилотига айлантирилди ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия фонди шаклида пенсия таъминотини тартибга солиш ваколатига эга бўлди. 1997 йилдан бошлаб фонд маблағлари давлат бюджети доирасида жамғарила бошланди ва фақат олдидан белгилаб қўйилмаган мақсадлар учун ишлатила бошланди.

Пенсия таъминоти учун мажбурий тўловларнинг келиб тушиши ва пенсия ҳамда тўловларнинг ўз вақтида ишлатилиши Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигига юклатилди, Ижтимоий таъминот вазири бир вақтнинг ўзиде Пенсия фондининг Раиси вазифасини бажариши белгиланди. Бу Ўзбекистонда пенсия таъминотининг ташкилий тузилиши ва ишлаш тамойилларини тубдан ўзгартирди. Биринчидан, пенсия тўловларини молиялаштиришнинг ҳажмлари ва буюртмаларини шакллантиришнинг кўп босқичли жараёнидан воз кечилиб, пенсияларни расмийлаштириш ва тўлаш битта идора - Ижтимоий таъминот вазирлигининг ваколатига ўтказилди, бу эса пул маблағларининг ҳаракатланиш жараёнини вақт ўлчамида анча қисқартирди, ҳисобот маълумотларининг ҳақиқийлик даражасини кўтарди ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлади.

Ҳукуматнинг ушбу қарори билан Пенсия фондининг маблағлари кўпайишининг қуйидаги манбалари ва келиб тушувчи тўловларнинг қўшимча шакллари белгилаб берилди: пенсия тизимини ислоҳоти билан боғлиқ халқаро шаклдаги муносабатларни амалга оширишга ва ёлғиз, ногирон ҳамда бошқа тоифадаги фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларини шартнома асосида маблағлаштиришдаги тушумлар. Ушбу манбалар ёлғиз, кекса ва ногиронларнинг санитар-курорт даволаниши билан боғлиқ турли тадбирларга қўшимча маблағларни кўпайтиришга имкон яратди. Чет эл нодавлат фондлари томонидан тақдим этилган маблағлар ҳисобига пенсия фонди ва ижтимоий таъминот тизимларининг компьютерлаштириш дастурлари амалга оширилди.

Пенсия фондида корхоналар томонидан уларнинг мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар иш хақи фондидан тўланадиган суғурта тўловлари биринчи бор 36 фонздан 37,3 фонзгача, фуқаролардан эса 1 фонздан 2,5

фоизгача кўтарилди. Бундан ташқари, Пенсия фондининг харажатларидаги дефицитни ёпиш учун 1997 йил 1 январь кунидан бошлаб мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар барча корхона, ташкилот ва муассасалардан уларнинг сотган махсулоти (хизмати)нинг ҳажмидан, улгуржи ва чакана аптека муассасаларидан эса қўшимча умумий даромаддан 0,5 фоизли мажбурий тўловлар жорий қилинди. Шу билан бирга муддатдан аввал нафақага чиқиш учун корхоналар томонидан қопланадиган маблағларни, тўлов ва нафақа бадалларини ўз вақтида ўтказмаслик учун жарима санкциялари (пеня) кўтарилди. Бу тадбирлар Пенсия фондининг пул маблағларини сезиларли даражада тўпланишига олиб келиб, нафақа пуллари ва муҳтожларга тўловларини вақтида маблағлаштиришни таъминлади.

Биринчи бор 1997 йил 1 январдан бошлаб Пенсия фондининг пул маблағлари ушбу фондининг маблағларини мақсадли шакллантирилиши ва ишлатилиши сақланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига қўшилиши белгилаб қўйилди.

Пенсия фонди таркибий тузилишининг реорганизацияси ҳудудий миқёсида ҳам амалга оширилиб, Фондни бошқариш тизимини соддалаштирди.

Бундан ташқари Пенсия фондини фаолияти учун харажатлари камайштирилиб, бир-бирини қайтарадиган хизматлар тугатилди.

2000 йилда соҳавий тизимларнинг бошқарувининг юқори бўғинларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Кўп вазирлик ва идоралар тугатилиб, уларнинг ваколатлари ҳудудий бошқариш идораларига умумий ва ташкилий-йўриқномавий ёрдам кўрсатувчи агентлик ва ассоциацияларга берилди. Боз устига Халқаро валюта фонди ва Бутунжаҳон Банки 1993 йилдан 1999 йилга қадар давр ичида Ўзбекистон ҳукумати ва унинг иктисодий муассасаларига бир неча бор Давлат бюджетининг бўлиган қисмларини шакллантиришнинг сифатли ва малакали назоратини амалга ошириш учун давлатнинг фискал функцияларини бажарувчи ягона муассасасига бирлаштириш ҳақида тавсиялар берди.

Халқаро валюта ташкилотларининг бундай тавсияларини ижро этиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 15 ноябр кунин «Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини қабул қилди. Унга биноан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги Пенсия Фонди 2001 йил 1 январидан Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия Фондига қайтадан ташкил этилди. Ушбу вақтдан бошлаб Пенсия фондининг маблағларнинг тўлиқ тўпланиши ва бюджетдан ташқари Пенсия фондига келиб тушиши бўйича назорат вазибалари Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасига, бюджетдан ташқари Пенсия фондини бошқариш, нафақа тўловларининг тушум ва харажатларининг йиллик ва чорак прогноз балансларини шакллантириш, аҳолига нафақа ва тўловларни ўз вақтида ҳисоблаш ва амалга ошириш эса қайтадан ташкил этилган Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги зиммасига юклатилди. Меҳнат ва ижтимоий

химоя вазири Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия Фондини маблағларини бош бошқарувчиси, ушбу вазирликнинг жойлардаги худудий идораларининг раҳбарлари эса Пенсия фондини худудий бўлимларининг маблағларининг бошқарувчиси мақомига эга бўлдилар. Бюджетдан ташқари Пенсия фондига тушум ҳажмларини шакллантириш бўйича умумий координацияни олиб бориш, фонд маблағларининг мақсадли ва ўз вақтида ишлатилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилди.

Мажбурий пенсия тўловчиларини камровини кенгайтиришга қаратилган мақсад ва вазифалар тўлалигича ижро этилмади. Бу шароитда мажбурий тўловларни йиғиш бўйича ваколатларини Пенсия фондидан Солиқ кўмитасига ўтказилиши ўзини оқламади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябр кундаги «Бюджетдан ташқари Пенсия фондини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фонди Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия фондига ўтказилди.

Пенсия фондига мажбурий ажратмалар ва бадаллар йиғиш ҳукуки билан бир қаторда ихтиёрий равишда тўланадиган дехкон хўжалиги суғурта бадалларини йиғиш ва биринчи марта солиқдан озод бўлиб келган молия бозорига Пенсия фондини ортикча маблағларини жойлаштирилишидан процент кўринишидаги фойдага эга бўлиш каби қўшимча ҳуқуқлар ҳам юклатилди. Бу Пенсия фондига Молия Вазирлиги билан келишилган ҳолда Фондини пул маблағларини бойитишда қўшимча маблағ бўла оладиган бўш пул маблағларини мустақил жойлаштириш ҳуқуқини берди. Ушбу Қарор билан, шунингдек, Пенсия фондини барча харажат ва даромадлари Ўзбекистон Республикаси консолидар бюджет қисмига киритилиши белгилаб берилди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси пенсия тизими ислохотидаги ислохотлар босқичларида 1996 – 2004 йиллар оралиғида ижтимоий сиёсатнинг ушбу соҳасида самарали ислохотни олиб бориш учун зарурий молиявий, қонуний ҳуқуқий ва ташкилий база яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг жамғариш пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни муҳим ҳисобланади. Унга кўра, 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистонда амалдаги давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда жамғариш пенсия суғурта таъминоти ҳам киритилган. Шунинг қайд этиш лозимки, давлат ва жамғариш пенсия тизимлари бир бирини тўлдириб бормоқда³¹³.

2005 йилга келиб мамлакатимизда “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими” дастури амалиётга жорий қилинди. Бизнинг фикримизча мазкур даврдан кейинги йиллар мамлакатимиз пенсия тизимининг ривожланишида ўзига

³¹³ Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2005й. 11 февралдаги “Нобюджет Пенсия фондини бошқаришнинг келажакдаги такомиллашуве тўғрисида”ги қарорига мўълфика.

хос бурилиш ясади. Шунини инобатга олган ҳолда 2005 йилдан кейинги даврни Ўзбекистон пенсия тизимининг ривожланишининг янги босқичи, деб айташ мақсадга мувофиқ. Мазкур тизимнинг мамлакатимизда қўлланилиши жараёнида куйидагиларга амал қилиниши кўзда тутилган:

- жамғариб бориладиган пенсиянинг умумий ва мажбурий характери, ижтимоий кафолатларини амалга оширишдаги имтиёзлар кишининг ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқининг таъминланиши;

- жамғариб бориладиган пенсия мажбурий ва ихтиёрий шаклларнинг бирлиги, тенг ҳуқуқлилиги, шахснинг ижтимоий таъминотга бўлган зарурий даражаси таъминланиши ва унинг кексалик чоғида яхши яшاشи учун таъсир кўрсатиши;

- турли хил пенсия тизимининг бир вақтнинг ўзида амал қилишидаги мустақиллиги ва ўзини-ўзи идора қилиш шароитида мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бўйича тўловлар даражаси ва тизимни барқарорлигининг давлат томонидан кафолатланиши.

18.2. Ўзбекистон пенсия тизимининг таркиби ва молниялаштириш амалиёти

Ўзбекистон давлат пенсия таъминоти тизими ташкилий жиҳатдан иккига бўлинади (18.1-расм).



Манба: Манатов Б.С. Пенсия жамғармаси фаолияти. Ҳуқуқ қўлланма. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2017. – 82-б.

18.1-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат пенсия таъминоти тизими

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига кўра ушбу тизим бўйича давлат пенсияларининг ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсияси каби турлари мавжуд. Фуқаролар ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига: эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Лекин фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқига уларнинг ҳақиқатда ишлаган иш стажи камида 7 йил бўлганда эга бўладилар, яъни фуқаролар камида 7 йил Пенсия жамғармасига сугурта бадали тўлаган бўлишлари керак.

Пенсиянинг миқдори фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлади. Ўртача иш ҳақи ишдаги мавжуд танаффуслардан катъий назар, фуқаронинг пенсия олиш учун мурожаат қилгандан олдинги охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги фуқаро томонидан танланган кетма-кет келувчи беш йилдаги умумий иш ҳақи ҳисобидан олиниб, тузатиш коэффициентлари инобатга олинган ҳолда ҳисобланган йиғиндини 60 (5 йилдаги ойлар сони)га бўлиш орқали ҳисоблаб чиқарилади.

Агар фуқаронинг иш стажи умуман бўлмаса ёки 7 йилдан кам бўлса, бундай ҳолларда аёлларга 60 ёшга ва эркакларга 65 ёшга тўлганда ёшга доир нафақа тайинланиши мумкин.

Авлодлар бирдамлигига асосланган давлат пенсия таъминоти бўйича: ҳарбий хизматчиларнинг, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларининг, судьяларнинг ва прокуратура органлари даражали унвонларга (ҳарбий унвонларга) эга бўлган ходимларининг пенсия таъминоти; имтиёзли шартлардаги пенсиялар; ёшидан катъий назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи; умумий белгиланган ёшни 1, 5 ва 10 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи; лилипутлар ва паканаларга пенсиялар; ёшга доир пенсияларни муддатидан олдин тайинлаш; пенсияларни ва иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби; пенсияларга устама ҳақлар; бошқа давлатлардан кўчиб келган фуқароларга пенсиялар ҳисоблаб чиқариш; чет элда ишланган давр учун иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш; пенсияларни қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиблари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 252-сонли Қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти. Республикамизда жамғариб бориладиган пенсия тизими 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни асосида жорий қилинган. Бундан мақсад фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда, иш берувчиларнинг пенсия ёшига етган ходимлари моддий аҳволини

яхшилаш, шу асосда пенсионерларга амалдаги пенсия тўловларига қўшимча равишда даромад олиш манбаларини яратиш, кексалик чоғида фуқаронинг ўз фаровонлиги учун шахсий жавобгарлигини оширишдир. Ушбу тизимда фуқароларнинг ажратмалари улар пенсияга чиққунларига қадар жамғариб борилади ва пенсияга чиққанидан кейин тўлаб берилади.

18.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратилаётган ягона ижтимоий тўлов ва мажбурий сугурта бадаллари ставкасининг ўзгариши³¹⁴

Йиллар	Пенсия жамғармаси			Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарма	Қасаба уюмлари Федерацияси Кенгаши	Ягона ижтимоий тўлов
	Иш берувчи	Ишловчи		Иш берувчи		
	Иш ҳақи фондидан	Товар ва хизматлар реализациясидан	Иш ҳақи миқдоридан	Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди		
	(А)	(Б)	(В)	(Г)		
2002	37,5	0,7	2,5	1,5	1,2	40,2
2003	35	0,7	2,5	1,5	0,7	37,2
2004	31,6	0,7	2,5	0,9	0,5	33
2005	30	0,7	2,5	0,5	0,5	31
2006	24,2	0,7	2,5	0,5	0,3	25
2007	23,5	0,7	2,5	0,3	0,2	24
2008	2,5	1	2,5	0,3	0,2	24
2009	23,6	1	3,5	0,2	0,2	24
2010	24,8	1,5	4	0,1	0,1	25
2011	24,8	1,6	4,5	0,1	0,1	25
2012	24,8	1,6	5,5	0,1	0,1	25
2013	24,8	1,6	6	0,1	0,1	25
2014	24,8	1,6	6,5	0,1	0,1	25
2015	24,8/14,8	1,6	7	0,1	0,1	25/15
2016	24,8/14,8	1,6	7,5	0,1	0,1	25/15
2017	24,8/14,8	1,6	8	0,1	0,1	25/15
2018	24,8/14,8	1,5	8	0,1	0,1	25/15

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг жамғармалари ихтиёрӣ ва мажбурий пенсия бадалларидан шаклланади. 2005 йилдан бошлаб фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб

³¹⁴Ўзбекистон Республикаси пенсия жамғармаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002-2017 йиллардаги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги қарорлари асосида тузилди.

ракамларига мажбурий қар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг конун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг 2 фоизи миқдориди амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги “Пенсиялар ва нафақалар тўлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2826-сонли Қарорига асосан 2017 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида пенсиялар ва нафақаларни тўлаш фақат Халқ банки томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Авлодлар бирдамлиги тамойили амал қиладиган давлат пенсия таъминоти тизимида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси асосий институт ҳисобланади. Пенсия жамғармаси маблағлари ишламайдиган ва ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш учун сарфланади.

Пенсия жамғармасининг даромадларини шакллантириш манбалари куйидагилар ҳисобланади:

✓ мажбурий тўловлар ва бадаллар:

- ягона ижтимоий тўлов тушумлари;
- алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий суғурта бадаллари;
- фуқароларнинг суғурта бадаллари;
- жисмоний шахслар айрим тоифаларининг суғурта бадаллари;
- корхона ва ташкилотлар маҳсулот (иш, хизмат) сотиш ҳажмидан
- мажбурий ажратмалар;
- бошқа тўловлар.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2002 йилда ягона ижтимоий тўлов таркибиди пенсия жамғармасига иш берувчилар томонидан амалга ошириладиган ажратмалар 37,5% ни ва мажбурий суғурта бадали 2,5% ни ташкил этгани ҳолда, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 24,8%ни (имтиёз тарикасида айрим соҳа вакиллари 14,8%ни), мажбурий суғурта бадаллари эса 8% ни ташкил этмоқда. 2015 йилдан бошлаб нодавлат сектор хўжалик субъектлари иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов 25% дан 15% га туширилди. Бу хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар учун катта имконият яратади (18.2-жадвал).

Пенсия жамғармаси даромадлари миқдори 2017 йилда мамлакат ялли ички маҳсулотига нисбатан 6,5%ни ташкил этди. Жамғарманнинг жами даромадларида солиқ тушумлари улуши 99,8%ни, солиқсиз тушумлар эса 0,2%ни ташкил этади. Таҳлиллар, жами даромадлар таркибиди ягона ижтимоий тўлов улуши 2011-2017 йилларда 61,0%дан 59,2%га қадар

кискариб, мажбурий сугурта бадали улуши 11,2%дан 23,1%га қалар ортганлигини кўрсатмоқда (18.3-жадвал).

18.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадлари таркибининг ўзгариши³¹⁵

	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Жами даромадлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
ЯИМга нисбатан % да	7,9	8,1	8,2	8,1	7,1	7,0	6,5
Шундан (жами даромадга нисбатан %да):							
1. Солик тушумлари	99,7	99,7	99,8	99,8	99,8	99,8	99,8
1.1. Ягона ижтимоий тўлов	61,0	60,9	61,2	62,3	60,7	59,8	59,2
1.2. Мажбурий сугурта бадали	11,2	13,9	16,4	17,3	20,7	21,3	23,1
1.3. Сотилган махсулот ҳажмидан ажратма	20,1	17,9	14,7	12,8	9,6	9,2	8,3
1.4. Бошқа даромадлар	7,4	7,0	7,5	7,5	8,8	9,5	9,2
2. Жами солиқсиз тушумлар	0,3	0,3	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
3. Давлат бюджетидан қоплашиши	0	0	0	0	0	0	0

Ушбу ҳолат иш берувчилар томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ва ёлланма ишчилар томонидан тўланадиган мажбурий сугурта бадаллари ставкалари ўртасидаги тафовутни кискариб бораётганлигидан далолат беради.

Пенсия жамғармаси харажатлари таркибига пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни молиялаштириш тартиби белгилаб берилган.

1. Ишламайдиغان фуқароларга:

- давлат пенсияларининг барча турлари;
- дафн маросими учун нафақалар;
- давлат пенсия таъминотига ҳуқуқи бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тўлаш учун.

³¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисоботлари асосида тузилган.

2. Ишлайдиган фуқароларга:
- давлат пенсияларининг барча турлари;
 - дафн маросими учун нафакалар;
 - 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига, яъни васийга бир ойда қўшимча дам олиш куни учун тўловлар;
 - конун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган компенсация тўловлари ва бошқа тўловлар учун сарфланади.

Пенсия жамғармаси харажатлари таркибида ишламайдиган пенсионерларга тўланадиган пенсия тўловлари салмоқли ўрин тутиб, 2016 йилда жами харажатларнинг 96,0%ига тенг бўлди (18.4-жадвал).

18.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси харажатларининг таркиби ва ўзгариши, жамига нисбатан фоиз ҳисобида³¹⁶

	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.
Ишламайдиган пенсионерларга пенсия тўловлари	94,6	96,2	96,6	96,6	9,7	96,0	96,0
Ишлайдиган пенсионерларга пенсия тўловлари	5,0	3,7	3,2	3,1	3,0	3,0	3,0
Бошқа тўловлар (нафакалар, дафн маросими учун нафакалар ва бошқалар)	0,3	0,1	0,3	0,2	0,3	1,0	1,1

Миллий пенсия таъминоти тизимини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири *Пенсия жамғармаси* даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш ҳисобланади. Бундан ташқари фуқаролар учун кексайганда муносиб турмуш тарзини таъминлашда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини риможлантириш муҳим аҳамият касб этади.

18.3. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг жорий этилиши ва амал қилиш механизми

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида

³¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисоботлари асосида тузилган.

катнашиш ҳуқуқига эга³¹⁷. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига куйидаги тартибда аъзо бўлиш мумкин:

- иш берувчилар ва меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси орқали амалга оширувчи фуқаролар мажбурий тарзда;

- яқка тартибдаги тadbиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари аъзолари, бошқа фуқаролар ихтиёрий тарзда.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод килиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақалари очилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланмайди. Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини қўпайтириш ҳамда уларни пул кадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағи — фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисоб-варағи бўлиб, бадал юритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағидаги маблағларга ҳисоблаб қўйилган фоизлар ана шу ҳисоб-вараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олади. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Халқ банки оладиган маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида тўпланган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳамда бу маблағлар ҳисобига берилган пенсиялар солиқ тўлашдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларида тўпланган пул маблағлари фақат ана шу ҳисоб эгалари бўлган фуқароларга тегишлидир. Уларнинг ўзлари, ишонч билдирган бошқа шахслар ёки меросхўрлардан бошқа ҳеч ким пул маблағини олиш ҳуқуқига эга эмас.

³¹⁷Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида" ги Қонуни 02.12.2004 йил Н702- II 5-модда.

Фукарлар шахсий жамғарма пенсия маблағларини олишлари давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлишдан пайтдан бошлаб бир вақтда ёки ойма-ой тенг улушларда олишлари мумкин, унинг шакли олувчи томонидан белгиланади. Ҳисоб-варақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади. Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фукарлар ўз жамғармаларини Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фукарларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини қафолатлайди. Фукарларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши Давлат томонидан қафолатланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотини амалга оширувчи Халқ банкининг сўнги йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари барқарор суратларни қайд этмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига Халқ банкининг кредит қўйилмалари ҳажми 1 трлн 883 млрд сўмни ташкил қилди. 2015 йилда банк томонидан 12109 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига 1 трлн 6,9 млрд сўмлик кредитлар ажратилиб, 2014 йилга нисбатан 134,8 фоизга ўсиши таъминланди. Жумладан, 7 581 та тадбиркорга ажратилган микрокредитлар ҳажми 305,9 млрд сўмни ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатан 1,4 баробарга ёки 138 фоизга ўсиши таъминланди³¹⁸.

Фукарларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Ҳисоб-варақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади. Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фукарлар ўз жамғармаларини бирданига олишлари мумкин.

“Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, ЖБПТ маблағлари қуйидаги объектларга жойлаштирилиши мумкин:³¹⁹

- Ўзбекистон Республикаси давлат қимматбаҳо қоғозларига;
- Ипотека облигацияларига;
- Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида муомалага чиқарилган ва листингдан ўтган корпоратив қимматбаҳо қоғозларга;
- Банклардаги миллий ва чет эл валютасидаги муддатли депозитларга;

318

³¹⁹Ваҳабов А.В., Мажидов Н.М. Монография Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сис­те­ма­си­ни амалга оширишдаги роли. Монография. Т.: Университет, 2017. Б.118.

•Конунчиликда белгиланган, Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан ҳар бир ҳолат учун алоҳида тасдиқланган ва “Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бади талабларига жавоб берадиган бошқа объектларга.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган даромад, халқ банки оладиган маржа суммаси чегириб ташлангандан сўнг, ҳар йили йил якунида фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағларига, улардаги мавжуд бўлган қолдиқ миқдорига мутаносиб равишда ўтказилади. ЖБПТ маблағларини жойлаштиришдан олинган маржани Халқ банки ва филиаллари орасида тақсимлаш тартиби Халқ банки томонидан белгиланади.

ЖБПТ маблағлари суд жараёнидан олдинги санагия чоралари кўрилаган ёки Ўзбекистон Республикасининг банкротлик тўғрисидаги конун ҳужжатларига асосан банкротлик жараёни кўзгатишган ёки охириги икки йил мобайнида ушбу жараёнлар қўлланилган эмитентларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш учун ишлатилиши мумкин эмас.

18.4. Ўзбекистон давлат пенсия таъминоти тизимини ислох этишининг устувор йўналишлари

Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимини ислох этиш зарурияти демографик ўзгаришлар, ижтимоий суғурта тизимини молиялаштиришда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш даражасини ошириш, пенсия тизими молиявий маблағларни тақсимлаш механизминини такомиллаштириш каби омиллар боғлиқ ҳисобланади.

Давлат пенсия таъминоти тизими 2017 йилда 3,3 млн дан ортиқ фуқароларни ўз ичига олиб, мамлакат аҳолисининг тахминан 10 фоизини қамраб олади. Бунда, ёшга доир пенсия олувчилари – 2 502,6 минг нафар, ногиронлик пенсия олувчилари – 360,3 минг нафар, боқувчисини йўқотганлик пенсия олувчилари – 168,5 минг нафар ва ижтимоий нафақа олувчилари – 294,1 минг нафарни ташкил этади.

Демографик ўзгаришларнинг пенсия таъминоти тизимига таъсири. Ўзбекистон Республикасида сўнгги йиллар давомида иқтисодий фаол аҳоли ҳиссасига ижтимоий бадаллар бўйича юклама тобора ошмоқда. Демографик башоратларга кўра, 2018-2025 йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши (1,2 млн кишига) ошиши кутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, Пенсия жамғармаси харажатларининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, 2016 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида пенсия тайинлаш учун йиллик мурожаатлар сонини ортиб бориши (йиллик ўртача ўсиш – 16 минг нафар фуқаро) кузатилмоқда ва 2025 йилга бориб 300 минг нафарга орташи кутилмоқда. Ёшга доир пенсия тайинлаш учун мурожаатларнинг асосий ўсиши, туғилиш даражаси юкори бўлган (50-60-

йиллардаги “Беби-бум”) даврда туғилган фуқароларнинг умумий белгиланган пенсия ёшига етиши билан боғлиқдир.

Мамлакат аҳолисининг қариб бориш кўрсаткичи шуни кўрсатадики, пенсия ёшидаги аҳолининг сони ўсиш тенденциясига эга (2010 йилдаги аҳолининг умумий сонига нисбатан 5,9 фоиздан 2018 йилга келиб 7,4 фоизгача). Статистик ташкилотларнинг маълумотларига кўра, 2019 йилдан бошлаб пенсия ёшидаги аҳоли сони 9 фоиздан ортади ва 2025 йилга бориб 11 фоизга етади (2011 йилдаги 6,2 фоизга нисбатан).

Шу билан бирга, фуқаролар пенсия таъминоти тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири бу пенсия ёши ҳисобланади. Дунёда ўртача пенсия ёши эркаклар ва аёллар учун 62 ёшни ташкил этса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 57,5 ёшни ташкил этади (аёллар учун 55 ёш, эркаклар учун 60 ёш).

Ижтимоий сугурта тизимини молиялаштиришда аҳолининг мутаносиб иштирокини таъминлаш зарурияти. Ижтимоий бадаллар миқдори ва тўловлар ўртасида мутаносибликка риоя этиш, банд бўлган аҳолининг пенсия таъминотини сугурталанганлик характерини таъминловчи асосий принцип ҳисобланади ҳамда пенсия тизимини молиялаштиришда ўзининг молиявий иштирокини рағбатлантирувчи таъсир механизми саналади.

Фуқароларнинг ижтимоий сугурта тизимида узлуксиз ва узоқ муддатли иштирокини рағбатлантириш механизми мураккаб ва шаффоф бўлмасдан қолмоқда, бунинг натижасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли 60 фоиз (қарийб 17 млн киши), тахминан 10,2 млн киши давлат ижтимоий сугуртаси билан қамраб олинмаган, яъни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ижтимоий ажратмаларни амалга оширмаётти.

Халқаро меҳнат ташкилотининг талабларига мувофиқ, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини барқарор ривожланиши учун бадал тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 1:4 даражада бўлиши кўрсатилган. Бирок, бугунги кунда Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўртача 1 : 1,5 га тенг. Таъқидлаш жоизки, пенсионерлар сонининг ишловчи аҳолига нисбати 2009 йилдаги 61 фоиздан 2017 йилда 66 фоизга ўсган.

Молиявий маблағларни тақсимлашдаги самарасиз инструментлар ва ижтимоий сугуртадаги рағбатлантирувчи механизмларнинг заифлиги. Пенсия жамғармаси маблағларининг сезиларли қисми имтиёзли пенсияларни молиялаштиришга сарфланади. Имтиёзли шартларда тайинланган пенсиялар улуши 592,4 минг кишини ёки жами тайинланган пенсияларнинг 19,5 фоизни ташкил этиб, шундан, ёшга доир пенсиялар 23,7 фоизни ташкил этади. Йилига ўрта ҳисобда 39,8 мингта имтиёзли пенсиялар тайинланмоқда. Шу билан бирга имтиёзли пенсияларнинг ўртача миқдори ёшга доир пенсияларнинг ўртача миқдоридан (543,2 минг сўм) юқори бўлиб, 3 – сонли рўйхат бўйича ўртача пенсиялар 742,6 минг сўмни,

2 – сонли рўйхат бўйича пенсиялар 951,3 минг сўми ва 1 – сонли рўйхат бўйича пенсиялар 1 025,4 минг сўми ташкил этади³²⁰.

Шунингдек, пенсия миқдори ва ходимнинг меҳнат давомийлиги улуши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам сезиларсиз. Амалдаги пенсия таъминоти тизими, 7 йилдан кам бўлмаган стажга эга бўлган шахсларга пенсия тайинланишини назарда тутди.

Ушбу ҳуқуқ фақатгина 7 йил ишлаб ва ўзининг бутун меҳнатга лаёқатлилик даври учун Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантиришда энг кам ҳисса қўшган шахсларга пенсия олиш имконини беради.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида”ги 102-сонли Конвенциясига мувофиқ, ёшга доир пенсияни тайинлаш учун талаб этиладиган энг кам иш стажи 15 йил килиб белгиланган. Дунёнинг кўплаб давлатлари, шу жумладан МДХ давлатларида талаб этилган энг кам иш стажи 10 – 15 йил даражасига етказилган.

Иш стажига нисбатан 7 йил давомийликдаги минимал талабнинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат ижтимоий сугуртасидаги иштирокида салбий таъсир ўтказмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда иш ҳақининг ўртача даражасида 30 йил иш стажига (талаб этилган – 25 йил) эга бўлган эркак кишининг пенсия миқдори билан 10 йиллик иш стажига эга бўлган (минимал талаб этилган – 7 йил) эркак кишининг пенсия миқдори ўртасидаги фарк тахминан 200 минг сўми ташкил этади.

Ишловчиларнинг ижтимоий сугуртадаги узок муддат ва узлуксиз иштирокни рағбатлантиришдаги заиф механизмлар уларни сугурта бадалларини тўламаслиқнинг янги усулларини қидиришга мажбур этади.

Буларнинг барчаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг пенсия таъминоти соҳасидаги асосий ёндашувларни қайта кўриб чиқишни такозо этади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси давлат пенсия таъминоти тизимини ислох концепцияси ишлаб чиқилиб, у қуйидаги устувор йўналишлар бўйича амалга оширилиши назарда тутилмоқда³²¹:

биринчидан, қуйидаги йўллар билан фуқароларни ижтимоий сугурталаш тизимида иштирок этишини рағбатлантириш механизмлари татбиқ этиш:

- ўртача ойлик иш ҳақининг миқдорини ошириш, пенсия тайинлаш учун энг кам иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача ошириш, бу тартибни аввал тайинланган пенсияларга ҳам татбиқ этишни кўзда тутиш;
- эркаклар учун 35 йил, аёллар учун 30 йил меҳнат стажидан кейин ишлаган ҳар бир йили учун энг кам иш ҳақининг 10% миқдоридан пенсияларига устамалар тўлаш орқали уларнинг пенсиялари миқдорларини ошириш;
- 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи бўлган аёллар умумий белгиланган ёшда пенсия расмийлаштирган тақдирда уларнинг пенсияларига энг кам иш ҳақининг 10% миқдоридан устама белгилашни жорий этиш;

³²⁰ http://www.pfru.uz/uz_Cyrl/page/518#_ftn1

³²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини янгида такомиллаштириш чоралари тўғрисида” қарори.

Иккинчидан, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида барча ишлаётган пенсионерларга пенсия тўловларини тўлиқ олиш ҳуқуқини бериш;

– зарур меҳнат стажига эга бўлмаган кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга тўланаётган нафақа сингари, III гуруҳ ногиронлари учун ҳам нафақа тайинлаш механизмиди жорий этиш;

– кексалар уйи (пансионат)да яшовчи ёлғиз пенсионерлар тайинланган пенсия миқдорининг 50% тўлаш ҳуқуқини белгилаш;

учинчидан, пенсия таъминоти тизимини, шу жумладан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида ихтиёрий иштирок этиш тадбирларини рағбатлантириш;

– зарур меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга давлат пенсияларини ҳисоблашда стажнинг ҳар бир етишмаётган ойи учун Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари суммасини бир марталик тартибда тўлаш ҳуқуқини бериш;

– ишловчи эр (хотин)нинг меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ҳисобидан ишламаётган оила аъзолари учун ихтиёрий равишда ҳар бир ой учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдориде суғурта бадаллари тўлаш ҳуқуқини бериш.

– жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган ҳисоб рақамларига ўтказиб бориладиган маблағлар ҳисобидан жозиябадор оралик бонусли пуллик тўловлар схемаларини қўллаш.

тўртинчидан, замонавий ва халқаро талабларга жавоб берадиган пенсия таъминоти тизимини шакллантириш, бунда:

• пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал стаж давомийлигини ҳар йили 2020 йилдан бошлаб бир йилдан ошириб, талаб этилган энг кам иш стажини 10 йилга етказиш;

• халқаро ҳамда МДХ мамлакатлари тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда босқичма-босқич пенсия ёшини ошириш.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг шаклланиш босқичларига хос хусусиятларни санаб ўтинг ва изоҳланг.

2. Ўзбекистон пенсия таъминоти ҳуқуқий-институционал асослари.

3. Ўзбекистон давлат пенсия таъминоти тизими қандай таркибга эга?

4. Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадлари таркибини таҳлил этинг ва ўзгариш йўналишларини аниқланг.

5. Ўзбекистон Республикаси Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси харажатлари таркибини таҳлил этинг.

6. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг амал қилиш механизмиди таҳлил этинг.

7. Ўзбекистон давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари шарҳланг.

Асосий тушунчалар

Давлат ижтимоий таъминоти — Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кексайганда, касаллик рўй берганда, меҳнатта лаёқатини қисман ёки бутунлай йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, шунингдек, болали оилаларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш давлат тизими.

Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари.

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи (балал киритувчи) — жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағи — фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисоб-варағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фойзалар ана шу ҳисоб-варақка келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

Тестлар

1. Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилганми?

- Берилган
- Берилмаган
- Таъқиқланган
- Қонунида бундай ҳолат кўзда тутилмаган

2. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишда танлаш ҳуқуқи қай тартибда ўрнатилган?

- Пенсия тўловларини ҳар ойда олиш ёки бир йўла олиш
- Пенсия тўловларини ҳар чорақда олиш ёки бир йўла олиш
- Пенсия тўловларини ҳар ярим йилда олиш
- Пенсия тўловларини йилда бир марта олиш

3. Халқаро меҳнат ташкилотининг талабларига мувофиқ, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини барқарор ривожланиши учун бадал тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати қандай бўлиши керак?

- а) 1 : 4
- б) 1 : 3
- в) 1 : 2
- г) 1 : 1,5

4. Ўзбекистонда фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини барқарор ривожланиши учун бадал тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати қандай?

- а) 1 : 1,5
- б) 1 : 4
- в) 1 : 3
- г) 1 : 2

5. Дунёда эркаклар ва аёллар учун ўртача пенсия ёши қанча?

- а) 62 ёш
- б) 60 ёш
- в) 61,5 ёш
- г) 57,5 ёш

6. Ўзбекистонда эркаклар ва аёллар учун ўртача пенсия ёши қанча?

- а) 57,5 ёш
- б) 62 ёш
- в) 60 ёш
- г) 61,5 ёш

7. Ўзбекистонда пенсия чиқиш ёши ...

- а) Аёллар учун 55 ёш, эркаклар учун 60 ёш
- б) Аёллар учун 57 ёш, эркаклар учун 62 ёш
- в) Аёллар учун 59 ёш, эркаклар учун 65 ёш
- г) Аёллар учун 65 ёш, эркаклар учун 66 ёш

8. Ўзбекистонда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун Пенсия жамғармасига неча йил суғурга бадали тўлашлари лозим?

- а) 7 йил
- б) 8 йил
- в) 9 йил
- г) 10 йил

9. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағи қайси банкда очилади?

- а) Халқ банки
- б) Саноатқурилиш банки
- в) Асака банки
- г) Ҳамкорбанк

10. Халк банки Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромядан маржа олиш ҳуқуқига эга. Ушбу маржа миқдори қайси давлат органи томонидан белгиланади?

- а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
- в) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
- г) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2012. 46 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 мартдаги “Аҳолини ижтимоий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий химоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 10.08.2015 йилдаги 327-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июндаги №165-сонли “Ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш ҳамда оилаларнинг жами даромадларини янада тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш тўғрисида”ги қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни ижтимоий химоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2015 йил 14 апрелдаги ПФ-4715-сон фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарори.

9. Ўзбекистонда “Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепцияси” лойиҳаси http://pfru.uz/uz_Cyrl/page/518/davlat-pensiya-taminoti-tizimini-islo-etish-konceptiyasi-loyiysi

10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2010. 56 б.
11. Мирзиёев Ш.М., Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.: Ўзбекистон, 2018. 80 б.
12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.
13. Human Development Report 2016. Human Development for Everyone. UNDP. Canada, 2016. 286 p.
14. Ehrenberg, Ronald G. Modern labor economics : theory and public policy / Ronald G. Ehrenberg, Robert S. Smith. Eleventh ed. USA, 2012. 682 p.
15. World Social Protection Report 2014/15: Building economic recovery, inclusive development and social justice International Labour Office – Geneva: ILO, 2014. 364 p.
16. Social Policy an Introduction-Forth edition/ Ken Blakemore, Louis Warwick-Booth/Open University Press/UK 2013. 376 p.
17. The Student's Companion to Social Policy. Fourth Edition. Edited by Pete Alcock, Margaret May, and Sharon Wright. / UK 2012. John Wiley & Sons Ltd. 496 p.
18. Understanding theories and concepts in social policy/ Ruth Lister/The policy press/UK 2010. 328 p.
19. Ministry of Social Security and Labour. The Social Report 2012-2016. Vilnius 2016. 162 p.
20. Social Work and Social Welfare: An Introduction, Sixth Edition. Rosalie Ambrosino, Robert Ambrosino, Joseph Heffernan, and Guy Shuttlesworth 2008. 360 p.

21. World Social Protection Report 2014/15: Building economic recovery, inclusive development and social justice International Labour Office – Geneva: ILO, 2014. – 364 p.
22. Introduction to Social Work in the South African context / Paul Mbedzi, Lulama Qalinge, Peter Schultz, Johannah Sekudu, Mimie Sesoko / Oxford University Press/ Southern Africa 2015. 218 p.
23. Социальная политика: Учебник для бакалавров / Под ред. Е.И. Холостовой. М.: Юрайт, 2012. 367 с.
24. Маргулян Я.А. Социальная политика: Учебник. Санкт-Петербург, 2011. 236 с.
25. Women at Work: Trends 2016 International Labour Office – Geneva: ILO, 2016. 138 p.
26. World Employment and Social Outlook 2016: Transforming jobs to end poverty International Labour Office – Geneva: ILO, 2016. 192 p.
27. Социальная политика: долгосрочные тенденции и изменения последних лет. Краткая версия доклада: К XVI апр. Междунар. науч. конф. По проблемам развития экономика и общества. М., 7-10 апр. 2015. / отв. ред. Я.И. Кузьминов, Л.Н. Овчарова, Л.И. Якобсон. Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». М.: Высшая школа экономики, 2015. 51, [1] с.
28. Уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати фаолиятини таъкил этиш методик қўлланмаси. Карманян М., Хасанбаев М., Аминов М. Т.: Baktria press, 2014. 100 б.
29. Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фанлар. Т.: Шарқ. 2003. 320 б.
30. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: Дарслик / Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. Т.: Иқтисодиёт. 2013. 418 б.
31. Вахабов А.В., Мажидов Н.М. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги роли: Монография. Т.: Университет, 2017. 128 б.
32. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни / “Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини

оширишда банк-молия тизимининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: Молия, 2009. Б. 15-23.

33. Вахабов А.В. Рахмонов Ш.И. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг пенсия тизимини ислоҳ этишга таъсири / “Ижтимоий ҳамкорлик – иктисодий муносабатларни эркинлаштириш омили” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Асосий қисм. Т.: 2014. Б. 20-31.

34. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида меҳнат бозори ҳолати ва аҳоли бандлигини оширишнинг устувор йўналишлари / “Иктисодийetni модернизациялаш шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли бандлигини ошириш йўллари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. I қисм. Т., 2015. Б. 3-14.

35. Вахабов А.В. Ўттиш иктисодийети мамлакатларида пенсия тизимини модернизациялаш истикболлари / “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истикболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: Университет, 2014. Б. 28-38.

36. Вахабов А.В. Ўзбекистонда пенсия таъминотини молиявий барқарорлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари / Пенсия тизимини молиялаштириш: хориж тажрибаси ва уни такомиллаштириш истикболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: Университет, 2016. Б. 15-21.

37. Вахабов А.В. Хажибакиев Ш.Х. Иктисодийetni модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигини ошириш барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш омили сифатида / “Иктисодий ислохотларни ҳозирги босқичида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш йўллари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Термиз, 2016. Б. 5-11.

38. Вахабов А.В. Миллий пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш механизми ва амалга ошириш дастаклари / “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. Т.: Iqtisod-Moliya. 2017. Б. 10-18.

39. Вахабов А.В. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини

таъминлаш муаммолари / “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: Университет, 2017. Б. 4-11.

40. Вахабов А.В. Бахтиёров Б.Б. Инсон капиталини инвестицион самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари / “Миллий иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва прогнозлаштириш” мавзусида илмий мақолалар тўплами. Т., 2017. Б. 5-12.

41. Вахабов А.В. Хажибакиев Ш.Х. Аҳолини ижтимоий химоя қилишнинг таркиби ва манзиллигини кучайтириш муаммолари: халқаро тажриба ва миллий хусусиятлар / “Ижтимоий соҳани модернизациялаш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т., 2018. Б. 14-24.

42. Бахтиёров Б.Б. Закирходжаева Ш. Ўзбекистон миллий пенсия тизимининг кекса аҳоли қатламларини ижтимоий химоя қилишдаги аҳамияти / “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусида вазирлик микёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Т., 2017. Б. 151-155.

43. Бахтиёров Б.Б. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий химоя қилиш тизимини манзиллигини кучайтириш йўналишлари. / “Ижтимоий соҳани модернизациялаш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т., 2018. Б. 175-179.

44. Доклад о социальной защите в мире 2014/15: обеспечение экономического восстановления, инклюзивного развития и социальной справедливости / Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии. М.: МОТ, 2015. 436 с.

45. Доклад по целям и развитию тысячелетия Узбекистана 2015 / Под ред. Г.К. Саидовой. Т.: Центр экономических исследований, 2015. 100.

46. Здоровье и здравоохранение в Нидерландах / Под ред. А.Й.П. Шрийверса. К.: Сфера, 1998. 324.

47. Медков В.М. Демография. М.: Инфра – М, 2008. 138 с.

48. Щербачова Е.М. Мировой демографический барометр (электронный ресурс): ДемоскопWeekly. 2011. № 481-482. URL:<http://demoscope.ru/weekly/2011/0481/barom01.php>(дата обращения: 26.05.14)

49. Рунова Т.Г. Демография: Учебное пособие. М.: МГИУ, 2002. 564 с.

50. А.М. Дзядзько, И.И. Новик, М.Ю. Масюк, В.С. Караник. Система здравоохранения США: взгляд белорусских специалистов // *Медицинские новости*. 2014. №7. С. 37-50.

51. Измерения бедности и социальной интеграции в ЕС: достижения и дальнейшие улучшения. Рабочий документ 25. Подготовлен Евростатом. 2014. 20 января. С. 20.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР

- 52. www.gov.uz
- 53. www.stat.uz
- 54. www.mehnat.uz
- 55. www.mf.uz
- 56. www.minzdrav.uz
- 57. www.pfru.uz
- 58. www.undp.org
- 59. www.ilo.org
- 60. www.who.org
- 61. www.worldbank.org
- 62. www.unstats.un.org
- 63. www.oecd.org

АБДУРАХИМ ВАСИКОВИЧ ВАХАБОВ
ШУХРАТ ХЎЖАЁРОВИЧ ХАЖИБАКИЕВ
БОБУР БАХОДИР ЎҒЛИ БАХТИЁРОВ
ВА БОШҚАЛАР

**ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

Дарслик

*Мухаррир Ш. Базарова
Бадий муҳаррир К. Бойхўжаев
Компьютерда саҳифаловчи З. Улутбекова*